ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

О. Бобожонов, К. Жуманиёзов

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ

Олий ўқув юртларпаро илмий услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан дарслик мақоми берилган

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти
Тошкент - 2005.

Б-80. ББК 65.9 (5У) 262.74
Бобожонов О., Жуманиёзов К. «Бошқарув ҳисоби» дарслик - Т., ТДИУ, 2005 й. 368 бет.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини муваффақиятли юритиш, тижорат фаолиятини ривожлантириш ва рақобатбардошликни мустаҳкамлаш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Ушбу китобда хўжалик фаолиятини башорат қилиш, режалаштириш, амалга ошириш, назорат қилиш ва баҳолаш ривожланган давлатларнинг амалий тажрибасига ҳамда тегишли низом ва стандартларга асосан ёритилган.

Кўрилаётган назарий ва амалий масалаларни ёритишда ривожланган давлатларнинг амалиёти ва бухгалтерия ҳисобининг меъёрий ҳужжатларига киритилган кейинги ўзгартиришлардан кенг фойдаланилган. Китобда бошқарув ва молиявий ҳисобларнинг ўзаро алоқалари ва фарқи, маблағлардан фойдаланишни бошқариш, инвестиция фаолиятини баҳолаш, лойиҳаларни қабул қилиш ва сегментлар бўйича ҳисобни юритиш ҳамда ҳисоботни тузиш тартиблари халқаро амалиётга асосан мисоллар билан чуқур ёритилган.

Ушбу китоб олий ўқув юртларининг бакалавриат ва магистратура талабалари учун дарслик сифатида тавсия қилинган. Бундан ташқари мутахассис бухгалтерлар, аудиторлар, менеджерлар, молиявий директорлар ва солиқ назоратчилари ҳам ундан ўқув қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

В условиях рыночной экономики для благополучного ведения хозяйственной деятельности, развития коммерческой деятельности и укрепления конкурентоспособности хозяйствующих субъектов требуется глубокое изучение нормативно-правовых документов.

В данной книге, на основании практической деятельности субъектов развитых государств, соответствующих положений и стандартов освещены прогнозирование, осуществление действий, контроль и оценка деятельности субъекта. При раскрытии теоретических и практических вопросов, широко использована практическая деятельность развитых стран и последние изменения, внесённые в нормативные документы бухгалтерского учёта. В книге, на основании международной практики глубоко освещены взаимосвязь и различия между управленческим и финансовым учётами, управление над использованием средств, оценка инвестиционной деятельности, принятие проектов, ведение учёта по сегментам и составление сегментарной отчётности.

Данная книга рекомендуется в качестве учебника для студентов высших учебных заведений в бакалавриате и магистратуре. Кроме того, рекомендуется использовать в качестве учебного пособия дипломированным бухгалтерам, аудиторам, менеджерам, финансовым директорам и налоговым инспекторам.

In the conditions of market economy it is imperative to deeply study normative-legal documents for favorable conduction of activity, development of commercial activity and strengthening of compatibility of economic entities.

The book covers the forecasting, realization of activities, control and evaluation of the activity of subjects upon revelation of theoretical and practical issues on the basis of practical activity of the subjects of developed countries; it widely utilizes the practical experience of developed countries and recent changes introduced to normative documents of accounting. On the basis of international practice, the book lightens up the interrelation and differences between managerial and financial accounting, management of utilization of funds, evaluation of investment activity, acceptance of projects, keeping records by segments and preparation of segment accounting.

The present book is recommended as a manual for bachelor and masters students of higher educational establishments. In addition, the book is recommended as a manual for certified accountants, auditors, managers, financial directors and tax inspectors.

Масъул муҳаррир: О.Бобожонов

Тақризчилар: ТДИУ «ТИФда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг мудири, и.ф.д., профессор Н.Жўраев,
ТДИУ «Бухгалтерия ҳисоби» кафедрасининг мудири, профессор С.Воҳидов, и.ф.н., доцент К.Бозоров.

№ Ук 29576

© Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005.

КИРИШ

Бозор иқтисодиети шароитида унинг объектив қонунларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётда хўжалик юритувчи субъектнинг тутган ўрни ўзгача кашф этади. Унинг самарали фаолият кўрсатиши ҳақиқий иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, бозор шароитида рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва қиймати бўйича тутган ўрни (обрўси)ни сақлашни таъминлайдиган бошқарув фаолиятига боғлиқдир. Ушбу талабларидан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини ёритадиган ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда зарур бўлган ахборотлар тизимини ташкил қилишга бошқача ёндашишни талаб қилмоқда. Молиявий ҳисоб (бухгалтерия ҳисобининг асосий қисми) амалиётдаги ахборот тизимининг асосий қисми бўлиши билан бирга ҳамма даражадаги бошқарув ходимларини (звено бошлиғидан то субъектнинг раҳбаригача) тегишли ахборотлар билан старлича ва ўз вақтида таъминлаб бераолмайди. Молиявий ҳисоб ўзининг бажарадиган вазифасига молик бозор иқтисоди шароитида хўжалик юритувчи субъектнинг ички фаолиятини бошқариш учун ишлаб чиқарилиши лозим бўлган, узоқни кўзлаган (стратегия) ва тезкор (тактика) тадбирларни ишлаб чиқиш учун зарур маълумотларни старли даражада йиғиб тақдим қилаолмайди.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ишбилармонлик фаолияти юзасидан бошқарув қарорларини қабул қилишда бизнес режа, меъёрий, технология, ҳисоб ва аналитик маълумотларга асосланади. Бошқарувнинг асоси бўлган назорат ва мосланитириш (тартибга солиш) бизнес-режа маълумотлари билан тезкор ҳисоб маълумотларини таққослаш натижасидагина амалга оширилади. Бошқарув қарорларининг натижаларини баҳолаш ва уларнинг бажарилишининг масъуллиги фақатгина ички ҳисобот маълумотларига асосан амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъект келгусидаги ривожланишини режалаштириш ва муқобиллаштириш ўзига хос усуллар ёрдамида ҳисобланган аналитик ҳисоблашларга асосланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг информация тизимида ушбу вазифани фақатгина бошқарув ҳисоби бажаради (1- ва 2- бобда кенг ёритилган).

Бозор иқтисодиётининг қонун ва талабларини чуқур ўрганиш натижасида бухгалтерия ҳисобининг халқаро амалиётига асосланиб XX асрнинг 40-50-йилларида, Ўзбекистонда эса XX асрнинг охирида бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобидан ажратиб чиқарилди. Чунки бу замон талаби бўлиб хўжалик юритувчи субъект ишбилармонлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда рўёбга келди. Натижада бошқарув ҳисоби ўзига хос ажралиб турган хусусиятлари ва белгиларига, услубига, усулига ва ҳисобни юритиш принципларига эга бўлди. Ушбу шароитдан келиб чиқиб у иқтисодий билимнинг мустақил бўғини сифатида фаолият кўрсатишни бошлади.

Ушбу фанни ўрганаётган ҳар бир шахс бозор иқтисодиёти шароитида товарни сотиш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойда олишга йўнал-

тирилган ва қўйилган мақсадларга эришиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг инвестициялаш фаолиятини бошқариш механизми сифатида тушунчага эга бўлиш, молиявий ва бошқарув ҳисобларининг фарқи ва ўхшашликларини билиб олиши, бошқарув ҳисобининг моҳияти ва заруриятини аниқ мисолларга таянган ҳолда асослаб бериш имкониятига эга бўлиши зарур.

Аниқ бир хўжалик юритувчи субъектнинг шароитларига мослантириладиган бошқарув ҳисобининг тизими бошқарувнинг мақсади ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда танланиши ёки ишлаб чиқилиши лозим.

Бошқарув ҳисобининг вазифаларини бажаришнинг шарт эканлигини далилларга асосан исботлаш ва ички ҳисоб ҳамда назорат тизимини тузишда унинг принципларини қўллаш лозимлигини тушунтириш керак.

Бошқарув ҳисобини ўрганаётганда унинг ўзига хос принципларига асосий эътиборни қаратиш лозим:

- ишлаб чиқаришнинг бизнес-режасини тузишда ва уни ҳисобга олишда ўлчовнинг бир хил режа-ҳисоб бирлигидан фойдаланиш;
- хўжалик юритувчи субъект бўлинмаларининг фаолиятини баҳолаш;
- зарур бўлган ахборотларнинг тўлиқлиги ва мукаммаллиги;
- хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ёритишда даврийлик;
- сарфланган харажатлар устидан бюджет (смета) ва меъёрий назоратни ўрнатиш.

Мамлакатимизда бозор иқтисоднёти шароитида бухгалтерия ҳисобига эътиборнинг ошиши, «Бухгалтерия ҳисоби ҳақида қонун»нинг қабул қилиниши, ушбу қонунга асосан ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини чуқур ўрганиб, миллий стандартларнинг қабул қилиниши ва ниҳоятда олий ўқув юртларида бошқарув ҳисобини мустақил фан сифатида ўрганиш жараёни ушбу дарсликни яратиш заруриятини туғдирди. Мазкур дарсликни ёзишда олий таълим муассасаларида ушбу фанни ўқитишда тўпланган тажрибалар, дунёдаги етакчи иқтисодчи олимлар, амалиётчилар, халқаро ва миллий стандартлар, USAID-PRAGMA ўқув материалларидан фойдаланилди.

Ушбу дарслик «Бошқарув ҳисоби» фани бўйича тузилган дастурга асосан ёзилган. Унда хўжалик юритувчи субъект аниқ фаолиятининг турларига таллуқли бошқарув ҳисобининг қуроли сифатида кўрсатишга ҳаракат қилинган ва ички фойдаланувчиларнинг ахборотларга бўлган талаби инобатга олинган.

Мазкур дарслик 9 бобдан ташкил топган.

Унинг 1- ва 2-бобларида бошқарув ҳисобининг назарий асослари ёритилган бўлиб, унда:

- хўжалик юритувчи субъектнинг ахборотлар тизимида бошқарув ҳисобининг аҳамияти ва тутган ўрни ёритилган;
- бошқарув ҳисобини бухгатерия ҳисобининг умумий тизимидан чиқаришнинг заруряти асосланган;
- бошқарув ҳисобининг моҳияти, объекти, усуллари, услуби, таркибий қисми,

бажарадиган вазифаси, тузилиш принципларн ва унинг тизими ёритилган;

- бошқарув объекти ва бошқарув ҳисобининг объектлари таққосланиб таснифи берилган;

- молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисобининг ўхшашлиги ва фарқи алоҳида таҳлил асосида ёритилган.

Бошқарув ҳисобининг тизими қуйидаги асосларга таянган ҳолда туркумлантирилган:

- маълумотларни қамрашнинг кенглигига;

- молиявий ва бошқарув ҳисобининг ўзаро алоқаларининг даражаси бўйича;

- тезкорлик, тўлиқлик даражаси ва маҳсулотнинг таннархига қўшилиши.

Ушбу бобда асосий эътибор бошқарув ва ҳисоб объектларининг ўзаро алоқаларига қаратилган.

3-, 4- ва 5-боблар хўжалик юритувчи субъектнинг таъминот-тайёрлаш, ишлаб чиқариш, молиявий, сотиш ва ташкилий фаолиятини таснифлайдиган маълумотларни йиғиш, кузатиш, ўлчаш, гуруҳлаштириш ва аналитик ишлов беришга бағишланган.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш мақсадида харажатларни туркумлантириш, баҳолаш усули кенг ёритилган ва уларни ҳисобга олиш тизимига тасниф берилган. Ишлаб чиқариш харажатларининг ҳозирги давр-даги модули ва хўжалик фаолиятининг натижаларига кенг ўрин берилган.

Масъулият марказлари ва рентабеллик даражаси айрим ҳолда берилган ва унга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш ва назорат кўрсаткичлари, харажат марказларининг шакллашиш шартлари, масъуллик даражаси ва рентабеллик кўрсаткичлари айрим берилган.

Мазкур дарсликнинг 6-, 7-, 8-бобларида хўжалик юритувчи субъектнинг таннархини бошқариш, баҳолаш ва инвестиция қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ва уларни таҳлил қилишга бағишланган. Айниқса, ишлаб чиқариш харажатларини режалаштириш ва меъёрлаштириш,-асосий-ўзгарувчан харажатлар бўйича меъёрларни ишлаб чиқиш шартлари, смета ва бюджетларни тузиш усуллари кенг ёритилган. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш харажатларини меъёрлаштириш ва режалаштириш, моддий ва меҳнат сарфлари бўйича сметаларни ишлаб чиқиш шартлари мисоллар билан кенг ёритилган. Ушбу бобларда сарфлар устидан меъёрий ва бюджет назоратини ўрнатиш усуллари ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг асосий йўналишлари очиб берилган. Сарфланаётган харажатларни назорат қилиш ва тартибга солиш, бизнес-режа, меъёрлаштириш, ҳисоб ва таҳлил қилиш маълумотларидан фойдаланиш асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқарилган маҳсулот, бутом, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини калькуляция қилиш тизими айрим олинган ҳолда ёритилган. Жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган калькуляция усуллари ҳисобланган стандарт-кост, абзорпшн-костинг, директ-кост ва меъёрлаштириш усуллари, ишлаб чиқариш сарфлари ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг бошқа илюр усуллари ҳар

томонлама чуқур ва мисоллар билан ёритилган.

Бундан ташқари, китобнинг кейинги бобида бошқарув қарорининг қуйидаги асосий мақсад - йўналишларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ахборотларни йиғиш тартиби уларнинг хусусиятлари ва қўйилган талаблар ёритилган:

- ишлаб чиқарилган маҳсулот, буюмлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини пасайтириш йўллари;
- товар-моддий захираларга ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларга сарфланган харажатларни камайтириш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ҳажми ҳисобига олинадиган фойданинг ҳажмини кўпайтириш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ва хизматларга ўрнатиладиган муқобил баҳоларни ҳисоблаб чиқиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот ва буюмларнинг турларини бошқариш;
- янги маҳсулотлар ва буюмларни ишлаб чиқариш;
- капитал қўйилмалар ва инвестицияларнинг вариантларини ишлаб чиқиш.

Бошқарув ҳисобига тааллуқли бўлган айрим масалалар, тезкор ҳисоботни тузиш, фаолиятни иқтисодий таҳлил қилиш ва натижасини баҳолаш билан хўжалик юритувчи субъектнинг бўлим ва цехлари шуғулланмоқда. Натижада бу ахборотлар сочилиб кетган ва ушбу маълумотлардан ўз вақтида комплекс фойдаланишнинг имконияти йўқ. Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини таҳлил қилиш кечиккан ҳолда, яъни асосий иқтисодий кўрсаткичлар шаклланган ва уларга таъсир қилиш имконияти бой берилгандан кейингина амалга оширилади. Шу билан бир қаторда кўпчилик субъектларда бўлим ва цехларнинг фаолияти чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиниб баҳоланмайди.

Халқаро стандартларга таянган ҳолда Ўзбекистонда ўтказилаётган миллий бухгалтерия ҳисобидаги шакл ва мазмуни бўйича тубдан ўзгартиришлар асосий мақсадлардан бири бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг ички бўлинмаларини бошқаришнинг самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Шу билан бир қаторда бошқарув ҳисоби тизимини субъектларнинг масъул ходимларига тушунтириш ва амалиётга татбиқ қилишга ёрдам бериш ҳисобланади.

Ҳар бир боб чуқур ва ҳар томонлама тегишли меъёрий ҳужжатларга асосан ёритилгандан кейин унинг охирида хулосалар келтирилган бўлиб, унда ўрганилаётган муаммонинг асосий калитлари ёритиладиган дақиқаларга ўқувчининг эътибори қаратилади.

I-БОБ

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1.1. Бошқарув ҳисоби ва унинг концептуал асослари

Бизнинг бухгалтерия амалиётида аввалари бошқарув ҳисоби тушунчаси мавжуд эмас эди. Бироқ, бу нарса унга ўхшаш тушунчалар умуман йўқ эди, деган маънони билдирмайди. Чунки, бошқарув ҳисоби ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг асосида юзага келган. Бизда бошқарув назоратининг кўпгина масалалари тезкор-техника ҳисобининг предмети бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, хориждаги бошқарув ҳисобида қўлланиладиган усул ва услублар мамлакатимизда субъектларнинг хўжалик фаолияти таҳлилининг назариясида ўрганилади.

Бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг алоҳида бир бўлими сифатида Ғарб мамлакатларида асримизнинг 50-60- йилларида юзага келган. Унинг баъзи бир элементлари яна ҳам аввалроқ, яъни асримизнинг бошларида пайдо бўла бошлаган. Бизнинг мамлакатда эса 90-йилларга келиб бошқарув ҳисоби тўғрисида мулоҳазалар юритила бошланди.

Бошқарув ҳисоби нима? Дастлаб тушунчанинг моҳиятини аниқлаб олайлик. Ҳозиргача айрим олимлар ҳисобнинг бу турига бошқарув қарорларини қабул қилишга йўналтирилган харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш сифатида таъриф бермоқдалар. Бу қисман тўғри, албатта. Чунки, бошқарув ҳисоби ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва таннархини калькуляция қилишдан кенг тушунчадир. Агар харажатларнинг ҳисоби ва таннархини калькуляция қилиш, ишлаб чиқариш харажатларини акс эттириш, таннархни калькуляция қилишнинг услубияти ва техник тарафига йўналтирилган бўлса, бошқарув ҳисоби мавжуд ҳолатни таҳлил этиш, қарор қабул қилиш, ресурслардан фойдаланиш ва таннархнинг шакллашишини бошқарин, харажатларнинг меъёрдан четга чиқишини таҳлил қилиш ва бошқаларни қамраб олувчи маълумотларга истеъмолчиларнинг талабларини ўрганишга йўналтирилади, яъни бир сўз билан айтганда, у ишлаб чиқаришни оптималлаштиришнинг фаол қуролига айланади.

Шу билан бир қаторда, айрим иқтисодчи олимларимиз бошқарув ҳисобининг янада кенгроқ таърифини беришга ҳаракат қилишмоқда. Бу таъриф бўйича бошқарув ҳисоби харажатлар ва даромадларнинг ҳисоби, бутун хўжалик фаолиятининг, шу жумладан, капитал қўйилманинг самарадорлигини ҳисобга олиш ва хўжалик жараёнларини оптималлаштириш усулларини ўз ичига олмоқда. Иқтисодий адабиётларда юқоридагиларга ўхшаган жуда кўп таърифлар мавжуд, бироқ, ҳозиргача бошқарув ҳисоби бўйича ягона бир таърифга тўхталинганг йўқ.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бир гуруҳ иқтисодчи олимлар бошқарув

ҳисобининг таркибий қисмига диққатни қаратишаётган бўлса, бошқа бирлари бажарадиган вазифасига кўпроқ эътибор бермоқдалар.

Ушбу иқтисодчи олимларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига таяниб қуйидаги таърифларни бериш мумкин:

1. Бошқарув ҳисоби - бу фақатгина шу кунларда бизнинг амалиётда қўлланилаётган ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишдангина иборат эмас.

2. Бошқарув ҳисоби фақатгина ҳисобни (бухгалтерия ва тезкор ҳисобни) эмас, балки ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш ва уларнинг таҳлилини ҳам ўз ичига олади.

3. Бошқарув ҳисоби истиқболни белгилашга, қарор қабул қилишга ва бошқарувга зарур бўлган маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши устидан назорат қилишга алоҳида эътиборни қаратади.

4. Бошқарув ҳисоби ҳисоб ва таҳлил вазифаларидан ташқари, харажатлар, маҳсулот ишлаб чиқариш, алоҳида турдаги маҳсулотларнинг рентабеллиги ва қарор қабул қилиш устидан бошқариш функциясини ҳам бажаради.

Бошқарув ҳисоби ички эҳтиёжга мўлжалланиб субъектнинг раҳбариятини бошқарув учун лозим бўладиган маълумотлар билан таъминлаб бериш керак экан, унинг маълумотлари қандай бўлиши керак, деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Бошқарув ҳисобининг маълумотлари қуйидаги кўринишларда бўлади:

1. Субъектнинг маълумот оладиган бошқарув ходимининг бошқарадиган қисмига тегишли бўлиши лозим, чунки ишлаб чиқариш раҳбарини сотиш харажатлари ҳақидаги маълумотлар қизиқтирмайди.

2. Истиқболни режалаштиришни ҳам ўз ичига олиши керак.

3. Қуйидаги икки талабни қондириши лозим:

а) фойдали бўлиши;

б) уни олишга кетган харажатлар жуда қимматга тушмаслиги лозим, яъни маълумот аҳамияти билан уни олиш учун кетган харажатлар биринчисининг фойдасига ҳал бўлиши керак.

Ушбу маълумотлар бошқарувчилар томонидан турли қарорлар қабул қилишда ишлатилади. Бу қарорларни қуйидаги 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

а) молия билан боғлиқ қарорлар - субъектнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўладиган маблағнинг миқдорини аниқлаш (қурилмалар сотиб олиш ва жорий фаолият учун маблағлар) ва молиялаштириш манбалари (ўзининг ва қарзга олган маблағлари) ҳақидаги қарор қабул қилиш;

в) маблағлардан фойдаланиш бўйича қарорлар - субъектнинг сармоясини қандай қилиб самарали ишлатиш кераклигини аниқлаш;

с) ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорлар - қандай маҳсулотларни ишлаб чиқариш кераклигини ва уларни қачон, қандай талаблар ҳисобига ишлаб чиқариш кераклигини аниқлаш;

d) маркетинг бўйича қарорлар қабул қилиш - маҳсулотнинг баҳосини

ва реклама харажатларини, сотиш бозорларини ўрганиш ва уларни забт этиш йўлларини аниқлашдан иборатдир.

Демак, бошқарув ҳисобида бухгалтерия ва таҳлил қилиш натижалари маълумотларидан фойдаланилар экан.

Бошқарув ҳисоби ўз вазифаларини хўжалик ҳисобининг ҳар учала турини жорий этиш билан ҳамда назорат, бошқариш ва иқтисодий таҳлил функциялари воситасида амалга оширади.

Шундай қилиб, умумий (молиявий) ҳисобнинг объектлари, яъни мол стказиб берувчилар, харидорлар билан ҳисоблашиш, молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилишини бошқариш, ишлаб чиқаришни ўрганиш ҳолатлари ва ҳоказолар билан бошқариш яққол ифодаланган, даврий хусуситга эга бўлмаган бир пайтда ёпиқ бошқарув тизими пайдо бўлади.

Бошқарув ҳисоби - бу субъектдаги умумий ҳисоб тизимининг четга чиқишлар бўйича бошқарув усулларини кенг қўллаган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби, тезкор-техник ва статистик ҳисоб функцияларини иқтисодий таҳлил, режалаштириш, назорат, тартибга солиш ва истиқболни белгилаш функциялари билан ўзаро ҳамкорлигини таъмин этадиган қисмидир. Ундан ташқари, бошқарув ҳисоби доирасига харажатларнинг ҳосил бўлиш жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобга олиш, ҳисобнинг илғор тизим ва усулларини яратиш ҳамда татбиқ этиш ҳам киради.

Бошқарув ҳисобининг мазмуни кўриб чиқилаётганда, хорижий мамлакатларда унинг умумий бухгалтерия ҳисоби тизимидан ажратиш сабабини аниқлаш лозим бўлади. Шу билан бирга, бизнинг мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг бу икки турини ажратишнинг қанчалик мақсадга мувофиқлигини аниқлаш зарур ҳамда унинг бошқарув тизимидаги ўрнини очиб бериш керак.

Хўжалик қарорларини қабул қилувчи бир гуруҳ шахслар учун маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш бўйича ҳар хил йўналишга эга бўлган режалаштириш, таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш, назорат мақсадида ахборотларни шакллантириш ва сақлаб қолиш бўйича қўшимча функциялар пайдо бўлди.

Бухгалтерия ҳисоби тезкорлик ва таҳлилийликни эгаллаб бораяпти. Бухгалтерлар ишлаб чиқариш харажатларига, ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми ҳисобига ҳамда нафақат бутун субъектнинг, балки унинг бўлимлари бўйича ишлаб чиқариш дастурларининг бажарилишини баҳолашга катта эътибор бермоқдалар.

Капитал тўплаш, ташқи ва ички рақобат, инфляция, ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг бирмунча ўсиши, трансмиллий корпорацияларнинг тузилиши ва фаолият кўрсатиши каби шароитларида ҳисобнинг анъанавий усуллари бошқарувнинг талабларига жавоб беролмай қолди.

Бошқарувнинг самарадорлик тамойили бошқарув ҳисобининг пайдо бўлиш зарурлиятини олдиндан белгилаганлиги натижасида аста-секин ҳар хил давлатларда «ишлаб чиқариш ҳисоби» атамаси «бошқарув ҳисоби»га алмаштирилди. Бироқ, бу фақатгина терминологияни ўзгартириш бўлди, балки бухгалтерия ҳисоби тизимининг ташкилий ва услубий ўзгаришига эришиш лозим

эди. У икки тармоққа, яъни молиявий ва бошқарув ҳисобига бўлинган эди.

Шу пайтда корхоналарда иккита бухгалтерия тузилаётган эди: молиявий ва бошқарув бухгалтерияси. Ҳар бири ўзининг мақсадларига, вазифаларига ва функцияларига эга. Шунингдек, калькуляцион бухгалтериянинг тузилиши бўлинишга асос бўлди.

Калькуляция ҳисоби дастлабки сметаларни тузиш: аниқ санага харажатларни аниқлаш, харажатларни ва уларнинг ўзгаришини назорат қилувчи механизмни ишлаб чиқиш, олдиндан тузилган сметаларнинг ижобий ва салбий фарқларининг чиқиши, пайдо бўлган фарқларни ва ишлаб чиқариш харажатларини бошқаришни ташкиллаштиришнинг тезкор таҳлилини ўтказишларда ҳисобга олинар эди. Янги ишлаб чиқариш муносабатларига бухгалтерия ҳисоби ва унинг таркибий қисмларини ташкиллаштириш яна ҳам мос келиши керак.

Авваламбор бошқаришнинг мақсадлари ўзгарди, кейин эса калькуляция ҳисобига бўлган талаб ҳам ўзгарди, чунки қуйидаги мақсадларда калькуляция қилиш талаб қилинар эди:

1. Жавобгарлик маркази бўйича - технология жараёнларига амал этишни ва улар рўй бераётган бўлимларнинг фаолиятини назорат қилиш учун;

2. Буюмларнинг номлари бўйича - буюмларга сарфланган тўлиқ харажатларни ва уларга қўйилган баҳоларни ҳисоблаш учун;

3. Маҳсулотнинг турлари бўйича - қисман харажатларни ҳисоблаш ва инвестицияларни назорат қилиш учун.

Шундай қилиб, таннархнинг ҳар хил турлари бошқаришнинг турли мақсадлари учун зарур. Бунинг ҳаммаси марказлаштирилмаган тамойил бўйича ташкиллаштирилган ички ишлаб чиқариш бухгалтериясининг ташкил этилишига олиб келди. Бошқарув ҳисобининг децентрализацияси деганда, субъектнинг таркибидаги фаолият кўрсатаётган фирмаси ва бўлимлари орасидаги алоқали йўллар усулли ахборотли тизимни тузиш; ахборотни тезкор йиғиш ва қайта ишлашни таъминлаш; таркибидаги бўлимнинг фаолиятини ҳозирги кунда режалаштириш; моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг сарфлари даражасини тезкор назорат қилиш кабилар тушунилади.

Бошқарув ҳисобининг кейинги ривожланиши ва такомиллашиши турли давлатларнинг бухгалтерия ҳисоби миллий тизими доирасида ўтди. Ғарбий ҳисобнинг ривожланиши умумий мойиллик ва ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бугунги кунда бошқарув ҳисобининг юзага келиши ва ривожланишининг қуйидаги босқичларини санаб ўтиш мумкин:

1. Технология жараёнларида муҳандислик назоратининг кучли воситаси бўлган «стандарт-кост» тизимининг юзага келиши. Бу тизимнинг ривожланиши нафақат харажатларга, балки субъектнинг даромадларига ҳам стандарт ўрнатиш имкониятини беради. Энг муҳими, субъектнинг ҳақиқий харажатларини белгиланган стандартлардан четга чиқишлари бўйича бошқарининг ташкил этиш имкони юзага келади.

2. Таҳлилга «муҳим нуқта» атамасининг кириб келиши ва харажатларнинг ўзгарувчан ва доимий турга бўлиниши. Бу босқич ишлаб чиқаришда хўжалик ҳисобининг ривожланишига ва унинг тамойилларини бошқарувнинг турли бўғинларида жорий этишга катта таъсир қилади.

3. Соф (нетто) даромад (биздаги фойда) ва брутто даромад (фойда пулюс доимий харажатлар) каби категорияларни ишлатиш имконини берадиган «директ-костинг» тизимининг юзага келиши. Бу барча бухгалтерия ҳисоби билан режалаштиришни қўшиб олиб бориш имконини яратди. Бу тизим ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмайдиган шароитда катта аҳамият касб этади.

4. Иқтисодий-математик усуллар ва имитация, ҳисоб-китоб техникаларининг қўлланилиши бошқарув ҳисоби предметининг олдига қўйилаб вазифалар қўйиш имконини беради. Бу вазифалар ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулот гуруҳи (партияси)нинг ҳажмини режалаштириш, заҳираларни бошқариш ва назорат қилиш, харажатлар ва даромадлар ҳисоби модулларини яратиш билан боғлиқ вазифалар ва бошқалардир.

5. ЭҲМларнинг кенг қўлланила бошланиши бухгалтерия ҳисобида ўтмишда бажарилишнинг иложи бўлмаган вазифаларни ҳал қилиш имкониятини яратмоқда.

6. Кибернетика, бошқарув умумий назариясининг ривожланиши бу фанлар категориясида бошқарув ҳисоби тушунчасининг тан олинишига олиб келди. Субъектларнинг ахборот таъминоти такомиллашди, баҳоларни, меъёрни бошқариш ва ҳоказолар бухгалтерия ҳисобида кенг қўлланила бошланди.

Ҳозирги вақтда бошқарув ҳисобининг ривожланиши субъектларнинг молиявий иқтисодий модулларини ишлаб чиқиш йўли билан бормоқда. Бу нарса бошқарув ҳисобининг бошқарувни ташкил этиш назариясининг ютуқларидан фойдаланган ҳолда макро даражада бирлаштириш имкониятини бермоқда.

Бошқарув ҳисобини ташкил қилишда субъектнинг катта-кичиклиги муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби бўйича меъёрий ҳужжатларда, яъни бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун, счётлар режаси, харажатларнинг таркиби ҳақидаги низомда бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш субъектларнинг ўз ихтиёрига берилган. Улбу ҳужжатларда маълумот истъемолчиларини 2 тоифага, яъни ташқи истъемолчилар ва ички истеъмолчилар (субъектнинг раҳбарлари)га бўлиниши кўзда тутилган. Шу сабабли бошқарув ҳисобининг ҳар бир соҳадаги хусуситларини, улардаги субъектларнинг катта кичиклигини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиш ва қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлган услубларини кўриб чиқиш ҳозирги кунинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтишга бағишланган қонунларнинг қабул қилиниши ва Президентимиз асосий йўналишларни белгилаб берганларидан кейин бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишни жаҳон стандартларига мослаштирилган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларда ташкил қилиш ва юритиш тўғрисида қатор йўналтирувчи ва

меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва ушбу ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган тадбирлар изчиллик билан субъектларнинг фаолиятига татбиқ қилинмоқда. Ушбу тадбирлар бошқарув ҳисобига ҳам тўлиқ таллуқлидир, чунки бухгалтерия ҳисоби бир-бирини тўлғазувчи икки қисмдан- молиявий ва бошқарув ҳисобидан ташкил топган. Ҳозирги пайтга келиб бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизими тўлиқ ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Ушбу меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти бўйича босқичлари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун (1996 й) билан белгиланган ва муҳимлилиги нуқтаи назаридан учта босқич бўйича берилган:

1. Гражданлик кодекси, Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун, Бухгалтерия ҳисоби бўйича ҳисоботни тузиш тўғрисидаги ва Маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомлар.

Ушбу босқичдаги меъёрий ҳужжатлар қуйидаги тартибларни ўрнатади:

- хўжалик юритувчи субъектда содир бўлган муомалаларни ҳисобга олишнинг бир хиллигини таъминлаш;

- хўжалик юритувчи субъектнинг мулкий ҳолати, уларнинг мажбуриятлари, даромад ва сарфлари тўғрисида таққосланадиган ва ишончли маълумотларни жамлаш ва қизиқувчи фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим қилиш.

2. Меъёрий ҳужжатлар, Молия вазирлигининг услубий кўрсатмалари ва йўриқномалари, бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома ҳам ушбу меъёрий ҳужжатларнинг қаторига киради.

Лекин ушбу ҳужжатлар ичида мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳамма хўжалик юритувчи субъект учун мажбурий айрим масалаларни мулк, мажбурият, капиталнинг ҳолатига таъсир қилувчи воқса ва ҳодисаларни бухгалтерия ҳисобида қайд қилиш тартибининг ўрнатилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу 1998-2000 йилларда ишлаб чиқилган ва асосий тартиблар қайд қилинган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларидир.

Ҳозирги даврга келиб 21та миллий стандарт (БХМС) ишлаб чиқилган ва 19 таси амалиётда татбиқ қилинган. Бухгалтерия ҳисобини юритишни тартибга солувчи стандартларни ишлаб чиқишни давом қилдириш кўзда тутилган ва қонун билан Молия вазирлигининг зиммасига юклатилган.

Ушбу иккинчи босқичда қайд қилинган ҳужжатлар билан белгиланган бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича ўрнатилган қоидалар хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ қилишда асос бўлади.

3. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда ишлаб чиқиладиган ҳужжатлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари томонидан ҳисоб сиёсати тўғрисида ҳужжатларни тасдиқлаш тартиби ва уларнинг номлари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунда келтирилган ва унга қуйидагилар киради:

- ҳисоб ва ҳисоботни ўз вақтида, тўлиқ ва ишончлилиги талабларидан ке-

либ чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун зарур бўлган счётлари ўзида мужассамлаштирган бухгалтерия ҳисоби счётларининг ички режаси;

- дастлабки ҳужжатларнинг намунавий шакли бўлмаган ҳолатларда хўжалик муомалаларини асослаш учун зарур бўлган дастлабки ҳужжатларнинг ва ички бухгалтерия ҳисоботлари ҳужжатларининг шаклини ишлаб чиқиш;

- инвентаризация ўтказиш тартиби, мулк ва мажбуриятларнинг турларини баҳолаш усулларини белгилаш;

- ҳужжатларнинг айланиш тартиби ва ҳисоб маълумотларига ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш;

- хўжалик муомалалари устидан назорат ўрнатиш тартиби ва бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш учун зарур бўлган бошқа қарорларни қабул қилиш.

Шуни қайд қилиш зарурки, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун бухгалтерия ахборотларининг конфиденциаллигини эълон қилган биринчи меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва ички бухгалтерия ҳисоботларининг мазмуни тижорат сири ҳисобланиши таъкидланган. Бу таъкидлаш бошқарув ҳисобининг маълумотларига ва харажатларни ҳисобга олувчи регистрларга тўлиқ таъллуқлидир.

Ҳозирги давргача қабул қилинган БХМСнинг ҳаммаси ҳам бошқарув ҳисобига тааллуқли эмас, чунки айрим қабул қилинган БХМСда ташқи истеъмолчиларга тақдим қилинадиган ҳисоботларнинг олдига қўйилган талаблар ёритилган. Бу талаблар бошқарув ҳисобига таъллуқли эмас.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқилган ва амалиётда жорий қилинаётган субъектларнинг ҳисоб сиёсати бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг ўзига хос асоси (фундаменти) ҳисобланади. Ушбу ҳисоб сиёсатида товар-моддий захираларини баҳолаш тартиби, асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш, айрим маҳсулотларнинг турларига эгри харажатларни қўшиш тартиби ёритилган. Чунки ушбу эгри харажатларни тақсим қилиш усули маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилишнинг асосий принципларидан ҳисобланади, демак, у бошқарув ҳисобининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини жорий қилиш ва ривожланган давлатларнинг тажрибаларига таяниб уни яна ҳам ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган.

1.2. Хўжалик юритувчи субъектнинг ахборот тизимида бошқарув ҳисобининг аҳамияти ва ўрни

Бозор иқтисодиётига ўтиш субъектнинг ичида ҳамда унинг ташқарисида пайдо бўлаётган ахборотнинг ҳажмини кўпайтиришни талаб қилади. Шунингдек, ташқи субъектлар томонидан шу субъектнинг ё фаолиятига, ёки фаолиятининг натижаларига қизиқини пайдо бўлади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талаблар ҳақида, яъни аниқ шароит ва талабларда маҳсулотни сотиш имкониятлари ҳақида, шу маҳсулотнинг моддий-техник таъминоти ҳақида, асосий ишлаб чиқариш ҳақида, маҳсулотнинг техник тайёргарлиги, аниқ буюмларни ишлаб чиқариш ва самарадорлик харажатлари ва бошқалар ҳақидаги ахборотларнинг ҳажми кўпаймоқда.

Хусусан субъектнинг эгасини, мол етказиб берувчиларни, сотиб олувчиларни, кредиторларни, солиқ органларини ва акциядорларни бошқа ахборот қизиқтиради: хусусий капитал улушининг ўзгариши, инвестицияларнинг самарадорлиги, даромад ва ресурсларни ишлатиш самарадорлиги ҳақида ва бошқалар.

Рақобатбардош субъектларнинг муносабатида бу турли хил ахборотлар кўринишида бўлиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда субъектлар бўйича ахборотга бўлган эҳтиёж бир хил ва уларни қўйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

Ахборотларнинг турлари



Иқтисодий ахборот шундай ахборотни акс эттирадики, у хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини бирин-кетин ва тўлиқ акс эттиради.

Иқтисодий ахборот қуйидаги турларга бўлинади: режали, меъёрий-маълумотли ва ҳисобли.

Режа ахборотлари фаолият учун танланган келажакда қабул қилиниши мумкин бўлган харакатларни ўз ичида сақлайди. Режали-иқтисодий ахборотнинг асосий таркиби техник-иқтисодий ва тезкор ишлаб чиқариш режасидан иборат. Режа билан ҳар қандай таркибий бўлимлар ва бутун субъект жалб қилиниши мумкин.

Техник-иқтисодий ишланмалар режалаштиришнинг муҳим қисми бўлиб, аниқ даврга (йилга) бутун субъект учун тузилган сметалар (бюджет) ҳисобланади. Ишлаб чиқариш пайтида маъмурият томонидан қўйилган сметаларнинг асосий мақсади бу таркибий бўлимларнинг алоҳида режаларнинг координацияси ва уларнинг мослигини таъминлашдир.

Бутун субъект ва унинг айрим таркибий бўлимлари фаолиятининг охирги натижаси тайёр маҳсулот ёки тайёрланган ярим фабрикат ёки хизмат ва

ишлар ҳисобланган учун сметаларнинг мослигини режалаштириш объекти (маҳсулот, шу маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича харажатларни, унинг самарадорлиги кабилар) орқали амалга ошириш керак.

Тезкор ишлаб чиқаришни режалаштириш қисқа даврга (бир ойдан бир соатгача) бўлган иш жойлари, субъект ва унинг айрим бўлимлари бўйича ишлаб чиқариш дастурининг кўрсаткичларини аниқлаш, батафсил текшириш ва конкретлаштириш бўйича режали ишларни сақлайди. Режалаштириш тизимининг охирги босқичи бўлган тезкор ишлаб чиқаришни режалаштиришнинг ўзига хос хусусияти бу режани батафсил ишлаб чиқиш билан субъектнинг иқтисодий меъёрларини бириктириши ва ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини баланса келтирилишини бевосита назорат қилишидир.

Режаларни ишлаб чиқиш уларнинг бажарилишига ишонч билдирмайди. Бўлимларнинг ҳар қайси бошлиғи бунинг учун аниқ чора ва тадбирларни кўриши керак. Ҳар бир менеджер режанинг бажарилишини назорат қилиши, қандайдир носозликларни топса аралашиши ва янги шароитдан келиб чиққан ҳолда зарурият туғилганда олдинги режаларни алмаштириши керак.

Ички ишлаб чиқариш режалаштиришнинг иккита қисм тушунчасини аниқлаш битта субъектнинг ўзида уларнинг мақсад ва вазифалари бир-бирига тўғри келаётганини тасдиқлашга йўл қўймоқда. Режалаштиришнинг иккита қисмининг асоси бир хил кўрсаткичлардан ва иқтисодий меъёрлардан таркиб топиши керак.

Меъёрий-маълумотли ахборот иқтисодий ахборотларнинг ҳамма турлари орасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади. Меъёрий маълумотли ахборотнинг таркибий қисми ишлаб чиқаришнинг тури, ишлаб чиқариш маҳсулотининг мажмуи ва мураккаблиги, меҳнатни ички ишлаб чиқариш билан бўлиш ва ички хўжалик муносабатларининг ривожланиш даражаси билан аниқланади. Бу хусусиятлар техник-иқтисодий ва тезкор-ишлаб чиқаришни режалаштириш усулларидир, ишлаб чиқариш ҳисоби, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг калькуляция ҳисоби усуллари қўлланганда асос бўлади.

Ҳисобга оид маълумот, иқтисодий ахборотнинг бошқа турлари сиғари, меъёрий-маълумотли ва режали-иқтисодий турлари билан умумий хусусият, тамойил ва объектларга эга. Ҳисобга оид маълумотли тизим қуйидаги босқичларга эга: тўплаш, бирламчи маълумотларни ўзгартириш, рўйхатдан ўтказиш, ҳисоблаш марказига ёки қайта ишлаш учун бошқарув аппаратига ўтказиш, тезкор бошқариш учун маълумотларни қайта ишлаш, оқим ва аниқ тамойиллар бўйича маълумотлар йиғиш ва гуруҳлаштириш, аналитик ва синтетик ҳисобда ишлатиладиган жамлама маълумотларни шакллаштириш ва ҳисобкитобларни ишлаб чиқиш, ички ва ташқи ҳисоботларни тузишдан иборат.

Субъектнинг фаолияти пайтида тезкор ахборотнинг катта ҳажми пайдо бўлади. Масалан, уста қайси жой ва бригадада ишлаб чиқариш тўхтаб қолганини, цех томонидан қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганини, қанча деталлар қайта ишлангашини, қанча меҳнат ҳақи ҳисоблангашини билиши керак, ҳар қайси ишчини эса унга қанча меҳнат ҳақи ҳисобланганлиги қизиқтиради.

Омбор мудири омбордаги товар-моддий захираларнинг мавжудлиги ҳақидаги нафақат суммадаги миқдорини, балки ҳар бир тури бўйича натурадаги миқдорини ҳам билиши керак, чунки ушбу маълумот товар-моддий захираларининг янги гуруҳига буюртма бериш учун зарур бўлади.

Бирламчи ахборот молиявий ва бошқарув ҳисобни дастлабки маълумотлар билан таъминлайди.

Молиявий ҳисоб ички ва ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни тайёрлайди, бунинг учун у субъектдаги мавжуд бўлган кириш қоидаларида ишлатилади.

Дастлабки маълумотларнинг катта ҳажми менеджерларга уни тўлиқ англашга, таҳлил қилишга ва ўзларининг ишларида ишлатишга ҳалақит беради. Менеджерлар ўзларининг вазифаларини бажариш учун қисқа кўринишда ва бошқа гуруҳлаштирилган ахборотларни ишлатиши керак. Бошқарувнинг ҳар хил даражали раҳбарлари учун махсус тайёрланган ҳисобли маълумот бошқарув ҳисобли ахборот дейилади.

Бошқарув ҳисоби дастлабки маълумотни, уни ўлчаш миқдорига қарамай ишлатади, масалан, маҳсулот сифати ҳақидаги харидорларнинг фикрлари. Бироқ, дастлабки маълумотларнинг катта қисми раҳбарларнинг талабларига жавоб бермаяпти. Шундай қилиб, бош конструкторни механика цехининг қайсидир ишчиси бутун ёки бир ҳафта олдин қанча меҳнат ҳақи ишлаб топиши ҳақидаги савол қизиқтирмайди. У якуний маълумотлар: унинг материалларга бўлган талаби тўлиқ қониқтирилганми ёки йўқми, субъектнинг бюджети томонидан маҳсулот тузилиши билан ёки янги маҳсулотни ўзлаштириш билан боғлиқ ишларга қанча сумма ажратилганлиги билан қизиқади.

Шундай қилиб, менеджерлар ўз ишларида ҳам батафсил, ҳам якуний маълумотларни ишлатадилар.

1.3. Бошқарув ва молиявий ҳисобнинг боғлиқлиги ва ўзаро таққосланиши

Замонавий хўжалик юритувчи субъект ўз ишлаб чиқаришининг мураккаб тузилиши билан, иқтисодиётда хўжаликнинг жўшқин объекти бўлиб ҳисобланади ҳамда аниқ ички ва ташқи мақсадлари билан тугатилган тизимни ифодалайди. Улар субъектда шаклланаётган ва қайта ишланаётган маълумотларнинг таркиби ва мазмунини аниқлайди.

Бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисобнинг давоми ҳисобланиб, у билан ҳақиқий ўзаро узвий алоқага ва аниқ фарқларга эга.

Бошқарув ва бухгалтерия ҳисобининг ўзаро таъсири дастлабки маълумотларни, бирлик меъёрлар ва меъёрлаштиришни комплекс ишлатиш ва кетма-кетлик, шунингдек, бутунлай меъёрий-маълумотли ахборотнинг бирлиги, ҳисобнинг бир туридан бошқасининг маълумотлари билан ахборотни тўлдириш, бирламчи ҳисобдаги ҳамма бошланғич ўзгарувчан маълумотларни бир марта ёзиб қўйиш, усул ёки уларнинг элементларини бир-бирига ўтиши, қарор қабул қилиш жойларига ҳисобли ахборотнинг яқинлашиши, ишлаб чиқаришнинг автомат-

лантириш тизимини лойиҳалантириш ёки такомиллантиришдаги бошқарув ва молиявий ҳисобнинг мақсадларини ишлаб чиқиш учун ягона йўл асосида ётади.

Қуйидаги чизмада ишлаб чиқариш ҳисоби мисолида кўриш мумкин бўлган молиявий ва бошқарув ҳисобининг ўзаро боғлиқлигини ёритадиган услубий асослари кўрсатилган.

Молиявий ва бошқарув ҳисоблари ўзаро алоқаларининг услубий асослари

Объектлар	Усуллар	Тамойиллар
↓	↓	↓
Меҳнат воситалари: ҳолати ва ишлатилиши	Ҳужжатлаштириш ёки ахборотнинг бошқа эгалари	Ишлаб чиқариш бошқарув ва молиявий ҳисобнинг мақсад ва вазифаларини танлашдаги агона йўл
Меҳнат предметлари-дастлабки ҳолати; ишлаб чиқаришга бериш ва уларни ишлатиш учун назорат	Инвентаризация	Ҳисобнинг 2 тури учун ягона режали-ҳисоб бирликлари
Меҳнат ресурслари-ишчиларни ишлаб чиқариш; миқдор; ишлаган вақт	Баҳолаш ва калькуляция қилиш	Ҳисобнинг ҳамма турлари учун дастлабки ахборотнинг бир марталик кириши
Ишлаб чиқаришда меҳнат буюмларининг ҳаракати; тайёрлаш, деталлар ва примфабрикатлар	Ҳисоб объектларини гуруҳлантириш	Ҳисобнинг бир тури ахборотининг бошқаси билан тўлдириш ва кетма-кетлик
Омборда ва НДБ хазинасидаги меҳнат буюмларининг аҳволи	Бўлимларнинг ҳисоботлари	Бошқарув, умумлаштириш, ҳисобот бериш мақсадлари учун оралиқ ахборотни кўп марта ишлатиш
Тугатилмаган ишлаб чиқаришнинг қиймати; аниқланиши; натижаси	Субъектнинг ички ҳисоботи	Ахборотнинг тезкорлиги, аниқлиги, стандартлаштирилиши
	Субъектнинг ташқи ҳисоботи	

Ҳисобнинг ҳар бир турида ўзининг хусусиятлари мавжуд бўлганига қарамай, улар тузилиш тамойилларида ва қўлланадиган усулларида умумий хусусиятларига эга ва энг асосийси бошқарув ва молиявий ҳисобда ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнида ягона объект сифатида меҳнат воситалари ва меҳнатнинг ўзи чиқиб туради, яъни моддий ва меҳнат ресурслари ягона объект ҳисобланади.

Иккала тур ҳам бошқарув ролини ўйнаган ва ўйнаяпти, ҳамда назорат функцияларини бажараётганда тўғри ва тескари алоқалар, ишлаб чиқаришни ёки унинг алоҳида қисмларининг ҳар хил таснифларини ва бирламчи

ДАУ Ук.2956

ҳужжатларнинг маълумотлари бўйича ахборотни қайта ишлашни ўлчаш имкониятини назарга оладиган тизимнинг элементларини ўзларида олиб боради. Бунга далил бўлиб субъект ва бухгалтериянинг бўлимлари ва хизматлари орасидаги ҳисоботли ҳужжатларнинг ҳаракати ҳисобланади.

Субъектнинг асбобсозлик ўртача размерлари (883,1 млн. ўнлик белгилари, яъни 441,5 млн. байт) бўйича бухгалтерияга келадиган ахборот ҳажмининг текширув натижалари шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш ҳақидаги ахборотга, моддий-техник таъминот ва ташқи бирланмаларнинг муомалалари қўйилган ҳолда, 70%дан камроқ тўғри келади.

Қўлланилаётган ҳужжатларнинг алмашинув тизими жуда ҳам мураккабдир. Уларнинг кўплиги бу ҳужжатларнинг шакл жиҳатидан ўхшашлигидан, такрорланишидан келиб чиқади. Бундан ташқари, бир қаторда берилган баъзи маълумотлар ҳужжатлар кўп бўлишига қарамай бошқа ҳужжатлар орқали тўла такрорланади. Масалан, лимит рухсатномаси билан ишлаб чиқаришга режалаштирилган материалларни бериш юзасидан 11 мингдан 15 мингтача талабномалар тўлдирилади. Олинаётган маълумотлар 2-3 маротаба такрорланади. Масалан, банк ҳужжатларини қайта ишлаш ва маҳсулотни сотиш ҳақидаги ЭҲМдаги ҳужжатларни қайта ишлаш, бухгалтериядаги сотилган маҳсулотларнинг аналитик ҳисоби ҳақидаги маълумотлар ва ҳоказо. Тайёр маҳсулотларни сақлаш омборларига топшириш ҳисоби шу омборхоналарда, сотиш бўлимида, бухгалтерияда, ишлаб чиқариш бўлимида, режалаштириш бўлимида ва ниҳоят субъект миқёсида бажарилади. Маош тўлаш ҳақидаги реквизитлар эса кадрлар бўлимида, меҳнатни ташкиллаштириш ва ҳақ тўлаш бўлимида, цехда, ишлаб чиқариш бўлимида, бухгалтерияда ва хўжалик миқёсида кўриб чиқилади.

Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири ҳисобнинг ҳар бир тури учун, уларнинг вазифалари ва ахборотларнинг тезкорлигига боғлиқ ҳолда, маълумотларни йиғиш ва субъектнинг бўлимларида иқтисодий ахборотни қайта ишлашнинг мустақиллигидир. Шунингдек, хўжалик кўринишининг қандайдир бир тарафини акс эттирувчи ҳар бир алоҳида олинган ҳужжат ҳужжатларнинг бошқа шакллари билан муносабатга эга. Бу бирламчи ҳужжатлар асосида маълумотлар жамғарма, гуруҳланган ва йиғма ҳужжатларда шаклланишида намоён бўлади. Бундай ҳолатда бухгалтерия ҳисоботининг ҳужжатлари у ёки бу иқтисодий кўрсаткичга нисбатан ахборот ва назорат ролини ўйнайди. Ҳужжатларнинг ахборот ҳажми ва ҳаракати йўналишларининг таҳлил маълумотларига кўра 18 мингдан ортиқ кўрсаткичлар аниқланган, шу билан бирга ўртача ҳар бир кўрсаткич 3 ёки 4та ҳужжатларда учрайди.

Пайдо бўлиш ва ҳаракат қилиш жойларига қараб ҳисоботга оид маълумот бошқарувнинг қуйидаги босқичларини ўтади: нолли, биринчи, кейинги. Нолли босқич бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг пайдо бўлиши ҳамда асосий ва ёрдамчи цехларнинг ҳисоботларини ўз ичига олади. Биринчи босқич қуйидаги бўлимларни ҳужжатлаштиришдан иборат: молиявий бўлим (МБ), моддий-техник таъминот бўлими (МТТБ), сотиш бўлими (СБ), ташқи бирланма бўлими (ТББ), хўжалик омбори бўлими (ХОБ). Кейинги даража-

Хўжалик юритувчи субъектда ҳисобот ҳужжатларининг ҳаракати (қисқартирилган кўринишида)

лар субъектни бошқариш фаолиятининг бўлимларида - кадрлар бўлими (КБ), меҳнат ва унга ҳақ тўлаш бўлими (МХТБ), техник таълим бўлими (ТТБ), бош конструктор бўлими (БКБ), бош технолог бўлими (БТБ), бош механик бўлими (БМБ) ва бошқалар йиғма ҳисобот ҳужжатларини бирлаштиради ва шакллантиради. Охирги босқич таркибий бўлимлардан йиғма ҳужжатларни умумлаштиришда ва уни бўлимлар - ишлаб чиқариш-диспетчерлик бўлим (ИЧДБ), режали иқтисодий бўлим (РИБ) томонидан натижали ҳисоботга оид ҳужжатлаштиришга ўзгартиришлар киритилади (19 - бет).

Бошқарув даражалари бўйича ҳисоботларининг ҳаракати улар орасидаги тўғри ва тескари алоқаларнинг борлигини, субъектнинг ресурслари ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёни пайтида ўзгариши ҳақида бирламчи ҳужжатларда мавжуд комплекс ахборотнинг мавжудлигини, ишлаб чиқариш технологик босқичлари бўйича ҳаракатлари, ахборотнинг биргаликдаги хусуситини кўрсатади, чунки гуруҳлаштирилган ҳисобот маълумотлари кўпчилик ҳолатларда режали (меъёрий) хусуситга эга бўлган маълумотларни ўзида сақлайди.

Режали, меъёрий-маълумотли ва ҳисоб ахборотларининг шаклланиши ва ҳаракатининг қонунийлигини ҳисобга олган ҳолда ва ахборот тизимининг ҳар бир гуруҳининг алоҳида олинган ҳужжатнинг айланиш чизмасига таянган ҳолда қуйида умумий чизмани соддалаштирилган ҳолда кўрсатамиз.

Ҳужжатлар айланишининг умумий чизмаси



Шу муносабат билан ишлаб чиқариш ҳисоб-ахборот тизимини тузиш муаммосида икки аспект вужудга келади. Биринчи аспект - интеграциялашган тизим, субъектнинг ичида ишлаб чиқаришни бошқариш учун зарур бўлган маълумот билан таъминлаш ва ички хўжалик механизмини тузишга мос келиши керак. Бу эришишлар интеграциялашган ҳисоб услубияти ривожланишининг нафақат ахборотлашганлиги, балки ҳисоб функциясининг тартибга солувчанлигини ҳам белгилайди.

Ҳисоб-ҳисобот ахборотнинг янги тизимини ишлаб чиқиш ўз таркибига меъёрлаштириш ва режалаштириш элементларини ҳам қамрамоғи керак. Улар муаммонинг иккинчи аспектини ечишга имконият яратадилар - ҳисобнинг

тартибга солувчи функциясини кенгайтириш, режалаштириш, назорат қилиш, йўналтириш ва шунга ўхшаш ишларни бажараётган субъектнинг ишлаб чиқариш, технология ва иқтисодий хизматлари ўртасида зарур алоқани ўрнатиш, ҳисоб тизимига режа ва меъёрий маълумотларни қўшиб, маълумотни қайта ишлаш жараёнида иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлили, алоҳида жамоалар фаолиятининг натижаларини баҳолаш ва тавсифлашни, бу кўрсаткичларнинг йўналишлари ва ишлаб чиқариш ривожланишининг йўналишини баҳорат қилишни ҳам киритиш мумкин.

Интеграциялашган тизим ва унинг аниқ моделини тузиш ишлаб чиқаришнинг технология жараёнларини, уларнинг кетма-кетлигини, навбатлигини, мақсадга қаратилганлигини ва алоқаларини қайтариши керак. Субъектнинг ихтисослашганлигидан келиб чиқиб, интеграциялашган тизимни тузишда асос (база) сифатида ишлаб чиқаришнинг ҳисобга олиш объектлари олиниши керак. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ресурсларнинг ҳаракати ҳақидаги режа, меъёрий ва ҳисоб маълумотларини интеграциялаб қолмай, маҳсулотнинг қандай натурал-моддий шакли бўлса, шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар бўйича режалаштирилгандан четга чиқишларни аниқлаш билан ҳисоб ва назорат муомалаларининг алгоритмизациясини ўтказади.

Тўғридан-тўғри ҳисобга тааллуқли бўлмаган, ахборот моделининг таркибига жалб қилинган маълумотлар, керакли бошқарув қарорларни қабул қилиш учун маълумотни йиғиш, ишлов бериш ва қўллаш чегараларини кенгайтиради. Шунинг билан бирга ҳисобнинг ҳамма турлари билан ишлаб чиқариш муомалаларнинг ҳисоби ва тизимли бўлинмаларнинг хўжалик ҳисобидаги ўзаро муносабатларини қамраш ҳудуди ошиб кетади.

Ҳозирги вақтда бошқарув ва молиявий ҳисобларнинг таъсир доираси чегараланган бўлиб ишлаб чиқариш ҳажми ва номенклатурасининг ҳажмини режалаштириш ва товар маҳсулотини ишлаб чиқаришга кетган харажатларнинг объекти ва услубияти билан белгиланади.

Субъектларнинг турли хизматларини маълумот билан таъминлаш ҳудудини кенгайтириш, биринчи навбатда технологик хизматлари, ҳисоб услубиятини, унинг мазмуни ва бўлинмаларининг ички ўзаро таъсир кўрсатиш механизми билан розиликни ўзгартиришни талаб қилади.

Молиявий ва бошқарув ҳисобларни таққослаб, фарқларини ҳам ажратиш мумкин. Қуйидаги чизмада ҳар бир турдаги ҳисобнинг ажралувчи белгилари маълумот тавсифномаларига нисбатан гуруҳлаштирилган.

Ҳар бир турдаги ҳисобнинг ажралувчи белгилари

Бошқарув ҳисоби	Молиявий ҳисоб
Регламентлаш даражаси	
Маъмуриятнинг қарори билан	Юритишнинг мажбурийлиги
Маълумотнинг аниқлиги	
Кўпгина тахминий баҳолар	Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни акс эттиришдаги кўп бўлмаган четга чиқишлар
Маълумотнинг масштаби	
Масъулият марказлари, маҳсулотлар, сотиш ҳудудлари ва бошқалар	Умуман субъект
Ҳисобнинг мақсади	
Ички фойдаланувчиларни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот билан таъминлаш	Маълумотнинг ташқи фойдаланувчилари учун ҳисобот тузиш
Маълумотдан фойдаланувчилар	
Субъектнинг таркибига кирадиган бошқарув персоналидаги ишчи гуруҳи	Субъектнинг таркибига кирмайдиган ишчи гуруҳи
Ҳисоб принциплари	
Меъёр ва юридик талабларга боғлиқ бўлмаган қарорларни қабул қилиш учун маълумотнинг фойдалилиги	Ҳисобнинг умум қабул қилинган, стандартлашган принциплари
Ҳисоб тизими	
Базис тенглик йўқ. Объектларнинг уч турлари: даромадлар, харажатлар, активлар	Базис тенглик: активлар = мажбуриятлар + хусусий капитал
Маълумотни таққослаш вақти бўйича	
Ўтган ва келажак вақт, маълум давр учун ва маълум даврга	Ўтган вақт, маълум давр учун
Маълумотнинг кўриниш шакли	
Ҳисоб маълумотининг пул ва натурал кўриниши	Ҳисоб маълумотининг пул кўриниши



Регламентлаш даражаси. Ҳар бир субъект учун молиявий ҳисобни юритиш мажбурийдир. Қонун томонидан молиявий маълумотларга бўлган талаблар белгиланади. Ҳисоботнинг шакллари ва уларнинг мазмуни, кўрсаткичлари ҳисоблаш тартиби регламентлаштирилади.

Бошқарув ҳисобини юритиш маъмурият истагига боғлиқ. Мақсадга мувофиқлик принципига қараб дирекция бошқарув ҳисобини юритиши мумкин. Ҳисоб қандай ташкил этилиши ва қандай шаклда олиб борилишини кўрсатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Маълумотни йиғиш ва ишлов бериш унинг бошқарув учун қиймати нархидан паст бўлгандагина мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумотнинг аниқлиги. Кўп ҳолларда менеджерларга маълумот тезда керак бўлгани сабабли қарорларни қабул қилиш учун тахминли баҳолар ишлатилади. Бошқарув ҳисобида аниқликка бўлган талаблар маълумотни олишнинг тезлигига қарата кучсизлаштирилган. Молиявий ҳисоб маълумотнинг аниқлигига асосланган вақтда, қонун томонидан нафақат чегараланишлар, балки талаблар ҳам регламентлаштирилади. Молиявий ҳисоботлар ташқи истеъмолчилар учун, яъни субъектда ишламайдиган шахслар учун тайёрланади. Молиявий ҳисоботда аниқ маълумотлар бўлиб ўтган муомалаларни акс эттиради, шунинг учун у текширилади ва ишончлиликка баҳоланади.

Бошқарув ҳисоби, режалаштириш ва бошқарув қарорларни қабул қилишни бирлаштириб, кўп даражада келажакка қаратилган йўналишларни аниқлаш учун хизмат қилса ўтган маълумотларнинг аниқлиги бўлажак ҳодисаларнинг субъектив баҳоларига алмаштирилади.

Маълумотнинг масштаблари. Молиявий ҳисоботлар бутун субъектнинг фаолияти ҳақидаги маълумотни умумлаштиради. Айрим ҳолларда (субъект ёки турли регионларда жойлашган бўлса, ёки бир неча турдаги фаолият юритса) тармоқлар бўйича, фаолият турлари бўйича алоҳида молиявий ҳисоботлар ёки ҳисоблашишлар тузилади.

Бошқарув ҳисоби субъектнинг бўлинмалари рамкалари билан чегаралашган бўлиши мумкин. Маълумот алоҳида буюмлар, фаолият турлари, ташкилий бўлинмалар, масъулият марказларининг натижалари ҳақидаги ҳисоботларда мавжуд.

Ҳисобнинг мақсади- ажралиб турувчи тавсифнинг асос солувчи белгиси. Молиявий ҳисобнинг қўлланилиши- маълумотнинг ташқи фойдаланувчилари учун молиявий ҳисоботни тузиш. Ҳужжатлар тузилиб қўлланиладиган жойга берилганда мақсадга эришилган бўлади.

Бошқарув ҳисоби режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш мақсадида маълумотни йиғиш ва қайта кўришни таъминлайди.

Маълумотдан фойдаланувчилар ҳар бир ҳисоб турининг асосий мазмунини аниқлаб берадилар. Молиявий маълумот истеъмолчилари - акциядорлар, кредиторлар, солиқ органлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, ҳукумат органлари ҳисобланади. Бу ҳисобот субъект билан маълум муносабатда бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши учун тайёрланади. Субъектнинг раҳбарияти молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун масъулиятликка тортилади, лекин ўзлари бу маълумотдан чеклангган даражада фойдаланадилар.

Таққослаш учун субъектнинг бухгалтериясида тузиладиган аналитик ҳисоботлар аниқ шахслар томонидан фойдаланилади- маълум фаолият учун масъул бўлган турли даражадаги бошқарувчилар учун тузилади. Масалан, харажатлар тўғрисидаги маълумотлар қуйидагилар учун ишлатилиши мумкин: маҳсулот таннархини аниқлаш, буюмлар таннархини таҳлил қилиш учун; бўлажак муомалаларни ўтказишнинг сметаларини тузиш; иш натижаларини баҳолаш мақсади билан масъулият марказларининг жорий ва тезкор ҳисоботларини тузиш; қисқа муддатли қарорларни қабул қилиш ва капитал қўйилмалар сметасини таҳлил қилиш; субъект фаолиятини узоқ муддатга режалаштириш учун фойдаланилади.

Маълумотдан кўпгина ташқи фойдаланувчиларнинг талаблари бир турлиги билан тавсифланади. Бошқарув ҳисобининг маълумотларидан фойдаланувчи шахслар, одатда, маълум ва уларнинг ўзига хос талабларига бу турдаги ҳисобнинг тизими қаратилган бўлади.

Ҳисобнинг принциплари. Молиявий ҳисоб бухгалтерия ҳисобининг умум қабул қилинган меъёр ва стандартлари асосида тузилади. Бу принцип маълумотларни ташқи фойдаланувчилар учун таққосланлар ўтказишга имкон беради. Ундан ташқари, фойдаланувчилар ҳисоб умум қабул қилинган тартиб бўйича олиб борилишига, шунга биноан унинг кераклиги даражада тўғрилигига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Меъёр ва юридик талабларга нисбатсиз бошқарув ҳисоби ташкил этилади. Субъектнинг бошқарув аппарати ишининг асосий принципи наф олиб келувчи ва қарорлар қабул қилишда фойдали бўлган қоидалар, принциплар, қўлланмаларни танлашдан иборатдир. Ҳисобнинг қўлланилаётган амалиёти ва техникаси фойдали маълумот бериши керак.

Ҳисоб тизими базис ўрнатмалардан фойдаланишга боғлиқ. Молиявий ҳисобда қуйидаги базис тенглик қўлланилади:

Активлар тенг *Мажбуриятлар* нулос *Хусусий капитал*

Бошқарув ҳисобида ягона ўхшаш тенглик мавжуд эмас. Унинг тизими уч турдаги объектлардан иборат: даромад, харажат ва активлар. Бошқарув ҳисобининг турли тизими бу тушунчалар билан муомала ўтказади:

1) Тўлиқ таннарх ҳисобида.
2) Дифференциялашган ҳисобда.
3) Масъулият марказлари бўйича ҳисобда.

Нисбат вақти бўйича. Молиявий ҳисоботларда акс эттирилган маълумотлар маълум вақт даврида бўлиб ўтган воқеалар ва хўжалик муомалаларининг натижаларини кўрсатади. Молиявий ҳисобнинг маълумотлари бошқарув ҳисобида режалаштириш ва истиқболни белгилашда қўлланилади. Аммо бошқарув ҳисобининг тизимига, ундан ташқари, келажакка қаратилган маълумот ҳам кириб қолади. Молиявий ҳисоб-»Бу қандай бўлганини» кўрсатиши, бошқарув ҳисобиники эса-»Бу қандай бўлиши керак»лигини башорат қилишдир. Шунда келажак даврларни баҳолашга кўп эътибор берилади.

Маълумотнинг кўриниш шакллари. Молиявий ҳисобнинг якуний маҳсулоти бўлиб пул кўринишида тузиладиган молиявий ҳужжатлар ҳисобланади. Хўжалик муомалалари бўлиб ўтган ва бухгалтерия ҳисобининг счётларида керакли даврда пул бирлигида объектив ўлчанган бўлади.

Бош китобга киритилган ҳамма счётларнинг сальдоси молиявий ҳисоботда кўрсатилади.

Бошқарув ҳисоби маҳсулотга кўра воситта ҳисобланади. Унда таҳлил учун асос сифатида қуйидаги тушунчалар мавжуд: меъёр-соат, меҳнат-соати, машинанинг ишлаш соати, ишлаб чиқариш ҳажмининг натура ўлчовлари. Ўлчовни танлашда унинг ушбу ҳолатда фойдалилигидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади. Масалан, бошқарув ҳисобида материалларнинг миқдори, уларни ҳар бир стказиб бериш ва ҳар бир стказиб берувчи бўйича қиймати, реализация қилинган маҳсулотларнинг миқдори, уларнинг қиймати ва бошқалар акс эттирилади.

Маълумотни жўнатиш зудлиги. Маълумотнинг ташқи истеъмолчилари учун молиявий ҳисоботлар доимий асосда тайёрланади: ҳар ойда, ҳар кварталда, ҳар йилда. Йил натижалари бўйича тўлиқ молиявий ҳисобот тузилади, камроқ деталли ҳисоботлар- квартал натижалари бўйича, ой натижалари бўйича эса алоҳида ҳисоблашишлар бўйича ҳисоботлар тузилади.

Молиявий ҳисоб ва ҳисоботдан фарқлироқ бошқарув ҳисобида ҳисобот ҳам доимий асосда, ҳам талаб бўйича тузилиши мумкин. Масалан, материаллардан фойдаланиш ҳақидаги ички ҳисобот ҳар ойда тузилади; материалларни бичиш натижалари, бичиладиган материалнинг ҳар бир туркуми бўйича бичиш карталарида акс эттирилади, яъни сменада бир марта топширилади. Талаб бўйича ўта дефицит (тақчил) материалларнинг сарфлари бўйича ҳисоботлар тузилиши мумкин.

Маълумотни жўнатиш зудлиги фойдаланувчининг талабига боғлиқ ва унинг учун керак бўлган вақтда тайёрланиши керак. Шунинг учун маълумотнинг бир қисми зудлик билан йиғилади ва қайта ишланади.

Фойдаланувчиларга маълумотни тақдим этиш муддатлари молиявий ҳисобда регламентлаштирилади ва бошқарув ҳисоботлари учун ушбу муддат маъмурият томонидан ўрнатилади. Молиявий ҳисоб маълумотларини тасдиқлаш учун бухгалтерлар томонидан молиявий бухгалтерияни юритишни ва ташқи аудиторлар томонидан текширувни талаб қилганлиги учун бир неча ҳафта (кварталли муддатларда) ёки бир неча ой (йиллик муддатларда)

ўтади. Ундан ташқари, ҳисоботни нашр этиш ва тарқатиш учун вақт керак бўлади.

Бошқарув ҳисоби бўйича ҳисоботлар ҳар кварталда, ҳар ойда, ҳар ҳафтада, ҳар куни тузилиши мумкин, чунки унда зудлик билан қарорлар қабул қилишни талаб қилувчи маълумот бўлиши мумкин.

Масъулиятлилик даражаси. Кўпгина солиқ органлари молиявий ҳисобни юритишда ўрнатилган қоидаларни бузганлиги учун жарима санкциялари соладилар. Келажакда, эҳтимол, акциядор ва кредиторлар ташқи фойдаланувчилар учун ҳисоботни бузганликлари учун судга мурожаат қиладилар.

Олдин кўриб чиқилганидек, бошқарув ҳисобининг маълумотлари кенг омма учун мўлжалланмаган ва кўп ҳолларда тахминий бўлади. Шунинг учун маъмурият томонидан нотўғри деб ҳисобланган қарорлар учун менеджер жавобгар бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, интизомли масъулиятлилик менеджерларга бошқарув ҳисобининг қайсидир маълумотлари учун эмас, балки маълум ҳаракати учун қўлланилади.

Шундай қилиб, молиявий ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги фарққа қарамай услуб элементлари, ҳисоб объектлари ва ҳозирги маълумотнинг бирлиги орқали кўринадиган ўхшашлик ҳам мавжуд.

1.4. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув ҳисобини такомиллаштиришнинг зарурияти

Бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиётнинг барча соҳалари каби бухгалтерия ҳисобининг асосий таркибий қисми бўлган бошқарув ҳисоби соҳасида ҳам ислоҳотлар ўтказиш зарурлиятини келтириб чиқармоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири бухгалтерия ҳисобининг хўжалик юритишдаги усулларининг давр талабларига мос келмай қолиши ҳамда бухгалтерия ҳисобидаги мавжуд камчиликларнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига ва унинг жаҳон иқтисодиёти билан уйғунлашишига тўсқинлик қила бошлагандир.

Ҳар қандай бошқарув тизими хоҳ у маъмурий тизим бўлсин, хоҳ у бозор тизими бўлсин тегишли ахборот таъминоти тизимисиз фаолият кўрсата олмайди. Субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятига доир маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва қайта ишлашнинг энг муҳим воситаларидан бири бошқарув ҳисобидир. Аммо турли тизимларда бухгалтерия ҳисоби ҳар хил вазифаларни бажаради, шунинг учун бир тизимдан бошқа бир тизимга ўтишда бухгалтерия ҳисобининг тизимини ҳам ўзгартириш керак бўлади. Масалан, бозор элементларининг жорий этила бориши билан турли даражадаги ноаниқликлар ва ҳавфлар юзага келади. Мол етказиб берувчига тегишли тўловнинг тўланмаслиги мумкин, маҳсулот ва товарлар сотилмай қолиши мумкин, баҳо бирданига ўзгариши мумкин ва ҳоказо. Ундан ташқари, кўпгина янги жараёнлар, масалан, акция чиқариш, дивиденд тўлаш ва ҳоказолар пайдо бўлади. Субъектлар бу ҳолатни ўз вақтида ва аниқ ҳисобга олишлари, тегишли чора-тадбирларни кўришлари, унинг асосида барқарор ривожланишлари учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш,

гуруҳлаш ва таҳлил қилишнинг самарали тизимига эга бўлиши керак.

Ундан ташқари, бухгалтерия ҳисобининг узоқ давр мобайнида давлат мулки устидан марказлаштирилган давлат назоратининг қуроли бўлиб келганлиги, услубиятининг шу вазифага мос ишлангаплиги ҳам ҳозирги кунда тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг бўлими бошқарувнинг бошқа бўлимларидан ажралиб қолган эди. Бундай ҳолат субъектнинг фаолиятини жорий бошқаришда ҳисоб маълумотларидан жуда қошқарсиз даражада фойдаланилишига олиб келган эди.

Ўтган давр ичида мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси доимий равишда хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг ҳолати ва турли йўналишлари бўйича молиявий натижалари ҳақида жамланган иқтисодий маълумотлар билан юқори ташкилотни таъминлаш мақсадида кўп турдаги ҳисоботлар тузиш бўлган ва жуда мураккаб ҳисобланган ҳамда қатъий тартиб асосида фаолият кўрсатадиган бухгалтерия ҳисоби юзага келган эди.

Турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши, субъектларнинг ташқи бозорга чиқа бошлаши узоқ давр мобайнида юзага келтирилган, марказлашган режали хўжалик юритишга мосланган бухгалтерия ҳисобининг амалиётда орқада қолаётганлигини яққол кўрсата бошлади. Бухгалтерия ходимлари янги масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган низомларнинг мавжуд эмаслиги туфайли боши берк кўчага кириб қола бошладилар.

Бу муаммолар 90-йилларда матбуотда бухгалтерия ҳисобини бозор иқтисоди талабларига мос келадиган даражага олиб чиқиш йўллари хусусидаги мунозараларнинг бошланишига олиб келди. Жумладан, матбуотда бухгалтерия ҳисобини соддалаштириш, счётлар режасининг мазмуни ва аҳамияти, аудитни жорий этиш, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг мақсадини ички ва ташқи истъмолчилар учун зарур бўлган маълумотларга қаратиш, турли мулкчилик шаклига эга бўлган субъектларнинг фаолиятидаги баъзи соҳаларнинг ҳисобини ташкил қилишга бағишланган масалалар юзасидан тортишувлар бошланди.

Бу тортишувлар бухгалтерия ҳисобига оид кўплаб низомлар ва кўрсатмаларнинг қабул қилинишига олиб келди. Бироқ, бу янгиликлар кўзланган самарани бермади, яъни субъект бошқарувининг эҳтиёжига йўналтирилган ҳисоб тизими яратилмади. Бунга сабаб қилинган ўзгартиришларнинг асосан мавжуд ҳисобни тўлдириш, баъзи бир кичик масалаларни ҳал қилишга қаратилганлиги эди. Ундан ташқари, ҳисоботни соддалаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳам тегишли натижа бермади. Бунга сабаб бозор иқтисодиёти шароитида ҳисобнинг услубий ва ташкилий масалалари яхши ўрганилмаганлиги ва ишлаб чиқилган низомлар учун илмий асосланган дастурнинг мавжуд эмаслиги эди. Бу омиллар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташқи ва ички истеъмолчи учун бўлган аҳамиятининг ўлчаб бўлмас даражада ўсишига ва аналитик хусусиятининг пасайишига олиб келди.

Бухгалтерия ҳисобининг мавжуд тизими хўжалик юритишни экстенсив усулда олиб боришга йўналтирилган эди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича хўжалик юритишнинг янги шароитида бухгалтерия ҳисобида юз берган ўзгаришлар ишлаб чиқаришнинг унумдорлигини оширишнинг асосий муаммоларини ҳал қилиш савиясига (сифатига) тегишли таъсирини кўрсатмади.

Натижада бошқарувнинг мазмуни, хўжалик ҳисоби ва бухгалтерия ҳисоби тизимлари ўртасида ўзаро номутаносиблик юзага келди.

Иқтисодий адабиётда турли мулкчилик шакллардаги субъектларнинг фаолият кўрсата бошлаши ва умуман, бозор иқтисоди шароитида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш борасида турли фикрлар билдирилмоқда. Шу билан бирга, олимларнинг кўпчилиги бухгалтерия ҳисоби субъектларнинг бошқарув тизимини зарур маълумотлар билан таъминлай олмаётганлигини тан олмоқда.

Юқоридагилардан ташқари, бухгалтерия ҳисоби, хусусан бошқарув ҳисоби маълум бир даражада суст хусуснятга эга бўлиб қолаётганлиги, яъни унинг вазифаси асосан хўжалик жараёнини қайд этишдан иборат бўлиб қолаётганлиги иқтисодий адабиётларда алоҳида таъкидланмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг яна бир муҳим вазифаси- маълумотлар билан таъминлаш вазифасининг аҳамияти ҳозирги кунда жуда ошиб бораётганлиги, мавжуд ҳисоб тизими эса бу вазифани қониқарсиз даражада бажараётганлиги ва бу борада ўзгартиришлар қилиш, ҳамда бухгалтерия ҳисобини бозор иқтисоди талабларига мос қилиб такомиллаштириб бориш давр талаби эканлиги айтилмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг ривожланишида бир нарсага алоҳида эътиборни қаратиш лозим, у ҳам бўлса, бошқарув ҳисобини бозор иқтисоди талаблари асосида такомиллаштириш фақатгина ҳисоб маълумотлари доирасининг мазмунини, мақсадга мувофиқлигини, муддатини, уни йиғиш ва ишлов беришга кетадиган харажатларини ва бошқарув объектларини акс эттириш усулларини кенгайтириш асосида бўлмоқлиги керак. Чунки, бу нарса ҳисоб ишлари ҳажмининг ўзини оқламаган даражада ортиши ва бунинг оқибатида бошқарув тизимининг унга бўлган қизиқиши камайиши ҳамда унинг юритилишида соҳталик юз бериши каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бошқарув ҳисоби ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизимида фақатгина бошқарув объектлари ҳақида маълумот бериш манбаи бўлиб қолмасдан, балки унинг ҳолати устидан тезкор равишда назорат қилиш воситаси ҳам ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, баъзи бир иқтисодчиларнинг фикрича, бухгалтерия ҳисоби тизими махсус тезкор ҳисобни ташкил этмасдан ички бўлинмалар хўжалик ҳисоби кўрсаткичларининг тезкор равишда олинишини таъминлаши керак. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, хўжалик ҳисобида ишловчи субъект бўлинмаларининг фаолияти ҳақидаги зарурий, тезкор ва аниқ маълумотларни бошқарув ҳисоби бериши лозим.

Бундай оммавий, шу билан бирга, мутлақо нотўғри қараш бир томондан субъект бўлинмалари фаолияти натижаларининг тезкор-техника ҳисоби ва назоратининг вазифаларини ҳал қилишни объектив жиҳатдан имконсиз қилиб қўймоқда, яъни бухгалтерия ҳисоби ўзининг юқори даражада объективлиги билан ажралиб турганн ҳолда, у авваламбор кечикиб юритилмоқда, қолаверса, маълумотларни тезкор бошқарув эҳтиёжи учун зарур бўлган даражада деталларга (қисмларга) ажратилмаган ҳолда бермоқда. Бу маълумотлар одатда ўтган давр учун субъектнинг фаолияти бўйича ҳисобот тузишда фойдаланилади.

Иккинчи томондан, масалага бундай ёндашиш субъектнинг бошқа бўлим (марказ)ларини жавобгарликдан озод қилган ҳолда, деярли барча ишларни бухгалтерия бўлимининг зиммасига юкламоқда. Бусиз ҳам ҳисобнинг дастлабки даврида (босқичида) бошланғич бухгалтерия ҳисоби билан тезкор-техника ҳисоби ўртасида кескин бир чегара қўйиш мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисобини бозор иқтисоди талабларига мос қилиб ривожлантиришда тезкор-техника ҳисоби билан бухгалтерия ҳисобини биргаликда олиб қараш лозим.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, субъектларда олинаётган барча маълумотларнинг 40-50 фоизи керакса, шу билан бирга, бошқарувнинг тезкор ва холис маълумотга бўлган эҳтиёжи 50 фоизга қондирилмас экан.

Шундай қилиб, бир томондан катта ҳажмда маълумотнинг етишмаслиги ва уларнинг кечикиб берилаётганлиги яққол сезилаётган бўлса, иккинчи томондан бухгалтерия ҳисоби, тезкор-техника ҳисоби етказиб бераётган маълумотларнинг ярми ҳеч кимга керак бўлмаяпти. Бу ҳолатни фақат ҳисобнинг инқироз ҳолати деб баҳолаш мумкин холос.

Шундай экан, ҳисобни бошқарувнинг эҳтиёжини керакли маълумотлар билан етарли даражада қондиришга йўналтириш борасидаги изланишларни кучайтириш зарур.

Ҳозирги вақтда бухгалтерия ҳисобининг тезкорлик даражаси юқори эмас ва ишлаб чиқаришнинг бориши ҳақидаги маълумотларни бошқарув ҳисоби масъул раҳбарларга тезликда етказиб бера олмайди. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг кўп маълумотлари ҳисобот даври тамом бўлгандан кейингина олинади. Бу маълумотлардан фақат кейинги ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг тезкорлигини таъминлаш ҳозирги даврда ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришнинг асосий талабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг дастлабки ҳужжатларида жуда кўп кўрсаткичлар бир неча марта такрорланади. Шунинг учун бошланғич ҳужжатларнинг шаклларини ишлаб чиқишда ва уларда акс эттирилган маълумотларни ишлашда бир хил кўрсаткичларнинг ҳар хил ҳужжатларда қайтарилишини мумкин қадар камайтириш керак.

Бундан ташқари, дастлабки ҳужжатлардаги кўрсаткичларнинг кўплари доимий маълумотлар бўлиб, улар шу каби ҳужжатларнинг ҳар бирида акс эттирилади. Шундай доимий маълумотларнинг дастлабки ҳужжатларда қандай даражада акс эттирилишини ҳам илмий ва амалий ҳал қилиш лозим.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитида фақатгина бошқарув ҳисобини такомиллаштириш билан чекланмасдан бухгалтерия ходимларининг малакасини оширишга ҳам эътиборни қаратиш керак. Бухгалтерия ходимларининг бозор иқтисоди шароитида субъектнинг кучли рақобат кураши даврида самарали фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан уларнинг иш юритиш ва малакавий сифатига боғлиқ эканлигини тўла ҳис этиши зарур. Шунингдек, улар кредитнинг юқори фоизи, пулнинг қадрсизланиш даражаси ва бошқа шу каби бозорнинг ўзига хос хусусиятларининг субъект фаолиятига таъсирини доимо эътиборга олишлари, таҳлил қилиб боришлари ва баҳолашлари лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият шартларини давлат бел-

гилаб бермаётган бир шароитда бухгалтерларнинг зиммасига субъектнинг ўзида етарли миқдорда сармоя тўплашни таъминлаш, уларнинг ўрнини ишлатилишига эришиш, асосий ва айланма маблағлардан юқори самара олиш каби жавобгарлик юкланмоқда. Бухгалтерия ходимлари молиявий фаолият бўйича ички бошқарувининг самарали усулларини эгаллашлари лозим. Шу билан бирга, субъектнинг кўзланган фойдага эришиш ва келгусида самарали фаолият кўрсатишнинг зарурий шартлари пул жараёнларини, мажбурият ва кредит муносабатларини назорат қилиш ва тартибга солиб туриш, захираларни доимий равишда бошқариб туриш эканлигини яхши билиши керак.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бухгалтерия ҳисоби тизимининг мавжуд асосига таянган ҳолда такомиллаштиришнинг самарали йўлларини излаш кўзланган натижани бермади. Шунинг учун масалага бу тарзда ёндошиш, бизнингча, чегараланган ва ўз истиқболига эга эмас.

Шу билан бирга, бошқарув ҳисобининг олдига тезкорлик ва аналитиклик хусусиятларини ошириш, тегишли қарорлар қабул қилиш, қисқа ва узоқ муддатли иқтисодий башоратларни тузиш учун зарур бўладиган маълумотларни етказиб бериш каби вазифалар турибди.

Бошқарув ҳисоби бозор иқтисодига ўтиш шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, технология, режалаштириш, бошқарув, математик дастурлаш, информатика, кибернетика, психология, хўжалик фаолиятининг таҳлили, иқтисод, тадбиркорлик, маркетинг, жараёнлар тадқиқоти ва бошқа фанлар билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш лозим.

Бозор иқтисодига ўтиш бухгалтериянинг вазифасини ва ташкилий тузилишини ҳам тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, бухгалтерия ҳисоби соҳасида узоқ давр мобайнида юзага келтирилган мавжуд имкониятдан бутунлай воз кечиб бўлмайди.

Бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири бозор иқтисоди талабларига мос келадиган бухгалтерия ҳисобини яратишнинг аниқ бир комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва унинг тадбиқ этилиши учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш масаласидир.

Мавжуд бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг барча қоидаларини уларнинг объектларидан бошлаб то умумлаштирилган маълумотларни тақдим этиш шаклигача услубий тафтишдан ўтказиш зарур.

Истиқболда бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадида бозор иқтисоди шароитида фаолият кўрсатаётган ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш ва маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобининг ташкилий асослари ва услубиятининг самарали вариантларини яратиш лозим. Бунда нафақат бизнинг мамлакатдаги шартларга жавоб берадиган, балки хорижий давлатлардаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш тамойилларига мос келадиган ҳисоб ва ҳисобот тизимини яратишга ҳаракат қилиш керак.

Ҳозирги кунда республикамизда бухгалтерия ҳисобининг ажратмас бир қисми бўлган ва ички бошқарув вазифаларини ҳал қилишга мўлжалланган бошқарув ҳисобини яратиш ва уни ривожлантириш борасида тадқиқотларни бошлаш лозим.

Барча ривожланган давлатлар томонидан узоқ вақтдан бери самарали қўллашлиб келинаётган «Харажатлар - маҳсулот ишлаб чиқариш - натижа-

лар» модели асосида бухгалтерия ҳисобини бизнинг иқтисодиётга мос тизимини яратиш объектив зарурлиятга айланиб бормоқда. Ушбу ҳолатлар ва шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда кейинги даврларда анча тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ қилинди. Бунга мисол қилиб, 1996 йилда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун», 1999 йилда тасдиқланган «Низом» ва 1998-2000 йилларда ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлигида рўйхатга олинган Миллий стандартларни келтириш мумкин.

Бу соҳадаги хориж тажрибасини ўрганишга бўлган қизиқиш бозор элементларининг жорий этила борини, жаҳонга иқтисодиётимиз эшигининг очилиши натижасида янада ортиб кетди ва уни кенг тарзда ўрганиш бошланди. Бу нарсага хорижий сармоянинг кириб келиши ҳам сабаб бўлди. Хорижий сармояниг кириб келиши иқтисодимизда икки хил ҳисобиниг юритилишига олиб келди ва ишлаб чиқаришни қисмларга ажратилган кенг аналитик бухгалтерия ҳисоби маълумотларисиз бошқариш мумкин эмаслигини исботлади. Мавжуд бухгалтерия ҳисоби эса бундай маълумотларни бермайди. Бу эса амалиётда қўшма корхоналарда икки хил усулда, яъни расмий бухгалтерия ҳисоби тизими мамлакатимиздаги стандартлар асосида, бошқарувиниг маълумотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун эса хорижий амалиёт асосида бухгалтерия ҳисобининг юритилишига олиб келди.

Шу нарсани очиқ тан олиш керакки, Ғарб модели ўзиниг самарали хусусиятлари билан нафақат субъект миқёсида, балки давлат миқёсида кўпгина ижобий натижаларга эришиш имконини яратади.

Хорижий шериклариниг фаолияти шуни яққол кўрсатмоқдаки, бизнинг хўжалик юритувчиларга яхши таниш бўлган қатъий низом ва тартиб асосида юритиладиган бухгалтерия ҳисобидан ташқари, бозордаги кучли рақобат шароитида субъектларни самарали бошқарининиг муҳим қуроли ҳисоблападиган бошқарув ҳисоби санъати ҳам мавжуд экан. Бу нарса бозор иқтисодига ўтиш шароитида бухгалтерия ҳисобига бўлган қарашларни тубдан ўзгартириш кераклигини англатмоқда.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитида сиёсий хавфниниг кучайиши, рақобат курашининг авж олиши жуда кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммоларниг қай даражада ҳал қилиниши кўп жиҳатдан субъектларнинг келгусидаги тақдирини белгилаб беради. Қарор қабул қилиш жараёнинг жуда қийинлашиб борини шароитида жавобгарлик ҳам маълум бир даражада ошади. Ҳаттоки, унчалик катта бўлмаган бошқарув хатолари субъект учун катта зарар келтириши мумкин.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитида, агар ҳоҳланса, ишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисобини алоҳида юритиш мумкин, яъни ишлаб чиқариш харажатлари счётларини счётларнинг умумий тизимидан ажратиб олган ҳолда юритиб, шу билан ғарб мамлакатларида кенг тарқалган ишлаб чиқариш ва молия бухгалтерия ҳисобига ўтиш мумкин. Натижада ишлаб чиқариш бухгалтерияси билан молия бухгалтерияси ташкилий жиҳатдан ажратилиши мумкин бўлади. Бунда ишлаб чиқариш бухгалтерияси ҳисобини ишлаб чиқаришни бошқариш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотниниг таннархини калькуляция қилиш манфатини кўзлаб юритилса, молиявий ҳисоб субъектниниг молиявий ҳисоботи тизими ва униниг молиявий ҳамда тижорат

фаолиятини бошқариш мақсадида юритилади. Ҳисобчиликнинг бундай тартибига ўтиш ҳар хил даражадаги бошқарув тизимиш зарурий ахборотлар билан таъминлашни сезиларли равишда тезлаштириш ва такомиллаштириш билан бирга ишлаб чиқариш харажатлари, ташарх ва маҳсулот айрим турларининг рентабеллик даражаси ҳақидаги тижорат сирларини яшириш имконини беради.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб республикамизда бухгалтерия ҳисобини ривожланган мамлкатлардаги каби молиявий ва бошқарув ҳисобларига бўлиб ташкил қилиш масалаларини назарий ва амалиёт нуқтаи назаридан ишлаб чиқиш зарур. Республикамизда кўпгина мамлакатларда қўллашилиб келаётган «Харажатлар - ишлаб чиқариш» усулини қўллашга ўтиш бўйича тегишли илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. 1999 йил 1 январдан бошлаб амалиётга жорий этила бошланган «Харажатлар таркиби ҳақидаги» Низомда бу борада анчагина ишлар қилинди. Илк бор маҳсулот (хизмат, иш)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларнинг бир қисми тўғридан-тўғри молиявий натижаларга олиб бориладиган бўлди. Бухгалтерия ҳисобининг молиявий ва бухгалтерия ҳисобига бўлиниши борасида ҳам дадил қадамлар қўйилди. Эндиги вазифа бошқарув ҳисоби борасида таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Бозор иқтисодига ўтиш шароитида мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш соҳасида иккита асосий муаммони ҳал этиш лозим.

Улардан биринчиси бозор иқтисоди шароитига ва халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига мос келадиган бухгалтерия ҳисобининг назарий, ташкилий ва услубий асосини яратишни ўз ичига олади.

Бухгалтерия ҳисобининг фаолияти ва вазифаларини қайта йўналтириш бир томондан, маълумотларни ташқи истеъмолчиларнинг (давлат органларини фойданинг тўғри ҳисобланиши, солиқнинг тўғри аниқланиши ва ўз вақтида тўланиши, кредиторларни эса субъектнинг молиявий ҳолати, тўлов қобилияти, сармоядорларни эса субъектнинг рентабеллик даражаси қизиқтиради) манфаати учун амалга оширилиши керак.

Иккинчи томондан, бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ички истеъмолчиларини бошқарув ҳисобининг счётлар режасини, бухгалтерия ҳисобининг ташкилий асослари ва услубиятини, харажатларнинг келиб чиқиш жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича таҳлил ва назорат қилишни, ресурслардан фойдаланишда меъёрдан четга чиқишлар бўйича бошқариш имкониятини ҳамда истиқболни белгилашнинг заруриятини ўз ичига олган манфаатларини эътиборга олиш лозим.

Иккинчи муаммо, ички ва ташқи истеъмолчилар учун зарур бўлган маълумотларни тезкор йиғиш, гуруҳлаш ва таҳлил қилишни тезлаштириш учун бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳисоблаш техникасидан кенгроқ фойдаланишни ривожлантириш масаласидир.

Юқорида таъкидланган муаммолар ижобий ҳал қилинса бухгалтерия ҳисобининг ва айниқса бошқарув ҳисобининг маълумотларидан фойдаланиш натижасида бошқарув қарорларини қабул қилиш ва унинг самарадорлиги янада ортади.

Хулосалар

Бошқарув ҳисоби ушбу бобда бирламчи ҳисоб маълумотларига асосланган маълумотнинг бир қисми сифатида кўрсатилган.

Бухгалтерия ҳисобини икки тармоққа бўлиш - молиявий ва бошқарув ҳисоби - ўзининг маълум мақсад ва масалаларига эга бўлган икки бухгалтерияни ташкил этишга олиб келади. Маълумот тизимининг тузилиши миллий хусусиятлар, субъектнинг катталиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тавсифи ва бошқарув принциплари билан аниқланган.

Бошқарувнинг турли даражасидаги бошқарувчилар ва режалаштириш учун, хусусан, таркибий бўлинмалар ва бутун субъект фаолиятини бошқариш ҳамда назорат қилиш учун маълумот тайёрлайдиган ушбу маълумотни туркумлайдиган бошқарув ҳисобини субъектнинг миқёси билан чегараланган жараён сифатида кўрсатишга имкон беради.

Молиявий ва бошқарув ҳисобини таққослаш тавсифномаси молиявий ҳисобни ўрганишда бошқарув ҳисобига ўтишни енгиллаштиради.

Бошқарув ҳисоби мажбурий ҳисобланмайди, у аксинча, якуний маҳсулот эмас балки воситa ҳисобланади. Молиявий ҳисобнинг маълумотлари ташқи фойдаланувчилар томонидан ишлатилади ва шунинг учун улар стандартлаштирилган умумий қоидалар бўйича юритилади. Бошқарув ҳисобининг маълумотларига қизиқишлар персонификацияланган ва олдиндан маълум бўлиши мумкин бўлган маълумотларнинг ички фойдаланувчилари учун мўлжалланган. Бошқарув ҳисоби учун умумий қоидалар шарт эмас, молиявий ҳисоб томонидан ишлатиладиган асосий қоида (баланси умумлаштириш) ўрнига объектни ўрганиш учун учта турли ёндашувлар қўлланилади (харажатлар, даромадлар, активлар); кўпроқ тахминий баҳолар мавжуд; маълумотларнинг катта ҳажми натурал кўринишида берилган; аниқликка эътибор қаратилмайди; турли мақсадлар учун ҳар хил маълумотлар - масъулият марказлари бўйича ҳисоб, тўлиқ таннарх ҳисоби ва дифференцияланган ҳисоблардан ташкил топган.

2-БОБ

БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСЛУБИ ВА БАЖАРАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Бошқарув ҳисобининг предмети

Бошқарув ҳисоби - хўжалик юритувчи субъект ахборот тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришнинг самарадорлиги аниқланадиган таркибий бўлинмалар, субъект хизматлари бўлимларининг фаолияти ҳақидаги маълумот билан таъминланади. Бу маълумотни бошқарув ҳисоби тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида субъектнинг ичида фаолият кўрсатаётган турли даражадаги бошқарувчилар учун шакллантиради.

Бошқарув ҳисобининг мазмуни бошқарув мақсадлари билан аниқланади: у ички бўлинмаларнинг бошқарувчилари олдига қўйилган қизиқиш ва мақсадларга биноан маъмурият қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

Бошқарув ҳисобининг оёққа турини калькуляцион ҳисоб асосида бўлиб ўтади, шунинг учун унинг асосий мазмуни турли туркумий аспектлардаги келажак ва ўтмиш даврларининг ишлаб чиқаришига бўлган харажатлар ҳисобидан иборат. Бу ҳолат охирги даврларда иқтисодий адабиётда, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби бўйича ишларда ва унинг маълумотини бошқарув фаолиятида қўлланадиган ишларда пайдо бўлган «бошқарув ҳисоби» тушунчасини аниқлашда мавжуд бўлади.

Бошқарув ҳисобининг хусусиятини аниқлашда ҳамма муаллифлар томонидан белгиланадиган бошқа муҳим давр бўлиб, маълумот таҳлилини ҳисобланади. Тизимли бўлинмалар фаолиятининг натижаларини ишончли даражада акс эттириш ва субъектнинг даромад олишда иштироки даражасини аниқлаш мақсадида бошқарув ҳисобининг таркибида маълумотлар тўпланади, гуруҳлаштирилади, идентификациялаштирилади ва ўрганилади. Ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлиги ҳисобда ҳақиқий ва стандарт харажатларни ҳамда ишлаб чиқарилган харажатларнинг натижаларини таққослаш жараёни сифатида кўрсатилган.

Бошқарув ҳисобининг мазмунини ўрганишга уни субъектнинг бутун ахборот-назорат тизими сифатида тавсифловчи белгилар тўпламини кўриб чиқишга ёрдам беради: ахборот билан таъминланишнинг узлуксизлиги, мақсадга йўналтирилганлиги, тўлиқлиги, жамоатнинг объектив иқтисодий қонунларидан фойдаланишда амалий акс эттирилиши, ўзгарувчан ташқи ва ички шароитларда бошқарув объектларига таъсир кўрсатиш даражаси ва ҳоказолар.

Бошқарув ҳисобининг мазмуни ҳақида кўп муаллифлар турли йўриқлар изҳор қиладилар. Замонавий Ўзбекистонимиз иқтисодининг махсус шароитларига кўра дастурда бошқарув ҳисобининг мазмунини аниқлашга уринилган.

Бошқарув ҳисобининг мазмуни - тезкор бошқарув қарорлари ва субъектнинг келажакдаги ривожланиш муаммоларининг координацияси (мувофиқ-

лантириш) учун маълумотни тизимлаштирувчи харажатлар ва даромадлар, мўъёрлаштириш, режалаштириш, назорат қилиш ва таҳлил этиш ҳисобининг интеграциялашган тизимидан иборат.

Таклиф этилган тавсиф шу бобда кўрилган объектлар, белгилар, масала ва мақсадлардан келиб чиққан ҳолда берилган.

Бошқарув ҳисобининг мазмунини тавсифлаб, унинг муҳим хусусиятини белгилаш лозим, чунки бошқарув ҳисоби бошқарув жараёнини ҳисоб жараёни билан боғлайди.

Бошқарув предмети бўлиб объектга таъсир кўрсатиш жараёни ёки ишлаб чиқаришнинг максимал (энг юқори) самарадорлигига эришиш учун инсонлар фаолиятини ташкил этиш ва муқобиллаштириш мақсадидаги бошқарув жараёни ҳисоблапади. Бошқарув - бошқарув предметини режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш (координациялаш), стимуллаштириш (рағбатлантириш) ва назорат қилиш ёрдамида таъсир кўрсатади. Бошқарувнинг мақсадлари ва масалаларига жавоб берувчи бошқарув ҳисоби ўз тизимини яратиб айни шу функцияларни бажаради.

Ҳозирги вақтда бошқарув ҳисобининг предметини аниқловчи аниқ белгилар мавжуд эмас. Муаллифлар ҳозиргача бухгалтерия ҳисобининг умумий ва бошқарув ҳисобининг қисман мазмунини тушунтириш билан чегаралангалар. Бу борада, субъектнинг фаолиятини бошқариш тизими ва услублари ўзгармоқда, шунинг билан бошқарув ҳисобининг процедура (муолажа)си ва мазмуни ҳам ўзгармоқда. Бу айниқса, турли ташкилий тизимли, ўзгарувчан ташқи омилларнинг таъсирчан (инфляция, саноатнинг тизимли қайта қурилиши ва ҳоказо)лигига тааллуқли. Шу ердан бошқарув объектлари ва субъектларининг рўйхати ўзгаради.

Бошқарув ҳақидаги фан бошқарув ҳисоби предмети ҳақидаги концепцияни ҳам шакллантиради.

Бошқарув ҳисобининг предмети бўлиб умумий кўринишда ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бутун цикли жараёнидаги объектларнинг жамламаси ҳисоблапади. Предметнинг мазмунини унинг кўп объектлари очади ва уларни икки гуруҳга бирлаштириш мумкин:

- субъектнинг хўжалик фаолияти жараёнида одамларнинг меҳнатини маълум мақсадга йўналтирилганлигини таъминловчи ишлаб чиқариш ресурслари;

- тўпламда субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тузувчи хўжалик жараёнлари ва уларнинг натижалари.

Ишлаб чиқариш ресурсларининг таркибига қуйидагилар киради:

- асосий жамғармалар - бу меҳнат воситалари (машиналар, ускуналар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқалар), уларнинг ҳолати ва фойдаланилиши;

- номоддий активлар - узоқ муддатли қўйилмаларнинг объектлари (ердан фойдаланиш ҳуқуқи, стандартлар, лицензиялар, савдо белгилари ва бошқалар), уларнинг ҳолати ва фойдаланилиши;

- моддий ресурслар - меҳнат воситаси ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнида қайта ишлов бериш учун мўлжалланган меҳнат буюмлари.

Бошқарув ҳисобида бу ресурслар ишлаб чиқариш захиралари сифатида субъектнинг омборларида, цех омборларида ва бўлинмаларида, ишлаб чиқариш бўлимининг омборларида ва тайёр маҳсулот омборигача ишлаб чиқариш босқичининг даражалари бўйича уларнинг ҳаракати жараёнида кўрсатилган. Улар хомашёни саноатнинг қазиб олувчи тармоғи маҳсули, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатида; шу ва бошқа субъектларда олдиндан ишлов берилган материаллар сифатида (ЯТМ - тайёрланмалар, наковкалар, қуйилмалар, деталлар, узеллар ва бошқалар); ҳозирги даврда субъектда мавжуд меҳнат ресурслари, меҳнат ресурсларидан мақсадга мувофиқ фаолият жараёнида фойдаланиши ва меҳнатнинг натижаси сифатида кўрадилар.

Бошқарув ҳисоби объектларининг иккинчи гуруҳига қуйидагилар киради:

- таъминот-тайёрлов - ишлаб чиқариш таъминоти ва таъмири, шунингдек таъминот жараёни билан боғлиқ бўлган маркетинг фаолияти учун мўлжалланган сотиб олиш, сақлаш, ишлаб чиқаришнинг хомашё ресурсларини сотиб олиш, ёрдамчи материаллар ва эҳтиёт қисмлари ҳамда ишлаб чиқариш ускунаси билан таъминлаш;

- ишлаб чиқарувчи - ишлаб чиқариш технологияси томонидан шартланган, асосий ва ёрдамчи муомалалардан ташкил топган жараёнлар; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқариш бўйича муомалалар;

- молиявий-сотув - маҳсулот сотиш бозорини шакллантириш бўйича маркетинг тадқиқотлари ва муомалалар; тўғридан-тўғри сотув муомалалари - буларга қадоқлаш, транспортировка қилиш ва бошқа турдаги ишлар киради; рекламадан бошлаб то истеъмолчилар билан тўғри алоқалар ўрнатиш асосида сотиш ҳажмининг ўсишига ёрдамлашувчи муомалалар; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш;

- ташкилий- субъектнинг ташкилий тизимини тузиш, субъектнинг тизимидан функционал бўлимларни, хизматларни, цехларни, бўлинмаларни ажратиш; тизимли бўлинмалар, режалаштириш, назорат қилиш, режани бажаришни баҳолаш, рағбатлаштириш функцияларига тўғри келадиган бошқарувнинг турли даражалари ўртасидаги ички коммуникацион алоқаларнинг талабларига жавоб берувчи тўғри ва тескари алоқали ахборот тизимини субъектда ташкил этиш; субъектнинг асосий мақсадини бажаришга қаратилган ички ижрочиларнинг ҳаракатларини муқобиллаштириш муомалалари.

Бошқарув ҳисоби объектларининг бошқача гуруҳлаштирилиши танланиши мумкин, лекин ҳар бир ҳолатда у бошқарувнинг асосий мақсадларига жавоб берини керак.

2.2. Бошқарув ҳисобининг услуби ва усуллари

Бошқарув ҳисоби тизимида унинг объектлари маълум ихтисосли йўналишда акс эттирилади. Биринчи ўринда ишлаб чиқариш ресурсларининг ҳолати, ҳаракати, субъектнинг хўжалик фаолияти жараёнида мақсадли ишлатилишида акс эттирилади.

Уларнинг ёрдамида субъектнинг ахборот тизимида бошқарув ҳисобининг объектлари акс эттирувчи турли қўлланма ва усулларнинг жамлами бошқарув ҳисобининг услуби дейилади. У қуйидаги элементлардан иборат: ҳужжатлаштириш, инвентаризация, назорат счётларини баҳолаш, гуруҳлаштириш ва умумлаштириш, меъёрлаштириш, режалаштириш ва лимитлаш, назорат ва таҳлиллардан иборат.

Ҳужжатлаштириш - бошқарув ҳисобига субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини керакли даражада тўлиқ акс эттиришга кафолат берувчи дастлабки ҳужжатлар ва маълумот йиғувчи машиналарнинг туркуми ҳисобланади. Бирламчи ҳисоб субъектнинг ихтисосига қўлланишда молиявий ва бошқарув ҳисоби учун маълумотнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Бирламчи ҳисобнинг ташкил этилишига комплексли ёндашиш қуйидагиларни таъминлайди: тезкор календарли режалаштиришни, тезкор назорат ва ишлаб чиқаришнинг юришини диспетчерлаштиришни, кейинги такомиллашувини; ишлаб чиқаришнинг ҳар бир масаласини ишлаб чиқиш ҳамда тезкор ҳисобнинг ҳамма масалаларини ўзаро ва тезкор календарли режалаштириш; ишлаб чиқариш ҳисобини ва меҳнат ҳақини ҳисоблаш; ишлаб чиқаришда моддий қийматликларнинг тўғри ишлатилишини назорат қилиш, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисоби масалалари билан тўлиқ боғланиши; молиявий ва бошқарув ҳисоби учун ягона ҳужжатлар айланмасини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, бирламчи ҳужжатлаштиришни тартиблаш ва унификациялаш; моддий ва меҳнат ресурсларининг сарфланиши, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳажмларини ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдорига биноан материалларни чиқазиб ташлашга тўғри келиши устидан назорат ўрнатиш; тайёрлаш, деталлар, узеллар ва ЯТМ ишлов бериш, истеъмол қилиш ва сақлаш жойлари бўйича ҳаракат жараёнида бутлиги; махсус сақлаш жойларини ускуналаш, замонавий ўлчаш ва аналитик мосламалар билан таъминлаш натижасида деталлар, узеллар ва йиғувчи бирликларнинг омбор ҳисобини ташкил этишни яхшилаш; мансабдор шахсларга алоҳида жамоаларни-бригадаларнинг ҳисоб - ҳужжатлаштиришларини расмийлаштириш ёки машина ускуналардан маълумот йиғиш бўйича функцияларни, маълумотни тўғри расмийлаштириш ва тўлиқ йиғиш учун персонал масъулиятлилигини оширишни юклаш; ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотни деталлар, ЯТМ ҳаракати ҳисоби балансларини бошқарув ва молиявий ҳисобда умумлаштирилган ҳужжатлар кўринишида қўллаш йўли билан аниқлиги ва даврийлиги; деталлар, узеллар ва ЯТМ ҳаракати тўғрисидаги маълумотни йиғиш, юбориш, қайта ишлашни механизациялаш ҳамда автоматлаштириш ва натижалаштирилаётган маълумотни бирламчи ҳисоби асосида бошқарувнинг турли даражасида персонал ЭҲМларда олиш; маълум ҳисобот даври давомида маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ текшириш. Бунга тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг инвентаризация ёрдамида ҳақиқий ҳолати, ҳажми ва комплектланганлигини таққослашга тезкор ҳисоб ёрдам беради ва шу билан бирга ишлаб чиқаришни режалаштиришнинг ахборот негизини яхшилашга ҳамда захи-

раларни вужудга келиш ва таъмир жойлари бўйича меъёрлаштиришга имкон яратади.

Инвентаризация - объектнинг ҳақиқий ҳолатини, шунингдек, ҳисоб маълумотларидан, ҳисобланмаган қийматликлар, йўқотишлар, етишмовчиликлар, ўғрилашишлар натижасида содир бўлган фарқларни аниқлаш усули ҳисобланади. Инвентаризация моддий қийматликларнинг сақлашишига ёрдам беради, уларнинг ишлатилишини назорат қилади, ҳисоб маълумотларининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлайди.

Гуруҳлаштириш ва умумлаштириш, назорат ҳисобларидан фойдаланиш- объект ҳақидаги маълумотни маълум белгилар бўйича тўплаш ва тизимлашга имкон берувчи усул ҳисобланади. Бошқарув ҳисобининг объектларини гуруҳлаштиришнинг муҳим белгилари қуйидагилар: ишлаб чиқариш фаолиятининг хусусияти, субъектнинг технология ва ташкилий тизими, бошқарувни ташкил этиш, бошқарув тизимининг мақсадли функцияларидир. Гуруҳлаштирилган маълумот фаолиятнинг натижаларини баҳолаш тезкор ва стратегик қарорларни қабул қилиш учун самарали қўлланилади.

Назорат счётлари - бу ушбу даврнинг муомалалари бўйича натижавий суммалар бўйича ёзувлар қилинадиган натижавий счётларидир. Назорат счётларининг тизими молиявий ва бошқарув ҳисобини боғловчи звеноси сифатида ишлатилади ва ҳисоб ёзувларининг тўлиқлиги ва тўғрилигини ўрнатишга имкон беради. Шундай қилиб, омбор ҳисоби карточкаларида қилинган ёзувлар муомалаларни қайд қилиш журналидаги материалларнинг номланиши ва тўпловчи қайдномаларда маълум белгилари бўйича тизимлаштирилган ҳамма муомалаларнинг натижаси киритиладиган назорат счётлари бўйича тўпловчи қайдномалардаги хронологик ёзувларга тўғри келиши керак.

Режалаштириш, меъёрлаштириш ва лимитлаш субъектни бошқариш тизимига киради.

Режалаштириш - субъектнинг имкониятларини бозор шароитларига мослаштиришга қаратилган узлуксиз босқич жараёнидир. У бўлажак муаммоларни ечиш билан боғлиқ бўлган йўналишнинг умумий ва хусусий тавсифга эга бўлган альтернатив счимларни танлаш услубини қўллайди. Режалаштириш статистик изланишлар ва хўжалик фаолияти натижаларининг таҳлилига асосланган-дагина самаралидир. Таҳлил бошқарув ҳисобининг мақсадларига мувофиқ гуруҳлаштирилган ва қайта ишланган маълумотлар бўйича ўтказилади.

Меъёрлаштириш - ҳамма турдаги ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашга ва харажатларни янада маҳсулдорроқ маҳсулотга айлантириш йўлларини излашга қаратилган муқобил (оптимал) меъёрларнинг илмий татбиқ этилган ҳисоблашлар жараёнидир. Меъёрларнинг комплексини унинг фаолиятининг ҳамма доирасини қамраб олувчи субъектнинг меъёрлаштирувчи хўжалиги ишлаб чиқади.

Меъёрлаштирувчи хўжаликсиз бошқарув ҳисобининг тизимини ташкил этиш, захиралар ва ҳақиқий харажатларнинг ҳолати устидан назорат ўрна-

тиш мумкин эмас. Меъёрлар назорат тизимининг асоси сифатида масъулият марказлари, маҳсулотлар ва муомалалар бўйича гуруҳланади ва туркумланади.

Меъёрий асосни тузиш амалиёти кўрсатаётганидек, ишлаб чиқаришни режалаштириш, ташкил этиш ва унинг ҳисоби учун асос бўлиб технологик ҳисоблашлар олинади. Меъёрий технология кўрсаткичлари ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш жараёнидаёқ техник-иқтисодий режалаштиришни тезкор-ишлаб чиқаришни режалаштириш билан боғлайди. Режа ва меъёрий кўрсаткичлар ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш кўрсаткичлари тизимини аниқлайди, бу маълум даражада меъёрлаштириш, режалаштириш, харажатларнинг меъёри бўйича ва улардан четга чиқишларнинг ҳисоб кўрсаткичларини таққослашга ёрдам беради. Технология меъёрлариш бўлинмаларнинг фаолияти ва ички хўжалик юритиш даражаси ҳақидаги зарур маълумотлар билан таъминлайдиган ишлаб чиқарин ҳисобининг аналитик асоси сифатида кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, меъёрлар режалаштиришда ишлатилади, чунки улар эришилиши зарур бўлган миқдорий мақсадларни кўрсатади.

Лимитлаш - захира ва харажатларнинг меъёрий тизимига асосланган моддий харажатларни назорат қилишнинг биринчи поғонаси ҳисобланади. Лимит - технологик ҳужжатлаштирин томонидан ўрнатилган ва ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмасига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг аниқ ассортиментидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш дастури томонидан режалаштирилган бир маҳсулотга сарфланадиган моддий заҳира сарфининг меъёридир.

Лимит тизими нафақат цехдан материал берин лимитининг ҳисобидан ташкил топмай, балки ҳисоб ва назорат муомалаларидан ҳам мавжуд бўлиши керак. Шунинг учун бошқарув ҳисоби тизимида лимитлашга моддий харажатларнинг шаклланишига фаол таъсир кўрсатишга имкон берадиган маҳсулотнинг тезкор роли ажратилади.

Таҳлил- хусусиятларга эга бошқарув ҳисоби услубининг бу элементи унинг қолган ҳамма таркиб этгирувчилари билан ўзаро боғланган ҳолда ҳаракатланади. Бутун субъектнинг ишлаб чиқарин фаолияти қандай таҳлил қилинадиган бўлса, шундай иқтисодий кўрсаткичларда кўрсатилган алоҳида бўлинмаларнинг фаолияти ҳам таҳлил қилинади. Кўрсаткичларнинг танлови бошқарув тизимининг мақсадлари ва имкониятлари билан белгиланади. Таҳлил жараёнида керакли бошқарув қарорларни қабул қилиш учун ишлаб чиқариш натижасида содир бўлган ўзгаришларни вужудга келтирган четга чиқишлар ва уларнинг сабаблари, ўрнатилган режали топшириқларни бажарин бўйича бўлинмалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқалар аниқланади.

Назорат - субъектнинг фаолиятини олдиндан белгиланган топшириқларни бажаришга қаратадиган, пайдо бўлган четга чиқишларни очиш ва олдини олишга имкон берадиган режалаштириш ва таҳлилнинг якуний жараёни ҳисобланади. Назорат тизимининг асоси бўлиб, назорат-ўлчов фа-

олиятини рўёбга чиқарини учун катта, ишончли, зарур ва мақсадга мувофиқ бўлган маълумотни берувчи тескари алоқа ҳисобланади. Назоратнинг турли доирасида қўлланилиши ва турлари мавжуд. Улар доимо ўзгариб турадилар ва ҳар бир субъектда унинг фаолиятини, хусусиятини акс эттириб, шартли асосларга эга бўладилар.

Хулоса қилиб шуни айтамизки, услубнинг ҳамма элементлари бир-бири билан боғланган ҳолда, бошқарув масалаларини ечишга қаратилган ички хўжалик алоқаларини ташкил этиш тизимида ҳаракат қилади.

2.3. Бошқарув ҳисобининг принциплари

Хўжалик фаолиятини бошқариш мураккаб ва комплекс жарён ҳисобланади. Бошқарув талабларига жавоб берадиган ҳисоб тизими худди шундай мураккаб ва кўпгина муолажалардан ташкил топган. Ундан ташқари бошқарув ҳисоби тизими элементларининг таркибини бошқарув мақсадларига кўра ўрганиш мумкин. Лекин, аниқ бир субъектда ташкил этилган ҳисобнинг ҳар бир тизими умум қабул қилинган принципларга жавоб беради.

Бошқарув ҳисоби принципларига қуйидагилар киради: субъект фаолиятининг узлуксизлиги; режалаштириш ва ҳисоб (режа-ҳисоб) учун ягона ўлчов бирликларини қўллаш ва субъект бўлинмалари фаолиятининг натижаларини баҳолаш; бошқарув мақсадида бирламчи ва оралиқ маълумотни кейинга қолдириш ва кўп марта ишлатилиши; бошқарув поғоналари ўртасида ички ҳисобот кўрсаткичларини коммуникацион алоқалар асоси сифатида шакллантириш; ҳар хил молиялар, тижорат фаолиятини бошқаришнинг бюджет (смета)ли услубини қўллаш; ҳисоб объекти ҳақида тўлиқ маълумот билан таъминловчи тўлиқлик ва аналитиклик; ҳисоб сиёсати томонидан ўрнатилган субъектнинг ишлаб чиқариш ва тижорат жараёнини акс эттирувчи даврийлик ва ҳоказолар. Келтирилган принципларнинг йиғими бошқарув ҳисоби усулининг ҳаракатчанлигини таъминлайди, лекин ҳисоб жараёнини ушфикация қилмайди.

Субъект фаолиятининг узлуксизлиги ўзини - ўзи йўқотиш ва ишлаб чиқарин масштабини қисқартирин мақсадларининг йўқлиги, бу демак, субъект келажакда ривожланади дегани билан ифодаланади. Бу принцип бухгалтерларни узоқ муддатли муаммоларни ечишни ахборот билан таъминлашга шай қилади: маҳсулот ишлаб чиқариш, хомашё ва материалларни етказиб бериш, ассортиментнинг ўзгариши ва янги маҳсулот, инвестиция ва бошқаларни ўрганишини - рақобатбардошлигининг таҳлилини ўтказишга шай қилади.

Ўлчашнинг ягона режаси ҳисоб бирликларини субъектнинг фаолиятини режалаштириш ва ҳисобида қўллаш улар ўртасида тўғри ва тескари алоқани таъминлайди.

Режа-ҳисоб бирликлари тезкор-ишлаб чиқаришни режалаштириш тизимининг мазмунини унинг турли даражаларида очиб беради; улар ёрдамида ишлаб чиқаришнинг бошқарув ҳисоби кўрсаткичлари ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги чамбарчас ўзаро алоқаларга асосланган ҳисоб

тизими услубиятини ишлаб чиқиш, алоҳида тизимли бўлинмаларнинг хўжалик фаолияти натижаларини аниқлаш учун реал имконият пайдо бўлади.

Тезкор-ишлаб чиқаришни режалаштиришнинг турли даражаларида режа-ҳисоб бирликлари ёки янада катталаштирилган ёки аксинча деталлаштирилган бўлади. Деталлаштириш асосида субъект миқёсидаги янада йириқроқ бирликдан (буюм, ишлаб чиқариш буюртмаси, буюмлар серияси, номланиши ва бошқалар) цех, бўлима, бригада миқёсидаги янада майдароқ бирликка (детал, муомала, муомалалар комплекси, машинокомплект ва бошқалар) ўтиш принципи қўйилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ишлаб чиқаришни бошқарув ҳисобининг режа-ҳисоб бирликлари ва омборга топширилган тайёр маҳсулотни ўлчаш бирликлари бир-бирига ўхшашдир. Улар орқали бажарилган буюртмаларнинг бошқарув ва молиявий ҳисоби ўртасидаги алоқаси кузатилади. Бунда маълумотлар маҳсулотларнинг тури бўйича, ишлаб чиқариш буюртмалари ёки тизимли бўлинмалар бўйича бўлса ҳам бошқарув объектлари бўйича у ёки бу турдаги ҳисобда гуруҳланиши мумкин. Ундан ташқари, субъект даражасида режа-ҳисоб бирликлари калькуляция объектлари билан мос тушади ёки уларнинг бир қисми ҳисоблана-ди. Тизимли бўлинмалар даражасида режа-ҳисоб бирликлари харажатларни ҳисобга олиш объектини танланда ишлатилиши мумкин.

Субъектнинг тизимли бўлинмалари фаолиятининг натижаларини баҳолаш- бошқарув ҳисоби тизимини қуришга асос солувчи принциплардан бири ҳисобланади. Ташкилий шакларнинг ҳар хил турларидан қатъи назар субъектларда бошқарув ҳисоби тезкор-ишлаб чиқариш ва техник-иқтисодий режалаштириш билан боғлиқ бўлиши керак. Режалаштириш ва назорат қилиш тизими билан бригаликда бошқарув ҳисоби ўзида цех, бўлим ва бригаданинг хўжалик юритиш механизмини кўрсатади. Фаолият натижаларини баҳолаш маҳсулотнинг ишлаб чиқаришдан то уни сотишгача субъект даромадининг шаклланишида ҳар бир бўлинманинг йўналиши ва перспективаларини (келажагини)аниқлашни кўзда тутади.

Субъектнинг хўжалик механизми бўлинмалар ва уларнинг ичида тезкор бошқарин эҳтиёжларига ўрганган бўлиши лозим.

Йиғиш, қайта ишлаш ва транспортировка қилиш жараёнида ўзида қолдириш ва кўп маротаба ишлатиш принципи бирламчи маълумотларга риоя қилиш ҳисоб тизимини осонлаштиради ва уни самарали қилади (ҳам харажатлар - менеджерларнинг бухгалтер-таҳлилчи олдига қўйган мақсадини ечишда кўпроқ аҳамияти бор). Тезкор бошқаришда бошқарув ҳисобининг маълумотлари мустаҳкамланади ва айрим ҳолларда бухгалтерия маълумотлари билан қўшимча қилинади. Ўз навбатида молиявий ҳисобнинг маълумотлари деталлаштирилади, бошқарув ҳисобидан келаётган маълумотлар билан қўшилади. Айрим ҳолларда уни комплексли принцип деб атайдилар. Унинг мазмуни бирламчи ҳужжатлар ёки ишлаб чиқариш ҳисоблашлардаги маълумотларни бир марта қайд қилиш ва уни бошқарув фаолиятининг ҳамма турларида қайта қайд этиш ҳамда ҳисобланисиз кўп маротаба қўллашдан иборатдир.

Келтирилган принцип субъектда унинг ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳажми ва масштабига нисбатан ҳисобнинг рационал ҳамда иқтисодий тизимини яратишга имкон беради. Унинг реализация маълумотларининг минимал қийматидан бошқарув қарорлари учун керак бўлган маълумотнинг максимал қийматининг олинишини англатади. Шунда бошқарув ҳисоби ўз функцияларини бажарган ҳисобланади.

Бошқарув ҳисоби ички ҳисобот кўрсаткичларини бирламчи ҳисоб маълумотлари бўйича шундай шакллантириш қобилиятига эгаки, улар субъектнинг ичидаги коммуникацион тизимга айланадилар: нолинчи даражада бирламчи ҳужжатларда, асосий ва ёрдамчи ҳисоботларда ҳисоб сиёсати пайдо бўлади, биринчи даражада маълумот таъминот бўлимининг ташқи кооперация, ишлаб чиқариш бўлимлари, сотув ва молия бўлимлари, бухгалтерия, омбор хўжалигининг йиғувчи ҳужжатларида гуруҳланади, кейинги даражаларда субъектни бошқарининг фаолият бўлимларида (бош конструкторнинг, бош технологнинг, бош механиканинг, кадрлар бўлимининг, ишлаб чиқариш ва бошқалар) фаолият кўрсатадилар. Ҳисоботни йиғишда ҳужжатлаштиришнинг бирлашуви ва шаклланиши содир бўлади.

Энг юқоридаги даражада тизимли бўлимлардан тушган ва йиғилган маълумотнинг умумлаштирилиши ҳамда ишлаб чиқариш-диспетчерлик, режа-иқтисод бўлимлари ва бухгалтерия томонидан натижавий кўрсаткич бўлмиш ҳисобот ҳужжатлаштирилишига айлантирилиши содир бўлади. Ҳисоботларнинг мазмуни уларнинг мақсадга мувофиқлиги ёки улар мўлжалланган бошқарувчининг мансабига боғлиқ бўлади. Бухгалер-таҳлилчилар қуйидагиларни тузадилар: маҳсулотнинг таннархини аниқлаш мақсадида таннархни таҳлил қилиш ҳисоботларини; бўлажак харажатларни режалаштириш учун сметаларни; иш натижаларини баҳолаш учун ишлаб чиқариш бўлинмаларининг жорий тезкор ҳисоботларини; тезкор қарорларни қабул қилиш учун ишлаб чиқаришда содир бўлган харажатлар ҳақидаги ҳисоботларни; шунингдек, узоқ муддатли режалаштириш ёки прогнозлаш (башорат қилиш) учун капитал қўйилмаларнинг сметаларини таҳлил қиладилар.

Шундай қилиб, тизим тўлиқлик ва аналитиклик принципига жавоб бериши керак. Ҳисоботларда мавжуд кўрсаткичлар таҳлил учун қулай ҳолатда кўрсатилиши керак, улар қўшимча аналитик қайта ишларини талаб қилмасликлари, синтезга қарши муолажа (процедура)ларни (бошқарувнинг пастдан юқори даражасига) кўзда тутмаслиги лозим. Бу принципни бузиш тизимнинг қимматлашишига ва бошқарувнинг тезкорлигини йўқотишга олиб келади.

Субъектнинг ишлаб чиқарини ва тижорат босқичларини акс эттирувчи даврийлик принципи бошқарув ҳисоби тизимини қуриш учун шундай муҳимдир. Бошқарувчилар учун маълумот фақат мақсадга мувофиқ ва ўз вақтида (эрта ҳам, кеч ҳам эмас) бўлгандагина керак. Вақтни қисқартириш бошқарув ҳисоби томонидан тайёрланган маълумотнинг аниқлигини маълум миқдорда камайтириши мумкин. Одатда, бошқарув аппарати бирламчи маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва натижавий маълумотда гуруҳлаш графигини ўрнатади.

Харажатлар, молия, тижорат фаолиятини бошқаришнинг бюджет (сметали) услуби принципи асосий эътиборга лойиқ. У йирик субъектларда режалаштириш, назорат ва тартибга солиш қуроли сифатида қўлланилади. Бюджет босқичининг фаолияти, бўлинмаларнинг ҳамма фаолиятини режалаштириш муолажа (процедура)ларидан; бутун жамоа лойиҳа қарорларини суммалашдан; бюджет лойиҳасини ҳисоблашдан; режа вариантларини ҳисоблаш ва ўзгартиришлар киритишдан; ўзгарувчан шароитлар ва режалаштирилгандан чиқиб кетишларни якуний режалаштирини ва ҳисобландан иборат.

Смета (бюджет) билан ишлаб чиқариш, сотиш, тақсимлаш ва молиялаштириш қамраб олинади. Сметаларда бутун субъект ва унинг бўлинмаларининг ишлаб чиқаришга бўлган ҳамма харажатлари, фаолият турлари, бўлинмалар, бутун субъект бўйича даромадлар ва фойда ўз аксини топади.

Бюджетлаштирини, сарфлар сметасининг турлари ҳақида қуйида кенгроқ тўхталамиз.

2.4. Бошқарув ҳисобининг функциялари (бажарадиган ишлари) ва бухгалтернинг фаолияти

Бошқарув ҳисоби мазмунини тушуниш бу турдаги ҳисоб бажараётган функцияларининг бошқарув функцияларига боғлиқлигини аниқлашга имкон беради. Бошқарув функциялари одатда қуйидагилардан: ички ахборот алоқаларини режалаштириш, назорат қилиш, баҳолаш, ташкил этиш ва стимуллаштириш(рағбатлантириш)дан иборат.

Режалаштириш - келажакда рўёбга чиқиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг вариантини тавсифлаб бериш жараёни ҳисобланади. У қуйидагиларни ўз ичига олади: мақсадни қўйиш; масалаларни шакллантириш; қўйилган мақсадларга эришиш учун масалаларни ечиш йўлларини излаш; альтернатив ҳаракатлар вариантларини танлаш. Бу босқичда бошқарувчи смета ва уни бажаришнинг кўзда тутилган манбалари ҳақида маълумотга эга бўлиши керак. Яхши тузилган режалар шунчалик қайишқоқ бўладиларки, улар бошқарувчига маълум ишлаб чиқариш ҳолатларида уларни ўзгартириш учун имкон беради.

Бошқарув функциялари (бажарадиган ишлари)нинг чизмаси



Режалар қисқа ва узоқ муддатли бўлишлари мумкин. Тараққиёт режаси маъмуриятнинг субъектни 3-5 йилга ривожланишига нисбатан башорат (тахмин)ларини акс эттиради. У маъмурият томонидан ҳозирги ёки яқин вақтда ўтказиши керак бўлган тадбирларнинг комплексини кўзда тутади. Шу йўл билан асосий фондларга, ишлаб чиқариш захираларига, янги маҳсулотни яратиш ва ўрганишга бўлган инвестицияларнинг муаммолари ечилади, чунки ишлаб чиқаришга жойлаштирилган маҳсулотнинг ассортиментини ўзгартириш субъект оладиган фойда миқдорининг пасайиши таваккалчилигининг олдини олади.

Назорат- режаларини рўёбга чиқаришни бошқарувчилар, менеджерлар томонидан текшириш. У объектнинг ҳолатини аниқлашдан; ҳақиқий натижаларни режали натижалар билан таққослашдан; режаларни кўриб чиқишдан, агар уларнинг бажарилмаслиги аниқланса; режалаштирилгандан чиқиб кетишларни аниқлашдан ва тартибга солишдан иборат. Назорат режалаштириш билан шунчалик чамбарчас боғланганки, оддий ишда улар ўртасида чегара ўтказилмайди. Ҳар бир бошқарув қарори бошқарувни режалаштириш ва назорат тизими билан тўлиқ ўзаро ҳаракат қиладиган фаолиятни баҳолашга асосланади.

Бошқарувнинг бу жараёнида бошқарувчи объектнинг ҳақиқий ҳолатининг миқдорий ўлчами тўпланган бажарувчиларнинг ҳисоботи кўринишидаги маълумотга эга бўлади. Кўп ҳолларда ҳисоботда ҳақиқий ва бюджет маълумотлари солиштирилади, чиқиб кетишлар аниқланади. Бу бошқарувчининг эътиборини негатив жараёнларга қаратишга ва келажакда ечим талаб қилувчи муаммоларни аниқлашга, масалан, айрим харидорларга маҳсулот етказиб бериш бўйича мажбуриятни қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Баҳолаш- қарор қабул қилишнинг бутун тизимини таҳлил қилишнинг якуний жараёни сифатида қабул қилинади. Бу ҳолда қўйилган мақсадга эришилгани ва четга чиқишларнинг сабаблари аниқланади: режалаштиришнинг камчиликлари; тезкор қарорлар миқдорининг кўпайишига олиб келган ҳаракатларнинг муқобил бўлмаган тўплами; назорат тизимининг бошқарув талабларига тўғри келмаслиги; ниҳоясиз мақсадни танлашга олиб келади.

Ташкилий иш субъектнинг бўлинмалари, бюро, гуруҳлар, бўлимлар ва бошқаларнинг қўйилган мақсадларни амалиётга жорий қилиш учун мўлжалланган ташкилий тизимини тузишдан яъни, бажарувчилар ўртасида мажбуриятларни тақсимлашдан; бошқарувнинг турли даражаларини бирлаштирувчи ички ахборотларнинг алоқалари асосида бажарувчиларнинг ҳаракатларини координация қилиш(мувофиқлаштириш)дан; тўғри (линейний) ва билвосита (нелинейний) муносабатларни қўллаб алоқаларнинг коммуникацион каналларини ўрнатишдан иборат.

Бошқарув ҳисоби тизимининг юритилиши субъектнинг ташкилий тизими билан белгиланади. Ишлаб чиқариш бухгалтерияси тизимли бўлинмаларнинг ички ҳисоботи тизими сифатида чиқади. Ишлаб чиқаришга бўлган

харажатларнинг ҳисоби масъулият марказлари бўйича кўрилади, бу субъектнинг бошқарувига мақсадга эришишда ихтисосликни, қарамликни, ваколатли бўлишининг самарадорлиги ҳақида маълумот беради.

Рағбатлантириш- бу субъектнинг мақсади масалаларини аниқлашга ва бу мақсадларга тўғри келувчи қарор қабул қилишга уйғотувчи ишлаб чиқариш жараёнининг иштирокчиларини жалб қилиш воситасидир. Бу сифатда сметалар ва уларнинг бажарилиши ҳақидаги бажарувчи ҳисоботлар чиқади.

Сметалар балансланштирилган режа кўрсаткичларидан иборат ва менеджерларни субъектнинг якуний мақсадини бажаришга қаратади. Бажарувчи варақалар ҳақиқий натижаларнинг корректировкасини режалаштирилганга нисбатан асосланганлигини исботлайди ва субъектнинг маъсулларини чиқиб кетишларни олиб ташлаш ёки келажакда бўлиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш бўйича чора кўришга ундайди. Ички ҳисобот менеджерлар томонидан амалга оширилаётган назорат ва тартибга солиш тизимининг самарадорлигини ошириш учун асос яратади.

Ички ахборот алоқаси- бу маълумот ва ҳисобот алмашуви бўлиб якуний мақсадга эришиш учун турли тизимли бўлинмаларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга имкон беради; бўлажак бюджет даврига ҳар бир бўлинма масалаларини аниқлантиради; бўлинманинг ҳар бир бошқарувчиси ҳаракат қиладиган шароитларни ва аралаш ишлаб чиқариш бўлинмаларининг унга бўлган талаблари (истеъмол ва чегаралари)ни аниқлайди. Бошқарув ҳисоботлари ҳар бир менеджерга ўз ҳаракатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун, бошқарув самарадорлигининг пасайишига олиб келган ҳаракатларни четлаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун маълумотлар берадилар.

Бошқарув функциялари ва уларнинг ҳаракатчанлигини таъминловчи маълумот бошқарув ҳисоби функцияларини шакллантиришга имкон беради:

- жорий режалаштириш, назорат ва тезкор бошқарув қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган маълумот билан бошқарувнинг ҳамма даражасидаги бошқарувчиларни таъминлаш;
- бошқарув даражаси ва бир даражадаги турли тизимли бўлинмалар ўртасида ички коммуникацион алоқа воситаси сифатида хизмат қиладиган маълумотни шакллантириш;
- мақсадга эришишда ички бўлинмалар ва субъект фаолиятининг натижаларини тезкор назорат қилиш ва баҳолаш;
- фаолиятнинг ҳақиқий натижаларининг таҳлили ва баҳоланиши асосида субъектнинг келажакда ривожланишини координациялаш(мувофиқлаштириш) ва перспектив (келажакка) режалаштириш.

Натижада ҳақиқий эришилган кўрсаткичлар билан бизнес-режа кўрсаткичлари ўртасида салбий фарқлар аниқланади, кейинчалик ушбу ҳолатларга йўл қўймаслик учун уларнинг сабаблари аниқланади ва тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашади. Бухгалтерлар томонидан тайёрланган ҳисобот иккита мақсад учун фойдаланилади:

- масъулият марказларининг фаолиятини холис баҳолаш имкониятини яратади;

- субъектнинг қайси цех ва бўлимларида бизнес-режа кўрсаткичларига эриша олмаганлиги тўғрисида менеджер ва раҳбарларга ахборот беради.

Ушбу фаолияти билан бухгалтерлар субъектнинг фаолиятини назорат қилишда фаол қатнашадилар.

Хўжалик фаолиятининг натижалари бўйича рағбатлантириш.

Бухгалтер томонидан тайёрланган бюджет ва унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлардан субъектнинг ходимларини рағбатлантириш учун фойдаланилади. Чунки бюджетда эришиши учун зарур бўлган режа кўрсаткичлари мужассамланган.

Бухгалтерининг фаолияти натижасида субъектнинг ички бўлинмалари ва хизматлари ўзаро ахборотлар ва ҳисоботлар билан алмашиш имкониятига эга бўладилар. Унинг бевосита ёрдами билан бўлимларнинг менеджерлари ўзлари учун ишлаб чиқилган бизнес-режалар билан танишадилар ва олдига қўйилган вазифаларни белгилаб оладилар.

Бухгалтерлар ўзларининг фаолияти билан субъектни бошқаришнинг самарадорлигини ошириш учун асос яратадилар. Чунки уни айрим ҳолларда хўжалик юритувчи субъектнинг штурмани, яъни кеманинг йўналишини белгилаб берувчи ва ушбу йўналишнинг босиб ўтган жараёни тўғрисида раҳбар (капитан)га аборот берувчи шахс сифатида таърифлайдилар.

Чунки, штурман капитанга зарур маълумотларни ўз вақтида тақдим қилиш билан ёрдам беради, қандай қарор қабул қилиш эса капитаннинг ихтиёрига ҳавола қилинади.

Ушбу ёритишлардан келиб чиқиб бошқарув бухгалтери:

- субъектнинг бўлимлари ва цехларининг фаолияти бўйича тузилган ҳисоботнинг тўғрилиги, асосланганлиги ва холислиги учун раҳбарият олдида жавоб беради:

- масъулиятлик марказларининг раҳбар (менеджер)ларига бизнес-режа тузишда ва улар фаолиятларининг натижаларини жамлашда ёрдам беради. Шунинг учун у ўзининг мустақиллиги, холислиги каби хусусиятларини масъулият марказларига кўнгилдан ёрдам бериш нияти билан мужассамлаштириши лозим.

Демак, бошқарув ҳисобининг асосий фаолияти ҳисоб жараёнини хўжалик фаолиятини бошқариш жараёни билан чамбарчас боғлаш ҳисобланади.

Бошқарув фаолиятини амалга оширувчи бухгалтерларни таҳлилчи бухгалтер ёки бухгалтер-менеджер деб атайдилар.

Ҳар бир ишлаб чиқариш фаолиятини юритадиган хўжалик юритувчи субъект ўртасида чизиқли ва чизиқсиз (штабли) ишлаб чиқариш муносабатлари рўёбга чиқади.

Чизиқли- тўғри муносабатлар содир бўлганда раҳбарлар ўзининг қўл остидаги бўлим ва цехларга тўғридан-тўғри муносабатда бўладилар. Мисол, цех бўлимлари ишлаб чиқаришнинг раҳбарларига бўйсунадилар, натижада

тўғри муносабатлар содир бўлади. Бош бухгалтер-таҳлилчи жамики бухгалтерия хизматининг фаолияти учун жавоб беради, демак, бу ерда ҳам тўғри бошқарув муносабатлари мавжуд.

Билвосита (жамланган) ишлаб чиқариш муносабатлари қачонки битта цех ёки бўлим бошқа цех ёки бўлимга хизмат кўрсатсагина (кадрлар, таъминот, лойиҳалаштириш, молиявий таъминлаш бўлимлари) шундай бошқарув муносабатлари содир бўлади. Ушбу ҳолатда бухгалтерининг фаолияти мажмуа хусусиятига эга бўлади, яъни ушбу бўлим бўйича топшириқ бера олмайди, балки фақатгина маслаҳат бериши, хизмат кўрсатиши ва фаолиятини муқобиллаштириши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини бошқариш учта босқичдан ташкил топган, бизнес-режа тузиш, унинг бажарилишини назорат қилиш ва натижалари бўйича рағбатлантириш. Ушбу фаолиятда бошқарув бухгалтерининг фаолияти қуйидагича ташкил қилинади.

А. Бизнес-режа тузиш жараёнида. Ушбу босқичда ҳисобот йилининг кўрсаткичлари шакллантирилади, умумлаштирилади ва фаолиятини баҳолаш учун таҳлил қилинади. Ўрганиш ва таҳлилнинг натижалари ва хулосалари кейинги фаолиятнинг истиқболини белгилаш ва бизнес-режа тузиш учун фойдаланилади.

Бизнес-режани тузиш босқичида кейинчалик субъектнинг бош бюджетини шакллантиришда фойдаланиладиган унинг бўлинмалари бўйича бюджетларни ишлаб чиқишда қатнашади. Субъектнинг ишлаб чиқариш бюджети (ишлаб чиқариш дастури)ни ишлаб чиқиш жараёнида бухгалтер айрим цехлар, бўлинмалар ва бригадалари фаолиятининг бир-бирига боғлиқлигини таъминлайди ва ишлаб чиқариш жараёнида позик жойларининг пайдо бўлишининг олдини олишга ёрдам беради. У субъектнинг ишлаб чиқариш дастурини муҳокама қилишда, капитал қўйилмалар бўйича таклифларни баҳолашда қатнашади, рентабелли маҳсулотларни аниқлайди, ипончли сотиш бозорлари ва маъқул баҳоларни таклиф қилади. Ҳозирги даврнинг талабига жавоб берадиган бошқарув бухгалтери тезкор бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил, молиявий режалаштиришнинг услубларини мукаммал билиши лозим.

В. Назоратни амалга ошириш жараёнида. Ушбу босқични бухгалтернинг иштирокисиз амалга ошириш мутлақо мумкин эмас. Ҳисобот даври тугагандан кейин масъулият марказлари бўйича тузилган ва тасдиқланган бюджет (бизнес-режа)нинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тузади. Ушбу ҳисоботнинг маълумотларига асосан режалаштирилган тадбирларнинг бажарилиши чуқур таҳлил қилинади, натижалари аниқланади ва фаолияти якуний баҳоланади.

2.5. Бошқарув ҳисобининг тизими

Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қуввати ва ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми бошқарув ҳисоби тизимини қўллашни белгилайди.

Бошқарув ҳисобининг тизими маълумотнинг ҳажми, унинг олдига қўйилган мақсадлари, устаралар ва мақсадга эришиш воситалари, элементларнинг таркиби ва уларнинг ўзаро ҳаракати билан тавсифланади.

Бошқарув ҳисоби тизимларининг туркумланиши қўйидаги чизмада кўрсатилган.

Бошқарув ҳисоби тизимларининг туркумланиши

Маълумотни қамраш кенглиги

Тизимли ҳисоб — Муаммоли ҳисоб

Молиявий ва бошқарув ҳисобнинг ўзаро алоқадорлиги даражаси

Монистик — Автоном

Тезкорлик

Ҳақиқий харажатларни (ўтган тарихий) — Стандарт харажатларни (меъёрлаштирилган)

Ташархга киритишнинг тўлалиги

Тўлиқ харажатлар — Қисман харажатлар

Туркумланишнинг белгилари қуйидагича: маълумотни қамраб олишнинг кенглиги, молиявий ва бошқарув ҳисобнинг ўзаро алоқадорлигининг даражаси, ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг тезкорлиги ва харажатларни маҳсулот таннархига киритишнинг тўлалиги.

Фаолият турларини, субъектнинг ташкилий тизимини, маҳсулотни маълумот билан қамраб олиш кенглиги бўйича тизимли ва муаммоли ҳисоб жамламидан ва уларнинг асосли қисмларининг мақсадли тўплами тизимидан таркиб топган тўлиқ тизимлар фарқланади.

Харажатларнинг тизимли ҳисоби- бухгалтерларнинг таркиби бўйича қайд қилиш усули, идентификация ва гуруҳлаштириш, ҳисоботда кўрсатилиши бўйича регламентация билан ишлаб чиқаришга бўлган харажатларнинг молиявий ҳисобидан ташкил топган. Тизимли ҳисобнинг элементлари қуйидагилардан ташкил топган:

1. Ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш бўйича харажатларнинг ўлчови ва баҳоланиши.

2. Натурал ўлчовларда таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш жараёнларини назорат қилиш.

3. Харажатларни сарфларнинг моддалари ва элементлари бўйича, вужудга келиш жойлари бўйича, маҳсулот, иш ва хизматларнинг турлари бўйича гуруҳлаштириш, бунга харажатларни таннархга киритиш тартиби ҳам киради.

4. Ўз фойдаланувчиларини муддати, мазмуни ва намойиш этиш тезлиги бўйича қондирувчи ички ва ташқи ҳисоботлар.

Муаммоли ҳисоб ишлаб чиқаришни иқтисодий, технология, конструкторлик ва ташкилий тайёргарлиги ҳақида; маҳсулотнинг нархлари ва соти-

лиши ҳақида; ишлаб чиқариш захираларини бошқариш ва ишлаб чиқариш ресурсларининг сарфларини муқобиллаштириш ҳақидаги маълумотни шакллантиради.

Муаммоли ҳисоб масалалари дастурлаш, меъёрлаштириш, режалаштириш, башорат қилиш, тизимли иқтисодий таҳлил қилиш, назорат қилиш ва ишлаб чиқариш ҳисоби ва статистиканинг ҳақиқий маълумотларига асосан тартибга солиш услублари ёрдамида ечилади.

«Муаммоли ҳисоб» тушунчасининг мазмуни бу ҳисобнинг маълумотлари субъектнинг бўлажак иқтисодий ва ишлаб чиқариш муаммоларини ечишда ишлатилишини кўрсатмоқда.

Муаммоли ҳисоб маълумотлари қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

- харажатлар ва даромадларни режалаштириш ва башорат қилишда, сметаларни (бюджетларни) меъёрлаштириш ва тузишда;
- сарфлар таҳлилида ва меёр (стандарт)лардан четга чиқишда ва маҳсулот ишлаб чиқаришни даромадлилигининг таҳлилида;
- ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида харажатлар ва олинадиган даромадларнинг қиймати критерияси бўйича тизимли бўлинмалар ва субъектнинг фаолиятини баҳолашда;
- ишлаб чиқариш ва сотиш, кооперациялаш, импорт ва экспорт, маҳсулот ассортименти ва бошқа соҳада яқин ва узоқ келажакларга кўп вариантли бошқарув қарорларни қабул қилишда;
- харажатлар ва даромадларнинг оптимизацияси (муқобиллиги)ни таъминловчи захира ва харажатларни бошқариш модулини тузишда.

Молиявий (харажатлар ва даромадларнинг тизимли ҳисоби) ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражаси бўйича хорижий мамлакатларнинг амалиётида икки тизим қўлланилади: монистик ва автоном.

Монистик- бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри ва тескари алоқалар асосида тизимли ва муаммоли ҳисобни қўшувчи интеграцион тизимдир. Бухгалтерия ҳисоби счётларида ишлаб чиқариш харажатларини, тайёр маҳсулот ва унинг реализациясини акс эттириш йўли билан тузилган тизимли ҳисоб субъектнинг фаолияти, унинг молиявий ҳолатини баҳолашга имкон беради. Молиявий маълумотларга ички ҳисобот маълумотларини қўшиб маъмурият ишлаб чиқаришини турли бўлинмада ташкил этишнинг рациоллигини баҳолаши мумкин. Тезкор маълумотлар ва моддий-жавобгар шахсларнинг ҳисоботидан, мавжуд стандартлардан ижобий ва салбий бўлган чиқиб кетишлар аниқланади. Шунинг билан харажатлар ва даромадларни назорат қилувчи ҳаракатдаги тизимни яратиш саволлари туғилади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳажми катта бўлмаган субъектлар ёки ўз таркиби бўйича бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектлар ҳисобнинг интеграциялашган тизимини қўллайдилар деб ўйлаймиз.

Автоном тизим- тизимли ва муаммоли ҳисобнинг умумлашган яратилиши молиявий ва бошқарув ҳисоблари ўртасидаги алоқа бир помланишдаги жуфтли назорат счётлари ёрдамида амалга оширилади.

Харажатларнинг тезкорлиги бўйича тизимлар қуйидагича фарқланади: ҳақиқий харажатларни ҳисоблаш тизими (ўтган, тарихий) ва стандарт (меъёрлаштирилган) харажатларни ҳисоблаш тизими. Харажатларнинг тезкорлиги - самарадорликни оширишга қаратилган тизимни ҳаракатчанлигининг

критерияларидан бири ҳисобланади.

Ҳақиқий (ўтган) харажатларни ҳисоблаш тизими реализация қилинган маҳсулот ва фойдани, таннархни ҳисоблаш, ҳақиқий таннархни аниқлаш ва аниқ номдаги тайёр маҳсулот бирлигининг реализациясидан олинган даромадни аниқлаш учун маълумотни шакллантиришдан иборат.

Стандарт харажатларни ҳисобга олиш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: материаллар, асосий фондлар, меҳнатга бўлган харажатлар, устама сарфларини, сотиб олиш ва ишлатишга кетган харажатларга стандартларни ишлаб чиқиш; меъёрий харажатлар бўйича таннарх калькуляциясини тузиш, меъёрлар ва сметалардан четга чиқишларни белгилаб ҳақиқий харажатларни ҳисобга олишларни мужассамлаштиради.

Жаҳон амалиётида бундай тизим «стандарт-кост» деб аталади. У таннархнинг шаклланиши жараёнини назорат қилишнинг тезкорлигига ва унинг жараёнини керак бўлганда тартибга солишга қаратилган.

Харажатларни таннархга киритишнинг тўлиқлиги- амалиётда қўлланилаётган ҳисоб тизимларини туркумлашнинг белгиларидан бири ҳисобланади. Тўлиқ харажатларнинг ҳисоби тизими ва қисман харажатларнинг ҳисоби тизими мавжуд бошқарув ҳисобининг ҳар хил мақсадларига жавоб берувчи икки тизимдир.

Тўлиқ харажатларнинг ҳисоби тизими одатдаги ишлаб чиқаришга бўлган харажатларни ва таннарх калькуляциясининг ҳисоби билан кўрсатилган харажатларни гуруҳлашнинг асосийси бу уларнинг тўғри (калькуляция қилиш объектига олиб бориладиган) ва билвоситага (маълум асосга мутаносиб равишда калькуляция объектлари ўртасида тақсимланадиган) бўлинишидир.

Қисман харажатлар тизими деганда тўғри тавсифга эга ва алоҳида турдаги маҳсулотларнинг таннархига қўшиладиган харажатларнинг алоҳида элементларини танлашга бўлган ёндошиш тушунилади. Бу тизимда харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ ва шунинг учун улар ўзгарувчан дейилади. Чекланган харажатлар калькуляцияси фақат калькуляция қилинаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш сарфларини ўз ичига олади.

Билвосита тавсифга эга харажатларнинг бир қисми бутун маҳсулотга алоқадор бўлади. Бундай турдаги харажатлар тушган маблағнинг умумий суммасидан қопланади. Чет эл амалиётида ҳисобнинг бу варианти «директ-костинг» дейилади.

2.6. Бошқарув ҳисобининг таркибий қисмлари

Молиявий ва бошқарув ҳисобини таққослаш тавсифи умумий объектга ва субъектнинг ишлаб чиқариш захираларига асосий эътибор қаратади. Ишлаб чиқарин жараёнида ҳаракатланиб, ишлаб чиқарин ресурсларининг таркибли қисмлари статистик бўлиб қолиб кетмайди. Улар айланадилар, ўзгарадилар, маҳсулотга айланадилар, доим ҳаракатда бўладилар, эскирадилар ва бошқа ўзгаришларга дуч келадилар.

Субъектлар бозорга ўтиш даври шароитида ишлаб чиқарин ресурсларидан фойдаланишни, уларга инвестиция қилишнинг мақсадга мувофиқлигини, инвестицияларнинг даромадлилигини тавсифловчи аналитик маълумотга муҳтожлар.

Бу масалалар бошқарув ҳисобида счиллиши мумкин, унга гувоҳ - иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг мавжуд амалиётидир.

Ишлаб чиқариш воситаларининг доправий айланишининг ҳамма босқичидаги ишлаб чиқариш ресурслари- таъминот-тайёрлов фаолияти, ишлаб чиқариш ва сотиш- тизимли ихтисосли, улар кўпроқ ресурслар динамикасига эмас, уларнинг омборларида моддий ресурсларнинг ҳисоби, етказиб берувчилардан келиб тушиши ва ишлаб чиқаришга бериш, цехлар, цех омборларида материалларнинг қолдиғи ва бошқалар.

Моддий ресурслар ва асосий фондлар учун масъулият фақат моддий масъул шахслар учун белгиланган. Ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш учун масъулиятлик кўзда тутилмаган. Ундан ташқари, ишлаб чиқариш ресурслари субъект фаолиятининг турли саҳоларида маълум муомалаларни бажарастган турли тизимли бўлинмаларда ишлатилади. Шу ҳолда уларнинг ҳар бирига самарадорликни таснифлавчи кўрсаткичлар тизими тўғри келади.

Молиявий ҳисоб бутун субъект бўйича маҳсулотнинг турлари ёки гуруҳлари бўйича, буюртмалар бўйича ишлаб чиқаришга кетган моддий, меҳнат ва молиявий харажатлар ҳақида умумлаштирилган маълумотларни шакллантиради. Масъулият марказлари бўйича харажатларнинг ҳисоби мамлакатимизда ҳозирча йўлга қўйилмаган. Тизимли бухгалтерия ҳисобида бўлинма бошлиқлари харажатларнинг вужудга келиш жойлари бўйича харажатлар ва ўз фаолиятлари самарадорлигининг кўрсаткичлари ҳақида, ўз бўлинмаларининг бу турдаги элементлар ва сарф моддаси бўйича харажатлар ҳақида, улар сарфларнинг маълум чегаралланган ҳажмларига риоя қилишлари ҳақида тезкор ва жорий маълумотлар билан таъминланмаганлар. Замонавий ишлаб чиқариш ҳисобининг деярли камчиллиги ҳар бир бўлинмаининг субъект фаолиятининг умумий натижаларига қўшган реал ҳиссасини аниқлаш бўлиб қолади.

Бошқарувчиларни ахборот билан таъминлаш бошқарувнинг паст даражадан юқоригача бўлган бутун тизимининг самарадорлигини оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Замонавий шароитларда бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича мустақил счимлар бўлиши мумкин. Ички эҳтиёжлар учун ҳисобни ўрнатишни тартибга солувчи ҳужжатларнинг йўқлиги, ташкилий ва ҳисоблаш техникасининг мавжудлиги ишлаб чиқариш ҳисобини бошқарув ҳисобига айлантиришга имкон яратади.

Бошқарув ҳисоби тизимини ишлаб чиқишда унинг асос солувчи белгиси бўлиб ҳар бир саҳонинг самарадорлигини аниқлаш билан узлуксиз алоқада бўлган фаолият соҳалари бўйича харажатлар ҳисоби бўлиши керак. Бошқарув ҳисобининг ташкил этилишига бундай ёндошиш унинг таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни белгиланга рухсат беради:

- таъминот-тайёрлов фаолияти;
- ишлаб чиқариш фаолияти;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархининг ҳисоби;
- молия-сотиш фаолиятининг ҳисоби;
- ташкилий фаолиятнинг бошқарув ҳисоби;
- контроллинг.

Таъминот-тайёрлов фаолияти бошқарув ҳисоби тизимида биринчи ўринни эгаллаши лозим, чунки бу ишлаб чиқаришнинг биринчи қайта ишлови ҳисобланади. Унда фаолиятнинг қуйидаги йўналишлари ўз аксини топиши керак: улгуржи сотиб олишни кенгайтириш, алоҳида буюмларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сотиб олиш услубини танлаш (мустақил ишлаб чиқариш ёки етказиб берувчидан сотиб олиш), субъектнинг айланма маблағларига инвестицияларни ва унинг таъминот-тайёрлов бўлинмаларининг, капитал қўйилмаларининг самарадорлигида ўз аксини топади.

Шу мақсадда иш турлари ва омборлар бўйича харажатлар, материаллариш сотиб олиш нархлари, ЯТМ ишлаб чиқариш ташкили, ишлаб чиқаришга берилган моддий ресурсларни баҳолаш ҳақидаги маълумот йиғилади ва умумлаштирилади. Асосий ўрин жараёнлар бўйича харажатлар сметасини тузишга берилади, сотиб олиш, ортиш ва тушириш, навларга ажратиш ва сифатини баҳолаш, сақлаш, иш жойлари билан таъминлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш муҳим ўрин тутади.

Таъминот-тайёрлов фаолияти ҳақидаги натижавий умумий маълумот таъминот хажмининг критик нуқтасини ҳисоблаш учун ишлатилади.

Ишлаб чиқариш фаолиятини бошқарув ҳисоби - бошқарув ҳисоби тизимининг марказий звеноси ҳисобланади. Бу ерда мақсадлар, функциялар ва уларнинг феъл-атворлари бўйича харажатлар ҳақида маълумот гуруҳлаштирилган. Ишлаб чиқариш ҳисобида маълум ўрин моддий, меҳнат ва устама харажатларни меъёрлаштиришга ажратилган, шунингдек, ҳақиқий ва меъёрий харажатларни акс эттириш усулларига ҳам эътибор берилади. Бунда ишлаб чиқариш ҳисоби харажатлар ҳисоби ва калькуляциянинг ягона жараёни сифатида ташкил этилади.

Ҳар бир субъект технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг мураккаблиги ва номенклатурасининг хусусиятларига кўра керакли услубларни қўллаб ишлаб чиқаришни ҳисобга олишни ташкил этишнинг ўз модулини танлаши мумкин. Ҳисобнинг бу бўлинмасида бошқарувнинг турли мақсадлари учун маҳсулотларнинг ташархи аниқланади.

Молия-сотиш фаолиятининг ҳисоби ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ассортименти ҳақида, унинг фойдалилиги, сотиб олувчиларнинг таркиби, бозорнинг талаби, реклама, маркетинг, қадоқлаш харажатлари, тайёр маҳсулотнинг муддати ва омборларда сақлаш сифати ҳақида маълумотлар тўпланади, қайта ишланади ва шаклланади.

Молия-сотув фаолиятининг бўлимлари ва сегментлари бўйича харажатларнинг сметалари тузилади ва уларнинг бажарилиши назорат қилинади. Ҳисобнинг бу бўлинмасида ишлаб чиқариш учун фойдали маҳсулот, ишлаб чиқаришнинг бутун ҳажми ва алоҳида маҳсулотлар ҳажмидан моддий даромад ҳажмига таъсир этувчи омиллар аниқланади.

Бошқарувчиларга қисқа муддат даврида фойданинг максимал даражаларга етишига имкон берувчи қарорларни қабул қилиш учун маълумот берилади.

Ташкилий фаолиятининг бошқарув ҳисоби бошқарувнинг турли даражаларидаги менеджерларини хусусий харажатлари, трансферт нархларининг шаклланиш принциплари, субъектда ихтисосликнинг оптимал даражаси ва меҳнат тақсимоти, бўлинмалар режасининг тўғри танланиши, «хара-

жатлар - хомашёни қайта ишлашнинг ҳажми - фойда» принципини ишлаб чиқиш бўлинмаларига нисбатан қўллашнинг асосланганлиги ҳақида маълумотларга бўлган талабларини қондириш учун керакдир.

Бу ерда ташкилий фаолият бўйича харажатларнинг сметалари тузилади ва уларнинг бажарилиши назорат қилинади, аналитик ҳисоб ва ҳисоблашишлар қилинади; ишлаб чиқариш ҳажмининг критик нуқтасини, ўзгарувчан ва доимий харажатларни, умумий таннархни, трансферт нархларни, фойдани аниқлайди. Ҳисобнинг бу бўлинмаси харажатлар, масъулият ва рентабеллик марказлари бўйича йиғма маълумотни шакллантиради.

Контроллинг - субъектнинг якуний мақсадига эришиш жараёнини бошқариш тизими ҳисобланади. Бу жуда кенг тушунча бўлиб, иқтисодий адабиётларда контроллинг тушунчасининг жуда кўп таърифлари учрайди. Бу ерда и.ф.д. В.Б.Ивашкевич томонидан таърифланган тушунчалар ва уларнинг мазмуни фойдаланилган.

Контроллинг нафақат субъектни, балки бизнес фаолиятининг тартибга солувчиси кўринишида таърифланган ва шунинг учун ўзига хос функцияларни бажаради:

- ахборотли-қарорларни қабул қилиш услубиятини ва уларнинг мувофиқлиги (координацияси)ни таъминловчи маълумот шаклланади;
- бошқарув-меъёрий, режа ва ҳақиқатдаги маълумотлар, субъект ва унинг тизимли бўлинмалари бўйича аниқланган натижа чиқишлар субъектнинг якуний мақсадига эришишининг услублари, усуллари ва масалалари мақсадида фойдаланилади;
- назорат, яъни субъект ва унинг бўлинмалари фаолиятининг тежамкорлилигини назорат қилиш.

Контроллинг функциялари унинг бошқарув ҳисоби ва тафтишдан фарқини аниқлашга ёрдам беради.

Бошқарув ҳисобининг ҳамма таркибий қисмлари ўзаро боғлиқ, уларда шаклланадиган маълумотлар рўйхатининг ташкиллантирилганлиги даражасини ва бошқарув ҳисобини ва умуман бошқарув тизимининг субъектда такомиллашишини тавсифлайди.

Хулосалар

Бошқарув ҳисобининг мазмуни харажатлар ва даромадлар, меъёрлаштириш, режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиш ҳисобининг интеграциялашган тизими сифатида кўрсатилган.

У тезкор бошқарув қарорларни қабул қилиш ва субъектнинг келажакда ривожланиши учун маълумот беради.

Бошқарув ҳисобининг таркибий қисмлари таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш босқичларида ишлаб чиқариш ресурсларининг доправий айланиши билан аниқланган. Ҳисобнинг бутун тизимига асос солувчи бўлиб «харажатлар - даромадлар» принципи хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда харажатлар ва даромадларни ҳисобга олиш тизимида қуйидаги таркибий қисмлар белгиланган: таъминот-тайёрлов фаолияти; ишлаб чиқариш фаолияти, маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархи; молия-

сотув фаолияти; ташкилий ва инвестицион фаолиятлари келтирилган.

Субъектнинг ишлаб чиқариш қувватлари ва маъмурият қарорлари бошқарув ҳисоби тизимини танлашга таъсир кўрсатади. Шу принципларидан ҳар бир тизимнинг қўлланиши ва тавсифланиши кўрилган: тизимли ва бошқарув ҳисоби; монистик ва автоном; ҳақиқатдаги ва стандарт харажатлар ҳисоби; тўлиқ ва қисман харажатларнинг ҳисоби тавсифланган. Бунда ҳисоб тизимини турлилиги уларни умумий белгилари бўйича тўрттага гуруҳлашга олиб келган.

Бошқарув мақсадлари бошқарув ҳисоби томонидан жорий режалаштириш, назорат ва тезкор бошқарув қарорларни қабул қилиш учун керак бўлган маълумот билан бошқарувнинг ҳамма даражаларини таъминлаш; бошқарув даражалари ва бир даражадаги турли ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида ички ҳисобот ёрдамида ички коммуникацияни ташкил этиш; якуний мақсадга эришишда ички бўлинмалар ва субъект фаолиятининг натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш; фаолиятнинг ҳақиқий натижалари ва субъектнинг келажакда ривожланишини башорат қилиш каби функцияларининг бажарилишида очилади.

Аслиётда бошқарув ҳисоби бошқарув жараёнини ҳисоб жараёни билан боғлайди, чунки у билан бир хил объектларга эга, яъни субъектнинг хўжалик фаолияти жараёнида одамлар меҳнатининг мақсадга мувофиқлигини таъминловчи ишлаб чиқариш ресурслари жамланмасида субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг таркибини тузувчи хўжалик жараёнлари ва уларнинг натижалари ҳисобланади. Бошқарувнинг бутун цикли жараёнида бошқарув ҳисоби объектларининг жамлами унинг предмети деб аталади. Субъектнинг ахборот тизимида бошқарув ҳисобининг объектлари ўзига хос қўлланма ва услублар ёрдамида очилади: ҳужжатлаштириш; инвентаризация; баҳолаш; гуруҳлаш ва назорат счётлари; режалаштириш, меъёрлаштириш ва лимитлаш; назорат; таҳлил қилиш усуллари. Ҳар бир элемент объектга алоҳида эмас балки бошқарув мақсадларини очишга қаратилган ички алоқаларни ташкил этиш тизимида таъсир кўрсатади. Предметнинг мазмунини очиб берувчи қўлланма ва усулларнинг мажмуаси бошқарув ҳисобининг услуби дейилади.

Бошқарув ҳисобининг тизими бошқарув мақсадларига бўйсунади. У қуйидаги принципларга риоя қилиш шароитида ҳаракатлидир: субъект фаолиятининг узлуксизлиги; режалаштириш ва ҳисоб учун ягона кўрсаткичлар ва уларни ўлчовчи бирликлардан фойдаланиш; ички ҳисоботларнинг кўрсаткичлари асосида тизимли бўлинмалар фаолиятининг натижаларини баҳолашнинг мажбурийлиги; бошқарувнинг турли мақсадлари учун бирламчи ва оралиқ маълумотни қолдириш ва кўп маротаба ишлатиш; харажатларни назорат қилишнинг бюджет (сметали) услуби; маълумотнинг тўлиқлиги ва аналитиклиги; субъектнинг ишлаб чиқариш ва тижорат циклини акс эттирувчи маълумотнинг даврийлигидан ташкил топган.

Бошқарув ҳисобининг назарий асослари ўз таркибида бошқарув ҳисобининг мазмуни ҳақида, унинг предмети ва бошқарув ҳисоби томонидан амалга оширилаётган объектлар, функцияларни акс эттирувчи воситалар ҳақида, принциплар ва ташкиллаштиришнинг тизимлари ҳақидаги тушунчани бирлаштиради.

3-БОБ

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТНИНГ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРИНИ ТУРКУМЛАШ

3.1. Ишлаб чиқариш жараёнлари бошқарув ҳисобининг объектидир

Субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти хўжалик фаолиятларининг бир қисмини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг асосий босқичлари бўлиб таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобланади. Жараёнлар ўз ичига турли хил хўжалик муомалаларини олади. Улар ўз туркуми бўйича субъект фаолиятининг асосий мазмунига қараганда анча кенг.

Бошқарувнинг объектив мажбуриятларига кўра бошқарув ҳисобида хўжалик жараёнлари фаолиятнинг турлари бўйича қуйидагича гуруҳланади: таъминот-тайёрлов, ишлаб чиқариш, молиявий-сотув, ташкилий ва инвестиция қилиш.

Микроиқтисоднётда «ишлаб чиқариш» тушунчаси ўзи билан маълум мақсадга йўналтирилган фаолиятни намоён этади, унинг натижаси алоҳида компонентларнинг фойдали маҳсулотга айланиши ёки маҳсулотнинг хусусияти ва шаклининг ўзгарини бўлиши мумкин. Субъектнинг ишлаб чиқариш тизими ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадаги компонентларнинг тўпламидан иборат бўлиб, булар остида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган турли ресурслар ва ишлаб чиқариш натижаси тушунилади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш тизимини тузиш ва ҳаракатлантиришнинг мақсади сифатида тайёрлов жараёнида ўзининг материал ва тайёрлик ҳолатига нисбатан турли кўринишда чиқади. Маҳсулот ишлаб чиқариш маълум технология ҳисобланади, у билан боғланган ҳолда маҳсулотга бўлган харажатларнинг трансформацияси тугалланади.

Ишлаб чиқариш элементларининг таркибини технология чизмалари аниқлайди. Анчагина оддий тизимнинг чизмаси қуйида кўрсатилган:

"Харажатлар - ишлаб чиқариш" чизмаси

Харажатлар	→	Ишлаб чиқариш	→	Маҳсулот чиқариш
Элементлар	→	Айланиш жараёни	→	Фойдали маҳсулотлар
Хом ашё ва материллар	→	Машина ва ускуналар	→	Маҳсулотлар
Ўзгарувчан харажатлар	→	Доимий харажатлар	→	Даромад

Ишлаб чиқаришда кўрилаётган ишлаб чиқариш тизимининг ҳар бир

элементи мустақил тизим сифатида кўрилади, улар оддий компонентлардан ташкил топган. Тизимлар ўз мақсадлари билан ажралиб туради, аниқ тавсифи ва омиллари мавжуд бўлиб, иқтисодиётнинг объектив қонунларига бўйсунишади.

Алоҳида тизимлар сифатида иқтисодий ресурслар фойдаланилади: моддий хомашё, материаллар ва капитал; инсоний меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти. Ишлаб чиқариш тизимида ўйнайдиган функциянал роли ва тури бўйича ресурслар материал, ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучига бўлинади.

Таъминот-тайёрлов фаолияти жараёнлари ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Бу жараёнларнинг ҳолатидан субъектнинг ишлаб чиқариш, молиявий, сотув ва ташкилий фаолияти боғлиқ.

Моддий ресурслар чегаралангалиги билан тавсифланади ва чегарасиз эҳтиёжлар билан қарама-қаршиликка олиб келади. Бу фундаментал ҳолат иқтисодиётнинг асосини ташкил қилади ва бошқарувга ҳамда бошқарув ҳисобига эҳтиёжни туғдиради. Бошқарув ҳисобининг таъминот-тайёрлов фаолиятидаги асосий вазифалари қуйидагилардир:

- моддий захираларини бошқариш муолажасини танлаш;
- сарфлариш ва материал захираларини баҳолаш усуллари;
- захираларга бўлган харажатларнинг кўрсаткичлари ҳақида маълумот йиғиш;
- захираларга бўлган харажатларнинг ҳисоби;
- ишлаб чиқаришда ишлатилаётган материаллар устидан назорат ўтказиш муолажалари;
- таъминот-тайёрлов фаолиятини бошқариш тамойилини тузиш.

Ишлаб чиқариш фаолияти хўжалик юритувчи субъектнинг асосий мақсадини - сотиладиган ва фойда берадиган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш жараёнлари- ишлаб чиқаришнинг иккинчи босқичи. Ишлаб чиқариш тизимида марказий бўлган бу босқичнинг моҳияти маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни шакллантиришидадир.

Ишлаб чиқаришнинг ҳолати унинг самарадорлиги, руҳий параметрлари, илмий-техникавий тараққиёт ютуқларини қўллаш даражаси, ишчининг ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни ва роли билан тавсифланади. Ресурсларни чеклаш ва режалаштирилган самарадорликка етишиш учун сарфлар ва олинган натижаларни доимий солиштиришни талаб қилади. Бу муаммо инфляция натижасида кучайишни бошлайди, чунки ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги маълумотларни ҳар куни бўлажак харажатлар маълумотлари билан таққослаш керак, чунки улар кўпроқ ташқи муҳит таъсирига боғлиқдир. Ундан ташқари, харажатларни ва даромадларни бошқариш мақсадида маъмурият ҳар бир бўлима ишининг самарадорлиги, ҳар бир маҳсулот турининг ишлаб чиқарилишидан олинган натижалари устидан назорат ўрнатади.

Умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик механизми харажатларни бошқарини даражаси билан аниқланади.

Қуйида ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни бошқариш тизимининг асосий элементлари келтирилган.

Таннархни бошқариш тизимининг элементлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги



Бошқарувнинг мажбуриятлари ишлаб чиқариш фаолияти харажатларининг услубиятларини алоҳида ўрганиш ва ҳисобда қўлланиладиган харажатларнинг гуруҳларини кенгайтириш асосида субъектлар учун ишлаб чиқариш бўлинмалари маҳсулотларининг таннархини назорат қилиш тизимини яратишни тақозо этади.

Фаолиятнинг ишлаб чиқариш доирасидаги харажатлари ишлаб чиқариш технологиясига ва маҳсулот чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлиб, чиқарилган маҳсулотнинг аниқ асосини ташкил этадиган харажатлар киради. Ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг умумий тизимида аниқловчи ҳисобланади. Бошқарув ҳисоби меъёрий ҳужжатларга асосан тартибга солинган нарх кўрсаткичидаги харажатларнинг ҳисоби билан чегараланиб қолмайди. Унинг мазмуни яна кенг ва қуйидагилардан иборат:

- бошқариш ва даромадни аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнларини миқдорий ўлчовда аниқлаш;
- объект сифатида хўжалик жараёнларининг ҳисоби ва улар билан боғлиқ бўлган харажатларни танлаш;
- ҳисоб объектини субъектнинг доираси билан чегаралаш;
- усулнинг элементларини (режалаштириш, меъёрлаштириш, ўлчаш, қайд

қилиш, баҳолаш, гуруҳлаш, таҳлил қилиш, назорат) харажатларнинг ўсиш жараёни билан узвий алоқада ишлаб чиқариш жараёнининг юришини кўрсатишда тизимли равишда қўллаш;

- маҳсулотнинг таннархини ва олинган даромадни аниқлаш, қарор қабул қилиш ва режалаштириш, назорат ва тартибга солиш жараёнларини амалга оширши учун харажатлари бошқариш мақсадлари билан боғлиқ ҳолда гуруҳлаштириш;

- ички ҳисобот кўрсаткичларини ташқи ҳисобот кўрсаткичларига ўзгартиришни ҳисобга олган ҳолда субъектда қабул қилинган бошқариш принципларидан фойдаланиш билан ички ҳисоботни ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш даражаси бўйича шакллантириш.

Ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти ўртасида тўғри алоқа мавжуд бўлиб ишлаб чиқариш натижасида олинган субъектнинг тайёр маҳсулоти сифат ва техник назорат бўлимига қабул қилингандан сўнг тайёр маҳсулот омборига топширилади ва шу ердан унинг сотуви бошланади. Лекин молиявий-сотиш фаолияти сотишга қараганда анча кенг. Аниқроқ қилиб, унга маркетинг тизими тушунчасини қўллаш мумкин.

Маркетинг - бу инсонлар, ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжи ва таъминотини қондиришга қаратилган товар ва хизматларнинг алмашинуви бўйича инсон фаолиятидир. Бу жараёнларнинг таркибига қуйидагилар киради: товар яратиш учун изланишлар, нархни белгилаш, маркетинг хизматини кўрсатиш ва бошқариш хизматини ишга тушириш-таҳлил қилиш, режалаштириш, ташкилий иш, фойда олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ўсиши, бозор ҳиссасини кучайтириш каби хўжалик юритувчи субъектнинг мақсадларини кўзлаган ҳолда тадбирларнинг ўтказилишини назорат қилишдир. Демак, маркетинг доираси хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг турли томонларини, ишлаб чиқариш, молия, меҳнат, сотиш ва бошқаларни қамраб олади.

Маркетингнинг фаолиятини кўриб чиқиш маркетинг фаолиятини бошқариш учун керакли бўлган маълумотлар доирасини шакллантиришга ёрдам беради.

Маркетингнинг фаолияти - фаолиятнинг изланиши, маълумот тўплаш, маҳсулот ассортиментини режалаштириш, сотиш ва тақсимлаш, реклама ва сотишни рағбатлантиришдан иборат. Бу функцияларнинг бажарилиши биринчи босқичда сотувчилар бозорида субъектни баҳолашни ва ташқи сотувчилар билан таққослаганда иқтисодий ва техник параметрларга нисбатан устунликлари бўлган маҳсулот ёки фаолиятни танлашни ўз ичига олади.

Иккинчи босқич- тўғри шартнома ва мустақил бозорда сотиладиган ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг номенклатураси ва ассортименти аниқланганда бозор стратегиясини яратишдан иборат. Бу босқичда доимий равишда бозорни ўрганиш ва ишлаб чиқариш номенклатурасини тартибга солиш йўли билан ишлаб чиқариш ва талаб баланслаштирилади. Маҳсулотни сотиш ва тақсимлаш- учинчи босқич. Бу функция сотиб олувчи томонидан у белгилаган вақтда ва белгилаган миқдордаги товарларни ташкил қилиш ва етказиб

бериши ўз ичига оладиган ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига бўлган товарларнинг ҳаракатидан иборат.

Тўртинчи босқич маркетинг тизимида энг муҳими ҳисобланади. У ўз ичига реклама ва сотишни рағбатлантиришни олади. Реклама аҳолининг сотиб олиш фаоллигига қўмаклашади, потенциал олувчига таъсир кўрсатади. Сотишни рағбатлантириш бўйича тадбирлар фақатгина бошқарувчиларга эмас, ишчиларнинг тадбиркорлик фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади.

Сотишни бошқариш тизими молиявий ва бошқарув ҳисоби, шунингдек статистик маълумотлар шаклланадиган маълумотларга асосланади. Бу маълумот маркетингнинг ҳамма функцияларининг бажарилишини таъминлаши керак. Қуйидаги маркетинг маълумотларининг чизмаси кўрсатилган.

Маркетинг маълумотларининг чизмаси



Маҳсулотни тушириш ва реализация қилишнинг назорати учун биринчи ўринда етказиб бериш шартномасида мавжуд маълумотлар қўлланилиши керак. Сотиш бўлимида шартнома бўйича ва ҳақиқатда топширилган маҳсулотларнинг муддатлари киритилади, шунингдек миқдори ва нархи ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд бўлади.

Ҳар бир субъект ўзининг ички ҳисобот тизимига эга бўлиши мумкин, унда жорий маҳсулотни топшириш, харажатлар суммаси, тайёр маҳсулотнинг омбордаги миқдори ва ҳажми, нақд пулнинг ҳаракати, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақида маълумот кўрсаткичлари бўлиши керак. Бунга қўшимча қилиб тўлиқ ассортимент бўйича натура ва нарх ўлчовида маҳсулот ишлаб чиқариш; маҳсулотнинг сифати, яроқсиз маҳсулот; фойданинг шаклланиши, уни башорат қилиш; тижорат сарфлари ва реклама харажатлари ҳақидаги маълумотлар жалб қилинади.

Ундан ташқари, молиявий-сотув фаолиятни бошқариш субъектнинг стратегиясини ишлаб чиқиш учун маълумот талаб қилади - маҳсулотнинг

турлари ҳақида маълумот, баҳолаш, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, бозорни эгаллаш ва ҳоказо.

Молиявий-сотув фаолияти ҳақидаги маълумотнинг асосий шартларидан бири унинг даврийлигидир. Бошқарув аппаратига маълумот ой охирида эмас балки ҳар куни, 3-5 кун муддатда, ҳар ҳафтада етиб келиши керак.

Маълумотнинг бошқа хусусияти - алоҳида кўрсаткичлар ўртасида боғлиқликни яратишни таъминлайдиган унинг баҳоратлилик хусусиятидир. Баҳоратли маълумот маркетинг хизмати фаолиятини яхшилаш бўйича қарорлар қабул қилиш учун қўлланилади.

Шундай қилиб, маркетинг маълумоти тизими- таҳлилни ўтказиш, режалаштириш, субъектнинг стратегиясини ишлаб чиқиш, маркетинг тадбирларидан фойдаланишни татбиқ этиш ва назорат қилиш мақсадида хизматларнинг маълумотларга бўлган талабини қондириш учун ишлаб чиқариш, сотиш ва маркетингнинг бошқа жараёнлари ҳақидаги маълумотларнинг тўпламидан иборат бўлган доимий ҳаракатдаги тизим ҳисобланади.

Бошқарув ҳисоби назарияси биринчи ўринга тайёр маҳсулотнинг ҳисобини ташкил этишни, шунингдек, тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таснифини белгилашни қўяди. Бу биринчи навбатда ишлаб чиқаришни бошқариш тажрибаси ва ишлаб чиқаришга бўлган харажатлар ҳақидаги маълумотга, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотларни рационал ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотларга бўлган янги талаблардан келиб чиққан ҳолда яратилган.

Бошқарув - субъектнинг мақсадларига мувофиқ фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган режалаштириш, ташкил этиш, мотивация ва назорат жараёнидир. Бошқарув функцияларини бажариш учун хўжалик юритувчи субъектда унинг фаолиятини ёки бошқа ишлаб чиқариш бирликларини бошқарувчи ишчилар тўпламидан иборат бўлган бошқарув аппарати тузилади.

Йирик субъектларда бошқарув аппарати бошқарув функцияларига мувофиқ равишда тузилади, кичик субъектларда эса битта таркибий бўлинма (бўлим, сектор) ёки алоҳида бажарувчи томонидан бир неча функциялар бажарилади. Бошқарув бўлинмалари билан биргаликда аппаратнинг бу қисми цехларда мужассамланади. Субъектни ва бўлимларни бошқаришда банд бўлган ишчилар сонининг нисбати «менеджмент» фанида аниқ кўриладиган кўп омилларга боғлиқ.

Саноат корхоналарида ташкилий фаолиятнинг бошқарув ҳисоби ўзининг асосий масаласи сифатида ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва бошқаришга сарфларни оптимал даражадаги мақсадга йўналтирилганлигига мувофиқ шаклланган ва ишлов берилган маълумот асосида хизмат ва бошқарув бўлимларининг самарали ишлашини қамраб олади.

3.2. Товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш ҳамда сақлаш бўйича сарфланган харажатларнинг таркиби ва уларнинг туркумланиши

Товар-моддий захираларни бошқариш ўзининг биринчи босқичи бўйича материалларни ишлаб чиқариш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг туркумланиши билан боғлиқ.

Бошқарин мақсадларига мувофиқ ушбу харажатларни туркумлаш қуйидаги принципларга асосланган:

1) харажатларнинг компоненти бўйича;
2) таъсир даражаси бўйича;
3) етказиб бериш ҳажмига нисбатан;
4) ишларнинг тури бўйича;
5) харажатларнинг пайдо бўлиши жойлари бўйича.

Компонентлар бўйича сарфланган харажатлар қуйидагича бўлинади:

Товар моддий захираларни қўллаб-қувватловчи харажатлар, яъни захираларга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар.

1. Тижорат харажатлари:
а) фонзлар;
в) суғурта;
с) захирага қўйилган капиталга солиқ (мулк солиғи).
2. Сақлашга кетган харажатлар:
а) омборхоналарни асраш сарфлари;
в) захираларни жойдан - жойга кўчириш билан боғлиқ харажатлар.
3. Қуйидаги ҳолатларнинг натижасида йўқотишлар билан боғлиқ харажатлар:
а) эскириш;
в) бузилиш;
с) омборхонада бир турдаги материални бошқасига алмаштириш;
d) ушбу маҳсулотнинг истеъмол теклигининг секинлашиши.
4. Қуйидаги муқобил йўналишларда воситаларни қўйиш йўли билан фойда олиш имкониятлари:
а) ишлаб чиқариш қувватини кучайтириш;
в) маҳсулотларнинг нархини пасайтириш;
с) бошқа субъектларга капитал қўйиш;
d) дивидендлар тўлаш.

Бу харажатларнинг умумий ҳар йиллик суммаси тахминан капиталнинг захираларга қўйилмасининг ҳажмига тўғри келади.

Гуруҳларнинг хажмига боғлиқ харажатлар, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг миқдорига эмас, буюртма қилинган гуруҳларнинг миқдорига мутаносиб харажатлар қуйидагилардан иборат:

1. Захираларни бериш ва ёпиш.
2. Керакли музокараларни олиб бориш.
3. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш:

а) ускунани ўрнатиш;

б) маҳсулотнинг биринчи намунасини синаш;

в) ускунани ўрнатиш натижасида олинган яроқсиз маҳсулот;

г) муомалани ўзлаштириш даврида бекорга сарфланган вақт.

4. Ишлар турини ўзгартиришдаги қувватнинг беҳуда кетиши.

5. Айланма маблағларнинг доправий айланишини тезлаштириш билан боғлиқ гуруҳларни кўчириш, тезкор режалаштириш ва сарфлар харажатлари.

6. Захираларнинг тугаши таваккали.

Келтирилган харажатларнинг умумий йиллик суммаси материалларнинг бирлик ҳисобида тайёрлаб берилган буюртмаларнинг миқдорига мутаносиб бўлади.

Товар моддий захираларнинг танқислиги билан боғлиқ, яъни керакли хом-ашё ва материалларнинг йўқлигидан ёки етишмаслигидан вужудга келадиган харажатлар:

1. Келаётган хомашё ва материалларни етказиб беришни тезлаштириш:

а) алоқа сарфлари;

в) йўлда юриш сарфлари;

с) агентга тўлаш;

d) гуруҳларнинг кичик ҳажмлари билан боғлиқ бўлган қўшимча сарфлар;

е) маҳсулотларни тез етказдирганлиги учун, шунингдек гуруҳларнинг кичик хажми билан боғлиқ бўлган мукофотлар.

2. Субъектда буюртманинг ҳаракатини жадаллаштириш:

а) буюртмалар навбатининг графигини ўзгартириш харажатлари;

в) гуруҳларни майдалаш билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар.

3. Туширилаётган материалларни етказиб беришни тезлаштириш:

а) алоқа сарфлари;

в) товарларни алоҳида гуруҳлар билан ташиш сарфлари;

с) тезкор транспортировка учун мукофотлар.

4. Тижорат зарарлари ва сарфлари: фойдани йўқотиш ва керакли товарлар йўқлиги натижасида сотув ҳажмини қисқартириш билан боғлиқ бўлган устама сарфлари ҳиссасининг ўсиши:

а) ушбу субъект рақибларининг буюртмачилари билан алоқа ўрнатиш имкониятининг ошиши;

в) буюртмачилар бошқа етказиб берувчиларга буюртма беришга ҳаракат қилишади;

с) янги шартномалар тузиш учун мумкин бўлган вақтни мижозлар билан алоқаларни тузатишга сарфлаш;

d) сотув ҳажмини сақлаб қолиш учун амалга оширилган тадбирларни қўллашга қўшимча сарфларнинг кераклиги.

Бу йўқотишларнинг умумий суммасининг захираси тўлиқ ёки қисман тўлиқ ишлатилган товарлар миқдорига мутаносиб бўлади.

Товар - моддий захираларни бошқариш харажатлари.

1. Ўқитишга кетган харажатлар:

а) техник ходимларни;

в) бошқарув аппаратини.

2. Таъминлаш харажатлари:

а) техник ходимларни;

в) идора хизматчиларини.

Биринчи пункт бўйича харажатлар унча кўп эмас. Иккинчи пункт бўйича ҳар йилги умумий сумма захираларга қўйилган капитал ҳажмига мутаносиб бўлади.

Харажатларнинг умумий суммасига таъсирининг даражаси бўйича улар тартибга солувчи ва тартибга солинмайдиган харажатларга гуруҳлаштирилади.

Тартибга солинадиган харажатларнинг миқдорига менеджернинг уларга кўрсатаётган таъсирига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган харажатлар киради. Бу ҳолда улибу харажатлар учун омбор мудирлари, материал сотиб олиш гуруҳлари, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш харажатларини назорат қилиш гуруҳлари, буюртмаларни расмийлаштириш гуруҳларининг менеджерлари масъул ҳисобланади.

Менеджерлар харажатлар миқдорига таъсир кўрсата олмайдиган ҳолларда харажатлар тартибга солинмайдиган деб туркумлаштирилади. Масалан, омборни бошқариш ходимларига сарфланган харажатлар, омборхоналарининг эскириши ва бошқалар.

Етказиб бериш ҳажмига нисбатан: киритилган сарфлар ва релевант харажатлар.

Киритилган сарфлар - бу захираларга қўйилган инвестициялардир. Катта компаниялар айланма воситаларни йирик активлар яратиш учун ажратишга мажбурлар. Агарда воситалар захираларга инвестиция қилиниши пайтида четга жалб этилмаса бошқа йўналишларда қўлланилганда киритилган сарфлар олинган фойдада ўз аксини топиши мумкин эди. Уларга сотиб олинган захиранинг миқдорига боғлиқ бўлган харажатлар киради. Шунинг учун инвестициялар унча катта бўлмаган ҳолда даромад олиб келиши учун киритилган сарфлар ҳақидаги маълумот муҳимдир.

Релевант - бу товар моддий захираларни сақлаш ва буюртмани бажариш билан боғлиқ харажатлар.

Захирани сақлаш қийматига, одатда қуйидагилар киради:

- захирага қўйилган инвестициялар бўйича киритилган зарарлар;
- суғурта бўйича қўшимча сарфлар;
- омборда сақлаш ва захираларни сақлаш қийматига бўлган қўшимча харажатлар;
- материалга ишлов бериш учун қўшимча сарфлар;
- маънавий эскириш ва захиралар сифатининг ёмонлашиши натижасидаги йўқотишлар.

Сақлашга бўлган релевант харажатларга фақат захиралар даражасига қараб ўзгарадиган моддалар киради. Масалан, омборда сақлаш харажатлари ва захираларни сақлаш қиймати фақатгина захиранинг буюртма қилинган бирлигининг ўзгаришига қараб ўзгарадиган сарфлардан иборат бўлади.

Омборчининг меҳнат ҳақи, ускунанинг эскирини, ускуна ва иморат учун доимий ижара тўлови релевант харажатларга кирмайди, чунки уларга захиралар ҳажмининг ўзгариши таъсир этмайди.

Материалга ишлов бериш сарфлари, маънавий эскириш ва материллар сифатининг ёмонлашиши натижасидаги сарфлар деган моддалар учун захираларни сақлашнинг релевант харажатларини ҳисоблаш қийин, лекин бу харажатлар инвестициялар тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда муҳим ҳисобланмайди. Одатда захираларни сақлаш қиймати оддий инвестицияларнинг 1 сўмига бўлган фоизда ҳисобланади.

Буюртмани бажариш қиймати, қоида бўйича ўз ичига етказиб бериладиган буюртмани тайёрлаш учун кетган канцелярия сарфлари, олиб келинган буюмларни қабул қилиш ва счёт бўйича тўловни олади. Агарда буюртмани бажаришнинг қиймати захира яратишнинг ҳамма вариантлари учун бир хил бўлса, унда у релевант ҳисобланмайди. Бу ҳолда буюртмани тақсимлаш борасидаги қўшимча сарфлар тўғрисидаги маълумотлар харажатларни умумлаштиришда ишлатилади.

Сотиб олиш ёки тайёрлаш йўли билан олинган захираларга бўлган харажатлар релевант харажатга кирмайди, чунки миқдорига чегиртма қилинмаса захиранинг ҳажми ёки даражасига нисбатан ўзгармайди. Агарда 1 йилга керак бўлган 1000 бирлик 1 сўмдан ва битта гуруҳда 10 донадан сотиб олинса, сотиб олиш учун кетадиган харажатлар ўзгармай 1000 сўмни ташкил этади. Шунинг учун сотиб олиш учун кетадиган харажатлар релевант эмас, буюртмани бажариш қиймати ва товар-моддий захираларни сақлаш қиймати буюртмашнг ҳажмига қараб ўзгаради, улар релевант ҳисобланади ва қарор қабул қилиш моделини тузишга таъсир кўрсатади.

Иш турлари бўйича харажатлар захираларни сақлаш технологиясига кўра туркумлаштирилади: тушириб-ортиш; транспорт ишлари, навларга ажратиш, омборга қўйиш, физик-кимёвий таҳлил қилиш ва бошқалар. Ишларни турлари бўйича туркумлаш, харажатлар сметасини тузиш ва сарфларни назорат қилиш тизимининг асосига киритилади. Лекин бу гуруҳлаштирини ишончлиликнинг керакли даражасида масъулият марказлари бўйича назорат тизимини тузиш учун маълумот тайёрлашга имкон бермайди, чунки бу турдаги иш ҳар хил жойлар учун битта ёки бир нечта бажарувчилар, ички бўлинмалар ва ташқи пудратчилар томонидан бажарилиши мумкин. Шу билан бирга иш турлари бўйича харажатларнинг туркумланиши харажатларнинг пайдо бўлиш жойларида гуруҳлаштириш билан қўшимчаланади.

Харажатларни улар пайдо бўлган жойларида туркумлаш бошқарувнинг ташкилий тизимига боғлиқ, шунинг учун ҳар бир субъектда моддаларнинг ўз номенклатураси ишлаб чиқилади. Бошқарувнинг ҳар хил даражаларини маълумот билан таъминлаш тизимини яратишда асосий ўрин таъминот-тайёрлов хизматлар фаолиятининг кўрсаткичларини танлашга берилади.

3.3. Ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг умумий туркумланиши

Ишлаб чиқариш харажатлари туркумланишининг иқтисодий асосланиши ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобини ташкил этишнинг асоси ҳисобланади.

Саноатда маҳсулот таннархини режалаштириш ва ҳисоблаш бўйича меъёрий ҳужжатларда, шунингдек, молиявий ҳисоб бўйича дарсликларда ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг қуйидаги гуруҳлаштиришлари кўрсатилган:

- таркиби бўйича - бир элементли ва кўп элементли;
- турлари бўйича - харажатларнинг элементлари ва калькуляция моддалари;
- тайинланиши (аҳамияти)бўйича - асосий ва устама;
- ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан - доимий ва ўзгарувчан;
- алоҳида маҳсулотнинг таннархига олиб бориш бўйича - тўғри ва эгри;
- режа томонидан қамраб олиш даражаси бўйича - режалаштириладиган ва режалаштирилмайдиган.

Шундай услубда туркумлаштирилган ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулотни калькуляция қилиш тизимида маълум функцияни тавсифлайди, лекин, ишлаб чиқаришга бўлган харажатларнинг бошқарув ҳисоби масалаларига жавоб бермайди.

Ишлаб чиқариш ҳисоби бўйича халқаро стандартлар ва уни иқтисодий ривожланган мамлакатларда ташкил этиш амалиётини ўрнатиш мақсадида, харажатларнинг ҳисоби йўналишига мувофиқ харажатларни туркумлашнинг турли вариантларини кўзда тутади. Харажатлар ҳисобининг йўналиши деганда ишлаб чиқаришга бўлган ва умумлаштирилган мақсадга йўналтирилган харажатлар ҳисобининг зарур бўлган фаолият доираси тушунилади. Ички маълумот истеъмолчилари ўзларига ушбу муаммо бўйича маълумот билан таъминлаш керак бўлган ҳисоб йўналишини аниқлайдилар.

Масалан, цех бошлиғи 3-сонли бўлимада А маҳсулотини тайёрлашда вужудга келадиган чиқиндилар ҳақида маълумот олмоқчи. У ерда симларни автомат равишда кесиш ишлари олиб борилади. У технологияни ва симдан самарали фойдаланилишни баҳолаши керак, яъни ишлатилган ресурсларни фаолиятнинг ҳар томонларидан баҳолаши керак.

Биринчи ўринда ҳисобда харажатларнинг уч тури ҳақида маълумот тўпланади: ишчи кучи сарфлари, материаллар, устама харажатлар. Кейин умумлаштирилган харажатлар ҳисоб йўналишлари бўйича тақсимланади:

1. Тайёр бўлган маҳсулотнинг таннархини ва олинган фойдани аниқлаш учун.
2. Бошқарув қарорни қабул қилиш учун.
3. Назорат ва тартибга солиш жараёнини йўлга қўйиш учун.

Ажратилган уч йўналишнинг ҳар бири ўз навбатида ҳисобни деталлаштиришни, яъни харажатларни туркумланиш талаб қилади.

Бошқариш мақсадлари бўйича харажатларни туркумлаш

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг йўналиши	Харажатлар туркумининг принциплари	Харажатлар туркуми
1. Калькуляция қилиш ва тайёр маҳсулотни баҳолаш учун ишлатиладиган харажатлар 2. Ишлаб чиқаришга бўлган харажатлар. Улар тўғрисидаги маълумотлар қарор қабул қилиш учун асос бўлади. 3. Режалаштириш, назорат ва тартибга солиш тизимида ишлатиладиган харажатлар	Субъектнинг миқёси; технология, техника ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асослари; ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатураси; аналитик ҳолати; назорат; ҳисоблар; башоратлик ҳолати; эластиклик; ишлаб чиқариш жараёнидаги роли; пасайиш омиллари; режалаштиришда муҳимлиги; харажатларни ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги; умумий харажатларда тутган ўрни; маҳсулотлар бўйича тақсимланда асосийлиги; ҳисобнинг меҳнат ҳажми.	Ҳақиқий харажатларнинг таркиби; асосий ва ёрдамчи материаллар, меҳнат харажатлари, ишлаб чиқаришнинг устама харажатлари; киритиладиган ва муддати ўтган; ҳисобот даврининги ва ташқарига киритиладиган. Харажатларнинг ҳулқи: доимий, шартли-доимий, ўзгарувчан, шартли-ўзгарувчан. Келажак давр харажатлари: баҳолашда ҳисобга олинадиган ва олинмайдиган. Қарор қабул қилиш: қайтмас харажатлар, ўзгартирилган, инкремент, маржинал. Жавобгарлик марказлари: тартибга солинадиган ва солинмайдиган харажатлар. Харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари, меъёрий (сметали) харажатлар ва улардан четланишлар.

Кўрилган туркумлашга асосан ҳисоб юритиш ишлаб чиқаришга бўлган харажатларнинг маҳаллий ҳисобида янгиликдир. Бозор муносабатлари режалаштиришда, меъёрлаштиришда, таҳлилда, башорат қилишда ва умуман ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида ишлаб чиқариш ҳисобининг ролини кучайтирмоқда.

Шуни айтиш жоизки, харажатларни моддалар бўйича туркумлаш «Асосий ишлаб чиқариш» счётида ўз аксини топади, лекин бу маълумотлар бўйича субъект маҳсулотлар (иш, хизматлар)нинг турли хилларининг қопланиши, улар қабул қилган қарорларнинг самарадорлигини, қабул қилинган қарорларнинг харажатлар ва фойдаларга таъсири ҳақида хулоса чиқараолмайди. Муаммоларни ечиш кўп ҳолларда қўлланиладиган харажатларнинг туркуми билан аниқланади. Бошқарув мақсадларини

қондирувчи харажатларнинг туркуми, ишлаб чиқариш фаолиятини бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг асосий принципи, ишлаб чиқариш сарфлари тўғрисидаги маълумотни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш услуби ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг счётларида ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги маълумотнинг ҳаракати қуйидаги чизмада кўрсатилган (кейинги бетда).

3.4. Сотиш ҳамда молиявий фаолият билан боғлиқ бўлган харажатлар ва уларнинг туркумланиши

Молиявий-сотув бўлими ишлаб чиқариш тизимидаги умумий тизимнинг бир қисми сифатида харажатлар билан кузатилади. Харажатларнинг бу тури таркибига қуйидагилар киради:

- сотув билан боғлиқ харажатлар;
- сотув ва бошқа даллол субъектларга тўланадиган комиссион йиғимлар (ажратмалар);
- жорий маркетинг маълумотларини йиғиш ва тарқатишга кетадиган харажатлар;
- маркетинг тадқиқотлари бўйича харажатлар;
- бошқа фирмаларнинг маркетинг хизматларини тўлаш;
- реклама сарфлари;
- ваколатлик сарфлари;
- молиявий ва сотув фаолияти билан боғлиқ бошқа сарфлар.

Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат:

- идиш ва ўрамаларни тайёрлаш билан боғлиқ ёрдамчи цехлар хизмати; четдан сотиб олинган идишнинг қиймати; идишнинг таъмирланиши ва таркиби бўйича тўловлар; идиш ва ўрамаларнинг қиймати сотиб олувчи томонидан қўшимча тўланмаган ҳолларда улар қийматининг бошқа ташкилот томонидан тўланиши;
- тайёр маҳсулот омборларини асраш, омборхоналарда, тушириш-ортиш машина ва ускуналарнинг (кранлар, электрокаралар ва бошқалар) эскириши, омбор ишчиларининг меҳнат ҳақлари;
- маҳсулотларни жўнатиш бекати ёки портларга етказиб бериш, вагонларга, контейнерларга, кемаларга ортиш бўйича транспорт харажатлари; ихтисослашган экспедиция субъектларининг хизматларини тўлаш, агар нархи жўнатиш франко-станция белгиланса; агар нархи белгиланган франко-станция бўлса темир йўл тарифи ёки сув фрахти ёки бошқа транспорт харажатларини тўлаш.

Комиссион йиғимлар (ажратмалар) улгуржи савдо ёки бошқа даллоллик субъектларга сотув бозори ва сотув ҳажмини кенгайтириш учун тузилган шартномаларга асосан тўланади.

Ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг умумий чизмаси



Жорий маркетинг маълумотини йиғиш ва тарқатишга кетадиган харажатлар - ташқи маълумотни йиғиш бўйича бошқа ташкилотларнинг хизматлари; рақиблар тўғрисида маълумот йиғиш билан банд бўлган дистрибьютор, чакана савдогарлар ва бошқа шахсларга қилинадиган сарфлар; китоб, журнал ва бошқа ихтисослашган матбуотни ўқиш учун, мижозлар, етказиб берувчилар билан суҳбат учун сарфланган вақт (меҳнат ҳақи); муҳим маълумотлар тақдим этганлиги учун моддий рағбатлантириш; махсус бўлимларни асраш.

Маркетинг тадқиқотлари бўйича харажатлар истеъмолчи сабабларининг изланиши, реклама матнлари, рекламанинг самарадорлигини, истеъмолчиларни ахборот билан таъминлаш муаммолари, янги товарга бўлган муносабат, бозорнинг аниқ имкониятлари, сотув каналларини аниқлаш, ишчан фаоллик тенденциясини ўрганиш, узоқ ва қисқа муддатли башорат муомалаларидан иборат.

Реклама бўйича харажатлар - реклама фаолияти учун харажатлар; реклама учун ёпланган шахслар, рекламани чиқариш меъёрини қамраб олган реклама муомаласининг қиймати; аниқ реклама қилувчиларнинг қиймати; сотувни мувофиқлаштирувчи воситаларнинг қиймати- намуналар, купонлар, имтиёзли нархлардаги ўровчи нарсалар, ҳисобланган талонлар ва мукофотлар, кўргазмаларни ташкил қилиш. Ярмаркаларда иштирок этиш, касбий учрашувлар, экспозиция, товарларнинг кўргазмаларини ташкил этиш ва уларда иштирок этиш.

Тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган ваколатли харажатлар қуйидагилардан иборат: ўзаро фойдали алоқа ўрнатиш учун тадбирлар ўтказишга келган бошқа корхона ва ташкилотлар (чет эл ташкилотлари ҳам киради)нинг вакилларини қабул қилиш харажатлари: маданий-кўргазма тадбирларда қатнашиш; музокара ва маданий дастур тадбири пайтида ошхона хизмати; штатда бўлмаган музокараларда қатнашган шахслар хизматининг тўловлари; тадбир давомида транспорт билан таъминлаш.

Бошқа харажатларнинг таркибига молиявий-сотув бўлимини асрашга кетган харажатлар киради - ишчиларнинг меҳнат ҳақи, қўшимчаси билан, хизмат сафари харажатлари, почта, телефон ва бошқа харажатлар; савдо ваколатхоналарини асраш - хизматчиларнинг меҳнат ҳақи, қўшимчаси билан, хоналарнинг ижараси, телефакс ва бошқа сарфлар; маҳсулотни сертификатлаштириш харажатлари; номоддий активларнинг эскириши - савдо белгилари; маркалар ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар.

Бу харажатларнинг туркумланиши ишлаб чиқариш фаолияти бўйича сарфланган харажатларга ўхшаб таснифланади. Шу билан бир вақтда молиявий-савдо фаолиятининг хусусияти асосий ташҳис сифатида қарорлар қабул қилиш ва режалаштириш учун харажатлар туркумини олдинга суради. Бу ҳолда харажатлар релевант (ҳисобга олинадиган) ва нерелевантларга бўлинади. Харажатларнинг бундай бўлинишни баҳо реализацияси, бозор сегментларини тарқатиб юбориш (расформирование), сотиш ҳажмини кўпайтириш ҳақидаги қарорларни қабул қилиш учун зарур.

Релевант молиявий харажатлар қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ нақд пул маблағларининг бўлажак ўсишини ифода этади. Эътиборга фақат нақд пул маблағларининг ўсиш ҳаракатлари қабул қилинади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳар хил ҳолатларда бир турдаги харажатлар ҳам релевант, ҳам норелевант бўлиши мумкин. Масалан, ортиқча бўлган материаллар сотиб олинди. Бу материаллар ишлатилмайди ёки сотилмайди, шунинг учун қабул қилинадиган қарордан қатъий назар уларнинг қиймати бир хил бўлади, яъни улар норелевант харажатлар ҳисобланади. Бошқа ҳолларда материаллар маълум бир маҳсулот ишлаб чиқариш учун сотиб олинганда, уларни қиймати, номенклатураси ва бошқалар таҳлил қилинади - материалларга бўлган харажатлар бу ерда релевант ҳисобланади. Моддий харажатлар бу ҳолда қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ бўлади.

Демак, релевант харажатларнинг рўйхатини бера олмаймиз, у ҳар бир аниқ ҳолат учун ушбу харажатлар турли хил бўлади. Лекин ҳар бир ҳолатда принципини қўллашимиз мумкин: релевант харажатлар - бу танланган вариантнинг ечимига кўра ўзгарадиган бўлажак харажатлардир.

3.5. Хўжалик фаолиятини ташкил қилиш ҳамда юритиш билан боғлиқ харажатларнинг таркиби ва уларнинг туркумланиши

Хизмат ва бошқарув бўлимларини, таркибий ишлаб чиқариш бўлинмаларини бошқарув аппаратини маълумотлар билан таъминлаш маълум харажатларнинг вужудга келишига олиб келади. Улар ишлаб чиқариш сарфларидек доимо содир бўлади. Ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича харажатлар устамаларга киради ва умуман уларнинг ҳисобида кўрилади. Лекин бошқарув функциясининг хусусияти устама харажатлар ҳисобидан ташкилий фаолият бўйича харажатларни алоҳида чиқаришни талаб қилади.

Пайдо бўлиш жойлари бўйича харажатлар умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларига бўлинади. Ишлаб чиқариш таснифига эга бўлган ташкилий фаолиятнинг харажатлари таркибига қуйидагилар киради: ишлаб чиқаришни бошқариш харажатлари; ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ташкил этиш; ишлаб чиқариш бўлинмаларининг бошқарув аппаратини таъминлаш бўйича харажатлар; иморат, иншоот, ишлаб чиқариш инвентарларининг эскириши; иморат, иншоот, инвентарларни таъмирлашни таъминлаш қиймати; ишчи шароитларини яхшилашга кетган харажатлар, мутахассисликка йўналтириш ва кадрлар тайёрлашга кетган харажатлар, буюмларни сарфлаш харажатлари ва бошқалар.

Умумхўжалик аҳамиятининг ташкилий фаолияти бўйича харажатлар қуйидагилардан иборат: маъмурий-бошқарув; техник-бошқарув, таъминот-тайёрлов, молиявий-сотув фаолиятини бошқариш бўйича; ташқи субъектлар кўрсатаётган хизматлари учун тўловлар; иморат, иншоот, умумхўжалик аҳамиятидаги инвентарларни (эскиришини қўшган ҳолда), таъминлаш ва таъмирлаш қиймати; ишчи кучига кетган харажатлар- тўплаш, танлаш, ўқитиш, қайта ўқитиш, бошқарувчиларнинг малакасини ошириш; мажбурий тўловлар, солиқлар, тўловлар, ажратмалар, ўрнатилган қонунга мувофиқ фондлар.

Бундай гуруҳлаштириш сарфларни меъёрлаштириш учун, туркум моддалари бўйича бўлинмалар бўйича сметаларни тузиш учун, сметаларнинг бажарилиши бўйича назорат учун зарур бўлиб, ҳисоб ва калькуляция объекти

бўйича харажатларни тақсимлаш учун ишлатилади. Аммо бу гуруҳлаштириш харажатларнинг мазмунини тўлиқ ёритишни таъминлаб бера олмайди, шунингдек, уларнинг шаклланиши ва иқтисодий мазмунининг жорий назоратини ҳам таъминлаб бера олмайди.

Ташкилий фаолият бўйича харажатлар, субъектнинг узлуксиз ишлаши учун шароит яратишга ҳар бир бўлинманинг таъсир даражаси ҳақидаги маълумотларни шаклланишнинг таркибий қисми билан бошқарув ҳисобига киради. Бошқарув тизимининг самарадорлиги бошқарув даражаси бўйича ҳисоб кўрсаткичлари тизими билан ўлчанади ва шунинг учун ташкилий фаолият бўйича харажатлар таркибида қуйидаги гуруҳларни ажратиш тавсия этилади:

- мақсадли функцияларни бажариш билан боғлиқ ташкилий фаолият харажатлари;
- субъектнинг хизматлари ва бўлимларининг ишлашини таъминловчи харажатлар;
- умумташкилий ва умумбошқарув фаолият бўйича харажатлар.

Харажатларнинг берилган гуруҳлаштирилиши субъектнинг фаолиятини бошқариш билан боғлиқ харажатларнинг шаклланиш жараёнини кузатишга имкон беради. Ундан ташқари, харажатларни субъектнинг хизматлари ва бўлимлари бўйича умумлаштириш ҳар бир маъмурий бўлинманинг субъект бошқаруви тизимининг самарадорлилигига таъсири даражасини аниқлайди. Шунда бошқарув меҳнатининг самарадорлиги бошқарув фаолияти харажатларининг пасайишини эмас, бошқарув учун тўлиқ маълумот тизимини тузишда бу сарфлар бошқарувчиларнинг талабини қанчалик қондирайётганлигини тавсифлайди.

Бошқарувнинг ҳамма хизматлари ва ҳар бир алоҳида бўлимлари ўз ишларини субъект олдида турган масалаларни ечишга, яъни ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализацияси ҳажмини кўпайтириш, унинг сифати, даромадининг ўсиши ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишни яхшилаш, субъект ишчиларининг ижтимоий шароитини яхшилашни таъминлашга қаратадилар. Шу боисдан йўналишлар ичида моддаларга бўлинган йўналишлар бўйича ташкилий фаолият харажатларининг туркумини мақсадга мувофиқ десак бўлади. Кўриладиган туркумланишнинг асосий белгиси фаолиятнинг ҳамма турлари ёки бошқарув функциялари бўлиши керак: маъмурий-бошқарув, техник бошқарув бўйича, ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича, моддий-техник таъминот бўйича, маркетинг ва маҳсулот сотиш бўйича, мажбурий солиқлар, йиғимлар ва ажратмалар, банк ссудасидан фойдаланганлик учун фоизлар ва бошқа харажатлар.

Сарф йўналиши бўйича харажатларни гуруҳлаштириш сарфларнинг мазмунини ва субъект ташкилий структурасининг асосларини кўрсатади. Умуман, харажатларни йўналиши бўйича гуруҳлаштириш харажатларни камайтириш имкониятларини топиш (қидириш) учун қўлланилади.

Ҳисоб ва калькуляция объектига нисбатан ташкилий фаолият бўйича харажатлар эгри ҳисобланади, ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан эса - доимий (маълум қисми-шартли-доимий) ҳисобланади. Сарфлар маълумотларини тақсимлаш услуби бўйича ва устама сарфлар таркибида амалга оширилади.

Хулосалар

Субъект ишлаб чиқариш фаолиятининг мақсади- маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш ва фойда олишдир. Ишлаб чиқариш жараёнлари хўжалик муомалаларидан иборат: таъминот-тайёрлов, тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш, молиявий-сотув, фаолиятнинг ташкилий турларидан. Субъектнинг фаолиятини бошқариш жараёни харажатлар ва олинган натижаларни доимий таққослашга асосланган.

Таъминот-тайёрлов фаолиятини бошқариш - бу субъектнинг узлуксиз ишлашини таъминловчи моддий захиралар, ишлаб чиқаришга бўлган моддий харажатлар суммасини таъминлаш учун ҳар йилги харажатларнинг умумий суммасини тартибга солиш ҳисобланади. Харажатларни умумлаштиришнинг мақсади - уларнинг шаклланиш жараёнини икки йўналиш бўйича кузатишдир, яъни маҳсулот бўйича - захираш баҳолаш; жавобгарлик марказлари бўйича- моддий харажатларнинг даражасини назорат қилиш.

Ишлаб чиқариш жараёнлари- ишлаб чиқаришнинг иккинчи ва асосий жараёни ҳисобланиб, унда субъектнинг яратилиши. фаолият кўрсатиши ва мақсадлари амалга оширилади.Ишлаб чиқаришга бўлган харажатларнинг бошқарув ҳисоби харажатларни турли гуруҳлаштиришларни кўзда тутади. Ушбу бобда фаолиятнинг ҳамма турларини қамраб олувчи харажатларнинг ҳисоби йўналишлари бўйича гуруҳлаштириш кўрсатилган.

Субъектнинг фаолияти ҳақидаги маълумотни умумлаштиришнинг муҳим жойи бўлиб ишлаб чиқариш ва молиявий-сотув фаолияти ўртасидаги узлуксиз тўғри алоқани кузатиш ҳисобланади. Бу кузатиш бошқарув ҳисобида гуруҳлаштириш ва харажатларнинг умумий тизимидан молиявий-сотув фаолияти бўйича сарфларни ажратиш йўли билан олиб борилади.

Молиявий-сотув фаолиятини кузатиб борувчи харажатларнинг таркиби маҳсулот сотиш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади: сотув ва бошқа даллоллик субъектларига тўланадиган комиссион йиғимлар; маркетинг тадқиқотлари бўйича харажатлар; ташқи фирмаларнинг маркетинг хизматини тўлаш; реклама харажатлари; молиявий-сотув фаолияти бўйича вакиллик ва бошқа харажатлар.

Саноат корхоналарининг ташкилий фаолияти субъектни унинг мақсади ва масалаларига асосан фаолият кўрсатишини таъминловчи зарур ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади.

Ташкилий фаолият бўйича харажатлар ишлаб чиқариш харажатларидек зарурдир. Одатда, улар устамаларга олиб борилади ва умумий қабул қилинган моддалар номенклатураси бўйича ҳисобланади. Аммо, бошқарув функциясининг махсуслиги уларни устама харажатлар таркибидан чиқаришни ва ушбу харажатлар устидан назорат тизимини ташкил этишга йўл қўювчи туркумлашни қўлланини талаб қилади.

Ташкилий фаолият таркибидан қуйидаги харажатларни ажратиш мақсадга мувофиқ: ишлаб чиқариш тавсифига эга ташкилий фаолиятни; умумхўжалик тавсифига эга ташкилий фаолиятни. Ундан ташқари, туркумлашга бошқариш функциялари бўйича харажатларни гуруҳлаш билан қўшимча қилиш лозим; маъмурий-бошқариш; техник-бошқарув бўйича, ишлаб чиқаришни бошқарини бўйича, моддий-техник таъминот, маркетинг ва маҳсулотни сотиш бўйича; мажбурий солиқлар, йиғимлар ва ажратмалар, банк ссудасидан фойдаланганлик учун фоизлар, бошқа харажатлар бўйича. Бундай гуруҳлаштириш харажатларни камайтириш имкониятларини излаш учун қўлланилиши мумкин.

4-БОБ

БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ МАҚСАДИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ХАРАЖАТЛАРНИ ТУРКУМЛАШ

4.1. Харажатларни ҳисобга олишнинг моҳияти ва аҳамияти

Хўжалик юритувчи субъектда ва унинг айрим олинган бўлимларида ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг умумий тизимида таннарх кўрсаткичи асосий ўрин тутади. Чунки таннархнинг таркиби уни ташкил қиладиган тегишли харажатларнинг йиғиндисидан иборат.

Субъектларда харажатларни бошқариш энг қийин жараёнлардан ҳисобланади. Чунки у аҳамияти бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини бошқариш мажмуаси деб тушунилади, ваҳоланки ишлаб чиқариш жараёнида содир бўлаётган воқеалар ва муомалаларни ўз ичига қамраб олгандир.

Субъектларни бошқариш амалиётида харажатлардан самарали фойдаланишни бошқаришни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш муаммоси қатор йиллар давомида хориж давлатларининг иқтисодчи олимлари ва мамлакатимиз олимлари ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда.

Харажатларни ҳисобга олишнинг умумқабул қилинган таърифининг ёритилиши қуйидагича: «Харажатларни ҳисобга олиш бу тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти - таъминот, ишлаб чиқариш ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш, истеъмолчига етказиб бериш жараёнларида содир бўлган воқеаларни миқдорий ўлчаш (миқдор ва қиймат ўлчовида), қайд қилиш, гуруҳлаштириш, тайёр маҳсулотлар таннархининг таркиб топиши чегараси бўйича таҳлил қилишга қаратилган ва тушунилган фаолиятдир.

Бу даражада ёритиш ва тасниф бериш субъектнинг фаолиятини бошқариш ва молиявий натижаларни аниқлаш йўли билан унинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган ва етарлича маълумотлар билан таъминлаш имкониятини яратади».

Лекин бундай ёндошиш бошқарув ҳисобининг ривожланиш ва ишлаб чиқариш ҳисоби назариясининг ривожланган даражасида улардан фойдаланиш йўналиши бўйича чегаралангандир.

Ушбу ҳолатлардан ва тажрибалардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг техникавий томонининг моҳиятини ёритишдан ташқари ишлаб чиқариш фаолиятида бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ёки харажатларни ҳисобга олишни кўчириш жараёнларига ёндашишнинг турли хил усулларини ўз ичига олиши лозим.

Шундай қилиб, харажатларни ҳисобга олишнинг мазмунини ёритиш ва тўғри таснифлаш хўжалик юритувчи субъектларда уни ташкил қилишнинг

модулларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Чунки ушбу ҳисоб бошқарув жараёнининг тескариси бўлган ахборотлар оқимининг асосий манбаи бўлиб фақатгина ҳақиқий воқеаларни ёритиб қолмай келгусидаги иқтисодни башорат қилиш модулини тузишга ҳам ёрдам беради.

Агарда ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобига тегишли бошқарув модулини субъектнинг асосий мақсадини бажаришга йўналтирилган харажатлардан фойдаланиш ўтган йилги, ҳозирги ва келгуси ишлаб чиқариш фаолиятини акс эттириш деб қаралсагина бундай ҳисоб тизими таннархни бошқаришнинг асосий вазифалари талабига мос келади.

Тегишли субъектда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

а) иқтисодий натижаларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун субъектнинг маъмуриятини зарур ва етарли маълумотлар билан таъминлаш;

в) четга чиқишларни аниқлаш мақсадида ҳақиқатда сарфланган харажатларни кузатиш ва назорат ўрнатиш, уларни меъёрий ва режадаги ҳажми билан таққослаш ва келгусидаги иқтисодий стратегиясини шакллантириш;

с) ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни баҳолаш ва молиявий натижаларни ҳисоблаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш;

d) субъектнинг таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий натижаларини аниқлаш ва баҳолаш;

е) узоқ муддатли хусусиятга эга бўлган ишлаб чиқариш ва технология дастурларининг қопланиши, ички ва ташқи бозорларда сотилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича рентабеллик даражаси, асосий воситалар ва товар-моддий захираларига қўйилган капитал маблағларнинг самарадорлиги ва фаолияти бўйича бошқарув ҳисоби маълумотларини бир тизимга келтириш.

Демак, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг асосий йўналиши бу субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва ушбу фаолиятни амалга оширишда сарфланадиган харажатларни бошқаришдир.

4.2. Ишлаб чиқариш ҳисоби - харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг умумий (бир бирлик) жараёнидир

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш тизимини қайта ташкил қилиш натижасида «ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби» ва «маҳсулот таннархини калькуляция қилиш» тушунчаларини мамлакатимизда қўлланилаётган ишлаб чиқариш ҳисоби жараёнида тубдан янгича ёритиш имкониятини очиб беради.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ҳамда ушбу масалаларга бағишланган махсус адабиётларда ҳам харажатларни ҳисобга олиш ва каль-

куляция қилиш усуллари тўлиқ ва аниқ ёритилмаган. Шу билан бир вақтда кўпчилик иқтисодчи олимлар ушбу тушунчаларни ёритишда умумий ёндошишга эришилди деган хулосага келмоқдалар. Ушбу усул ўз ичига ишлаб чиқариш харажатларининг бошқарув, аввало аналитик ҳисобини тузиш, харажатларни туркумлаш шартларини танлаш, харажатларни ҳисобга олиш объектларини (маҳсулот, буюртма, ишлов бериш жараёни, харажатларнинг содир бўлиш жойлар ва шунга ўхшашлар) танлаш, ишлаб чиқариш устама харажатларни тугалланмаган, тайёр, сотилган маҳсулотларнинг таннархига тақсимлаш ва харажатларни молиявий натижаларга тўғридан-тўғри олиб бориш йўли билан ҳисобдан чиқариш тартибларини қамраб олган.

Бошқарув ҳисоби тизимининг бошқа муҳим йўналиши бу ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби жараёни ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш жараёнини тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисоби билан боғлиқ бир-бирлик ҳисоб жараёни деб қарандир. Бу вақтда харажатларни ҳисобга олишнинг объектини танлашда ички ҳисобот кўрсаткичларининг тизими, ҳар хил бошқарув мақсадлари учун ҳисобот калькуляцияларини тузишнинг даврийлигига асосланади.

Ҳисоб ишларини тузиш қуйидаги босқичларни назарда тутади:

а) ишлаб чиқаришга сарфланган ресурсларни уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг жараёнида содир бўлган вақтига асосан дастлабки ёритиш;

в) ишлаб чиқариш харажатлари ҳақида маълумотларни субъектнинг фаолият турлари, ишлаб чиқариш, таркибий бўлинмалари, харажатларнинг содир бўлган жойлари, жавобгарлик марказлари, маҳсулот, ишнинг турлари бўйича ажратиб чиқиш;

с) ишлаб чиқариш харажатларини уларнинг рўёбга чиқиш вақти ва таннархга қўшилиш вақти, бундан ташқари, бошқа вақтичалик даврлар бўйича- тарихий, олдин содир бўлган харажатлар, ҳисобот ва келгуси давр харажатлари бўйича ажратиб чиқиш;

d) хўжалик юритувчи субъектнинг умумий сарфларини субъектнинг бўлинмалари ўртасида тақсимлаш: умумий ишлаб чиқариш харажатларини тўгалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр ва сотилган маҳсулотларга тақсим қилиш йўли билан қоплаш;

е) хизмат қилувчи ва ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги ишлаб чиқариш харажатларини унинг туталланмаган ишлаб чиқариши ва бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари ўртасида тақсимлаш ва ушбу харажатларни унинг иш ва хизматларини истеъмол қилган бўлинмалар ўртасида тақсимлаш;

f) тугалланмаган ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш жараёнида олинган чиқиндиларни аниқлаш ва баҳолаш, маҳсулотларнинг айрим турларини ва товар маҳсулотларининг умумий ҳажмининг таннархини ҳисоблаш.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш ҳисоби ўз ичига ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш (а, в, с, d,)ни олади ва калькуляция ҳисоби (d-f) эса интеграллашган тизим ҳисобланиб таннархни бошқариш жараёнини маълумотлар билан таъминлайди. Ушбу таъкидлаш ва хулосаларни мустаҳкамлаш

мақсадида аниқ хўжалик юритувчи субъект мисолида амал қилинаётган ишлаб чиқаришнинг тезкор ҳисоби ва ишлаб чиқариш харажатларининг молиявий ҳисоби ўртасидаги ахборотларнинг боғланишини ўрганиб чиқамиз (кейинги бетда).

Ушбу чизманинг таҳлилидан кўриниб турибдики, ҳисобнинг иккита тури бўйича меъёрий-маълумот ахборотлари хизмат қилади. Шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш бўйича меъёрий маълумотнинг ахборотларидан фойдаланишнинг такрорланиши тезкор ҳисобга нисбатан бухгалтерия ҳисобида тез-тез содир бўлмоқда.

Деталларни ва бошқа ярим фабрикатларни тайёрлаш жойларидан олинган тезкор ҳисоб маълумотлари, уларнинг цехлар, ўзаро, омборхона ва цех ўртасида, истеъмолга яроқли ва яроқсиз маҳсулотлар бўйича ҳар бир ишлаб чиқариш бўлимларидан олинган тезкор ҳисоб маълумотлари хўжалик ҳисобидаги жамоалар бўйича ишлаб чиқаришдаги харажатларнинг йиғма ҳисобини тузишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ишлаб чиқаришнинг қиймат ҳисобини ташкил қилишга ўзгартириш киритишда меҳнатга ҳақ ҳисоблашда, ушбу сарфни маҳсулот турларининг ўртасида тақсим қилишда «яроқли ва яроқсиз маҳсулотлар, тайёр ва бошқа бўлинмаларга берилган маҳсулотлар ва туталланмаган ишлаб чиқариш ва субъектнинг ўзида қолдирилган шароитларда улар асосий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Яримфабрикатларнинг ишлаб чиқаришдаги ҳаракати тўғрисида тегишли бригаданинг ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳисоби билан боғлиқ ҳолда олинган тезкор маълумот бир вақтнинг ўзида тайёр маҳсулот ва туталланмаган ишлаб чиқаришга меъёр даражасида сарфланган хомашё ва материалларни аниқлаш, яроқсиз маҳсулотни баҳолаш, сарфланган хомашё ва материалларнинг қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг турларига тақсимлаш учун асос бўлади.

Ушбу жараёнда деталлар ва яримфабрикатларнинг цех ичида ва цехлараро ҳаракатининг балансини тузиш ва ушбу маълумотни ҳақиқий қолдиғи билан таққослаш йўли билан улар бўйича йўқотишларни аниқлаш имкониятига эга бўлиш эътиборга лойиқдир. Чунки, инвентаризация тезкор ва молиявий ҳисобнинг асосий элементларидан бири бўлиб, у икки турдаги ҳисобнинг вазифасини бажаради. Тезкор ҳисобда у туталланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва унинг туталланганлик даражаси устидан назорат ўрнатиш учун хизмат қилади. Инвентаризация қайдномасининг маълумотлари бўйича келгуси давр учун режадаги талаб тартибга солинади ҳамда цех ва бўлимларнинг ойлик дастурлари, бригадаларнинг ишлаб чиқариш топшириқларига ҳам тузатишлар киритилади. Молиявий ҳисобда эса ушбу инвентаризация қайдномасига асосан туталланмаган ишлаб чиқаришнинг қолдиғи ва тайёр маҳсулотнинг таннархи аниқланади. Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, шу билан бир вақтда бу кўрсаткичлар бўйича ҳисоб ва ҳақиқий маълумотларни таққослаш ҳар ойда тайёр маҳсулотларнинг таннархини калькуляция қилиш учун шарт эмас.

Туталланмаган ишлаб чиқаришнинг даражаси ва уни тугатишни назорат қилиш ҳар кунлик тезкор ҳисоб орқали амалга оширилади.

Тезкор ва молиявий ҳисобдаги ишлаб чиқариш бўйича маълумотнинг умумий чизмаси

Ишлаб чиқаришнинг кўрсаткичлари	Тезкор ҳисобнинг йиғма маълумоти											Молиявий ҳисобнинг йиғма маълумоти									
	Меъёрлаштирадиган бўлим	Маҳсулотларни етказиб берин бўйича шартномалар	Субъектнинг ишлаб чиқарини дастури	Цех ва бўлинманинг ишлаб чиқарини дастури	Бригаданинг ишлаб чиқариш топшириғи	Деталларни ишлаб чиқарини бўйича режанинг бажарилиши	Деталларни цехдан чиқарини режанинг бажарилиши (куп)	Ҳаракатининг ички ҳисоби	Ҳаракатининг цехлараро ҳисоби	Тугаллаймаган ишлаб чиқариш даражаси	Бадарган ишлар ва меъёрдаги меҳнат ҳаки	Меҳнат ҳақини тақсимлаш	ҳаракатининг баланси (цехлар ичида)	Материал сарфининг тақсимоти	Цехлараро ҳаракатининг баланси	Яроқсиз маҳсулотдан йўқотишларнинг ҳисоби	Деталлардан йўқотишнинг ҳисоби	Деталлардан йўқотишни баҳолаш	Ишлаб чиқаришни кайдномаси	Тугаллаймаган ишлаб чиқаришни баҳолаш
Ишлаб чиқаришнинг режалаштиришнинг кўрсаткичлари	Маҳсулотнинг номи											+		+		+		+		+
	Маҳсулотнинг таркиби											+		+		+		+		+
	Материаллар сарфининг меъёри													+		+		+		+
	Меҳнат ва меҳнат ҳаки сарфи										+	+				+		+		+
	Ярим фабрикатлар ҳаракатининг меъёри					+	+		+											
	Захираларнинг жойларда, омборлардаги меъёри					+				+										
Ишлаб чиқаришнинг кўрсаткичлари	Бригаданинг ишлабчиқариш қуввати					+		+			+	+	+	+			+	+		
	Деталларнинг кирими							+	+				+		+		+	+		
	Деталларни бошқа цехга ўтказиш						+	+	+		+	+	+	+	+		+	+		
	Ярим фабрикатлар ва йиғма деталлар							+	+					+	+	+	+	+		
	Тайёр маҳсулотларнинг йиғилиши ва омборга топширилиши						+	+	+		+	+		+	+		+	+		
	Ҳисоб маълумотлари бўйича ярим фабрикатларнинг қолдиғи							+	+	+			+		+		+	+	+	
	Детал ва ярим фабрикатларнинг ҳақиқий қолдиғи									+					+				+	+

Бригадир томонидан смена ва суткалик вазифаларни бажариш, детал ва яримфабрикатларни етказиб бериш графиги, субъектнинг ишлаб чиқариш дастури ва маҳсулотларни етказиб бериш шартномаларининг устидан назорат ўрнатиш ҳисобнинг асосий вазифасини бажариш учун биринчи таянч нуқтаси ҳисобланади. Кундалик ҳисобни жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳамма турлари бўйича ва субъектнинг «тақчили» бўлган таплаб олинган маҳсулот тури бўйича юритиш мумкин. Ушбу ҳисоб режалантиришда қандай ўлчов бирлиги қўлланилган бўлса, ушбу ўлчов бирлигида амалга оширилади. Меҳнат сарфининг бригада усулида амалга оширилиши ташкил қилинган шароитда назорат ва ҳисоб нуқтаси бир-бирига тўғри келиши лозим, яъни меҳнатга ҳақ тўлаш учун асос бўладиган охирги маҳсулот ва бригаданинг бажарган ишининг якуни бир вақтнинг ўзида бригаданинг ишлаб чиқариш топшириғини бажаришни тезкор ҳисобга олиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Ҳақ тўлаш цехнинг охирги маҳсулоти бўйича амалга оширилса, тезкор ҳисоб объекти бўлган цехнинг ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши ёки тегишли бригадаларнинг бажарган иши ёки ишлаб чиқарган маҳсулоти бир-бирига мос келиши шарт, чунки улар бўйича бир хил меҳнат ҳақи ҳисобланади.

Технология жараёнининг охирги муомаласи (босқичи)ни бажараётган (сирташ, қўшимча ишлов бериш, ўраш) цехларда тайёр маҳсулотларни омборга топшириш назорат-ҳисоб нуқтаси ҳисобланади. Ушбу тартиб йиғув цехи ёки бўлинмалари бўлган кўпгина субъектларда ҳам қўлланилади.

Масалан, ёпиқ технология жараёнини тадбиқ қилган кўпгина субъектларда (тикувчилик, пойафзал, айрим ҳолларда машинасозликда) ҳам ушбу маҳсулотнинг охирги босқичи бўйича меҳнат ҳақи тўлаш усули қўлланилади. Чунки ушбу тармоқлар ёки субъектларда ишлаб чиқариш ҳисобининг объекти ва ишлаб чиқариш дастури тайёр маҳсулотларнинг объекти ва маҳсулотнинг охирги босқичида бажарилган ишларни ҳисобга олиш объектлари бир-бирига мос келади.

Натижада маҳсулотни етказиб бериш шартномасининг кундалик ҳисоби субъектнинг ишлаб чиқаришни бажариш билан тўғри боғлиқлигининг тезкор ҳисобини назарда тутади. Ушбу ҳисоб тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга жўнатишнинг молиявий ҳисоби ва сотиш бўлими омборларида мавжуд бўлган тайёр маҳсулотларни ҳисобга оладиган ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Ҳар қандай шароитда ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини калькуляция қилишнинг олдига қўйган мақсадларига эришмай туриб ва харажатларни ҳисобга олмай калькуляция қилишнинг имконияти йўқ, шу билан бир қаторда ҳозирда қўлланилаётган харажатларни ҳисоблаш тартиби ҳозирги даврдаги шартномаларни тузиш босқичидаги баҳоларни белгилаш ва ушбу шартномаларнинг бажарилиши талабларидан келиб чиққан ҳолда субъектнинг маъмурияти ва бошқарув ходимлари томонидан қўйилган янги ва юқори талабларга жавоб бермайди.

Амалиётда эса объектларни бирлаштириш уларни соддалаштириш ва улардаги ҳар хил иқтисодий мазмундаги ва йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш натижасида айрим олинган маҳсулотларнинг таннархи ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилик даражасини пасайтиришга ва асосланмаган сарфларнинг устидан назорат ўрнатишнинг таъминланмаслигига олиб келмоқда. Натижада маҳсулот етказиб берувчи субъектларнинг «хавфсизлик чегараси»ни ҳисоблаб аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларни етказиб бермайди. Бундан ташқари, айрим харажатларни маҳсулот таннархига қўшишнинг ҳуқуқий асосланишига, истеъмолчи субъектлар учун олинган товарларнинг баҳосини асослашга имконият ярата олмайди.

4.3. Бошқарув ҳисоби тизимида харажатларни баҳолаш усуллари

Ишлаб чиқариш фаолиятига сарфланган харажатлар - бу бошқарув ҳисобида кўп қўлланиладиган атама-тушунча бўлиб, лекин у бир хил тушунчага эга эмас. Чунки ишлаб чиқариш фаолиятида қандай сарфлар кўзда тутилган ва уларнинг ҳажми аниқ эмас. Шунинг учун ҳам «харажатлар» тушунчасини қўшимча тасниф қилиш зарурияти туғилади. Ушбу тушунчанинг моҳияти қўйилган мақсаддан, ушбу маълумотлар бўйича фойдаланувчиларнинг талаби ва бухгалтер томонидан фойдаланилаётган харажатларни умумлаштириш модулидан келиб чиққан ҳолда таснифланади.

Таннарх (харажатларнинг йиғиндиси)ни тўлиқроқ тасниф қилиш учун уни қуйидаги учта нуқтаи назардан кўриб чиқамиз: биринчидан, харажатлар ресурслардан фойдаланиш билан белгиланади; иккинчидан, харажатлар пул кўрсаткичларида акс эттирилади ва фойдаланилган ресурсларнинг миқдорини ўзида акс эттиради; учинчидан эса, харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш у ёки бу бўлинманинг фаолияти ва бошқа фаолиятлари учун сарфланиши мақсади бўйича таққосланади. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда таннарх (харажатларнинг йиғиндиси) бу пул кўринишидаги аниқ мақсадлар учун фойдаланилган моддий ресурсларнинг ҳажмини акс эттирадиган миқдор кўрсаткичидир.

Субъектнинг менеджери томонидан белгиланган фаолият тури, маҳсулот ишлаб чиқариш бўлими ёки вазифаларини бажаришда сарфланган харажатларни олиб борадиган объектлар харажатларни ҳисобга оладиган объектлар деб юритилади. Ушбу харажатларни ҳисобга олиш объектининг чегараси ҳар хил бўлиши мумкин. Ушбу чегара бошқариш мақсади ва маълумотлардан фойдаланувчиларнинг талабларидан келиб чиққан холда белгиланади. Айрим олинган харажатларни ҳисобга олиш объектининг хусусиятини харажатларни баҳолаш усули ва ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ҳисобга олиш тизимининг турлари билан белгиланади.

«Таннархнинг фарқлари» турли маҳсулотларни инобатга олган ҳолда қуйидаги таннархларнинг учта турида:

а) субъект ишлаб чиқарган маҳсулотнинг баҳосини ўрнатиш ва ўртача шароитда тезкор қарорларни қабул қилиш учун тўлиқ ишлаб чиқариш таннархи;

в) ўзига хос шароитларда етиштирилган маҳсулотнинг баҳосини белгилаш ва тезкор қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган тўғри харажатлар бўйича маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш (директ-костинг);

с) режалаштириш жараёни ва масъул ижрочиларнинг фаолиятини назорат қилиш учун фойдаланиладиган жавобгарлик марказлари бўйича маҳсулот таннархини ҳисоблаш турларида ўзининг аксини топган.

Тўлиқ таннарх (абзорпшн костинг) тегишли маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган жамики харажатлардан ташкил топган. Ушбу харажатлар харажатларни ҳисобга олувчи объектларга сарфланган тўғри харажатлар ва ушбу объектга олиб бориладиган эгри харажатларнинг тегишли улушидан ташкил топган. Ушбу эгри (билвосита) харажатлар икки боқичда- жавобгарлик марказлари ва тайёр маҳсулотларга олдиндан таплланган асослар ва ҳисобланган коэффициентларга асосланган ҳолда тақсимланади.

Ушбу тақсимот ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва унинг тугалланган ва тугалланмаган қисмига бўлиниб амалга оширилади.

Икки хил тақсимот ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва уни баҳолаш билан боғлиқ харажатларни шартли ҳисоблаш таннархи нотўғри ҳисоблашга олиб келади.

Ушбу тартибда харажатларни баҳолаш ҳозирги даврда қарорларни тўғри қабул қилишга ва сарфларнинг устидан назорат қилишга ёрдам бермайди. Чунки тўлиқ таннарх сарфларни баҳолаш учун ишлатиладиган асосий кўрсаткичдир.

Тўлиқ таннарх бўйича баҳолаш тизимини такомиллаштириш муқобил харажатларнинг миқдорини баҳолаш тартибидир. Ушбу усулнинг фарқли томонлари муқобил баҳоларнинг фойдаланиши (йил давомида қўлланилган ўртача ва ўзгармас баҳолар) ҳисобланади.

Чунки ушбу ўртача ва ўзгармас баҳолар маҳсулот таннархининг асосини ташкил қиладиган хом-ашё ва материаллар, технологик ёқилғи, энергия ва қуйидаги тартибда ҳисобланган билвосита харажатларнинг режадаги барқарор даражаси бўлган билвосита харажатларнинг режадаги йиллик суммаси ва ишлаб чиқаришнинг режадаги (машина соат) ҳажми билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Субъектдаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ушбу тизимнинг асоси ҳисобланади. Биз ёритаётган тизимнинг ўзига хос камчиликлари ва афзалликлари мавжуд бўлиб улар қуйидаги кўринишларда бўлади:

а) доимий ва ўзгарувчан харажатлар фарқининг шикор қилиниши;

в) маҳсулот бирлигининг тўлиқ таннархини ҳисобланда туғиладиган қийинчиликлар;

с) ойлик ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини ҳисобга олмайдиган сарфланган харажатларни баҳолаш учун ўртача маълумотдан фойдаланиш.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда субъектнинг хўжалик фаолияти жараёнида айрим ҳолатлар содир бўлганда бу тизим ҳар бир маҳсулот учун

сарфланган харажатларнинг устидан назорат ўрнатиш имкониятини ярата олмайди.

Тегишли тасдиқланган ва ўрнатилган меъёрларга асосан рўёбга чиқадиган сарфларни баҳолаш меъёрий сарфлар тизими дейилади. Ушбу тизимни татбиқ қилишнинг бошланғич босқичида тегишли сарфларни баҳолаш учун улар аввало тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита), ўзгармас (доимий) ва ўзгарувчан харажатларга бўлинар эди. Мавжуд баҳолаш тизими стандарт-кост усули деб юритилади ва бу тартибда харажатларнинг ҳисоби юритилганда ҳақиқатда ишлаб чиқариш жараёнида аниқланган фарқлар меъёрдан бевосита ортиқча сарф ва баҳонинг ўзгариши деб баҳоланар эди.

Меъёрлаштирилган харажатлар технология картасига асосан режалаштирилган харажатларнинг даражаси ҳисобланади. Ҳозирги даврдаги харажатларни баҳолаш усули тўғри сарфлар учун стандартлар (меъёрлар)ни ва эгри (билвосита) харажатлар учун эса смета (бюджет)ни назарда тутади.

Ушбу тизимнинг имкониятлари кенгайтирилса кутилаётган меъёрий харажатларни ҳақиқатдаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватига таққослаш усули билан уларни баҳолаш имкониятини яратади. Шу билан бир вақтда билвосита сарфларнинг ўзи доимий ва ўзгарувчан қисмлардан ташкил топган. Натижада билвосита (эгри) харажатларни ҳақиқатдаги ишлаб чиқарини ҳажмига таққослаб ҳисоблаш имкониятини яратади.

Ушбу меъёрлашга асосан харажатларни баҳолаш тизими субъектнинг ресурслардан фойдаланиш даражасини ёритади ва бошқарув қарорларини қабул қилишни енгиллаштиради.

Қисман харажатлар бўйича таннархни баҳолаш тартиби сарфланган тўғри харажатларни қоплаш учун мўлжалланган. Ушбу тизимнинг моҳияти қуйидагича- тўғри сарфлар тайёр маҳсулотнинг таннархига қўшилади ва эгри харажатлар эса қайси даврда сарфланган бўлса ўша даврнинг ялпи фойдаси ҳисобидан қопланади. Агарда сотилган тайёр маҳсулотдан олинган даромад суммасидан ушбу маҳсулотларга сарфланган ўзгарувчан харажатлар чегирилса қолган сумма ялпи фойда дейилади.

Ҳар бир тегишли маҳсулотдан олинган ялпи (брутто) фойдани йиғиб ушбу маҳсулотларга тегишли доимий харажатларни қоплайдиган умумий суммани яратамиз. Ушбу яратилган ялпи (брутто) фойдани йиғиб шу маҳсулотларга тегишли доимий харажатларни қоплайдиган умумий суммани ҳосил қиламиз ва яратилган ялпи (брутто) фойда суммасидан доимий харажатларнинг суммаси чегирилса ишлаб чиқаришнинг соф натижаси аниқланади.

Ушбу усулда доимий харажатларнинг суммаси тайёр маҳсулотларнинг таннархига ва тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматига қўшилмайди ва олинган ялпи фойда суммасини камайтиради.

Бу тартиб, яъни ўзгарувчан сарфларга асосан маҳсулотнинг танархини ҳисоблаш усули қўлланилганда тайёр маҳсулотнинг таннархига фақат ўзгарувчан харажатлар қўшилади. Чунки, ушбу харажатлар ишлаб чиқаришнинг ҳажмига тўғри нисбатда ўзгаради.

Муомалаларнинг натижаларини ҳисоблаш тартиби

Маҳсулотларни сотишдан олинган даромад		Тегишли ўзгарувчан сарфлар	
A=		A=	
B=	Жами	B=	Жами
C=		C=	

=	Ялпи (брутто) фойда	-	Доимий харажатлар A+B+C=жами	=	Муомалавий натижа	

Хўжаликни юритишнинг айрим ўзига хос ҳолатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини ҳисоблаш учун дифференцияланган харажатларни қўллашга олиб келади. Дифференцияланган харажатларга аниқ шароитларнинг ўзгариши натижасига тўлиқ боғлиқ харажатлар киради. Яъни, ишчи кучи қийматининг ўзгариши, товар-моддий захиралар қийматининг ўзгариши, электр энергиясининг қиймати ва ҳоказолар. Ушбу дифференцияланган харажатлар доимо аниқ шароит ва ҳолатдан келиб чиқади ва шу даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига қўшилади. Ушбу харажатларнинг таркибига фақат шу шароитнинг таъсири натижасида содир бўлган харажатлар киритилади ва унинг тегишли моддалари аниқ муомалалари ва ҳолатлари тўлиқ ёритиши лозим.

Ушбу дифференцияланган харажатлар келгуси даврларга олиб борилади. Чунки бу харажатлар у ёки бу усулни қўллаганда содир бўлиш жараёни ва уларнинг ҳажмини акс эттиради.

Шундай харажатлар ҳисоблашнинг янги усуллари ёки альтернатив вариантларни ишлаб чиқиш ва қўллаш жараёнларида ҳам қўлланилади.

Мисол: Субъект ўзининг ишлаб чиқараётган маҳсулотига (телевизор) зарур детални (ТКУ) ўзида ишлаб чиқараётган эди, энди эса ушбу детал (ТКУ)ни мол етказиб берувчидан сотиб олиш вариантини кўриб чиқмоқда. Демак, у ушбу детални сотиб олиши (альтернатив вариант) мумкин.

Ушбу қарорни қабул қилиш жараёнида тегишли детални тайёрлашда содир бўладиган ва ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар, яъни сотиш билан боғлиқ ва маъмуриятни асраш харажатлари инобатга олинмайди. Фақатгина ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ ўзгарувчан харажатлар ва ишлаб чиқаришнинг устама харажатларигина инобатга олинади.

Мол етказиб берувчи ушбу детал (ТКУ)ни 15000 сўмга тайёрлаб беришни таклиф қилмоқда. Ўзимиз ишлаб чиқараётган шундай деталнинг умумий таннархи 17500 сўм. Тегишли қарорни қабул қилиш (сотиб олиш ёки ўзимиз ишлаб чиқариш) учун қуйидаги ҳисоб ишларини амалга оширамиз.

Дифференцияланган харажатларнинг ҳисоби

Харажатлар (Усуллар)	Ўзимиз ишлаб чиқарганда	Сотиб олганда	Фарқи	
			-	+
1. Моддий сарфлар	7300	-	7300	-
2. Сотиб олинган деталлар	-	15000	-	15000
3. Меҳнат сарфлари	2400	-	2400	-
4. Электр энергияси	1500	-	1500	-
5. Бошқа тўғри сарфлар	1800	-	1800	-
Жами	13000	15000	13000	15000

Ушбу ҳисобдан маълум бўлдики, агарда субъект бу детални (ТКУ) сотиб олса харажатлар, яъни телевизорнинг таннархи 2000 сўмга ошган бўлар эди. Демак, субъектнинг раҳбарияти сотиб олиш тўғрисидаги қарорни қабул қилмайди.

Жавобгарлик марказлари бўйича таннархни ҳисоблаш тартиби масъул ижрочи шахсларнинг фаолиятини режалаштириш ва назорат қилиш учун қўлланилади. Ушбу марказларнинг менеджерлари учун ўзи бошқарастган бўлимлардаги ҳақиқий сарфланган харажатлар ва келгусида режалаштириш учун сарфланадиган харажатлар тўғрисида маълумотлар жуда ҳам зарур. Бу ҳолат режа бўйича ва ҳақиқатда содир бўлган харажатлар тўғрисида доимий маълумотларнинг оқимини назарда тутади.

Ушбу усул бўйича фаолиятни баҳолаш объекти жавобгарлик маркази ҳисобланади, яъни шу усулда ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ва хизмат эътиборга олинмайди. Менеджер (иш бошқарувчи)нинг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда сарфланган харажатлар ҳар хил нуқтаи назардан ўлчанади:

- харажат моддасининг рўёбга чиқиши- жавобгарлик марказини таснифлайди;
- харажатларнинг нима мақсадда рўёбга чиқиши- жавобгарлик марказининг бажарастган дастурини таснифлайди;
- ресурсларнинг қайси туридан фойдаланилиши- жавобгарлик марказлари бўйича харажатларнинг элементларини таснифлайди.

Агарда бошқарув тизими томонидан жавобгарлик маркази бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархининг миқдори ўлчанмай фақатгина сарфланган харажатларни ҳисоблаш билан чегараланса бундай жавобгарлик маркази харажатлар маркази деб юритилади. Кўпчилик ҳолларда харажат марказлари ўзининг сарфлаган харажатларини тасдиқланган меъёрий таннарх ҳажмида баҳолайдилар. Ушбу ҳолатлардан кўрилган натижалар ҳақиқий сарфланган харажатлар билан меъёрий харажатларнинг ўртасидаги фарқдан келиб чиқади.

Жавобгарлик маркази бўйича харажатларни баҳолаш тизими тегишли субъект учун дастурлар ишлаб чиқиш ва харажатларнинг бюджетини тузиш учун зарурдир. Ушбу дастурни ишлаб чиқиш жараёни ўз ичига узоқ муддатли режаларни ишлаб чиқиш босқичларидан иборат. Бюджетни иш-

лаб чиқиш жараёни эса асосан хўжалик юритувчи субъектнинг кейинги фаолиятини (асосан 1 йиллик) режалаштириш жараёнини ўз ичига олади. Дастурларни тузиш ва бюджетларни ишлаб чиқиш кейинги параграфларда кенг кўриб чиқилади.

4.4. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш ва баҳолаш мақсадида харажатларни туркумлаш

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар бозорнинг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг фаолиятини режалаштириши ва зарур қарорларни қабул қилиши лозим. Ушбу шароитдан келиб чиққан ҳолда тегишли субъектлар «Маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва уни сотиш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да (Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февраль куни тасдиқланган) кўрсатилган харажатларнинг элементлари ва солиққа тортиш жараёнида ҳисобга олинадиган фойдани ҳисоблаш билан чегараланиб қолиши мумкин эмас. Давр талабига асосан субъектнинг технология жараёни ва ташкилий фаолиятини ҳимоя қилиш «коммерция сири»ни сақлаш нуқтаи назаридан бухгалтерия бўлимининг ишини қайтадан ташкил қилишни ва молиявий бухгалтерия гуруҳидан маҳсулотни ишлаб чиқариш ва унинг сарфларини ҳисобга олувчи шахс-ходимларни ажратиб чиқаришни тақозо қилади. Чунки ишлаб чиқариш-бошқарув ҳисобининг асосий ва муҳим босқичи бу сарфланган харажатларни танлашдан ва қайси бир тизимнинг қўлланишидан қатъий назар харажатларни гуруҳлаштириш қуйида келтирилган шартлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим. Қонда бўйича калькуляция моддаларининг турлари харажатларни туркумлаштириш шарти ва тартибига мос келиши лозим.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, Ўзбекистонда қўлланилаётган миллий стандартлар ва «Харажатларнинг таркиби тўғрисидаги Низом»га асосан сарфланган харажатлар қуйидаги белгиларига асосан ва тартибда гуруҳлаштирилади.

1. Харажатларнинг таркиби ва йўналиши бўйича асосий ва устама харажатларга бўлиниши калькуляция моддаларининг қисқартирилган номларини ўз ичига олади ва субъект бошқарув маъмуриятининг асосий эътиборини ушбу гуруҳ харажатларига қаратишга имконият яратади:

а) асосий харажатларга ишлаб чиқаришнинг технология жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган хом-ашё ва материаллар сарфи, асосий ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисоблаш, машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш сарфлари ва шунга ўхшаш сарфлар киради;

б) устама харажатларга эса ишлаб чиқаришга хизмат қилиш ва уни бошқариш, субъектнинг фаолиятига хизмат қилиш ва уни бошқариш харажатлари киради. Бошқарув ҳисобининг амалиётида ушбу устама харажат-

ларнинг таркибига уларни ҳисобга олиш ва ажратишнинг турларига олиб бориш имкониятидан келиб чиққан ҳолда қўшгина харажатларни қўшиб юборадилар. Ушбу харажатларга асосан бир нечта иқтисодий таркиби бўйича бир хил бўлмаган элементлардан ташкил топган комплекс харажатлар киради. Яъни, умумцех харажатлари, маъмурий-бошқарув ва маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар.

2. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг айрим турларига қўшиш усули бўйича харажатлар тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) харажатларга бўлинади:

а) тўғри (бевосита) харажатларга маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва дастлабки ҳужжатларга асосан йиғма қайдномада тўлғазилиб ушбу маҳсулотларнинг таннархига тўғри (бевосита), яъни баъзи белгиларига асосан тақсимланмай қўшиладиган харажатлар киради. Масалан, хом-ашё ва материалларнинг қиймати, меҳнат ҳақи, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарилса ёки буюртма бажарилса технологик ёқилғи харажатлари ва шунга ўхшашлар;

б) эгри (билвосита) харажатларга эса бир неча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар киради, улар ҳам дастлабки ҳужжатларга асосан йиғма қайдномаларда ҳисобга олинади. Лекин ушбу харажатларни айрим маҳсулотларнинг турига тақсимлаш усулини (даража, улуш, фоиз, коэффициентлар қўлланилиб) қўллаган ҳолда бўлинади. Ижара суммаси, энергия, ёқилғи сарфлари, машина ва ускуналарни асраш ва ундан фойдаланиш, умумишлаб чиқариш харажатлари бунга мисол бўлади.

Харажатларни тўғри ва эгрига бўлиш ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни тўлиқ ва қисман ҳисобга олиш тизимини қўллашда зарур. Асосий харажатлар кўп ҳолларда тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) харажатлардан ташкил топган. Лекин уларни чуқур ўргангандагина фарқини ажратиш мумкин.

3. Ҳозирги даврнинг талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг таннархини калькуляция қилиш ва уни баҳоланда харажатларни маҳсулот таннархига киритиладиган ва киритилган харажатларга бўлиб гуруҳлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки киритилган харажатлар ушбу маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ташкил қилади:

а) киритиладиган харажатларга келгусида даромад келтирилиши кутилаётган сотиб олинган ва субъектнинг ихтиёрида мавжуд бўлган моддий ресурслар киради. Масалан, субъектнинг ва унинг бўлинмаларининг омборида турган моддий қийматликлар. Улар субъектнинг балансида товар-моддий захиралари бўлимида кўрсатилади;

б) киритилган харажатларга эса ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган ва ҳозирги даврда даромад келтириш учун ишлатилган ва келгусида даромад келтира олмайдиган товар-моддий захираларининг қийматидир. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига қўшилган товар-моддий захираларининг қиймати.

Ушбу гуруҳлаш субъектнинг олган фойдасини ҳисоблаш ва мавжуд активини жорий баҳолашда муҳим ўрин тутади.

Харажатларни маҳсулот таннархига киритиладиган ва киритилган гуруҳларга бўлиш



Хўжалик юритувчи субъектларнинг сарфлаган харажатлари хилма-хил фаолиятга- ишлаб чиқариш, муомалавий, молиявий, маъмурий фаолиятга тўғри келади. Шунинг учун ушбу харажатларни маҳсулот таннархига қўшиш нуқтаи назаридан ва ҳисобот даврида сарфлаган харажатлар бўйича туркумлаш зарурияти келиб чиқади. Демак, ушбу нуқтаи назардан жами харажатлар ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришдан ташқари харажатларга бўлинади:

а) ҳисобот давридаги сарфланган харажатларнинг таркибига товар-моддий захиралари ҳисобланган тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолашда ҳисобга олинмаган харажатлар киради. Чунки ушбу харажатлар уларнинг содир бўлиш даврига киритилган харажатлар сифатида қаралади. Чунки, ушбу харажатлар фақат сотиш вақтигача ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархига тўлиқ қўшилади;

б) шу билан бир вақтда ҳисобот даврида сарфланган харажатларнинг бир қисми (ноишлаб чиқариш харажатлари) субъектнинг олган даромадлари билан қопланади, яъни олинадиган ҳақиқий фойдани муқобиллаштириб туради. Ушбу харажатлар- сарфлар ишлаб чиқарилган у ёки бу маҳсулотнинг таннархига қўшилмайди ва унинг қийматини ташкил қилмайди. Масалан, товар-моддий қийматликларнинг камомади (агарда ушбу товар-моддий қийматликларнинг камомад суммасини қонунга мувофиқ хўжалик суди томонидан қоплаш учун рад қарори олинса субъектнинг даромадидан қопланади), асосий воситалар ва бошқа активларни сотишдан кўрилган зарарлар ва ҳоказо.

Харажатларни ишлаб чиқаришга боғлиқлиги бўйича гуруҳлаш



Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ушбу сарфлар амалга оширилганда маҳсулотни ишлаб чиқаришда қатнашмайди ва уларнинг вақтинча ҳисобга олиниши ва ҳисобдан чиқарилиши мавжуд. Юқорида келтирилган чизмадан кўриниб турибдики, ҳисобот давридаги харажатлар ва маҳсулотнинг таннархига қўшиладиган харажатларнинг бир-биридан фарқи бу уларни қайд қилиш ва молиявий натижаларга олиб бориш вақти билан ажралиб туради.

Ушбу туркумланиш чуқур ўрганишдан асосий мақсад тегишли ва зарур маълумотларни асосан иккита йўналиш бўйича йиғишдир:

а) айрим олган маҳсулот бўйича - товар-моддий захираларининг қийматини баҳолаш учун;

б) жавобгарлик марказлари бўйича - харажатларнинг даражаси (ҳажми) устидан назорат қилиш учун.

Шундай қилиб, харажатларни жамғариш тизими икки босқичдан ташкил топган:

- биринчи босқичда, сарфланган харажатлар жавобгарлик маркази бўйича йиғилади;
- иккинчи босқичда эса, ушбу йиғилган харажатлар жавобгарлик марказларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг турлари бўйича тақсимланади. Аслиётда ушбу босқич маҳсулот таннархини калькуляция қилиш деб юритилади.

Ҳар бир жавобгарлик маркази ўзининг калькуляция бирлигига эга. Маҳсулот бирлигининг таннарх кўрсаткичи эса товар-моддий захираларини баҳолаш, айрим ҳолларда истиқболини режалаштириш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланилади. Юқорида таъкидлаганимиздек ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига хом-ашё, материал, меҳнат ҳақи ва ишлаб чиқаришнинг устама харажатлари қўшилади.

4.5. Бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бизнес-режа тузиш учун ишлаб чиқариш харажатларини туркумлаш

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти юзасидан қарорлар қабул қилиш ва бизнес-режаларни тузиш учун унга таллуқли харажатлар бўйича маълумотларни йиғиш зарур. Қарорларни қабул қилиш жараёни маълумотларга бўлган талабни шакллантиради ва бошқарув ҳисоби усулининг элементларидан (харажатларни умумлаштириш ва гуруҳлаштириш, баҳорат қилиш, модуллаштириш, тадбиқ қилиш ва таҳлил қилиш) фойдаланиш тартибини белгилайди.

Ҳисоб маълумотлари ва қарорларни қабул қилиш жараёни

Бизнес-режа тузиш ва қарорларни қабул қилиш учун ҳақиқий сарфларни гуруҳлаштириш

Ишлаб чиқариш, технология, техника ва ташкилотчилик бўйича бошқа маълумотлар

Баҳорат қилиш, муқобил вариантлар

Модуллаштириш, муқобил вариантларнинг харажатларини таққослаш

Татбиқ қилиш, танланган вариантдан фойдаланиш

Таҳлил татбиқ қилган вариантни баҳолаш

Харажатларни ишлаб чиқаришнинг ҳажмига боғлиқлигига асосан гуруҳлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу усул бизнес-режа тузишда, бошқарув қарорларини қабул қилишда (ўзида ишлаб чиқариш, сотиб олиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки қисқартириш, буткул тўхтатиш) муҳим аҳамият кашф этади. Ушбу нуқтаи назардан харажатлар доимий (ўзгармас) ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади.

Доимий (ўзгармас) харажатларга ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган (ижара тўловлари, умумишлаб чиқариш, электр қуввати, асосий воситаларнинг эскириши) харажатлар киради.

Бирлик маҳсулотларга тегишли доимий харажатлар маҳсулотнинг ҳажми ошса камаяди ва тескариси, агарда маҳсулотнинг ҳажми камайса ушбу харажатларнинг улуши кўпаяди. Демак, доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмининг тебранишига боғлиқ ҳолда харажатларнинг ўсиши (камайиши)ни таҳлил қилади ва келгуси давр учун харажатларнинг зарурий миқдори (смета)ни ишлаб чиқиш учун қўлланилади.

Ўзгарувчан харажатларга ишлаб чиқаришнинг ҳажми билан тўғри боғланган, яъни унинг ўсиши (камайиши) ҳажмнинг ўсиши (камайиши)га мутаносиб бўлган харажатлар киради. Масалан, хом-ашё ва материал, технологик энергия, ишчиларнинг меҳнат ҳақи ва бошқалар.

Харажатларни доимий ва ўзгарувчан харажатларга аниқ ва тўғри ажратиш ҳисоб амалиётида жуда қийин (имконияти йўқ), чунки ушбу харажатларнинг айримлари ярим доимий ва ярим ўзгарувчан харажатлар қаторига киради. Масалан, машина ва ускуналарни асраш, электр энергияси сарфлари. Ушбу шароитлардан келиб чиққан ҳолда бу харажатларни шартли доимий ва шартли ўзгарувчан харажатлар деб ҳам юритилади.

Шунинг учун ушбу харажатларни ҳисобга олиш ва калькуляция қилишнинг тизимини танланда, таҳлил ва баҳорат қилишдагина доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг гуруҳига киритиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу гуруҳлаштириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмининг чегаравий нуқтасини топиш мумкин, рентабеллик бўсағасини таҳлил қилишда рақобатбардошликни аниқланда, маҳсулотларнинг турлари (ассортименти)ни белгиланда ва оқибат натижада хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий сиёсатини танланда асосланилади.

Ушбу фикрларимизнинг далили ва исботи сифатида қуйидаги мисоллар ва чизмаларга мурожаат қиламиз.

Доимий харажатларнинг ҳаракати



Лекин амалиётда доимий харажатларнинг йиғиндиси поғонама-поғона ўзгариб туради. Унинг ўзгаришига инфляция (пулнинг қадрсизланиши, асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши ва бошқа омиллар) таъсир қилиши мумкин. Бундай доимий харажатларнинг ўзгариши қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин.

Инфляциянинг таъсири натижасида доимий харажатларнинг ўзгариши



X ва Y- кутилаётган ишлаб чиқариш ҳажмидаги А даврда смета бўйича зарур бўлган доимий харажатлар, OX, XY ва YZ бу ҳақиқий сарфланган доимий харажатларнинг ҳажми.

Бундан ташқари субъектнинг раҳбари томонидан қарорларни қабул қилишда фойдаланиладиган маълумотларни олиш учун харажатларни туркумлаш шартларидан бири эластиклик(қайишувчанлик) шартидир. Ушбу қайишувчан харажатларнинг миқдори билан қуйидаги омилларнинг ўзаро боғлиқлигини билдиради:

- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси;
- субъектнинг бажарадиган вазифаси ва унинг таркиби;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг турлари ва таркиби;
- субъектнинг сарфларига таъсир қиладиган бошқа омиллар.

Ушбу қайишувчанлик шартини қўллаш усулини субъект фаолиятини таҳлил қилганда кўриб чиқамиз.

Хўжалик юритувчи субъектнинг келгуси давр сарфлари ва даромадлари уларнинг таалтуқлилик нуқтаи назаридан у ёки бу муомалаларни ечишда кўриб чиқилади.

Мисол: Субъект ўтган ҳисобот йилида баҳоси 40 сўмдан материал сотиб олди. Лекин ишлаб чиқаришдаги ўзгариш ва бозорнинг талаб ва таклифидан келиб чиқиб, ушбу материалдан фойдаланиш имконияти бўлмади. Бу йил эса талабдан келиб чиққан ҳолда ушбу материалдан бошқа маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконияти туғилди. Лекин шу билан бир қаторда ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун унга қўшимча ишлов бериш харажати 100 сўмни талаб қилади, маҳсулотнинг баҳоси эса 130 сўм.

	Ишлаб чиқариш лозим	Ишлаб чиқариш лозим эмас
Материаллар	40	40
Ишлов бериш харажати	-	100
Даромад	-	130
Соф харажат	40	10

Ушбу ҳолатда бирлик материалга сарфланган харажат 40 сўмни ташкил қилади ва уни сотиш ёки ундан фойдаланиш имконияти йўқ. Буюртмачи топилди, шунинг учун ушбу материалдан маҳсулот ишлаб чиқаришда субъектнинг соф харажати 10 сўмни ташкил қилади. Бу ерда вақтнинг озгина бўлагида ушбу буюртмани очиш ва бажаришда субъектнинг ҳамма харажатлари ҳам ишобатга олинавермайди.

Агарда субъект «омбор учун» маҳсулот ишлаб чиқарса, яъни аниқ буюртмачи бўлмаса бу кўрилаётган харажатларнинг туркумланиши алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса бошқарув қарорларини қабул қилишда субъект томонидан сарфланган харажатларни қайтарилмайдиган, рўёбга чиқарилган инкремент-қўшимча ҳолатда содир бўлган ва маржинал туркумларга ажратиш натижасида етарлича маълумотларни олишга эришилади. Олдин сарфланган, яъни

қайтарилмайдиган харажатларга ўтган даврларда қабул қилинган қарорларнинг натижаси юзасидан сарфланган ва келгусида ҳеч қачон ўзгартириш имконияти бўлмайдиган харажатлар киради. Олдинги мисолга асосланган тақдирда ушбу харажатларга тугатилмайдиган қийматликлар (неликвид)-нинг қиймати киради. Қайтарилмайдиган сарфларнинг суммаси бошқарув қарорини қабул қилишда ишкор қилинади, яъни инобатга олинмайди. Лекин шу билан бир қаторда ишкор қилинадиган, яъни инобатга олинмайдиган харажатлар билан қайтарилмайдиган харажатларни фаоллаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Биз келтирган мисолда икки ҳолатда ҳам бир хил бўлган материалларнинг қиймати инобатга олинмайди ва шу билан бир вақтда қайтарилмайдиган харажатларга киритилмайди.

Рўёбга чиқарилган сарфлар, бу субъектнинг ресурслари чегаралашган ҳолатларда содир бўладиган ва тегишли қарорларни қабул қилишда ҳисобга олинадиган харажатлардир. Рўёбга чиқарилган харажатларни амалиётда «ҳаётий» харажатлар ҳам деб аталади. Ушбу харажатларни тегишли қарорларни қабул қилишда тегишли маҳсулотнинг таннархига қўшиш лозим, лекин ҳақиқатда ушбу сарфлар ёки бошқа қарорларни қабул қилишда ушбу ишлаб чиқариш ресурсларидан воз кечиш натижасида содир бўлган харажатлар ҳисобланади. Агарда ресурслар чегаралашмаган бўлса ушбу рўёбга чиқарилган «ҳаётий» харажатлар нолга тенг бўлиши мумкин. Инкоромент қўшимча ҳолатларнинг рўй бериши натижасида рўёбга чиқадиган сарфлар ва даромадлар қўшимча даромад ва сарфлар ҳисобланиб улар қандайдир маҳсулотни қўшимча ишлаб чиқариш натижасида рўёбга чиқади. Мисол, агарда бошқарув қарори қабул қилиш натижасида у ёки бу харажат (қўшимча мукофот, смена учун тўлов ва ҳоказо) кўпайса, бу харажатлар қўшимча ҳолатда содир бўладиган (инкромент) харажатлар қаторига киради. Агарда ушбу қўшимча маҳсулотни ишлаб чиқариш натижасида доимий харажатлар кўпаймаса инкромент харажатлар нолга тенг бўлади.

Маржинал сарфлар ва даромадлар - бу инкромент сарфларга ўхшаш қўшимча сарфлар ва даромадлар бўлиб, жами маҳсулотга эмас, балки маҳсулотнинг бирлигига тегишли бўлади. Фақатгина ушбу хусусияти билангина инкромент харажатлардан фарқ қилади.

4.6. Фаолиятни назорат қилиш ва уни тартибга солиш мақсадида харажатларни туркумлаш

Бизга маълумки, субъектнинг ишлаб чиқаришга сарфлаган харажати бу унинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш ресурсларини сарфлашдир. Шунинг учун ҳам назорат тизимини ташкил қилиш ва харажатларнинг ўсиши вақтида содир бўлган салбий ҳолатларга ўз вақтида эътибор бериш ва тадбирларни белгилаш, ишлаб чиқиш ва жорий қилиш мақсадида харажатларни бошқариш ва уларни гуруҳлаштириш учун янги изланишларни талаб қилади.

Харажатларни бошқарини деганда меъёрлаштириш, режалаштириш, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, уларнинг шаклланиши жараёни устидан назорат ўрнатишни ўз ичига оладиган комплекс жараён тушунилади. Ушбу тавсифдан келиб чиққан ҳолда харажатлар устидан назорат ўрнатишдаги қуйидаги иккита ёндошиш бўйича хулоса чиқариш мумкин:

- назоратнинг смета (бюджет) усули;
- харажатларни меъёрий ҳисобга олиш.

Ушбу усуллар - вариантлар кейинги параграфда кенгроқ ва чуқурроқ ёритилади. Ушбу параграфда назорат ва тартибга солиш тизимида харажатларни туркумлашнинг ўзига хос хусусиятини ёритамиз.

Харажатларнинг даражасини назорат қилиш ва тартибга солиш нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш харажатлари қуйидагича туркумланади:

а) тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган;

в) самарадорли ва самарадорсиз;

с) меъёр даражасида ва меъёрдан фарқи;

d) назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган.

- Тартибга солинадиган харажатларга жавобгарлик марказларида қайд қилинган ва уларнинг ҳажми менеджерининг тартибга солиш даражасига боғлиқ бўлган харажатлар киради. Умуман олганда, субъектлардаги сарфланган харажатларнинг ҳаммасини ҳам тартибга солиш мумкин, лекин уларнинг ҳаммасини ҳам бошқарувнинг қуйи бўғинида тартибга солишнинг имконияти йўқ.

Мисол, субъектнинг юқори маъмурияти товар-моддий захираларини сотиб олиши, ишчи кучини ёллашни тартибга солиши, яъни ишлаб чиқариш бўлимларини ташкил қилиши ёки тугатиши мумкин. Шу билан бир вақтда ушбу воқеалар билан боғлиқ харажатларга қуйи бўғин раҳбарлари таъсир қилаолмайди.

- Тартибга солинмайдиган харажатларга ушбу жавобгарлик марказининг масъул ходими (менежер) таъсир кўрсата олмайдиган харажатлар киради. Мисол, тайёрлов бўлимининг устаси конструктор бўлимидаги меҳнат ҳақига таъсир қилолмайди ва ҳоказо.

Ушбу умумий ишлаб чиқариш харажатларининг тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган гуруҳга бўлиниши жавобгарлик марказлари бўйича сметаларнинг бажарилиши ҳисоботида назарда тутилган. Бундай тартибнинг қабул қилиниши ҳар бир менежернинг жавобгарлигини белгилаш ва субъектнинг фаолиятида сарфланган харажатлар устидан ўрнатилган назоратни баҳолаш учун зарур. Субъектни бошқариш фаолиятини баҳолаш мақсадида сарфлар самарадорли ва самарадорсиз харажатларга бўлинади.

Самарадорли харажатлар, бу харажатларни тегишли маҳсулотларнинг турига сарфлаш натижасида ушбу тайёр маҳсулотларни сотиб даромад олинади.

Самарадорсиз харажатларга унумсиз харажатлар киради. Ушбу сарфлар амалга оширилиб маҳсулот чиқарилмаслиги натижасида даромад олиш имконияти бўлмайди. Ушбу самарасиз харажатлар амалиётда ишлаб чиқа-

ришдаги йўқотишлар деб тан олинади. Уларга яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқаришдан йўқотишлар, бекор туришлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги, субъектда ва унинг бўлинмаларида сақланаётган товар-моддий қийматликларининг камомади, хомашё ва материалларнинг бузилиш қийматлари ва бошқалар киради. Самарасиз сарфларни ажратишдан мақсад харажатларни режалаштириш ва меъёрлаштириш жараёнидаги ушбу йўқотишларни инкор қилишдир.

Харажатларни меъёр чегарасидаги (сметадаги) ва меъёрдан четга чиқишларга бўлиш ишлаб чиқаришнинг боришини жорий ҳисобга олишда қўлланилади. Ушбу туркумлаш ҳақиқатда сарфланган харажатларни меъёрлаштирилган (режадаги) ёки маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини меъёрий (режа) таннархи билан таққослаш натижасида субъект бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун хизмат қилади.

Харажатларнинг сарфланиши устидан назорат тизимининг таъсирчанлигини таъминлаш учун уларни назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган белгилари бўйича туркумлаштирилади. Назорат қилинадиган харажатларга субъект томонидан, яъни субъектнинг масъул ходимлари томонидан назорат қилиш имконияти бўлган харажатлар киради. Айниқса, ушбу назорат қилинадиган харажатларни цех бўлинмалари кўп бўлган субъектларда ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзининг таркибига кўра назорат қилинадиган харажатлар тартибга солинадиган харажатлардан ўзининг мақсадли хусусиятига эга бўлиши ва қандайдир айрим сарфлар билан чегараланиши бўйича фарқ қилади. Мисол, субъект бўйича унинг бўлимларида мавжуд бўлган машиналарни таъминлаш учун сарфланадиган эҳтиёт қисмларининг сарфини назорат қилиш лозим.

Назорат қилинмайдиган харажатларга субъектнинг фаолиятини бошқариш билан боғлиқ бўлмайдиган харажатлар киради.

Мисол: Асосий воситаларни қайта баҳолаш - эскириш суммасининг ўзгаришига сабаб бўлади, ёқилғи ва энергия ресурсларининг баҳосининг ўзгариши ва бошқа шунга ўхшаш сарфлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти қуйидаги бир нечта фаолиятни ўз ичига қамраб олади:

- асосий ишлаб чиқариш - йўналишининг асосий ҳисобланган маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки асосий фаолиятни амалга ошириш;
- ёрдамчи ишлаб чиқариш - асосий ишлаб чиқаришга ёки асосий фаолиятга хизмат қилувчи ёки ёрдам берувчи тармоқлар;
- янги маҳсулотларни яратиш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- янги технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Шу билан бир қаторда асосий ишлаб чиқаришнинг ўзи кўп турдаги технология муомалалардан ва бир нечта жараёнлардан ташкил топган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини ҳисоблаш учун харажатларни назорат қилиш ва тартибга солишни таъминлаш зарур. Чунки ишлаб чиқариш ресурсларининг сарфини улар сарфланган жойларда назорат қилиш анча қулай ва иноничли.

Натижада, сарфланган харажатларни ишлаб чиқаришнинг айрим бўлимларига тақсимлаш асосида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш тизимини ташкил қилиш заруряти рўёбга чиқади. Чунки харажатларнинг ҳисоби харажатлар ва даромадларнинг ушбу ресурсларнинг сарфланишига жавобгар шахслар бўлган бўлинмалар раҳбарларининг ўзаро алоқасини олдиндан кўриши шарт.

Харажатларни туркумланишнинг асосий мақсади назорат тизимини ва ишлаб чиқаришдаги сарфларни тартибга солиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлашдир.

Назорат тизими - бу хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ва сарфланган харажатларни бошқаришни жамловчи ва ўзаро боғловчи мажмуадир. Ушбу мажмуа ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни камайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган фаолиятнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини таъминлайди.

4.7. Маҳсулотнинг таннархини бошқариш мақсадига жавоб берадиган харажатларнинг ҳисоби ва калькуляция объектлари

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида субъектларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва келгусидаги равнақи учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти рентабелли бўлиши шарт. Ушбу рентабеллик (фойданинг нисбат даражаси) ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича олинадиган ва ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида айрим маҳсулотларнинг юқори рентабеллиги бўйича салмоғининг йиғиндиси билан аниқланади.

Ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоб тизими ва ушбу маҳсулотларнинг таннархини калькуляция қилиш ҳар бир субъектнинг ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ҳар хил ташкил қилинади. Қандай шароит ва ўзига хосликдан қатъийназар, ушбу тизим харажатларни ҳисобга олиш объекти ва калькуляция объектини таплаш билан боғлиқдир. Бу ўз навбатида бошқариш мақсадидан келиб чиққан ҳолда харажатларни ҳисобга олиш ва калькуляция қилиш объектларини вужудга келтиради.

Харажатларни ҳисобга олиш объекти - бу таннархни бошқариш мақсадлари учун ишлаб чиқариш харажатларини гуруҳлаштиришни амалга оширадиган белгидир.

Кўп мақсадларни олдига қўйган ҳисоб тизимида харажатларнинг объекти икки гуруҳга масъулият маркази ва маҳсулот бирлиги гуруҳига бўлинади. Ушбу шартлардан келиб чиққан ҳолда харажатларни ҳисобга олишнинг таркибига қуйидагилар киритилади:

- харажатларнинг содир бўладиган жойлари;
- масъулият марказлари;
- ишлаб чиқариш фаолиятининг омиллари;
- бир хил маҳсулотларнинг турлари ёки гуруҳи.

Харажатларнинг содир бўладиган жойлари - бу жараёнлар, ишлов бериш, босқичлар, агрегатлар (мажмуа), бригадалар, бўлимлар, цехлар, фаолиятининг турлари, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади. Масъулият маркази - бу субъектнинг маъмурияти томонидан белгиланган мажбуриятларни менежерлар томонидан бажаришни ҳисобга олиш имконияти бўлган бўлимлар - цех ёки бўлимчалардир.

Ушбу марказлар амал қилинаётган тўғри босқичли бошқаришга асосланган ҳолда ва субъектнинг тегишли бўлим ва хизмат қилувчи тармоқларининг фаолиятидан келиб чиқади.

Имконияти бўлган жойларда масъулият марказлари харажатларнинг содир бўлган жойларини ўзининг таркибига киритади ёки унинг ўрнини босади.

Субъектларнинг фаолиятидан ва талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда ҳозирги даврда бошқарув ҳисобининг мақсади ҳам ўзгариб туради. Ушбу бошқарув мақсадига асосан харажатларнинг моддаларини ҳар хил туркумлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш фаолиятининг омиллари - бу хўжаликдаги мавжуд ресурсларнинг мажмуасидир - меҳнат воситалари, меҳнат буюмлари, меҳнат сарфи, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унга хизмат қилиш ҳамда хўжалик юритувчи субъект фаолиятини бошқариш харажатларининг йиғиндисидир. Харажатларни ишлаб чиқариш омиллари бўйича гуруҳлаштириш ишлаб чиқаришда қатнашаётган сарфларнинг айрим элементлари ўртасидаги алоқаларни аниқлайди, сарфларнинг тўғри тақсимланишини назорат қилади ва ушбу ресурсларни сарфлашнинг муқобиллилигини аниқлашга ёрдам беради.

Маҳсулотларнинг тури ва бир хил маҳсулотларнинг гуруҳи, ҳар бир айрим олинган буюртма, яримфабрикатлар, тайёр маҳсулот, бригададаги терилаётган мажмуа, бир турдаги маҳсулотларнинг гуруҳи ва шунга ўхшашлардан ташкил топган. Ушбу турдаги маҳсулот ва буюртмаларнинг ишлаб чиқариш йўналишини ишлаб чиқиш ва баҳони шакллантириш мақсадида харажатларни ҳисобга олиш объекти бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш технологиясининг хусусияти, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг тури, субъектни бошқариш таркиби, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техник кўрсаткичлари, ички хўжалик ҳисобининг ривожланиш даражаси ва шунга ўхшаш омиллар харажатларни ҳисобга олиш объектини танлашда асос бўлади. Ушбу объектларнинг таснифи ва мақсади ҳар хил бўлганлиги учун ҳар бир субъект ўзининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда харажатларни ҳисобга олиш объектини ўзлари мустақил равишда танлайдилар.

Мисол: Кўмир қазиб олувчи тармоқда харажатларни ҳисобга олиш объекти, бу:

- ишлаб чиқаришнинг турлари - асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш;
- харажатларнинг рўёбга чиқиш жойлари ва масъулият маркази - ишлаб чиқариш хусусияти ва шахта, кўмир ҳавзаларининг ташкилий хўжалик таркиби бўлган бўлимларнинг таркиби;

■ қазиб олиш усули - ернинг тагидан (шахта) ва очиқ усулда кўмир хавзалари;

■ ишлаб чиқариш жараёни, кўмирни ташиш ва ҳоказо;

■ калькуляция қилиш лозим бўлган сарфлар ва харажатларнинг элементлари.

Комплекс ишлаб чиқаришда - тайёр маҳсулот, уни ишлаб чиқариш жараёнида тегишли ҳамма босқичидан- технологик босқич ва даражаларидан ўтган вақтида сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари тегишли техник ҳисоблашлар ва ўлчагичлар ёрдамида тақсим қилинади.

Ҳар бир хусусий ишлов бериш жараёнида харажатларни ҳисобга олиш умумий ишлаб чиқаришнинг тегишли қисми, айрим олинган ишлаб чиқариш жараёни (кимё, цемент, нефт кимёси саноати, маданий ўғитларни ишлаб чиқариш ва шунга ўхшашлар) бўйича айрим олган ҳолда амалга оширилади. Маҳсулотлар айрим қурилмаларда ишлаб чиқариладиган тармоқ ёки субъектларда (газ ва нефтни қайта ишлаш, кимё, лак-бўёқ субъектларида) ёки махсус қурилмаларда ишлаб чиқарадиган тармоқларда (қора ва рангли металл, қоғоз-целлюлоза субъектлари) харажатларни ҳисобга олиш объекти сифатида ҳар бир қурилма, агрегат ёки уларнинг бир хил гуруҳи олинади.

Ишлов бериш тармоқларининг субъектларида - деталларни тайёрлаш, уларни териш, йиғиш жараёнлари амалга оширилиадиган машинасозлик тармоқларида ҳар бир буюм, буюртма ва бир хил буюмларнинг гуруҳи харажатларни ҳисобга олиш объекти бўлиб хизмат қилади.

Харажатларни ҳисобга олиш объектини ажратиш ҳамма тармоқлар учун ишлаб чиқаришда тўғри моддий ва меҳнат сарфларининг фойдаланилиши даражаси, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш ва уларга хизмат қилиш сарфлари ва субъектни бошқариш сарфлари асос бўлиб хизмат қилади.

Харажатларни ҳисобга олиш объектида гуруҳланган маълумотлар бошқарувнинг талабига жавоб бериши лозим ва сарфланган харажатларнинг тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар ўртасида тақсимлаш учун асос бўлиши ва жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг, шунингдек, унинг айрим турларининг таннархини калькуляция қилишига хизмат қилиши лозим.

Калькуляция объекти- бу истъмол қийматига эга бўлган маҳсулотларнинг турлари, яримфабрикатлар, ҳар хил тайёрлик даражасида бўлган маҳсулотларнинг қисмлари, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардир.

Калькуляция объектларининг асосланган турлари калькуляциянинг ишончли ва тўғри бўлишида асосий омил ҳисобланади ва ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг таннархи тўғрисида зарур бўлган маълумотлар билан таъминлайди, калькуляция ҳисобининг таркибини аниқлайди.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг фаолиятининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда,калькуляция объектининг турларини ишлаб чиқади. Бу жараёнлар ишлаб чиқаришнинг тури, маҳсулотнинг турлари, унинг мураккаблиги, буюмни ишлаб чиқаришда унинг таркибидаги детал ва қисмларининг бир хиллик даражаси ва бошқа белгилари сарфларнинг амалга оширилиши

нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда калькуляция объектларини харажатларнинг мажмуаси деб ҳам юритилади.

Халқ хўжалигининг айрим тармоқлари бўлган қазиб олувчи ва энергетика саноатларида тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг қиймати маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилаётганда инкор қилинади. Чунки, биринчидан ушбу қийматнинг даражаси даврлар ичида катта фарқ қилмайди, иккинчидан эса уни амалиётда ҳисоблаб чиқиш яъни, аниқлаш катта сарфларни ва ишлаб чиқаришни вақтинча тўхтатишни талаб қилади. Ушбу тармоқларда фақат бир хил маҳсулот (руда, кўмир, нефть, газ, электр қуввати) ишлаб чиқарилади, устама харажатларнинг тутган ўрни жуда ҳам кам даражада, шунинг учун ҳам харажатларни ҳисобга олиш объекти калькуляция объекти, яъни маҳсулотнинг тури билан бир хил кўринишга эга бўлади.

Ушбу тартиб айрим бирликларни ишлаб чиқиш (самолет, кема, қурилиш) кичик гуруҳлар, ёппасига ишлаб чиқиладиган буюмларнинг айрим турлари, битта буюртмаларни бажариш, тажриба-синов машиналарини ишлаб чиқиш ва бир хилдаги ишларни бажаришда ҳам қўлланилади.

Лекин машинасозлик, енгил саноат, қора ва рангли металлургия, қурилиш материаллари, кимё саноати тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турлари ҳар хил бўлиши билан ва буюмларнинг айрим бўлакларининг бир хиллиги билан ажралиб туради. Ушбу шароитдан келиб чиққан ҳолда ва маҳсулотнинг таннархини ҳисоблашни нисбатан осонлаштириш мақсадида ушбу тармоқларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки буюмларнинг бир хиллик белгиларига асосан калькуляция объектлари йириклаштирилади. Ушбу бир хил буюмларга ажаратилса уларнинг технологиясининг, конструкциясининг бир хиллиги, деталларининг, бўлим ва агрегатларининг бир хиллиги, бир хил хам-ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилиши, материал ва меҳнат сарфларининг бир хил даражада эканлиги инобатга олинади.

Буюмларни калькуляциянинг битта объектига гуруҳлаштириш шартларига риоя қилиш маҳсулотнинг таннархини бошқаришнинг олдига қўйилган талабга жавоб беришидан келиб чиқади.

Калькуляция объектининг бир хил гуруҳлари айрим олинган ва кичик гуруҳдаги ишлаб чиқаришда ҳар хил буюртмалардаги умумий маъқулликдаги детал ва қисмларга қўлланилади.

Шу билан бир қаторда буюртма ичидаги ўзига хос, яъни ўхшамайдиган детал ва қисмлар ҳам айрим калькуляция объектига ажратилади. Ушбу бирлик гуруҳларнинг ичида айрим навлар, русум ва буюмларнинг турлари айрим олинган ҳолда калькуляция қилинади.

Кўп даврлар ичида ишлаб чиқарилиши хусусиятидаги субъектларда (кемасозлик, йирик объектларни қуриш ва ҳоказо) калькуляция объекти бўлиб унинг қисмлари, бўлаклари ва босқичлари ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш кетма-кет бир неча жараён (босқич)-дан иборат бўлган ва хом-ашёларга кимёвий ва физик таъсирда ишлов

берадиган тармоқларда калькуляция объекти қилиб ҳар бир ишлов бериш жараёни олинади ва ушбу объектга бир вақтнинг ўзида бир нечта маҳсулот олинадиган ишлов бериш жараёни ҳам қўшилади.

Калькуляция объектини асосланмаган ҳолда танлаш ва объектнинг турларини умумий қоидадан четга чиққан ҳолда ишлаб чиқиш маҳсулотнинг айрим турларининг ҳақиқий таннархини нотўғри ҳисоблашга ва маҳсулот турларига тааллуқли харажатларни асоссиз равишда умумлаштиришга олиб келади.

Харажатларни ҳисобга олиш ва калькуляция объектларини шакллантиришнинг умумий қоидалари харажатларни ҳисобга олиш ва калькуляция жараёнларининг умумийлигидир. Умуман олганда, ишлаб чиқариш харажатларини объектларининг иккита бош гуруҳи- бўлинмалар ва маҳсулотлар бўйича тақсим қилиш шарт.

Калькуляция объектлари калькуляция ҳисоби ва калькуляция бирлиги билан умумий мақсади учун алоқа қилади, чунки улар биргаликда калькуляция объектининг ўлчов бирлигини ташкил қилади. Шу билан бирга оддий ўлчов бирлиги сифатида эмас, балки у калькуляция қилинадиган объектнинг сифати ва истеъмол қийматини ҳам таснифлайди.

Калькуляция ҳисобини қўллаш амалиётида калькуляция бирлигининг хилма-хиллигига қарамай уларни қуйидаги белгилари бўйича гуруҳлантириш мумкин:

а) натура бирликлари - дона, тонна, килограмм, грамм, киловатт соат, деколитр, литр, метр, метр квадрат, метр куб, дециметр ва ҳоказо;

в) шартли натура бирлиги (умумлаштирилган, йириклаштирилган, ўртача)- 100 дона кўйлак, буханка нон, ишлаб чиқариш буюртмаси, 100 шартли банка, метр куб темир-бетон буюмлар, тонна-километр ва ҳоказо;

с) шартли келтирилган бирлик - спирт 100%, бензин АИ-95, маданий ўғит (азот, фосфор, калий аралашмаси) ва ҳоказо;

d) қиймат ўлчови - 1000 сўмлик эҳтиёт қисмлар, 1000 сўмлик хомашё, 1000 сўмлик омухта ем ва ҳоказо;

е) иш бирлиги - руда метр куб, босиб ўтилган йўл-километр, 1 тонна тошилган юк ва ҳоказо;

f) вақт бирлиги- машина куни, машина соати, меъёр соати, одам куни ва ҳоказо;

g) фойдаланиш бирлиги - қуввати, унумдорлиги, маҳсулотларнинг ўлчамлари ва ҳоказо.

Оралиқ маҳсулотларнинг таннархини калькуляция қилиш жараёнида кўп ҳолларда шартли натура бирликлари қўлланилади. Кўпчилик ҳолларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини калькуляция қилишда калькуляция бирлиги қилиб битта ўлчов қабул қилинади ва ушбу ўлчов бирлиги маҳсулотнинг ҳажми, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматнинг ҳажмига мос келиши лозим. Агарда маҳсулот, иш ва хизмат ҳажмининг бирлиги билан калькуляция бирлиги дона ва қувват бирлиги, бир бирига мос келмаса, у ҳолда бошқа бир мос келадиган калькуляция бирлиги танлаб олинади.

Хулосалар

Субъект ишлаб чиқариш фаолиятининг мақсади - маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш ва фойда олишдир.

Ишлаб чиқариш харажатларининг бошқарув ҳисоби харажатлардан фойдаланишни ва бошқаришнинг маълум модулига тўғри келадиган, хўжалик юритувчи субъект асосий мақсадини бажаришга қаратилган ўтган, жорий ва келгусидаги ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларини кузатиш ва таҳлил қилишдан иборат.

Ишлаб чиқаришга бўлган харажатларнинг асосий аҳамияти - ишлаб чиқарши фаолиятини назорат қилиш ва уни рўёбга чиқариш бўйича харажатларни бошқаришдан иборат.

Мақсадга қаратилганлиги ва харажатлар ҳисобининг йўналишларига қараб харажатларни туркумлашнинг ҳар хил вариантлари қўлланилади. Харажатлар ҳисобининг йўналиши деганда ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг умумлаштирилган маълум мақсадга йўналтирилган ҳисоби зарур бўлган фаолиятнинг тури тушунилади:

а) тайёр маҳсулотни калькуляция қилиш ва баҳолаш учун ишлатиладиган харажатлар;

б) улар ҳақидаги маълумотлар, қарор қабул қилишда ва режалаштиришда асос бўлган харажатлар;

в) назорат ва тартибга солиш тизимида ишлатиладиган харажатлар.

Тайёрланган маҳсулотни калькуляция қилиш ва баҳолаш учун харажатларни гуруҳлашда бошқарувчилар диққатини асосий ва устама харажатларга қаратади. Асосий харажатлар деб тўғридан-тўғри технологик жараён билан боғлиқ бўлган ва маҳсулотнинг асосини ташкил қиладиган харажатларга айтилади, бунга моддий ва меҳнат харажатлари киради. Устама харажатлар- бу ишлаб чиқариш, субъектга хизмат кўрсатиш ва бошқариш бўйича сарфлар; тайёрлаш, ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва бошқариш натижасида вужудга келган умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларидан ташкил топади. Харажатлар маълум маҳсулот таннархига олиб борилиши - усулига қараб тўғри ва билвосита бўлинади. Тўғри харажатлар деб, аниқ маҳсулотни ишлаб чиқаришда вужудга келган харажатларга айтилади, билвосита ҳамма маҳсулот учун умумий таснифга эга бўлган ва улар ўртасида белгиланган услубга қараб тақсимланадиган харажатларга айтилади. Кўп ҳолларда асосий харажатлар тўғри харажатлар кўринишида, устама харажатлар эса билвосита харажатлар кўринишида бўлади.

Харажатларни киритиладиган ва муддати ўтганга бўлиш захираларнинг ҳисобот даврида сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатлари ўртасида бўлиниб кетишига имкон беради. Киритиладиган харажатларга келажакда фойда олиб келадиган сотиб олинган ва нақд ресурслар, муддати ўтган харажатларга эса ҳозирги даврда фойда олиб келган ишлатилмаган ресурслар киради. Ундан ташқари, шу мақсад билан харажатлар ҳисобот даври харажатларига - улар захираларни баҳолашда ҳисобга олинмаган ва сотиш давригача тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ташкарисига киритилмаган харажатларга бўлинади.

Қарорлар қабул қилиш ва режалаштириш учун харажатларни гуруҳлаштириш уларни ўзгарувчан ва доимийларга бўлишни кўзда тутади. Ўзгарувчан - ҳажми ишлаб чиқариш фаолияти даражасига (ҳажмига) боғлиқ бўлган харажатлар, доимий - ҳажми маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмининг

ўзгаришига боғлиқ бўлмаган харажатлардир. Амалиётда кўрилганларга қўшимча харажатлар яна шартли-ўзгарувчан ва шартли-доимийга бўлинади. Бундай гуруҳлаш ўтган харажатларга тааллуқлидир.

Келажакка алоқадор харажат ва даромадлар, ҳозирги ечимларга алоқадорлиги нуқтаи назаридан кўрилади. Шунинг учун умумий номенклатурадан ҳисобга олинадиган сарф ва даромадлар ажратилади, яъни қабул қилинган қарорларга боғлиқ бўлади. Қарор қабул қилиш учун харажатлар ва даромадларни қайтмас, ўзгартиришлар киритилган, инкремент, маржиналларга гуруҳлаштириш катта аҳамиятга эга. Қайтмас- бу келажакда ҳеч ҳам ўзгартирилмайдиган ўтмиш давридаги сарф ва даромадлар; ўзгартириш киритилган ресурсларнинг четланишида вужудга келади ва келажакда улардан фойдаланиш имкониятларини тавсифлайди; инкремент - маҳсулотнинг қайсидир партиясини тайёрлаш ҳолларида қўшимча пайдо бўлади; маржинал - маҳсулотнинг бирлик ҳисобида бўлган қўшимча сарф ва даромадлар.

Назорат ва тартибга солиш жараёнини амалга оширши учун харажатларнинг туркумланиши маълумотдан фойдаланувчилар томонидан харажатларни бошқариш мақсадида ишлатилади. Харажатларнинг номенклатураси назорат услубларига кўра ишлаб чиқилади, яъни сметали (бюджет) ва меъёрий услубларига бўлинади. Туркумлаш нуқтаи назаридан харажатларни тартибга солувчи-мазкур масъулият маркази менеджерига боғлиқ; самаралиг- сарфлар натижасида маҳсулот олинади; самарасиз- ишлаб чиқариш тавсифига эга эмас, бу сарфлар натижасида маҳсулот олинмайди, шунингдек, сотувдан олинган фойда субъектнинг масъул шахслари томонидан назорат қилинади; назорат қилинмайдиган фойдалар бошқарув субъектларнинг фаолиятига боғлиқ эмас.

Харажатларнинг мақсадли туркумланиши ушбу харажатларнинг устидан назорат ўрнатиш ва бошқариш тизимини ташкил этишга имкон беради. Аммо, ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотдан фойдаланувчилар «ҳар хил таннарх ҳар хил мақсадлар учун» принципига асосланиб маълумотга талаб қўядилар. Бу принцип таннархнинг уч турида ишлатилади: ўртача шароитларда нархни белгилаш ва тезкор қарорларни қабул қилиш учун ишлатиладиган тўлиқ ишлаб чиқариш таннархи; тўғри ишлаб чиқариш таннархи махсус шароитларда нархни белгилаш ва тезкор қарорларни қабул қилишда ишлатилади; масъулият марказлари бўйича таннарх ёрдамида режалаштириш ва масъул бажарувчилар фаолиятини назорат қилишда ишлатилади.

Бошқарув ҳисоби тизимнинг бошқа муҳим элементи бўлиб ишлаб чиқариш ҳисобини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисоби билан боғлиқ бўлган ҳисоб жараёнини калькуляция қилиш билан ягона бирлик сифатида кўриб чиқиш ҳисоблашади.

Ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва калькуляция қилиш тизими харажатлар ҳисоби объектини ва калькуляция қилиш объектини танлашга боғлиқ. Харажатлар ҳисобининг объекти- бу гуруҳлаштириш белгиси, у орқали таннархни бошқариш мақсадлари учун сарфлар умумлаштирилади. Кўп мақсадли ҳисоб тизимида қуйидаги объектлар ажратилади: харажатларнинг вужудга келиш жойлари, масъулият марказлари, харажатларнинг моддалари, ишлаб чиқариш фаолиятининг омиллари, бир турдаги маҳсулотлар ёки уларнинг гуруҳи.

Калькуляция қилиш объекти- маҳсулот, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёрлиги тенг даражада бўлган қисман маҳсулотлар, истеъмол қийматидаги иш ва хизматларнинг тури, хўжаликнинг ҳар бир тармоғи ва ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг ҳисоб сиёсатига эга.

5- БОБ

БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТИЗИМИ

5.1. Технология жараёнлари ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг асосидир

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилишнинг муҳим омили бўлиб бошқарув фаолияти ҳисобланади. У менеджерлар талабини қондирувчи зарур, ишончли ва тегишли маълумот билан тезкор равишда таъминлаши керак. Маълумот таъминоти ёрдамида бўлинмалар ўртасида ўзаро алоқалар, ҳуқуқларини чегаралашни ва хўжалик юритувчи субъектнинг маъмурияти олдида ҳар бир бўлинманинг жавобгарлиги, хўжалик юритувчи субъектнинг олдига қўйилган мақсадига эришишда фаолиятнинг алоҳида турларининг ўзаро келишувлари вужудга келади.

Маълумот тизими хўжалик юритувчи субъект ташкилий тизимининг истеъмоли талабига бўйсунади. Бошқарувнинг ташкилий тизимлари турлича бўлишлиги билан ажралиб туради ва кўп омилларга боғлиқ бўлади. Биз хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий ва ишлаб чиқариш тизимининг намунавий шаклини кўриб чиқамиз.

Ташкилий тизим расмий равишда ўз маъносини штат жадвалида топади. Ҳақиқатда у хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг алоҳида турларини ва бўлинмаларни, асосий масалаларини ва мақсадларга эришишдаги уринишларнинг келишувини таъминлайди. Кейинги бетда хўжалик юритувчи субъектни бошқаришнинг умумлаштирилган чизмаси берилган.

Хўжалик юритувчи субъектнинг тўлиқ ташкилий тизими қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- ишлаб чиқариш тавсифи ва унинг тармоқли асосларида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибига, тайёрлаш технологиясига, ишлаб чиқаришнинг қамрови ва турига, субъектнинг техник таъминланиши даражасига;
- бошқаришни ташкил этишнинг шаклларига: чизиқли фаолият (линейно-функциональный), матрицали;
- бошқарув аппарати тизими ва ишлаб чиқаришнинг иерархик (устунли) тизимининг мослиги;
- бошқарувнинг марказлашган ва марказлашмаган тизимлари шаклларининг нисбати;
- тармоқли (маҳсулот бўйича) ва ҳудудий (режа бўйича) бошқарув шаклларининг нисбати;
- бошқарув ишларининг механизациялашганлиги ва автоматизациялашганлиги, ишчиларнинг малакаси, улар меҳнатининг самарали даражаси.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда бу омилларнинг бирлиги ва таъсири индивидуал ҳисобланади ва шунинг учун тизим узлуксиз такомиллашади. Кўпроқ эгилувчан ташкилий тизимларда бошқарув даражаларининг сони

4-5 тага етади. Ташкилий тизим ишлаб чиқаришни бошқаришнинг таркиби ва ҳар хил даражаларининг нисбати ва бу ташкилотнинг шаклини аниқлаб беради. Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш тизими цехларни, хизматларнинг таркиби ва тизимини, уларнинг қуввати, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ҳар бир даражасида уларнинг қуввати, тузилиш шакли ва ўзаро алоқаларини кўрсатади.

Хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолиятининг таркиби

Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш тизимини тузиш ишлаб чиқаришнинг тури ва масштаби, технологик жараёнларнинг мураккаблиги, цехларнинг ихтисослашганлиги даражаси ва турлари билан шартланган. Ишлаб чиқариш тизимининг икки тури мавжуд: маҳсулот бўйича ва технологик жараёнлар бўйича.

Маҳсулот бўйича ишлаб чиқариш тизими маҳсулотларнинг аниқ турини ишлаб чиқариш ва сотишга қаратилган мустақил ишлаб чиқариш бўлинмаларини яратишни кўзда тутади.

Технологик муомалаларнинг бир тури бўйича ташкил этилган ишлаб чиқариш тизими бир турдаги ускунада махсус технологик муомалаларни бажаришга қаратилган ишлаб чиқариш бўлимларини тузишни кўзда тутади.

Ҳар бир бўлимнинг аниқ хўжалик-иқтисодий шароити унинг мустақиллик даражаси ва бўлимнинг бошқарувчисига берилган ваколатлар билан аниқланади.

Ички бўлинмалар ўртасидаги, бошқарувнинг ҳар хил даражалари ўртасидаги ўзаро таъсири ички иқтисодий механизм томонидан тартибга солинади.

Ички иқтисодий (ички хўжалик) механизми тушунчаси бутун субъект ва унинг алоҳида бўлимларининг ишлаши ва ривожланиши учун яхши шароитлар яратиш мақсадига йўналтирилган таъсир кўрсатувчи воситалар ва инструментлар мажмуини ўз ичига олади. Унинг асосий элементларига қуйидагилар киради: режалаштириш, баҳо шаклланишини рағбатлантириш, ҳисоб, назорат ва тартибга солиш.

Машинасозлик корхонасида ишлаб чиқариш тизимининг чизмаси



Ички хўжалик механизмининг элементлари ўртасидаги алоқа субъект бўлинмаларининг фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш кўрсаткичлари тизими орқали, маҳсулот ва бажарилган ишлар ҳажмини ўлчаш ҳамда баҳолаш кўрсаткичлари орқали, бўлинманинг шахсий харажатларига киритиладиган сарфларнинг таркиби орқали ва хўжалик юритиш натижаларини аниқлаш орқали амалга оширилади.

Субъектнинг ташкилий ва ишлаб чиқариш тизими ва унинг ички хўжалик механизми бошқарув ҳисобини тузишда асос бўлади.

Ҳар хил тармоқларда ташкилий фаолиятнинг ҳисоби турлича юритилади, лекин унинг умумий шарт (принцип)лари қуйидагича:

1. Қарор қабул қилишда керак бўлган маълумот билан бошқарувнинг турли даражасидаги ходимларнинг талабини қондириш. Бошқарув ҳисоби тизим сифатида субъектларда уч даражада ташкил этилиши керак: полиции, биринчи, кейинги.

2. Харажат → хомашёни қайта ишлаш ҳажми → фойда принципидаги харажатлар вужудга келганида ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмасига нисбатан асосланиши.

Бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш қуввати муқобил (оптимал) юкланган бўлса харажатларни керакли даражада асосланган деб ҳисоблаш мумкин.

3. Маълумотни харажатлар, масъулиятлик ва рентабеллиги рўёбга чиқиш марказлари бўйича умумлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Йиғма ҳисобда бўлинмаларнинг хусусий харажатларини, моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотга бўлган трансферт нархларнинг қийматини, фойда даражасини акс эттириш мажбурий ҳисобланади.

4. Ишлаб чиқарган ҳажмини, хусусий харажатлар ва ҳар бир бўлинма фойдаси устидан назорат олиб бориш режа ва сметаларни бажаришга асосланган.

Ташкилий тизимга мос равишда харажатларнинг ҳисобини тузиш аниқ шахсларнинг фаолияти ва масъулиятини бутун субъект ишларининг натижалари билан боғлашга имкон беради. Бу ҳолда тизимли бўлинмаларнинг сметасини субъектнинг умумий сметаси билан боғлаш шарти (принципи) муҳим ҳисобланади.

5.2. Бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг мустақил (автоном) ва интеграллашган усуллари

Хўжалик юритувчи субъект бошқарув ҳисобининг тизимини ташкил қилаётганда ишлаб чиқарган харажатларини ҳисобга олувчи счётларни умумий счётлар режасидан ажратишни тақозо этади. Демак, бошқарув ҳисобини юритиш учун айрим счётларнинг режасини тузиш ёки умумий режадан тегишли счётларни ажратиб олиш лозим. Ўзбекистонда иккинчи усул, яъни тегишли счётларни счётлар режасидан ажратиб олиш орқали бошқарув ҳисоби юритилянти. Бошқарув ҳисоби счётларини ажратиб олган ҳолда юритиш натижасида:

а) бошқарув таркибларини ахборотлар билан таъминланиш яхшиланга олиб келмоқда;

б) ишлаб чиқариш харажатларининг даражаси тўғрисидаги тижорат сирини сақлашга ёрдам бермоқда;

в) ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг рентабеллик даражасини сир сақлашга ёрдам бермоқда.

Бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг турлари ва унинг молиявий ҳисоб билан ўзаро алоқаси, яъни мустақил (автоном), интеграциялашган бухгалтерия ҳисоби усуллари иқтисодчи олимлар томонидан чуқур ўрганилмоқда ва амалиётда қўллашга таклиф қилинмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг мустақил (автоном) вариантида молиявий ва бошқарув ҳисоб тизими ёпиқ ҳисобланади. Молиявий ҳисобни юритадиган бухгалтерияда харажатлар иқтисодий элементлари бўйича гуруҳлаштирилса, бошқарув ҳисобида эса калькуляция моддалари бўйича туркумлаштирилади. Ушбу ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун мустақил счётларнинг коди танлаб олинади. Улар экран-счётлар, транзит ёки ойна счётлар деб ҳам юритилади. Чунки сарфланган харажатлар ушбу счётларда ўзларининг аксини кўрадилар. Молиявий ҳисобни юритадиган бухгалтерия эса ушбу харажатларнинг содир бўлган жойларини акс эттирмайди ва тайёр маҳсулотлар бўйича сарфланган умумий харажатларнигина акс эттирган ахборотларни беради. Шунинг учун ҳам молиявий ҳисобда фақатгина сарфларнинг умумий миқдорини олиш мумкин.

Бошқарув ҳисоби эса ушбу ишлаб чиқариш харажатларини бўлак (детал)ларга ажратади, яъни сарфланган товар-моддий захиралари, меҳнат сарфлари, асосий воситаларнинг эскириши, ижара тўловлари, ёнилғи, сув, энергия сарфлари қисмларга сарфланганига қараб айрим олинган ҳолда кўрсатилади.

Шу билан бир қаторда маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган даромадлар турлари бўйича молиявий ҳисобда ҳам, бошқарув ҳисобида ҳам кўрсатилади.

Шундай қилиб, молиявий ҳисоб олинган умумий даромад ва сарфланган умумий харажатлар тўғрисида маълумотларни йиғади. Ушбу маълумотларга асосланган ҳолда манфаатдор шахслар калькуляция қилиш сирларига чуқур кириб бормай солиқларнинг тўғри ҳисобланганлигини текшириши мумкин. Ушбу ҳолат фақатгина бозор иқтисодиётига мос келмайдиган давлатларнинг ҳозирги фаолиятига тўғри келмайди. Чунки амалиётда кўпчилик ҳолатларда солиқ органлари хўжалик юритувчи субъект харажатларининг турлари, калькуляция қилиш усулларининг қўлланишини маҳсулотни таннархдан паст баҳода сотиш натижасида солиқ суммасини камайтириш ҳолатларининг олдини олиш ва жазолаш мақсадида чуқур ва ҳар томонлама текширадилар.

Бошқарув ҳисобида қўлланилаётган айрим счётда хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти бўйича иккита молиявий натижа, яъни маржинал даромад ва фойда суммаси аниқланади. Агарда ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳамма харажатлар ўзгарувчан харажатлар бўлса, у вақ-

тда маржинал даромад ва фойданинг суммаси бир хил бўлиб қолади. Умуман олганда, амалиётда маҳсулотни сотишдан олинган даромаднинг суммасидан ўзгарувчан харажатлар чегирилиб маржинал даромаднинг суммаси аниқланади ва ушбу маржинал даромад суммасидан ишлаб чиқаришнинг устама харажатлари чегирилса, қолган сумма фойда ҳисобланади.

Молиявий бухгалтерияда 9900 счётда даромад ва харажатлар йиғилиб балансда акс эттириладиган фойда суммаси шакллантирилади. Ушбу фойда асосий ишлаб чиқариш фаолияти, муомалавий, молиявий фаолиятдан ва фавқулодда ҳодисаларнинг натижаси бўйича олиниши мумкин. Ушбу тартибни тушунишни осонлаштириш учун айрим чекланишларга йўл қўйилади, яъни хўжалик юритувчи субъект фақат асосий ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширади ва муомалавий фаолиятлари, молиявий фаолиятлари йўқ деб фараз қилинади.

Молиявий бухгалтерияда ҳисобот даврининг охирида фойда қўйидаги тартибда ҳисоблаб чиқилади;

- товар-моддий захираларнинг қиймати фақатгина йилнинг охирида инвентаризация натижаларидан кейин бошқарув ҳисобининг маълумотларига мувофиқ қайд қилинади.
- молиявий натижа эса ҳисобланган даромад суммасига йилнинг охирида ТМЗ қолдиқ суммасининг кўпайишига қўшилиб ушбу олинган кўрсаткичдан сарфланган умумий харажатларнинг чегирилиши натижасида аниқланади.

Ҳисобнинг интеграциялашган тизимида эса счёт-экранлар қўлланилмайди, балки бухгалтерия ҳисоби счётларидан фойдаланилади. Натижада бошқарув ҳисобида қўлланилаётган счётларнинг қолдиқ суммаси молиявий ҳисобда қўлланилаётган ушбу счётларга тааллуқлидир. Субъектнинг фаолияти бўйича сарфларни аниқлаш учун молиявий ҳисобда фақаттина ушбу счётларнинг қолдиғи акс эттирилади ва уларнинг муомалалари ва жамланган айланма суммалари бошқарув ҳисобининг счётларида ёритилади.

Мисол: 2800 - «Тайёр маҳсулотлар» счётларининг гуруҳида фақаттина бошқарув ҳисобининг ушбу счётидан берилган маълумотга асосан тегишли маҳсулотларнинг қолдиғи кўрсатилади, ушбу қолдиқни топишгача бўлган ҳамма муомалалар, тайёр маҳсулотларни қабул қилиш, чиқариш муомалалари, уларнинг умумий суммалари бошқарув ҳисобининг ушбу счётида қайд қилиб борилади. Бошқа жараёнлар- тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг қолдиқ суммаси, ТМЗ қолдиқ суммаси, молиявий натижаларнинг кўрсаткичлари ҳам шу тартибда молиявий ва бошқарув ҳисобларида ёритилади. Тегишли маълумотларни бир тизимдан иккинчи тизимга ўтказиш айрим олган счётлар (масалан, 4100 ёки 6100) орқали амалга оширилиб ҳисобот даврининг охирида ушбу счётлар ёпилади ва уларда қолдиқ бўлмайди.

Бошқарув ҳисоби тизимини яратишдаги асосий омил бу ушбу маълумотларнинг самарадорлигидир. Чунки асосий мақсад шу ҳисобнинг маълумотларига таянган ҳолда қабул қилинган қарорларнинг натижасидан иқтисодий наф олишидир. Шунинг учун ҳам бошқарув ҳисоби тизимини жорий қилиш

учун кетган харажатларни унинг маълумотларига асосан қабул қилинган қарорлардан кўрилган иқтисодий нафлар қопласа ва улардан ортиқча бўлсагина ушбу тизим ташкил қилинади.

Ушбу ҳолатда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, тегишли қарорлардан олинган нафлар дарҳол кўзга ташланса ҳам бошқарув ҳисоби тизимини жорий қилиш сарфларини қоплаш узоқ вақт давом қилиши мумкин. Шунинг учун бошқарув ҳисобининг иқтисодий самардорлиги уни қўллаш доирасига ва маълумотларни йиғиш ва уларга ишлов беришни автоматлаштириш даражасига боғлиқ.

Амалиётда мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби тасдиқланган умумий счётларнинг режасига асосан (интеграциялаш усулда) юритилади.

Ҳозирги шароитда ушбу маълумотларнинг тўғри, холислиги ва ўз вақтида раҳбарият етказиб беришнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда йирик компанияларда бухгалтерия хизматининг таркибини қуйидаги чизмага асосан тузиш эътиборга моликдир.

Бухгалтерия хизматининг ташкилий таркиби



Ушбу тизимда тегишли субъектларнинг бош бухгалтерлари бир вақтнинг ўзида субъектнинг раҳбарига ва бухгалтерия департаментига бўйсунадилар.

Чунки департаментнинг раҳбари ва унинг ёрдамчиси молиявий ва бошқарув ҳисобининг юритилиши, ҳисоботнинг тўғри ва ўз вақтида тузилиши учун жавоб берадилар.

Ушбу компанияда ҳисоб ишларини компьютерда амалга ошириш дастурини танлаш жараёнида қуйидагилар мақсад қилиб қўйилди:

- молиявий ва бошқарув ҳисобини икки турдаги счётлар режасини параллел қўллаш асосида интеграция қилиш;

■ бошқарув ҳисобини муқобил пул бирлигида юритиш;

■ даврий ҳисобот шаклларининг асоси сифатида баланс, фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот, пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳисобот ва капиталнинг ҳаракати тўғрисида ҳисоботларнинг шаклларини олиш;

■ бошқарув маълумотларини олиш ва уларга ишлов беришни тезлаштириш учун ҳар бир бўлим, цехнинг менежерини компьютер билан таъминлаш;

■ молиявий режалаштириш тизимида субъектларнинг бюджетидан фойдаланиш.

Бу тадбирлар бериладиган ёзма ахборотлар ва ҳисоботларнинг сонини камайтиради ва зарур маълумотларни етказиб беришни тезлаштиради.

Компанияда бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришнинг техникавий ечими



Бундан ташқари компаниянинг бош идорасида ажратилган сервердан фойдаланиб компьютер тизимини ўрнатиш ва узоқда жойлашган субъектлари билан маълумотларни алмашиш учун модем ва факслардан фойдаланиш назарда тутилган. Шу билан бир қаторда ушбу ахборотларнинг тўғрилиги ва сифатини текшириш учун маълумотларни дискеталарда етказиб бериш, молиявий ва бошқарув ҳисобининг интеграллашган тизимини яратиш энг аввало тасдиқланган счётларнинг режасига асосланган ҳолда счётлар режасини ишлаб чиқиш ва ҳисоб сиёсатига киритишдир.

Бошқарув ҳисобида қўлланилаётган счётлар қуйидаги кўринишга эга бўлади. Мисол: 0110 ва 5110 счётларини қуйидаги кўринишда кодлаштирилади 0110*1 ва 5110*2, бунда:

*- ушбу счёт бошқарув ҳисобининг тизимига тааллуқли;

1- счёт хориж валютасида юритилади;

2- счёт миллий валютада юритилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти бўйича ҳисобни юритиш учун қуйидаги чекинишларга йўл қўйилади:

а) солиқлар, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар бўйича ва ижтимоий суғурта муомалалари билан ҳисоблашишлар тегишли 4510-«Солиқ бўйича бўнак тўловлари» 4520-»Мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари», 6410-»Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар», 6450-»Мажбурий тўловлар бўйича қарзлар», 6510-»Мулк ва шахс суғуртаси бўйича тўловлар» ва 6520-»Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар» счётлари қўлланилган ҳолда фақат молиявий ҳисоб томонидан юритилади. Бошқарув ҳисобида эса ушбу солиқлар ва ажратмалар турлари бўйича ҳисобланган дақиқасидан бошлаб тегишли 2010-»Асосий ишлаб чиқариш», 2310-»Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510-«Умум ишлаб чиқариш», 9410-»Сотиш сарфлари», 9420-»Маъмурий сарфлар» счётларида қайд қилинади;

в) солиқларни муқобиллантириш (оптимизация қилиш) тизимидан фойдаланганда (мисол, ходимларни суғурталаш ва уларга суғурта пулини тўлаш бўйича суғурта компаниялари билан иш юритиш) ушбу муомалалар қуйидагича ҳисобга олинади:

■ амал қилинаётган қонунчиликка мувофиқ ушбу муомалалар тегишли 6510-»Мулк ва шахсий суғурта бўйича тўловлар» счётида юритилади;

■ бошқарув ҳисобида эса дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар ва ходимлар билан ҳисоблашишларни акс эттирувчи счётларда қайд қилинади.

с) сотиш жараёнини қайд қилиш, харажатларни ва муомала сарфларини ҳисобга олишнинг аналитик ҳисоби фақат бошқарув ҳисоби ёрдамида юритилади;

d) асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскиришини ҳисоблаш молиявий ҳисобда Вазирлар Махкамасининг қарори билан ўрнатилган меъёрларда ҳисобга олинса, бошқарув ҳисобида эса субъектнинг ҳисоб сиёсати билан тасдиқланган ҳисоблаш усулида (бир текис, кумулятив, тезлаштирилган, фойдаланиш даражасига қараб) амалга оширилади;

е) ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини калькуляция қилиш жараёни:

■ молиявий ҳисобда харажатларни ҳисобга олувчи счётларга фақат Низомда кўрсатилган харажатларгина ҳисобга олиб борилади. Бошқа харажатлар эса олдинги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан қопланади;

■ бошқарув ҳисобида эса ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархи субъект томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсатига асосан ўрнатилган

усул бўйича шакллантирилади ва ишлаб чиқаришдаги сарфларни акс эттирувчи аниқ счётларда ушбу сарфларни ёритади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш тартибининг чизмасини келтирамиз.

Ҳисобнинг автоном (мустақил) усули молиявий бухгалтерияда



Бошқарув бухгалтериясида ҳисобнинг автоном (мустақил) усули



Интеграллашган усулда молиявий ҳисобни юритиш



Интегралланган усулда бошқарув ҳисобини юритиш



5.3. Бошқарув ҳисобининг ташкилий жараёнида фойдаланиладиган баҳолаш ва назорат ахборотлари

Бошқарув қарорларининг шаклланишидаги маълумотга бўлган эҳтиёж бошқарув тизимининг ҳар хил даражадаги бўлинмаларнинг таннархи билан ўзаро боғлиқликни (коммуникацияни) таъминлаш шароитида қонқтирилади.

Назорат ички тизимининг 4 та асосий функциялари (ўлчаш, коммуникация, баҳолаш ва мотивация)га асосланган ҳолда ҳар бир бўлинма ўз ҳоҳишига мувофиқ субъектнинг ташкилий асослари ва тизимини ҳисобга олиши керак.

Бошқарувнинг ҳар бир поғонасини ва мақсадини керакли даражада тезкор ва ишончли маълумот бўлганида амалга ошириш мумкин. Ҳар бир субъектнинг ахборот тизимини тузиш варианти кўпгина омилларга боғлиқ. Бошқа-

рув ва молиявий ҳисобнинг нисбий тавсифи 1.4-параграфда тўлиқ берилган. Бу ерда фақатгина субъектнинг якуний мақсадига эришишга, якуний мақсаднинг бажарилишида ҳар бир бўлима сармоясининг баҳоланиши ва бўлимлар мақсадининг бажарилишига йўналтирилган ҳаракати устидан назоратни ташкил этишга қаратилган турли тизимли бўлинмалар харакатининг координациясига тааллуқли асослар кўриб чиқилган. Шу ҳолатдан, ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотлар худди ишлаб чиқариш жараёнининг юритилишини такрорлагандек ва моддий ресурсларни технологик жараёнининг даражалари ва меҳнат харажатларининг материалларга ишлов беришга қараб ўсиши бўйича моддий ресурсларнинг ҳаракати билан олдиндан белгиланган.

Машинасозлик корхонаси мисолида субъектнинг ахборот тизимини тузишга таъсир кўрсатувчи асосий омиллари берилган (115-бет).

Чизмага қараганда ва қўйилган мақсадларга боғлиқ ишлаб чиқариш ҳақида, баҳолаш ва назорат маълумотларининг шаклланишида катта муаммолар вужудга келади.

Биринчидан, турли берилган манбалардан шаклланадиган бирламчи таҳлилий маълумотлар зарур.

Иккинчидан, берилган маълумотларнинг керакли манбаига эга бўлиш зарур.

Учинчидан, таҳлил қилинган маълумотда бошқарувнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришни амалга ошириш жараёни зарур.

Бу жараённинг босқичлари қуйидагича: тайёрлов, ҳисоблаб чиқиш ва истеъмол қилиш. Биринчи босқич мобайнида бирламчи аналитик маълумотларнинг шаклланиш манбаидан ҳозирги маълумотларнинг чиқиши вужудга келади. Иккинчи босқич шаклланган аналитик маълумотларни ишлаб чиқиш жараёнини ўз ичига олади. Бу ерда аналитик маълумотнинг шаклланиши билан тугайдиган турли хил аналитик ҳисоблар бажарилади. Учинчи босқич аналитик маълумотни тизимли бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш ва назорат қилишда ишлатилишидан иборат.

Субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқарувчи шахсларга тааллуқли умумлаштирилган маълумот берилган. Маълумотлар бутун жамлами қарорлар қабул қиладиган битта менежер ёки бошқарувчилар гуруҳини релевант маълумот билан таъминлашга имкон бераднган кўпгина тизимларни ўз ичига олади. Ҳар бир тизимнинг таркибида маълумотни қайта ишлаш ва тескари алоқа мавжуд.

Ташкилий фаолият бошқарув ҳисобидаги баҳолаш ва назорат қилиш маълумотининг таркибида ички маълумотга алоҳида эътибор берилади. Тизимли бўлинмалар ишлаб чиқарин-хўжалик фаолиятининг турли томонларини тавсифлайди, тезкор тавсифга эга ва ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотишни, шунингдек субъект ва унинг тизимли бўлинмаларининг ишларини, молиявий натижаларнинг ҳолатини акс эттиради.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш, баҳолаш ва назорат каби ҳар доим ҳам маълумотнинг тўлиқ жамланишини талаб қилавермайди. Бундай ҳолларда керакли маълумот функционал бўлим ва хизматларда тўпланади ва бошқарув ҳисобида шаклланган маълумот билан бирга қўлланилади.

Ҳар бир ҳолатда ҳам маълумотлар ўзаларининг алоқа аксини бўлинмалар ва кўрсаткичлар ўртасида ва уларнинг шаклланиши жараёнида топиши керак.

Ишлаб чиқаришда маълумотнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар



5.4. Хўжалик юритувчи субъектларда харажатли масъулият марказлари ва рентабелликни шакллантириш

Бошқарув ҳисобини ташкил этишга субъектнинг ташкилий тизими, бўлинмалар томонидан бажариладиган ишларнинг ҳажми ва ихтисослашувига тўғридан-тўғри таалуқлидир. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш модулини тузиш кўп омилларга боғлиқ ва шунинг учун ҳар бир субъект учун уларни аниқ ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда алоҳида танлаш лозим.

Бу ерда бошқарув ҳисобининг алоҳида таркибий қисми кўринишида субъект фаолиятининг таъминот-тайёрлов, ишлаб чиқариш, молиявий-сотув, ташкилий, инвестиция турлари келтирилган.

Фаолиятнинг ҳамма турлари ўзаро чамбарчас боғланган ва бир субъект чегарасида алоҳида иш юрита олмайди. Шу билан бирга, биз кўрганимиздек, харажатлар шаклланишининг ўз асосларига эга ва бўлинмаларда содир бўлаётган жараёнларни аниқ тавсифлайди. Харажатларни деталлаш даражаси ва уларни субъект бўйича умумлаштириш тартиби ҳар бир бўлинма учун аниқланиши мумкин.

Асосий талаблар бошқарув мақсадлари, харажатларни назорат қилиш тизими, бўлинмаларнинг ихтисосланганлик даражаси ва улардаги харажатларнинг қиймати бўлади. Бозор шароитида ишлаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг амалиётида аналитик бошқарув ҳисобини тузишда қуйидаги ёндашишлар кўзда тутилган:

- харажатларнинг вужудга келиш марказлари бўйича;
- вужудга келаётган харажатларнинг масъулиятлик марказлари бўйича;
- алоҳида олинган маҳсулотни ишлаб чиқарни рентабеллигининг марказлари бўйича.

Ташкилий тизимга кўра харажатлар ҳисобини тузиш ҳар бир бўлинманинг фаолиятини аниқ шахсларнинг масъулияти билан боғлашга (ишчилар, бригадирлар, усталар, бўлим бошлиғи ва бошқалар), ҳар бир бўлинманинг натижасини ва субъект фаолиятининг умумий натижасига уларнинг қўшган ҳиссасини баҳолашга имкон беради.

Харажатларнинг вужудга келиш марказлари - бу субъектнинг умумлаштирилган тизимли бўлинмалари, уларда мсъёрлаштиришни, режалаштиришни ва кўзатиш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва ишлаб чиқариш ресурслари харажатларини бошқариш, шунингдек уларнинг ишлатилишини баҳолашни ташкил этиш мумкин.

Ҳисобланган тизими маҳсулот чиқарилишини ўлчамаслан сарфларни ўлчашни кўзда тутади. Бу кўп ҳолларда маҳсулотни ўлчаш ёки умуман мумкин эмас ёки керак эмаслигига олиб келади. Масалан, режалаштириш хизматлари ва бухгалтерия томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг хажмини ўлчаш мумкин эмас.

Саноат корхоналарида харажатларнинг вужудга келиш марказлари ўзи билан аналитик ҳисобнинг алоҳида объектларини намоён этади. Сарфларни умумлаштирни тартиби бошқарувнинг ташкилий тизимида қаранликни такрорлайди.

Харажатларнинг вужудга келиш марказлари



Иқтисодий адабиёт ва амалиётда вужудга келиш жойлари бўйича гуруҳланадиган харажатларнинг таркибини танлашнинг икки ёндашуви кўрилади:

■ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг турларига нисбатсиз мазкур бўлинмалар, хизматлар, фаолият турлари билан боғлиқ тўғри ва эгри харажатлар;

■ мазкур бўлинмада вужудга келадиган, маҳсулотнинг ҳамма тури учун умумий тавсифга эга ва маҳсулотнинг алоҳида турига тўғридан-тўғри олиб борилмайдиган эгри харажатлар. Тўғри харажатлар уларни сарфларининг вужудга келиш жойлари бўйича умумлаштирилмай маҳсулот турлари бўйича ҳисобга олинади.

У ёки бу вариантни танлаш бошқарув мақсадлари томонидан ўрнатилиш керак, бизнинг фикримизча, биринчиси маъқулроқ. Бу ҳолда сарфларнинг вужудга келиш жойида ишлатиладиган ишлаб чиқариш ресурсларининг ҳаммаси назорат томонидан қамраб олинади, бу эса харажатларнинг шаклланиш жараёни ва механизмининг ички хўжалик юритилиши ҳаракатланишига ҳисобнинг таъсири даражасини кучайтиради.

Ҳамма харажатлар вужудга келиш жойлари бўйича умумлаштирилиши вариантида харажатларни назорат қилиш тизимида бюджет-сметали ва меъёрдан чиқиб кетиш сабаблари ва айбдорларини аниқлаш билан меъёрдан чиқиб кетишларни аниқлаш усули кўпроқ ишончлироқдир.

Смета (стандарт) кўрсаткичларни ҳақиқатдагиси билан таққослаш маълумотлари бўйича ҳисобот тузиш кўзда тутилган ҳисоб тизими масъулият марказлари бўйича ҳисоб дейилади. Аниқ менеджер томонидан бошқариладиган ҳар бир бўлинма масъулият маркази дейилади.

Масъулият маркази- бу харажатларнинг вужудга келиш жойларини битта ҳисоб жараёнида қўшиб ҳисоблаш имконини берадиган харажатларнинг гуруҳлаштирилиши: ишлаб чиқариш, цех, бўлинма, бошқараётган менеджерларнинг масъулияти мавжуд бригадалар бўйича амалга оширилади.

Масъулият маркази ўзи билан субъект бошқарув тизимининг қисмини ифодалайди ва бошқа тизимлардек кириш ва чиқишга эга. Кириш: хомашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, меҳнат ва хизматларнинг ҳар хил турлари ва соатлари. Масъулият маркази унга берилган ишни ёки топшириқни шу ресурслар билан бажаради. Масъулият марказининг чиқишида - бошқа масъулият марказига ёки ташқарига сотувга кетаётган маҳсулот (ёки хизматлар) қайд қилинади. Шу муносабат билан, ҳар бир масъулият марказининг фаолияти самарадорлик нуқтаи назаридан баҳоланиши мумкин.

Самардорли фаолият - маҳсулотнинг берилган ҳажмини ишлаб чиқариш ресурсларидан минимал даражада фойдаланиб ишлаб чиқариш ёки

маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш, ресурслардан берилган миқдорда фойдаланиб максимал ишлаб чиқариш. Масъулият марказида, «харажатлар, хомашёни қайта ишлаш ҳажмига фойда» принципи ҳаракат қилади.

Ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан масъулият марказлари қуйидагиларга бўлинади: асосий ва функционал; ички хўжалик механизмига нисбатан эса: хўжалик ҳисобидаги ва аналитик.

Масъулиятнинг асосий марказлари харажатларнинг вужудга келиш жойлари устидан назоратни ташкил этади, функционал марказлар эса битта масъулият марказининг таъсири остида кўп жойда вужудга келган харажатлар устидан назоратни ташкил этади.

Хўжалик ҳисобида масъулият марказлари одатда харажатларнинг вужудга келиш жойлари билан мос бўлади, уларга харажатлар вужудга келадиган дақиқани назорат қилиш хос; аналитик эса ички хўжалик ҳисоби муносабатлари тизими билан боғланмаган, улар алоҳида харажатларни назорат қилиш тизимини қурадилар.

Масъулият марказлари бўйича ҳисобнинг мақсади ҳар бир масъулият маркази бўйича харажатлар ва даромадлар ҳақидаги маълумотни шу марказга берилганлар чегарасидан чиқиб кетишларни аниқ шахс бўйнига қўйиш мумкин бўлишича умумлаштиришдир. Ҳақиқатдаги ва сметадаги маълумотлар таққосланадиган сметаларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботлар асосида тузиладиган тизим масъулият марказлари бўйича ҳисоб дейилади.

Харажатларнинг вужудга келиш жойлари ва масъулият марказлари бўйича ҳисобини ташкил этиш, режалаштириш ва назорат қилиш шуни кўрсатадики, ҳар бир бўлинма фаолиятининг натижасини баҳолаш учун ҳар бир аниқ масъулият маркази томонидан олинадиган фойданинг ҳажмини аниқлаш керак. Бу айниқса ички хўжалик фаолияти алоқаларида муҳимдир.

Рентабеллик маркази- бу даромад, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг пулдаги мазмунига эга бўлган масъулият марказининг тури; сарфнилатилган ресурсларнинг пулдаги мазмуни; фойда-даромад ва сарф ўртасидаги фарқ.

Рентабеллик маркази- бу миниатюра кўринишидаги субъект иқтисоди. Бошқарув моделини рентабеллик марказлари бўйича қўллаш катта субъектларда фойда бўйича масъулиятни марказдан четлаштиришга имкон беради.

Рентабеллик марказларининг шаклланиши ҳар доим ҳам самарали эмас. Агар натурал кўрсаткичларда ўлчанадиган бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилса (кўмир, цемент ва ҳоказо), унда ишлаб чиқариш ҳажмини қиймат кўрсаткичларида аниқлашнинг ҳожати йўқ. Ҳар бир бўлинманинг шахсий харажатларини аниқлаб субъект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бирлигига таққослаш етарли бўлади.

Масъулият марказлари бўйича харажатларни ҳисобга олиш чизмаси

	Маъмуриятнинг масъулият марказлари (бошқарув, маркетинг ва ҳоказо)	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг масъулият марказлари	Асосий ишлаб чиқаришнинг масъулият марказлари		
			1	2	3
Вужудга келиш жойлари бўйича бирламчи харажатлар	X	X	X	X	X
Масъулият марказлари маъмурияти харажатларининг тақсимланиши		X	X	X	X
Ёрдамчи ишлаб чиқариш масъулият марказлари харажатларининг тақсимланиши			X	X	X
Асосий ишлаб чиқариш масъулият марказлари бўйича харажатларнинг умумий суммаси			X	X	X

Масъулият марказлари бошқа марказларга хизматлар (масалан, ички аудит бўлими хизматлари)нинг нархини белгиламасдан хизмат кўрсатишида, шунингдек, ҳар хил марказларнинг бошқарувчилари ўртасида келишмовчиликлар вужудга келганда трансферт нархларини ўрнатиш ҳолларида рентабеллик марказларини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Трансферт нархлар ривожланишнинг узоқ муддатли перспективаларини ҳал қилишда субъектнинг зарар кўришига олиб келиши ва қисқа муддатли натижаларга эришишга масъулият марказларининг менежерларида қизиқиш уйғотиши мумкин.

Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг умумий шароитларидан келиб чиққан ҳолда рентабеллик марказларини шакллантириш қуйидагиларни талаб қилади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш масалаларини ечишда ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ишлаб чиқариш учун харажатларнинг нисбати бўйича марказлар *ваколатларининг* мавжудлиги. Бўлинманинг ярим тайёр маҳсулоти субъектнинг ичида ишлатилиши ёки ташқарига сотилиши мумкин;
- харажатларни умумлаштирувчи ҳисобининг яримтайёрмаҳсулот вариантини харажатларни вужудга келиш жойлари бўйича яхши ташкиллаштирилган ҳисоби ва ички хўжалик ҳисобидаги муносабатларнинг етарли даражада холис (объектив) тизимини ишлаб чиқиш учун қўллаш.

Харажатлар масъулият ва рентабеллик марказлари бўйича ҳисобнинг шаклланиши ва ташкиллаштирилишининг асосий хусусиятлари бўлиб у ёки бу марказнинг бажарадиган ишлари (функциялари)га боғлиқ бўлган аниқ чегараланиши, доимий ва ўзгарувчан, тўғри- алоҳида маҳсулотнинг фойдасини оддий назорат қилувчи сифатида; модий ва жонли меҳнатнинг таннархига бўлган муносабатни аниқловчи усул сифатида субъект даражасида харажатларни тўлиқ тақсимлаш билан таннарх калькуляцияси; ҳисобда харажатларнинг уч элементини аниқлаш- модий, меҳнат ва устама; фойдани режалаштириш ва харажатлар устидан назорат ўрнатишдир.

5.5. Товар-модий захираларини яратиш ва уларни сақлаш харажатларини ҳисобга олиш

Материаллар захирасининг даражаси уларни олиб келиш муддати ва сарфланишига боғлиқ. Сақланишда бўлган материалларнинг ҳар бир тури бўйича муқобил захирани таъминлаш бўйича масъулиятлик таъминот бўлими ва омбор мудирига юклатилади. У омбор ҳисоби карточкасида (М-15 шакли мавжуд) материал миқдорининг тезкор ҳисобини олиб боради. Компьютерда қайта ишланишида омбор ҳисоби карточкаларининг ўрнига дисплейда материалларнинг қолдиғи ва буюртма точкаси ҳақидаги маълумот кўрилса бас. Ишлаб чиқаришнинг талаби ва омборнинг таклифи ўртасидаги тўғри келмаслик таъминот бўлимига қайта буюртма учун маълум миқдорга талабнома бериш йўли билан ҳал қилинади. Агар компьютерлашган тизим бўлса, унда захиранинг даражаси буюртма нуқтасига етса компьютер автоматик равишда талабнома ёзади. Амалиёт кўрсатишича, омборхоналарда буюртманинг ҳажми ва нуқтасига таъсир этувчи хатоликларга йўл қўйилиши мумкин.

Аниқ бўлмаган ёзувлар ва бошқа хатоликларни аниқлаш учун захираларни ва ишлаб чиқаришни назорат қилиш функцияларини бирлаштирувчи ҳисоб тизими мавжуд.

Тизимнинг мазмуни захираларни бункерда сақлашдир. Бунда омборчи асосий картотекани юритиши керак, унда эса материалнинг ҳар бир номланиши икки асосий карточкада акс эттирилган бўлади. Бундан ташқари, тегилмас захира пакетига солинган қайта буюртма карточкаси мавжуд. Тегилмас захира пакетида ушбу маҳсулотнинг тури учун қайта буюртма точкасига тўғри келадиган ишончли ўралган ёки ажратиб қўйилган материалларнинг гуруҳи кўрсатилади. Тегилмас захиранинг пакетлари асосий захиралар турадиган жойда сақланади, лекин уларга асосий захира батамом сарф қилинмагунча тегиш мумкин эмас. Фақат шундагина тегилмас захирали пакетни очиб янги гуруҳ буюртма қилинмагунча ёки тайёрланмагунча истеъмолни қондириш учун ишлатиш мумкин. Захираларни маркировка қилувчи тегилмас захирали пакетни очганда ундаги қайта буюртма карточкасини қайта буюртмалар учун алоҳида қутига жойлаштириш керак.

Кунига 2 ёки 3 марта янги буюртмалар учун қутилар янги буюртмаш расмийлаштирадиган гуруҳ томонидан бўшатилиши керак. Расмийлаштириш

жараёни қуйидагилардан иборат: ушбу турдаги маҳсулот билан боғлиқ 2та асосий карточкалардан биттаси асосий картотекадан олинади ва ҳар доим асосий картотекада бўладиган иккинчи карточкада янги гуруҳ (партия)нинг келиши кутилаётган муддати белгиланади; асосий картотекадан олинган карточка янги буюртманинг келиши кутилаётган муддатга биноан «оғир муаммолар» ҳар ҳафтали картотекага қўйилади. Тегилмас захира пакети ичидан олинган қайта буюртма карточкаси ишлаб чиқаришни назорат қилувчи гуруҳга берилади. Бу гуруҳ цехларга ва четга керак бўлган ҳамма буюртмаларни тайёрлаб янги захирани расмийлаштириш жараёнини якунлайди. Омборхоналарига етиб келмагунга қадар бу гуруҳ буюртмаларнинг ҳамма турлари учун жавоб беради.

Буртма керакли омборга етиб келгандан сўнг қайта буюртмаанинг олдинги карточкасига мос холда ишлаб чиқаришни назорат қилувчи гуруҳ томонидан тайёрланган қайта буюртманинг янги карточкаси пакетга солинади. Кейин тегилмас захиранинг янги пакети комплектланади ва сақлашишга жўнатилади. Шу билан бир вақтда омборлар буюртма бажарилганлиги ҳақидаги ҳисобот нусхасини буюртма билан бирга захираларни ҳисобга олувчи омбор гуруҳи асосий картотекани олади ва унда қолган асосий карточкада буюртма олинган муддатини белгилаш учун жўнатилади.

«Оғир муаммолар» картотекаси асосан деталларнинг кечикиб келишининг олдини олиш учун иккиёқлама назорат воситаси сифатида хизмат қилади. Танқис деталлар учун етиб келишнинг эрта муддатини белгилаш мумкин; агар материаллар вақтида етиб келмаса картотека уни тезлаштириш учун чора-тадбирлар кўриш кераклигини ёдга солади.

Сақлашнинг икки бункерли тизимини киритилишигача материалларни тезда олиш учун аризаларнинг кўпайиши (5-10%) ва тез олиш учун ва кутилмаган (режалаштирилмаган) омбор захираларининг ўсиши ва умуман сарфлар сметасига қарши харажатларнинг кўтарилиш ҳоллари юз берарди.

Таклиф этилган тизим материалларнинг тақчиллиги (дефицити)ни ойига 0,5-0,75%га пасайтиришга ёрдам беради. Ушбу материалларни етишмаслигининг асосий сабаблари: 1. Қисқа муддат ичида кутилмаганда юқори талаб; 2. Тайёр деталларнинг ишлаб чиқарилишида узоқ ушланишлар; 3. Белгиланган муддатда етказиб бериш ҳақидаги шартноманинг етказиб берувчи учун иложсизлиги; 4. Текширув натижасида аниқланган яроқсиз маҳсулотлар (брак) ҳисобланади.

Материалларнинг сотиб олиниши. Таъминот бўлими буюртманинг нусхасини олганда, сотиб олинилар масалалари бўйича ишлаётган хизматчи бўлинмадаги экспедиторлар (агентлар)нинг мавжуд маълумотига асосланиб маъқул бўлган етказиб берувчини танлайди ва ундан кейин етказиб беришга буюртма тузади. Унда, буюртмада келтирилган материалларни етказиб бериш учун етказиб берувчига илтимос қилади. Етказиб бериш буюртмасининг нусхаси товарнинг етиб келишидаги ҳужжатда кўрсатилган миқдори билан таққослаш учун омборга юборилади.

Материалларни қабул қилиш. Омбор томонидан материалларнинг қабул қилинишида улар етказиб берувчи томонидан тўлдирилган юкхатнинг маълумотлари етказиб бериш буюртмасининг нусхаси билан текширилади.

Омбор олинган товарларни кирим ордерига ёки бошқа кирим ҳужжатларига киритади ва маълум омбор карточкасининг (омбор ҳисоби карточкаси) «кирим қилинди» деган графасига керакли ёзувлар қилади. Товар олинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар таъминот бўлими ва бухгалтерияга берилади. Моддий-техника таъминоти бўлимида буюртма бажарилди деб белгиланади, бухгалтерияда эса товарнинг олинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар ҳақиқатдан ҳам олинган товарларга тўлов учун етказиб берувчининг счети билан таққосланади. Етказиб берувчидан олинган счёт одатда товар олинганидан сўнг бир неча кундан кейин топширилади ва бухгалтерия бу счётнинг маълумотларини материалларнинг ҳар бир турини баҳолаш учун ишлатади. Кейин етиб келган товарлар ҳақидаги, ёзувлар захиралар ҳақидаги маълумотни акс эттирувчи жамлама қайдномانинг керакли графасига киритилади. Бундай қайдномانинг намунаси қуйидаги жадвалда келтирилган.

Захираларнинг ҳисобини юритиш китоби

Материал			Код						Максимал миқдори Минимал миқдори		
Сана	Олинди				Берилди				Захира		
	ПНТ №	Миқдори	Баҳоси	Сумма	Талабнома №	Миқдори	Баҳоси	Сумма	Миқдори	Баҳоси	Сумма

Ушбу ҳужжатда мавжуд бўлган материалнинг ҳар бир алоҳида турининг миқдори ва қиймати белгиланади. Субъектларда шунга ўхшаш ҳисобни юритиш учун ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Материалларни бериш. Режа-ишлаб чиқариш бўлими ишлаб чиқариш режаси ва захираларнинг режалаштирилган даражаларига асосан ишлаб чиқариш жараёнининг олиб борилиши учун жавоб беради.

Ишлаб чиқаришга киришиш учун режа-ишлаб чиқариш бўлими томонидан маълум ишлаб чиқариш бўлимасига (цехга) ишлаб чиқаришга буюртма бериш учун мезёрий асос бўлади.

Шунингдек, режа-ишлаб чиқариш бўлими буюртманинг бажарилиши учун зарур бўлган материалларнинг миқдорини аниқлайди ва талабномада келтирилган зарур материалларнинг омбордан берилиши учун омборхонага юборади ва улар ишлаб чиқариш буюртмасига қўшилади.

Омбордан олиш учун талабнома

....учун керакли материаллар (буюртма ёки харажатларнинг юкхати қайдномаси) Цех.....						№ Сана
Миқдори	Тури	Код №	Оғирлиги	Баҳоси	Сумма	Изоҳ
Уста						

Цех бошлиғи бу буюртмани олиб ҳужжатларни керакли материалларга алмашиш учун омбор мудирига беради. Омбор мудири бундан кейин берилишга таллуқли бўлган ҳужжатларда мавжуд маълумотларни керакли омбор карточкасининг «берилди» деган устунига киритади. Кейин у талабномани бухгалтерия ёки ҳисоблаш марказига жўнатади.

Кўпгилик субъектлар бир марталик талабнома ўрнига материалларни бериш амалиётида лимит қайдномалари ёки лимит карталарини ишлатадилар.

Бухгалтерия омбордан берилиши учун талабномани (ОБТ) олганда унда келтирилган ҳар бир материалнинг тури бўйича нарх ва суммани қўйиб чиқади. Берилган ҳар бир материалнинг тури бўйича бу маълумотлар «қабул қилинди» деган устундан олинади, нархлар эса керакли захиралар белгиланадиган турнинг йиғма қайдномасидан олинади. ОБТда мавжуд маълумот йиғма қайдномасининг турли номланишларининг «миқдор» ва «сумма» устунига ўтказилади ва материалнинг ҳар бир аниқ турининг миқдори ва натижаси бўйича баланси ҳисобланади.

Бу муомалалар компьютер ёрдамида бажариладиган субъектларда баъзи регистрларга керак бўлмайди. Масалан, компьютерга олинаётган ва берилаётган материаллар ҳақида маълумотлар киритилиши мумкин ва натижада омбор карточкалари ва материаллар заҳирасини ҳисоблаш китобига эҳтиёж қолмайди. Керакли клавишалар босилганда захираларнинг ҳар хил турининг олиниши, берилиши ва баланси ҳақида маълумот пайдо бўлади.

Материаллар ҳисобининг жараёни. Баҳолаш усулининг танланишига боғлиқ ҳар бир берилган материалнинг қиймати буюртманинг тегишли рақами бўйича харажатларга киритилиши керак ёки тегишли устама сарфларига юборилиши керак, бу ҳолда керакли маълумот дастлабки ҳужжатлардан олинади. Устама сарфлари ҳақидаги буюртма рақами ёки ёзув рақами цехнинг устаси (мастери) томонидан олдиндан қўйилиши керак.

Материаллар ҳисобининг жараёни чизма сифатида қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Товар-моддий захираларини ҳисобга олиш жараёни



Кейинги босқич бухгалтерия томонидан бажариладиган муомалалардан ташкил топади:

1) берилган қийматликлар ҳақидаги ёзувларни тўплаш ва айланма қайдномасига киритиш йўли билан хом-ашё захираларини қисқартириш;

2) буюртмалар ҳақидаги маълумотлар ёки устама сарфларини қайд қилувчи счётларда берилган материалларнинг миқдорини белгилаш.

5.6. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш харажатларини ҳисобга олиш

Ишчи кучи ишлаб чиқариш жараёнида марказий ўринни эгаллайди ва ишлаб чиқариш захираларининг таркибланишидан бири ҳисобланади. Фақат ишчи кучи, яъни жонли меҳнат қўшимча қийматни яратади. Айни шу ҳолат меҳнат ресурсларини ўз ўрнида ишлатишни олдиндан белгилайди, чунки одамларсиз, жамоасиз субъект йўқ ва керакли одамларсиз ҳеч бир субъект ўз мақсадларига эриша олмайди.

Ишчи кучига кетган харажатларнинг ҳисоби бошқарув ҳисоби тизимида марказий жойлардан бирини эгаллайди ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг қисми сифатида кўрсатилган.

Ишчи кучига кетган харажатларнинг ҳисоби қуйидаги йўналишлар бўйича юритилиши керак:

1. Ишчи кучига кетган харажатларнинг ҳисоби туркумлари- гуруҳлари бўйича- технологик муомалаларда банд бўлган ишлаб чиқарувчи ишчиларнинг асосий меҳнат ҳақи; устама сарфлари таркибига кирувчи меҳнатга ҳақ тўлаш.

2. Ҳар бир ходимнинг меҳнат ҳақига нисбатан ажратмалар ва меҳнат ҳақидан ушлаб қолинлар; алоҳида жамғармалар ва бюджетдан ташқари ташкилотлардан олинадиган ҳар хил турдаги ажратмаларнинг ҳисоби.

Ишчи кучига кетган харажатлар ҳисобининг мақсади - фаолият турлари бўйича иш вақти харажатларини аниқлаш; ишлаб чиқаришнинг ҳажми ёки сменали топшириқнинг бажарилиш даражасини аниқлаш; меҳнат ҳақини тўғри ҳисоблаш; ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашувлар, меҳнат ҳақи тўлаш жамғармаларининг ишлатилиши устидан назорат қилиш.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари бир турли эмас ва шунинг учун улар бошқарув талабларини қондириш мақсадида туркумланади. Ҳар хил туркумланиш асосига бир турли ҳодиса принциплари қўйилиши керак. Субъектларнинг амалиётида ишчи кучига кетган харажатларнинг қуйидаги гуруҳлаштирилиши қўлланилади:

- турлари бўйича - асосий ва қўшимча;
- элементлар бўйича - вақтбай, ишбай, мукофотли, бекор туриб қолинларга ҳақ тўлаш ва бошқалар;
- ишчиларнинг таркиби бўйича - рўйхатли-штатли, пудрат шартномаси бўйича вақтинча ишлаётганлар;
- ходимларнинг категорияси бўйича - раҳбарлар, мутахассислар, ишчилар ва хизматчилар.

Бундай туркумланиш меҳнат бўйича ҳисоботда ва меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган. Калькуляция қилиш мақсадида уларда харажатларнинг йўналиши бўйича туркумланади ва маҳсулотнинг турлари бўйича қўшимчалар киритилади. Назорат қилиш ва таркибий бўлинмалар бўйича меҳнат ҳақи ҳисоблашда эса бригадалар, цехлар, ишлаб чиқаришлар, жараёнлар ва бутун субъект бўйича жамғарилади.

Лекин қабул қилинган гуруҳлаштириш умумий хусусиятлари билан тавсифланади ва бошқарув учун ҳам мосдир. Масалан, унда хабар қилиш, саралаш ва сонини қисқартириш жараёнлари бўйича; меҳнат ресурсларини бошқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ, режалаштириш, ходимлар ва меҳнат миқдорини меъёрлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бошқалар бўйича маълумот мавжуд эмас.

Харажатларни деталли туркумлаш биринчи ўринда сабаблари ва уларнинг келиб чиқишини аниқлаш учун керак. Ундан ташқари, бозор муносабатига ўтиш билан субъектларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳажми ва тартиби, турли қоплаш ва рағбатлантирувчи тавсифга эга тўловларни қўллаш, қўшимча меҳнат ва ижтимоий имтиёзларни бериш борасида кенг ҳуқуқлар берилган. Бу шароитларда ишчи кучига бўлган харажатларнинг чекланган ҳолати (дифференциацияси) бошқарув мақсадларини қондира олмайди.

Бошқарув ҳисобининг асосий мақсадларини қўллаган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан маҳсулот таннархига киритиладиган меҳнат ҳақини ажратиш лозим. Ишчи кучига бўлган харажатлар туркумида бизнингча, қуйидаги моддаларга диққат ва эътиборни қаратиш керак:

1. Маҳсулот ишлаб чиқаришда тўғридан-тўғри банд бўлган ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари. Буга ишбай меъёрлар ва баҳолар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш ва вақтбай тўланадиган ишлар киради.

2. Рағбатлантириш хусусиятидаги тўловлар- ишнинг сифати ва юқори усталик даражаси, иш стажи учун қўшимча тўловлар, кўп йил ишлаганлиги, субъектнинг йиллик фаолиятининг натижаси бўйича рағбатлантиришлар, ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ турли мукофотлар.

3. Ишлаб чиқармайдиган тўловлар - қонунга мувофиқ ишланмаган вақт учун туриб қолишларнинг тўланиши, ишчининг айбисиз содир бўлган бракнинг тўланиши; иш шароитларининг нормал ҳолатидан чиқиб кетиши; тунги вақтда ишлаш, вақтдан ташқари ишлаш, ишчининг малакасига мос келмайдиган (паст) бошқа ишга ўтиш учун қўшимча тўловлар ва бошқалар.

4. Ишчи кучини ёллаш, саралаш харажатлари.

5. Сони ва меҳнатни меъёрлаштириш ва режалаштириш бўйича харажатлар.

6. Мутахассисликка йўналтириш, ўқитиш, қайта ўқитиш билан боғлиқ харажатлар.

7. Ускуна ва транспорт воситаларини таъмирлаш, умумишлаб чиқариш сарфларига киритиладиган иш жойларини тайёрлаш ва хизмат кўрсатишда

банд бўлган ёрдамчи ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар.

8. Умумишлабчиқариш сарфлари таркибига киритиладиган ишлаб чиқариш бўлинмаларини бошқариш билан боғлиқ ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар.

9. Бошқарувчи кадрларни тайёрлаш бўйича харажатлар.

10. Умумхўжалик сарфлари таркибига киритиладиган субъектни бошқарини билан банд мутахассис ва бошқарувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари.

Меҳнат ресурсларини бошқариш тизимининг элементлари



Таклиф этилган ишчи кучи харажатларининг турухланиши кўп ҳолларда таннархни ҳисобга олиш ва фойдани ҳисоблаш мақсадларига жавоб беради, шунингдек, сарфларни назорат қилиш ва тартибга солиш мақсадларига қисман жавоб беради. Қарор қабул қилишга келсак, ишчи кучига бўлган келажакдаги харажатларни ҳисоблашда муаммоларни ашқлаш зарурияти туғилади.

Ишчи кучига бўлган харажатлар ҳисоби жараёни изма-из меҳнат ресурслари ва ишчи кучига бўлган харажатларни бошқариш жараёнларини акс эттиради.

Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш харажатларини алоҳида буюртмалар ва жараёнларнинг таннархига тўғридан-тўғри киритишни кўзда тутади. Лекин ишчи кучига бўлган харажатларнинг бир қисми эгри тавсифга эга. Бу ҳолда харажатлари вақтбай тўланадиган ишлаб чиқариш ишчилари, ишлаб чиқаришда ёрдамчи муомалаларда банд бўлган ёрдамчи ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнат ҳақини, бригадалар ишини ташкил этганлиги учун бригадаларга қўшимча тўловларни алоҳида турдаги буюртма ва жараёнларнинг таннархига бошқа турдаги қўшимча тўловларни киритиш мумкин эмас.

Бундай харажатлар умумишлабчиқариш ва умумхўжалик устама харажатларига киритилади ва улар билан бирга субъектда ўрнатилган услубга асо-

сан тақсимланади. Харажатларнинг бир қисми алоҳида гуруҳга ажратилади ва маҳсулотнинг аниқ турлари ўртасида, тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида тақсимланади. Шунга асосан маҳсулотларнинг турлари бўйича сметали (меъёрий) даражалар ишлаб чиқилади. Даражадаги ҳисоб миқдорининг асоси сифатида вақтбай меҳнатга ҳақ тўлайдиган ишчи жойининг сони, хизмат меъёрлари ва иш вақти бюджети, тариф даражалари ва мукофотлар, ишлаб чиқариш дастурининг режалаштириладиган ҳажми олинади. Даражаларнинг ҳисоб қиймати асосининг ўзгариб турини натижасида кўп субъектлар бундай турдаги сарфларни ишбай ишчиларни ҳисобот ойида пайдо бўлган процентга мувофиқ тўғри меҳнат ҳақига мутаносиб равишда тақсимлашади.

Меҳнат ҳақига бўлган харажатлардан ташқари иш берувчи ишчи кучи билан боғлиқ бўлган яна бир қатор харажатларга дуч келади: ўқитиш, ёллаш, саралаш, иш шароитини таъминлаш, ишчининг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш, таътиллар, нафақа жамғармасига, аҳоли бандлиги жамғармасига, ижтимоий ва мажбурий тиббий суғурта давлат жамғармасига бадаллар бўйича. Харажатларнинг ушбу гуруҳи шунингдек туркумланиш моддалари бўйича умумлаштирилади ва ёки устама харажатлар билан ёки ҳисоб базасига, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига мутаносиб равишда тақсимланади.

Меҳнат ресурслари сарфларини бошқариш жараёнининг чизмаси



Назорат қилиш мақсадида ишлаб чиқариш бухгалтериясида сарфлар сметасининг бажарилиши ҳақида тўпловчи қайднома тузилади, унда ҳақиқий сарфлар сметадаги сарфлар билан таққосланади. Алоҳида маълумотномалар брак, бекор туриб қолишлар, ишчи кучининг ҳаракати, иш вақтининг ишлатилиши ҳақидаги маълумотни умумлаштиради. Аниқроқ қилиб айтганда, бу маълумот қуйида кўриб чиқилади.

5.7. Ишлаб чиқаришнинг устама харажатларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш

Харажатларнинг асосий ва устама харажатларга бўлиниши бўлинмаларнинг фаолиятини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади ва ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш, ҳисоблаш, таҳлил қилиш, назорат қилиш ва тартибга солиш жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Устама харажатларга субъектнинг билвосита меҳнат ҳақи ва билвосита моддий харажатлардан ташқари ҳамма харажатлари киради. Улар тайёрлаш, ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва бошқариш жараёнларида вужудга келган. Устама харажатлар икки гуруҳга, умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларига бўлинади.

Ишлаб чиқаришнинг устама харажатлари- бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва бошқаришга кетган харажатлардир. Улар ишлаб чиқариш бўлинмаларида, бўлим, цехларда, ишлаб чиқаришда пайдо бўладилар. Бу харажатларнинг тайинланиши, таснифи ва функционал роли ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг устама харажатлари таркибига ускунани таъмирлаш ва ишлатиш харажатлари ва ишлаб чиқариш мақсадидаги бино, иншоотларни асраш ва таъмирлаш харажатлари ва бошқалар киради. Ускунани таъмирлаш ва ишлатиш харажатлари ишлаб чиқаришдаги ўрнига нисбатан асосий ҳисобланади, чунки ускуна ва машиналарсиз ишлаб чиқариш жараёнининг иложи йўқ. Лекин улар маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёни, буюртманинг тўғри харажатларига киритилиши мумкин эмас. Мисол тариқасида ускунани профилактика учун текшириш, ускунани жорий таъмирлаш харажатларини келтириш мумкин. Агар объект бўлиб буюртманинг бажарилиши учун ишлаб чиқариш бўлинмаси ёки участкаси тўлиқ ишлатилган буюртма объекти бўлса бу харажатлар маълум моддаларга тўғриликча киритилиши мумкин.

Ускунани таъмирлаш ва ишлатиш харажатларига ускунани жорий қаров ва таъмирланиши учун мойлаш, артиш ва бошқа турдаги материаллар, ускуна ва транспорт воситалари (корхона ичидаги транспорт)нинг эскириши; ускунага хизмат кўрсатувчи ишчиларнинг ижтимоий эҳтиёжлари учун ажратмалар билан меҳнат ҳақи; энергия (ҳамма турлари: буғ, қисилган ҳаво, сув) харажатлари; ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматлари; тайёр маҳсулот; жиҳозлар, инструментлар ва мосламаларни қайта тиклаш бўйича сарфлар; ускуна иши билан боғлиқ бошқа сарфлар киритилади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича харажатлар ишлаб чиқариш-диспетчер аппарати ва цехларнинг маъмурий-бошқарув аппарати, ишлаб чиқариш бўлинмаларининг, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ташкил этиш харажатларини, ишлаб чиқариш заруриятлари ва хусусий ишлаб чиқарилган ярим

тайёр маҳсулотларни сақлаш учун ишлатиладиган бинолар, иншоотлар, инвентарларнинг эскириши, таъмирлаш; нормал иш шароитларини яратиш, кадрларни мутахассисликка йўналтириш ва тайёрлаш бўйича харажатларни, ускуна, жиҳоз, мослама ва инвентарларнинг сарфи ва ишлаб чиқариш бўлимларини бошқаришга кетган бошқа харажатларни бирлаштиради.

Устама харажатларнинг туркумланиши



Ишлаб чиқаришнинг устама харажатлари учун умумий бўлиб қуйидаги хусусиятлар мавжуд: икки гуруҳ ҳам комплекс моддада мавжуд бўлади, кўп даражада ишлаб чиқариш бўлинмаларида вужудга келади, улар вужудга келадиган жойлари бўйича режалаштирилади ва ҳисобланади, бюджет-сметали усул ёрдамида назорат қилинади, маҳсулотнинг турлари ва тайёр маҳсулот ва туталланмаган ишлаб чиқаришга эгри йўл билан тақсимланади.

Шу билан бир вақтда кўрилаётган ҳар бир гуруҳ турли иқтисодий мазмунга эга бўлган харажатлардан ташкил топади. Фарқлар, харажатлар ва қоплаш манбаи харажатларнинг тақсимлаш негизини танлаш ва асослашни аниқлашлари керак. Шу позициядан субъектда қабул қилинган ишлаб чиқариш устама харажатлари туркумланишининг мазмуни кучаяди.

Ноишлаб чиқариш устама харажатлар ўз таснифи, аниқ мақсадга белгиланиши ва роли билан ишлаб чиқариш функциялари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш функцияларидан фарқ қиладиган бошқарув функциялари томонидан субъектнинг фаолияти доирасида вужудга келади.

Умумхўжалик харажатлари ҳаракат қилаётган моддаларининг номенклатураси ишлаб чиқаришни тайёрлаш функцияларини, ташкилий функцияларни ва тўғридан-тўғри бошқариш функцияларни ташкил этиш харажатларини гуруҳлаштиради. Ҳар хил иқтисодий мазмунга эга бўлган харажатларнинг бундай йиғиндиси мсъёрлаштириш, режалаштириш, харажатларни назорат қилиш ва таҳлил қилиш жараёнини қийинлаштиради. Назорат тизимини тузиш ва фойдани ҳисоблаш, ноишлаб чиқариш харажатларига таъсир этувчи омилларни ёритиш мақсадида, уларни функционал тайинлаш бўйича, уларнинг ичида эса харажатларни элементлари бўйича гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Харажатларни туркумлашнинг танланган йўналиши харажатларни улар вужудга келган жойлари бўйича ажратиш (локаллаштириш)га имкон беради, субъектнинг хизматлари бўйича харажатларнинг мазмунини ёритади ва уларни маҳсулотнинг турига қандай бўлса шундай ишлаб чиқариш сарфлари ва ишчи кучини тақсимлаш, бошқалар бўйича тақсимлаш ва қайта тақсимлашга имкон яратади. Масалан, техник бошқарув бўйича харажатларга техник хизматлардаги ишчиларни таъминлаш, уларнинг меҳнат ҳақи ва ижтимоий мухофаза жамғармасига ажратмалар, бино ва иншоотларни асраш ва таъмирлаш харажатлари; умумзавод лабораторияларини таъмирлаш; инвентар ва жиҳозларнинг қиймати сарфлари; ихтиро, техник такомиллаштириш ва бошқа харажатлар киради. Бу харажатларнинг бир қисмини маҳсулотнинг таннархига тўғридан-тўғри киритиш мумкин- ихтиро, буюмларнинг конструкциясини техник такомиллаштириш; бир қисми алоҳида ишлаб чиқариш бўлинмаларига алоқадор бўлганлиги учун ишлаб чиқаришнинг устама харажатлари билан бирга тақсимланади.

Субъектнинг бошқа харажатларидек, устама харажатлар бошқарув ҳисобида бошқарув мақсадига мувофиқ равишда кўриб чиқилади.

Биринчи ўринда моддий-ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш учун

ишлаб чиқаришнинг устама харажатларини тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг турлари бўйича тақсимлаш тартиби муҳим. Ушбу харажатларни тақсимлаш жараёнини аниқ субъект ёки бўлим фаолиятининг мисолида кўриб чиқиш мумкин.

Бошқарув ҳисобининг ҳалқаро амалиётида ишлаб чиқаришнинг устама харажатларини тақсимлаш бир неча босқичдан ташкил топган.

Биринчи- устама харажатларнинг асосий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи бўлинмалар ўртасида тақсимланиши.

Унинг мақсади- таннархнинг шаклланиши билан сабаб-изланув алоқали бўлган услубни танлаш.

Тақсимлаш ҳар бир бўлинма томонидан олинган фойда билан боғлиқ бўлиши керак. Бунинг учун йиғма қайдномаси, яъни ҳар бир масъулият маркази бўйича ҳисоботлар тузилади. Масъулият маркази бир неча бўлим ва бўлинмалардан таркиб топган ҳолларда уни харажатлар марказига бўлишади ва улар бўйича ҳисобот тузилади. Масалан, 1-сонли цехда токарлик станокларининг гуруҳи- харажатлар маркази. Бу марказ бўйича токар ускунасини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича харажатларнинг сметаси тузилган. Харажатлар улар вужудга келган бўлинмалар бўйича умумлаштирилади.

Ишлаб чиқаришнинг устама харажатларини тақсимлаш ва уларни назорат қилиш жараёнининг чизмаси

I.	Устама харажатларни асосий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи бўлимларнинг ўртасида тақсимлаш	→	Бўлинмалар бўйича сметаларнинг бажарилишини назорат қилиш
II.	Хизмат кўрсатувчи бўлимларнинг устама харажатларини асосий ишлаб чиқариш бўлинмаларига қайта тақсимлаш	→	Харажатларнинг моддалари бўйича сметаларнинг бажарилишини ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича назорат қилиш
III.	Устама харажатларни тақсимлаш даражаларини ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмалари учун ҳисоблаб чиқиш	→	Ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмасида ҳақиқатдаги харажатларнинг сметадагидан четга чиқишини аниқлаш
IV.	Устама харажатларни маҳсулот, иш ва хизматларнинг турлари бўйича тақсимлаш	→	Ишлаб чиқариш хажмининг маҳсулотнинг бирлик қиймати таннархидаги устама харажатлар қийматига таъсирини ҳисоблаб чиқиш

Лекин харажатларнинг бир қисмини аниқ бўлинмага олиб бориш мумкин эмас, чунки улар бирданига бир неча бўлинмаларнинг қизиқишида ташкил этиладилар. Масалан: бир неча цехлар учун материал ва ярим тайёр маҳсулотларни субъектнинг ичида ташишга бўлган харажатлар. Бундай холларда сарфнинг ҳар бир моддаси учун тақсимлашнинг турли асосларини қўллаш мумкин.

Бу босқичдаги натижа: сарфларни моддалар бўйича ажратиш, аниқ бўлинмаларга таъллуқли харажатларни белгилаш ва бўлинмалар ўртасида умумий харажатларни тақсимлашлардан иборат бўлади.

Иккинчи босқичда истеъмолчи-бўлинмалар хизмат кўрсатувчи ва етказиб берувчи бўлинмалардан олган хизматларнинг ҳиссасига мувофиқ хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг устама харажатлари ишлаб чиқаришга қайта тақсимланади. Масалан: таъмирлаш-механика цехида (ТМЦ) ишлаб чиқариш бўлинмаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича вақт рўйхатдан ўтказилади. Ишларни олиб бориш учун сарфланган вақт маълумотлари ишлаб чиқарувчи бўлинмалар томонидан кўрсатилаётган ТМЦ хизматларини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Харажатларни тақсимлаш асослари



Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар бир бирига ўзаро хизмат кўрсатганда устама харажатларнинг тақсимланиши қийинлашади. Лекин бундай ҳолларда ўзаро хизматларнинг стандарт (меъёрий) таннарх бўйича баҳолаб тақсимлаш механизми ўзгартирилмайди.

Учинчи босқич- услубни ва ҳар бир бўлинма учун устама харажатларни тақсимлаш даражасини ҳисоблаш жараёнларини ўз ичига олади. Асосий мақсад- турли бўлинмаларда ишлаб чиқарилаётган буюртма ва маҳсулотнинг турларига ушбу харажатларни имкониятн борича одил тақсимлашдир. Бу ерда икки ёндошиш таклиф этилади:

1. Устама харажатларнинг ягона умумзавод тақсимланишини ҳисоблаш. Тақсимлаш даражаси буюртма қайси бўлинмаларда ишлаб чиқарилганлигига қарамай умуман субъект бўйича ҳисобланади. Бундай ҳолларда

харажатларнинг бўлинмалар ўртасида мазмунсиз қайта тақсимланиши юради. Бир бўлинманинг харажатлари иккинчиси ҳисобига қопланади. Ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўлинмаларида тайёрланган ва бир буюртмага таъллуқли бир хил вақт харажатлари бажарилган ишларга ягона даража (ставка)ни қўллаш мақсадга мувофиқ. Агар бу ишларга ҳар хил вақт сарфланса, буюртмаларга уларга хос устама харажатларнинг тақсимланиши учун аввало устама харажатларнинг даражаларини ҳар бир бўлинма учун алоҳида белгилаш керак.

2. Ҳар бир бўлинма учун тақсимлаш даражасини ҳисоблаш. Алоҳида бўлинмалар бўйича устама харажатларнинг умумий суммаси тақсимлаш асосига бўлинади. Буюртмалар ва маҳсулотлар бўйича тақсимлаш асоси қуйидагилар бўлиши мумкин:

- иш, жараёнларни бажарини учун меъёрлаштирилган машина-вақт (станок-соат).
- қўл ишларини бажаришнинг меъёрлаштирилган вақти (меъёр-соат).
- маҳсулотлар, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқаларнинг массаси (оғирлиги).

Даража қуйидагича ҳисобланади:

Ишлаб чиқаришнинг устама харажатлари

Станокларнинг ишлаш вақти ёки асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг ишлаш вақти

Устама харажатларни тақсимлашнинг тўртинчи, якуний босқичи уларни буюртмалар бўйича тақсимлаш ҳисобланади. Ҳар бир буюртма, маҳсулотнинг тури бўйича ишларни бажарин учун бўлинмада сарфланган вақт миқдори аниқланади ва кейин даража қуйидагича ҳисобланади:

Бўлинмалар томонидан берилган буюртма учун харажатланган соатларнинг миқдори	x	Бўлинма учун тақсимлашнинг ҳақиқий даражаси	=	Устама харажатларнинг маҳсулот тури, жараёнга тақсимланиш даражаси

Юқорида келтирилган тартибларнинг ишлатилишида устама харажатларнинг ҳақиқий харажатларидан келиб чиқадилар, бу услубни ижобий тавсифлайди. Лекин услубда қуйидаги камчиликлар мавжуд:

- устама харажатларнинг доимий ва ўзгарувчанликка ажратилиши ҳисобланмайди. Бу харажатларнинг даражаси қатъий белгиланган бўлиб ва ишлаб чиқариш ҳажмига таъллуқли бўлмаган бир даврда ҳажмларнинг ҳар ойдаги ўзгариши ставкалар даражасининг ўзгаришига олиб келади;
- бошқарув ҳисобига бўлган талаб бузилади- давр ичидаги ҳақиқий устама харажатлар ҳақидаги маълумотлар ҳисобот даври тугагандан кейин тайёрланади, шу билан бирга тезкор тартибда у тугаллашмаган ишлаб чиқариш ва фойдали даврий баҳолаш учун, буюртма ва маҳсулотга баҳо қўйиш учун ҳам муҳимдир;

■ тақсимлаш учун ҳар ойда ўзгарадиган даражаларни ҳисоблаб чиқишда кўп меҳнат талаб қилади;

■ маҳсулот ишлаб чиқариш ва устама харажатларнинг вужудга келиши вақтининг бир-бирига тўғри келмаслиги. Масалан, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, иситиш ва ёритиш (қисман) бўйича харажатлар йил давомида бир хил эмас. Шунинг учун устама харажатларнинг ойлик даражаларининг ҳақиқий суммаси фақатгина ҳозирги даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳисобга олади. Демак, қишда «Иситиш» моддаси ҳисобига маҳсулот қимматроқ бўлади ва бошқалар.

Ҳақиқий харажатларни тақсимлаш услубининг камчиликларини эътиборга олган ҳолда, меъёрий даражаларини ҳисоблаш ва устама сарфларни қоплаш усулларига ўтамиз. Меъёрий даража устама харажатларнинг йиллик суммаси ва ишлаб чиқариш фаолияти ҳақидаги маълумотлар асосида ҳисобланади. Тақсимлаш жараёнининг тартиби қуйидаги чизмада келтирилган.

Ишлаб чиқаришда устама харажатларни қоплаш жараёни



Қоплаш усулидан фойдаланиш устама харажатларнинг меъёрий ҳажми ҳақиқий ҳажмдан унча катта фарқ қилмаслигини кўзда тутади. Аниқланган четга чиқишлар давр харажатлари сифатида кўрилади ва молиявий натижага олиб борилади. Шунга эътибор бериш керакки, тугалланмаган ишлаб чиқариш тўғриланмайди, тўлиқсиз ёки ортиқча қоплаш жорий давр харажатларига олиб борилади ва фойдадан қопланилади.

Тақсимлаш усулини танланда маҳсулотларнинг индивидуал таннархини, харажатларни ҳар бир турининг тутган ўрнини, харажатларнинг маҳсулот ҳажми билан алоқасини аниқловчи ишлаб чиқаришнинг аниқ шароитларидан келиб чиқиши зарур.

Нопишлаб чиқариш устама харажатларни қопланишнинг ҳисоб снёсатида ҳар хил тартиби ўрнатилган. Улар қуйидагича бўлиши мумкин:

■ жорий давр сарфларига олиб борилиши ва маҳсулотнинг турларига бўлинмасдан умумий суммаси сотилган маҳсулотнинг таннархига тўла қўшилиши;

■ маҳсулотлар турининг ишлаб чиқариш таннархига мутаносиб равишда тақсимланиши.

Баъзи нопишлаб чиқариш сарфлар ташкилий ва сотув фаолиятнинг тўғридан-тўғри харажатлари бўлиши мумкин. Бундай харажатларга тақсимланнинг бошқа ёндашишлари қўлланилади, улар кейинги бобларда таҳлил қилинади.

5.8. Ярим тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархини ҳисоблаш

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотларга бўлган харажат ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобининг махсус объектини намойиш этади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш- технология асосларга кўра маълум вақтда тайёр маҳсулотга айланмай қолган ишлаб чиқариш ресурслари харажатлари ҳисобланади.

Машинасозликда тугалланмаган ишлаб чиқаришга қуйидагилар киради: технологик жараёнда кўзда тутилиб ишлов беришнинг ҳамма муомаласидан ўтмаган заготовкалар, поковкалар, қуйилмалар, деталлар, узеллар ва буюмлар; комплектлашгача бўлган, синаш, қадоқлаш жараёнида бўлган маҳсулотлар ва бошқалар.

Тугалланмаган маҳсулотларга қуйидагилар кирмайди: цехда мавжуд, лекин ишлов берилмаган ёки узел ва буюмларга йиғиш жараёнидан ўтмаган материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар; яроқсиз деб топилган ярим тайёр маҳсулотлар, узел ва буюмлар; бекор қилинган буюртмалар бўйича ишлаб чиқаришда қолган деталлар, узеллар ва буюмлар; қайтарилган маҳсулотлар.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш қуйидаги жойларда мавжуд: ишчи жойларда, шунингдек, цехларда; ўртадаги цех омборларида ёки бошқа цехга транспортировка қилиш учун деталлар тўпланган жойларда; ишлаб чиқариш бўлимининг тайёр деталлар омборларида; бутловчи омборларда ва йиғиш цехларининг бутловчи бўлимларида, конвейерларда ва йиғиш цехлари ва бўлимларининг йиғиш жойларида, синов станцияларида ва қадоқлаш цехида.

Ишлаб чиқариш ҳисобида таъмирлаш мавжуд жойларга алоҳида аҳамият берилади. Уларга ишлаб чиқариш ҳисоби бутун тизимининг тузилишини белгиловчи назорат-ҳисоб нуқталари сифатида қаралади. Ярим тайёр маҳсулотларнинг цехларда ва ишлаб чиқариш бўлинмаларида тўпланиш жойлари техник назорат бўлими назоратчилари ёки синов станциялари ишчилари томонидан маҳсулотни қабул қилиш учун хизмат қилади. Меҳнатнинг бригада асосида ташкил этилишида ва якуний муомала ёки якуний

маҳсулот бўйича тўланда назорат нуқталарини одатда бригада томонидан «якуний муомала»нинг технология жараёнга мувофиқ равишда бажарилишида ёки деталларни ишлаб чиқариш бўлинмаси ва цехидан чиқишида ташкил этадилар. Муомалалараро оралиқ омборларга эга цехлар ва бўлинмаларда назорат-ҳисоб нуқталари бир-бирларига мос. Бунда уч функцияни қўшишга эришилади: маҳсулот ва ишларни сифати бўйича қабул қилиш; бригада, бўлимда ишлаб чиқаришни аниқлаш; ярим тайёр маҳсулотларни ҳисоблаш ва уларнинг захиралари устидан назорат ўрнатиш.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш захираларини тўплашда бутловчи омборлар, ишлаб чиқариш бўлимининг тайёр деталлар омборлари ва йиғиш цехларининг бутловчи бўлинмалари муҳим ўрин тутади. Йиғиш цехлари ва бўлималари бу ердан деталларнинг сони ва сифати бўйича ўз ҳисобларини бошлайдилар; шу ердан ярим тайёр маҳсулотларнинг орқага ҳаракати ва уларнинг умуман яроқсизлиги ва тўғриланга лойиқлигига бўлинишни бошланади; бу ерда ишлаб чиқаришга жўнатишнинг диспетчерлик тартибга солиш мақсадлари учун тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг бутлиги ва комплектланганлиги тезкор равишда назорат қилинади.

Маҳсулот ишлаб чиқарилиши якунланадиган йиғиш цехлари субъект бўйича ярим тайёр маҳсулотларнинг йиғма балансини тузиш учун маълумотларни умумлаштиради. Бундай маълумотлар деталлар ва узелларни ҳужжатларсиз беришда ўзаро текширишларни олиб бориш учун ишлатилади. Субъектнинг механика цехлари декада, ой давомида ярим тайёр маҳсулотларни йиғиш цехларига бирламчи ҳужжатларни расмийлаштирмасдан жўнатадилар. Тушган деталлар ва узелларнинг миқдорини аниқлаш учун шу ҳисобот давридаги тайёр маҳсулот чиқарилишини ҳисоблаб чиқадилар. Кейин тайёр маҳсулот миқдорининг махсуслиги ёки бутловчи қайдномалар бўйича ушбу маҳсулотга кирувчи ҳар бир тури деталлар миқдорига қўшилади. Олинган натижа тугалланмаган ишлаб чиқариш ва яроқсиз ёки йиғиш цехидан қайтарилган деталлар ва узелларга мувофиқ корректировка қилинади (тартибга солинади). Ҳисоблаш натижалари бир даврда механика цехларидан тайёр маҳсулотларнинг чиқишини ҳисобловчи ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни аниқлаш учун хизмат қиладиган ўзаро текшириш далолатномасига киритилади.

Ишлаб чиқаришни ҳисоблаш тизимида ҳар бир назорат-ҳисоб точкасига ҳисобот санасида тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг жойини аниқловчи маълум код берилади. Тугалланмаган у ёки бу назорат-ҳисоб точкаларида ишлаб чиқаришда қолган деталлар, узеллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг миқдори ишлаб чиқариш ҳисоби бўйича бирламчи ҳужжатларда, цехларнинг балансида ва деталларни субъект бўйича ҳаракатланишининг йиғма балансида акс эттирилади. Цехларнинг балансида кўрсатилган ой охирига бўлган қолдиқлар субъект бўйича тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш қайдномасига оралиқ натижаларнинг турлари бўйича, бир турдаги маҳсулотнинг гуруҳлари бўйича, номланишлари, қиймат кўринишида ҳар бир хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича кейинги гуруҳланиши билан киритилади.

Шу билан бирга деталлар, узеллар ва ярим тайёр маҳсулотлар (ЯТМ) тезкор ҳисобга тугалланмаган ишлаб чиқаришни даврма-давр инвентаризация қилишига муҳтож. У нафақат тугалланмаган маҳсулотнинг сақланишини назорат қилиш учун, балки харажатлар меъёрининг ўзгаришини тўлиқ аниқлаш учун, меъёрдан чиқиб кетиш, маҳсулот таннархини аниқ ҳисоблаш ва алоҳида маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини аниқлаш учун керак.

Инвентаризация тўлиқ ва қисманга бўлинади. Тўлиқ инвентаризация ЯТМ рўйхатини ҳамма назорат-ҳисоб точкаларида қамрашни кўзда тутади. Қисман инвентаризация маҳсулот таннархига таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш ритмининг тузилиши нуқтаи назаридан кўпроқ тақчил (дефицит) ва қимматбаҳо деталлар ва бошқа ЯТМ қамраб олади.

Ўтказиш асосига мувофиқ режали ва режадан ташқари (тўсатдан) инвентаризация мавжуд. Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг режали инвентаризацияси ишлаб чиқариш-диспетчер бўлими томонидан ишлаб чиқилган жадвал асосида ўтказилади. Режали инвентаризациянинг турларидан бирипермапентли- автомобилсозлик ва соатсозлик заводларида кенг қўлланилади. Унинг ўтказилишда ишлаб чиқаришни ушлаб турувчи ёки улар бўйича доимий йўқотишлар ва яроқсиз деталларни кузатувчи рўйхати танланади.

Таъмирланиш мавжуд ҳамма жойларда мажбурий рўйхат тузиш билан натурал жисмоний қолдиқлар олиб танланади. Ҳақиқий қолдиқлар тезкор ҳисобнинг маълумотлари билан таққосланади, унинг ёрдамида ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар аниқланади, брак ва йўқотишлар, деталлар ва ЯТМ етишмовчилиги кўп содир бўладиган жойлар аниқланади. Режали инвентаризацияга шунингдек тугалланмаган ва тайёр маҳсулотлар ўртасида харажатларни бўлиш мақсадида ўтказиладиган ҳар ойги инвентаризациялар ҳам киради. Режадан ташқари инвентаризациялар, одатда, бир моддий-жавобгар шахс бошқасига моддий бойликларни топширишида ўтказилади.

ЯТМ номланиши бўйича инвентаризация ўтказиш жойларида тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг бир хил шаклдаги, лекин ҳар хил мазмундаги ёрлиқлари ишлатилади; охиргиси маълумотга ишлов бериш усули ва жойларда ҳисобни автоматлаштириш воситасининг мавжудлигига боғлиқ. Бундай ёрлиқнинг шакли қуйидаги кўринишда бўлади:

Инвентаризация ёрлиғи (Тугалланмаган ишлаб чиқариш) №167

Сана	Цех	Бўлим	Бригада	Уста ёки омборчи
2.02.91	05	12	3	103
Деталь, узел, йиғма бирлик				
Шифр	Номланиши	Муомала сони	Харажатлар шифри	Миқдори
913512	Кожух	038	201140	203
Ишнинг номланиши- чархлаш				

Ёрлиқлар инвентаризацияни ўтказиш ва унинг натижаларини қайта ишлашни тезлаштиришга ёрдам беради. Инвентаризация ёрлиқларининг маълумотлари тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш қайдномасида умумлаштирилади. Қайдномага муомалалар бўйича ҳамма топширилган ёрлиқлар бўйича берилган рақамдаги деталларнинг умумий сони киритилади.

Майда серияли ва битталик ишлаб чиқаришда инвентаризация ёрлиқлари ўрнига юқори ва қуйи қисмида қайтариладиган бош қисмли йўналиш варақалари қўлланилади. Деталлар ва ЯТМ инвентаризациясида йўналиш варақаси юқори ва қуйи қисмларга бўлинса бас. Юқори қисми тугалланмаган ишлаб чиқаришни аниқлаш ва баҳолаш учун хизмат қилиши мумкин, қуйи қисмида ҳам шунга ўхшаш тартиб рақами қўйилади, у билан йўналиш варақаси ёрдамида деталлар гуруҳини, ишлов берилган деталларни омбор цехларига ёки ИДБ омборларига топширгунча кейинги технология муомалалари бўйича кузатиб борилади.

Ишлаб чиқариш ҳисобининг бирламчи ҳужжатлари ўз вазифаси (мазмуни) бўйича кундалик инвентаризация ишларини бажаради, чунки ишлов бериш учун берилган, тайёр деталлар ва узеллар омборига топширилган деталлар миқдорини ҳар бир гуруҳ бўйича баланслаштиради.

Оммавий ишлаб чиқаришда интеграциялашган ҳисоб ҳужжатлари сифатида ишлаб чиқаришнинг муомалалари бўйича қайдномаси ва узеллар бўйича ишлаб чиқариш қайдномаси ишлатилади, уларни тузилишининг асосий принципи бўлади.

Ишлаб чиқариш қайдномасини таклиф этилган шаклида ишлов беришга берилган тайёрланмалар миқдорининг баланси ва яроқли, яроқсиз ва ишлов берилмаган деталлар миқдорининг принципи қўйилган. Балансга эришилмаган ҳолларда фарққа камомад (етишмовчилик) сифатида қаралади. Далолатнома билан расмийлаштирилган бракланган (яроқсиз) деталлар ҳақидаги маълумотлар ишлаб чиқариш қайдномаси маълумотлари билан таққосланади. Аниқланган тўғри келмасликлар қўлда қайта ишлашда ишлаб чиқариш қайдномасига ёзиб чиқилади, машинали қайта ишлашда- хўжалик ҳисобидаги жамоалар ва маҳсулот турлари бўйича яширилган брак (етишмовчилик) сифатида «Қайднома- ишлаб чиқаришдаги яроқсизлик» машинограммасига ёзилади.

Назорат-ҳисоб точкаларида узеллар ва ЯТМ қабул қилиш учун амалга оширилган якуний муомалалар бригада ёки ишлаб чиқариш бўлинмаси (ўша меъёрга қараб меҳнатга ҳақ тўлаш амалга оширилади) томонидан бажарилгандан кейингина ташкил этиладиган, бундай ишлаб чиқаришларда тугалланмаган маҳсулотнинг қолдиқлари сақлаш жойлари ва омборхоналарда (назорат ҳисоб карточкаларида) мужассамланган. Деталларнинг омборлардаги захиралари ҳақидаги маълумот цехлараро баланса акс эттирилади.

Мураккаб узеллар ва маҳсулотлар муомалаларга боғлиқ бутлашнинг ҳар хил даражасига эга бўлиши мумкин бўлган йиғиш цехларида тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибини аниқлаш маълум асосликлар билан ажралиб тура-

ди. Бундай ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш-диспетчер хизматининг ишчилари узелларни ажратиш қайдномасини тузадилар, унга олдиндан қуйидаги реквизитлар, яъни маҳсулотнинг рақами, узел шифри, йиғиш ёки синаш муомаласининг рақами, деталь рақами ёзилади. Узелларни ажратиш қайдномаси инвентаризация рўйхати сифатида ишлатилади, чунки бу ҳужжатнинг ўзгарувчан сонлари- узеллар миқдори ёки узелда ёки маҳсулотда етишмайдиган деталларнинг миқдори- ҳақиқий ҳолати бўйича қайд қилиб чиқилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг инвентаризацияси ҳар хил даврийлик билан ўтказилади. Уларни ўтказиш муддатлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технологиясининг хусусияти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг мураккаблик тури ва номенклатураси, ишлаб чиқариш даврининг узунлиги ва ишлаб чиқаришга бўлган харажатларнинг умумлаштирилган ҳисобининг қабул қилинган вариантига боғлиқ. Инвентаризацияларнинг ўртасида давр кўп ҳолларда бир ойни эгаллайди. Ҳар ойги инвентаризацияни ўтказиш бўйича ишларнинг мураккаблиги ва кўп меҳнат талаб қиладиганлиги сабабли кўп ҳолда уни ўтказишнинг юзакилигига олиб келади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг ҳисобини юритиш амалиётини ўрганиш натижаси кўрсатганидек, бир субъектларда цехлардан деталлар ва ЯТМнинг ҳаракати натурал кўрсаткичлардаги қайдномасини олиш билан чегараланиса, бошқаларда- цехлар бухгалтерияга натурал жисмоний таркибини расшифровка қилмасдан тўғри харажатлар бўйича тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолашнинг калькуляция қилувчи қайдномасини тақдим этадилар. Иккала вариант ҳам ишлаб чиқаришда содир этилаётган хўжалик муомалаларини тизимли акс эттиришга мослик қилади, шунинг учун хужжатлар орқали аниқлаб бўлмайдиган ишлаб чиқаришдаги кўпгина четга чиқишлар ва йўқотишларнинг вужудга келишига йўл қўяди.

Ҳисобнинг меъёрлаштирилган ҳисобида ишлаб чиқариш томонидан тугалланмаган маҳсулотнинг миқдорини аниқлаш инвентаризацияларараро даврларда харажатларнинг асосий ҳисоби қайдномасининг маълумотлари асосида ҳисоб-баланс усули ёрдамида ўтказилиши тавсия этилади. Ишлаб чиқаришга бўлган харажатларнинг меъёрий ҳисоби ва маҳсулотнинг меъёрий ва ҳақиқий таннархини калькуляция қилишнинг меъёрий усулини қўллаш бўйича намунавий кўрсатмаларда ушбу усулни қўллаш шартлари келтирилган. Асосий шарти- хужжатлаштирилмаган меъёрдан чиқиб кетишларнинг минимал хажмларини кафолатловчи ишлаб чиқариш, таъминот, техник ускуналанган, меъёрланган, тезкор-техник режалаштириш, цехлараро ЯТМ, узеллар ва деталларнинг ҳаракати ҳисобини зарур даражада ташкил этиш. Бу шартлар мавжуд бўлмаган жойларда, тугалланмаган ишлаб чиқариш ёки инвентаризация йўли билан, ёки тезкор ҳисоб маълумотлари бўйича аниқланиши мумкин. Лекин ишлаб чиқаришнинг ҳар хил тавсифли ва ишлаб чиқариш босқичининг узлуксизлиги машинасозлик субъектларида ўтказилган текширишлар шуни кўрсатадики, ҳисоб-баланс усули унинг қўлланиши учун шароит бўлмаса ҳам қўлланилаверади. Бу субъектларда инвентаризация-

дан олдинги ҳисобот даврида ёки унинг натижаларини акс эттириш даврида маҳсулот таннархи ошиб кетиши тасодифий эмас. Бундай даврларда тўлиқ ёки қисман товар маҳсулотининг таннархига қўшиладиган ҳисобланмаган чиқиб кетишлар вужудга келади. Инвентаризациялар ўртасида ҳақиқий таннархни жуда яхши ҳолларда меъёрий таннархнинг 1%гача борадиган ҳужжатлаштирилган четга чиқишларни ҳисоблаш билан меъёрлаштириш бўйича аниқланади. Аслида ҳақиқий таннарх деб меъёрий ҳисобланади.

Инвентаризациялараро даврда цехларда тугалланмаган маҳсулот қолдиқларини аниқлаш учун деталлар ва ЯТМ баланси маълумотларидан фойдаланиш шу намунавий кўрсатмаларда тавсия этилган. Лекин деталлар, узеллар ва ЯТМ харакатининг тезкор ҳисоби уларни ишлаб чиқаришга бўлган харажатларнинг бухгалтерия ҳисобидан ажралган ҳолда тугалланмаган ишлаб чиқаришни комплектланганлигининг устидан назорат олиб боришни заифлаштиради ва моддий бойликларнинг сақланишини таъминламайди. Кўп ҳолларда балансда ҳужжатларда расмийлаштирилган ва ой бошида иш жойида қолган яроқсиз, бекор қилинган буюртмалар бўйича ишлаб чиқаришдан чиқариб ташланган деталлар ва қандайдир сабабларга кўра ишлаб чиқаришдан олиб ташланган маҳсулот учун деталлар ва бошқалар ўз аксини топади.

Тўлиқ инвентаризациялар ўртасидаги даврда кўпроқ тақчил (дефицитли) ва қимматбаҳо деталлар ва ЯТМ танлов текширувини ўтказиш тавсия этилади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳаракатининг интеграцилланган ҳисоби шароитида тугалланмаган ишлаб чиқаришни ва тугалланмаган маҳсулот ва тайёр маҳсулотлар ўртасида субъектнинг умумий харажатларини чегаралашни баҳолаш учун, шунингдек ишлаб чиқариш ва моддий харажатларни ҳисоблаш бўйича дастлабки ҳужжатлар билан мустаҳкамланган деталларнинг цехлараро ҳаракати балансларини ва цех балансларини маълумотлари бўйича тузилган деталлар, узеллар ҳаракатининг умумлаштирилган балансини қўллаш мумкин.

Юқорида кўриб чиқилганлардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисоби деталлар, узеллар ва ЯТМ ҳаракатининг ҳисоби билан боғлиқ. Деталлар ва ЯТМ ҳаракатининг ҳисоби турларининг туркумланиши кенг ёритилган.

Тезкор ҳисоб тизимининг оддий кўринишига қарамай, цехлараро жўнатишларнинг календар графигига мувофиқ уларни тайёрлаш муддатлари билан таққослаш ёрдамида ЯТМ деталлар бўйича ҳаракатланишининг цехлараро ҳисоби кенг тарқалишга эга бўлди.

Цехлараро тезкор ҳисоб деталлар, ЯТМ, цехлар ўртасидаги гуруҳлашган комплектлар узеллари, цехлар ва ИДБ омборлари ўртасидаги ҳаракатларига таъллуқли; шунингдек деталларни цехлараро, цехлар томонидан жўнатилган йиғиш бирликлари, узеллар ва гуруҳлашган комплектлар технология таркибини ҳар ойда (ёки бошқа календар даврда) ҳисоби; МТТ ва ИДБ бўлимларининг омборларидан олинган сотиб олинган ЯТМ ва комплектловчи буюмлар сарфланишининг ҳисоби; ҳар бир цех бўйича бутунлай яроқ-

сизга чиқарилган деталлар, узеллар ва комплектловчи буюмларнинг ҳисоби ва чиқариб кетилиши; таъмирлаш, синаш ва бошқа йўқотишларга чиқарилган деталларнинг ҳисоби; деталлар ва комплектловчи буюмларнинг бошқа цехларга ва омборларга қайтарилишининг ҳисоби; деталлар, узеллар ва ЯТМ цехлараро ҳаракатининг ҳар ойда балансини тузиш бўйича муомалаларнинг комплексини акс эттиради.

Деталлар, узеллар, ЯТМ ҳаракатининг цехлараро ҳисоби цехга товар маҳсулоти бўйича тасдиқланган режани, ишлаб чиқариш-диспетчер бўлимининг омборларига деталларни цехдан цехга беришнинг комплектлашганлигини назорат қилиш, йиғиш цехларини комплексли таъминлаш, ЯТМ сақлаш бўйича ишларнинг бажарилишини жорий кузатиш муҳимлигидан келиб чиққан ишлаб чиқаришнинг тезкор ҳисоби, назорати ва тартибга солиши билан субъектнинг ишлаб чиқариш-диспетчер бўлимлари ва цехларнинг режа-тақсимот ёки режа-диспетчер бюролари шуғулланишади. Бирламчи тезкор ҳисоб функцияларини моддий омборлари, ЯТМ, тайёр деталлар, узеллар, буюмлар омборлари, керакли техника билан таъминланган йиғиш пунктлари ва тезкор-ишлаб чиқариш маълумотларини қайд қилувчи пунктларининг ишчилари шуғулланадилар.

Ишлаб чиқаришда ЯТМ ҳаракати ҳақидаги маълумот тезкор режаларнинг боғланиш ва ўзгаришн бўйича масалаларни вақт меъёрлари билан биргаликда счетда керак бўлади.

Бу ҳисобнинг камчиликларига келтирилган бўлимлар ва бюролар ишчиларида тежаш, деталларни сақлаш, моддий ресурслардан рационал фойдаланишга бўлган қизиқишнинг йўқлигини киритиш мумкин, чунки уларнинг моддий рағбатлантирилиши субъектнинг умумий фаолиятининг самаралилигига эгри боғлиқ. Уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва қўшимча тўловлар ишлаб чиқарши бўлинмаларининг иқтисодий натижалари билан келишилмаган.

Деталларнинг цехлараро ҳаракати ҳисобининг яратилишида субъектда қўлланилаётган деталларни цехдан цехга ёки ИДБ омборларига қабул қилиш-юборишнинг бирламчи расмийлаштириш тизими муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳисоб ҳужжатли ва ҳужжатсиз тизимга бўлинади.

Ўзи ишлаб чиқарган ЯТМ кўпгина машинасозлик субъектларда тайёрлов, пресловчи, темирчилик, қуювчи цехлардан йиғиш, механик, термик, гальваник ва бошқа ишлов берувчи ва йиғувчи цехларга юкхатлари, кузатувчи ёрлиқлар, спецификация, омбор ҳисоби карточкалари, дуаль-карта ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар орқали юборилади. Бу ҳужжатларнинг маълумотлари асосида цехлардаги товар маҳсулотларининг натурал ҳолати аниқланади.

Бизнингча, асосийлари қуйидагича: тезкор режалаштириш ва тезкор ҳисоб ўртасида ўзаро алоқанинг йўқлиги, цехнинг товар маҳсулоти ва субъект товар маҳсулотининг таркиби бўйича ҳисоблаш услубиятларининг бир-бирига тўғри келмасликлари, бригада, бўлинма, цех ва субъектнинг «якуний маҳсулот» тушунчасини изоҳлашдаги фарқлар, шунингдек маҳсулотнинг тезкор ҳисоби шу маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича харажатларнинг ҳисобидан узвий шаклда ташкил этилган.

Ишлаб чиқариш тезкор ҳисоби турларини туркумлаш чизмаси



Бошқа кам муҳим бўлмаган момент- ўзаро текширув ва ҳисоблар муддати. Бир цехдан бошқа цехга бериш ҳолати смена билдиришномалари ва ИДБ маълумотлари бўйича тезкор текширилган вақтда, таққослаш далолатномалари ҳар ойдаги цехлараро баланс маълумотлари бўйича тузилади. Ҳар куни олинадиган маълумот ишлаб чиқаришни юритишни тартибга солиш учун етарлидир, шунинг учун ўз аксини балансларда топаётган маҳсулот етказиб беришнинг ҳужжатлаштирилган турига қараганда у кўпроқ ишончлидир. Шуни таъкидлаш керакки, кўп ҳолларда бўлимлар балансларни умуман бухгалтерияга топширмайдилар ёки уларга бирламчи ҳужжатларни илова қилмайдилар.

Ҳар бир цехнинг товар ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлашга асосланган варианти, тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг ўзгарган суммасини ишлаб чиқариш таркибига киритишни назарда тутади. Бу вариант-

нинг афзаллиги цехларда товар ишлаб чиқарилишининг бригадада маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларга ҳақ тўлаш билан мослигидадир. Аммо у аниқ, синчиклов, ишончли инвентаризация ва яроқсизга чиқарилган деталлар ва ЯТМ ҳисоблаш ва аниқлашни талаб қилади.

Йиғиш цехларида топилган яроқсиз детал, агар у етказиб берувчи цех томонидан содир этилган бўлса, иккита далолатнома билан расмийлаштирилади ва товар ишлаб чиқаришдан чиқариб ташланади, агар олувчи цех томонидан содир бўлган бўлса, етказиб берувчи цехнинг товар маҳсулоти таркибига киритилади. Якуний маҳсулот бўлиб нафақат тайёр буюм ҳисобланади, балки йиғиш ёки механик йиғиш цехларининг ихтисослигига боғлиқ узел, агрегат ҳам (масалан, музлаткичлар ишлаб чиқарадиган заводларда компрессорлар, музлатувчи агрегатларни ва бошқаларни йиғувчи цехлари мавжуд) тегишли цех ёки бўлинмаларнинг тайёр маҳсулоти ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг комплектланганлигига нисбатан иккала усулни таққослаш шуни кўрсатадики, биринчи вариант субъектнинг товар маҳсулоти режасига мўлжалланган цехлар томонидан комплексли ишлаб чиқаришни керакмас, ортиқча деталлар, тайёрланмалар, штамповкалар ва бошқалар билан ифлослаштирилмасдан қатъий чегаралайди.

Ҳужжатсиз беришнинг ҳар қандай вариантида ҳисоб натижалари яроқли ва яроқсиз бўлган деталларнинг миқдори, тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг ўзгариши кўрсатилган ихтисосликка мувофиқ олдиндан белгиланган номенклатура бўйича далолатнома ёки ЯТМ топшириш қайдномалари билан расмийлаштирилади. Далолатномалар ёки қайдномаларни етказиб берувчи цех ва истеъмолчи цехнинг вакиллари текширадилар ва имзо қўядилар. Агар йиғиш цехлари технология бўйича кўзда тутилмаган деталларни йўналишлари бўйича жўнатсалар, ундай гуруҳ алоҳида қайднома билан расмийлаштирилади ва етказиб берувчи цехнинг ишлаб чиқаришига қўшилади.

Баъзи субъектлар, деталларни механик цехлардан йиғиш цехларига жўнатиш графигининг бажарилишини назорат қилиш мақсадида юкхатлардан ташқари, механик цехлардан қабул қилиб олишнинг охирги муомаласида ТНБ томонидан тасдиқланадиган смена билдиришномаси тузадилар. Улар умумлаштирилган тезкор ҳужжат сифатида қўлланилади ва далолатномалар текширув қайдномалари ўрнига ЯТМ ҳаракати балансига илова қилинади. Бундай тизим деталларни гуруҳлаб юборадиган субъектлар томонидан қўлланилади.

Айрим субъектларда деталлар гуруҳи билан идишда графикка асосан юборишларни акс эттирувчи, йиғиш цехининг ИДБ учун бирламчи ҳужжати сифатида хизмат қиладиган ёрлиқ (бирка) жўнатилади. Ёрлиқнинг мажбурий реквизитлари: етказиб берувчи цех ва олувчи цехнинг шифрлари, деталларнинг миқдори ва рақами. Лекин цехлараро балансларга ёрлиқлар илова қилинмайди ва бухгалтерияга топширилмайди.

Деталлар ва ЯТМ ҳужжатсиз жўнатиш тизими субъектнинг якуний маҳсулоти бўйича ҳисобининг оддийлиги сабабли йиғиш ва механик цехлари ўртасида кенг тарқалган. Бошқа қолган ҳамма технология чегаралаган

(регламентлашган) ва цехларнинг ихтисослиги томонидан кўзда тутилган ҳаракат йўналишларида ишлов бериш бўйича олдинда кетаётган етказиб берувчи цехлар товар ишлаб чиқариши истеъмолчи цехларнинг биринчи муомаласи амалга оширилаётганда аниқланади. Шундай қилиб, агар темирчилик цехи деталлар ва паковкаларга термик ишлов бериш ишини бажарса унда темирчилик цехининг ушбу помлашишдаги товар маҳсулотини термик ишлов беришдан ўтган деталларнинг миқдори бўйича санайдилар.

Тайёрлов цехларининг товар чиқарилишини механик цехининг биринчи муомаласида ишлов беришдан ўтган деталлар миқдори бўйича аниқлайдилар.

Қуювчи цехлар томонидан қуйилмаларни топшириш учун дастлабки ҳужжатлаштириш ишлаб чиқариш турлари ва тезкор ҳисоб тизими билан келтирилган айрим хусусиятларга эга. Майда гуруҳ (серия)ли ишлаб чиқаришда деталлар, қуйилмалар тайёрлаш муддатлари бўйича номенклатура ҳисоби шакли қўлланилади, йирик гуруҳ (серия)лида- таъмир меъёрларидан четга чиқишларнинг ҳисоби ташкил этилади. У ёки бу ҳолатларда ҳам бошқа цехларга ва омборларга ўтказиш ҳақидаги маълумотлар керак бўлади, шунинг учун, одатда бир турдаги мазмунга эга бўлган ҳужжатлар, сменали топшириқ-ҳисоботлар ва бошқалар расмийлаштирилади.

Чўян қуйиш цехи экспедициясининг қуйилмаларни топшириш учун сменали топшириқ-ҳисоботи

№	Деталь №	Қаерга бериш	Миқдори, дона	Ҳақиқатда берилди, дона	Чиқиб кетишларнинг сабаби
1.	3-19	Механика цехи №10	1000	600	Кесиш бўлимида ушланиб қолиниши
23.	1-11	Тайёрлов омбори	1500	1800	
24.	2-17	Тайёрлов омбори	1600	1100	Қуйилмаларнинг йўқлиги
	ва бошқалар				

Сменали топшириқ-ҳисоботдаги мавжуд маълумотга қўшимча сифатида қабул қилиш-топшириш қайдномаларини, ҳар битта смена учун ТНБ имзо чеккан режа-карталарини тузиш талаб қилинади. Ой тугаши билан ўзаро текширувдан кейин цехлар ва омборларнинг вакиллари томонидан ойлик ҳисоботлар тўлдирилади. Деталларни топшириш ва қабул қилиш маълумотларининг бир-бирига тўғри келмаслиги кўп учраб туради, лекин аниқланган четга чиқишларнинг тўлиқ рўйхати бўйича тўғриланишлар ҳисобот даврининг охирги сменаларида тузилган топшириш-ларни тасдиқловчи дастлабки ҳужжатларда акс эттирилади.

ЯТМ ҳужжатларсиз жўнатишнинг кўриб чиқилган вариантлари тезкор ҳисобда деталларнинг ҳаракати ҳақидаги маълумотнинг такрорланишини тўлиқ

тугата олмайди, лекин маълумотнинг ишончлилиги текширилади ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий қолдиқларини акс эттириш мақсадида ҳисобот даври ўтгандан сўнг ҳужжатларда расмийлаштирилади. Аммо цехлараро тезкор ҳисобнинг услубияти унинг бундай қўйилишида у ёки бу сабабларга кўра ҳисобга олинган деталларга айланмаган заготовкалар, паковкалар, қуйилмалар, штамповкалардаги йўқотишларни аниқлашни кўзда тутмайди. Ишлов берилган ЯТМ ҳисобига қўйиладиган биринчи назорат-ҳисоб нуқтаси бўлиб технология жараёнинг боши ҳисобланади. Цехлараро хужжатсиз ҳисоб тизими цех ичидаги ҳисоб, шунингдек, транспортировка ва цехлараро омборларда сақлаш жараёнлари билан боғланмаган.

Амалиётда кўриб чиқилганлардан фарқ қиладиган ЯТМ ва узелларни топшириш ва қабул қилишни ҳужжатлаштиришнинг бошқа вариантлари ҳам қўлланилади.

Механизация ва цехлараро ўтказишлар ҳақидаги маълумотларни йиғишнинг автоматлаштирилиши ўша ҳужжатларнинг юкхати ва биркасини назарда тутади. Хусусий ишлаб чиқаришдан ЯТМ қабул қилиш ва юбориш ҳақидаги маълумотларни киритиш ва тасдиқлаш тартиби ўзгартирилган холос. Юкхатларни икки нусхада ёзиш бирка ёзиш билан бир даврда маълумотлар ишлаб чиқаришни қайд қилувчилардан ЭҲМ узоқ мусофадан (дистанцион равишда) юборилади. Биринчи нусхаси истеъмолчи цехнинг қабул қилиб олувчисига ёки омбор ишчисига топширилади, иккинчиси унинг имзоси билан етказиб берувчи цехга қайтарилади. Ушбу ҳужжатлар деталлар билан бирга идишга солинади. Истеъмолчи цехнинг қабул қилиб олувчиси ўзидаги юкхатнинг нусхаси билан шу тарада ЭҲМ хабар бериш билан етказиб берувчи цех ва истеъмолчи цех шифрларини кўрсатиб деталларнинг рақами ва миқдорини тасдиқлайди. ЭҲМ марказига келаётган маълумот автоматик режимда текширилади. Маълум тўғри келмасликлар топилганда смена бўйича сабаби кўрсатилган деталларнинг рақами ёки миқдорининг тўғри келмаслиги- «Келишмовчиликлар далолатномаси» деган машинограммада акс эттирилади. Ушбу рақам бўйича топширилган юкхати ҳисобланмайди ва демак, киритилмайди ва чиқариб ҳам ташланмайди.

Юкхатлардаги тўғриланлар сабаблари, шифри ва тўғриланларнинг айбдорлари кўрсатилиб янгидан тузиш билан киритилади.

Ҳисобнинг бундай ташкил этилишида ижобий томони бўлиб, вақтнинг реал масштабида маълумотнинг ишончлилигини таъминлаш, транспортировка даврида ЯТМ асрашни назорат қилиш ҳисобланади.

Буюмлар кўп сонли майда деталлар ва узеллардан мавжуд бўлган, юборишэса гуруҳли комплектлар билан содир бўлаётган мосламалар қуриш ва электрон саноати корхоналарида, ойлик-қабул қилиш-топшириш қайдномаси кенг тарқалган.

Қайднома детал, узел, гуруҳли комплектнинг ҳар бир номланишига икки нусхада ёзилади, улардан биттаси етказиб берувчи цехда бўлса, иккинчиси эса ИДБ омборида ёки цехда бўлади (147 - бетда).

Қайдномада қуйидагилар келтирилади: детал (узел, гуруҳли комплект) муомаланинг номланиши ва шифри, чизма бўйича рақами, режа-график бўйича миқдори ва ой бошида ўсиш натижаси билан ой давомида ҳақиқатдан топширилган деталларнинг миқдори.

Ушбу йиғма қабул қилиш-топшириш қайдномасини қўллаш линейный, прессловчи, гальваник ва бошқа тайёрлов цехлари томонидан режанинг бажарилишини кузатади ва ЯТМ юборишининг комплектлашганлиги устидан ҳар куни назорат қилишни таъминлаб, иш хажмини насайтиради ва тезкор ҳисобни оддийлаштиради.

Бундай турдаги қайдномаларни қўллаш омбор ҳисоби карточкаларида ҳисобни юргизишдан воз кечишга имкон беради. Қайдномалар билан нафақат омборга келиши, бошқа цехга олдиндан комплектланган гуруҳли комплектлар билан бериш ҳам расмийлаштирилади. Деталларни омбор бўйича ҳаракатининг баланси қайднома маълумотларига асосан тузилади ва у бўйича турли муддатга бўлган деталлар ва узелларнинг қолдиғини аниқлаш имкониятини яратади.

Омборда қутиларда, ячейкаларда, стеллажларда ва бошқа идишларда сақланаётган ҳамма деталлар уларнинг номланишлари ва миқдори кўрсатилган ёрлиқлар билан кузатилишлари шарт. Келиб тушиши ва сарфланиши ёрлиқдаги қолдиқни корректировка қилиш йўли билан акс эттирилади. Керак бўлишига қараб ҳақиқатдан мавжудлиги ўз навбатида қайднома бўйича қолдиқ билан ёрлиқдаги қолдиқ таққосланади.

Ишлаб чиқариш гуруҳ (серия)ли тавсифга эга бўлган бир қатор қишлоқ хўжалиги машинасозлик корхоналарида детал, узел, гуруҳли комплектнинг ҳар бир турига ойлик тўплов карталари ишлаб чиқилган ва қўлланилади. Деталларни узатиш келиш муддатлари бўйича акс эттирилади (кейинги бетда).

Ойлик натижаларнинг тўғрилиги картада етказиб берувчи цех ва олувчи цех ходимларининг имзолари билан тасдиқланади. Афсуски, тўпловчи карталар билан бир қаторда бир вақтнинг ўзида тезкор бошқарув учун заводнинг ИДБ топшириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида суткали билдиришномалар тузилади. Бунинг натижасида ЯТМ битта номланиши цехлар томонидан икки марта кўчирилади ва битта маълумот уч марта умумлаштирилади. Шунинг учун кўп уюшмалар тўпловчи ойлик карталарини тўлдиришдан воз кечишган.

Ишлаб чиқаришнинг серияли туридаги кўпгина машинасозлик корхоналарида унинг асосида цехлараро ҳисоб учун назоратнинг йўналиш тизими ишлаб чиқарилган йўналиш технологияси кенг тарқалди. Тизимнинг мазмуни тайёрлов цехидан бошлаб деталлар гуруҳи (партияси)ни ишлаб чиқаришга киритиш графигига асосланган ҳолда олдиндан белгиланган (чизма кейинги бетда).

Қабул қилиш- топшириш қайдномаси (детал, узелларга)

Жўнатувчи	Олувчи	Детал, узел		Жами	Режа (қабул қилиш-топшириш) минг дона						Топширилди				Топшириш - қабул қилиш ҳақида тилхат
		Номланиши	Чизма рақами		5	10	15	20	25	30	Сана	Бир кунда	Жами	Ой бошидан	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Цех №63	Ц/Б омбори	Мқ	345100	500	90	170	250	240	410	500	1.03 2.03 3.03	47 20 53	Аминов Аминов Аминов	47 67 120	Комилов Комилов Комилов

Деталларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш варақи №246 7 март 2002 йил.

Цех №	Бўлима №	Омбор №

Белгилаш муддати
Ишо

Қўшимча ҳаракат варақи			
Сана	№	Миқдори	Қайта ишлаш

Сана	Ишнинг номи ва деталнинг №	Ишнинг ш.ш.	Берилган		Тилхат		Техник назорат бўлимига топширилди, дона					Ортиқча	Кам	Техник назоратчи ишнинг имзоси
			Миқдори	Берилган №	Бердим	Олдим	Яроқли	Қайта ишлашга берилди	Яроқсиз					
									Мутлақ	Тузатиш мумкин	Жами			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
07.03	Тиш чиқариш	Шпиндели	150	97	Бобонов	Шпиндел	148	-	2	-	2	-	-	Жумашев
	Йўнуғич	Уровбосе	150	112	Бобонов	Уровбосе	146	-	2	2	4	-	-	Жумашев

Уста Хулойкаров Омбарчи Баноров

Деталларнинг тайёрлов цехларидан ишлов бериш ва йиғиш цехларига бўлган ҳаракатини ҳисоб ва назорат қилиш тегишли реквизитлари мавжуд бўлган йўналиш варақалари ёки режа-карталари бўйича амалга оширилади. Дастлабки ҳужжат чиқарилаётган ҳар бир гуруҳ (партия)га ёзилади ва унинг ҳаракатини тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилгунча кузатиб борилади. Ҳамма гуруҳ (партия)га ишлов бериш жараёнида варақа ва карталарда технологик йўналишга мувофиқ бажариладиган муомалаларни, яроқли ва яроқсиз деталларнинг миқдорини акс эттиради.

ЯТМ бузилиши ва яроқсизлиги қўшимча хужжат билан расмийлаштирилади. Турли субъектларда йўналиш варақалари ҳар хил мазмунга ва шу мазмунга мувофиқ реквизитларнинг тизимига эга.

«Қишлоқ хўжалик машинасозлик» жамиятида қўлланиладиган цехлараро йўналиш варақасининг оддий шаклини келтирамиз.

Деталларнинг цехлараро ҳаракатида йўналиш варақаси уларни заготовкалар омборига ва тайёр деталлар омборига топширишда топшириш ҳужжати сифатида хизмат қилади. Унга асосланиб заготовкалар омборидан ишлов берин учун механик ишлов берин цехига ЯТМ берилади. Ишлов берин тугагандан сўнг деталлар гуруҳи йўналиш варақаси билан тайёр буюмлар омборига топширилади, у ерда деталлар саналади ва миқдорий ҳисобга қабул қилинади. Омборда кирим қилингандан сўнг ишлов берилган гуруҳни ёнин учун корхонанинг ИБДга топширилади. Лекин бу йўналиш варақалар ва режа-карталарни кўп ҳолларда товар маҳсулотини чиқариш ҳақидаги билдиришнома, ҳисобот билан алмаштирадилар ёки деталларни юборин режа-графигида юборишларнинг миқдорини акс эттирадилар. Масалан: графикларда деталларни цехлараро жўнатишнинг лимити ва йўналишини, ой бошидан буён ўсувчи натижа билан ой давомида кунлари бўйича хақиқатда топширилганларни кўрсатиш кўзда тутилган. Графикларнинг якуний натижалари деталларнинг стиб келиши ва топширилиши, уларнинг ҳаракати ҳақидаги ҳисоботлар ёки балансларда акс эттирилади. Товар маҳсулоти ҳажмининг ҳисоби ва туталланмаган ишлаб чиқаришнинг комплектланганлигининг таҳлили ҳақидаги билдиришномаларни тузиш учун қўлланилади.

Маҳсулотнинг цехлар томонидан чиқарилиши ҳисобини ва тезкор режалаштиришнинг узлуксиз шароитида унинг цехлараро ҳаракатини ташкил этиш айрим хусусиятларга эга. Дастлабки хужжатлаштириш ўзгаришсиз қолади, лекин маълумот мутаносиблик картотекаларига сутка-комплектлар бўйича гуруҳлаштирилган деталлар ҳисоби карталарини юритишни кўзда тутади. Карталарда бир номланишдаги деталларнинг стиб келиши ва сарфланиши хақида белги қўйилади, сутка-комплектларнинг режа номерлари таъминланганлиги ҳисобланади, етиб ўтишлар аниқланади, меъёрдан юқори таъмир ва қолиб кетишлар кўрсатилади.

Бу ҳолда ҳисобнинг асос солувчи принципи бўлиб ҳақиқатдаги таъмирларнинг ўрнатилган меъёрдан чиқиб кетиши хизмат қилади. Сақланишнинг ҳамма жойларидаги таъмирларни деталларнинг ҳар бир номланиши бўйича ҳисобланганлигини қўшиб тугалланмаган ишлаб чиқариш тўлиқ ҳажмда аниқланади.

Мамлакатнинг 6дан ортиқ машинасозлик субъектлари ўрганиб чиқилганда ва 4та собиқ вазирликларнинг ишлаб чиқаришда деталлар, узеллар ва ЯТМ ҳаракатининг тезкор ҳисобини ташкил этиш бўйича йўриқномалар ўрганилганда, таклиф этилаётган ва амалиётда қўлланилаётган вариантнинг ҳар бири ўз хусусиятига эга бўлишига қарамай, алоҳида элементларни такомиллаштирмасдан ишлаб чиқаришнинг ҳисоб тизимини яратиш кузатилади. Цехлараро ҳисобга келсак, унга тизимда миқдорий ҳисоб маълумотини умумлаштирувчи усул сифатида қаралиши керак ва у цех ичидаги ишлаб чиқариш ҳисоби маълумотларига асосланиши керак.

Субъектларда муомалалараро омборлар ва ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот ва ЯТМ марказлашган омборларининг мавжудлиги бутлаш бўлинмалари билан бирга уларни моддий бойликларнинг тезкор омбор ҳисобига хос миқдорий ҳисобнинг дастлабки ҳужжатлаштирилиши ва балансли умумлаштируви мустақил бўлинмага ажратишни талаб қилади.

Цехлараро омборлар ва цехлар ичидаги муомалалараро омборларнинг функцияларига қуйидагилар киради: ҳамма турдаги заготовкаларни, тайёр деталлар, гуруҳли комплектларни сақлаш, календар-режа белгиланган миқдорда узелларни комплектли қабул қилиш ва комплектда цехларга ва истеъмолчибўлинмаларга ишлов бериш ёки йиғиш учун бериш. Бу муомалалар омбор ҳисобига маълум талаблар қўяди. Унда маълум муддатга ва ҳисобот даврининг охирига бўлган заготовка ва деталларнинг мавжудлиги, комплектланганлиги ва захира меъёрларига риоя қилиш таҳлили, ҳужжатда ёки машиналарда расмийлаштирилган кирим, комплектлаш ва сарфининг аксини топиши керак.

Омбор ҳисоби маълумотлари субъектнинг турли функционал хизматлари томонидан ишлаб чиқаришни бошқариш, транспортировка, омборга жойлаш ва комплектлашда моддий бойликларни асрашни назорат қилиш мақсадларида кўп марта фойдаланилади. Ишлаб чиқарилган ЯТМ ҳаракати ҳисоби тизимида у оралиқ боғловчи звено бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқаришнинг тезкор ҳисоби тизимининг муҳим элементлари бўлиб деталлар ва ЯТМ ҳаракатининг цех ичидаги ҳисоби хизмат қилади. Мазмуни бўйича бу ҳисоб жараёни технологиясининг жўнатиладиган, бошланғич жараёни, ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотни шаклланишининг бошланиши ҳисобланади. Шунга қарамай тармоқ ва субъектлар даражасидаги стандартлар ва йўриқномаларда у керакли даражада тўлиқ ёритилиши ва амалиётга тадбиқ қилиниши лозим.

Таҳлил кўрсатишича, ўрганилган субъектларнинг ҳеч бирида тезкор ҳисоб ҳисоб тизими сифатида расмийлаштирилмаган. Шунинг учун цех ичидаги ҳисоб ёки умуман йўқ, ёки деталлар, узелларни бригадалар ва ички бўлинмалар ўртасида ўтказишда амалга оширилади. Бунда кўп меъёрда маҳсулот ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича ҳисобда рўйхатдан ўтказилади. Дастлабки ҳужжатлаштириш бўлинма бўйича тезкор-ишлаб чиқариш ҳисоб услубияти ЯТМ ҳаракатининг цехлараро ҳисобини акс эттиради.

Ишлаб чиқаришнинг цехлар ичидаги тезкор ҳисобини такомиллаштириш

масалалари субъектлар даражасида унинг яратилиши учун масъулиятли олган хизматлар томонидан гармонияланган ишлаб чиқариш жараёнининг қайтарилиши ва акс эттирилишининг ягона услубий асосида очилиши мумкин.

5.9. Давр харажатларини ҳисобга олиш ва уларни бошқариш

Бозор муносабатларига ўтиш маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш харажатларини якуний натижалар билан таққослашни тақозо этади. Ушбу таққослашда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг ўлчови бўлган таннарх муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун харажатларнинг таннархга қўшиладиган ва фойда ҳисобидан қопланадиган қисмини ажратиш бўйича мавжуд амалиётни қайта кўриб чиқиш ва тегишли кўрсатма ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Харажатларни таннархга қўшиладиган ва бошқа манбалар ҳисобидан қопланадиган қисмларга ажратишнинг асосида ижтимоий маҳсулот қийматининг истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурслари, меҳнат ҳақи жамғармаси ва қўшимча маҳсулот қийматига бўлиниши ётади.

«Харажатларнинг таркиби ҳақида»ги Низомда маҳсулотнинг таннархига қўшиладиган ва фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлар айрим-айрим кўрсатиб берилган.

У ёки бу харажатларни маҳсулот таннархига қўшиш ёки фойда ҳисобидан қоплашда таннархнинг субъект хўжалик ҳисоби фаолиятини тавсифлайдиган иқтисодий категория ва кўрсаткич эканлигидан ва унинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги аҳамиятидан келиб чиқиш зарур. Маҳсулот (иш, хизмат)нинг таннархига қўшиладиган харажатлар ижтимоий-зарурий хусусиятга эга бўлиши ва қийматни яратишга бевосита алоқаси бўлиши керак.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, хўжалик юритишнинг самардорлиги сунъий равишда таннархнинг таркибини қисқартириш ёки кўпайтириш билан эмас, балки истеъмол қилинган ресурсларни ишлатиш даражаси билан тавсифланади.

1999 йил 1 январдан кучга кирган «Маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомда юқорида баён этилган фикрлар эътиборга олинган. Чунки хўжалик юритувчи субъект олган даромадидан ҳисобланадиган солиқнинг тўғри ҳисоблашиши ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг таннархига қўшиладиган харажатларнинг таркибини тўғри аниқлаш билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бир вақтда қўйидаги ҳолатни ҳам эътиборга олиш лозим, ҳозирги даврда тармоқ ва тармоқларнинг аҳамиятидаги юзлаб меъёрий ҳужжатлар мавжудки, уларнинг ҳаммаси ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг таннархини шакллантириш масалаларига бағишланган. Шунинг учун ҳам ушбу бош-бошдоқликни тугатиш мақсадида ва харажатларнинг таркибини тартибга келтириш учун Вазирлар Махкамаси 1999 йил 5 феврал куни «Маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш тўғрисида 54-сонли қарор қабул қилди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида маҳсулотнинг таннархини шакллантириш тартиби бўйича иқтисодий шароитнинг тубдан ўзгаришига ва фаолиятнинг турли тармоқ-

ларга таъаллуқлигидан қатъий назар ушбу тартибни жорий қилишни талаб қилди. Чунки ушбу қарор хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг натижасидан меъёрий жорий қилинган шароитлар чегарасида максимал даражада солиқ олишга давлат ўзининг асосий эътиборини қаратди.

Ҳозирги жорий қилинган иқтисодий сиёсатда, яъни солиққа тортишда хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳақиқий таннархига олиб борилаётган харажатлар ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолди. Чунки ушбу Низом билан хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятидаги харажатлар эмас балки солиққа тортиш мақсадида таннархни ҳисобга олиш тартиби меъёрлаштирилди ва лимитлаштирилди.

Илгариги қабул қилинган тартиб бўйича бухгалтерлар харажатларнинг бир қисмини таннархга олиб борса ва бир қисмини эса фойда ҳисобидан қоплар эди. Эндиликда Низомда таъкидланишича «Низом бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун ва солиққа тортиш мақсадлари учун харажатларни ҳисоблаш жараёнида содир бўладиган фарқларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган». Натижада ҳисобнинг олдига икки вазифа қўйилган:

а) хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти бўйича умумий молиявий натижаларни аниқлаш мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)-нинг ҳақиқий таннархи бўйича ишончли маълумотлар билан таъминлаш;

б) олинган даромаддан (фойдадан) олинадиган солиқни тўғри ҳисоблаш учун солиққа тортиш мақсадида таннархни ҳисоблашни таъминлаш.

Бу Низомни ишлаб чиқишдан мақсад бухгалтерия ҳисобида жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган «Қисқартирилган таннарх» кўрсаткичини қўллашга ўтишдир.

Қисқартирилган таннархга маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар киритилмайди. Бундай харажатлар давр харажатлари таркибида ҳисобга олиниб, фойда ҳисобидан қопланади.

Давр харажатлари амалиётимиздаги харажатлар ҳисоби тизимида янги кўрсаткичдир Унга бошқарув, тижорат харажатлари, бошқа умумхўжалик аҳамиятидаги муомалавий харажатлар ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари киради. Давр харажатлари ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаганлиги, бироқ субъектнинг асосий фаолияти бўлган маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлганлиги учун, бошқача қилиб айтганда, ушбу давр харажатлари жараён харажатлари ҳамда умумий ва маъмурий харажатлар деб ҳам аталади. Бу харажатлар ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулот ҳажмига эмас, балки хўжалик фаолиятининг давомийлигига боғлиқ бўлади. Ушбу харажатлар содир бўлган ҳисобот даврида йиғилиб борилади ва ҳисобот даврининг охирида тегишли счётларга ҳисобдан чиқарилади, яъни субъектнинг олган даромад суммасини камайтиради.

Бошқарув ҳисобида давр харажатлари ҳисобга олинида тасдиқланган «Низом»га асосан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш харажатлари.
2. Маъмурий харажатлар.
3. Бошқа муомалавий сарфлар.
4. Келгусида солиққа тортиладиган асосдан чегирилган ҳисобот давридаги сарфлар.

Ушбу харажатларни тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш мақсадида

айрим ҳолда кўриб чиқамиз.

1. *Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар.*

Халқ хўжалиги тармоқларининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ушбу харажатларнинг таркиби айрим хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятлар (харажатларнинг номенклатураси) тармоқларнинг услубий кўрсатмалари ва маҳсулот (иш, хизмат)нинг таннархини калькуляция қилиш бўйича йўриқномада акс эттирилади.

Умумий тартибда бу харажатлар қуйидагича таркиб топган:

1. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва товарларни транспортларда (темир йўл, ҳаво, автомобилда ва ҳоказо) ташиш харажатлари;

2. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш харажатлари (савдо ва умумий овқатланиш субъектларида ушбу харажатлар кенгроқ ёритилади);

2.1. Ходимларга меҳнат ҳақи ҳисоблаш.

2.2. Ижтимоий суғуртага ажратиш.

2.3. Сотишни амалга ошириш мақсадида фойдаланилаётган иморат ва иншоотларнинг ижара ҳақи, уларни асраш ва таъмирлаш харажатлари.

2.4. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши.

2.5. Иш кийимлари, жиҳозлар, ошхона идишларининг сарфи.

2.6. Газ, электр ва ёқилғиларнинг қиймати.

2.7. Товар ва маҳсулотларни сақлаш, ишлов бериш ва навларга ажратиш.

2.8. Савдони ташвиқот (реклама) қилиш сарфлари.

2.9. Товар ва маҳсулотларни ташиш, сақлаш ва сотиш жараёнида меъёрдан ортиқча содир бўлган йўқотишлар.

2.10. Идишларнинг сарфи.

2.11. Мулкларни мажбурий суғурталаш.

2.12. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги.

2.13. Шамоллатгичлар ва совутгичларни асраш ва ўрнатиш харажатлари ва шунга ўхшаш савдо фаолияти билан боғлиқ сарфлар.

3. Бозорларни ўрганиш ва маркетинг сарфлари;

4. Юқорида келтирилмаган лекин сотиш билан боғлиқ бўлган бошқа сарфлар. Ушбу сарфларга кўргазмалар, бозорларда қатнашиш харажатлари, у ерларда қўйилган маҳсулотларнинг қиймати, шартнома ва келишувларга мувофиқ харидорлар ва даллолларга текинга берилган маҳсулотлар ва товарларнинг намуналари ва ҳоказолар киради.

2. *Маъмурий харажатлар.*

Ушбу харажатлар хўжалик юритувчи субъектнинг умумий фаолиятини ташкил қилиш ва уни бошқариш билан боғлиқ сарфлардан ташкил топган:

- бошқарув аппарати ва унинг бўлинмаларини асраш харажатлари;
- уларнинг фаолиятини моддий, техникавий ва транспорт хизмати билан таъминлаш.

Маъмурий харажатларга қуйидаги сарфлар киради:

1. Бошқарув ходимларининг меҳнат хақи.

2. Ижтимоий суғуртага ажратмалар.

3. Хизмат учун енгил автомашина ва микроавтобусларни асраш, ижарага олиш сарфлари.

4. Хўжалик юритувчи субъект ва унинг бўлинмаларининг фаолиятини

ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари- почта, телеграф, телефон, канцелярия товарлари, ойлик ва чораклик йўл патталари ва хоказолар, молиявий ҳисоботларни чоп қилиш.

5. Ишлаб чиқаришга таъллуқли бўлмаган бошқарувнинг техника воситалари, алоқа бўлинмалари, огоҳлантириш қурилмалари, ҳисоблаш марказлари ва ҳоказолар.

6. Алоқа хизмати, АТТ, йўлдош, ҳаракатдаги ва пейджинг учун тўловлар.

7. Ўрнатилган меъёр ва ундан ортиқча шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун сарфлар.

8. Маъмурий-бошқарув зарурияти учун иморат ва иншоотларни ижарага олиш.

9. Маъмурият-бошқарув аҳамиятидаги асосий воситаларни асраш, таъмирлаш ва эскириш сарфлари.

10. Юқори ташкилотлар, юридик шахсларнинг уюшмаларини (ассоциация) асраш учун ажратмалар.

11. Ўрнатилган меъёрда ва меъёрдан ортиқча маъмуриятнинг хизмат сафари учун сарфлар.

12. Ходимларни ва мулкларни мажбурий суғурталаш сарфлари.

13. Ваколатлик сарфлари (ўрнатилган меъёрда ва меъёрдан ортиқча).

14. Умумий овқатланиш субъектларига текинга берилган иморатлар ва иншоотларни асраш сарфи ва уларга кўрсатилган коммунал хизматларнинг қиймати.

15. Табиатни қўриқлаш жамғармаларига ва бошқа жамғармаларга ажратмалар.

Бундан ташқари, маъмурий харажатларга унинг фаолиятини бошқариш учун бошқа субъектларнинг кўрсатган хизматлари:

а) телефон станциялари, коммутаторлар, телетайплар, модемлар, ҳисоблаш техникалари, диспетчер ва радио алоқаларига кўрсатилган хизматлар;

б) ёнғиндан қўриқлаш, хавфсизлик хизмати ва бошқа турдаги қўриқлаш хизматларининг сарфлари;

в) ёнғинга қарши кураш учун зарур инвентарларнинг эскириши ва таъмирлаш сарфлари;

г) қоровул хоналари, ёнғинга қарши воситалар турган иморатларнинг эскириши ва таъмирлаш харажатлари ва ҳоказолар.

3. *Бошқа муомалавий харажатлар.*

Ушбу муомалавий харажатларга юқорида қайд қилинган харажатлардан ташқари хўжалик юритувчи субъектнинг умумий фаолияти билан боғлиқ бўлган сарфлар киради. Хусусан:

1. Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича сарфланган харажатлар:

- ўқув таътилини тўлаш;
- ўқиш жойига бориш ва келиш сарфлари;
- мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув юртларига тўланган суммалар;
- меҳнат шартномаси бўйича жалб қилинган ўқитувчиларга тўланган ҳақ;
- ўқув қўлланмалари ва ускуналарини олиш сарфлари;
- аудиторларни тайёрлаш (агарда субъектнинг штат жадвалида бўл-

са) сарфлари.

2. Лойиҳадаги ва қурилиш-йиғиш ишларидаги камчиликларни тугатиш сарфларини қоплаш.

3. Маслаҳат хизмати ва ахборотлар билан таъминлаш хизматлари учун тўловлар (агарда маслаҳат хизмати янги бошқарув тизимига ўтиш билан боғлиқ бўлса у ҳолда ушбу сарфлар инвестиция хусусиятига эга бўлади).

4. Аудиторлик хизмати (хўжалик юритувчи субъектнинг айрим қатнашувчиларининг талабига асосан ушбу хизмат кўрсатилса ҳам унинг учун тўлов ҳар ойда мажбурий ўтказилган аудиторлик хизматининг сарфи солиққа тортилувчи асосга қўшилмайди, лекин субъектнинг фаолиятида қатнашувчи у ёки бу шахснинг талаби билан ўтказиладиган аудиторлик текширишининг сарфи солиққа тортиш асосига қўшилади.

5. Ўзининг хизмат кўрсатувчи бўлинмалари томонидан кўрилган зарарларнинг суммаси.

6. Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган ишчилар қатнашмаган ҳолдаги ходимларнинг саломатлиги ва дам олишларини ташкил қилишга йўналтирилган тадбирлар.

7. Хўжалик юритувчи субъект томонидан шаҳарларни ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш сарфлари.

8. Қоплаш ва рағбатлантириш хусусиятидаги сарфлар:

- баҳоларнинг ошиши бўйича тўловлар;
- бир вақтда тўланадиган мукофотлар, кўп йиллик хизматлари учун тўловлар;
- мажбурий ишга келмаслик ва кам тўланадиган иш учун тўловлар;
- вақтинча иш қобилиятини йўқотганлиги учун қўшимча тўлов;
- ходимларнинг ўқув жараёнидаги тўловлар;
- қўшимча таътил учун тўловлар;
- ходимларга бепул товарлар, маҳсулотлар ва бошқа қийматликларни бериш ва хизмат кўрсатиш;
- ходимларнинг сарфларини (йўл сарфлари, йўлланмалар, обуна ҳақи ва ҳоказолар) қоплаш.

9. Меҳнатга ҳақ тўлашда ҳисобга олинмаган тўловлар ва сарфлар:

- ёш болалилар учун нафақа;
- пенсия нафақасига устама ва пенсияга чиқувчиларга бериладиган ёрдам пули;
- субъектларнинг тугатилиши, қисқариши натижасида ходимларга бериладиган тўловлар;
- ходимларга тўланадиган моддий ёрдамлар.

10. Соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронларнинг уйлари, мактабгача болалар муассасалари, дам олиш, маданий-маиший, уй-жой фондини асраш сарфлари;

11. Консервация қилинган ишлаб чиқариш сарфлари;

12. Банкларнинг ва депозитария хизматини тўлаш;

13. Ҳар хил ижтимоий жамғармаларга тўланган бадаллар;

14. Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий тўловлар;

15. Зарарлар, жарималар ва ўсимлар:

- тугатилган ишлаб чиқариш буюртмаси бўйича йўқотишлар;
- моддий қийматликлар бўйича йўқотишлар;
- ишлаб чиқариш захираларининг қайта баҳоланиши натижасида кўрилган зарарлар;
- идишларнинг муомалалари бўйича кўрилган зарарлар;
- суд ишлари бўйича сарфлар;
- гумонли дебитор қарзларнинг захирасига ажратмалар;
- дебитор қарзларни ҳисобдан чиқариш натижасида кўрилган зарарлар;
- ҳисобот йилида аниқланган олдинги йилларнинг зарарлари;
- табиий офат натижасидаги қопланмайдиган йўқотиш, зарар ва сарфлар;
- жавобгар шахс топилмаган ҳолларда камомаддан кўрилган зарарлар;
- асосий воситалар ва бошқа активларни сотишдан кўрилган зарарлар;
- тан олинган жарима, ўсимлар, беқарорлик ва бошқа тўловлар, солиққа тортиш учун қуйидаги сотишдан ташқари даромадларни ўз ичига олади:
- қарор қилинган ёки қарздорлар томонидан тан олинган жарима, ўсим, беқарорлик ва бошқа жазолар;
- келтирилган зарарларни қоплаш учун олинган даромадлар;
- солиқ ва бошқа қонунларни бузиш натижасида ҳисобланган жарима ва ўсимлар (даромадини ошириш, солиқни ўз вақтида тўламаслик ва ҳоказо ҳолатларда);
- тўланган бошқа жарималар (асосланмаган фойда олганлиги учун);
- юқорида қайд қилинмаган, лекин муомалавий сарфларга олиб бориладиган бошқа сарфлар.

Ушбу суммалар ҳисоблаш усулига мувофиқ солиққа тортиш асосига қўшилади.

4. *Келгусида солиққа тортиш асосидан чегириладиган, лекин ҳисобот даврида сарфланган харажатлар.*

Ушбу гуруҳда капиталлаштириш билан боғлиқ бўлмаган ва асосий воситаларнинг қийматига қўшилмайдиган харажатлар ҳисобга олинади ва улар қуйидаги элементлардан ташкил топган:

1. Янги хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқаришини, цех ва агрегатларни ўзлаштириш билан боғлиқ сарфлар:
- айрим машина ва ускуналарни текшириш ва синовдан ўтказиш;
- шеф-монтаж (мол етказиб берувчининг ишини ва ўрнатиши) сарфлари;
- қурилаётган субъектларнинг дирекциясини ёки техник назорати гуруҳини асраш;
- янги ишга тушириладиган объектлар учун мутахассисларни тайёрлаш.

2. Янги технологияни яратиш ва фойдаланилаётган технологияни такомиллаштириш.

3. Бошқарув тизимини яратиш ва такомиллаштириш.

4. Янги маҳсулотларни ва технология жараёнларини тайёрлаш ва ўзлаштириш.

5. Ишчи кучларини жалб қилиш харажатлари.

6. Ишлаб чиқариш хусусиятидаги кашфиёт ва ихтиролар бўйича сарфлар. Тажриба-синов ишларини ўтказиш, нусхаларини тайёрлаш ва синаб кўриш, кўргазмалар, танловлар ва сертификат олиш учун қатнашиш, муаллифлик мукофотларини тўлаш ва бошқалар.

7. Қазиб олувчи тармоқларда тоғ-кон тайёргарлик ишлари (агарда ушбу харажатлар капиталлаштирилмаса)ни бажариш билан боғлиқ харажатлар.

8. Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини, ишлаб чиқариш конвейерларини ривожлантириш харажатлари.

Уларни иситиш, ёритиш, тозалаш ва муҳофаза қилиш харажатлари қўшилган ҳолда, четки ташкилотларнинг бошқарув соҳасидаги хизматининг тўлови; хизмат сафари харажатлари; кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ишчи кучини сафарбар қилиш харажатлари; илмий-тадқиқат ва тажриба-конструкторлик ишлари, ихтирочилик ва рационализаторлик харажатлари; маҳсулотни сотиш харажатлари; ўраш, сақлаш, юклаш, реклама харажатлари (бозорни тадқиқ этиш ва бошқа харажатлар қўшилган ҳолда), янги турдаги маҳсулотни, цех, агрегатларини, технологияни, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари, аудиторлик хизмати, суд хизмати тўлови харажатлари; бозорда монопол ҳолатга эга бўлган ва реестрга ёзилган субъектлар томонидан маҳсулотнинг баҳосини ошириш натижасида асосланмаган фойда олганлиги учун тўланадиган жарима ва ўсимлар, даромадни яширганлиги учун тўланадиган жарима ва ўсимлар; банк хизмати учун тўловлар; товар-моддий бойликларини қайта баҳолаш натижасида кўриладиган зарарлар, асосий воситалар ва бошқа молмулкни сотишдан кўриладиган зарарлар ва бошқалар киради.

Бу давр харажатларини ҳисобга олиш тартиби 21-БХМС «Бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси» ва уни қўллашга доир кўрсатмада келтирилган. Ушбу кўрсатмага мувофиқ юқорида қайд қилинган харажатларни ҳисобга олиш учун қуйидаги счётлар ажратилган ва ҳисобга олиш тартиби белгиланган.

9410-»Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар» (савдо корхоналари учун муомала сарфлари);

9420-»Маъмурий сарфлар»;

9430-»Бошқа муомалавий сарфлар ва зарарлар»;

9440-«Келгусида солиққа тортиладиган асос суммасидан чегириладиган ҳисобот даври сарфлари»;

Давр сарфларининг таркиби «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатларнинг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февраль 54-сонли қарори) билан тартибга солинади.

9410-»Сотиш билан боғлиқ сарфлар» счётида маҳсулотни етказиб бериш бўйича харажатлар, яъни маҳсулотни харидорга етказиб бериш, транспорт воситаларига ортиш, маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар ва бўлимларнинг чиқимлари ва бошқалар билан боғлиқ сарфлар ўз аксини топади. Унда қуйидаги счётларнинг очилиши мумкин:

9411- «Сақлаш ва ташиш сарфлари».

9412- «Реклама ва сотишга ёрдам бериш сарфлари».

9413- «Ўраш, қадоқлаш, навларга ажратиш ва идиш сарфлари».

9414- «Меҳнатга ҳақ тўлаш сарфлари».

9415- «Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалар».

9419- «Бошқа савдо сарфлари».

9420- «Маъмурий сарфлар» счетида субъектни бошқариш бўйича сарфлар, умуммаъмурий аҳамиятидаги асосий воситаларни таъмирлаш сарфлари, умумхўжалик аҳамиятидаги иморат ва иншоотларнинг ижара тўловлари,

Счётларнинг кредитидан Дебет		Счетларнинг дебетига Кредит	
0210-0299	Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоблаш	Мақсадли молиялаштириш ва мақсадли тушумлар ҳисобидан амалга оширилган харажатларни ҳисобдан чиқариш	8890
0510-0590	Номоддий активларнинг эскириши	Давр сарфларини ҳисобот даврининг охирида ҳисобдан чиқариш	9910
1010-1090	Материалларнинг сарфланиши		
1610	ТМЗ қайта баҳолашдаги салбий фарқ		
2310, 6990	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ва бошқа ташкилотларнинг хизматини истеъмол қилиш		
4860	Ундириб олинмаган даъво суммасининг муомала сарфига қўшилиши		
4220, 4230	Хизмат сарфлари ва ишлаб чиқариш харажатлари		
5110	Маҳсулотни жўнатиш бўйича транспорт харажатлари		
6010	Транспорт хизматлари, энергия, сув таъминоти		
6010	Кўрсатилган тарғибот ва маркетинг хизматлари ва бошқа хизматлар		
6510	Мулк ва шахсий суғуртага ажратмалар		
6520	Меҳнат ҳақига нисбатан ижтимоий суғуртага ажратма		
6710	Сотувда банд бўлган ва бошқарув ходимларига меҳнат ҳақи ҳисоблаш		
6910	Бинолар, иншоотларнинг ижараси		
6990	Банк, аудиторлик хизмати ва юқори органларга аврам		
9210	Асосий воситаларни сотишдан кўрилган зарарлар		
9220	Бошқа активларни сотишдан кўрилган зарарлар		
1000, 2800, 2900	Айбдор шахслар тонилмаган камомадларни ҳисобдан чиқариш		
4910	Шубҳали қарзлар бўйича заҳираларни ҳисоблаш		
6410	Солиқ органларининг қарори бўйича жарималарнинг ҳисобланиши		
6110	Субъектнинг балансидаги ОУЮ учун ажратмалар		
5110	Ходимлар учун дам олиш уйлари ва санаторийлар учун йўлланманинг қийматини тўлаш		
2010	Тўхтатилган буюртма бўйича сарфларнинг ҳисобдан чиқарилиши		
4010, 4110, 4860, 4700, 4800	Олдинги йиллардаги муомалалар бўйича кўрилган зарарлар		
6960	Хўжалик шартномасини бузганлиги учун тўланадиган жарима		
5010	Бир маротабалик моддий ёрдамнинг тўланиши		
5110	Транспортдан фойдаланиш учун йўл ҳужжатларининг қийматини тўлаш		

ахборот, аудиторлик ва маслаҳат хизматлари учун тўловлар ва бошқа сарфлар ҳисобга олинади. Унда қуйидаги счётлар очилиши мумкин:

9421- «Меҳнатга ҳақ тўлаш сарфлари».

9422- «Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалар».

9423- «Маъмурий аҳамиятдаги асосий воситаларнинг эскириши».

9424- «Маъмурий аҳамиятдаги асосий воситаларнинг ижара сарфлари».

9425- «Маъмурий аҳамиятдаги асосий воситаларни сўғурта қилиш сарфлари».

9426- «Маъмурий аҳамиятдаги номоддий активларнинг эскириши».

9427- «Юқори ташкилотларни асраш сарфлари».

9429- «Бошқа маъмурий сарфлар».

9430- «Бошқа муомалавий сарфлар» счётида илмий-тадқиқот ва конструкторлик-тажриба ишларига сарфланган харажатлар, бошқарув тизимини ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш харажатлари, ходимларга моддий ёрдам (шу жумладан, ишлаб чиқаришдаги ходимларга), табиий камайишдан йўқотишлар, суд харажатлари, янги ишлаб чиқариш жараёнларини (молиявий қўйилмалар сифатидаги молиявий харажатлардан ташқари) ўзлаштириш сарфлари ва ишлаб чиқариш жараёни ҳамда молиявий фаолият билан боғлиқ бўлмаган хўжалик (муомалавий) фаолияти жараёнида вужудга келувчи бошқа сарфлар акс эттирилади. Унда қуйидаги счётлар очилиши мумкин:

9431-»Асосий воситаларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқишлар натижасида кўрилган зарарлар».

9432-»Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқишлар натижасида кўрилган зарарлар».

9433-»Қийматликларнинг камомади ва бузилиши натижасида кўрилган зарарлар».

9439-»Бошқа муомалавий сарфлар».

9440-»Келгусида солиққа тортиладиган асос суммасидан чегириладиган ҳисобот даври сарфлари» счетида харажатлар таркиби ҳақидаги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган 2-иловада кўрсатиб ўтилган ҳисобот даврининг келгусидаги солиққа тортиш асосига киритилмайдиган харажатлар акс эттирилади.

«Давр сарфлари»ни ҳисобга олувчи счётлар (9400)даги тўпланган харажатлар 9900-»Якуний молиявий натижа» счётининг дебети билан ёпилади.

9400 «Давр харажатлари счётлари гуруҳининг чизмаси».

9410- «Маҳсулот (иш, хизмат)ни сотиш харажатлари».

9420- «Маъмурий харажатлар».

9430- «Бошқа муомалавий сарфлар ва зарарлар».

9440- «Келгусида солиққа тортиладиган асос суммасидан чегириладиган ҳисобот даври сарфлари».

5.10. Бошқарув ва молиявий ҳисобларининг счётларида хўжалик муомалаларини қайд қилиш

Ҳозирги даврда хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятидаги содир бўлган муомалаларни компьютерлаштириш муҳим аҳамиятга эга, чунки ушбу воқеаларни тезкор жамлаш, ишлов бериш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларнинг натижаларини баҳолаш зарурияти туғилади. Ушбу компьютер

дастурларини ишлаб чиқиш ва уларга сарфланган харажатларни ҳисобга олиш ва молиявий натижаларни аниқлаш тартибини кўриб чиқамиз.

«Нигора» компанияси қуйидаги фаолият билан шуғулланади:

- компьютерлар тизими билан таъминлаш;
- ушбу компьютерларни дастурлар билан таъминлаш;
- бошқа хизматлар кўрсатиш.

Хўжалик юритувчи субъектдаги хўжалик муомалаларининг хилма-хиллигидан келиб чиққан ҳолда ушбу муомалалар уч гуруҳга бўлинади:

- фақат бошқарув ҳисобида қайд қилинадиган муомалалар;
- фақат молиявий ҳисобда қайд қилинадиган муомалалар;
- бошқарув ва молиявий ҳисобда қайд қилинадиган муомалалар.

Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларни тегишли моддалар, ишлаб чиқариш бўлинмалари, масъулият марказлари бўйича гуруҳлаштиришнинг зарурияти ва умумий ишлаб чиқариш харажатларини (реклама, сотиш, маъмурий) тегишли белгиларига мутаносиб равишда тақсимлаш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда уларнинг махсус белгиларига қараб аналитик ҳисобини юритишни тақозо қилади. Ушбу дастурларни ҳозирда қўлланилаётган янги счётларнинг режасига мослаштириш лозим, чунки ушбу счётлар бош, иккинчи ва учинчи даражали счётларга бўлинмаган ҳолда уларнинг аналитик хусусияти тўлиқ ёритилган.

Ушбу жараёнда қўлланиладиган счётлар қуйидагича тавсифланади:

- маҳсулотларни сотиш муомалалари бошқарув ҳисобида 2810*1 ва 9110*1 -счётларида, молиявий ҳисобда 2810 ва 9110 -счётларда юритилади;
- ҳисоблаш техникаларини қабул қилиш ва сотишга жўнатиш муомалалари эса бошқарув ҳисобида 2910*1- ва молиявий ҳисобда 2910 -счётда юритилади;
- муомала сарфларининг ҳисоби эса бошқарув ҳисобида 9410*1 ва молиявий ҳисобда 9410 -счётда қайд қилиб борилади.

Бошқарув ва молиявий ҳисобларида ҳам маҳсулотларни сотиш счёти- 9110- умумлаштирилган ҳолда ва муомала сарфлари (9410 счётларда) тегишли турлари бўйича (9419-9419) айрим олган счётларда қайд қилиб борилади.

Ушбу тизим таннархнинг аналитик ҳисобини молиявий ҳисобда тўлиқ таннарх усулида ва бошқарув ҳисобида «директ-костинг» усулида юритиш имкониятини яратади. Ушбу шароитда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг таннархини ҳар хил усуллар ёрдамида ҳисоблаб чиқиш ва ушбу маълумотларни ҳисоботнинг турли шаклларига ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Келтирилган аналитик ҳисобни юритиш учун ушбу тузилган дастурда қуйидаги имкониятлардан фойдаланилади:

- хўжалик муомалаларини қайд қилиш вақтида аналитик счётларни аниқлаш;
- кирим қолдиқларини киритиш;
- намунавий ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш;
- аналитик счётлардан фойдаланган ҳолда бошқарув маълумотларига махсус ишлов бериш ва раҳбариятга тақдим қилиш.

Компанияларда фойдаланилган компьютер дастурларининг имкониятларидан бири ҳар хил муддатларга субъектнинг бюджетини ишлаб чиқиш-

дир. Ушбу мақсад учун «Молиявий режалар» туркумидаги дастур қўлланилади. Ушбу дастурнинг афзаллиги қуйидагилардир:

- келгусидаги даромад ва сарфларни ҳоҳлаган муддатга режалаштиради;
- ушбу даромад ва сарфларни субъектнинг бюджети билан бирлаштиради;
- тўловларнинг устидан назорат ўрнатади;
- сметалардан фойдаланишни таҳлил қилади;
- субъектнинг молиявий фаолиятини муқобиллаштиради.

Режалаштириш талаб қилинган вақт оралиғи бўйича амалга оширилади. Субъектнинг бюджети эса бир марта бўладиган (таъмирлаш, мебелни сотиб олиш) ва такрорланиб турадиган (солиқлар, бадал, ижара ҳақи ва бошқалар) муомалаларга асосан тузилади. Чунки ҳар бир муомаланинг натижаси ресурсларнинг ҳаракатига- ТМЗ ҳаракати, пул маблағларининг ва асосий воситаларнинг ҳаракатига олиб келади.

Такрорланадиган муомалалар бўйича ҳаракат даври ва такрорланиш даври топилади. Ҳаракат даври ушбу муомалалар ҳаракатининг бошланиш ва тугаш вақтини белгилайди. Мисол, йил давомида ижара тўловларини тўлаш- 01.01-31.12 ва ҳоказо. Зарурият туғилганда ҳаракат даврининг охирини аниқлаш шарт эмас, чунки айрим ҳолларда ушбу муомалаларни ҳаракат даврининг охири бўлмайди. Мисол, солиқни ҳисоблаш ва солиқ органлари билан ҳисоблашиш ушбу субъект ўзининг фаолиятини тугаттунча давом қилади.

Такрорланиш даври айрим муомалаларнинг (ҳар ойнинг 3-куни меҳнат ҳақини тўлаш, 5-куни солиқ бўйича бўнакни тўлаш ва ҳоказо) такрорланиб туришини шакллантириш имкониятини яратади. Ушбу такрорланиш учун бир неча кун, ҳафта, декада, ой ёки йил танлаб олиниши мумкин. Ушбу такрорланадиган муомалаларни режалаштириш топширилган сана ёки кунлар бўйича амалга оширилиши мумкин.

Ҳар бир тузилган молиявий режа учун ушбу дастур такрорланадиган муомалаларнинг айрим рўйхатини тузади. Ушбу муомалаларни молиявий режага киритгандан кейин компьютер ўз-ўзидан уларни режанинг саналарига мослаштириб бир марта содир бўладиган муомалаларга айлантиради. Олдиндан олинган маълумотларга асосан дастур келгуси даврлар учун режаларни тузиш имкониятига эга, кейинчалик ушбу давр кичик даврларга бўлиниб режа кўрсаткичларига ушбу шароитдан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритилади.

Мазкур дастур илгари йиғилган йиллик ва чораклик маълумотларга асосан келгуси йиллар учун узоқни кўзлаган (стратегия) режаларни тузишга имконият яратади. Кейинчалик эса зарурият туғилганда илгари тузилган молиявий режалаштиришга қайтилади ва ушбу режани тузган даврдан кейинги содир бўлган воқеаларнинг натижаларига асосан унга аниқликлар киритилади. Мисол: жорий йилнинг 1-чораги бўйича молиявий режа тузилди ва 1-ойнинг якунига қараб чораклик режа қайта кўрилиб кейинги ой учун ушбу режадан у ёки бу муомалаларни олиб ташлаш ёки қўшимча муомалаларни киритиш (лекин чораклик режанинг умумий кўрсаткичини ўзгартирмаган ҳолда) ёки бўлмаса 1-ойдаги молиявий якунлардан келиб чиққан ҳолда келгуси тўловларнинг суммасини тартибга келтириш мумкин.

Молиявий режага киритилган муомалаларга асосан тўлов ҳужжатлари тайёрланади. Ушбу муомалаларнинг содир бўлганлигига қараб (тўлов ҳуж-

жатларига ишлов бергандан кейин) дастур пул маблағларининг кирими ва чиқимини тўлов ҳужжатларининг санасига мувофиқ шу маълумотларни молиявий режага киритиб боради. Бухгалтерия ҳисобининг маълумотларига асосан дастур автомат тарзида режадаги ва ҳақиқий кирим қолдиғини режалаштирилган даврнинг боши ва охирига шакллантиради, бошланғич ва охирги санага пул маблағларининг кирими, чиқими ва ишлов берилган тўлов ҳужжатларининг маълумотларига асосланиб пул маблағларининг ушбу давр ичидаги умумий кирими ва умумий чиқимини жамлаб беради.

Бу ахборотларга асосланган ҳолда режалаштириш даврининг бошланғич ва охирги санасини ўзгартириб:

■ ўрнатилган даврда тўловларнинг амалга оширши устидан назорат ўрнатилади;

■ аниқ битта бухгалтерия счёти бўйича молиявий режанинг бажарилиши тезкорлик билан таҳлил қилинади;

■ зарурият туғилса жорий даврдаги муомалаларнинг режасига ўзгартиришлар киритилади.

Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти режалаштирилган вақт мобайнида муқобиллаштириб борилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида компанияларнинг фаолиятини ҳисобга олиш жараёнида икки ҳисоб-бошқарув ва молиявий ҳисоб юритилади. Бошқарув ҳисобида солиқлар харажатлар счётида ушбу суммани бюджетга тўлаган дақиқасидан бошлаб ҳисобга олинади. Бундан ташқари, харажатларни ҳисобга олиш, сотиш сарфларини ҳисобга олишнинг аналитик ҳисоби фақат бухгалтерия ҳисобида юритилади.

Молиявий ҳисобда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини ҳисоблаш жараёнида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётларда фақатгина Низомга асосан ишлаб чиқариш ва сотишга таллуқли харажатларгина қайд қилинади. Бошқа харажатлар эса тўғридан-тўғри 9910-»Даромад ва сарфларнинг жамланмаси» счётига олиб борилади.

Бошқарув ҳисобида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг таннархи субъектда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳисоб сиёсатида кўрсатилган усулга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

Молиявий ҳисобда қўлланиладиган ҳамма счётлар баланс счётлари дейилади, яъни ушбу счётлардаги бошланғич ва охирги қолдиқ суммалари шу даврга тузилган баланснинг айрим олган моддаларида акс эттиради. Айрим ҳолларда фаолиятнинг натижасини таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини осонлаштириш учун муомалаларнинг қийматини ўзгармайдиган валютада акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисобининг дастурида молиявий ва бошқарув ҳисобини бирга юритиш мақсадида бошқарув ҳисобининг счётлари транзит счётлар сифатида берилган чунки уларнинг асосий қисмида ҳисобот даврининг охирида қолдиқ қолмайди. Мисол, 9000, 9100, 9200, 9300, 9400, 9500, 9600, 9700, 9800 ва 9900 -счётлари амалиётда ва 21-БХМСга асосан ушбу счётлар транзит счётлар, деб юритилади.

Товар-моддий захираларни (ТМЗ)ни ҳисобга олиш. ТМЗ ҳақиқий

таннарх бўйича ҳисобга олиб борилади. Хом-ашё ва материаллар ишлаб чиқаришга сарф қилинаётганда ўртача ҳисобланган ҳақиқий таннархда акс эттирилади. Ушбу ҳақиқий ўртача таннархи ой бошидаги қолдиқ ТМЗ қийматига ой давомида қабул қилинган ТМЗ қиймати қўшилиб ҳосил бўлган суммани ушбу ТМЗ миқдорига бўлиш усули билан ҳисоблаб чиқилади.

Харажатларни ҳисобга олиш. Бошқарув ҳисобида 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти тегишли тасдиқланган харажат моддаларидан ташқари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлари ҳам ҳисобга олиш учун кенгайтирилган. Ишлаб чиқариш харажатлари, ишлаб чиқаришнинг устама харажатлари тегишли счётларда (хом-ашё ва материалларнинг сарфи, комплектлаштирувчи деталларнинг қиймати меҳнат ҳақи сарфлари, коммунал хизматлари учун тўловлар, солиқлар ва бошқа сарфлар) ҳисобга олинади. Ушбу тартиб «директ-костинг» тизимини қўллаш учун харажатларни ўзгарувчан ва ўзгармас-доимий харажатларга ажратиш имкониятини яратади.

Ишлаб чиқариш устама-доимий харажатлар тегишли айрим олган счётларда ҳисобга олиб борилади ва ҳисобот даврининг охирида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини аниқлаш учун тасдиқланган усулга мувофиқ тақсимланади ва уларнинг таннархига қўшилади. Ушбу тартиб:

- ишлаб чиқариш ҳажми, харажатлар ва фойданинг хажми ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганишга имкон яратади;
- ишлаб чиқаришнинг ҳажмига нисбатан таннархнинг ўзгариши ёки айрим харажатларнинг ўзгаришини башорат қилишга ёрдам беради;
- баҳо ва ҳажмни муқобиллаштирадиган вариант ва комбинацияларни топишга имкон яратади;
- самарали баҳо сиёсатини субъектнинг фаолиятига тадбиқ этишга ёрдам беради.

Масъулият марказлари раҳбарларининг фаолияти устидан назорат қилиш учун харажатларнинг сарфини ҳисобга олишнинг меъёрлаштирилган усулини тадбиқ қиладилар. Бунинг учун зарурият туғилганда айрим счёт очилиб (мисол, 3510-«Тайёр маҳсулотларни олиш») унда ушбу харажатлар тасдиқланган меъёрлар асосида маҳсулотларнинг таннархи ҳисобланади. Ушбу счётнинг дебет томонида ҳақиқатда сарфланган харажатлар ҳисобга олиб борилса, кредит томонидан эса ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот (иш, хизмат)нинг меъёрий таннархи кўрсатилади. Ушбу счётнинг маълумотларига асосан тегишли ҳисобот даври ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар бўйича ҳақиқий сарфлар билан уларнинг меъёрий таннархи орасидаги фарқни аниқлаш имкониятини яратади. Аниқланган фарқ суммалари (ижобий ёки салбий) тегишли 9110-«Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи» счётига ўтказилади. Ушбу счётда (3510) ҳисобот даврининг охирида қолдиқ бўлмайди ва у ёпилади. Агарда меъёрий таннарх ҳақиқий таннархдан ортиқ бўлса бу ижобий ҳолат, деб ҳисобланади. Мабодо меъёрий таннархдан ҳақиқий таннарх ортиқ бўлса унинг сабаблари аналитик счётларнинг маълумотларига асосан ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинади, сабаблари аниқланади ва баҳоланади. Натижада ушбу фарқнинг содир бўлиш сабаблари, масъуллари аниқланиб тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, чунки хўжалик юритувчи субъект масъулият марказларига бўлинган ҳолда ҳисоб юритади.

Тайёр маҳсулотларни сотиш. Маҳсулотларни сотиш жараёни ишлаб

чиқарилган маҳсулотларнинг мажмуасидан ташкил топган. Маҳсулотларни сотиш истеъмолчи ва буюртмачилар билан илгари тузилган шартномаларга асосан амалга оширилади. Ушбу маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш муомалаларини молиявий ва бошқарув ҳисобининг счётларида қайд қилишдан асосий мақсад тегишли маҳсулотларни сотиш бўйича молиявий натижаларни аниқлашдир.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишни ҳисобга олишнинг иккита усули мавжуд:

- сотилган маҳсулотнинг қийматини тўлаш санасидан (касса усули) уларни сотилган, деб тан олиш ва тегишли счётларда қайд қилиш;
- тайёр маҳсулотларни харидор ва буюртмачиларга жўнатиш ёки тўлов ҳужжатларини банкка топширган санадан сотилган деб тан олиш ва тегишли счётларда қайд қилиш (ҳисоблаш усули).

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар ички бозорларга ўзларининг ишлаб чиқарган маҳсулотини сотаётганда ҳисобга олишнинг иккинчи усулини қўллайдилар:

Дебет 9110-»Сотилган маҳсулотларнинг таннархи».

Кредит 2810-»Омбордаги тайёр маҳсулотлар» ва бир вақтда.

Дебет 4010-»Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар».

Кредит 9010-»Маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар».

Тайёр маҳсулотларни сотиш муомалалари иккита счётда қайд қилиб борилади 9110 счётнинг дебетида сотилган маҳсулотнинг таннархи (харажат) ва 9010 счётнинг кредитида ушбу маҳсулотнинг шартномада кўрсатилган баҳоси (даромад).

Ушбу тартиб таннарх (харажат) билан келишилган баҳо (даромад)ни таққослаш ва ушбу жараён бўйича фойда ёки зарарни аниқлашга ёрдам беради:

Дебет 9910-»Даромад ва харажатларнинг жамғармаси».

Кредит 9110-»Сотилган маҳсулотларнинг таннархи».

Дебет 9010-»Маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар».

Кредит 9910-»Даромад ва харажатларнинг жамғармаси».

Агарда ҳисобот даврининг охирида фойда олинса:

Дебет 9910 > кредит 9910, яъни 9910 счётнинг дебетидаги сумма кредитидаги умумий суммадан кўп бўлади.

Агарда ушбу жараён бўйича зарар кўрилса:

Дебет 9910 < кредит 9910, яъни 9910 счётнинг дебет томонидаги сумма кредит томонидаги суммадан кам бўлади.

Ҳисобот ҳужжатлари. Бошқарув ҳисобининг мақсади ва вазифаси ички фойдаланувчиларни хўжалик фаолияти бўйича зарур бўлган ахборотлар билан таъминлашдир. Ушбу ахборотлар қуйидаги маълумотлардан ташкил топган:

- таннархнинг ҳисобланиши- сотиш билан шуғулланадиган менежерлар учун;
- ТМЗ сарфи тўғрисида ҳисобот- таъминот бўлими учун;
- комплектлаштириш буюмларининг ҳолати бўйича ҳисобот- комплектлаш бўлими учун;
- ишлаб чиқариш ҳисоботи, маҳсулотларни жўнатиш, пул маблағларининг ҳаракати- компаниянинг бош директори учун.

Бошқарув ҳисобининг маълумотлари юқори поғонадаги рахбарлар- маъмурият томонидан зарурият туғилиши билан талаб қилинади. Шунинг учун

бошқарув ҳисоботи ҳар куни, ҳафтада, декадада ва ойда тузилади.

Ҳар куни талаб қилинадиган ва тузиладиган ҳисоботларга қуйидагилар киради:

- касса бўйича ҳисобот ёзилган счётлар (кутилаётган киримлар) бўйича банкка бериладиган ҳисобот;
- пул маблағларининг кундалик ҳаракати тўғрисида ҳисобот.

Ҳафтада талаб қилинадиган ва тузиладиган ҳисоботлар:

- ишлаб чиқариш фаолияти бўйича ҳисобот;
- сотиш жараёни бўйича ҳисобот;
- хўжалик юритувчи субъект бюджетининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот.

Ички фойдаланувчилар ҳар ойда керакли маълумотларни ўзида акс эттирадиган қуйидаги ҳужжатларга зарурият сезадилар: баланс; харажат тўғрисида ҳисобот (илова); фойда ва зарар тўғрисида ҳисобот; пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳисобот.

Ушбу ҳисоботларда бериладиган маълумотлар фақаттина молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқаришгагина эмас, балки ишбилармонлик фаоллиги ва хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини бошқариш самарадорлигини аниқлаш учун ҳам асос ҳисобланади.

5.11. Субъект бўлинмаларининг фаолияти бўйича ички ҳисоботларнинг таркиби ва мазмуни

Субъектнинг фаолиятини бошқариш тизимида бўлинмаларнинг ҳисоботи ўзи билан синтезлашган ва умумлашган маълумотни кўрсатиб, назоратнинг муҳим қуроли ҳисобланади.

Бўлинмаларнинг ички ҳисоботи- бу маълум вақт (соат, сутка, декада, ой, квартал, йил) ичида бўлинмалар фаолиятининг натижаларини тавсифловчи ўзаро боғлиқ иқтисодий кўрсаткичларнинг тизимидир.

Субъектнинг алоҳида бўлинмалари томонидан бажариладиган функцияларнинг фарқи унинг ичидаги ҳисоботга киритилган маълумотнинг таркибини ва мазмунини аниқлайди.

Бошқарув мақсадларига мувофиқ ҳисобот уч турга бўлинади: маълумотли; иқтисодий натижалар ҳақида; персонал фаолият ҳақидаги натижавий маълумотлар.

Ҳисоботнинг учинчи тури бошқарув ҳисобида кўпроқ мазмунга эга. Лекин ҳисоботнинг уч турининг мужассамлангани субъектнинг маълумот тизимини намойиш этади.

Ҳисобот кўп ҳолларда сўралгандан кейин тузилади ва содир бўлаётган ҳодисалар ҳақида бошқарувчиларни маълумот билан таъминлаш учун ишлатилади.

Иқтисодий натижалар ҳақидаги ҳисобот хўжалик бўлинмалари (цехлар, участкалар, бригадалар)нинг фаолиятини баҳолаш учун мўлжалланган. Бундай ҳисоботларнинг вазифаси- қисқа муддатли бошқарув қарорларини қабул қилиш, цехлар ва бўлимлар ўртасида коммуникацион алоқаларни таъминлаш учун асос бўлишдир.

Асосий ҳисобот шакли бўлиб ўтган кунда бажарилган ишлар натижаси ҳақида билдиришнома-ҳисобот ҳисобланади. У қайднома шаклида бўлади, кўрсаткичлар кузатувчи текстни талаб қилмайди, осон кўрилади ва бошқарув жараёнини тезкор олиб боришга имкон яратади. Масъулият марказлари бўйича ҳисоб юритиш ишлаб чиқариш (даромад) ва харажатлар (сарфлар) ҳисоботи кўрсаткичларида ҳар бир тизимли бўлинмаларнинг самарадорлигини акс эттиришни кўзда тутади. Режали маълумотлар ишловчиларни моддий рағбатлантириш билан боғланиши керак. Шу принцип ҳисобга олинган ҳолда харажатлар тури бўйича намойиш қилинган, улар маҳсулот иш ва хизматларни режалаштириш ва ҳақиқатда ишлаб чиқариш натижасида пайдо бўлишлари мумкин ва пайдо бўладилар. Даромадлар ва сарфлар ҳақидаги бундай турдаги ҳисоботлар трансферт нархларни ўрнатишда амалда қўлланилади. Даромад ва сарфлар бўйича ҳисобот даври сифатида одатда ой белгиланади.

Туталланмаган ишлаб чиқаришни ҳар куни тезкор тартибга солиш, деталлар, ЯТМ мавжудлиги ва ҳаракати устидан назоратни таъминлаш, ишлаб чиқаришда, цехларда, омборларда ва иш жойларида деталлар, суюқ массалар, металлар ва бошқаларнинг баланснни тузиш билан амалга оширилади (7-бобга қаранг).

Ишчилар сонини, ишга келишлар, сабабли келмасликлар миқдорини, бутун сменали ва сменанинг ичида бекор туриб қолишларни, ишлаб берилган одам ёки меъёр-соатларни, ишчи кучи харакатини кузатиш табел ҳисобининг маълумотлари асосида ўтказилади. Ой бўйича маълумотлар иш вақтининг балансида умумлаштирилади.

Цехлар ва бўлинмаларда ускунанинг ишлатилишини ҳар куни назорат қилиш ускуналарнинг турлари ва сабаблари бўйича бекор туриб қолишлар ҳақидаги билдиришнома-ҳисобот маълумотлари бўйича амалга оширилади.

Албатта, бу маълумотлар ой бўйича ускунанинг ишлаш вақти балансларида умумлаштирилади.

Энергиянинг ҳамма туридан (газ, буғ, ҳаво, иссиқлик энергияси, электр энергияси) фойдаланиш датчик ва счётчиклар билан назорат қилинади, уларнинг кўрсатмалари сарф ҳақидаги ҳар кунлик маълумотномаларда қайд қилинади ва умумлаштирилади.

Технология нихтисослиги, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда цехлар, хизматлар ва бўлимларга бошқа иқтисодий кўрсаткичлар ўрнатилиши мумкин- жамғарманинг қайтарилиши, ускунани ишлатиш коэффициенти, меҳнат сарфи, сони, ишлаб чиқариш ритмлилиги, йўқотишлар, тайёр маҳсулот чиқишининг коэффициенти ва бошқалар.

Ходимларнинг фаолияти ҳақидаги натижавий ҳисобот унинг учта турларини маълумотлар билан таъминлашга қаратилган: ҳақиқий натижалар ҳақидаги; режалаштирилаётган (смета, стандарт) кўрсаткичлар ҳақидаги; ҳақиқий ва кутилаётган натижалар ўртасидаги фарқлар ҳақидаги. Кўрсаткичлар рўйхатининг асосий мақсади аниқ масъулиятликка қаратилган. Шу ҳолда кўрсаткичларнинг рўйхати катта бўлмаслиги керак, бошқарувчилар диққатини эса ҳақиқий кўрсаткичлар ўрнатилганлардан ўлароқ фарқ қиладиган моддаларнинг катта бўлмаган миқдорида тўплаш керак. Бундай ҳисоботни тузишга

масъулият марказлари бўйича ҳисобни ташкил этиш ёрдам беради.

Асосий ҳисобот шакли бўлиб назоратли ҳисобот ёки сметанинг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот ҳисобланади. Ҳисобот кўрсаткичлари тизимини танлаш хўжалик фаолияти натижалари учун бўлинма бошлиғининг камчилиги ёки айбини аниқлабгина қолмай, умуман субъектга мотивацион таъсирга эга бўлиши шарт бўлган назоратнинг ўрнатилган тизимига асосланади.

Назорат тизимининг ишлашини қуйидаги муаммоларнинг ечилишида реализация қилинади:

1. Суюъектнинг мақсадларидан келиб чиққан ҳолда унинг ва тизимли бўлинмаларининг фаолияти, баҳолашнинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари томонидан комплекс равишда кўрилади.

2. Бошқарув ҳисоби турли даражадаги бошқарувчиларни узоқ ва қисқа муддатли режаларни бажаришга қаратувчи информацион тизимни тузади.

3. Бўлинмалар ишчиларининг моддий ҳолатига назорат тизимининг негатив таъсирини маълум даражада камайтиришга имкон берувчи харажатлар. Масъулият ва рентабеллик марказларини оптимал танлаш. Режа ва ҳисоботлар бир бирига қарши бўлинмалар ўртасида, бухгалтерия ходимлари ва менежерлар ўртасида конфликт ҳолатга олиб келмаслиги керак.

4. Ҳар бир аниқ бўлинма учун харажатларни тартибга солувчи ва тартибга солиб бўлмайдиганларга ажратиш. Марказларга жавоб берадиган шахслар фаолиятига боғлиқ харажатларнинг пасайиши бошқарувчиларнинг харажатлар даражасига таъсир кўрсатиш ҳолатларида ижобий кўринаяпти. Ёмон ҳолда режа ва ҳисоботлар бошқарувчилар ҳаракатининг координацияси ўрнига хўжалик фаолияти ташкил этилишининг тарқатилишига олиб келиши мумкин.

5. Четга чиқишларни аниқлаш тизими ҳисобда, баҳонинг шаклланишида ва бошқаларда хатоларни очишга ёрдам бериши керак. Бўлмаса, ҳисобга ва сметаларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботга бўлган ишончни қисман йўқотиши мумкин ва охир оқибатда бошқарув фаолиятида банд бўлган шахсларни масъулиятликдан ўзини олиб қочишга олиб келади.

Муаммони кўриб чиқиш ва баҳолаш кўрсаткичлари, ҳисобот мазмуни тизимини тузишда бошқарувчилар ва бутун меҳнат жамоасининг тўғридан-тўғри иштирокини талаб қилади. Бу қабул қилинаётган қарорларни ва уларни амалиётга жорий қилиш йўлларини тушуниш учун, қўйилган мақсадларга эришиш бўйича шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларининг координацияланиши, назорат тизимини ишлаб чиқариш жараёнида шахслар мотивациясига негатив салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш учун шароитлар яратади.

Хулосалар

Саноат тармоғи субъектларининг ташкилий фаолияти бутун субъектнинг унинг мақсадлари ва масалаларига мувофиқ ишлашини таъминловчи муҳим жараён ҳисобланади. Ташкилий фаолиятнинг бошқарув ҳисоби ўзининг асосий вазифаси сифатида мақсадли кўрсатмаларига мувофиқ шаклланган ва ишлов берилган маълумот билан хизматлар, бўлимлар ва ишлаб чиқариш

бўлинмаларини таъминлашни қўяди. Бундан ташқари, бошқарув ҳисоби харажатлар, масъулиятлик ва рентабеллик вужудга келувчи аниқ марказларнинг фаолияти ҳақида баҳоли ва назоратли маълумотни тайёрлайди.

Бошқарув ҳисобини ташкил этиш тизими субъектнинг ташкилий ва ишлаб чиқариш тизими билан, хўжалик юритишнинг ички иқтисодий хусусиятлари ташкилий ҳисоб тизимини қуришга таъсир кўрсатади. Лекин умумий принциплар ҳам ўрнига эга: қарорларни қабул қилиш учун керак бўлган маълумот билан бошқарувнинг турли даражасидаги (нолинчи, биринчи, кейингилар) бошқарувчиларнинг истъмолини қондириш; таркибида даромад ва сарфлар қийматининг ҳар бир тизимли бўлинмасига нисбатан асос солиниши; маълумотларни харажатлар, масъулиятлик ва рентабеллик вужудга келадиган марказлар бўйича умумлаштириш; режа ва сметаларнинг бажарилиши асосида ишлаб чиқариш ҳажми, хусусий харажатлар ва ҳар бир бўлинманинг яратган фойдаси устидан назорат ўрнатиш.

Ташкилий фаолиятнинг бошқарув ҳисобида қўлланиладиган назорат ва баҳолаш маълумотлари бир неча босқичлардан иборат:

- биринчиси- тайёрлов- асосланадиган маълумотларни бирламчи аналитик маълумотларининг шаклланиш манбаларидан тўплаш;
- иккинчиси- ҳисоблаш- аналитик маълумотларнинг шаклланиши билан тугайдиган маълумотларга ишлов беришнинг ҳар хил турдаги муолажа (процедура)лари;
- учинчиси- истъмол қилиш- тизимли бўлинмаларнинг фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш муолажа (процедура)лари.

Бошқарув ҳисобининг модулларини тузишда асосий белги (критерия)лар бўлиб қуйидагилар хизмат қилади: бошқарув мақсадлари, харажатларни баҳолаш ва назорат қилиш тизими, бўлинмалар ихтисослаштирилганлигининг даражаси ва улардаги харажатларнинг қиймати. Бу белгиларга ҳисобни харажатлар пайдо бўлиш жойларида вужудга келаётган масъулият марказларига, алоҳида олинган маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллилик марказларига қўйилиши жавоб беради.

Харажатларнинг вужудга келиш жойи - кузатиш, назорат қилиш ва бошқариш мақсадида меъёрлаштириш, режалаштириш, ҳисобни умумлаштириш шароитини яратаётган аналитик ҳисобнинг алоҳида объекти.

Масъулият маркази- унинг даромадига ишлаб чиқарилган маҳсулот, пул бирлигида ўлчанган бажарилган ишлар сифатида қарашга имкон берувчи ҳисоб объекти: сарф- ишлатилган ресурсларни пул бирлиги сифатида, даромад- фойда ва сарфлар ўртасидаги фарқ сифатида қараш.

Бошқарув ҳисобининг харажатлари. Масъулият ва рентабеллик марказлари бўйича ташкил этиш маълум шароитлар ва сарфларни талаб қилади.

Субъектнинг ташкилий фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларнинг вужудга келиши уларни назорат қилишни олдиндан аниқлайди. Шу мақсадда харажатлар умумишлаб чиқариш ва умумхўжаликларга; субъектнинг хизматлари ва бўлинмаларини, умумий ташкил этиш ва умумий бошқарув фаолиятининг ни олиб боришини таъминлаш бўйича мақсадли функция-

лари бажариш билан боғлиқликлар; бошқарувнинг функциялари бўйича; фаолият бошқаруви; ҳисоб ва калькуляция объектлари, ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатлари бўйича бўлинади.

Назоратнинг умумий тизими- бу коммуникацион тармоқ, унинг ёрдамида субъектда қабул қилинган қарорлар, уларнинг кейин амалиётда реализация қилиниши билан бир-бирига мос тушиши таъминланади ва келажакдаги тўғри харажатларнинг асоси устидан назорат ўрнатилади. Назорат муолажа (процедура)си: стратегик режалаштириш, тартибга солиш, вариантларни танлаш, мулк шаклларидан ташкил топган. Назорат турлари: кундалик, мақсадли, жорий ҳисобланади.

Назорат тизимнинг асосий воситаларидан бири бўлиб ички ҳисобот ва унинг кўрсаткичлари тизими ҳисобланади. Алоҳида бўлимлар томонидан бажарилаётган функцияларнинг фарқланиши ички ҳисобот маълумотининг таркиби ва мазмунини аниқлайди. Ички ҳисоботнинг турлари: ахборотли, иқтисодий натижалар ҳақида, персоналнинг фаолияти тўғрисида натижавий ҳисоботлардан ташкил топган.

Ички ҳисобот кўрсаткичларининг шаклланишида муаммоларни ечиш бошқарувчилар ва бутун меҳнат жамоасининг баҳоли кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишда тўғридан-тўғри иштирокини талаб этади.

Бу маъмурият томонидан қабул қилинаётган қарорларни ва уларни бажариш йўлларини, субъект фаолиятида иштирок этаётган шахсларнинг мотивациясига назорат тизимининг объектив салбий таъсирини олдини олиш учун қилинаётган ишларни бутун жамоанинг тушуниши учун зарур шароитдир.

6-БОБ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ МЕЪЁРЛАШТИРИШ, РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ САРФЛАНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ЎРНАТИШ

6.1. Субъект бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни назорат қилиш тизими

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг хозирги давр талабига кўра, мослашган ҳолда фаолият кўрсатиши учун унинг ишлаб чиқаришдаги харажатларининг сарфини меъёрлаштириш, режалаштириш ва уларнинг устидан назорат ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ушбу ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқарилган буюм ва маҳсулотларнинг баҳосини белгилашда асос бўлади ва рақобатбардошлигига таъсир қилади.

Шунинг учун, энг аввало, ушбу субъект бўлинмаларининг фаолиятини назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш лозим.

Субъектда амал қилинаётган назоратнинг умумий тизими- бу унинг фаолиятида амалга оширилаётган ва қабул қилинган қарорларнинг мос келиши ва келгусидаги фаолиятининг самарадорлиги учун асос бўлган қарорларнинг тўғрилигини таъмин қиладиган бошқарув ҳисобининг бўлимларини бир-бири билан боғлаб турувчи звеноларнинг мажмуасидир. Унинг субъект тармоқларининг ичида бир-бири билан боғланган ҳолда қўлланилиши ички бошқарув назорати дейилади.

Ички бошқарув назорати хўжалик юритувчи субъект бўйича, унинг бўлинмалари ва бўлинмаларининг ички бўлакларида фаолиятларини бошқариш, режалаштириш ва назорат қилишга ёрдам берадиган усул ва услубларнинг йиғиндисидан ташкил топган. Ушбу назорат тизимига мисол қилиб унинг бюджетини тузиш, ҳисоботини тақдим қилиш ва харажатларнинг меъёрий ҳисобини ташкил қилиш ва юритишни киритиш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъект бўлинмаларининг бюджети ўз-ичига тасдиқланган ва ишлаб чиқилган меъёрда ишлаб чиқаришнинг муомалавий ва молиявий фаолиятлари бўйича сарфланадиган харажатларни аниқ ҳисоблаб чиқиш ва шу билан бирга зарур бўлган вақтда ва тасдиқланган графикларга асосан ушбу тузилган ва тасдиқланган ҳисоботларни топширишдир.

Сарфланган харажатларнинг устидан тезкор назоратни амалга ошириш ва кучайтириш мақсадида уларнинг меъёрий ҳисобини ташкил қиладилар.

Ички бошқарув назорати ўзининг асосий эътиборини субъектнинг ташкилий таркиби бўлими ва масъулият маркази ҳисобланган бўлинмалари, цехлари, бригадаларининг фаолиятига қаратади. Чунки ҳар бир масъулият марказининг ўз мақсади бўлганлиги сабабли ушбу мақсадларга етиш учун ўзига маъқул усулларни ишлаб чиқади.

Амалиётда ушбу ишларнинг мажмуасини келгуси фаолиятни режалаштириш,

деб юритилади. Лекин ўзининг мазмуни бўйича келгуси фаолиятини режалаштириш ички бошқарув назоратининг тизимига кирмайди, чунки ушбу усул хўжалик юритувчи субъект томонидан унинг бир бутун фаолияти учун ишлаб чиқилади, қўйилган мақсадларига эришиши учун у нисбатан барқарор бўлиб фаолияти давомида кам холларда қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилади. Шунинг учун ҳам ички бошқарув назорати ўзининг моҳияти ва бажарадиган вазифасига кўра ташкилий стратегияни бажариш учун бошқарув ходимлари томонидан субъектнинг ходимларига таъсир қилувчи жараёнларнинг йиғиндисидан ташкил топган.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий таркиби бу тегишли битта ёки бир неча мақсадларга эришиш учун бирга ишлаётган ходимларнинг йиғиндисидир. Ушбу ташкилий таркибини назорат қилишнинг иккита тизими мавжуд:

а) назоратнинг механик тизими;

в) назоратнинг смета тизими.

Назоратнинг механик тизимига кўп ҳолларда жорий даврда амал қилинади ва унинг фаолияти қуйидагилардан иборат:

■ қарамоғидаги ходим ва ишчиларнинг иш фаолиятини доимо ва тезкор текшириб туриш;

■ уларнинг иш фаолиятини текширишдан олинган ҳақиқий маълумотларга асосан тартибга солиб турин.

Механик назоратнинг фаолияти қуйидаги кўринишга эга бўлади.

Смета усулида назорат қилиш жараёнида механик назоратнинг ва тескари алоқанинг элементларидан фойдаланилади. Чунки у режалаштириш билан доимий алоқада бўлади ва жорий даврда ҳам, келгуси узоқни кўзлаган ҳолда ҳам қўлланилади.

Бошқаришнинг тури ва тармоқнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда назоратнинг механик ва смета тизимини қўллаш тартиби ҳар хил бўлади:

■ тескари алоқа усулида;

■ тўғри алоқа усулида.

Тескари алоқа усули «кириш» ва «чиқиш» тартибига асосланади. Бу тартибда «кириш» деганда моддий ресурслар-хомашё ва материаллар, меҳнат ва молиявий сарфлар тушунилади, «чиқиш» деганда эса ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва уларга сарфланган харажатлар тушунилади. Ушбу тартибдаги боғланиш алоқа режа кўрсаткичларини ҳақиқий кўрсаткичлар билан таққослаб назорат қилиш ва четга чиқишлар содир бўлса уларни муқобиллаштиришни ўз ичига олади.

Ушбу тескари алоқага асосланган харажатларнинг сарфи устидан ўрнатилган смета назоратининг чизма кўринини қуйидагича бўлади.

Тескари боғланиш тартибига асосланган смета назорати тизимининг чизмаси



Ушбу тизимни қўллаш жараёнида содир бўлган ҳақиқий кўрсаткичлар меъёрий (стандарт) кўрсаткичлар билан таққосланади ва ушбу меъёрий кўрсаткичларни келгусидаги натижалар билан мослаштириш мақсадида тартибга келтирилади (муқобиллаштирилади).

Тўғри алоқалар йўли билан бошқариш усулида кутилаётган ишлаб чиқариш ҳажми ва харажатлар бизнес-режадаги кўрсаткичлар билан таққослаб баҳолаш амалга оширилади. Назорат жараёнида тегишли параметрлар бўйича четга чиқишлар аниқланса, ушбу четга чиқишларнинг миқдорини минимумгача камайтириш учун тадбирлар қўлланилади. Чунки ушбу усулнинг асосий мақсади ва олдига қўйилган вазифаси- йўл қўйилган хатолар бўйича огоҳлантириш ва келгусидаги фаолияти бўйича қўйилган вазифаларни ечишдир.

Ушбу тўғри алоқа усулида бошқаришни амалга оширишда, энг аввало, бизнес режани тўғри ва аниқ тузиш керак, чунки ушбу маълумотлари таҳлил қилиш, баҳолаш ва тадбирларни белгилашда асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу бизнес режада фаолият бўйича сарфларнинг турлари учун меъёрлар келгусидаги кутилаётган натижаларга мўлжалланган ҳолда тузилади. Ушбу меъёрларга ўхшаш бошқа қарорлар қабул қилинаётганда бу меъёрлар режалаштирилган натижаларга эришилмагунча тегишли ўзгартиришлар киритилаверади.

Ички бошқарув назорати тизимининг элементлари тескари алоқа билан ва тўғри алоқа билан бошқарувлардан ташкил топган.

Субъектнинг фаолиятини бошқарни бўйича қондалар, йўналишлар ва босқичлар ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади ва жисмоний (қўриқлаш ускуналари, пароллар, кодлар) йўриқномаларда қайд қилиш, стандартларни тасдиқлаш, рахбарларнинг хизмат кўрсатмалари, оғзаки кўрсатмалар ва шунга ўхшаш курилишда бўлади.

Бошқарув назорати тизимининг таъсирчанлиги унда ишлаб чиқилган хатти-ҳаракатининг меъёри, урф-одати ва жамоа ташкилотлари билан йўлга қўйилган алоқалардан ташкил топган ташкилий маданияти билан белгиланади.

Бундан ташқари, ички назорат тизимининг хусусиятига ташқи омиллар (жойланиши, бозор талаби, йўналиши) ҳам таъсир қилади. Чунки бозор иқтисоднёти шароитида буюртмачилар, мол етказиб берувчилар, рақобатчилар, жамият, давлат муассасалари ва бошқа ташқи субъектлар хўжалик юритувчи субъект билан доимо алоқада бўладилар, натижада ташқи фойдаланувчиларга мўлжалланган ахборот тизимига таъсир қилиб қолмасдан унинг ички назорат тизимининг тузилишига ҳам таъсир қилади.

Субъектнинг фаолияти устидан кундалик ва тезкор назорат унинг пастки бўғинларининг раҳбарлари томонидан амалга оширилади. Шунинг учун ушбу раҳбарларга масъулият марказларида бошқарув ҳисобида ташкил қилинадиган аниқлантирилган аналитик маълумотлар зарурдир.

6.2. Меъёрий харажатлар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият юритишида ва ушиг харажатларини назорат қилишнинг биринчи ва асосий босқичи бу меъёрий харажатларни ишлаб чиқишдир. Чунки меъёрий харажатларни ишлаб чиқиш илмий асосланган ҳолда хомашё ва материаллар, ишчи кучи сарфлари, ишлаб чиқаришнинг устама сарфларини ҳисоблаб чиқиш жараёнларини ўз ичига олади. Чунки ушбу меъёрий харажатлар тегишли шартли чегараланишга асосланган ҳолда сарфланадиган тегишли харажатларнинг даражасини кўрсатади. Энг аввало, меъёрий харажатлар хўжалик юритувчи субъектнинг келгуси фаолиятини белгилайди ва шу билан бир қаторда олинадиган фойданинг ҳажмига таъсири нуқтаи назаридан унинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги содир бўладиган ўзгаришларни баҳолаш воситаси ҳисобланади.

Ушбу таснифлардан хулоса қилиш мумкинки, меъёрий харажатларнинг ҳисобини юритиш хўжалик юритувчи субъектнинг бизнес фаолиятини юритишнинг асоси ҳисобланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва буюмларга нисбатан ва ҳар бир маҳсулотнинг истеъмол сифатини белгилайдиган аниқ белгиланган тартиби мавжуд бўлиб бу тасдиқланган стандарт (меъёр)лардир. Лекин шу билан бир вақтда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар стандарт талабига жавоб берган тақдирда ҳам ишлаб чиқариш фаолиятида содир бўлган харажатларнинг устидан назорат ўрнатишни талаб қилади. Тасдиқланган меъёрларга асосан сарфланган харажатларни бошқариш натижасида бошқариладиган йўқотишларнинг олдини олиш имконини яратади, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширади, сотиб олиш сиёсатини яхшилайди, ишлаб чиқариш ресурсларининг сарфини ўлчаш ва таққослашга олиб келади ва улардан келгусида яна ҳам самарадорлироқ фойдаланишга шароит яратиб беради.

Тасдиқланган меъёрларга асосан сарфларни бошқариш тизими қуйидаги кетма-кетликда ва тартибда амалга оширилади.

Тасдиқланган меъёрларга асосан сарфларни бошқарин тизимининг чизмаси

Ишлаб чиқариш сарфларини бошқаришнинг мақсади, вазифаси ва модулини аниқлаш	Хом-ашё ва материаллар, иш кучи, ишлаб чиқариш устама сарфларини меъёрлаш	Тасдиқланган меъёр ва смета бўйича сарфларнинг амалга оширилиш йўлларини излаш
Меъёрлаштирилган ва ҳақиқатда сарфланган харажатлар бўйича маълумотларни йиғиш	Харажатларни бошқариш бўйича ҳаракатларни танлаш ва баҳолаш	Қарорларни қабул қилиш
Ҳақиқий сарфларни меъёрлаги сарфлар билан таққослаш	Харажатларни сарф қилинини ва масъулият марказлари бўйича назорат қилиш ва тартибга келтирин	Ҳақиқий таннархни меъёрий таннарх, маҳсулотнинг, буюртманинг баҳоси билан таққослаш

Ушбу тескари алоқага асосланган харажатларнинг сарфи устидан ўрнатилган смета назоратининг чизма кўриниши қуйидагича бўлади.

Тескари боғланиш тартибига асосланган смета назорати тизимининг чизмаси

Стандартларни тасдиқлаш	Бизнес-режани тузиш	Жараёнлар	Назорат
Муомалаларни таҳлил қилиш: ■ ишлаб чиқаришни амалга ошириш; ■ харажатларни сарфини камайтириш; ■ бозорни танлаш ва ҳокозо.	Ҳаракат қилиш вариантларини танлаш: ■ харажатларни ҳисобга олиш; ■ тақсим қилиш; ■ калькуляция усули ва ҳокозо.	Қарорларни қабул қилиш: ■ ўхшаш қарорларни баҳолаш; ■ танлаш усуллари ва ҳокозо	Ҳаракатнинг шаклларини ишлаб чиқиш: ■ бизнес-режа; ■ бюджетни ишлаб чиқиш; ■ фарқларнинг содир бўлиши ва сабаблари; ■ конфликтлар ва ҳокозо.
Маълумотларни йиғиш	Маълумотларга ишлов бериш	Ҳаракатини баҳолаш	Натижаларни таснифлаш

Ушбу назорат тизими ўзининг таркибига қуйидагиларни жамлайди:

а) хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқаришни таъминлаш учун маъмурият томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдиган харажатларни меъёрларга асосан режалаштириш;

в) тегишли меъёрлар билан тасдиқланган ва ишлаб чиқаришда зарур бўлган ресурслардан фойдаланиш учун зарур бўлган харажатларнинг меъёрини ҳужжатлаштириш ва рухсат берадиган ҳужжатларда қайд қилиш;

c) тегишли харажатларни тасдиқланган меъёрларга асосан бухгалтерия ҳисобининг счётларида ҳисобдан чиқариш;

d) тайёр маҳсулотларни, ишлар ва хизматларни меъёрий таннархда баҳолаш;

e) тугалланмаган ишлаб чиқаришни меъёрий таннархда баҳолаш;

f) жорий харажатларнинг меъёрдан четга чиққан миқдори ишлаб чиқаришнинг натижалари кўринишида акс эттириш;

g) бошқарув ходимларининг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир қилиши учун меъёрдан четга чиқиш ҳолларини тезкор аниқлаш;

h) ўзининг бошқарув даражасига қараб ҳар бир менежерга тегишли маълумотларни ўз вақтида ва етарлича етказиб бериш.

Натижада харажатларни меъёрий бошқариш ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархининг шаклланишига бошқарув ходимлари томонидан кучли таъсир қилиши ва ишлаб чиқариш жараёнида бошқарув қарорларини тезкор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминланиши нуқтаи назардан илгариги усуллардан тубдан фарқ қилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини назорат қилиш ва тегишли қарорларни тўғри қабул қилиш учун стандарт меъёрларни ишлаб чиқиш зарурияти келтириб чиқаради. Стандарт меъёр бу чуқур ва илмий асосланган ҳолда таҳлил қилиниб олинган миқдор ҳисобланади ва у ишлаб чиқариш технологиясида кўрсатилган, ҳар хил шароитларда маҳсулотнинг баҳосини белгилашга ёрдам берадиган меъёрдир.

Тегишли маҳсулот ёки буюртманинг меъёрий харажатларини белгилаш учун ушбу маҳсулот ёки буюртмага сарфланадиган хомашё, материал, меҳнат сарфлари ва ишлаб чиқариш устама сарфларининг меъёрларини йиғиб чиқиш лозим. Хўжалик юритувчи субъектнинг амалиётида меъёрий харажатларнинг йиғиндисини аниқлаш учун иккита ёндашув мавжуд:

■ хомашё ва материаллар, меҳнат ва ишлаб чиқариш устама харажатнинг ҳақиқий ҳолати таҳлил қилинади;

■ техник таҳлил асосида ҳисоблаш (индекс, улуши) йўли билан тегишли меъёрлар тасдиқланади.

Шу билан бир вақтда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

■ биринчи услубдан фойдаланилаётган вақтда ўтган даврда содир бўлган меъёрдан четга чиқиш суммаси келгуси давр меъёрининг таркибига киритилиши мумкин;

■ иккинчи усул ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини таъминлайди, чунки меъёрдан четга чиқишни тўлиқ ва аниқ белгилаши, таҳлил қилиши, сабабини аниқлаши ва ушбу четга чиқишга ўз вақтида таъсир қилиши билан фарқ қилади.

Сарфланадиган харажатларнинг меъёрларини ишлаб чиқиш жараёнида меъёрнинг моҳиятига тааллуқли қатор муаммолар вужудга келади:

а) идеал шароитларда хўжалик фаолиятини режалаштириш;

б) хатосиз фаолият кўрсатиш шароитида;

в) енгил шароитлар мавжуд ҳолатларда.

Ишлаб чиқилган меъёрлар ўзларининг моҳиятига кўра қуйидаги турларга бўлинади: асосий меъёрлар, идеал меъёрлар, жорий меъёрлар.

Харажатларнинг асосий меъёрларига узоқ даврлар ичида ўзгартирилмайдиган доимий меъёрлар киради, қатор йиллар ичида сарфланган ҳақиқий харажатларни таққослаш учун фойдаланилади ва таҳлил қилинаётган давр ичида айрим олинган маҳсулот ёки буюмнинг ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги йўнилишини аниқлаш учун хизмат қилади. Хўжалик фаолияти шароитида ишлаб чиқариш ҳажмининг, технология ва баҳоларнинг ўзгариши натижасида асосий меъёрлар жорий режалаштирилган харажатларни ўзида акс эттира олмайди. Натижада харажатларни бошқариш учун уни қўллаш имконияти йўқолади. Демак, харажатларнинг асосий меъёрларини қўллаш жараёнлари чегараланиб қолади.

Шу билан бир қаторда харажатларни бошқариш жараёнида уларнинг устидан назоратни кучайтириш мақсадида фаолият кўрсатишнинг ҳар хил шароитларини ҳам инобатга олиш заруриятини келтириб чиқаради.

Натижада ушбу сарфларнинг идеал меъёрини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Ушбу меъёр ишлаб чиқаришнинг идеал (энг қулай) шароитида сарфланадиган харажатларнинг минимал (энг кам) миқдоридан ташкил топади. Хўжалик юритувчи субъектнинг амалиётида идеал меъёрлардан жуда кам ҳолларда қўлланилади. Чунки ушбу меъёрларга амал қилишнинг имконияти жуда оздир, натижада бу меъёрлар ишлаб чиқариш фаолиятида мақсад қилиб олинмайди. Шу билан бир қаторда ушбу меъёрлар ходимларни ва фаолиятни рағбатлантириш ва таннархни пасайтиришнинг йўлларини қидириб топиш учун менежерларга асос бўлиб хизмат қилади, лекин ушбу меъёрлар амалиётда жуда кам ҳолларда қўлланилади.

Демак, ушбу назоратни кучайтириш ва харажатларни бошқаришни талаб даражасига келтириш учун талабга жавоб берадиган юмшоқ ва жорий меъёрларни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради. Бундай меъёрларнинг талабларига харажатларнинг жорий меъёрлари тўлиқ жавоб беради. Бу меъёрлар фаолиятнинг қисқа муддатида сарфлаш имконияти бўлган харажатлар бўлиб, улар ишлаб чиқаришнинг режалаштирилган самарадорлигига эришишни таъминлайди. Ушбу меъёрлар самарали фаолият кўрсатиш жараёнидагина ҳақиқатда эришиши мумкин бўлган мақсадларни ўз ичига олади. Уларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар олдиндан белгиланган мақсадга эришиш жараёнида содир бўлган четланишларни ўлчаш учун асос бўлади, яъни ҳақиқатда сарфланган харажатлар билан меъёрдаги харажатларни таққослаш учун хизмат қилади. Шу билан бир қаторда йўл қўйилиши мумкин бўлган четланишлар шароитида, яъни оддий ишлаб чиқариш шароитида содир бўлган меҳнат ва моддий ресурсларнинг йўқотилиши шароитида режалаштирилган самарадорликка эришишни таъминлайди. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект имкониятидан келиб чиқиб (ўзида ёки институтларга мурожаат қилиб) меъёрларни ишлаб чиқишни таъминлаш лозим. Агарда имконият бўлса, йирик компанияларнинг қошида меъёрларни ишлаб чиқувчи бўлим- хўжаликларни ташкил қилиш зарурияти келиб чиқади.

Меъёрларни ишлаб чиқувчи хўжаликлар бу ишлаб чиқаришга хизмат қилиш ва уни бошқариш учун зарур бўлган хом-ашё ва материалларнинг, олинган буюмлар, ёқилғи, энергия, меҳнат сарфлари ва бошқа сарфларнинг жорий меъёрининг сметаси (чегараси)ни ва бошқа меъёрларни ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар.

Хўжалик юритувчи субъектда харажат меъёрларини ишлаб чиқувчи бўлимнинг таркибий тузилиши



Юқоридаги чизмада меъёрни ишлаб чиқувчи бўлимнинг умумий чизмаси кўрсатилган. Чунки ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда унинг таркиби ва фаолияти ҳар-хил бўлиши мумкин. Меъёр-

ларни ишлаб чиқувчи бўлимларни ташкил қилиш ишлаб чиқарилган харажатлар меъёрининг тўғрилигини ва асосланганлигини текширини, янги ва етишмаган меъёрларни ишлаб чиқиш ва амал қилинаётган меъёрларни қайта кўриб чиқиш каби фаолиятни амалга оширади. Амалиётда меъёрий харажатларнинг фарқи муҳим аҳамият касб этгунга қадар улар ўзгартирилмайди ва қўлланилаверилади.

Хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқарган маҳсулотларининг турларини ва улар билан боғлиқ технология жараёнларини қанча тез ўзгартирса, шунча тез янги меъёрларни ишлаб чиқиш ёки эски меъёрларни қайта кўриб чиқиши, яъни мослаштириши лозим, чунки уларнинг бу фаолияти фойдали бизнес-ни юритиши билан тўғридан-тўғри ва чамбарчас боғланган.

6.3. Ишлаб чиқарилган меъёрлар ва уларни фарқининг сарфланган харажатлар устидан назорат қилишдаги ўрни

Сарфланган харажатларни ҳисобга олишнинг асосий вазифаси хўжалик юритувчи субъект раҳбариятини ва тегишли бўлиналарнинг раҳбарларини ўз вақтида ва тезкорлик билан ҳақиқий харажатларнинг тасдиқланган меъёрлардан четга чиқиш бўйича маълумотлар билан таъминлаб туришдир. Ҳаммага маълумки, агарда содир бўлган четга чиқишлар, унинг сабаблари, масъуллари тўғрисида субъектнинг раҳбарлари ва бўлимларнинг раҳбарлари ўз вақтида, тўлиқ ва тезкор маълумотларга эга бўлса ушбу салбий омилларнинг таъсирини имконияти борича камайтириш ва келгусида олдини олиш учун имкоият яратилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда харажатларни бошқариш йўналишига эга бўлган ҳисоб тизими харажатларни меъёрлаштириш, режалаштириш ва ҳақиқий харажатлар билан меъёрий харажатларнинг четга чиқиши билан чамбарчас боғланган.

Бизга маълумки, юқорида қайд қилингандек меъёрларни ишлаб чиқиш билан субъектнинг махсус бўлимлари, мутахассислар ёки мустақил институлар шуғулланади. Ушбу фаолиятни амалга ошириш жараёнидаги, яъни режалаштириш жараёнидаги қўлланилаётган усуллар икки гуруҳга бўлинади:

- олдинги даврдаги ҳақиқий сарфларга асосланган ҳолда жорий давр учун меъёрларни ҳисоблаб чиқиш;
- ички стандартларга асосланган ҳолда сметаларни ҳисоблаб чиқиш.

Биринчи услублар йиғиндисини қўллаётганда:

- олдинги даврда сарфланган харажатлардан ҳар хил йўқотишларнинг суммаси чегирилади;
- режалаштириладиган даврда шарт-шароитларнинг ўзгариши инобатга олинади:

a) ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларининг ўзгариши;

в) фойдаланилаётган машина ва ускуналарнинг таркибидаги ўзгаришлар;

c) сарфланадиган хомашё, материаллар ва истеъмол қилинадиган хизматлар баҳосининг ўзгариши;

d) ишлаб чиқариш технологияси ва сарфланадиган моддий ресурслар

турларининг ўзгариши;

e) меҳнат ресурсларининг баҳоси- таърифи, ставкаси ва ҳоказо;

f) ишлаб чиқариш жараёнининг даври;

g) иш вақтининг бюджети ва меҳнат унумдорлиги;

h) ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш сиёсатидаги ўзгаришлар ва бошқа тасодифий ўзгаришларнинг таъсири.

Иккинчи усулда эса бевосита харажатларнинг стандартлари, яъни аналитик моддалар бўйича сметалар (чегаралар) ишлаб чиқилади. Ушбу стандартлар ва сметаларни ишлаб чиқишда меъёрдаги шароити, яъни ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, хомашё ва материалларнинг ўртача баҳоси ва бошқа омилларнинг ўртача даражаси назарда тутилади. Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш деганда машина ва ускуналарнинг лойиҳа қувватларидан 100% фойдаланиш, ёки олинган буюртмаларнинг ҳажми ва кутилаётган сотиш ҳажми тушунилади.

Режалаштириш тизими сарфланган харажатларни ва олинадиган фойдани назорат қилиш ва ташкил қилиш режаларини мувофиқлаштиришга қаратилган бўлиши лозим.

Харажатларни ҳисобга олишда фақатгина жорий даврдаги сарфланган ҳақиқий харажатлар билан меъёрий харажатларнинг фарқи кўрсатилиб қолмай, балки қуйидаги сабабларга мувофиқ жорий даврда содир бўлган четга чиқишларнинг сабаблари ҳам ёритилиши лозим:

- ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки буюмнинг ҳажми бўйича;
- у ёки бу маҳсулот ёки буюмнинг ишлаб чиқаришдан олиниши;
- у ёки бу маҳсулот ёки буюмнинг ишлаб чиқаришда бошқа маҳсулотга алмаштирилиши;
- маҳсулот баҳосининг ўзгариши;
- ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш мақсадида маҳсулот турларининг ўзгартирилиши;
- янги технология ва ускуналарнинг жорий қилиниши;
- сарфланган харажатларнинг ҳажми бўйича;
- хомашё ва материалларни сотиб олиш;
- ярим фабрикатларни сотиб олиш;
- ишлаб чиқаришдаги чиқиндиларнинг ҳажми;
- меҳнат сарфларининг самарадорлиги;
- янги маҳсулотларни яратишгача бўлган ишлаб чиқариш устама харажатлари ва ҳоказолар.

Бошқарув бухгалтериясида ўтган йилдаги кўрсаткичлар ҳисобга олинмаган ҳолатда режалаштирилган ва ҳақиқатда сарфланган харажатларни акс эттирадиган таққосланма жадвал ишлаб чиқилади (ушбу жадвал кейинги бетда келтирилган).

Ушбу кўрсаткичлар келтирилган муфассал ҳисобот меъёрдаги хара-

Харажатларнинг таққослама жадвали

Кўрсаткичлар	Субъект бўйича			Маҳсулотнинг турлари бўйича									Ва бошқа маҳсулотлар
	жами			А			В			С			
	Режа	Ҳақ.	Фарқ	Режа	Ҳақ.	Фарқ	Режа	Ҳақ.	Фарқ	Режа	Ҳақ.	Фарқ	
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Сотишнинг ялпи ҳажми	5000	5320	+320	3000	3200	+200	1000	1100	+100	500	550	+50	
Сотилган маҳсулотнинг қайтарилиши	500	532	32	300									
Сотишнинг соф ҳажми	4500		-										
Режа даражасида сотилган маҳсулотнинг таннархи	3600												
Меъёрдаги ялпи фойда	900												
Четга чиқиндилар:	-												
А.-хом ашё бўйича	8												
-йиғиш бўйича	2												
В.-меҳнат сарфлари													
-меҳнат ҳақи	1												
-меҳнат унумдорлиги	1,8												
С.-ишлаб чиқариш устама харажатлари													
-субъектнинг фойдали фаолияти	1,7												
-ишлаб чиқариш қуввати	0,9												
D.Тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар:													
-моддий сарфлар	0,4												
-меҳнат сарфлари	0,3												
-ишлаб чиқариш устама сарфлари	0,2												
Е. Жами четга чиқиш:	17,3												
F. Сотишдан олинган соф фойда бўйича	882,7												

жатларни ҳисобга олиш билан олинадиган фойда ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни режалаштириш ва таҳлил қилишни ўзида мужассамлаштирган.

Бундан ташқари, шундай ҳисоботлар масъулият марказлари бўйича тузилади ва харажатларнинг тўлиқ фарқини аниқлаш имкониятини яратади ва олинадиган фойдага ҳар бир бўлимнинг қўшган ҳиссасини баҳолашга ёрдам беради.

Меъёрий ҳисобнинг асосий вазифаларидан биттаси ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг меъёрий таннархини таҳлил қилиш ва ўрганишдан иборат. Ушбу таҳлил ва ўрганиш стандарт таннархи варағида тегишли меъёрларни умумлаштириш вақтида амалга оширилади.

Ушбу варақларнинг маълумотлари «Ишлаб чиқарилган маҳсулот (буюм)ларнинг меъёрий (стандарт) таннархини олдиндан таҳлил қилиш» ҳисоботига ўтказилади (ҳисоботнинг шакли кейинги бетда келтирилган).

Ушбу таҳлил ва ўрганиш натижалари субъектнинг раҳбарлари ва ҳар бир менежерга маҳсулотнинг фойдалилиги даражасини оширишга бағишланган билдиришномасини тузиш учун бошқарув бухгалтерияси томонидан қуйидагилар кўриб чиқилади:

- ўтган йилга нисбатан сотиб олинадиган ресурслар баҳосининг ўзгариши;
- сотиб олиш сиёсатининг келгусидаги қулай усулларини аниқлаш;
- сотиб олиш сиёсатининг бошқа қулай усулларини яратиш;
- янги мол етказиб берувчиларнинг аҳамиятини баҳолаш (харажатлар, етказиб бериш, уларнинг сифати, баҳоси ва ҳоказо);
- машина ва ускуналарга қўйилган маблағларнинг афзалликлари;
- ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш сиёсатининг афзаллиги;
- хомашё ва материалларнинг баҳосини назорат қилиш йўли билан материалларнинг сарфланишини баҳолаш;
- айрим мол етказиб берувчилардан олинган ресурсларнинг баҳоларини таққослаш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва буюмларнинг баҳоси ва сифати бўйича рақобатбардошлигини харажатларни таҳлил қилиш йўли билан баҳолаш;
- айрим олган маҳсулотлар бўйича тегишли муомалаларнинг самарадорлигини аниқлаш;
- камчилиги бор хом ашё ва материаллар билан ишлашни баҳолаш;
- айрим олган маҳсулотлар бўйича меъёрлаштирилган ишларни бажариш;
- маҳсулотнинг турларини ўзгартириш имкониятини текшириш;
- сотиладиган маҳсулотларнинг баҳосини пасайтириш имкониятлари;
- хомашё ва материалларни сотиб олиш, баҳоларини пасайтириш;
- ишлаб чиқариш зарарсизлигининг таҳлилини ўтказиш;
- субъект бўйича маҳсулотнинг сотиш ҳажмини камайтирмаган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бошқасига алмаштириш.

Юқорида қайд қилинган комплекс тадбирларни ўтказиш ва вазифаларни бажариш хўжалик юритувчи субъект фаолиятига ижобий таъсир қилади ва унинг рақобатбардошлигини оширади, фойда суммасининг ўсишига ва келгусида ривожланишига олиб келади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот (буюм)нинг меъёрий таннархини таҳлил қилиш

Маҳсулотнинг турлари / Кўрсаткичлар	A		B		C		ва
	сумма	реал нарх %	сумма	реал нарх. %	сумма	реал нарх. %	Бош-қалар
Меъёрий баҳодаги хом-ашёлар	25000	37	10000	44	5000	44	
Ўзи ишлаб чиқарган ярим фабрикатлар (трансферт баҳода)	5000	8	-	-	1000	9	
Моддий сарфларнинг жами	30000	45	10000	44	6000	53	
Меъёрдаги меҳнат ҳақи сарфлари	7200	11	4400	18	1450	13	
Ижтимоий мухофаза жамғармасига ажратиш	2800	4	1600	8	550	4	
Меъёрдаги ишлаб чиқариш устама сарфлари	10000	15	4000	17	2000	18	
Меъёрий сарфларнинг жами	50000	75	20000	87	10000	188	
ҚҚСсиз сотиш баҳоси	65000	100	24000	100	11500	100	
Фойда	15000	25	4000	13	1500	12	
Жорий даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори	60000	-	30000	-	1500	-	
Ишлаб чиқаришнинг ҳажми (минг сўм)	39000 00000	-	48000 0000	-	11500 0000	-	
Умумий фойда	70%		10%		4%		

Шундай қилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг меъёрий харажатлари билан режадаги харажатларини таққослаш жараёнида меъёрларнинг зичлик даражаси белгиланади. Сарфланган харажатлар бўйича ҳақиқий маълумотларнинг меъёрий сарфлар билан таққосланиши бошқарув ходимлари томонидан таннархнинг ташкил топиши жараёнига таъсирини кучайтиради ва харажатларнинг устидан амалга оширилган назоратнинг таъсирчанлик даражасини оширади.

6.4. Хомашё ва материалларнинг сарфлари бўйича меъёрларни ишлаб чиқиш, товар-моддий захиралари ва харажатларни баҳолаш

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган хомашё ва материаллар улар таннархининг асосини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ушбу моддий сарфларнинг устидан назорат ўрнатиш маҳсулотга сарфланган харажатларнинг устидан назорат ўрнатишнинг асосий бўғини ҳисобланади. Чунки тармоқларнинг хусусиятига қараб ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархида хомашё ва материалларнинг сарфи 70-80%гача ташкил қилади. Айниқса, бу ҳолат саноат тармоғидаги субъектларнинг фаолиятида тез-тез кузатилиб туради. Шунинг учун ҳам ушбу тармоқларда моддий харажатларнинг меъёрларини ишлаб чиқишга асосий эътиборни қара-

тиш зарур. Моддий ресурсларнинг меъёрий сарфлари субъектнинг ушбу даврдаги фаолияти жараёнида сарфланиши лозим бўлган харажатларнинг йиғиндисидан ташкил топади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига сарфланган меъёрий харажатлар ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришда сарфланган моддий харажатларни уларнинг бирлик баҳосига кўпайтириш натижасидаги суммага тенг.

Мисол, бир дона костюмни тикиш учун 2.4 метр газлама сарфланиши меъёрлаштирилган ва ушбу костюмлардан 20 дона тикилди. Натижада тасдиқланган меъёр бўйича 48 метр газлама сарфланди. Ушбу газламанинг баҳоси 1000 сўм. Демак, тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган моддий харажатлар 48000 (2.4x20x1000) сўмни ташкил қилади.

Бундан ташқари, меъёрий моддий харажатларнинг умумий суммасини, яъни ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳозирги даврда харажатларнинг турлари ва объектлари устидан назорат ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу меъёрий харажатларнинг суммаси қуйидаги тартибда аниқланади. Ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бирлигига сарфланган меъёрий моддий харажатлар шу даврда ишлаб чиқарилган жами маҳсулотнинг ҳажмига кўпайтирилади.

Мисол, жорий ҳисобот даврида 800 дона костюм ишлаб чиқарилди, 1 дона костюм ишлаб чиқарий учун 2400 сўмлик материал сарфланди. Демак, ушбу даврда ишлаб чиқарилган костюмларга сарфланган моддий харажатлар 1920000 (800 донах2400 сўм) сўмни ташкил қилади.

Моддий сарфларнинг меъёрларини ҳисоблаб чиқишда унинг ҳажми бўлиб материал сарфларининг жисмоний кўринини ҳисобланади. Ушбу моддий сарфларнинг меъёрлари бешта кўринишда бўлади: муомалалар бўйича, деталлар, қисмлар (узеллар), буюмлар ва фаолияти бўйича.

Муомалалар бўйича белгиланган меъёрлар ҳар бир муомала бўйича сарфланадиган хомашё ва материалларнинг миқдори ва суммасини чегаралайди. Ушбу тасдиқланган меъёрларни «Ишлаб чиқариш бирликларида муомалалар бўйича моддий сарфларни қайд қилиш жамғармасида» меъёрлар бўйича тизимга келтириш натижасида бўлимлар бўйича моддий сарфларнинг сметаси (чегараси)ни тузиш мумкин. Ушбу моддий харажатларнинг муомалалар бўйича сарфидан меъёрий-технология картасини, моддий харажатларнинг смета (чегараси)ни ва меъёрий калькуляцияни ишлаб чиқиш учун фойдаланилади.

Деталлар бўйича материаллар сарфининг меъёри- бу тегишли деталларга тааллуқли муомалалар бўйича ўрнатилган меъёрларни умумлаштиришдир, яъни ҳар бир деталга сарфланадиган харажатларнинг меъёри технология картада тасдиқланган муомалалар ва уларнинг меъёрини жамлаш усулида топилади. Ушбу сарфлар деталлар бўйича меъёрлар қайдномасида бир тизимга келтирилади.

Ўз навбатида ушбу деталлар бўйича меъёрлар икки кўринишга эга:

- умумий оғирликдаги (тортилган ёки ҳажми);
- соф оғирликдаги (тортилган ёки ҳажми) меъёри.

Биринчи турдаги умумий ҳажмдаги меъёрни ҳисоблаш учун сарфланган соф оғирлик ёки ҳажмга технологик чиқиндининг оғирлиги ҳам қўшилади. Меъёрнинг иккинчи, соф оғирлик усулини қўллаганда эса фақатгина ундаги фойдали сарфлар ёки чизмада кўрсатилган сарфларгина олинади. Чунки меъёрий сарфларни шундай турларга бўлиш натижасида тегишли тармоқларнинг турларида технологик йўқотишлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини режалаштиришнинг имкониятини яратади. Ушбу тартибни қўллаганда ишлаб чиқаришнинг меъёрий харажатларга меъёрлаштирилган йўқотишлар ва чиқиндилар ҳам қўшилади, натижада моддий сарфларни тикадиган субъектларда уларни бичаётганда газламаларнинг меъёрдаги чиқиндилари ҳам бичилган костюмларнинг материаллар сарфи қийматига қўшилади.

Узеллар (қисмлар) бўйича ўрнатилган меъёрлар субъектнинг ўзида фойдаланиладиган, товар маҳсулоти сифатида эҳтиёт қисмлар кўринишидаги четга, истеъмолчиларга сотиладиган узел (қисмлар)га сарфланадиган харажатларни меъёрлаштиради. Уни қўллаш тартиби муомалалар бўйича ўрнатилган меъёрларни қўллаш тартибига ўхшайди.

Ишлаб чиқаришга сарфланган моддий қийматликларининг меъёрлари яна ҳам йириклаштирилган бўлиб, у асосан детал ва бўлимларга ўрнатилган сарфлар меъёрларининг йиғиндисига ва бўлимларга ўрнатилган сарфлар меъёрларининг йиғиндисига асосланган бўлиб, уларнинг йиғиндиси тегишли маҳсулот ёки буюмнинг меъёрий ташархини ташкил қилади. Бу жараённи, яъни меъёрларнинг қўлланилишини бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган цехлар мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

Маҳсулот (буюм)ни ишлаб чиқаришга сарфланадиган моддий харажатларни шакллантириш тартиби



Ушбу технология жараёнининг чизмасидан кўриниб турибдики, тайёр маҳсулотлар (А ва В)нинг ташархи тегишли детал ва қисмларнинг улушлари йиғиндисидан ташкил топган.

Фаолияти бўйича ўрнатилган меъёрларга ишлаб чиқариш технологиясини ва уни ташкил қилишни такомиллаштириш учун, ишлаб чиқаришни сериялар бўйича ва айрим маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш оқимини кўпайтириш жараёнида сарфланадиган моддий харажатларнинг миқдорини ҳисоблаш учун қўлланилади. Умуман олганда, фаолиятнинг меъёрлар ишлаб чиқаришда моддий қийматликлардан фойдаланиш фаолиятини таснифлайди. Ушбу меъёрлар, асосан конструкторлик ишлаб чиқаришда, айрим олган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда технология жараёнларини яратиш ва такомиллаштириш вақтида қўлланилади.

Билвосита моддий сарфларнинг меъёрий асосини шакллантиришда асосий манбалар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

■ конструкторлик ҳужжатлари: детал, бўлим ва йиғимларни сертификатлаш;

■ технология ҳужжатлари- детал ва бўлинмаларнинг пайдо бўлиши ва уларга ишлов бериш жараёнлари, цехларда деталларга ишлов беришни қайд қилувчи йўналиш картаси, сотиб олинган ярим фабрикатларни йиғиш қайдномаси ва бошқалар.

Ишлаб чиқаришнинг конструкторлик ва технологик тайёргарлиги бўйича ҳужжатлар бош конструктор, бош технолог, бош механик, бош энергетикларнинг бўлимлари томонидан ишлаб чиқилади. Ушбу бўлимлар тегишли маълумотлар билан бўлимлар ва хизматларни таъминлаш ва содир бўлган ўзгаришлар бўйича уларни ўз вақтида огоҳлантириш учун масъулдирлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида ТМЗ муҳим ўрин тутади. Чунки у моддий ресурслар ҳисобланиб субъектнинг жорий активи, яъни тегишли ҳисобот даврида тўлиқ истеъмол қилинадиган ресурслардир. Шунинг учун ҳам уларни баҳолаш ресурсларнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш, улардан фойдаланишни назорат қилишда муҳим аҳамият касб этади. ТМЗ баҳолашнинг тартиби ва уни танлаш қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

а) ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархига қўшиладиган харажатлар таркибининг тартибга солувчи ҳужжатларга мос келиши;

в) субъектнинг мулкини баҳолашга тааллуқли ҳисоб сиёсатини акс эттириш;

с) «Сотиб олиш керакми ёки ишлаб чиқариш?» қарорини қабул қилиш жараёнида унга таъсир қиладиган асосий элемент бўлиши;

d) ишлаб чиқариш харажатларини назорат қилиш тизими билан келишилган ҳолда баҳолашни амалга ошириш лозим.

Юқорида келтирилган талаблар бир бирига зид бўлиб ҳеч бир баҳолаш тартиби уларнинг талабидан қониқмайди. Чунки ушбу қарама-қаршиликлар ишлаб чиқаришга сарфланаётган моддий қийматликларни баҳолашда кўзланадиган мақсадлардан келиб чиқади.

1. Молиявий ҳисоботда олинган фойдани аниқлаш ва товар моддий захираларни баҳолаш учун материаллар учун илгари сарфланган харажатлар йўналишлари бўйича умумлаштирилади. Кейинчалик улар сотилган маҳсулотнинг таннархига қўшилади ва сотилмай омборда қолган ва йўлдаги маҳсулотларни баҳолашнинг асосий қисмини ташкил қилади.

2. Тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш ва маҳсулотнинг баҳосини ўрнатиш учун келгуси даврдаги моддий сарфларнинг қиймати башорат қилинади. Чунки ташқи истеъмолчиларга тақдим қилинадиган ҳисоботнинг мақсадини илгари сарфланган харажатларга асосланиш усули қондиради. Бошқарув ҳисоби учун эса келгусида амалга ошириладиган сарфлар тўғрисида маълумотлар зарур.

Товар моддий захираларини баҳолаш тизими хўжалик юритувчи субъект фаолиятида моддий ресурсларнинг устидан назорат ўрнатишдаги асосий омил ҳисобланади. Чунки ушбу ТМЗнинг миқдори ва ҳолати субъектнинг ҳолатини баҳоланда муҳим ўрин тутади. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартларида ТМЗ баҳолашнинг қуйидаги усуллари қўлланилади: FIFO, LIFO, ўртача тортилган, меъёрий сарфлар бўйича, трансферт баҳода. Энг аввало уларни қўллаш усулини танлашдан олдин ушбу усулларнинг моҳияти билан танишиб чиқамиз.

FIFO усули. Ушбу усулни қўллаганда биринчи олинган материаллар биринчи сарфланади, яъни сарфлаш (фойдаланиш) жараёнида улар биринчи олинган баҳода акс эттирилади. Мисол, август ойида хомашё ва материаллар сотиб олинди:

05.08=1500 кг-1000=1500000 с.
10.08=1000 кг-1100=1100000 с.
17.08=2000 кг-950=1900000 с.
24.08=800 кг-1200=960000 с.
Жами=5300=5460000 с.

Дастлабки ҳужжатларга асосан ушбу хом-ашё ва материаллар қуйидаги тартибда сарфланди:

08.08*1200кг х1000с=1200000 с.
14.08*1100кг х1000с=1100000 с.
22.08*1600кг х1000с=1600000 с.
29.08*700кг х1000с=700000 с.
Жами=4600000 с.
Қолдиқ 01.09. 700кг=860000 с.
1 кг хомашёнинг таннархи= 1228,60 сўм (860000:700)

Ушбу тартибни қўллаш натижасида хомашё ва материалларнинг ҳисобот даврининг охиридаги қолдиғи юқори баҳода акс эттирилади, лекин шу билан бир вақтда агарда кейинги гуруҳларда олинган хомашё ва материалларнинг баҳоси ошса уларнинг ишлаб чиқаришга сарфи арзон баҳода (биринчи) ҳисобдан чиқарилиб ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи сунъий равишда арзонлаштирилади ва олинган фойда суммасининг кўпайишига олиб келади.

LIFO усули. Ушбу усулни қўллаш натижасида ТМЗ ҳисобот даврининг охиридаги қолдиқ суммаси энг паст баҳода акс эттирилади, чунки ҳисобот даврининг охирида олинган ТМЗ гуруҳи биринчи навбатда сарфланади. Бизнинг мисолимизда сарфланган ТМЗларнинг баҳоси 1000 сўм эмас, балки 1200 сўмда ҳисобдан чиқарилиб ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ёки хизматнинг таннархига қўшилади. Натижада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи кўпаяди ва олинган фойданинг миқдори камаяди. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида захиралар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобланнинг ушбу усулини қўллаш ҳисобот даврида сарфланган харажатлар билан ҳақиқий харажатларнинг таққосланиш имконининг йўқлиги қайд қилинган. Шунинг учун ҳам инфляция шароитида ТМЗ баҳолашнинг FIFO ёки ўртача тортилган усулини қўллашни халқаро стандарт тавсия қилади.

Ўртача тортилган баҳо. Ушбу усулни қўллаш жараёнида ҳар бир ТМЗнинг тури ёки гуруҳи бўйича ҳар хил ҳисоблар амалга оширилиб жорий ҳисобот даврида (ой, чораклик) уларнинг тури ёки гуруҳи бўйича ўртача баҳо аниқланади. Амалиётда ҳисобот даврининг ичида ҳар хил турдаги ва гуруҳдаги ТМЗлар сотиб олинади ва сарфланади. Шунинг учун сарфланган ҳар бир материал ёки материалларнинг гуруҳи охирги ҳисобланган ўртача баҳода ҳисобдан чиқарилади.

Ушбу ўртача баҳони аниқлаш учун тегишли материаллар ҳисобдан чиқарилаётганда захираларнинг умумий қийматини унинг шу гуруҳдаги ёки туридаги миқдорига бўлинади ва шундай ҳисоблаш тартиби ҳар бир гуруҳ сотиб олинганда қўлланилади. Ўртача баҳони ҳисоблаганда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Мб = \frac{Мкк+Мок}{Мк-Мо}$$

бунда,

Мб- материалларнинг ўртача баҳоси
Мкк- материалларнинг қолдиқ қиймати
Мок- олинган материалларнинг қиймати
Мк- материалларнинг қолдиқ миқдори
Мо- олинган материалларнинг миқдори.

Ушбу усул ТМЗ фойдаланишда уларнинг баҳосини нисбатан тўғри ҳисобланга (илгариги усулларга нисбатан) олиб келадию, лекин жуда кўп ҳажмда маълумотларга ишлов беришни талаб қилади. Ушбу усулни катта компанияларда, ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган субъектларда қўллаш анча қийинчиликларга олиб келади, чунки уларнинг фаолиятини юритиш учун ҳар куни, декадада, ойда юз хил турдаги хомашё, материаллар ва деталларни жуда кўп маротаба олиш ва ҳисобдан чиқариш муомалалари қайд қилинади.

Алмаштириш баҳоси, асосан, бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларида қўлланилади. Омбордан у ёки бу материал ёки хомашёни бериш унинг ўрнини алмаштиришга олиб келади. Ушбу шароитда бухгалтерларни чекланганилгариги баҳоси эмас, балки ушбу материалларга бўладиган келгусидаги сарфлар қизиқтиради. Хомашё ва материалларга келгусида сарфланадиган харажатлар дифференциаллаштирилган сарфлар ва сарфланган хомашё ва материалларнинг ушбу усулда аниқланган баҳосини алмаштириш баҳоси, деб аталади.

Ушбу алмаштириш (қоплаш) баҳоси тизими ҳозирги ва режалаштириладиган вақтдаги ТМЗ баҳо даражасини реал ёритади ва фойда ва зарарлар ҳақида ҳисоботни таҳлил қилганда ишончлироқ хулосага келишга ёрдам беради. Қоплаш баҳоси хомашё ва материалларга бўладиган сарфларнинг ҳажмига таъсир қиладиган омиллар (мол етказиб берувчи тўғрисида маълумот, унинг манзили, транспорт тури ва ҳоказо)дан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Фаолиятнинг тури ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳар куни ва декадада минглаб турдаги материаллардан фойдаланадиган субъектлар ҳар бир сарфга чиқариладиган хомашё ва материал бўйича қоплаш баҳосини ҳисоблаб чиқиш учун зарур маълумотларни йиғиш ва уларга ишлов берин учун қийин-

чиликларга учрайдилар. Шунинг учун ушбу муаммони (тегишли хомашё ва материаллар бўйича маълумотларни йиғиш ва уларга ишлов бериш) ечиш учун уларни баҳолашнинг меъёрий (стандарт) қийматини қўллайдилар. Бунинг учун ҳар бир хомашё ва материал бўйича ҳисобот даврининг бошида улар бўйича баҳолар карточкаси тузилиб унда ушбу ТМЗ ҳар бир тури ёки гуруҳининг меъёрий (стандарт) қиймати ҳисоблаб чиқилади. Ишлаб чиқилган стандарт ҳисобот даврининг бошида режалаштирилган ва улардан самарали фойдаланганда келгусида сотиб олинган материаллар неча сўмга тушишини акс эттирадиган мақсадли харажатларни ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда меъёрий харажатларнинг смета харажатлардан фарқини ажратиш лозим:

- смета хўжалик юритувчи субъектнинг бутун таъминот-тайёрлов фаолиятига ёки ушбу турдаги фаолиятининг айрим муомалаларида содир бўлган сарфларнинг йиғиндисига таллуқлидир;
- меъёрлар ҳам ушбу фаолият бўйича маълумотларнинг мажмуини ҳар бир хомашё ёки материалнинг бирлиги бўйича ўзида қайд қилади.

Истеъмол қилинаётган моддий қийматликларнинг бирлигига меъёрий харажатларнинг ўрнатилиши ушбу ресурсларнинг бирлигига ўрнатилган меъёрий баҳо билан ҳақиқий баҳосини таққослаш имкониятини яратади, моддий харажатлар бўйича четга чиқишларнинг пайдо бўлишини ҳар томонлама таҳлил қилишни, ушбу таҳлил натижасида баҳоларнинг ўзгаришини моддий таъминот бўлимининг фаолиятига ва ишлаб чиқаришга таъсирини ажратишга олиб келади. Белгиланган меъёрдан ошиқча ҳар қандай баҳо тўғридан тўғри ортиқча сарф сифатида қаралиши ва қайд қилиниши шарт.

Бундан ташқари, ушбу меъёрий баҳоларнинг фарқини ҳисобга олиш сотиб олинган хомашё ва материалларнинг сифатини таҳлил қилиш, меъёрий баҳоларни ташкил қилувчи транспорт харажатлари, юклаш, тушириш ва бошқа бевосита харажатларнинг ўзгариш сабабини аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларни беради.

Меъёрий харажатлар ёки стандарт баҳолар ушбу хомашё ва материалларни FIFO ва ўртача баҳода баҳолаш усуллари тизимига жуда яқин.

Шундай қилиб, ТМЗ баҳосини аниқлаш усулларининг таққослаш таснифи ушбу ресурсларни меъёрий харажатлар бўйича баҳолаш тизимига молиявий ва бошқарув ҳисобининг талабларига тўлиқ мос келиши тўғрисида хулоса чиқариш имкониятини яратади.

6.5. Трансферт баҳолар ва уларнинг товар-моддий захиралар таннархига таъсири

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятида кўп холларда ички бўлинмаларнинг ярим тайёр маҳсулотларини бошқа бўлимларга (масалан, йиғув цехига) бериши мумкин. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ва ички хўжалик ҳисобини жорий қилиш натижасида уларнинг ўртасидаги муносабат (бир-бирига хизмат қилиш) пулга ча-

қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу ички хўжалик ҳисобининг асосий шартларидан биридир. Ушбу талабни бажариш юзасидан трансферт баҳолари қўлланилади.

Трансферт баҳолари - бу хўжалик юритувчи субъектдаги ички бўлинмаларнинг биринчисидан иккинчисига, яъни биринчи масъулият марказидан иккинчи масъулият марказига берилаётган ярим фабрикатлар, бажарган хизматларнинг қийматини аниқлаш учун қўлланиладиган баҳолардир.

Хўжалик юритувчи субъектнинг таъминот-тайёрлов фаолияти унинг умумий хўжалик фаолиятининг биринчи босқичи эканлигини эътиборга олган трансферт баҳолари олинган ва сарфланган ТМЗ баҳоларини аниқлашда муҳим ўрин тутишини биламиз. Трансферт баҳоларини ҳисоблаш иккита усулда, бозордаги баҳоларга асосан ва сарфланган харажатларга асосан амалга оширилади.

Бозордаги баҳоларга асосан аниқланган трансферт баҳолар.

Айрим ҳолларда ўхшаш ТМЗ бозор баҳоси маълум бўлган вақтда асосий эътибор харажатларга қаратилмайди, балки ушбу бозор баҳосидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади. Чунки бозор шароитида субъектнинг ички бўлинмаларидан олаётган ярим фабрикатлар, деталлар ва истеъмол қилаётган хизматларнинг қийматини истеъмолчи сотувчи бўлинмага бозордаги баҳодан келиб чиққан ҳолда тўлайди ва шу билан бир вақтда сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи ҳам ушбу ярим фабрикатлар ва хизматларни сотганда худда ташқи истеъмолчига сотганда олган даромади суммасида даромад олади. Бозор баҳосининг афзаллиги сотадиган (хизмат кўрсатадиган) ва истеъмол қиладиган марказларнинг ўзаро алоқалари ва менежерларнинг малакавий даражасига қарамайди, балки унинг объектив хусусиятга эга бўлишидир. Бундан ташқари, кўпгина субъектлар ўзларининг бўлинмаларига тўлиқ мустақиллик берган ва улар ички хўжалик ҳисоби жараёнда бизнеснинг мустақил субъекти ҳисобланади. Демак, ушбу шароит ва шартларни инобатга олганда ушбу бозор баҳосини қўллаш бўлинмаларнинг ўзаро алоқаларини ҳақиқатга яқинлаштиради. Амалиётда эса ҳақиқий бозор баҳоси ҳамма вақт ҳам ҳақиқатни ёритавермайди, чунки бир турдаги товар-моддий қийматликларига ҳар хил мол етказиб берувчи ҳар хил баҳо белгилайди. Шунинг учун, энг аввало, мол етказиб берувчи (сотувчи)ларни кейин эса ТМЗ танлаш ва баҳони белгилаш бўйича қарорни қабул қилишдан аввал, аниқ ва тўғри баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш лозим:

- мол етказиб берувчининг тартиблилигига ишонгандан кейин олади-ган ТМҚ баҳосини пасайтириш;
- олинган ТМҚ кафолатланишини таъминлаш;
- етказиб бериш шарти;
- олиш ва қийматини тўлаш шартлари ва ҳоказо.

Харажатларга асосланган трансферт баҳолар. Кўпчилик ҳолларда трансферт баҳоларни белгилаш учун шунга ўхшаш товар ва хизматлар учун бозор баҳоси белгиланмаган бўлади. Ушбу вақтларда харажатларга асосланган трансферт баҳолар қўлланилади ва унинг асосида стандарт таннарх ётади. Агарда ушбу маҳсулот ва хизматларга фақатгина ҳақиқий харажат-

лар қўшилган бўлса ушбу маҳсулот ва хизматларни сотувчи масъулият марказлари учун унинг самарадорлигини тартибга солиш қизиқтирмайди, чунки бу сарфларнинг ўзгариши истеъмол қилувчи марказининг трансферт баҳосига ўз ўзидан таъсир қилади.

Трансферт баҳолардаги харажатларнинг таркиби ва фойданинг улуши ўзаро низолар ва келишмовчиликлар содир бўлмаслиги учун юқори раҳбарият томонидан белгиланган бўлиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда келишмовчиликларнинг чиқмаслиги учун ташқи баҳоларга ва таннархни ҳисоблаш усулига таянмай истеъмол қилувчилар билан сотувчилар, ўзаро келишилган ҳолларда ушбу трансферт баҳоларни ўрнатадилар. Айрим ҳолларда сотувчи трансферт баҳоларни ўрнатиш юзасидан қабул қилинган ҳисоб сиёсатидан чекинишга мажбур бўлади. Мисол, сотувчи харидорни ўзига жалб қилиш учун хизматларга баҳони бозор баҳосидан паст қўйиши мумкин. Ушбу ҳолатларда истеъмол қилувчи, сотиб олувчи марказ вақтинчалик ушбу арзон баҳолардан фойдаланади. Демак, ушбу шароит, яъни келишилган баҳо икки томоннинг келишиши асосида ўрнатилади.

Айрим ҳолларда, агарда менежернинг ҳаракати чегараланган ёки ишбилармонлик муносабатларига ҳар хил таъсирлар мавжуд бўлса ушбу олиб борилган мулоқотлар ижобий натижа билан тугамайди. Бўлғуси истеъмолчи у ёки бу сотувчи билан мустақил алоқада бўлиш имкониятига эга бўлмаса ва шу билан бир вақтда мазкур сотувчи ушбу буюртмани бажаришдан бош тортаолмаса, ушбу шароитларда юзага келган тортишувни ечиш, яъни трансферт баҳони белгилаш учун бошқа бир усулни топиши лозим бўлади.

Амалиётда эса фойда маркази кўп ҳолларда мустақил юридик шахс бўлаолмайди. Улар ўзаро келишилган ҳолда биргаликда муомала қилса тегишли фойда марказининг эълон қилган даромади субъектнинг олган умумий даромадини оширмаслик ҳолатларига олиб келадиган таваккалчилиги пайдо бўлади. Ушбу етарлича муқобилланштирилмаган таваккалчилик доимо амалиётда содир бўладиган, сотувчи томонидан қўлланилган трансферт баҳоси унинг қисқа муддатли сарфидан ошиқча бўлса тез-тез рўёбга чиқиб туради.

Мисол, субъектнинг В бўлими (цех) А омборхонадан Х компонентни сотиб олаяпти. В бўлим (цех) ушбу Х компонентини У маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланади. Х компоненти учун жорий трансферт баҳо (тўлиқ харажатлар ва фойда қўшилган ҳолда 500 сўмга тенг. У маҳсулотни ишлаб чиқариш учун В бўлимнинг сарфлаган ўзгарувчан харажати 1500 сўм, шундан компонентнинг қиймати 500 сўм, демак фақат ўзгарувчан харажат 1000 сўмни ташкил қилади. Ушбу сарфларга бўлимнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти бўйича ҳам сарфлар қўшилган. Ҳозирги даврда В бўлими У компонентнинг 1000 донасини 1450 сўмдан ташқи харидорга сотиш имконини қараб чиқишни тавсия қилди. Натижада В бўлимида бирлик маҳсулотга сарфланган харажатлардан кам бўлганлиги учун ушбу бўлимнинг менежери сотишдан воз кечди.

Лекин кейинчалик А омборининг бир бирлик Х компонентига сарфлаган

харажати фақатгина 200 сўмни ташкил қилди. Шу билан бир қаторда У маҳсулотининг ўзгарувчан харажатлари эса 1200 сўмни ташкил қилди (А омборининг сарфлари 200 сўм ва В бўлимининг ўзгарувчан сарфлари 1000 сўм).

Шундай қилиб, ушбу илгари рад қилинган муомала-келишув яна кучга кирса субъект қўшимча равишда 250 сўм даромад олиши мумкин (1450 сўм-1200 сўм, ўзгарувчан харажатлар).

Ушбу ҳолатда ўзининг тутган сиёсати бўйича ушбу В бўлинма тўғри қарор қабул қилди, лекин хўжалик юритувчи субъектнинг трансферт баҳолари бўйича қабул қилган сиёсати нуқтаи назаридан ушбу қарор нотўғри ҳисобланади.

Бу мисол, яъни етарлича муқобиллаштирмаслик назарияда бўладию, лекин амалиётда камдан-кам учрайди. Чунки наф кўриладиган баҳода ташқи истеъмолчига ТМЗ сотиш бўйича иккита менежер-бошқарувчи ҳам қизиқади. Шунинг учун улар ўзаро келишган ҳолда трансферт баҳода муомалани амалга оширадилар.

Ушбу келишилган баҳо сотаётган бўлимнинг ўзгарувчан харажатларининг йиғиндисидан кўп. Лекин амалиётда қўлланилаётган оддий трансферт баҳодан арзон бўлади. Натижада ушбу муомаладан кўрилган наф иккита бўлинма ўртасида холис тақсимланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзининг трансферт баҳоларни ташкил қилиш сиёсатида қамралган ҳамма томонлар учун холислик, ҳаққонийлик тамойилларига эришишга ҳаракат қилади, келишув ва арбитраж муомалаларига сарфланган вақтини минимумгача қисқартириш ва муқобиллаштириш бўйича етишмовчиликни ва таваккалчиликни қисқартиришга эришади. Бундан ташқари улар ҳар бир фойда марказининг ҳақиқий иқтисодиётини ёритадиган ушбу баҳолар пировардида фойда олиб келишига интиладилар.

Мисол, агар А омбори В бўлимига доимо компонент - детал сотиб турса, субъект раҳбари В бўлимнинг олган фойдаси ҳақиқатда кўрадиган ўртача фойдадан юқори бўлишини ҳоҳламайди. Шунинг учун сунъий паст трансферт баҳолари А ва В бўлимларидаги олинадиган фойданинг қайта тақсимланишини кўзда тутади. Бундай ёпиқ субсидиялар (сунъий қўйишлар) В бўлимга инвестицияларни кўпайтиришга олиб келади. Ҳақиқатда эса ушбу инвестиция қарорларини қабул қилишдаги интилишлар холис асосга эга эмас.

Ҳақиқий ҳолатнинг хусусияти ва муқобиллаштириш таваккалчилиги билан боғлиқ ҳар хил чегаралар тез-тез ўзаро ихтилофларни чиқариб туради. Шунинг учун ҳам бўлимларнинг менежерлари кўп ҳолларда трансферт баҳоларни шакллантириш бўйича субъект раҳбарларининг қарорларига рози бўлмайдилар.

Трансферт баҳоларнинг таркиби бўйича бошқа вариантлар ҳам мавжуд. Мисол учун баҳони ҳисоблашда материалларнинг шартномавий баҳосига ТМҚ яратиш ва сақлаш учун сарфланган ҳар хил хизматларнинг таннархи ва таъминот-тайёрлов бўлими фаолиятининг фойдаси қўшилади. Маълум вақт оралиғида трансферт баҳосини товар-моддий қийматларининг муқобил захираларини яратиш ва уларни сақлаб туриш ҳисобланади.

6.6. Товар-моддий захираларини сотиб олиш харажатларининг сметаси ва ишчи кучларидан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг турлари, жараёнлар ва ҳар бир муомала бўйича харажатларнинг сметасини тузиши лозим. Ушбу сметаларни тўғри ва илмий асосланган ҳолда тузиш учун субъектлар қуйидаги асосни яратувчи муаммо, миқдор кўрсаткичидаги ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаши лозим. Аввало, хомашё ва материаллардан фойдаланиш сметаси ишлаб чиқилади ва ундан кейингина асосий хомашё ва материалларни сотиб олиш ва омборга олиб келиш сарфларининг сметаси ишлаб чиқилади. Ушбу хомашё ва материаллардан фойдаланиш сметасини тузиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг бўлинмалари ёки цехларнинг раҳбарлари масъул ҳисобланади. Чунки ушбу сметаларни тузишдан асосий мақсад хом-ашё ва материалларни энг кам даражада сарфлаш йўли билан ишлаб чиқариш дастурини бажаришда зарур бўлган ушбу ТМЗга бўлган талабни энг юқори даражада қондиришдир.

Мисол. Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

«Хомашё ва материаллар сарфининг меъёри» ва «Ишлаб чиқариш дастури» бўйича.

«А» материалнинг сарфи: «Х» маҳсулотига 10 бирлик ва «У» маҳсулотга 20 бирлик.

«В» материалнинг сарфи: «Х» маҳсулотга 5 бирлик ва «У» маҳсулотга 10 бирлик.

Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмига (ишлаб чиқариш дастурига) асосан йиллик сарф қуйидагича тузилади:

Асосий материаллардан фойдаланишнинг йиллик сметаси

Материаллар	1-цех			2-цех			Жами	
	Миқдори	Баҳо	Сумма (м.с.)	Миқдори	Баҳо	Сумма (м.с)	Миқдори	Сумма (м.с)
А	10000	100	1000000	15000	100	1500000	25000	2500000
В	6000	80	480000	10000	80	800000	16000	1280000
ва бошқалар								
Жами	x	x	1800000	x	x	2700000	x	4500000

Шу билан бир вақтда қуйидаги миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган: «Х» маҳсулоти - 1000 дона, «У» маҳсулоти» - 1280 дона.

Ушбу асосий материалларни олиш сарфларининг сметасини тузиш учун масъул моддий техника таъминотининг раҳбари ҳисобланади. Шу билан бирга ушбу сметани тузишдан мақсад ишлаб чиқариш бўлинмаларини ўз вақтида зарур турдаги ва миқдорда хомашё ва материаллар билан тасдиқланган баҳода таъминлаб туришдир. Сметанинг умумий кўриниши кейинги бетда.

Шу билан бир қаторда ТМЗ устидан бошқаришни аниқлаштириш учун ҳар бир ТМЗ тури бўйича кварталлик, ойлик ва декадалик сметалар тузилади ва ушбу смета ва графикларнинг бажарилиши устидан назорат моддий техника таъминоти томонидан ўрнатилади.

Хомашё ва материалларни сотиб олиш сарфининг сметаси (бирлик маҳсулотга)

Кўрсаткичлар	А материал	В материал
Ишлаб чиқаришнинг талабини қондириш учун зарур бўлган материалларнинг умумий миқдори	500000	70000
Йилнинг охирида режалаштирилган захира	40000	6000
Жами	540000	76000
Йилнинг бошида режалаштирилган захира	30000	4000
Жами	510000	72000
Бирлик материалнинг режалаштирилган баҳоси - сўм	100	80
Сотиб олиш учун сарфланадиган харажатлар - сўм	51000000	5760000

Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархида хомашё ёки материаллар сарфидан кейин асосий ўрин тутадиган харажатлар меҳнат ресурсларининг сарфи ҳисобланади. Шунинг учун ушбу харажатларни бошқариш ва уларнинг устидан назорат ўрнатишдаги биринчи босқич бу юқорида қайд қилинган сарфнинг меъёрларини ишлаб чиқишдир. Ушбу меъёрларни ишлаб чиқиш жараёни ўз ичига вақтларнинг меъёрини, маҳсулотни ишлаб чиқариш, хизмат қилиш, унга сарфланган вақт, вақтбай ва ишбай ҳақининг даражаларини олади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки буюмнинг бирлигига сарфланадиган билвосита меҳнат сарфининг меъёри ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига сарфланадиган меҳнат вақтининг (соатда) сарфланган бирлик вақтига ўрнатилган меъёрий тўлов (соатбай меҳнат ҳақига тўлов даражаси)ни кўпайтириш йўли билан белгиланади. Агарда меҳнат ҳақи ишбай усулида тўланса, у вақтда бирлик маҳсулотга тўланиши лозим бўлган меҳнат ҳақи суммаси ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг миқдорига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш фаолиятига сарфланадиган меҳнат харажатларининг умумий меъёри шу даврда ишлаб чиқарилган жамики маҳсулотлар миқдорини бирлик маҳсулотга ўрнатилган меъёрдаги меҳнат сарфига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ишчи кучларидан фойдаланиш бўйича меъёрларни ишлаб чиқаришдан олдин ишлаб чиқариш сарфларини ҳисоблаш бўйича масъул шахсга ишлаб чиқариш бўлимидан технология жараёнида содир бўладиган ҳар бир муомала бўйича сарфланадиган вақтнинг амал қилинадиган меъёри тўғрисида маълумот беришини тақозо қилади. Натижада сарфланадиган вақтнинг меъёри ва чиқарган маҳсулоти атамаларини ўрганиш лозимлиги таъкидланади.

Сарфланадиган вақтнинг меъёри - бу бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки белгиланган ишни бажариш, муомалани амалга ошириш учун сарфланадиган вақтдир. Бажарган ишнинг меъёри - бу тааллуқли ишлаб чиқариш шароитида ушбу вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми, ишнинг бажарилиши ёки хизмат кўрсатишдир.

Сарфланадиган меҳнатни меъёрлаштириш хўжалик юритувчи субъектда меҳнатни ташкил қилиш тизимини ўзининг елкасида кўтариб турадиган асос (фунда

мент) ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш нуқтаи назаридан ушбу сарфларни меъёрлаштириш эса маҳсулот (буюм)ни ишлаб чиқариш жараёнида ушбу сарфлардан муқобил фойдаланиш йўлларини қидиришга бағишланган.

Ишчи кучларига сарфланадиган бевосита харажатларнинг меъёрий асосларини шакллантиришнинг асосий манбаи қуйидагилардан ташкил топган:

- ишлаб чиқариши технологик ва конструкторлик тайёрлаш ҳужжатлари;
- амалга оширилган муомалалар (ишлов беришлар)ни ўзида қайд қиладиган ишлаб чиқариш жараёнининг йўналиш картаси;
- хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий таркиби тузилиши (чизмаси);
- бизнес-режа ва ўни бажариш графиги;
- ишлаб чиқариш жараёнларини бир - бирига мослаштириш (синхрон) картаси;
- ишлар рентабеллигининг графиги (муомала- бажарадиган ишларнинг кетма-кетлиги бўйича ҳар хил вариантларини таққослаш);
- ишлаб чиқариш жараёни муомалаларининг картаси;
- хомашё ва материаллар ва меҳнатларни сарфлаш вақтларини ўлчаш ва бошқа изланишлар.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот (буюм)га сарфланган харажатларнинг меъёрдаги суммаси доимо ўзгариб туради, чунки унга қўшимча тўлов кўринишидаги ҳар хил тўловларнинг суммаси қўшилади. Кўпчилик устама тўловлар вақтинчалик хусусиятларга эга бўлиб, бажариладиган ишларнинг хусуснятлари ва бошқа турларга боғлиқ бўлмаган сабабларнинг оқибатида содир бўлади. Шу сабабли субъектларда ишлаб чиқарилган меъёрлари вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш ва киритилган ўзгартиришлари қизиқтирган шахслар ва ички бўлинмаларга етказиш тартиби жорий қилинган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки бажарилган ишнинг таннархида меҳнат сарфларининг тутган ўрнидан қатъиназар, уни меъёрлаштиришга катта эътибор қаратиш лозим, чунки ушбу сарфларни назорат қилишдан ташқари бу меъёрлаштириш меҳнат унумдорлиги билан унга ҳақ тўлашни таққослаштириш қуроли ҳисобланади.

6.7. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджети, уни тузиш тартиби ва бошқарув ҳисобидаги аҳамияти

Бозор иқтисоднётига кириб бориш жараёнида ва атрофмуҳит (ижтимоий, иқтисодий, технологик ва сиёсий)нинг ўзгаришн натижасида асосий муаммо ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ушбу шароитда ўзининг фаолиятини юритишдир. Шунинг учун келгусида оладиган даромадининг қониқарли даражада бўлиши мақсадида уларда ўзаларининг келгусидаги фаолиятини режалаштириш зарурияти туғилади. Ушбу режалаштиришнинг асоси қуйидаги масалаларни ечишга ва мақсадларга эришишга қаратилган:

а) субъект нимага эришишни мақсад қилиб қўйган (вазифаси);

б) ушбу мақсадларга қандай қилиб эришади (стратегия);

в) ушбу мақсадга эришиш учун қандай ресурслар керак (жорий бизнес-режа);

г) режага нисбатан ушбу тадбирлар қай даражада яхши амалга оширилаяпти (назорат).

Ушбу мақсадларга эришиш ва кўзлаган вазифаларни бажариш учун субъектлар узоқ ва қисқа муддатлар учун режалар тузадилар. Узоқ муддатга мўлжалланган режалар (йилдан ортиқ) ва қисқа муддатли режалар ушбу узоқ муддатга кўзлаган режаларнинг бир қисми, яъни ойлик, чораклик ёки йиллик муддатни ўз ичига олган бўлади.

Сарфланадиган вақтнинг меъёри уч хил кўринишда бўлади: муомалалар, бўлим (узеллар) ва маҳсулот (буюм) бўйича.

Муомалалар бўйича белгиланган вақтнинг меъёри тегишли детални тайёрлаш учун бажарилган муомалалар бўйича сарфланадиган вақтларнинг йиғиндисидир. Бўлимлар (узеллар) ва маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган вақтнинг меъёри эса ушбу муомалалар учун сарфланадиган вақтларни тегишли бўлим ёки маҳсулот учун умумлаштиришдир.

Сарфланадиган вақтнинг меъёрлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар хил белгиларига қараб бир тизимга келтириш махсус гуруҳлаштириш қайдномасида амалга оширилади ва қуйидаги бўлимлар бўйича маълумотларни олиш имкониятини яратади:

а) ишлаб чиқариш бўлимлари бўйича меҳнат сарфларини меъёрлаштириш - ушбу бўлимда бажарилган айрим муомалалар бўйича сарфланган меъёрий соатларни ишлаб чиқариш дастурлари ва ишлаб чиқариш топшириқларни бажариш учун амалга оширилган муомалаларнинг сонига кўпайтириш йўли билан;

в) машина комплектларига сарфланадиган меҳнат сарфларини меъёрлаштириш - айрим ишлаб чиқариш бўлимлари, детал ва узел (бўлим)ларни ишлаб чиқарувчи цехларда бажарилган айрим муомалалалрни бирлаштириш йўли билан;

с) узел (бўлим)ларга сарфланган меҳнат сарфларини меъёрлаштириш - бўлим (узел) ва маҳсулот (буюм)ни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган умумий билвосита меҳнат сарфларини умумлаштириш йўли билан.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот (буюм)га сарфланган бевосита меҳнат харажатларини аниқлаш муаммолари ҳар хил усулларда счилади. Амалиётда кўпчилик ҳолларда тайёргарлик ва тугатиш ёрдамчи вақтлар, иш жойларига хизмат кўрсатиш, танаффус, шахсий зарурият учун зарур вақтларни ўзида жамлаган ҳар бир муомалага ҳисобланган варақдан фойдаланилади. Ҳисобланган асосий вақт технология картасидаги маълумотлардан олинади ва қўшимча вақтлар эса кузатиш натижаларига асосан аниқланади. Шу билан бир вақтда меҳнат сарфи бўйича бошқариб бўлмайдиган йўқотишлар ҳам сарфланадиган соатларнинг меъёрига қўшилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ходимлари меҳнат ҳақининг даража (ставка)сини меъёрлаштириш иш берувчи менежерлар, касаба уюшмаси ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари ва келишувларининг натижасидир. Меҳнат ҳа-

қининг келишилган меъёрининг даражаси ишчи кучларига ҳақ тўлаш ва меъёрлаштирилган бевосита меҳнат сарфларини ҳисоблаш учун қўлланилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот (буюм), масъулият маркази ва иш жойлари бўйича сарфланган бевосита меҳнат ресурсларининг сарфларини ҳисоблашнинг мақсади ишлаб чиқариш харажатларининг сарфи даражасини назорат қилиш учун бошланғич нуқтаси аниқлашдир. Ушбу назорат тизимини ташкил қилиш учун ҳар бир айрим деталларни тайёрлашга сарфланган бевосита меҳнат сарфларини ажратишни тақозо қилади.

Кўпчилик ҳолларда истиқболни белгилаш (прогноз қилиш) билан бизнес-режа тузиш бир биридан амалиётга яқинлиги (бизнес-режа) билан фарқ қилади.

Ушбу бизнес-режанинг асоси бўлиб бюджетни тузиш ҳисобланади.

Бюджет тузиладиган режанинг миқдор кўрсатиши бўлиб ушиг бажарилиши устидан назорат қилиш ва тартибга солиш усулидир.

Мулкчилик шаклидан қатъиназар хўжалик юритувчи субъектлар, асосан қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

- рухсат бериш, яъни бюджет тасдиқлангандан кейин у «бюджетни сарфлаш» учун рухсатнома вазифасини бажаради;
- режалаштириш - субъектнинг ички бўлинмаларининг фаолиятини бир-бирига боғлаган ҳолда қисқа муддатли режани тузиш;
- истиқболни белгилаш - қисқа муддатли бюджетлар, асосан бир йилни қамрайди ва келгуси даврлар учун лойиҳа тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилади;
- коммуникация ва муқобиллаштириш - вазифалар, стратегия ва сиёсат тўғрисидаги маълумотларнинг раҳбарлиятга тезликда етказилиши ва бўлинмалар сметаларининг муқобил равишда умумлаштирилиши;
- ноботлаш - ушбу бюджетларнинг айрим бошқарувчиларнинг фаолиятини рағбатлантиришда ва улар ушбу вазифаларни бажаришда ёрдам бериши;
- фаолиятнинг кўрсаткичларини баҳолаш - бюджетнинг маълумотларини ҳақиқий кўрсаткичлар билан таққослаш натижасида камчиликларни аниқлаш ва бўлинмаларнинг фаолиятини баҳолаш.

Ушбу вазифаларнинг аҳамияти ва тутган ўрни тегишли субъектнинг фаолиятига боғлиқ ва айрим ҳолларда ушбу вазифалар бир-бири билан тескари бўлиши мумкин.

Бюджетлаштириш бошқарув усули ҳисобланиб у қуйидаги фаолиятни бажаради:

a) хўжалик юритувчи субъектнинг бутун фаолияти ва бўлинмаларнинг фаолиятини режалаштиради;

в) жамики таклифларни ўз ичига умумлаштиради;

c) бюджетнинг лойиҳаларини ишлаб чиқади;

d) режанинг ҳар хил вариантлари (турлари)ни ҳисоблаб кўради;

e) зарурият туғилганда ўзгартиришлар киритади;

f) тузилган режани тўлиқ тасдиқлайди;

g) қайта боғланувчи алоқаларни лойиҳалайди;

h) ўзгарадиган шароитларни имконият борича ипобатга олади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий бюджети



Бюджетнинг тўлиқ тизими ўз ичига фақатгина лойиҳа маълумотларини жамламай балки ҳисобот маълумотларини ҳам қамраб олади. Ушбу маълумотлар режалаштириш, назорат, фаолиятнинг натижаларини баҳолаш, ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, захираларни калькуляция қилиш ва баҳолашда ҳам қўлланилади. Бюджетлаштириш харажатларни туркумлаштириш каби бошқаришнинг турли талабларига жавоб беради.

Бюджетлаштиришнинг афзаллиги субъектнинг ресурсларини узоқ ва қисқа муддатли режалаштиришда, рақобатчиларнинг ҳатти-ҳаракати ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларга жорий ва лойиҳадаги бозор талабларида ўз аксини топади. Ваҳоланки режалар стратегик аспектда ишлаб чиқарилади ва ҳамма даражада ва ҳар хил вақтлар бўйича бюджет шаклланади.

Хўжаликнинг фаолиятини баҳолаш жараёнида бюджет маълумотларини ҳақиқий кўрсаткичлар билан таққослаш ўтган йилги маълумотлар билан таққосланга нисбатан анча ишонарлидир. Чунки ўтган йилги натижалар бўйича маълумотларда кўпгина камчиликлар, салбий фарқлар каби қатор камчиликлар яширинган бўлади. Бундан ташқари, таққослаш зарур бўлган даврда технологияда, ишчи кучининг таркибида ўзгаришлар содир бўлиши, маҳсулотнинг турларини ўзгартириш ва умумий иқтисодий ҳолатларда узгаришлар содир бўлиши мумкин.

Камчиликлар яширинган бўлади. Бундан ташқари, таққослаш зарур бўлган даврда технологияда, ишчи кучининг таркибида ўзгаришлар содир бўлиши, маҳсулотнинг турларини ўзгартириш ва умумий иқтисодий ҳолатларда узгаришлар содир бўлиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектни бошқариш шароитлари ўзгарган ҳолларда менеджерлар ва маъмурият томонидан мослантириладиган (гибкий) бюджет қўлланилиши мумкин.

Мослантириладиган (гибкий) бюджет бу кейинчалик ҳақиқий шароитга мослантириш (маҳсулотнинг ҳажми, фаолиятнинг даражаси) учун доимий ва ўзгарувчан харажатларни чегаралаш ёрдамида тузилган бюджетдир. Ушбу бюджетнинг бошқа турдаги бюджетлардан фарқи қуйидаги афхалликлардан иборат:

- у олдиндан ҳисобланган ишлаб чиқариш даражасига асосан белгиланади;
- кейинчалик фаолиятнинг ҳақиқий даражасига асосан ўзгартиришлар киритилади;
- олинган натижалар ҳақиқий сарфлар билан таққосланади ва фарқи тегишли менеджерлар-бошқарувчиларга тақдим қилинади.

Ушбу фарқларнинг вужудга келишига қуйидаги сабаблар таъсир қилади:

- мақсадининг тўлиқ ва чуқур асосланилганлиги;
- у ёки бу сабабларга кўра фаолиятнинг суст кўрсаткичлари;
- фаолият жараёнида тасодифий ўзгаришларнинг таъсири.

Ҳар бир бюджетни тузишдан қатъиназар (режа ва сметаларни ҳам) асосий эътибор маҳсулот, иш ва хизматни сотишдан олинган даромад ва фойданинг ҳажмини башорат қилишга қаратилади.

Қуйидаги омилларни чуқур ўрганиб ва таҳлил қилгандан кейин ушбу башорат режага айланади:

- олдинги даврдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотиш ҳажми;
- иқтисодий ва ишлаб чиқариш шароити;
- ушбу сотиш жараёнининг ялпи миллий даромадининг даражасига, аҳоли даромадининг даражасига, уларнинг банддиги ва баҳога боғлиқлиги;
- маҳсулотнинг фойдалилиги ва рентабеллик даражаси;
- зарур бозорларни чуқур ўрганиш;
- баҳо сиёсатини тўғри ўрнатиш;
- маҳсулот, иш ва хизматларни ташвиқот (реклама) қилиш;
- рақобатчиликнинг даражаси;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатган хизматнинг сифати;
- ушбу субъектнинг ишлаб чиқариш қуввати;
- аниқ бир маҳсулотни сотиш бўйича узоқ муддатли йўналиш ва ҳоказолар.

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш дастурини тузгандан кейин уларни ишлаб чиқариш дастурига ва тайёр маҳсулотларнинг меъёрий захираларини ҳисоблашга ўтилади.

Бюджетни ишлаб чиқаришнинг кейинги босқичида тегишли сметалар тузилади:

а) моддий харажатларнинг сметаси- ушбу смета марказий омборда қолдиғининг ўзгарган ҳолатини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган алоҳида олинган ҳар бир ТМЗ ҳажмини ҳисоблаб чиқиш; (ушбу сметани тузиш тартиби 6-бобнинг олдинги параграфларида кенг ёритилган);

в) асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларга бўлган меҳнат ҳақи сарфининг сметаси- бўлимларнинг раҳбарлари (менеджерлар) тасдиқланган ишлаб чиқариш дастурларини бажариш учун зарур бўлган иш вақти сарфини ҳисоблаб чиқадилар. Ҳар бир соат бўйича ҳақнинг смета даражасини субъектнинг махсус бўлими- иқтисодчилар ёки меҳнат ва унга ҳақ тўлаш бўлими ҳисоблаб чиқади. Режалаштирилган маҳсулотнинг миқдорини бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган вақтга кўпайтириб, олинган миқдорни режадаги бирлик соатга тўланадиган ҳаққа (тариф ставкасига) кўпайтириш натижасида асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларга ҳисобланадиган меҳнат ҳақининг сметаси (чегараси) ҳисобланади;

с) ишлаб чиқариш устама харажатларининг сметаси- ушбу смета келгусида ишлаб чиқаришнинг бошқарат қилинган ҳажмига нисбатан айрим олинган харажатларнинг моддалари бўйича тузилади. Бу смета тузилаётганда харажатларнинг тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган гуруҳларга бўлиниши асос қилиб олинади. Устама харажатларнинг сметадаги даражасини асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг сметадаги меҳнат сарфи соатларига кўпайтирилиб ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама сарфларининг миқдори аниқланади. Ушбу амаллар ишлаб чиқариш устама сарфларини ҳисоблашнинг битта усулидир. Лекин у ёки бу усулни қўллаш тартиби ишлаб чиқаришнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда субъектнинг ҳисоб сиёсатида белгиланади;

d) умумцех-умумишлаб чиқариш сарфларининг сметаси- ушбу смета тегишли бўлимлардаги сарфларни назорат қилиш ва бошқариш учун зарур. Умумишлаб чиқариш сарфларининг сметасига қуйидагилар киради:

- асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг меҳнат сарфи сметаси;
- хомашё ва матераллар сарфининг сметаси;
- ишлаб чиқариш устама сарфларининг сметаси.

е) тижорат, сотиш сарфларининг сметаси - бу смета сарфланадиган харажатларнинг моддалари, бозорларнинг жойланиши, истеъмолчилар ва буюртмачиларнинг гуруҳлари бўйича тузилади;

f) маъмурий-бошқарув сарфларининг сметаси. Ушбу сметалар тегишли харажатларни назорат қилиш учун тузилади. Шу гуруҳга таъллуқли сарфларнинг асосий қисми доимий харажатлардир, шунинг учун келгусида олинадиган фойдани ҳисоблаш учун бу харажатларнинг айрим сметасини тузиш лозим. Ушбу харажатларнинг сарфланиши устидан назоратни бошқарув маъмурияти амалга оширади;

g) умумлаштирилган касса сметаси. Бюджетлаштириш тизимида ишлаб чиқаришнинг даражасида содир бўлган муомалаларга мувофиқ ҳар бир дақиқада зарур бўладиган нақд пуллар билан таъминлаш мақсадида тузилади. Ушбу УКС ҳар ҳафтага, ойга ва ҳар бир кварталга айрим тузилади ва қуйидаги кўрсаткичлардан ташкил топади:

- банкдаги пул маблағлари счётларидаги ва кассадаги нақд пулларнинг бошланғич қолдиғи;
- дебиторлардан олинган пул маблағлари, харидорлар ва буюртмачилардан келиб тушган бўнаклар;
- хомашё ва материаллар учун тўловлар;
- меҳнат ҳақи бўйича тўловлар;
- бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа сарфлар;

■ пул маблағларининг давр охиридаги қолдиғи.

Пул маблағларининг ҳаракатини доимо аниқ башорат қилиш имконияти йўқ, шунинг учун смета тузилаётганда айрим четга чиқишларга йўл қўйилади:

■ пул маблағларини вақтинча қарз ва кредит олиб купайтириш;

■ вақтинча ортиқча пул маблағларига васиқа ёки облигация олиш йўли билан уни қисқа муддатли инвестицияга айлантириш.

Асосий бюджетни ишлаб чиқишнинг охирги босқичи бу кутилаётган фойда ёки зарар тўғрисида лойиҳа ёки умумлаштирилган сметани тузиб чиқишдир. Ушбу фойда ёки зарарлар тўғрисидаги лойиҳа (умумлштирилган смета)да қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

a) маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар;

в) хомашё ва материалларнинг давр бошидаги қолдиғи;

c) хомашё ва материалларни сотиб олиш;

d) хомашё ва материалларнинг давр охиридаги қолдиғи;

e) истеъмол қилинадиган хомашё ва материалларнинг қиймати (в+c+d);

f) асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларга ҳисобланадиган меҳнат ҳақи (ажратмалари билан);

g) ишлаб чиқаришдаги устама харажатлар;

h) ишлаб чиқаришдаги сарфларнинг жами (e+f+g);

i) тайёр маҳсулотларнинг давр бошига қолдиғи;

j) тайёр маҳсулотларнинг давр охиридаги қолдиғи;

k) сотиладиган маҳсулотларнинг таннархи (h+i+j);

l)сотиш ва маъмурий бошқарув сарфлари;

m)ишлаб чиқаришдан олинган кутилаётган фойда (a-(k+l)).

Ушбу умумлаштирилган смета маълум давр ичидаги режалаштирилган ишлаб чиқариш рентабеллигининг даражасини таснифлайди.

Ушбу тузилган ва умумлаштирилган смета, баланс ва кассанинг умумий сметасини субъектнинг бухгалтери режалаштириш-молиялаштириш комиссиясига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун топширади. Ушбу асосий ҳужжатлардан ташқари, субъектнинг маблағларидан фойдаланиш коэффициентини ёритувчи капитал қўйилмаларнинг қопланиш коэффициенти, тугатилиш қиймати (ликвидность) ва бошқа зарур ҳисобларни ҳам илова сифатида тақдим этади.

Агарда режа-молия комиссияси ушбу ҳисоб-китобларни асосли ва тўғри деган хулосага келса хўжалик юритувчи субъектнинг асосий бюджети тасдиқланади ва субъект бўлинмалари раҳбарларининг фаолиятини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бюджетлаштириш жараёни ушбу босқичлар билан тугалланмайди, чунки бу жараён доимо содир бўлиб туриши, шароит талабига жавоб бериши ва мослашадиган бюджетларни тузиш йўли билан субъектнинг фаолиятини назорат қилиш, бошқариш ва баҳо бериш учун амалиётда қўлланилиши зарур.

Хулосалар

Ишлаб чиқариш жараёнининг барқарорлиги, унинг ривожланиши ва самарадорлигининг ошиши мамлакатимизнинг ривожланиш жараёнидаги асосий вазифа ҳисобланади. Чунки ушбу омиллар ўз навбатида халқимизнинг фаровонлиги кўрсаткичининг асосидир. Ушбу мақсадларга эришиш ва бу йўлдаги вазифаларни бажариш учун хўжа-

лик юритувчи субъектнинг фаолиятини, қолаверса бутун халқ хўжалиги тармоғини бир текисда ривожлантириш учун уни ташкил қилиш ва замон талабига мос равишда бошқаришнинг зарурлигини келтириб чиқаради. Натижада ушбу талаб ҳар бир субъектнинг, қолаверса бутун тармоқнинг фаолиятини бошқаришнинг меъёрлаштирилган тизимини ташкил қилиш ва амалиётга татбиқ қилиш лозимлигини исбот қилади.

Чунки харажатларни меъёрий тизим бўйича бошқаришни режалаштириш, меъёрлаштириш, ишлаб чиқаришга хомашё ва материалларни бериш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ички материалларни, ишлаб чиқарган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини калькуляция қилиш ва харажатларнинг тасдиқланган меъёрларига асосланган ҳолда иқтисодий таҳлил ўтказиш, уларнинг сарфи устидан назорат ўрнатиш каби тадбирларни ўз ичига олган.

Ушбу меъёрий бошқарув тизимининг асосий мақсади субъектларда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш омилларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш билан бир қаторда хўжаликни тежамкорлик асосида юритишдир.

Илмий асосланган ва ҳақиқий шароитдан келиб чиққан ҳолда меъёрлаштирилган харажатлар бизнесни бошқаришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки ушбу усул бир қанча чегараланишлар билан белгиланган ва хўжалик юритувчи субъектни келгусидаги тармоқ режаларга ундайди.

Меъёрлаштириш тизимини ишлаб чиқариш жараёнида хомашё, материал, меҳнат ресурсларининг сарфи, бошқа сарфлар ва ишлаб чиқариш устама сарфлари бўйича илмий асосланган меъёрларни ишлаб чиқаришни тақозо қилади. Ушбу ишлаб чиқилган ва тасдиқланган меъёрлар ўзларининг моҳияти билан асосий, соф ва жорий меъёрларга бўлинади.

Жорий меъёрларнинг тизими, ҳар хил моддий ресурсларнинг меъёрлари ва сарфларининг лимитлари меъёрни ишлаб чиқарувчи хўжалик дейилади. Ушбу бўлим ёки мустақил институт томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятида сарфланадиган меҳнат ва моддий сарфларнинг меъёри ва сметаси илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилади ва тасдиқлаш учун режа-молия комиссиясига берилади.

Моддий ва меҳнат сарфларининг, меҳнат вақти ва ишлаб чиқариш меъёри бўлиб муомалалар, деталлар, узеллар бўйича сарфланадиган харажатларнинг меъёрлари ушбу ҳажмни ҳисоблаб чиқишда асос бўлади. Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятида назорат тизимини ўрнатишнинг биринчи босқичининг бошланиши бу меъёрни ишлаб чиқишдир.

Саноатда ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган маҳсулот ва буюмларнинг таннархида моддий харажатларнинг тутган ўрни ушбу сарфлар бўйича меъёрларни ишлаб чиқишнинг зарурлигини келтириб чиқаради. Чунки харажатларни меъёрий бошқариш тизимини ташкил қилиш товар-моддий захиралари ва харажатларни меъёрлаштиришдан бошланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан сарфланадиган моддий ва меҳнат сарфларининг меъёри бешта гуруҳдан ташкил топган: муомалалар бўйича, деталлар бўйича, узел-бўлимлар бўйича, буюмлар ва фаолияти бўйича. Ушбу ишлаб чиқарилган меъёрларнинг ҳар бир гуруҳи ўзида айрим олган фойдали ахборотларни жамлайди ва ўзига тегишли ахборотларнинг манбаларига асосланиб ҳисоблаб чиқилади.

Субъектда мавжуд бўлган товар-моддий захираларини асраш ва улардан фойдаланиш бўйича йиллик умумий харажатларни тартибга келтириш ва уларнинг устидан назорат ўрнатишда ушбу ТМЗ баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро амалиётда ушбу ТМЗ қуйидаги усулларда баҳоланади: FIFO, LIFO, ўртача тортилган ва қоплаш қийматида. Ушбу усуллардан фойдаланиш жойлари ташқи ҳисоботлар ҳисобланади ва келгусида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланилади. Қўйилган талабларга қарамақаршиликларнинг олдини олиш учун амалиётда ушбу усулларнинг иккита туридан фойдаланиш ёки ушбу ТМЗ сарфланадиган харажатларни стандарт харажатлар асосида баҳолашни тақозо қилади.

Бундан ташқари, субъектнинг ички бўлимларига бир-биридан берилаётган яримфабрикатлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг қийматига трансферт баҳолари қўлланилади. Ушбу трансферт баҳолари бозор баҳолари ва сарфланган харажатлар қийматидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади.

Сарфланадиган меҳнат ресурсларининг меъёрий миқдори сарфланадиган вақтнинг меъёри, маҳсулотни ишлаб чиқариш меъёри, хизмат кўрсатиш меъёри, ишчиларнинг сони, ишбаҳо ва вақтбаҳо меҳнат ҳақи ва соатлик тўлов даражасига боғлиқ. Хўжалик юритувчи субъектларда меҳнат ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ташкил қилиш тизими меҳнатни меъёрлаштиришга асосланган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан бошқарув назоратини ўрнатишнинг бошқа тизимлари ҳам мавжуд. Ушбу назорат тизимларидан биттаси бу фаолият бўйича сарфларни бюджетлаштиришдир. Чунки бюджет бу фақатгина тузилган бизнес-режанинг миқдор-суммада акс эттиришигина бўлиб қолмай, балки ушбу сарфларни тартибга солиб турувчи усулдир.

Асосий бюджет хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқаришни, маҳсулот, иш ва хизматларнинг сотилиши, ушбу маҳсулот, иш ва хизматларнинг тақсимоти ва фаолиятни молияланитиришни қамраб олади. Ушбу усулнинг фойдали ва самарали томонларидан бири хўжалик юритувчи субъектнинг моддий ресурсларини, жорий ва келгусида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган бозорнинг талаби ва рақобатчиларнинг ҳаракатини мажбурий равишда жорий ва узоқ даврга режалаштиришдир.

Субъектларнинг бюджети, асосан эгилувчан ва қаттиқ (қийин ўзгарадиган) бўлади. Эгилувчан бюджет тузилганда субъектда кейинчалик, фаолияти давомида содир бўладиган муомалаларнинг таъсирида мослаштириш мумкин. Қаттиқ (қийин ўзгарадиган) бюджет тузилганда уни фаолиятда содир бўлган кутилмаган воқеаларга мослаштириш жуда қийин бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий бюджетига қуйидагилар киради:

- моддий ресурслар харажатининг чегараси (сметаси);
- асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи ва ходимларга ҳисобланадиган меҳнат ҳақи;
- асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи ва ходимларнинг меҳнат ҳақига нисбатан ажратмалар;
- ишлаб чиқариш устама харажатларининг чегараси (сметаси);
- цех (харажатларининг маркази)да сарфланадиган харажатларнинг чегара(смета)си;
- тижорат сарфларининг сметаси;
- маъмурий-бошқарув сарфларининг сметаси;
- умумлаштирилган касса сметаси;
- фойда ва зарарлар бўйича ҳисоботнинг лойиҳаси, яъни умумлаштирилган якуний смета.

7-БОБ

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТ, БАЖАРИЛГАН ИШ ВА КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ

7.1.Харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш тизимини туркумлаш

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида содир бўлган харажатларни гуруҳлаштириш у ёки бу бошқарув қарорларини қабул қилишга йўналтирилган. Лекин хўжалик фаолиятида рўёбга чиқадиган ҳолатлар ишлаб чиқарилган намунавий тизимларга тўғри келмайди. Шунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз менеджерларининг талабидан келиб чиққан ҳолда ва уларнинг талабини қондириш учун айрим олинган ҳисоб тизимининг лойиҳасини ишлаб чиқадилар. Шу билан бир қаторда ушбу ҳисоб тизимларининг хилма-хиллигидан қатъиназар субъектлар фаолиятининг назарияси ва амалиёти томонидан харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилишни ташкил қилишнинг умумий тартиби ишлаб чиқилган.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятида харажатларнинг бошқарув ҳисоби тизимини ташкил қиладиган ва ўзаро боғланган учта элемент мавжуд:

- ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни ҳисобга олиш;
- тайёр маҳсулотларнинг ҳисобини юритиш;
- ушбу тайёр маҳсулотларнинг таннархини калькуляция қилиш.

Ушбу ўзаро боғланган тизим элементларининг талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни ҳисобга олиш тизими ушбу харажатларнинг турлари, таркиби, мазмуни, йўналиши, содир бўлган жойлари ва масъулият марказлари, маҳсулот ёки ишларнинг турлари ва уларнинг бир хил гуруҳлари, буюмларнинг қисми ва яримфабрикатлар бўйича гуруҳлаштиришда қўлланиладиган усулларнинг ўзаро алоқаларини акс эттирини лозим ва амал қилинаётган меъёрлар билан режалаштирилган самарадорликни таққослаш натижасида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш усулларидир (ушбу тизим элементларининг ўзаро алоқаси кейинги бетда келтирилган). Уларнинг тармоқлар бўйича хусусиятидан қатъиназар ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда харажатларни ҳисобга олиш тизими хўжалик фаолиятининг натижаларини ишончли ва холисона аниқлаш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг борини устидан назорат ўрнатиш имкониятини яратиб берадиган ташкилий модулни талаб қилади.

Шу билан бир вақтда ишлаб чиқаришнинг технология ва ташкилий хусуситлари, ишлаб чиқариш жараёнининг давом қилиш муддати, маҳсулотларнинг миқдор ва сифат таснифи ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилишнинг ҳар хил усуллари ва услубларини қўллашни талаб қилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг амалиётида қўлланилаётган ушбу тизимлар қуйидаги тартибда туркумлаштирилади:

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш тизимининг туркумланиши

А. Гуруҳлаштирилаётган объектлар	
Буюртма тизими	Жараён тизими
В. Мсъёрлаштириш даражаси	
Ҳақиқий сарфларнинг тизими	Меъёрий сарфларнинг тизими
С. Харажатларни қамрашнинг тўлалиги	
Тўлиқ сарфларнинг тизими	Қисман сарфларнинг тизими

Харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш тизимидан фойдаланишда ўзбилармончиликка йўл қўйиш мумкин эмас. Чунки уни қўллашнинг мақсади бошқариш ва харажатларни ҳисобга олиш объектлари билан чамбарчас боғланган ҳолда йиғилган.

Бизнинг мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва корхоналарнинг иқтисодиётига бағишлаб чоп қилинган адабиётларда, 1999 йил 5 февралда Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланган «Харажатларнинг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низом, бухгалтерия ҳисобининг стандартлари ва халқаро стандартларга кўра хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг харажатини ҳисобга олиш ва таннархини калькуляция қилишнинг учта - меъёрий, ишлаб бериш (жараёнлар бўйича) ва буюртма усуллари мавжуд.

Ушбу усулларнинг қайси бирини қўллаш ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг турлари, технология жараёни, тармоқнинг хусусияти, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш усули ва унинг турларидан келиб чиққан ҳолда ўзида ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатида кўрсатади ва раҳбарнинг буйруғи билан мустаҳкамлайди. Шу билан бир қаторда юқорида келтирилган туркумларнинг ҳеч бири айрим олган ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг ичидаги ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ва ҳар томонлама ёритишга даъвогар бўла олмайди. Шунинг учун ҳар бир субъектнинг ишлаб чиқариш шароитидан келиб чиққан ҳолда уни туркумлаш жараёнида қўшимча белгиларни жорий қилишни талаб қилади ва ушбу талаб қилинадиган қўшимча белгиларга қуйидагилар киради (209-бетдаги чизмага қаранг):

Ушбу юқорида келтирилган харажатларни ҳисобга олиш ва калькуляция қилиш белгилари харажатларни ҳисобга олиш тизимини муваффақиятли ташкил қилишга ва бир усулни иккинчисидан ажратишга ёрдам беради ва осонлаштиради.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва фаолиятининг натижаларини аниқлаш тизими элементларининг ўзаро алоқалари



Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш усулларини туркумлаштиришнинг қўшимча белгилари

Ишлаб чиқариш жараёни бўйича	
Яримфабрикатли усул	Яримфабрикатсиз усул
Маҳсулотнинг миқдори бўйича	
Бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи	Кўп хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи
Билвосита харажатларни тақсим қилиш усули бўйича	
Бир коэффициентли	Кўп коэффициентли
Калькуляция тузиш даври бўйича	
Режали	Ҳисобот

Бозор иқтисодиёти шароитида татбиқ қилинган харажатларни ҳисобга олиш тизими бир вақтнинг ўзида туркумлаштиришнинг бир неча асосларидан фойдаланади. Лекин биз вақт имкониятидан келиб чиққан ҳолда ва ўргатиш усулига мувофиқ асосан буюртма, жараёнлар ва меъёрий усулларни ва уларнинг турлича кўринишлари билан боғлиқ ҳолатларини ёритишга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари:

- четга чиқиш суммасига муқобиллаштирилган жорий меъёрлардаги харажатларни ҳисобга олиш тизими;
- меъёрдаги ва ҳақиқатда сарфлаган харажатларнинг ҳисобини параллел юритиш;
- қисман, тўлиқ ҳақиқий ва меъёрий сарфларга асосан харажатларни ҳисобга олиш тизимларини ҳам ёритамиз.

7.2. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг буюртмали усули

Бизга маълумки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқади ва унда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усулини белгилайди. Демак, юқорида ёритилган усулларнинг қайси бирини қўллаш унинг технологик жараёни, маҳсулотнинг турлари, тармоқ хусусияти ва ташкилий таркибига боғлиқ.

Биз кўриб чиқмоқчи бўлган харажатларни ҳисобга олиш маҳсулот ёки буюртманинг таннархини калькуляция қилишнинг буюртмали усули асосан ишлаб чиқариш технологияси учун сарфланган хомашё ва материаллар, меҳнат сарфлари ва бошқа умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматнинг турига олиб борши имконияти бўлган ишлаб чиқаришда ёки субъектларда қўлланилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот (иш, хизмат)-нинг таннархини калькуляция қилишнинг буюртма усулини жорий қилиш учун тегишли шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак. Ушбу усулни жорий қилишнинг асосий шарти бу тегишли буюртмага асосан ёки битта айрим олинган маҳсулотни ёки ушбу маҳсулотларнинг гуруҳини ажратиш имкониятини яратиш ва ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулот ёки бажарилган ишнинг ўртача эмас, балки якка холдаги таннархи тўғрисида маълумотларни олиш шароитини туғдиришдир. Ушбу ҳисоб ва калькуляция тизимининг усули қўлланиладиган ишлаб чиқариш турларига, асосан қурилиш объектлари, самолёткемасозлик, қоғоз, мебел саноати, илмий-изланиш, конструкторлик ва таъмирлаш ишлари, аудиторлик, консалтинг хизматлари ва шунга ўхшаш якка буюртма ёки кичик гуруҳлардаги товарларни ишлаб чиқариш жараёнлари киради.

Хўжалик юритувчи субъектлари ишлаб чиқариш шароитининг таснифи жамиятнинг ривожланишида асосий ўрин тутадиган машинасозлик субъектларининг мисолида келтирилган. Ушбу шароитда ишлаб чиқарилган маҳсулотга сарфланган харажатларни ажратиш ва гуруҳлаштириш усулини белгилайдиган ва амалиётга жорий қилинадиган режали-ҳисоб бирлигига асосий эътибор қаратилган.

Буюртма усули қўлланилаётганда эътиборни ишлаб чиқаришнинг хусусияти ва буюртмага қаратиш ва уларни чуқур таснифлаш лозим.

Индивидуал- якка тартибда ишлаб чиқариш. Бу шакл ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган ишга нисбатан тор ихтисослик ва кенг ихтисосликларга бўлинган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнининг узоқ даврдан ташкил топганлиги билан ажралиб туради. Бу шароитда ҳар хил, йирик, ўртача ва кичик ҳажмдаги умуман такроланмайдиган ёки доимий такроланмайдиган маҳсулот ва буюмлар ишлаб чиқарилади. Кўпчилик ҳолларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар мураккаб технологиядан ташкил топган 100 ва ундан ортиқ муомалалар натижасида ишлов берилган кўп номдаги ва миқдордаги деталлардан ташкил топган бўлади. Бундан ташқари, ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига ушбу деталларни тайёрлаш ва уларга ишлов беришдаги сарфларнинг фарқ қилиши натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг вақтлар оралиғида ўсиб бориши ҳисобланади. Тайёр буюм- маҳсулотларни йиғиш ҳам меҳнатни бригада асосида ташкил қилганда ёки айрим ишчи йиққанда ушбу йиғишнинг узоқ вақт давом қилиши ва зарур деталларни балки, ўзаро алмаштириш йўли билан эмас, айрим олган ҳолда йиғиш хусусияти билан фарқ қилади. Ушбу жараёнда тегишли машина ёки буюм учун ишлаб чиқарилган деталь ёки қисмлар, йиғув ёки механик ишлов берувчи цехларга берилмай балки омборга топширилади. Ушбу ишлаб чиқариш, яъни буюртмани тайёрлаш жараёнида зарур меҳнат буюмлари айрим олган ҳолда ва тез-тез такроланмайдиган турлари бўйича, баъзи вақтларда уларнинг кўпчилик турлари бўйича ва айрим кичик гуруҳлари бўйича ҳаракати (истеъмоли) содир бўлади.

Айрим олинган буюртмалар ва кичик гуруҳ (ҳажм)даги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда йириклаштирилган (ишлаб чиқариш буюртмаси, товар

комплекти ёки қисмларнинг комплекти) режа-ҳисоб бирликларини қўллаган ҳолдаги тезкор режалаштириш ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг мураккаб тизимини қўллаш хусусиятига эгадир. Чунки мураккаб технология муомалалари натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар уларни тайёр ҳолга келтириш учун кўпдан-кўп ишларни бажаришни талаб қилади, яъни улар технология картасидаги белгиланган муомалаларни (ишлов беришни) амалга оширини жараёнида бир неча цехлардан (қуйиш, ишлов бериш, йиғиш, синаш) ўтади, битта детал битта станокда ишлов беришдан ўтадиган ишлов беришнинг кўп, ҳар хил вариантлари амалга оширилади. Ушбу муомалаларнинг бажарилиши, босқичлар ўртасидаги алоқалар тасдиқланган тармоқ графиклари ва йиғма графиклар ёрдамида назорат қилиб борилади ва натижада тайёр маҳсулот (буюртма)олинади.

Ишлаб чиқарилган буюртма - бу унинг охирги натижаси буюртманинг бажарилишига эришиш учун зарур бўлган комплекс технология жараёнларни ва муомалаларни бажариш учун зарур бўлган ишларни бажаришни ўз ичига олган режа-ҳисобдаги бирликдир. Ушбу бирликка конструкторлик бюросининг технология бўлими ва ишлаб чиқариш цехларининг маҳсулотлари, бундан ташқари, уларни сиповдан ўтказиш жараёнлари киради.

Йиғув жараёни бир ойдан кам давом қиладиган ҳолларда маҳсулотнинг детал ва бўлаклари йиғув цехига ушбу бўлак ёки буюмлар бўйича комплектлаштирилган ҳолда ўтказилади. Ушбу тартибдаги тизимда йиғув цехлари ва бўлимлари учун детал комплекти ёки детални ишлаш учун тайёрланган бўлимлар учун тегишли буюртма, тайёрлов ва ишлов берувчи бўлимлар учун детал комплекти ёки детални ишлаш учун тайёрланган бўлакчалар режа-ҳисоб бирлиги сифатида қабул қилинган.

Агарда йиғув жараёни бир ойдан ортиқча давом қилса у ҳолда йиғув цехлари ва бўлимларига деталлар гуруҳланган ҳолда йиғув ишларини бажариш графигига мувофиқ топширилади. Ишлов бериш цехлари ва бўлинмаларига эса ишлаб чиқаришнинг тегишли босқичида йиғиш учун зарур бўлган ва ушбу бўлакларни ёки бўлаклар гуруҳини йиғиш учун керак бўладиган бўлаклар комплект ҳолда топширилади. Бўлакларни комплектлаш учун зарур бўлган деталларни топшириш графиги ушбу комплектни ёки буюмни йиғиш графигига асосан навбатма-навбат топширилиб борилади. Чунки асосий мақсад технологияда кўрилган муомалаларнинг тўхтаб қолишига йўл қўймасликдир. Натижада тайёрлов ва ишлов бериш цехлари ва тайёрлов цехлари учун режа-ҳисоб бирлиги детал комплекти, бўлаклар ёки бўлакларнинг гуруҳи бўлса, йиғув цехи ёки бўлимлари учун эса режа-ҳисоб бирлиги умумий йиғувнинг босқичи ёки ишлаб чиқариш буюртмаси ҳисобланади.

Тажриба-синов ишлари билан шуғулланадиган субъектларда эса режалаштириш ва ҳисобнинг объекти тасдиқланган мавзу ҳисоб-режасида кўрсатилган бўлади. Ушбу тасдиқланган мавзуларнинг бажариш даражасини аниқлаш мақсадида режа-ҳисоб бирлиги сифатида товар комплекти қабул қилинган. Ушбу товар комплектининг таркиби ва ҳажми ишлаб чиқариш бўлим-

маларининг маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг қайси босқичига тааллуқлигидан келиб чиқади.

Конструкторлик бўлимларнинг маҳсулотлари жорий режага асосан, комплектланган ҳолда бош технологнинг бўлимига берилади. Кейинчалик ушбу маҳсулот бўйича технология ҳужжатлари ишлаб чиқариш бўлимлари- цехларга ўтказилади. Меъёрий харажат - меҳнатнинг сарфига ва технология жараёнига мувофиқ тайёрлов ва ишлов берувчи цех бўлимларга берилаётган товар комплектлари ҳисоблаб чиқилади. Ушбу жараённи босиб ўтган, ҳақиқатда ишлов берилган ёки тайёрланган ва товар комплектига киритилган деталлар ва товар-комплектлари, агарда цех-бўлимнинг йиғма дастурининг талабига жавоб берсагина ҳақиқатда бажарилган, деб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларда кичкина гуруҳларда ўзининг йўналишида маҳсулот ишлаб чиқарши билан бир қаторда маҳсулотнинг ҳажмида асосий ўрин йўналишига мос келмайдиган маҳсулотлар бўлган ҳолатларда тезкор ишлаб чиқариш бошқарувининг тизимини танлашга субъектнинг ихтисос йўналиши катта таъсир қилади. Чунки ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш хусусияти фаолиятида асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш шароитидан анча фарқ қилади. Ушбу ҳолларда тегишли субъектларда асосий маҳсулотларни ишлаб чиқарши учун тезкор-ишлаб чиқарши режаси ва ҳисобининг бошқа тизими қўлланилган вақтларда ҳам юқорида таснифланган буюртма ёки комплекс тизимларининг биттасини татбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бир вақтнинг ўзида тезкор бошқарув тизимининг ҳар хил турларидан фойдаланиш режа-ҳисоб бирликларининг кўпайишига, техник-иқтисодий ва тезкор ишлаб чиқариш режасини боғлашдаги ҳисоб ишларининг мураккаблашишига, ишлаб чиқарши жараёнининг юритилишида ҳисоб ва назорат даражасининг насайишига олиб келади.

Умуман олганда, ушбу аниқланган йўналиш мсъёрлаштириш, калькуляция қилиш ва баҳоларни шакллантириш объектларини соддалаштириш билан бир қаторда умумлаштирилган ҳолдаги режалаштириш ва ҳисоб объектларининг бирлиги заруриятини келтириб чиқаради. Лекин ички таркибий бўлинмалар, айниқса, бригадалар ёки ички ижара гуруҳлари бўйича ишлаб чиқарши харажатларининг турларини ишлаб чиқаришда ҳисобга олиш тартиби эътиборга олинмайди. Чунки айрим ва кичик гуруҳдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда тегишли уларнинг охирги босқичида- йиғув цехида ва субъект даражасида режа-ҳисоб бирликлари ва калькуляция объектларининг бир-бири билан мос келиши етарли, деб ҳисобланади.

Иш жойларини хомашё ва материаллар билан таъминлаш тизимидан фойдаланишга қараб марказий омбордан хомашё ва материалларни цех ва бўлимларга чиқариш ҳар хил ҳужжатлар билан тасдиқланади. Натижада ушбу хомашё ва материалларни ишлаб чиқаришга чиқариши ишлаб чиқариш бўлинмаларининг ихтисослашиши ва мустақиллиги бўйича илгари тасдиқланган сарфларнинг меъёрига асосан тушган, лимитлашмаган сарфини ташкил қилиш усулида, цехларда ишлатиладиган ушбу қийматларнинг тўлиқ

номлари ва турлари келтирилган лимит қайдномалари ва марказлаштирилган тизимда эса бригада ёки звеноларнинг учун тузилган лимит қайдномалардан фойдаланилади. Ҳар бир хомашё ва материалнинг сарфланиш лимити (чегараси) бўлаклар, детал ва яримфабрикатларнинг ишлаб чиқаришга берилиш режаси, бундан ташқари, уларнинг цех омборларида ва иш жойларидаги захирасининг умумий меъёри ва режа-ҳисоб бирликлари бўйича сарфлашнинг гуруҳлаштирилган меъёрлари инобатга олган ҳолда ҳисоблаш марказлари ёки гуруҳлари томонидан бажарилади.

Ушбу меъёрларнинг йиғиндиси тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг режадаги бажарилиш даражасини деталларга ишлов бериш ва тайёр буюмлар ишлаб чиқаришда комплектлаш ва йўқотишларни ҳисобга олган ҳолдаги ҳисоб-китобларни ўз ичига олади.

Лимит (чегара) қайдномалари ҳисоблаш маркази томонидан икки нусхада ёзилади ва бош технолог билан моддий-техника таъминоти бўлимининг раҳбари томонидан тасдиқланади. Омборхонада қолдириладиган ушбу қайдномада жўнатилган хомашё ва материаллар турлари бўйича фақат цех ёки бўлимлар бўйича кодлаштирилган ҳолда кўрсатилади (бригада ва звеноларга ажратилмайди). Цехда қўлланилаётган ушбу қайдноманинг 2-нусхасида ушбу цехнинг ойлик дастури-режасини бажарини учун зарур бўлган хомашё ва материалларнинг режадаги талабини акс эттирган машинограмма мавжуд бўлади. Бўлинмалар ва бригадалар ва звеноларнинг учун айрим карталар тайёрланиб, ушбу карталарга асосан, ҳар бир цехга ёки бригадир зарур бўлган, лекин картада кўрсатилган турлари ва меъёри бўйича хомашё ва материалларни цехнинг омборидан олиши мумкин. Ушбу карталар моддий ресурсларнинг захираси ва улардан фойдаланишни назорат қилиш учун цех ёки бўлимнинг раҳбарида турини лозим.

Айрим ҳолларда содир бўладиган лимит (чегара)дан ортиқча берилиш, бир хомашёни бошқасига алмаштириш ҳозирги даврдаги йўқотишларни қоплаш учун келгуси ой ҳисобига бўлак кўринишида олиш, йиғиш-ўрнатиш ва мослаштириш ишлари жараёнидаги йўқотишларни қоплаш учун олинадиган хомашёлар, материаллар ва деталлар ушбу воқеаларнинг сабаби ва жавобгарлари кўрсатилган ҳолда цехнинг раҳбари ёки бошқа масъул ходимнинг имзоси билан тузилган қизил рангдаги ҳужжатлар орқали амалга оширилади. Ушбу ҳолатлар тез-тез такрорланса талабномалар тўлғазилади, мабодо ушбу ҳолатларда қўшимча олинадиган хомашё ва материалларнинг турлари кўп бўлса, илгари тузилган чегарали қайднома ёки картада айрим қатор очилади ва олинган ресурслар ушбу каторга қайд қилинади. Чунки ушбу ортиқча сарфлар-чегара меъёридан чиқишларнинг сабаблари ва жавобгар шахслар тезлик билан аниқланиши ва тегишли қарорлар қабул қилишни тақозо қилади. Фақатгина ушбу чегара карталарида бўлинма ва бригадаларнинг ўртасида фойдаланилмаган хомашё ва материалларнинг ҳаракати кўрсатилади (кейинги бетда).

Ушбу тасдиқланган лимит бўйича хомашё ва материаллар сарфлангандан кейин ёки лимитнинг тугашидан қатъи назар ойнинг охирида лимит қайдномалари марказий омборхонанинг мудири томонидан бухгалтерияга

топширилади. Ҳисобот ойининг охирида цех омборининг мудирлари лимит-қайдномаларини топширгунга қадар унинг «қайтарилди» устунида кейинги ой учун қайтарилган хомашё ва материалларнинг миқдори ва суммасини қайд қиладилар. Ушбу тартиб кейинги ҳисобот даври учун сарфланадиган хомашё ва материалларнинг миқдорини ўз-ўзидан кўпайтиради ва қўшимча маълумотлар киритилган қайдномаларни тузиш заруриятини туғдирмайди. Бухгалтерияда эса ушбу сарфларга тегишли ҳужжатлар гуруҳлаштирилади ва ишлов бериш учун компьютерлар бўлимига топширилади ёки ўзининг компьютерига киритиб ишлов беради.

Тегишли цех ва бўлимларнинг муомалаларга таллуқли ҳужжатлари тўғридан-тўғри ҳисоблаш марказига берилади ёки ўзининг компьютерларида ишлов берилиб, зарур ҳисоботлар тузилади. Шундай қилиб, ТМЗ чиқариш бўйича маълумотлар йиғиндисининг заруриятига асосланиб ва уларнинг цехлар ва бўлимларнинг омборига тушишига қараб тузилган дастлабки ҳужжатларнинг маълумотлари марказий омборхонада тузилган дастлабки ҳужжатларнинг белгилари каби гуруҳлаштирилади.

Агарда уларнинг меъёрий ва ҳақиқий сарфлари бўйича фарқлар аниқланса айрим машинограммалар тузилиб ушбу фарқларнинг сабаби ва жавобгар шахслар аниқланади. Ушбу фарқларда кўрсатилган хомашё ва материалларнинг миқдори цех ва бўлимлардан ушбу фарқларни акс эттирган маълумотлар келгунга қадар марказий омборнинг ҳисобидан чиқарилади. Ушбу маълумотларни ёритган машинограмманинг бир нусхаси назорат қилиш учун бухгалтерияга берилади.

Ишчи кучларининг сарфини умумлаштириш эса ишга келишни қайд қиладиган табеллар, топшириқлар, смена билдиринномаси, ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг қайдномаси, қўшимча ҳақ тўлаш ва бекор туриб қолган вақтлари учун тўловлар вароғи ва бошқа ҳужжатларга асосан амалга оширилади. Ишчи кучларининг маҳсулотларга тегишли тўғри меҳнат сарфлари эса дастлабки ҳужжатларда қўйилган харажатларнинг шифрларига асосан, тегишли буюртмалар бўйича жамғарилиб борилади.

Айрим олинган буюртма ёки маҳсулотга ҳақиқатан сарфланган моддий ва меҳнат сарфларини аниқлаш мақсадида айрим хўжалик юритувчи субъектлар ушбу цехлар ва бўлимларнинг ичида сарфланган хомашё, материаллар ва меҳнат сарфини ўзида қайд қиладиган комбинациялашган дастлабки ҳужжатларни қўллайдилар. Ушбу сарфларнинг ҳисоби нол даражадаги бошқарувдан, яъни маълумотнинг пайдо бўлиш жойидан бошланади. Дастлабки ҳужжатларда моддий сарфларнинг ҳақиқий ва меъёрий сарфлари таққосланади, шу даврда амал қилинаётган меъёрлардан ҳақиқий сарфнинг фарқи, бригадалар томонидан ишлаб чиқарилган яроқли ва яроқсиз маҳсулотларни тезкор режалаштириш ва ҳисобга олиш, омборга топширилган яроқли маҳсулотлар учун ишчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи, омборларга қабул қилинган ва бошқа цех, бўлимларга берилган ярим фабрикатлар бўйича цех ва бўлимларнинг ичида ярим фабрикатларнинг ҳаракати қайд қилиб борилади.

Иш топшириғи Цех (бўлим) бошлиғи Тасдиқлайман
Имзо

Ишнинг бажарилиш муддати:
боғланиши _____
тугатилиши

Буюртма нинг №	Маҳсулот нинг маълуми	Деталнинг коди	Бўлак нинг размери	Материал	Деталнинг оғирлиги	Топшириқ (дона)	Бирлигига		Қабул қилинган		Омбор мудири нинг имзоси	Деталнинг йўналиши	Меъёр бўйича сарфланадиган вақт	Тўланадиган сумма
							Вақтнинг меъёри	Баҳоси	Миқдори	Миқдори				
2002	141	1350016	1=716	136402	0,450	25	0,450	150	25	-	имзо	9	0,2	3750
2002	146	1350024	1=675	136418	0,360	35	0,570	170	35	-	имзо	16	0,3	5950
2002	148	1350026	1-810	136418	0,410	40	0,500	160	40	-	имзо	17	0,5	6400
			ва ҳоказ											

Уста _____ Меъёрловчи _____ ТНБ _____ Бўлакларнинг миқдори Икки юз қирқ бешта
имзо имзо имзо (ёзувда)

Номи, маркаси	126-ни топшириғи бўйича бичим картаси	Материалнинг коди	Бригаданинг номери	Истеъмол қилинган	Меъёр бўйича сарф	Ҳақиқатда сарфланган	Бичишнинг натижаси	
							Тежалган	Ортиқча сарфланган
Технология бўйича		147064	144	390	380	376	4	-
Алмаштирин бўйича								

126-ни топшириғи бўйича юкхати

Цехнинг коди	Буюмнинг коди	Деталнинг коди			Олувчи	Омборга олинган миқдор
01	2002	1350016			04	25
			Ва ҳоказ			

Уста
имзо
Сана

126-ни топшириғи бўйича юкхати

Цехнинг коди	Буюмнинг коди	Деталнинг коди			Олувчи	Омборга олинган миқдор	
01	2002	1350024			05	35	
			ва ҳоказ				

Уста
имзо
Сана

126-ни топшириғи бўйича юкхати

Цехнинг коди	Буюмнинг коди	Деталнинг коди			Олувчи		
01	2002	1350016			04	25	
01	2002	1350024			05	35	

Омбор мудири
имзо
Сана

Иш топшириғига асосан фойдаланадиган комбинацияланган дастлабки ҳужжатнинг шакли олдинги бетда келтирилган.

Иш бошлашдан олдин сменанинг устаси, бригадаларга берилган топшириқ ва бичишнинг технология картасига асосан, ушбу иш топшириғининг ўртасида бўлакларнинг миқдори, унинг коди, размери, хомашё ва материалнинг номи, унинг шифр-номерини, оғирлиги ва меъёр бўйича тайёрланадиган бўлакларнинг сонини қайд қилади.

Ушбу цехнинг режалаштирувчиси, режа-диспетчер бўлими ёки бичув бўлими ушбу иш топшириғи картасининг қуйи томонига меъёр бўйича сарфланадиган хомашё ёки материалларнинг код-шифри ва зарур бўлган миқдорини ҳисоблаб қўйиб чиқадилар.

Марказлаштирилган ҳолда берилаётган хомашё ва материалларнинг берилишини тасдиқлаш учун омбор мудири цех ёки бўлимнинг лимит картасига қайд қилади. Ушбу берилган хомашё ва материалларга ўлчанганлигини билдирувчи ва миқдорини тасдиқловчи ёрлиқ- бирка берилади. Уста ёки бригадир ушбу хомашё ёки материалларни бичишни бошлаётганда ушбу ёрлиқ-биркани олиб уни иш топшириғига илова қилади. Чунки ушбу кузатувчи ҳужжат бригаданинг иш жойига берилган хомашё ва материалларнинг тури ва миқдорини тасдиқлайди ва бу ҳужжатларга асосан ҳар ойнинг охирида омбордан цех ва бўлимларга берилган хомашё ва материалларнинг миқдори омбор мудирининг ҳисоботи билан таққосланади.

Смена охирида бичилмаган материалларнинг миқдори бригаданинг йўналиш карта-топшириғида ва оғирлигини кўрсатувчи биркада акс эттирилади. У ёки бу бригаданинг ушбу материалларни бир-бирига беришнинг тезкор ҳисобини соддалаштирилган ҳолда юритиш мақсадида, ушбу хомашё ва материалларнинг ҳаракати қуйидагича акс эттирилади: сменани топшираётган устанинг олган ресурсларидан ушбу топширган хомашё миқдори чегирилиб, сменани қабул қилиб олаётган устанинг олган хомашё ва материалларнинг миқдорига қўшилади. Чунки ушбу тартиб, яъни муомалани ҳисобга олиш иш жойларида хомашё ва материаллар захираларининг меъёрларига риоя қилишга самарали таъсир қилади. Амалиётда кўп ҳолларда тегишли бригадаларнинг суткалик ва сменадаги хомашё ва материалларга бўлган талаби билан чегараланади.

Ушбу хомашё ва материалларнинг сменадаги, суткадаги ҳақиқий сарфи эса уста ёки бригадирлар томонидан қуйидаги тартибда ҳисоблаб чиқилади.

Шу хомашё ва материалларнинг иш бошига мавжуд бўлган қолдиғига иш давомида олган миқдори қўшилади ва бошқа сменага ёки бригадага берилган (ҳамма маълумотлар ўлчаш картасида кўрсатилади) миқдори чегирилади. Иш топшириғи сменанинг ёки иш кунининг охирида ишлов берилган топшириқнинг бажарилишини умумлаштириш учун цехнинг иқтисодчиси, меъёрловчиси ёки бошлиғига топширилади. Цехнинг масъул ходими омборхонага ёки бошқа бригадага топширилган бўлаклар бўйича сарфланган хомашё ва материалларнинг меъёрий сарфини ҳисоблаб чиқади ва ушбу

маълумотларни ҳақиқий сарфлар билан таққослаб содир бўлган умумий фарқни аниқлайди. Ишлаб чиқариш жараёнида содир бўлган яроқсиз деб топилган бўлакларга сарфланган харажатларни тасдиқланган меъёрлар бўйича ҳисоблаб чиқади. Ушбу ҳисобланган сумма ва миқдорларнинг сабаблари ва жавобгар шахслар кўрсатилган ҳолда тасдиқланган классификаторга асосан, бригада ёки сменанинг иш топшириғига ёзади.

Яроқли бўлакларнинг ишлаб чиқарилиши ва яроқсиз бўлакларнинг ишлаб чиқарилишини назорат қилиш ва ҳужжатлаштириш тегишли цех ва бўлимларнинг ишлаб чиқариш-диспетчерлик бўлимларида (ИДБ) амалга оширилади. ИДБ бўлимнинг усталари ёки бригадирларидан меъёрда кўрсатилган ҳисобларга мувофиқ, тайёр бўлакчаларни ёки уларнинг мажмуасини топшириши, ёки бўлмаса ҳисоб-китобларга асосан ўрнатилган миқдордаги бўлак ёки комплектлар омборга ёки бошқа бригадага (сменага) топширилмаган ҳолларда яроқсиз маҳсулотлар бўйича тузилган далолатномаларни топширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун смена ёки кунинг охирида бичиш натижасида содир бўлган хомашё ва материалларнинг камомади ва бузилиши юзасидан ўз вақтида далолатнома тузиши шарт. Цехда хизмат қилаётган ишлаб чиқариш диспетчерлик хизматининг ходимлари йўқотишлар тўғрисида ва моддий ресурслардан самарасиз фойдаланиш ҳолларининг олдини олиш ва огоҳлантириш учун манфаатдордирлар, чунки уларни рағбатлантириш суммаси цех ёки бўлимнинг меҳнат ҳақи жамғармасига киритилган.

Агарда хомашё ва материаллар тежалса, ушбу жамғармага тежалган сумманинг асосий қисми қўшилади, агарда ушбу бригаданинг эътиборсизлиги ёки совуққонлиги натижасида ортиқча сарф ёки йўқотишга йўл қўйилса, ушбу сумманинг ҳаммаси меҳнат ҳақи жамғармасининг умумий суммасидан чегирилади.

Умумишлаб чиқариш харажатлари буюртмалар орасида олдинги бобда ёритилган тартибда тақсим қилинади.

Буюртмалар калькуляциясини унинг тугашига қараб олиб борадилар. Ҳамма харажатлар харажатлар тўплами карточкасида гуруҳлаштирилади. Буюртма бўйича ҳамма ишлар тугамагунча харажатларга тугалланмаган ишлаб чиқариш, деб ҳисобланади. Тугалланган буюртманинг таннархи харажатларни суммалаш билан аниқланади.

Амалиётда ишлаб чиқариш шароитлари кўриб чиқилган классик вариантдан фарқ қилиши мумкин. Масалан, кема қуриш бир вақтда кема қисмларини тайёрлаш билан ишлаб чиқаришнинг узоқ циклига эга. Тайёрлашнинг параллел технологияси харажатларни кетма-кет тўплашга имкон бермайди. Бундай ҳолда асосий буюртмага қўшимча қилиб буюмнинг конструкцион элементларига сони тўғри келадиган бир неча ички буюртмалар очилади. Ўрнатилган тартиб харажатларни умумий буюртманинг алоҳида қисмлари бўйича локализация қилишни таъминлайди.

Ундан ташқари, машинасозликнинг айрим тармоқларида маҳсулотларнинг алоҳида деталлари ва узеллари 60-70%гача ўзаро алмашувли бўлади. Субъект бундай деталлар ва узелларга алоҳида буюртма очади, бу харажат-

ларни локализация қилади ва уларни индивидуал буюртмалар бўйича тақсимлашга имкон беради.

Буюртмалар бўйича харажатларни умумлаштирилган ҳисоби бир неча вариантлар бўйича қуйидагилар ёрдамида ташкил этилади:

- назорат счётлари;
- алоҳида ҳисоблаш;
- шартнома бўйича таннарх калькуляцияси.

Назорат счётлари - бу харажатлар ва улар билан корреспонденцияда бўладиган счётларни молиявий ҳисобнинг одатдаги тартибида очилишини кўзда тутувчи счётлар тизими ҳисобланади. Харажатларнинг аналитик счётлари харажатлар тўплами карточкаларида кўрсатилган - уларда тўғри харажатлар умумлаштирилади. Эгри харажатларни эса тақсимлаш ҳисоблари бўйича ҳисобот даври тугагандан сўнг киритиладиган «буюртмалар карточкалари»да ҳисобга олиб борилади. Карточка буюртмада кўрсатилган ҳамма ишлар бажарилгандан сўнг ёпилади. Ҳамма бухгалтерлик ёзувлар қайдномаларга қайд қилинади, натижалар бош китоб счётларига ўтказилади.

Алоҳида ҳисоблаш - бу бошқарув ва молиявий ҳисобда счётларни алоҳида очишни кўзловчи ҳисоб тизими бўлиб, бу ҳолда харажатлар счётларига молиявий муомалалар ҳақида ёзувлар қилинмайди. Бу вариант ёзувларни ҳисобнинг икки турида такрорлашни кўзда тутади.

Шартнома бўйича таннарх калькуляцияси - ишлаб чиқарилиши узоқ циклли бўлган йирик буюмларни ҳисобга олиш ва калькуляция қилиш тизими ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчига қилинган ишлар учун босқичлар бўйича оралиқ тўловлар шартномада кўзда тутилган тўловлар суммаси буюртмачи далолатнома билан тасдиқланган реализация қилинган ишлар қиймати билан аниқланади. Тўловларнинг келиб тушишига қараб мазкур давр учун фойда ҳисоблаш учун реализация қилинган маҳсулот таннархига киритилиши керак бўлган харажатлар аниқланади. Шу ерда вақти ўтмаган харажатларнинг миқдори, яъни тугалланмаган ва буюртмачига топширилмаган ишларнинг таннархи аниқланади.

Шартнома бўйича калькуляция тизими қўлланилганда бу тизим учун ўрнатилган принципларга риоя қилиш тавсия этилади, яъни:

1. Шартнома бажарилишининг эрта даврларида фойдани ҳисобламаслик - бу даромад ва харажатларни баҳолашнинг паст ишончлилиги.

2. Зийрак бўлиш - ҳисобот даврида аниқланган зарарлар шу даврда реализация қилинган ишларнинг таннархига киритилиши керак. Агар зарарлар кутиладиган бўлса, унда уларнинг суммаси реализация қилинган маҳсулотнинг таннархига зарарлар эҳтимоли аниқланганидан сўнг киритилади. Масалан, таътил суммаларини тўлаш билан боғлиқ ишчилар таътили ва қўшимчаларни тўлаш учун захира яратилади.

3. 35-85% атрофида бажарилган шартномага кетган анчагина харажатларга зийрак бўлиш керак. Ҳисобот сапасига бўлган фойда қуйидаги формула билан ҳисобланади:

Фойда	=	Кўзда тутилган фойданинг 2\3 қисми	x	Буюртмачидан олинган суммалар / Топширилган ишларнинг қиймати

Кўзда тутилган фойда	=	Топширилган ишларнинг қиймати	-	Топширилган ишларнинг таннархи	-	Кўзда тутилмаган харажатларнинг захираси

Шундай қилиб, таннархни буюртма бўйича ҳисоблаш ва калькуляция қилиш тизими қуйидагича тавсифланади:

- сарфлар ҳақидаги маълумотлар маҳсулотнинг турларига ёки тайёр маҳсулотнинг алоҳида серияларига ўтказиш билан;
- харажатлар ҳажмининг оралиқ вақтда эмас ҳар бир тугалланган гуруҳ (партия) бўйича ўзгарини билан;
- бош китобда дебет қолдиғида туталланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажми кўрсатиладиган «Асосий ишлаб чиқариш» счётини юритиш билан.

7.3. Жараёнли усулда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш

Таннархни жараёнлар бўйича калькуляция қилиш тизими серияли ёки оммавий тарзда бир хил, ёки тахминан бир хил қўлланилади. Харажатларни жараёнлар бўйича калькуляция қилишни ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси томонидан ишлаб чиқариш жараёнининг алоҳида қисмини бажариш ва ишлов беришга қараб маҳсулотни битта муомаладан бошқасига ўтишни кўзда тутган технологияга эга субъектлар ҳам қўллайдилар. Охирги бўлима ишлаб чиқаришни тугатади ва маҳсулотни тайёр маҳсулот омборига топширади. Харажатлар маҳсулотларга ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича маълум вақт даври учун нисбатсиз умумлаштирилади.

Маҳсулот бирлигининг таннархи ишлаб чиқариш таннархини маълум даврда шу даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

Бундай ишлаб чиқаришларга кимё, нефтни қайта ишловчи, тўқимачилик, цемент ва бошқа ишлаб чиқариши серияли ва оммавий турдаги тармоқлар киради. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш ва ишлаб чиқариш объектларининг ҳисоби учун қўлланиладиган бирликлар тўғрисидаги аниқ тавсиф машинасозлик мисолида берилган.

Серияли ишлаб чиқариш оммавийга нисбатан тезкор-ишлаб чиқаришни режалаштириш аниқлаштирилган услубларидан ва тайёр маҳсулотни ўлчашга нисбатан деталлаштирилган режа-ҳисоб бирликларидан фойдаланади. Оқимли ишлаб чиқаришда бўлган машинасозлик корхонасида серияли турдаги цех ва участкалар кўп ҳиссани ташкил этади. Шунга нисбатан ишлаб чиқаришни тўлиқ аксловчи ва унинг хусусиятларига боғлиқ бўлган тезкор-календар режалаштириш ва тезкор ҳисоб тизимларини кўриб чиқамиз.

Серияли ишлаб чиқариш махсус ускуналар билан таъминланган ихтисосланган ёки универсал ускунада ишланган деталларнинг кўп миқдоридан таркиб топган маҳсулотларнинг кенг номенклатураси билан тавсифланади.

Тайёрловчи ишлаб чиқариш цехлари, уларга қуювчи, темирчилик, пресловчи цехлар киради, технологик тури ва ишлаб чиқариш циклининг тугаллиги бўйича ихтисослашади. Шундай қилиб, қуювчи цехлар ва уларнинг бўлинмалари қуйиладиган парсалари бўйича ихтисослашади- кулранг чўян, қуйма чўян, пўлат қуйилма, рангли қуйилма; қуймалар гуруҳлари бўйича- йирик, ўрта ва кичик қуйилма бўлинмалари; технология жараёнларининг хусусиятлари бўйича- босим ёрдамида қуйиш; қуйдирадиган ёки эритиладиган модуллар бўйича- қуйиш ва бошқалар.

Темирчилик цехлар технологик турлари бўйича ихтисослашади- мустақил қуйиш, иссиқ штамповка, ўтказиш; деталлар гуруҳлари бўйича- оғир, ўртача ва майда паковка; ускуна гуруҳлари бўйича- ковка машиналари бўлинмалари, болға ёки пресс билан ковка, болғаларда штамповка қилиш, прокатка ва бошқалар.

Пресловчи цехларда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асоси бўлиб тугалланган ишлаб чиқариш циклига эга предмет-технология принцип ҳисобланади; бўлинмаларда пресланадиган металлнинг қалинлигига ва ускуна турларига- қалин, ўрта ва юпқа варақли штамповка қилувчи ускуналарга қараб ихтисослаштирилган.

Механик ишлов бериш цехларида ишлаб чиқариш предметнинг ёпиқ цикли бўйича- узеллар, агрегатлар, деталлар; предмет-технология тури бўйича токар бўлинмаси, фрезер ва бошқалар ташкил этилади; айрим ҳолларда бўлинмаларга ишлов бериш тури бўйича ихтисослаштирилганлиги учрайди- чўян деталлар бўлинмаси, пўлат деталлар бўлинмаси ва бошқалар. Асосан деталларга ишлов бериш ҳамма турдаги ишлов беришни термик ишлов бериш, мустахкамлаш ва бошқа комплектланишини таъминловчи иш жойларига эга оқимли линияларда мужассамланган қўшимча муомалаларни ҳам киритади.

Меъёрлаштирилган деталларни ишлаб чиқариш, одатда, мустақил цехларга ёки алоҳида бўлинмаларга ажратилади. Кўп ҳолларда бундай деталларни тайёрлаш металл билан қоплаш билан кузатилади.

Механик йиғиш ва йиғиш цехларида оқимли технология бўйича конвейерларда ташкил этилиши мумкин ёки йиғиш стендларда амалга оширилади. Муҳим йиғиш бўлинмаларига эга бўлишлари мумкин. Бу ҳолда моддий оқимлар ҳаракатининг асосий турлари- комплектли, гуруҳли ва порцияли. Цехлар ичида бўлинмадан бўлинмага деталлар бемалол ёки линиялар ёрдамида, механизацияланган ва автоматлаштирилган мосламалар ёрдамида, конвейерли ёки рельссиз транспорт ёрдамида юриши мумкин. Тайёрлаш, паковка, қуйилмалар, штамповкаларни ишлов бериш ёки йиғишдан олдин сақлаш учун цехлар олдидаги омборлар ёки деталларни комплектловчи бўлинмаларига эга марказий омборлар вазифаларини бажарувчи ИДБ омборлари ташкил этилади. Муомалалар оралиғидаги таъмирлар бунинг учун мах-

сус ажратилган жойларда сақланади: осилган тара, осилган омборлар, механизацияланган ҳудуднар, муомалалар орлиғидаги омборлар ва бошқалар.

Моддий оқим ҳаракати назорат-ҳисоб нуқталарида назорат қилинади: материални олиш, материалларни қайта ишлашга жўнатиш, ЯТМ цехлар ичидаги ҳаракати, цехлараро ҳаракати, тайёр маҳсулотни чиқариш. Назорат-ҳисоб нуқталари маҳсулотнинг яроқлилигини ва яроқсизлигини аниқлаш мақсадида маҳсулотни қабул қилиш учун керак бўлади. Ўзининг технологиясига кўра, ҳар бир ишлаб чиқариш чиқаришнинг турли жойларига эга маҳсулот чиқариш ва шунга мувофиқ назорат-ҳисоб нуқталари. Қуювчи цехларда ишлаб чиқариш нуқтаси бўлиб деталларга шакл бериш ҳисобланади, темирчилик цехларда- паковкаларни штамповкалаш, пресловчи цехларда- буюмларни штамповкалашда биринчи ёки юритувчи муомала, механик йиғиш ва йиғиш цехларида- буюмларни йиғишга жўнатиш. Ҳамма ишлаб чиқаришларда тайёр буюмларнинг ҳисоблаш нуқтаси бўлиб, тайёр маҳсулотни қабул қилиш бўйича техник назорат бўлимларининг пунктлари ҳисобланади. Тайёр маҳсулотларни топшириш нуқтаси бўлиб, тайёр маҳсулотни истеъмолчи цехларга ёки ишлаб чиқариш бўлимининг, сотув бўлимининг омборларига жўнатиш жойлари хизмат қилади. Яроқсиз деталларнинг ҳисоблаш нуқтаси бўлиб, яроқсизлик аниқланган технологик жараёнларнинг муомалалари ҳисобланади.

Серияли турдаги ишлаб чиқариш жараёнининг асосий тузилмалари тезкор бошқаруви машинакомплектловчи, комплект-узелли ва комплект гуруҳли тизимидан фойдаланишни олдиндан аниқлайди. Бу тизимда режа-ҳисоб бирлик сифатида ҳар хил турларига қараб шаклланган деталларнинг комплекти хизмат қилади.

Бундай ишлаб чиқаришларда кўп тарқалган режа-ҳисоб бирлик сифатида йиғиш цехи чиқарадиган машина таркиб топган ишлаб чиқариш бўлинмаларида ва цехларида кетма-кет ва параллел тайёрланадиган деталлардан иборат бўлган машинокомплект хизмат қилади. Турли модификациядаги машиналар таркибига кирувчи ўзаро алмашувдаги деталларнинг деярли нисбатан оғирлигида деталлар ишлаб чиқариш циклининг узоқлигини, стипиш, йиғишга узатишнинг навбатлиги, ишлов бериш гуруҳларининг ҳажми ва бошқаларнинг вақтинча меъёрига эга бўлганлиги учун уларни машинокомплектта гуруҳлаштириш цехлар учун маълум даражада мураккабдир. Масалан, автомобилсозликда деталлар номланишининг рўйхати битта цехда бир неча юзликларга етади.

Ишлаб чиқариш серияли бўлган машинасозлик корхоналар ишининг амалиёти, хусусан тайёрлов ишлаб чиқаришлар тажрибаси кўрсатишича, цехларнинг турли машинокомплектларига кирувчи унификация қилинган деталлар, узеллар, буюмларнинг кўп миқдори билан номенклатурали ишлаб чиқаришнинг комплектланмаганлигини технологик равишда кўзда тутади, чунки машинокомплектта кирувчи деталларнинг бутун рўйхатини бирданига киритиш ишлов бериш ва деталларни узелларда, йиғиш бирлигида ёки буюмда

қўллаш вақтида фарқ борлиги учун мумкин эмас. Ундан ташқари, бундай цехлар ва бўлинмаларни ишлаб чиқаришни ташкил этишда муҳим давр бўлиб ишлаб чиқариладиган буюмларнинг бутун номенклатурасини йиғиш ишларининг бир маромдалигини таъминловчи турли машинокомплектлар деталларини бирданига тайёрлаш ҳисобланади. Истеъмолчиларнинг буюртмаларини тайёрлашнинг устун шароитларида, бўлинмалар ва бригадалар фақатгина маҳсулот чиқаришнинг оптимал миқдорини ҳисоблаб қолмай тайёр маҳсулотларни олувчиларга етказиб бериш муддатларини ҳисоблаш ҳам, машинокомплект таркибини ишлаб чиқиш катта иш ҳажмини талаб қилади.

Шунинг учун машинокомплектларда ҳар бир бригадага режани ҳисоблаш қийин, чунки у алоҳида деталлар ва йиғиш бирликларини чиқаради ёки ишлов беради. Ундан ташқари, тезкор ҳисобда биринчи ўринда деталлар ўз аксини топади, ундан кейингина улар жамоанинг фаолиятини баҳолаш учун машинокомплектга шартли равишда ўтказилади. Ҳисобда шартлилик режа ва ҳисобот кўрсаткичларининг тўғри келмаслигига олиб келади, бу эса хўжалик ҳисобининг принципига қаршилик қилади ва серияли ишлаб чиқариш учун режа-ҳисоб бирлигини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Гуруҳли комплект ўзи билан бир хил технология маршрутини ўтадиган, йиғишга узатишга етиштириш, ишлов бериш партиясини, ишлаб чиқариш циклининг узунлигини бир хил қийматга эга бир номдаги деталлар гуруҳини намойиш этади. Гуруҳли комплект режа-ҳисоб бирлиги сифатида деталларнинг бутун гуруҳини бир детал сифатида тайёрлашни режалаштириш учун шароитлар яратиб беради, йиғиш цехларига комплектли етказиб беришнинг назоратини таъминлайди ва ўзи ишлаб чиқарган ЯТМ ишлатишнинг назоратини кучайтиради. Қолган бошқа усулларда ҳам у олдинги режа-ҳисоб бирлиги-машинокомплектдан ҳудди шундай камчиликларга эга. Гуруҳли комплект маҳсулот ишлаб чиқаришни катта номенклатурасига эга ва ҳар бир буюмда деталлар ва узелларнинг сони унча кўп бўлмаган ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Йиғиш ишларининг узоқ циклига эга йирик серияли ишлаб чиқариш шароитида маълум узелга кирувчи деталларга ишлов бериш вақтини унча кўп бўлмаган фарқида гуруҳли комплектнинг турли хили ишлатилади, бу узелли комплект усулидир. Мазкур режа-ҳисоб бирлиги бирлик ёки технология йўналишнинг ўхшашлиги ва мазкур цехда ётиб ўтиш размери асосида битта ёки турли буюмлар деталларини бирлаштиради.

Ишлаб чиқаришнинг предметли усулида ёпиқ бўлинмаларида гуруҳли комплект бошқача ҳосил бўлади. Унга бир вақтда мазкур бўлинманинг ҳамма иш жойларида ишлов бериладиган, ягона технология йўналишининг аниқ муомалаларини бажаришга юклатилган ҳар бир буюмнинг деталлари киради. Унга юклатилган деталларнинг ҳаммаси тўғри оқимли (қайтмайдиган) технология маршрути бўйича ишлов бериладиган механик цехининг ишлаб чиқариш бўлинмаларини предмет-технологияга ихтисослаштирилиши ўтказилгандан сўнг бу бўлинмалар учун махсус гуруҳли комплектларни ишлаб чиқиш эҳтиёжи туғилди. Бундай гуруҳли комплект асосига қўйилган

белгилар ишларни вақти ва мазмуни бўйича аниқ регламентлашга, ишчиларни узлуксиз бандлигида улар муддатини назорат қилишга ёрдам беради.

Режалаштириш ва ҳисоб объектларини йириклаштириш узелда «бош» детал деган режа-ҳисоб бирлигини қўллашга олиб келди. Мазкур тизим бутун маҳсулотнинг минимал имконли миқдори цехнинг предметли-ёпиқ бўлинмаларига юклатилган узелларга бўлишни кўзда тутади. Ҳар бир узелда энг кўп ишлаб чиқариш циклига эга ва ишлов берилиши қийин бўлган детал ажратилади. Бу деталга «бош» деб ёки гуруҳ вакили деб қаралади, узелнинг бошқа деталлари эса эталонга боғланади. Топшириқни бажариш ҳисоби топшириш усулидан, сочилиб ёки йиғма бирликда, қатъи назар узел комплектининг бутун таркиби, деталлар бўйича амалга оширилади.

Сутко-комплект, «шартли буюм» деган режа-ҳисоб бирликлар вақти-вақти билан чиқарилиши қайтариладиган (узлуксиз тезкор-ишлаб чиқаришни режалаштириш тизими) серия (гуруҳ)ли ишлаб чиқаришда деталларга параллел - кетма-кет ишлов беришда қўлланилади. «Буюмнинг шарти» деб ҳисобланадиган чиқариш дастурининг асосий буюмининг бирлигига нисбатан субъектнинг ишлаб чиқариш дастурига суткадаги истеъмоли ёки нисбий оғирлик (донада) бўйича ҳамма маҳсулотларга таллуқли барча деталларни сутка-комплект ўз ичига олади. Режа топшириғининг бажарилиши суткада тайёрланган деталларнинг тезкор ҳисобининг маълумотлари бўйича мутаносиблик картотекасида акс эттирилади. Бундай ҳолда, бошқа номланишлар бўйича фақатгина кўриладиган муддатга бўлмай, ҳисобот даврига бўлган режа топшириғига нисбатан кўп чиқарилиши мумкин бўлган, бир вақтда сутко-комплект билан таъминланганлик аниқ номланишнинг деталлар билан таъминланганлигининг паст даражаси билан ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни гуруҳли ташкил этишда режа-ҳисоб бирликларини таҳлил қилиб меъёрлаштириш, ишлаб чиқариш топшириқларини ин жойлари, бригадалар бўйича ҳисоблаш, ишлаб чиқариш дастурларини бажарилишининг тезкор ҳисоби асоси бўлиб аниқ станок ёки станоклар гуруҳига боғланган маълум номланишдаги детал бўлишини аниқлаш мумкин.

Режалаштиришнинг техник-иқтисодий ва тезкор-ишлаб чиқариш учун ягона меъёрий асосни қўллаш шароитида серия (гуруҳ)ли ишлаб чиқаришнинг ҳамма турлари учун ягона режа-ҳисоб бирлиги-деталга ўтиш мумкин бўлиб кўринади.

Технология, предметли ва предмет-технология ихтисослашган цехлар ва бўлинмаларнинг турли йўналишидаги ишлаб чиқариш серия (гуруҳ)ли турдаги субъектларда детал ягона режа-ҳисоб бирлиги сифатида қўлланилса харажатларни хўжалик ҳисобига ажратилган бригадалар ва бўлинмаларга, калькуляция ҳисобларида- харажатларни меъёрлар ва улардан чиқиб кетишлар бўйича ажратиш билан маҳсулотларнинг турлари бўйича гуруҳлаш имкони туғилади. Агар ишлаб чиқариш бўлинмаларида деталларга ишлов бериш ускунасининг технология жиҳатдан бир тури ўрнатилган бўлса унда ишлов бериш технологияси принципиал равишда бир хил, фарқлар эса ишлов бериш

вақтида ва ишлаб чиқариш бўлинмаси ёки бригадаси ичидаги технология йўналишда ҳисобга олинади. Бу ажратувчи хусусиятлар миқдорий жиҳатдан ўлчаниши мумкин ва ҳисоб маълумотини қайта ишлашнинг механизациялашган вариантида бригада комплектининг моддий ва меҳнат харажатларини бригадалар бўйича меъёрлашда, меъёрланган сарфни маҳсулотни ҳақиқатда чиқарилганлигига ёки бригада томонидан бажарилган ишларнинг ҳақиқий ҳажми ҳисобида асос бўлувчи белги сифатида хизмат қилиши мумкин.

Сарфларни деталлар бўйича меъёрлаш ҳар бир деталга бош технолог бўлими томонидан ёзиладиган технология карталарда моддий харажатларни ҳисоблаш учун қабул қилинган. Улар маҳсулотларнинг номлари бўйича гуруҳланади, рақамланади ва брошораланади. Карталарнинг битта нусхаси иш турлари ва иш ишларни бажарувчи бўлинмалар бўйича гуруҳланади. Бундай тартиб меъёрий ҳисоблашиш ларни техник-иқтисодий режалаштириш ва тезкор-ишлаб чиқариш режа ҳисоблашишларнинг ишончлилигини таъминлайди.

Субъектларнинг серия (гуруҳ)ли ишлаб чиқаришида меъёрлаштириш, режалаштириш, ҳисоб, назорат ва таҳлил мақсадларида ягона режа-ҳисоб бирлигини ўрнатиш қўшимча қийинчиликлар, ҳисоб ва калькуляция ишларининг кўпайиб кетишини туғдирмайди.

Деталь, унинг буюмга кириш меъёри ҳозирги даврнинг ўзида меъёрий калькуляция қилишнинг объекти ҳисобланади, чунки узел, агрегат, буюмга меъёрий калькуляция тузилишидан олдин тўғри харажатларни деталга бўлган натурал ва қийматли мазмунининг меъёрлари аниқланади.

Деталь режа-ҳисоб бирлиги сифатида қуйидаги элементларни қамраб олувчи меъёрий режалаштириш ва ишлаб чиқаришга бўлган харажатлар ҳисоби тизимининг комплектланганлиги талабига жавоб беради:

- маҳсулот чиқаришнинг ишлаб чиқариш имкониятларини, уни тайёрлаш муддатининг стказиб бериш шартномаси муддати билан тўғри келишини, цехлар, бўлинмалар ва бригадалар бўйича маҳсулот таркибини меъёрлаштириш ва бошқалар;
- истеъмол, асосий жамғармаларнинг сарфлари ва захиралари, моддий, меҳнат ва молия ресурсларининг ягона меъёрий асосида техник, технология ва иқтисодий асослаш;
- ишлаб чиқариш бўлинмалари даражасида ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини режалаштириш, ҳисобга олиш ва аниқлаш.

Оммавий ишлаб чиқаришнинг чегараланган номенклатураси билан ва маълум вақт мобайнида узлуксиз тайёрланадиган маҳсулотнинг турларини кўп миқдорда ишлаб чиқариш билан ажралиб туради. Меҳнат буюмларининг ҳаракати оқимлик принципи бўйича ташкил этилади (доимий бир буюмли, ўзгарувчан кўп буюмли). Бундай ҳолда машинасозлик субъектларининг амалиётида оқимли ишлаб чиқаришнинг икки тури учраб туради: тўғри оқимли ва узлуксиз оқимли.

Тўғри оқимли оммавий ишлаб чиқариш бутун ишлаб чиқариш жараёни бўйича буюмларни тайёрлашда деталларга ишлов бериш ва бошқа муомала-

ларни бажаришда вақтларнинг фарқи туфайли муомалалар орасидаги таъмирларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Бу муомалалараро захираларнинг минимал миқдорини таъминловчи муомалалараро таъмирларни, таъмирларнинг меъёрлашишини, станокчилар иш вақтидан фойдаланиши меъёрлашишнинг мумкинлигини ва уларнинг ишларини параллел ва кетма-кет шаклда хизмат кўрсатишнинг кўп станокли режимида ташкил этилишини талаб қилади.

Узлуксиз- оқимли турдаги ишлаб чиқариш циклидаги муомалаларда вақт сарфлари меъёрининг тенглиги ёки қисқалигига, меҳнат буюмларининг туриб қолмасдан муомалалараро юришига, ишчи жойларини технология кетма-кетлигида жойлашиши ва уларга юклатилган муомалаларнинг доимийлигига асосланган. Ишлаб чиқариш бундай турда ташкил этилган субъектларда алоҳида цехларни, ишлаб чиқариш бўлимларини, бригада ва ишчи жамоаларининг чуқур ички ихтисослашуви кенг тарқалган, у ерда махсус ускуна, буюмларга ишлов бериш ва йиғишнинг бир буюмли оқимли линиялари қўлланилади.

Деталларни унификация қилиш даражасининг ўсиши ишлов беришни гуруҳли усулининг ривожланишига олиб келади.

Оқимли ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кўриб чиқилган белгилари серия (гуруҳ)ли ишлаб чиқаришдагидек муомалаларни қисмларга ажратишга асосланган бўлса ҳам, лекин тезкор режалаштириш ва ҳисобда деталларни комплектларга бирлаштириш уларни миқдорининг кўплиги учун мутаносиб бўлиб қолаяпти. Натижада оммавий ишлаб чиқариш ихтисослашган деталлараро режалаштириш билан тавсифланадиган «чиқариш ритми бўйича» тезкор-календар режалаштириш тизимини қўллайди. Режа-ҳисоб бирлиги сифатида номлашишлар бўйича детал чиқади. Аниқ бундай бирлик бўлиб тайёрлов ва ишлов бериш цехларида детал, механик йиғиш ва йиғиш цехларида эса узел ёки буюм ҳисобланади.

Мазкур режа-ҳисоб бирлигининг моҳияти аста-секин ошиб боради, бу эса биринчи навбатда ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш билан боғлиқ.

Тўғри оқимли оммавий ишлаб чиқариш «омборга» тезкор режалаштириш тизимини қўллайди. Бу тизимнинг асосий масаласи йиғиш цехлари истеъмолидан келиб чиққан ҳолда омбор захираларининг ўрнатилган меъёрларнинг чегараси даражасида ушлаб туришдир. Лекин бу тизимда ҳам режалаштириш ва ҳисоб бирлиги бўлиб детал хизмат қилади. Кўпинча бу тизимдан қотирувчи, стандарт, меъёрлашган ва унификациялашган деталларни тайёрлашда фойдаланилади.

Машинасозлик субъектларининг технология жараёни муомалаларни қисмларга ажратишни кўзда тутади, у ҳар бир ишчи жойига (ёки гуруҳ жойларига-бригадага) нисбатан доимий вақтга битта технология муомалани, агрегат станокларга эса- муомалалар гуруҳини юклатишга рухсат беради; бунда ишчи жойларининг юклатилиши доимий тавсифга эга.

Маҳсулотларнинг таннархини жараёнлар бўйича калькуляция қилиш ва харажатларни йиғишнинг умумий чизмаси



Оммавий ишлаб чиқаришда меҳнатнинг бригадали шакли ишлаб чиқаришнинг техник, технология ва ташкилий шароитлари билан боғлиқ. Режали ишлаб чиқариш топшириқлари комплекс бригадалар томонидан бажариладиган ишларнинг кенг доирасини ўз ичига олади. Лекин бундай ҳолда ҳам режа-ҳисоб бирлиги бўлиб бригадага юклатилган иш тайёрлаш ва ишлов бериш бўйича маълум рўйхати билан детал хизмат қилади.

Оммавий ишлаб чиқаришда ишлаб чиқаришни тезкор режалаштириш ва ҳисобнинг режа-ҳисоб бирликларини шу ишлаб чиқарилган маҳсулотининг таннархини калькуляция қилиш бирликлари билан таққослаб фақат субъект бўйича йиғиш, сипаш ва охирига етказиш ишларини бажарадиган охирги тизимли бўлинма даражасида уларнинг мослигини белгилаши мумкин. Тизимли бўлинмалар даражасида режа-ҳисоб бирликлари ички ишлаб чиқариш хўжалик ҳисобида объект таркибини тавсифловчи харажатлар объектларининг қисми бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнига параллел равишда харажатларни жамғариш жараёни юради. Тўғри харажатлар бўлинмалар бўйича бирламчи маълумотлар асосида ҳисобланади. Тўғри моддий ва меҳнат харажатларидан ташқари жараёнлар бўйича ҳисоб тизимида тўғри харажатларга ишлаб чиқаришни тайёрлаш, ишлаб чиқаришнинг юритилишини назорат қилиш, бир

бўлим ичида локализация қилиш шарти билан эскириш бўйича сарфлар киритилиши мумкин. Сарфлар турли усуллар ёрдамида (уларни кейин кўриб чиқамиз) калькуляция объектлари бўйича тақсимланади.

Устама сарфлар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш билан боғлиқ муаммо пайдо бўлганда тўғри харажатларни тақсим этиш оддий тартибга эга.

Жараёнлараро калькуляция ва харажатларни жамғариш тартибини таҳлил қилиб ҳисоб жараёнини беш босқичга бўлиш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш харажатларини натурал ёки режа-ҳисоб бирликларида ҳисобга олиш.

2. Маҳсулотни чиқаришни натура ёки режа-ҳисоб бирликларида ҳисобга олиш.

3. Ҳисобланган харажатларни «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебетида жамлаш.

4. Харажатларни тайёр маҳсулотлар ва давр охирига бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида тақсимлаш.

5. Маҳсулот бирлигининг таннархини ҳисоблаб чиқиш.

Биринчи иккита босқич ишлаб чиқариш жараёнини натурал бирликларда, қолган учтаси-қиймат бирликларида акс эттиришни кўзда тутади.

Биринчи босқичда ЯТМ ҳаракати, яъни уларнинг қаердан олинини ва қаерга берилиши кўрилади ва деталларнинг баланси тузилади. Унинг мазмуни оддий шаклда қуйидаги кўринишга эга:

Деталлар балансининг чизмаси.

Давр бошига тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг қолдиғи	+	Пайдо бўлди, етиб келди ва ишлов берилди	=	Ишлаб чиқаришдан чиқарилди	+	Давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг қолдиғи

Балансларнинг тўлиқ мазмуни ишлаб чиқариш технологиясига ва тезкор ҳисоб мақсадларига боғлиқ. Ҳар қандай ҳолда ишлаб чиқаришда ЯТМ ҳаракатини тезкор ҳисобининг якуний ҳужжати бўлиб турли даражада тайёр бўлган маҳсулотларни бирга бўлинмадан бошқасига ўтказиш даврини акс эттирувчи цехлараро баланс ҳисобланади. Цехларнинг якуний баланси ва субъект бўйича цехлараро ҳисобнинг умумлаштирувчи балансининг мазмунларини фарқлаш лозим. Цехлар балансининг мазмуни мазкур цехни ташкил этиш ва технологиясининг хусусиятини ва унинг ишлаб чиқаришдаги ўзаро алоқаларини акс эттиради. Субъект бўйича умумлаштирувчи баланс субъектнинг ички кооперацияси ва меҳнатни тақсимлаш даражасини кўрсатади. Таққослаш учун музлаткичлар заводи йиғиш цехи балансининг шакли ва субъектнинг умумлаштирувчи балансини кўриб чиқамиз.

Шуни таъкидлаш керакки, балансларнинг мазмунлари цехларнинг хусусиятларига боғлиқ бўлмаган ва ягона маълумотномалар, классификаторлар, 1 ой учун маълумот массивлари асосида тўлдириладиган доимий рекви-

зитларга эга. Ўзгарувчан маълумот ишлаб чиқариш ҳаракатининг тезкор ҳисобини юритиш ва ишлаб чиқаришга бўлган тўғри харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби учун ягона бирламчи ҳужжатлар бўйича шаклланади. Бундай ҳолда маҳсулотнинг ҳажми ҳақидаги маълумот бирламчи ҳисобда бригадалар бўйича гуруҳланади, гуруҳли балансда эса тезкор режалаштиришда ишлатиладиган цехлар бўйича гуруҳланган бирликларда кўрсатилган.

Йиғма цехнинг балансида ой ичида тузилган ишчи массивлари асосида тўлғазиладиган қуйидаги реквизитлар мавжуд:

- комплектловчи бўлимда ва ишчи жойларида ой бошига бўлган қолдиқ-назорат-ҳисоб нуқталари бўйича ҳақиқий таъмирлар массиви;
- манбалар бўйича- ой ичида келди- тайёр маҳсулот келишининг массиви, деталларни сарфлаш массивлари (топшириш, узатиш);
- ой ичида сарфланди- сарф йўналишлари бўйича- сотув бўлими омборига тайёр маҳсулотнинг келиш массиви, цехларга ажратиш массиви, буюмларнинг таркиби, яроқсизлик ҳақидаги далолатномалар, ҳисобдан чиқариш далолатномалари, инвентаризация қайдномалари, ҳақиқий таъсирлар массиви;
- ой охирига бўлган ҳисоб қолдиғи (ҳисобланади);
- инвентаризация маълумотлари бўйича қолдиқ- перманент ёки тўлиқ инвентаризацияни ўтказишда- инвентаризация қайдномалари, ҳақиқий таъмирлар массиви.

Субъект бўйича деталларнинг цехлараро ҳаракати, умуман деталлар ҳаракатининг умумлаштирилган балансида туркумланади.

Баланса деталлар, узеллар, йиғма бирликлар ва буюмлар рақамларнинг ўсиш тартибида ёки комплектлаш тартибида келтирилади. Цехларнинг ишчи жойларида, омборларда ва сақлаш хоналаридаги деталларнинг қолдиғи ЯТМ қолган муомалаларни кўрсатмасдан акс эттирилади. Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва комплектланганлигини тавсифлаш ва тезкор ҳисоб маълумотларини цехларда таққослаш учун ишлатиладиган субъект бўйича балансли умумлаштириш ҳисобда транспортировка, сақлаш, ишлов бериш ва тайёр маҳсулотни чиқаришдаги йўқотишларнинг олдини олиш кафолати сифатида хизмат қиладиган тизимни таъминлайди.

Цехлараро ҳисобни юритиш икки босқичда олиб борилади. Биринчи босқичда омбор ва ИДБ сақлаш хоналаридаги кирим-чиқим ҳужжатлари асосида деталлар, йиғма бирликлар ҳаракатининг ҳисоби бажарилади. Натижада, «ИДБ омборлари бўйича деталлар, йиғма бирликлари ҳаракатининг қайдномаси» тузилиб топширилади. Талабга биноан «ИДБ омборига деталлар ва йиғма бирликлар тушишининг суткалик ҳисоботи» ва «ИДБ омборидан деталлар, йиғма бирликлар сарфи (бериш)нинг суткалик ҳисоботи» тузилиши мумкин. Шунга ўхшаб сотиб олинадиган комплектловчи буюмлар ва ЯТМ ҳаракати ҳақидаги маълумот шаклланади.

Иккинчи босқичда деталлар, ўзи ишлаб чиқарган йиғма бирликлар ва 2-4 кунга сотиб олишларнинг тақчиллиги аниқланади. ИДБ омборларидаги деталларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва асосий ишлаб чиқаришга ой боши-

дан ҳар бир номланиш бўйича мазкур деталга бўлган режали талабини тўлиқ жамлама сарфига таққослаш йўли билан тақчилликнинг даражаси ҳисоблаб чиқилади.

Балансслар ҳисоб муомалаларининг кенг доирасини қамраб олади. Бу муомалалар ҳақидаги маълумот ишчи жойларида шаклланади, цех балансларида эса умумлаштирилади. Кирим ва сарф бўйича ҳамма муомалалар бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланади, таққосланади ва балансланитирилади.

Калькуляция қилишнинг биринчи босқичида, шунингдек, тўғри моддий харажатлар ва ишлов бериш харажатлари- тўғри меҳнат харажатлари, ижтимоий суғуртага ажратмалар ва умумишлаб чиқариш сарфларини ўз ичига қамраб олувчи тўталланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш ўтказилади.

Иккинчи босқичда маҳсулотнинг натурал ёки режа-ҳисоб бирликларида чиқарилиши ҳисоблаб чиқилади. Бошқа цехларга ёки ИДБ омборларига топширилган ЯТМ баҳоланиши ўртача тортилган усул бўйича амалга оширилади. Бунда тугалланмаган ишлаб чиқариш тайёрлик фоизи бўйича тўлиқ ишлов берилган ЯТМ ўтказилади. Шартли бирликларни ҳисоблаш барча тугалланган ишларнинг материаллар бўйича тўлиқ комплектланганлигини ҳисобга олган ҳолда моддий харажатлар бўйича бажарилади.

Хусусий тўғри харажатлар ва мазкур цехнинг умумишлаб чиқариш сарфлари ҳисоблаб чиқилган бирликлар миқдорига бўлинади. Олинган натижалар кейинги босқичларда «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебети бўйича харажатлар суммасини ҳисоблаш учун ишлатилади.

Учинчи босқичда харажатлар суммасини ҳисоблаб чиқишни кўзда тутади. Давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқаришда қолган шартли бирликлар олдинги босқичдагидек баҳоланади. «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебети бўйича харажатлар элементлари: асосий материаллар+асосий меҳнат ҳақи+меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалар+умумишлаб чиқариш сарфлари бўйича гуруҳланиб умумлаштирилади.

Ушбу тартибда тугалланмаган ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг бирданига режа-ҳисоб бирликларида ва қиймат кўринишида бажарилиши акс этади.

Калькуляция қилишнинг тўртинчи босқичида шартли маҳсулот бирлигининг қийматини ҳисоблаш харажатларни шу бўлима томонидан моддий ва қўшилган харажатлар учун алоҳида ҳисоблаб чиқилган бирликлар миқдорини керакли тарзда гуруҳланишига бўлиш билан амалга оширилади (2-босқичга қаранг).

Калькуляция қилишнинг бешинчи босқичида асосий ҳисоб муолажалари: субъектда тайёр маҳсулот чиқишининг ҳисоби; сақлаш (жойлашиш) жойлари бўйича тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг шартли бирликларини балансслар бўйича ҳисоблаб чиқиш; тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш амалга оширилади. Харажатларни тайёр маҳсулот билан тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида тақсимлашда асос сифатида калькуляция қилишнинг тўртинчи босқичи даражасида ҳисоблаб чиқилган цехнинг шартли маҳсулоти бирлигининг таннархи, тайёр ва тугалланмай қолган

маҳсулот бирлигининг миқдори хизмат қилади. Баҳоланнинг бундай услуби ўртача тортилган дейилади. Ундан ташқари, ФИФО усули ҳам қўлланилади.

ФИФО усули ўртача тортилган усулдан давр бошига бўлган тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг қолдиқларини ва жорий давр ишларига таъллуқли харажатларни умумий харажатлардан ажратишни кўзлаши билан фарқ қилади. Ўз навбатида жорий давр харажатлари бошланган ва тугалланган ишлар ўртасида тақсимланади. Ин тугаши билан харажатлар таннархга ўтказилади.

Калькуляция қилиш босқичлари ёрдамида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳақидаги ҳисоботларда ва улар билан боғлиқ харажатларда кузатилади. Молиявий ҳисобда жараёнлар бўйича усул қўлланилганда ҳар бир цех учун алоҳида аналитик ҳисоб очилади.

Амалиётда ишлаб чиқаришга бўлган харажатларни ҳисоблаш жараёнлараро усулининг учта варианти қўлланилади: кетма-кет, параллел ва алоҳида.

Кетма-кет вариантида битта босқичда тайёр маҳсулотни ишлов бериш учун бошқа босқичга берилишида содир бўлган харажатларни кетма-кет жамлашни кўзлайди. Тайёр буюмнинг қиймати тугалланмаган ишлаб чиқариш субъектнинг якуний маҳсулотигача оборилган охирги цехдан тайёр маҳсулот счётига ўтади.

Параллел ҳисоб ЯТМ ва хомашёга ишлов бериш бирданига битта буюм ёки бир турдаги буюмлар гуруҳини чиқариш учун мўлжалланган бир неча цехларда олиб борилаётган субъектлар томонидан қўлланилади.

Алоҳида усул бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш технологияси ишлов беришнинг ҳар хил жараёнига эга жойларда қўлланилади.

Жараёнлараро калькуляция қилиш тизими буюртмалараро калькуляция қилиш тизимидан анча оддий ва арзонроқ, чунки буюртмалар ва индивидуал ишлар бўйича карточкалар тўплами йўқ. Бухгалтерия ҳисоби счётларида ёзувлар оддий (ЯТМларсиз вариант) ёки «Ўзи ишлаб чиқарган ЯТМлар счёти» орқали (ЯТМли вариант) амалга оширилиши мумкин.

7.4. Стандарт-кост (Standart costs) тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш

Меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш муаммоларини ечишнинг объектив тенденциялари 20-йиллар бошидан АҚШда қўлланиладиган ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш усулини қайтадан кўриб чиқишни тақозо қилди. Маҳсулот бирлигининг таннархини ҳисоблаш, нархларни ўрнатиш, харажатларни тезкор бошқариш ва назорат қилиш учун моддий ва меҳнат харажатларининг меъёрлари ишлаб чиқила бошланди.

Аксланишга ёндошишга мувофиқ ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобида қўлланиладиган усулларни иккита асосий гуруҳга ажратиш кўзда тутилди: ўтган харажатлар ҳисоби ва стандартлаштирилган харажатлар ва улардан четга чиқишларнинг ҳисоби. Ишлаб чиқаришга бўлган харажатлар ҳисоби ва калькуляция усуллари тизимида стандарт харажатлар ҳисоби ти-

зими буюртмалараро ва жараёнлараро ҳисобда қўллашни кўзлаб уни мустақил ва муҳимлашган сифатида кўрилмайди.

Меъёр-стандартларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришнинг бошланишигача стандарт калькуляцияларни тузиш ва тўплам сифатида тизимлашган стандартлардан четга чиқишларни ажратиш билан ҳақиқий харажатларнинг ҳисоби «стандарт-кост» тизими номини олди.

«Стандарт»- маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун керак бўлган моддий ва меҳнат харажатларнинг миқдори ёки маҳсулот, хизмат, иш бирлигини ишлаб чиқариш учун олдиндан ҳисоблаб чиқилган моддий ва меҳнат харажатларини; «кост»- маҳсулот бирлигини тайёрлаш учун ишлаб чиқариш харажатларининг пул кўринишини акс эттиради.

Америка адабиётида стандарт-кост тизимига ҳар хил тушунчалар берилади, бу тушунчага ҳар хил мазмун киритилади. Лекин ҳамма ҳолларда ҳам бу тизим ишлаб чиқаришнинг тўғри харажатларини тартибга солишга қаратилган назорат воситаси сифатида тавсиф қилинади.

Стандарт-кост тизимининг устунликлари қуйидагилардан иборат:

а) ишлаб чиқариш ва буюмларнинг сотилиши бўйича кутиладиган харажатлар ҳақидаги маълумот билан таъминлаш;

в) маҳсулот бирлигининг олдиндан ҳисоблаб чиқилган таннархи асосида нархни ўрнатиш;

с) меъёрлардан четга чиқишлар ва уларнинг вужудга келиш сабабларини кўрсатиб даромад ва сарфлар ҳақидаги ҳисоботни тузиш.

Кутиладиган харажатлар фирма ичида ҳисоблаб чиқилган стандартлар (меъёр ва меъёрлаштиришлар) асосида аниқланади. Бу стандартлар тизим функциялашишининг асоси бўлади ва унинг мазмунини очади.

Стандартларнинг бутун йиғими қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ҳисобга олинадиган баҳоларнинг даражасига мувофиқ.

Идеал: материаллар, хизматларга бўлган тарифлар, меҳнатга ҳақ тўлашга бўлган даражаларни ва устама сарфларнинг смета даражаларига бўлган энг маъқул нархларни кўзлайди.

Меъёрий: иқтисодий цикл мобайнида ўртача нархлар бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Жорий: маълум ҳисоб даврида кутилаётган ва бу даврда ҳаракатда бўлган нархлар асосида ҳисоблашни кўзлайди.

Базис: йил бошида ўрнатилади ва йил давомида ўзгармай қолади. Одатда, улардан нархлар индексини ҳисоблаш учун қўлланилади.

2. Қувватдан фойдаланиш даражасига нисбатан.

Назарий: улардан яхши ёки идеал фойдаланишда субъект томонидан эришиладиган натижа. Улар субъектнинг мақсади ҳисобланади, қувватдан тўлиқ фойдаланиш, дам олиш вақтининг меъёрланган қийматига асосланган, яроқсиз, туриб қолишлар, бузилишларга вақт сарфлашни кўзда тутмайди.

Ўтган ўртача бажариш: статистик маълумотлар бўйича ҳисобланади ва яроқсиз, туриб қолишлар ва бузилишларга сарфланган вақтни ҳисоблайди, яъни олдинги даврнинг ҳамма камчиликларини назарда тутади.

Меъёрий бажариш: келажак даврда меъёрларнинг кутилаётган ўртача даражасини кўзда тутади.

3. Маҳсулот чиқариш ҳажмига нисбатан.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳажми стандартларни ишлаб чиқаришга ёндашишга биринчи даражада таъсир кўрсатади.

Назарий: субъектнинг назарий қувватига асосланган ҳолда олдиндан белгиланган. Уларга ёки эришиб бўлмайди, ёки бир марталик тартибда эришилади.

Амалий: яхши бажарилишда субъект томонидан эришилади, улар ўз даражаси билан яхши бажарилишида назарий стандартларга яқин, ишлаб чиқаришнинг реал эришиладиган даражасига асосланган ва қочиш имконияти бўлмайдиган йўқотишларга йўл қўяди.

Меъёрий: цикл мобайнида ишлаб чиқаришнинг юқори ва паст ҳажмининг ўртача қийматидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот чиқаришнинг эришиш даражасида ҳисобланади.

Кутилаётган: маҳсулот чиқаришнинг кутилаётган ҳажмида ишлаб чиқаришнинг аниқ шароитлари асосида ҳисобланади.

Мазкур тавсиф Америка фирмаларида харажатларнинг моддалари бўйича стандартларни ўрнатишга ҳар хил ёндошишларнинг мавжудлигини кўрсатади. Лекин ҳар бир ёндошишда қабул қилинган стандартлар бухгалтерияда ишлаб чиқариш жараёни бошланишунча стандарт таннарх хариталарига умумлаштирилади. Карталар буюм, шу буюмни, буюртмани тайёрлашда иштирок этадиган ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича ва буюртмалар бўйича тузилади.

Стандарт-кост тизими тўғри харажатларни бошқариш воситаси сифатида намойиш қилинади. Бу тизимнинг бир неча вариантларидан фойдаланилади. Битта вариантда харажатлар «ишлаб чиқариш» счётнинг дебетида тўпланади ва стандарт қиймат бўйича баҳоланади, тайёр маҳсулот худди шундай стандарт қиймат бўйича шу счётнинг кредитидан чиқариб ташланади, тугалланмаган ишлаб чиқариш стандарт қиймат бўйича баҳоланади. Иккинчи вариантнинг мазмуни «Ишлаб чиқариш» счётнинг дебетида умумлаштирилган харажатлар ҳақиқий қиймати бўйича баҳоланишидан, счётнинг кредитидан эса тайёр маҳсулот стандарт қиймат бўйича чиқариб ташланишидан иборат. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳақиқий харажатлардан у ёки бу томонга чиқиб кетишларни ҳисобга олган ҳолда стандарт қиймат бўйича ҳисобланади.

Ҳақиқий харажатларнинг стандартлардан четга чиқишини Америка фирмалари одатда таннархга олиб бормасдан «Маҳсулот, иш ва хизматларнинг сотилиши» счётига чиқариб ташлайдилар.

Субъектнинг қувватларига нисбатан стандарт-кост тизимини ташкил этиш, стандартлардан четга чиқишларни аниқлаш ва уларни чиқариб ташлаш услубияти бўйича ишлар координациясини стандарт-кост тизими билан боғлиқ бўлган ҳамма бўлинмаларнинг вакиллари амалга оширадилар. Янада йирик компанияларда стандартларни тузиш, уларга ўзгартиришлар киритиш, ҳисоблаш ва бошқалар бўйича барча ишлар жамланган стандартлар бўлинмаси тузилади.

Стандарт-кост тизими амалиётда қўлланиладиган харажатларни ҳисобланнинг бошқа тизимига кўра, ўз хусусиятларига эга. Биринчидан, воситаларни сарфлаш жараёнида стандартлардан чиқиб кетишларни аниқлаш асоси бўлиб уларни ҳужжатлаштириш эмас, балки махсус счётлардаги бухгалтерия ёзувлари ҳисобланади. Менеджерларнинг олдига эса четга чиқишларни ҳужжатлаштирмаслик эмас, уларга йўл қўймаслик масаласи қўйилади. Иккинчидан, аниқланган четга чиқишларни ҳамма компаниялар ҳам эмас, жорий стандартлардан фойдаланадиганлари бухгалтерия ҳисобида акс эттиради. Стандартлардан четга чиқишларни акс эттириш қисмида учинчи хусусият бўлиб четга чиқишларни ҳисобга олиш учун махсус синтетик счётларнинг калькуляция моддаларини, устга чиқишларнинг омиллари бўйича ажратиш ҳисобланади.

Стандарт-кост тизимининг мазкур хусусиятлари шуни ифодалайдики, харажатларни бошқарини мақсадида ҳар доим бу четга чиқишлар ва уларни ҳисоблаш учун қанчалик муҳимлиги кўриб чиқилади; улар нималарни кўрсатадилар, қайси муаммоларни ечишда улардан фойдаланиш мумкинлиги; аниқланган четга чиқишларнинг ишлаб чиқаришга бўлган харажатларни таҳлил қилишдаги муҳимлиги асосан эътиборга олинади.

7.5. Директ-костинг тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш

Калькуляция қилиш миллий тизимининг назарияси ва амалиёти ривожланаётган бозор муносабатлари шароитларида бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган бошқарув ҳисобининг ташкилий тизимларини ўрганишга муҳтож. Бундай тизимлардан бири тўғри харажатлар бўйича маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш тизими ҳисобланади.

Ўзгарувчан харажатларни ҳисобга олиш тизими АҚШда Буюк депрессия даврида вужудга келди ва 50-йилларда кенг тарқалди. Буюк депрессиядан олдин (1928 й) тайёр маҳсулотнинг қолдиқлари тўлиқ харажатлар бўйича ҳисобланган таннарх бўйича баҳоланадиган эди. Депрессия сотилмаган маҳсулотнинг катта захираларини яратишга олиб келди, тўлиқ харажатлар бўйича баҳолаш эса, ўша даврдаги таҳлилчиларининг фикрича, фойдани сунъий бузишга олиб келган. Ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва фойданинг миқдоридан ҳоли бўлган доимий харажатларнинг ҳисоби даромаднинг қийматига маълум даражада таъсир кўрсатган. Таҳлилчиларнинг фикрича, сарфланган харажатларнинг қайтишини ва ишлаб чиқаришнинг ҳажмини харажатлар ва фойдалар алоқаси орқали ҳисоблаш лозим. Бу йўналишда, ўхшашликка эга бўлган ўзгарувчан харажатларга бўлиш фойдасиз дейилган ва эгрилар билан ўхшашликка эга бўлган доимий харажатларга ажратишга ижозат этилган. Харажатларнинг янги тизими «директ-костинг» номини олди.

Тизимнинг мазмуни- корхона ишлаб чиқариш харажатларини калькуляция қилиш услубини кўриб чиқишда 1936 йилда Джонатан Харрис томонидан киритилган «директ-костинг режа» мазмунига асосланади.

Даромадлар ва зарарлар тўғрисидаги ойлик ҳисоботнинг таркибида оддий ишлаб чиқариш харажатлари ва эгри устама сарфларни чегаралаш бошланди. Ишлаб чиқариш сарфларини дифференциациялаш даромаднинг ҳажмини, маҳсулотни сотиш ҳажмининг боғланганлигини аниқлашга ва таннархни бошқаришга ёрдам берди. Шундай қилиб, бу тизимнинг мазмуни қуйидагиларга олиб келинди: тўғри харажатлар тайёр маҳсулотларнинг турлари бўйича умумлаштирилади, эгри харажатлар эга алоҳида счётда тўпланади ва улар вужудга келган даврнинг умумий молиявий натижаларига олиб борилади. Агар ҳар бир буюм бўйича тушган даромад суммасидан бу буюм бўйича сарфланган ўзгарувчан харажатлар чиқариб ташланса унда буюм бўйича брутто-даромад оламиз. Ҳамма буюмлар бўйича олинга брутто-даромадни жамлаб доимий харажатларнинг умумий суммасини қоплаш учун мўлжалланган даромаднинг умумий суммасини олиш мумкин.

Директ-костинг тизимидаги амалий изланишлар харажатлар бўлинишининг шартлилигини кўрсатади. Ҳар бир субъектда қабул қилинган йўл қўйишлар натижаларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобланиши керак. Директ-костинг тизими бўйича таннархни калькуляция қилиш ишлаб чиқаришнинг турли ҳажмида доимий сарфларнинг ўзгармас қийматини кўзлайди, шунинг учун бошқарув ҳисобида асосий эътибор доимий сарфларга қаратилади. Субъект ва тизимли бўлинмаларнинг раҳбарлари бу харажатларни бошқаришнинг назорат функцияларини кучайтирадилар.

Директ-костинг тизими бир неча фарқловчи хусусиятларга эга: биринчиси- ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгарувчан ва доимийга ажратиш; иккинчиси- маҳсулот таннархини чекланган харажатлар бўйича калькуляция қилиш; учинчиси- фойдалар бўйича ҳисоботларни тузишнинг кўп босқичлиги. Ҳисоб жараёни икки босқичда олиб борилади:

Директ-костинг тизимининг умумий чизмаси

Биринчи босқич						
"Таннархни ҳисоблаш"	Маҳсулотнинг турлари	1	2	3	4	5
	Реализациядан олинган фойдалар	x	x	X	x	x
	Ўзгарувчан харажатлар	x	x	X	x	x
	Маржинал фойдалар (брутто-даромад)	x	x	X	x	x
Иккинчи босқич						
Натижани ҳисоблаш:	Доимий харажатлар					x
	Ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги				=	x
Натижа:						

Биринчи босқичда тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмининг тўғри (ўзгарувчан) харажатлар билан алоқаси ўрнатилади, алоҳида турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги акс эттирилади. Иккинчи босқичда

битта счётда умумлаштирилган эгри (доимий) сарфлар бир турдаги маҳсулот реализациясидан олинган қўйилма билан таққосланади. Натижада бутун ишлаб чиқариш ва реализациянинг рентабеллигини акс эттиради. Шундай қилиб, бу тизим реализацияга қаратилган. Реализациянинг ҳажми қанча кўп бўлса субъект шунча кўп даромад олади. Тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш фақат ўзгарувчан (тўғри) харажатлар бўйича баҳоланади. Баҳоланишнинг бундай тизими субъектларда маҳсулотларни сотишни кўпайтиришнинг янги имкониятларини излашга қизиқиш уйғотади.

Субъектларда директ-костинг ҳисоби тизими ҳар хил тартибда ташкил этилиши мумкин. Бу ерда иккита - автоном ва интеграция ёндошиш ишлатилади. Харрис тизими бошқарув ва молиявий ҳисоб интеграциясига асосланган. Бошқарув ва молиявий ҳисобнинг умумий тизими бош китобда ҳамма маблағларнинг ички айланишини акс эттиришни кўзлайди.

Ҳисоб юритишнинг монистик (интеграциялашган) тизимининг мураккаблиги, ҳисоб муомалаларининг катта ҳажми билан фарқ қилади, кўп ҳолларда қиммат ва оддий эмаслиги билан ажралиб туради. Кўп ҳолларда интеграциялашган тизим бошқарув ҳисоби принципига, яъни тижорат сирларини сақлашга риоя қилмайди (бузади).

Фойдалар тўғрисидаги ҳисоботни тузишни кўп жараёнлик асосида маржинал фойдалар ҳақидаги ҳисобот ёпади. Директ-костинг тизимидаги фойда ва сарфлар ҳақидаги тахминий ҳисоботи қуйидаги жадвалда келтирилган.

Маржинал даромад усули бўйича даромадлар ва сарфлар тўғрисидаги ҳисобот

№	Кўрсаткичлар	Сумма, минг сўм
1.	Сотилган маҳсулотнинг ҳажми	5700
2.	Ўзгарувчан харажатлар	3300
3.	Маржинал фойда (1қатор-2қатор)	2400
4.	Доимий сарфлар	1370
5.	Соф фойда (ёки зарар) (3қатор-4қатор)	1030

Келтирилган ҳисобда икки поғона мавжуд: юқори- маржинал даромад; пастки- ҳисобда босқичлар бўйича жараёнда тўлдириладиган соф фойда. Агар ўзгарувчан харажатларни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга бўлсак мазкур ҳисобот уч босқичда тузилади. Биринчи босқичда маржинал фойда маҳсулотни сотишдан тушган пул билан ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади. Учинчи босқичда жамлама маржинал фойда билан доимий харажатлар суммасини таққослаш йўли билан соф фойда (ёки соф зарар) ҳисобланади. Кейин ҳисоботнинг поғоналилигини доимий харажатларни шартли-доимий ва шартли-ўзгарувчанларга бўлиш билан кўпайтирса бўлади. Айрим ҳолларда поғоналар харажатлар ва фойдаларни гуруҳлашнинг бошқа белгиларини кўзда тутиши мумкин. Маса-

лан, аниқ буюмлар ёки буюмлар гуруҳига тўғри муносабатга эга бўлган доимий харажатларнинг гуруҳланиши; доимий харажатларнинг ҳудудлар, сотув сегментлари ёки тақсимлаш каналлари бўйича бўлинмаларини назарда тутади. Директ-костинг тизими бўйича ҳисоб юритишнинг умумлашган таркиби қуйидаги чизмада кўрсатилган.

Маҳсулот таннархини ўзгарувчан харажатлар бўйича калькуляция қилишнинг чизмаси



Ўзгарувчан харажатлар бўйича таннархни калькуляция қилиш доимий харажатлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳар бир турига фойда олиш учун қўйилмалар, маҳсулот чиқаришнинг ассортиментига риоя қилиш устидан назорат ўрнатишни таъминлайди. Бундай калькуляциялар масъулият марказлари томонидан назорат қилинмайдиган харажатларни, даромадли ва даромадсиз муомалалар ўртасидаги фарқни, меъёрларга нисбатан харажатларнинг хулқини аниқлайди. Назоратнинг асосий принципи борлиқлик бўлади: материал — жонли меҳнат — устама сарфлар.

Бундай мақсадларда харажатларнинг назорат коэффициентини ҳисоблашнинг оддий кўринишидан фойдаланилади:

$$\frac{\text{Тўғри ёки ўзгарувчан (олиб борилган-олиб борилмаган) устама сарфлари}}{\text{Асосий материаллар+Жонли меҳнат сарфлари (бирламчи харажатлар)}}$$

Маҳсулот таннархини ўзгарувчан харажатлар бўйича калькуляция қилишнинг бошқа муҳим моменти бўлиб калькуляцияни ҳажм ва даромаднинг муқобил нисбатини ҳисоблаш учун маълумотни шакллантирувчи ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик таҳлили билан алоқаси ҳисобланади.

Ўзгарувчан харажатлар бўйича калькуляция қилиш принципи танловнинг устунликларига унинг буюмларга нарх ўрнатишда тўғридан-тўғри таъ-

сирини, бизнеснинг турли сегментларининг ишлаб чиқарувчанлигини рағбатлантиришни киритиш лозим.

Директ-костинг тизими бошқарув тизимининг такомиллашувига мувофиқ ривожланади. Режалаштириш ва бошқарув қарорларини қабул қилишнинг қайишқоқлиги директ-костинг тизимига бюджетлар (сметалар) ва топшириқларни, улардан фойдаланиш тақлилини киритишни талаб қилди. Замонавий директ-костинг тизимининг хусусияти бўлиб стандартлари нафақат ўзгарувчан харажатлар бўйича, балки доимий харажатлар бўйича ҳам, қисман доимий устама сарфларнинг ўзгарувчан қисми бўйича ишлатиш ҳисобланади. Стандарт директ-костинг- бу субъектнинг якуний мақсади- соф фойда олишга эришиш воситасидир.

7.6. Харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг меъёрий усули

Хўжаликни юритишнинг самарадорлигини ошириш мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳар қандай босқичида асосий ва муҳим масала ҳисобланади. Бу бошқарувнинг меъёрий тизимини миллий хўжалик тармоқлари даражасида ва бир субъект миқёсида қўллашни муҳим қилиб қўяди.

Харажатларни бошқаришнинг меъёрий тизими ўзи билан режалаштириш, меъёрлаш, материалларни ишлаб чиқаришга бериш, ички ҳисобот тузиш, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, харажатларнинг меъёри асосида иқтисодий таҳлил ва назоратни рўёбга чиқариш бўйича муолажаларнинг жамламини акс эттиради.

Унинг асосий мақсади бўлиб ишлаб чиқариш омилларини тўлиқ ишлатиш ва хўжаликни тежамли юритиш ҳисобланади. Бу тизимнинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

- субъектнинг олдига қўйилган масалаларни счишни таъминловчи меъёрлар асосида харажатларни режалаштириш;
- меъёр ва меъёрлаштиришлар билан асосланган ишлаб чиқариш мақсадлари бўйича турли ресурсларни ишлатиш учун рухсатномалар бериш йўли билан харажатларни ҳужжатлаштириш;
- харажатларни бухгалтерия ҳисобининг счётларида уларнинг меъёрлари ва ундан четга чиқишларни акс эттириш;
- четга чиқишлар бошқарувнинг чизиқли персонали томонидан бошқарувнинг ҳар бир даражасида таннархнинг шаклланиш жараёнига тезкор аралашиш мақсадида олиб борилади.

Калькуляция қилиш харажатларнинг меъёрига асосланади, меъёрдан чиқиб кетишлар уларнинг вужудга келиши бўйича бухгалтерия ҳисобининг счётларида ишлаб чиқариш натижасининг кўпайиши ёки камайиши сифатида кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришга бўлган харажатларни ва маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш ҳисобининг меъёрий усули бошқалардан кўпроқ харажатларни бошқариш меъёрий тизимининг талабларига жавоб беради. Ўзи-

нинг универсал хусусияти туфайли у халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига татбиқ этишга тавсия қилинган. Меъёрий бошқарув ҳисобига меъёрий режалаштириш ва ишлаб чиқаришга бўлган харажатларнинг тизими сифатида қараш қабул қилинган. Бу тизимнинг асосий элементлари: маҳсулотнинг ишлаб чиқариш муддатларини, унинг таркиби ва сифатини меъёрлаш; истеъмол, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни, шунингдек, ишлаб чиқариш воситаларини сарфлаш ва ишлатишнинг меъёрий асосланиши; меъёр ва меъёрлаштиришлар асосида иқтисодий самарадорликни режалаштирини, ҳисоблаш ва баҳолаш ҳисобланади.

Биринчи элемент тўғридан-тўғри бутун субъект, асосий ишлаб чиқариш цехлари бўйича ва бригадаларнинг ишлаб чиқариш топшириқларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳажмли, календар ва номенклатурали режалаштириш билан боғлиқ. Тизимнинг иккинчи элементи ишлаб чиқариш бўлинмаларининг моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлигини ҳисоблаш учун, сарфлаш меъёрлари бўлган материал ва меҳнатга ҳақ тўлаш меъёрларини ишлатишни ҳисоблаш учун ягона меъёрий асоснинг мавжудлигини кўзда тутади. Ўз навбатида ишлаб чиқаришни ҳажмли, календар ва номенклатурали режалаштириш, истеъмолни, меҳнатни меъёрлаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларини меъёрий асосланмасиз мумкин эмас.

Шундай қилиб, тизимнинг иккала элементи ҳам ишлаб чиқаришни тайёрлашнинг конструкторлик, технология, ташкилий ва иқтисодий босқичларини қамраб олади. Улар чиқаришга режалаштирилган маҳсулот номенклатураси билан чекланган, меҳнатнинг ташқи ва субъектнинг ички кооперациясига асосланган. Бу ҳолат ишлаб чиқаришнинг натурал асосини таркиб этувчи режалаштириш ва ҳисобнинг устуворлиги ҳақидаги хулосани яна бир марта таъкидлайди.

Меъёр ва меъёрлаштиришлар асосида режалаштирини, ҳисоб ва иқтисодий самарадорликни баҳолаш тизимнинг учинчи элементи сифатида меъёрлаштириш унинг «соф» кўринишида ҳаракат қиладиган қўлланиш ва услубларнинг барча тўпламини киритади.

Меъёрий ҳисоб субъектда ҳисобот даври бошида амал қилинаётган материалларнинг сарфланиши, меҳнат ҳақи ва бошқа сарфларнинг меъёрлари асосида маҳсулот таннархини олдиндан ҳисоблашни кўзда тутади. Меъёрий калькуляциялар ва ишлаб чиқаришни техник ва технологик тайёрлаш ҳужжатларини тузиш меъёрлаш ва режалаштириш жараёнларини интеграциялаш йўлларини яратади. Лекин субъектнинг амалиётида материалларнинг меъёрига амал қилиш, сарфлар ва захираларнинг меъёрига тўғри келиши, материалларни ишлаб чиқаришга бериш устидан назоратни ташкил қилиш учун бу имкониятни тўлиқ ишлатмайдилар.

Ҳар хил тармоқлардаги саноат субъектларида ички хўжалик механизмини ишлаб чиқишда меъёрий калькуляцияни тузишга икки хил ёндашиш аниқланди.

Айрим субъектлар меъёрий ҳисобни ташкил этишни регламентловчи ҳужжатга қараб детал, узел ёки бошқа режа-ҳисоб бирликларга бўлган меъёрий калькуляцияларда материаллар, меҳнат ҳажми, ускунанинг тўлиқ иш-

латилиши, меҳнат ҳақи харажатлари меъёрларини умумлаштиради. Масалан, оммавий ишлаб чиқариш тавсифига эга Самарқанд музлаткичлар жамияти музлаткичларнинг бир-икки маркасини ишлаб чиқаришда жамият ички стандартлар комплексидан алоҳида стандартни «Детал, узел, буюмга меъёрий калькуляция»ни ажратишни лойиқ кўрди. Бу калькуляциялар субъектнинг ички нархларини ҳисоблаш учун, музлаткични ва унинг алоҳида агрегатларининг режали ўртача йиллик таннархи билан йил боши ва охиридаги меъёрий таннарх даражасини таққослаш учун қўлланилади.

Бошқа субъектлар меъёрий усулнинг интеграцияга бўлган потенциал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда меъёрий калькуляцияни тузишдан воз кечишди. Шундай қилиб, иссиқлик ИИИ тажриба корхонаси, қишлоқ хўжалиги машинасозлик АЖ меъёрларнинг ахборот банкида техник ва технологик ҳужжатлар, турли баҳолар рўйхати ва меъёрий калькуляцияларни чоп этишга бермайдиган классификаторлар асосида меъёр ва меъёрлаштиришни тизимлаштиради. Материалларни ишлаб чиқаришга лимитлаб бериш, меъёрдан четга чиқишлар, меҳнат ҳақи ҳисоблаш ва бошқа шунга ўхшаш муомалалар ягона меъёрий асос бўйича амалга оширилади. Ташкилий техник тадбирлар, аввало, техник ва технологик ҳужжатлаштириш, шунингдек, қўлланиладиган материалларнинг номланишлари, уларнинг меъёрлари, ни ҳажмини ва бошқа мазмунининг ўзгаришида ифодаланади. Шу билан бирга ҳисоблаш маркази учун меъёрларнинг ўзгариши ҳақида хабарнома расмийлаштирилади. Марказлашган меъёрий хўжалик массивлари ҳужжатлаштиришнинг ўзгаришларга келишига қараб корректировка қилинади ва шу вақтдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлаш, материалларни ишлаб чиқаришга бериш ва бошқалар бўйича ҳисоблаш учун ишлатилади.

Фақатгина калькуляция тузишгагина эмас, балки унга ўзгартиришлар киритишнинг зарурияти бўлмай қолади, чунки ушбу ҳажмлар билан меъёрий калькуляция қилишнинг вақтлари бир-бирига тўғри келмайди.

Ушбу ёндашишнинг фарқлари қуйидаги сабаблар билан боғлиқ:

- ишлаб чиқариш шароитининг хусусияти;
- ҳисоблаш ва ташкилий техникаларнинг мавжудлиги;
- меъёрларнинг тизимини ташкил этиш усулларига асосланиши.

Шу билан бир қаторда, харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилишнинг меъёрий усулини қўллаш шароитида ва компания таркибидаги бўлимларнинг хўжалик фаолиятини баҳолашда иккала ёндашишни ҳам қўллаш мумкин.

Ишлаб чиқаришда молиявий ва бошқарув ҳисобини уйғунлаштиришда меъёрий усулнинг қуйидаги шартлари- тенг меъёрлар шарти муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу усул ёрдамида ой бошидаги эришилган меъёрнинг даражаси бўйича ой бошидаги ва ойнинг охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги харажатлар акс эттирилади. Яроқсиз маҳсулотлар, ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар баҳоланади, ой давомидаги ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар аниқланади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг меъёрий таннархи ҳисобланади.

Тенг меъёрлар шарти таққослаш таҳлили учун муҳим аҳамият қашф этади, қўшимча ҳисоб-китобларсиз ишлаб чиқаришнинг кўндан-кўн иқтисодий йўналишларини таққослаш имкониятини яратади. Лекин ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар, четга чиқишлар ва меъёрлашган харажатларнинг ҳажмига риоя қилиш устидан назорат қилишда ва бошқаришда маҳсулот таннархини тўғри аниқлашда салбий натижаларга олиб келади. Энг аввало меъёрларнинг тенглиги ёрдамида харажатларнинг йиғма ҳисоб қайдномасига асосланган, инвентаризацияларнинг орасида ҳисоблаш-баланс усулида аниқланган маҳсулотларнинг туталланмаган ишлаб чиқаришнинг қийматини асослашга ёрдам беради. Натижада шуни таъкидлаш лозимки, ҳисоблаш-баланс усулини қўллаш шароитида нималарни аниқлаш лозимлиги ётади. Бу ҳужжатлаштирилмаган фарқларнинг минимал ҳажмини рўёбга чиқаришга кафолат берадиган ишлаб чиқаришни, таъминотни ташкил қилиш, техник қуроллантириш, меъёрлаштириш, тезкор-технологик режалаштириш ва цех (бўлим)лар ўртасидаги яримфабрикатларнинг ҳаракатни акс эттиради. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, кўпчилик субъектларда ушбу шароитлар яратилмаган ҳолда бу усул қўлланилмоқда, чунки асосий мақсад тезкорлик билан ва оз харажат сарфлаб туталланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажмини аниқлаш ва маҳсулот таннархини ҳисоблаб чиқишдир.

Натижада ушбу субъектларда олдинги даврларга ва жорий даврдаги меъёрий ҳажмларга нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархи ошиб бормоқда. Ушбу ҳолатлар туталланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажмини инвентаризация қилиш натижасида аниқланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархига олиб борилдиган қисман ва тўлиқ харажатлар бўйича тасдиқланган меъёрларда ҳисобга олинмаган фарқлар рўёбга чиқади. Инвентаризация ўтказиш даврларининг орасида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи белгиланган меъёрлар асосида ва фарқларнинг суммаси (меъёрнинг 1%гача) қўшилган ҳолда аниқланади. Ушбу тартиб ўз навбатида харажатларнинг ҳисобини юритишнинг аниқлигига халақит беради.

Натижада бевосита ортиқча сарфлар, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг камчиликлари, ярим фабрикатларнинг йўқотилиши ва бузилиши, ёпиқ брак ва бошқа сабабларнинг таъсирида тасдиқланган харажат меъёрларидан четга чиқиш суммалари туталланмаган ишлаб чиқаришда қолади.

Меъёрларга асосан, ҳисоб юритишнинг асосий шартларидан бири бу ишлаб чиқаришга сарфланган ва меъёрлардан четга чиқишлар бўйича сарфларни айрим олган ҳолда ҳисобини юритишдир.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларга сарфланган харажатларнинг меъёрдаги ҳажми амалиётда махсус ҳисоблаш усули билан аниқланади. Ушбу ҳолатда якуний натижани аниқлаш мақсадида йўриқлаштирилган ҳисоб объектлари қўлланилади. Мисол: хомашё ва материаллардан фойдаланиш бўйича ҳисоботда буюм, маҳсулот, айрим ҳолларда маҳсулотларнинг гуруҳи бўйича сарфланган материалларнинг меъёрий сарфи ҳисоблаб чиқилади.

Ушбу сарфланган меъёрий харажатларни аниқлаш зарурияти ҳуж-

жатлаштирилмаган меъёрдан четга чиқишларни ҳисоблаб чиқишдан келиб чиқади. Шу билан бир қаторда умумий четга чиқишни ҳисоблаш ишлаб чиқариш ҳисобини юритиш бўйича анча қўшимча харажатни талаб қиладиган ва ҳамма вақт ҳам ўтказиш имконияти бўлмаган тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентаризация қилишни талаб қилади.

Ишлаб чиқариш жараёни доимий хусусиятга эга эмас ва амалиётда тез-тез тасдиқланган режага мос келмайди.

Ишлаб чиқаришда буюмларни йиғиш учун яримфабрикатларни ишлаб чиқариш турларининг фарқи фақатгина тезкор ҳисобда қайд қилинади ва ушбу маълумотларни умумлаштирмайди. Харажатларни тасдиқланган меъёрлар бўйича ҳисобга олиш, айниқса четга чиқишларни ҳисобга олиш, ушбу моддий сарфларнинг рўёбга чиқадиган жойларидагини амалга оширилади, яъни ишлаб чиқариш жараёнининг бошланишида ва биринчи технология муомалаларнинг натижасида рўёбга чиқади.

Ушбу тартибдан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, харажатларнинг тасдиқланган меъёрдан четга чиқиши ишлаб чиқаришга жалб қилинган буюмларнинг миқдорига асосан аниқланса, меъёрлар бўйича сарфланган харажатлар эса тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг қолдиғини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдорини ишобатга олган шароитда ҳисобга олинади.

Шу билан бир вақтда ишлаб чиқаришга киритилган ва чиқарилган буюмларнинг ўртасидаги ҳажмга тугалланмаган ишлаб чиқаришда қолган натура қолдиғидан ташқари:

- деталларнинг бузилиши ва йўқотилиши;
- яримфабркатларнинг комплектланмаганлиги;
- яроқсиз маҳсулотлар;
- ўғирликлар ҳам таъсир қилади.

Амалиёт шуни тасдиқлаяптики, ҳисобот беришнинг ҳар хил нуқтаси дастлабки ҳужжатларга мувофиқ меъёрлар бўйича сарфланган харажатларни нотўғри гуруҳлаштиришга олиб келади, чунки ушбу сарфлар тайёрлов ва ишлаб чиқаришдан қабул қилинади.

Хомашё ва материалларнинг дастлабки сарфланиши кўзда тутилмаган ишлов бериш тармоқларида ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг меъёридан четга чиқишни аниқлашнинг тубдан бошқа усули қўлланилиши шарт. Ушбу тармоқларда сарфлар меъёрларининг фарқи тайёр маҳсулотларнинг чиқишдаги жисмоний ва миқдорий ўзгариши, чиқишдилар, ҳисобга олинмаган яроқсиз маҳсулотлар, ўғирликлар, материалларни ташишдаги ушимсиз фойдаланишлар, ишчиларни ўргатиш ва тажриба олишида ускуналарни мослаштириш, ускуналарни синаш ва уларни мослаштириш натижасида вужудга келади. Бухгалтерия ҳисоби тизимида цех бўйича ой давомида баланс маълумотлари асосида аниқланган ишлаб чиқаришда ярим фабрикатларнинг ҳаракати ҳисобга олинмаган четга чиқишлар кўринишида акс эттирилади. Ярим фабрикатлар ва деталларнинг ҳаракати натижасида содир бўл-

ган материал ва меҳнат ҳақи сарфлари бўйича четга чиқиндилар йиғма ҳисобда аниқланмайди. Субъектлар фаолиятини бошқаришнинг самарали турларини жорий қилиш шароитида унинг ички бўлинмаларида хомашё ва материаллар, яримфабрикатлар ва қайтариладиган чиқиндиларнинг сарфи бўйича ўрнатилган меъёрлардан четга чиқишлар содир бўлган жойлари бўйича маълумотлариш йиғиш имкониятини яратади.

Ҳар бир субъектда харажатларни ҳисобга олишнинг усулини танлаш ушбу субъектнинг тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Лекин умумий таклиф сифатида ушбу харажатларни ҳисобга олишда меъёрий ҳисобини ташкил қилишнинг учта турини ажратиш мумкин:

А. Меъёрий харажатлар бўйича ҳисобга олиш. Ушбу усулда сарфланган ҳақиқий харажатлар қуйидаги кўринишда аниқланади:

Меъёрий харажатлар ± меъёрдаги харажатлардан четга чиқиш =
= ҳақиқий харажатлар.

Ушбу тартибда бухгалтерия ҳисобида моддий қийматликларнинг (асосий материаллар, туталланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар) ҳаракати белгиланган меъёрлар бўйича баҳоланиши шартидан келиб чиқилади. Ушбу фаолият жараёнида аниқланган четга чиқишлар рўёбга чиқиш ҳолатида йиғилиб борилади ва ҳисобот даврининг охирида меъёрдаги харажатларнинг ҳажмига қўшилади.

В. Ҳақиқий ва меъёрдаги харажатларни бир йўла ҳисобга олиш. Ушбу усул ишлаб чиқаришдаги харажатлар тўғрисидаги маълумотларни икки баҳода:

- ҳақиқатда йиғилган харажатлар бўйича;
- ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳажмига сарфланган меъёрий харажатларнинг миқдорида ёритишни назарда тутади.

Ҳақиқий сарфлар - Меъёрдаги сарфлар = ±Четга чиқишлар.

С. Аралаш усулда ҳисобга олиш. Ушбу усул иккита йўл билан ҳисобни юритишни назарда тутади.

Биринчи йўл. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг амалиётида кенг тарқалган ва мамлакатимизда ҳам қўлланиши тавсия қилинган. Лекин ҳисобот даври давомида жами четга чиқишни аниқ даражада ҳисобга олиш имконияти мавжуд эмас. Ҳисобот ойининг охиридаги туталланмаган ишлаб чиқаришнинг меъёрий таннархи ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг меъёрдаги ҳажми билан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг меъёрий таннархининг фарқи кўринишида аниқланади. Натижада ой давомида ёки бошқа ҳисобот даврида ҳисобга олинмаган четга чиқиш суммаси ҳисобот даврининг охиридаги ишлаб чиқаришнинг қийматига қўшилади.

Иккинчи усул. Асосий харажатлар бўйича тасдиқланган меъёрларга риоя қилиш устидан кундалик назоратни ўрнатишни назарда тутади. Ҳисобот даври давомида меъёрдан четга чиқиш бўйича олинган маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг тегишли регистрларида умумлаштирилмайди ва счётларда қайд қилинмайди.

Тасдиқланган меъёрлардан четга чиқиш суммаси баҳоланган тайёр маҳсу-

лотнинг ҳажмига сарфланган ҳақиқий харажатлар билан ушбу маҳсулот учун сарфланиши лозим бўлган меъёрий харажатларни таққослаш йўли билан бир хил маҳсулотларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича аниқланади. Ушбу ҳолатда туталланмаган ишлаб чиқаришнинг қиймати ишлаб чиқаришда ярим фабрикатлар ҳаракатининг баланси бўйича натура кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда меъёрий таннархи бўйича баҳоланади, ёки бўлмаса ишлаб чиқариш бўлимларидаги туталланмаган ишлаб чиқаришни хатлаб ҳисобга олиш асосида баҳоланади.

Калькуляция қилиш ҳисоби усулининг иккита йўлини:

■ ҳисобот даврида аниқланган меъёрдан четга чиқиш суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (тайёр маҳсулот, айрим ҳолатлардаги ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда - сотилган маҳсулот)нинг таннархига олиб бориш, ёки бўлмаса

■ ушбу меъёрдан четга чиқиш суммасини ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот билан туталланмаган ишлаб чиқаришнинг ўртасида тақсим қилишни амалиётда татбиқ қилишни назарда тутади.

7.7. Харажатларни ҳисобга олишнинг меъёрий усулини жорий қилишда қўлланиладиган ҳисоб регистрлари

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ҳисобга олиш жараёнининг босқичи бу ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг йиғма ҳисобидир. Бу босқичда сарфлар ҳар хил белгилари бўйича гуруҳлаштирилади. Харажатларни ҳисобга олишнинг меъёрий усулида ушбу харажатларнинг йиғма ҳисоби тегишли бўлинмадаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича натижаларни аниқлаш мақсадида вазифаларнинг туркуми ни ажратади. Шунинг учун олдинги қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда ушбу йиғма ҳисоб регистрининг мазмуни шакллантирилади.

Ушбу ҳолат, мақсад, вазифа ва мазмунни аниқ битта субъектнинг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда ўрганиб чиқиш лозим. Ушбу субъектнинг фаолияти хусусиятидан келиб чиққан ҳолда шу қайдномада туталланмаган ишлаб чиқариш, сарфланган харажатларнинг тегишли моддалари бўйича тайёр маҳсулот, яроқсиз деб топилган маҳсулот, камомаддар, меъёрнинг ўзгарши даражаси, меъёрдан четга чиқишнинг ҳажми келтирилган.

Йиғма ҳисоб регистрини ишлаб чиқишда ушбу ҳужжатни амалиётда қўллаш шартлари қуйидагича белгиланган:

■ субъектнинг технология, ишлаб чиқариш бўлимлари ва иқтисодий хизматлари ўртасида келишилган ва бошқаришнинг ҳар хил поғоналаридаги харажатларнинг йиғма ҳисобида қайд қилинадиган кўрсаткичларнинг турлари ва уларнинг мавжудлиги;

■ ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш тизимини яхшилашни ушбу фаолиятнинг самарадорлигига таъсирини билиш;

■ технология ва ишлаб чиқариш хизматлари учун ушбу бўлимнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги;

■ субъектдаги ишлаб чиқариш ва маҳсулот таннархини бошқарин

учун ушбу ахборотлардан ўз вақтида ва самарали фойдаланиш.

Харажатларнинг йиғма қайдномасида ушбу сарфларни умумлаштиришнинг асосий услубий шарти қилиб ишлаб чиқариш ҳисобида қайд қилинган ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошираётгандаги ҳолатини ҳар томонлама ва тенг кўрсаткичда ёритиш ва молиявий ҳисобда кўрсатилган ишлаб чиқаришдаги харажатларнинг ўсиш ҳолатини акс эттириш олинган. Ушбу ҳолатда сарфларнинг рўёбга чиқиши, ўсиши ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига олиб бориш жараёнлари субъектнинг ишлаб чиқариш таркибини такрорловчи бир-бирлик ҳисоб жараёни сифатида қаралади.

Ишлаб чиқариш ҳисобининг бошқа услубий принципи (шарти) ишлаб чиқаришдаги харажатларнинг таркибини бевосита сарфлар ҳисобига чегаралашдир, чунки бу харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажми билан бевосита боғлиқ бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш харажатлари йиғма ҳисобининг самарали турларидан биттасини танлаб олиш ҳар бир субъектнинг аниқ шароити ва хусусияти (технология, ташкилий таркиби)дан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ишлаб чиқаришнинг меъёрий ҳисоби тизимидаги йиғма ҳисоб тартиби бир неча босқични ўз ичига олади ва улар қуйидагилардан ташкил топган:

А. Бевосита харажатларнинг дастлабки ҳисоби. Уйғунлашган дастлабки ҳужжатлар асосида деталлар, йиғиш бирликлари, бўлаклар ва агрегатлар бўйича сарфданган моддий қийматликларнинг ҳисобланган меъёрий ҳажми бўйича маълумотларни шакллантиради. Технология жараёнидаги содир бўлган четга чиқишлар тегишли бўлималар- бригадалар бўйича умумлаштирилади. Бухгалтерия ҳисобида эса ушбу ва шунга ўхшаш маълумотлар тегишли бўлим- бригадаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга таъллуқли четга чиқиш индексини ҳисоблаб чиқиш учун фойдаланилади. Меъёрий калькуляцияни тузиш шартига мувофиқ ресурсларнинг турлари бўйича меъёрдан четга чиқишлар калькуляция объектлари бўйича қайта гуруҳлаштирилади. Ушбу тартиб хомашё ва материаллардан дастлабки фойдаланаётган бригадаларга татбиқ қилинади.

В. Тайёр маҳсулот бўйича четга чиқиш, ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот, технология жараёнида йўқотиш ва сақлаш жараёнидаги фарқлар дастлабки ҳужжатларда натура кўринишида қайд қилинади. Ушбу кўринишдаги четга чиқишлар тўғрисидаги маълумотлар цех ёки бўлимнинг балансида бригадалар бўйича умумлаштирилади. Харажатларнинг йиғма ҳисобида эса ушбу натура кўринишидаги фарқлар материаллар ва меҳнат ҳақи сарфларининг жорий меъёрлари бўйича баҳоланади. Ҳужжатлаштирилган яроқсиз маҳсулотлар ҳам натура кўринишидаги ҳужжатлаштирилмаган четга чиқишлар сифатида аниқланади. Ушбу тартибнинг қўлланилиши ҳар бир бригада бўйича ресурслардан фойдаланиш даражасини баҳолаш, яримфабрикатлар бўйича йўқотишларнинг содир бўлган жойлари бўйича қайд қилиш ёки умумий тежалган суммада ҳар бир бўлишма, бригаданинг улушини аниқлашга ёрдам беради. Натижада якуний натижалар бўйича ҳар

бир бўлинмани моддий рағбатлантириш учун асос яратилади.

Бундан ташқари, меъёрий маълумотларнинг мажмуасидан фойдаланиш ҳар бир детал, яримфабрикатларнинг таннархини калькуляция қилмасдан йўқотиш ва яроқсиз маҳсулотларни қоплаш бўйича бир хил баҳоларини аниқлаш ва жавобгар шахсларнинг зиммасига олиб бориш ёки ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқариш имкониятини яратади. Ушбу четга чиқишларнинг натура кўринишидаги маълумотларини умумлантириш аналитик хусусиятга эга бўлиб, ички бўлимларнинг фаолиятини юритиш тартиби билан узвий равишда боғланган. Моддий ва меҳнат сарфлари кўринишидаги четга чиқишлар калькуляция объектларига тақсим қилиш учун қўшимча ҳисоблашларни талаб қилмайди, чунки у аниқ меҳнат қуролига, тайёрлаш, ўраш, қуйиш, деталлар, йиғма бирликлар, агрегатлар ва буюмларга бириктирилган. Ушбу тартибининг қўлланилишига қараб содир бўлган четга чиқишлар тегишли объектнинг таннархига олиб борилади.

D. Мустақил хўжалик ҳисобига ўтказилган ва ўзининг таркибида бўлинмалари бўлмаган бригадалар ва ишлаб чиқариш бўлимларида ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг аналитик ҳисоби ушбу харажатларнинг элементлари бўйича, цехлар ва субъект бўйича калькуляция моддалари, харажатларнинг турлари, маҳсулот, иш ва хизматларнинг турлари бўйича юритилади.

Харажатларнинг йиғма қайдномаси учун ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисобини юритувчи карточкаларнинг иккита шакли зарур. Уларнинг биттаси бригада бўйича материаллар, сотиб олинадиган яримфабрикатлар, комплектлантириладиган буюмлар, ўзида ишлаб чиқарилган яримфабрикатлар, чиқиндилар ва меҳнат ҳақи сарфларини умумлантириш учун ишлатилади. Ушбу карточканинг иккинчиси эса айрим маҳсулот ёки ўхшаш маҳсулотларнинг гуруҳи бўйича харажатларни ҳисобга олиш учун ишлатилади. У ўзида Молия вазирлигининг департаменти томонидан тасдиқланган кўрсатмага мувофиқ келтирилган реквизитларга эга бўлиб унда харажатларнинг йиғма кўрсаткичлари келтирилади. Лекин ушбу меъёрий усулни қўллаётганда ҳар бир субъект ўзининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда соддалаштиришни мумкин.

Мисол: ушбу бланк карточкадан тугалланмаган ишлаб чиқаришни қайта ҳисоблашга таъллуқли реквизит-кўрсаткич олиб ташланиши мумкин.

Харажатларни ҳисобга олиш (бригадалар бўйича машинограмма, цехлар бўйича ва умумий йиғилган сумма бўйича) карточкаси қуйида келтирилган маълумотларга ишлов берилиб шакллантирилади:

а. Хомашё ва материалларга:

- бичиш варақлари ва бажарилган ишларнинг қайдномаси;
- тўкиладиган материаллар, лак, бўёқ ва бошқа кимёвий материаллар бўйича меъёрий сарфларнинг ҳисоби;
- материалларни алмаштириш бўйича талабнома;
- йиғув цехи ва бўлимларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қайд-

номаси;

■ ишлов бериш бўлимларда ишлов берилган маҳсулотларнинг қайдномаси;

■ цех ёки бўлимларнинг чегара (лимит) карталари, режа-картаси.

в. Сотиб олинган яримфабрикатларига:

■ яроқсизликка чиқарилганлиги тўғрисидаги далолатнома, ускуналарни мослантириш ва ишчиларни ўқитиш учун сарфланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ишлаб чиқаришдаги сотиб олинган ярим фабрикатлар ва бутловчи қисмларнинг ҳаракати бўйича баланс;

■ ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг натура кўринишидаги йиғма қайдномаси;

■ буюмларнинг турлари бўйича йиғма қайдномаси.

d. Меҳнат ҳақига:

■ бажарилган ишларни ҳисобга олувчи ҳужжатлар;

■ четга чиқиш бўйича билдирувчи ҳужжатлар;

■ ишлаган вақтларни ҳисобга олувчи табеллар;

■ ҳар хил маълумотномалар, фармойишлар ва ҳоказо.

е. Ўзида ишлаб чиқарилган яримфабкатларга:

■ деталлар, қисмлар ва яримфабрикатларнинг ҳаракати бўйича цехлараро баланс;

■ бажарган ишларни ҳисобга олувчи ҳужжатлар;

■ яроқсизлиги ва бошқа сабаблар билан ҳисобдан чиқариш далолатномаси;

■ материалалрнинг меъёрдаги сарфи йиғиндиси;

■ сарфланган меҳнатларнинг меъёрий йиғиндиси.

Харажатларни ҳисобга олувчи бригаданинг карточкалари сарфланган бевосита харажатларнинг қисми бўйича, бўлимлар, цехлар ва субъект бўйича умумий харажатларни йиғади. Кейин эса ушбу харажатларни бухгалтерия счётларидаги йиғма харажатларнинг маълумотлари билан таққослайди. Ушбу йўл билан ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби маълумотларининг бир-бирига тўғри келишига эришилади.

f. Ишлаб чиқариш ҳисобининг якуний босқичи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш ҳисобланади. Биз мисол келтирган субъект- кир ювиш машиналарини ишлаб чиқарувчи субъектнинг ишлаб чиқариш жараёни буюмлар бўйича ёпиқ жараён ҳисобланади. Чунки цехда тайёрланган агрегат ва қисмларнинг бир бўлаги йиғув цехига топширилса, иккинчи қисми эса эҳтиёт қисмлар сифатида харидорларга сотиш учун омборхонага топширилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда мазкур цех фаолиятининг натижасини агрегат ва қисмларни ишлаб чиқаришга сарфланган умумий харажатлар бўйича ва субъект бўйича ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи бўйича ҳам ҳисоблаб чиқиш ва баҳолаш зарурияти туғилади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун махсус кўрсаткичларга эга бўлган

Кир ювиш машиналарини ишлаб чиқарувчи цехнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини калькуляция қилиш вароғи

Субъект- ТУРБ А.Ж

Цех- Кир ювиш машиналари

Маҳсулотнинг миқдори- 20000 дона

Ишлаб чиқарилган маҳсулот- кир ювиш машинаси- МКЮ

Модда	Калькуляция моддасининг номи	Ўлчов бирлиги	Ҳақиқий таннархи (ишнинг сарфлари)				Бошқа цехларнинг харажатлари				Тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи			
			Меъёр бўйича	Меъёрнинг ўзгаришлари	Меъёрдан четга чиқиш	Жами	Қабул қилинган		Ўтказилган		Меъёр бўйича	Меъёрнинг ўзгаришлари	Меъёрдан четга чиқиш	Жами
							Миқдори	Суммаси	Миқдори	Суммаси				
А	Б	В	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
01.	Материаллар	Сўм	12335300	354500	536000	13225800	20320	4366000	20200	16401800	1108100	31800	48100	1188000
ва бевосита харажатларнинг турлари бўйича														

«ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қисмларни калькуляция қилиш варағи» қўлланилади. Ушбу варақ калькуляциянинг мустақил объекти бўлган ҳар бир маҳсулотнинг тури, бўлим, цех ва субъект бўйича тузилади. Меъёрий калькуляция ёки меъёрнинг якуний суммаси ва ишлаб чиқарилган маҳсулот, қисмларнинг миқдорига асосан ушбу калькуляция вароқларида тўғри харажатларнинг моддалари бўйича жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг меъёрий таннархи аниқланади. Ушбу меъёрдаги харажатларга меъёрнинг ўзгариш суммаси ва ҳужжатлаштирилган ва ҳужжатлаштирилмаган меъёрдан четга чиқишлар суммаси ҳам қўшилади. Бундан ташқари, ушбу варақда бошқа бўлим ва цехлардан қабул қилинган детал, қисм ва агрегатларнинг миқдори ва қиймати, шу билан бир вақтда бошқа бўлим ва цехларга берилган детал, қисм ва агрегатларнинг миқдори ва трансферт баҳодаги суммаси кўрсатилади. Ўзининг бўлим, цехида сарфланган харажатлардан бошқа цехларга берилган детал ва қисмларнинг қийматини чегириб олинган детал ва қисмларнинг қийматини қўшган ҳолда ушбу цехда ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулотининг таннархи ҳисобланади. Чунки ушбу ҳақиқий таннарх субъект ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот таннархининг таркибига киради.

7.8. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг турлари ва хўжалик фаолиятининг натижаси

Бозор иқтисодиётининг янги муносабатлари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини бошқариш билан чамбарчас боғланган бошқарув ҳисобининг олдига доимий равишда янгидан-янги талабларни қўяди. Ушбу шароитнинг талабига жавоб берадиган бошқарув ҳисобини ривожлантириш муомаласини очиш учун иккита ёндашишни ажратиш мумкин.

Биринчи ёндашиш ҳар бир маҳсулот, иш ва хизматнинг тури учун сарфланган харажатларнинг устидан назорат қилиш тизими ва уларнинг таннархини калькуляция қилишни такомиллаштиришга йўналтирилган. Ушбу ёндашишнинг хусусияти сарфланган ҳамма харажатларни ҳисобга олиш тизими харажатларни тўлиқ қайд қилишни назарда тутади.

Иккинчи ёндашиш эса харажатлар билан бошқариш тизимини такомиллаштириш, бозорнинг коньюнктураси (талаб ва таклифи)ни қабул қилиш ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиш усулларини такомиллаштиришни назарда тутади. Ушбу ёндашиш сарфланган харажатларни ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларга бўлишни тақозо қилади. Ушбу ёндашишда харажатларни ҳисобга олиш тизими қисман сарфланган харажатларни ҳисобга олиш асосида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг ҳажми ва таркибига сарфланган харажатларнинг боғлиқлиги ёритилади.

Демак, биринчи ёндашув ишлаб чиқаришга қаратилган бўлса, иккинчи ёндашув эса бозорга қаратилган бўлади. Харажатларнинг тўлиқ ҳисоби асосида қуйидаги тизимлар яратилган:

а. Нисбатан индивидуал харажатларнинг ҳисоби.

в. Ишлаб чиқариш омиллари бўйича харажатларнинг ҳисоби.

с. Фаолият йўналиши бўйича харажатларнинг ҳисоби.

d. Харажатларнинг таркиби бўйича харажатларнинг ҳисоби.

е. Доимий тақсимланадиган харажатларнинг ҳисоби.

А. Нисбатан индивидуал харажатларнинг ҳисобини юритиш. Бу вариантда содир бўлган харажатлар содир бўлган жойлари, масъулият марказлари ва тайёр маҳсулотларга фақатгина бевосита таъллуқли бўлган харажатларгина олиб борилади. Натижада эса умумий билвосита харажатлар йўқолади ва ҳамма сарфлар бевосита сарфлар сифатида қаралади. Калькуляция объектининг номларига сотиш, буюртмачилар гуруҳи, буюртмалар ва буюртма мажмуаси каби фаолият турлари кириб қолади. Харажатларни ўзгармас ва ўзгарувчан харажатларга бўлиш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, буюртмаларнинг сони, такрорланиш тезлиги ва ҳажмига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Ушбу харажатларни ҳисобга олиш билан бир вақтда шу харажатларга тўғри келадиган даромадларни ҳам ҳисобга олиш ташкил қилинади.

Ушбу тизим ёрдамида олинган даромадларнинг қайси қисми сарфларни қоплаши ва қайси қисми фойдани шакллантириши мумкинлигини аниқлаш имкониятини яратади.

В. Ишлаб чиқариш омиллари бўйича харажатларнинг ҳисобини юритиш. Ушбу тартибда ишлаб чиқариш жараёнини белгилайдиган иш кучи, меҳнат қуроллари, хомашё ва материал ларнинг сарфлари каби омиллар бўйича сарфланган харажатлар гуруҳлаштирилади. Истеъмол қилинган ресурслар бўйича харажатлар хўжалик фаолиятининг босқичларига боғлиқ равишда йиғилиб борилади.

Ишлаб чиқариш омиллари бўйича харажатлар ва даромадларни ҳисобга олишнинг соддалашатирилган чизмаси



Ушбу тартибда тузилган тизимнинг асосида ресурсларни сотиб олиш, захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш босқичларидаги харажатларнинг ўсиши ўртасидаги фарқ ётади. Натижада сарфланган харажатлар ҳар бир ишлаб чиқариш омили ва хўжалик фаолиятининг ҳар бир босқичига таъллуқли ҳолда гуруҳлаштирилади.

Ушбу ҳисоб тизимини ташкил қилиш натижасида қуйидаги бошқарув

қарорларини қўллаш билан боғлиқ харажатлар бўйича зарурий маълумотларни етказиб беради:

- моддий ресурсларни жамғариш бўйича;
- моддий ресурслардан фойдаланиш даражаси бўйича;
- ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши бўйича;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг турлари бўйича;
- машина ва ускуналарни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш;
- машина ва ускуналарнинг унумдорлигини ошириш;
- бошқа ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи омиллар.

Бундай тартибдаги ёнданиш у ёки бу ресурслардан фойдаланмаслик натижасида содир бўлган харажатларни сарфланган харажатларнинг таркибига қўшиш имкониятига йўл қўймайди.

D. Ишлаб чиқаришдаги сарфларнинг фаолияти бўйича ҳисобни юритиш. Ушбу тартиб ўз олдига субъектнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни ўзининг олдига мақсад қилиб қўяди. Ушбу тизим субъектда сарфланган харажатларнинг фаолиятини аниқ чегаралаш ва қўйилган вазифаларни бажариш натижаларини ўлчаш имкониятини яратишни назарда тутади.

Ушбу тизимни қўллаш натижасида сарфланган харажатлар субъектнинг ҳар бир фаолияти (субъектнинг асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш фаолияти) бўйича гуруҳлаштирилади, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажмига асосланган ҳолда аниқланади ва ушбу харажатларнинг тегишли вақтлардаги ўзгариши аниқланади. Фаолияти бўйича ҳисобни юритиш тизими режадаги ва ҳақиқий маълумотларни уйғунлаштириш, субъектнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш жараёни устидан назорат ўрнатишга шароит яратади.

E. Ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг таркибий ҳисобини юритиш. Ушбу усулда ҳисоб юритганда сарфланган харажатлар учта йўналиш бўйича гуруҳлаштирилади:

а. Тўғри харажатлар.

в. Умумий ўзгарувчан харажатлар.

с. Таркибий, қисқа муддатли ва узоқ муддатли харажатлар.

Қисқа муддатли харажатлар - бу харажатларга белгиланган ишларни бажаришда машина ва ускуналарни ишлатиш жараёнида ишлаб чиқариш имкониятини қўллаб - қувватлаш билан боғлиқ харажатлар, умумий ўзгарувчан харажатларга кирмайдиган меҳнат ҳақи харажатлари киради.

Узоқ муддатли харажатларга эса хўжалик юритувчи субъектнинг олдига қўйилган жорий (одатда йилда) ва келгусидаги (одатда йилдан ортиқ) мақсадларига эришиш билан боғлиқ харажатлар киради.

Таркибий харажатларни гуруҳлаштиришнинг асосий белгиси бошқарув қарорининг мақсади ва уни қабул қилиш вақти ҳисобланади. Узоқ муддатли харажатларнинг ҳисоби тайёр маҳсулотларни сотиш имкониятидан келиб чиққан ва олиниши мумкин бўлган маҳсулотларнинг ўртасида уларни сотишдан олинадиган даромадларга мутаносиб равишда тақсим қилинади.

Кутилаётган даромадлар эса тегишли ҳисоблар, истеъмолчиларнинг талаби ўрганилиб коммерция бўлими томонидан аниқланади. Бу тартибдаги ҳисоб тизими ҳар бир қабул қилинган бошқарув қарори бўйича унинг натижаларини аниқлашни енгиллаштиради.

Г. Ишлаб чиқаришда тақсимланадиган доимий харажатларнинг ҳисобини юритиш. Ушбу тартибда сарфланган харажатларни тақсим қилишнинг учта босқичи мавжуд бўлади:

1-босқич, мутаносиб харажатларни маҳсулотнинг таннархига қўшиш;

2-босқич, маҳсулотнинг таннархига умумий харажатларнинг ўзгарувчан қисмини қўшиш;

3-босқич, умумий доимий харажатларни маҳсулотнинг турларига тақсим қилиш.

Ушбу татбиқ қилишнинг мумкин бўлган тизимнинг бошқа ҳисоб тизимларидан ажраладиган белгилари ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг турларига доимий умумий харажатларни тақсим қилиш усулларини қўллаш ҳисобланади. Бу доимий харажатларни тақсимлаш усуллари тегишли коэффициентларни ҳисоблашни тақозо қилиб ушбу коэффициентлар қуйидаги кўринишда бўлади:

1. Умумий коэффициент $= \dfrac{\text{Умумий доимий харажатлар}}{\text{Умумий ўзгарувчан харажатлар}} \times 100$

2. Моддий харажатлар бўйича коэффициентлар $= \dfrac{\text{Хомашё ва материалларга тегишли транспорт-тайёрлов ва уларни сақлаш харажатлари}}{\text{Хомашё ва материаллар бўйича умумий ўзгарувчан харажатлар}} \times 100$

3. Асосий ишлаб чиқаришдаги доимий харажатлар бўйича коэффициент $= \dfrac{\text{Асосий ишлаб чиқаришдаги доимий харажатлар}}{\text{Ишлов бериш бўйича умумий ўзгарувчан харажатлар}} \times 100$

4. Маъмурий бошқарув харажатлари бўйича коэффициент $= \dfrac{\text{Маъмурий бошқарув харажатлари}}{\text{Ишлаб чиқариш бўйича умумий ўзгарувчан харажатлар}} \times 100$

5. Сотиш жараёни билан боғлиқ харажатларнинг коэффициенти $= \dfrac{\text{Сотиш билан боғлиқ харажатлар}}{\text{Ишлаб чиқариш бўйича умумий ўзгарувчан харажатлар}} \times 100$

Бошқа усул эса қуйидаги коэффициентларни ҳисобланиш назарда тутади:

1. Ишлаб чиқариш цехларидаги доимий харажатларнинг коэффициенти = $\frac{\text{Субъектнинг доимий харажатлари (маъмурий-бошқарув ва сотиш харажатларидан ташқари)}}{\text{Ялпи фойда}}$ x100

2. Тайёр маҳсулотни сотиш ва бошқариш бўйича доимий харажатларнинг коэффициенти = $\frac{\text{Доимий маъмурий-бошқарув сарфлари+Маҳсулотни сотиш бўйича доимий харажатлар}}{\text{Ялпи фойда - Субъектнинг доимий харажатлари(бошқарув ва сотиш харажатларидан ташқари)}}$ x100

Ҳисоб юритишнинг ушбу тизими харажатларнинг тартибли тақсим қилинини билан тавсифланади, натижада тегинли буюмлар бўйича кутилаётган фойданинг ҳажмини тартибга келтириш имконини яратади.

Сарфланган харажатларни қисман ҳисобга олиш асосида:

- харажатларни кўп босқичли ҳисобга олиш;
- доимий харажатларни қоплаш ҳисоби ва
- стандарт харажатларнинг чегарадаги миқдорини қоплаш ҳисоби

усуллари ишлаб чиқилади.

G. Ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг кўп босқичли ҳисобини ташкил қилиш. Ушбу тартибда харажатларнинг ҳисоби юритилганда ҳар бир босқич бўйича сарфланган харажатларни қоплаш учун устама (маржа) йиғилиб борилади. Ушбу тартибдаги ҳисоб тизими аниқ маҳсулот турини ишлаб чиқаришнинг копланишини баҳолаш, субъектнинг айрим бўлинмаларининг рентабеллик даражасини аниқлаш ва маҳсулотни сотишда ўрнатиладиган баҳонинг пастки чегарасини топиш учун фойдаланилади. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий қилишда харажатларни назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган тартибда гуруҳлаш асос қилиб олинган.

Маҳсулотларни сотишдан олинган даромад



Изоҳ:
1. Ўзгарувчан якка харажатлар.
2. Маҳсулотларнинг айрим турлари, бир хил маҳсулот гуруҳларининг таннархига қўшилган доимий харажатлар.
3. Содир бўлган жойлари ва масъулият марказлари бўйича доимий харажатлар.
4. Соф даромад ёки фойда.

Субъектнинг ҳар бир бўлими- масъулият маркази бўйича натижаларни ҳисоблаб чиқиш ҳар бир бўлим бўйича олинган соф фойданинг миқдорини аниқлаш ва раҳбариятни хабардор қилиш, шу билан бир қаторда жамоа аъзоларини рағбатлантириш учун ушбу йиғилган фойдадан фойдаланиш имкониятларини яратади.

Q. Ишлаб чиқаришга сарфланган доимий харажатларни қоплаш ҳисоби. Ушбу тартибнинг асосий моҳияти сарфланаётган ўзгарувчан харажатларнинг ҳисоби билан тўлиқ сарфларнинг ҳисобини бирлаштиришдир. Ҳисобнинг ушбу тизими кўп босқичли ҳисоб тизими билан кўпчилик йўналишларда умумийдир. Лекин ўзига хос хусусияти фақатгина ҳисоб тадбирларини қўллаш тартиби билан ажралади, чунки аввало сотиш баҳоси таннарх билан таққосланади, кейин эса ҳар бир ишлаб чиқариш босқичида сарфланган харажатларнинг ўрнатилган баҳолар билан қопланиш даражаси аниқланади. Ёки бўлмаса баҳо аниқ бўлмаган ҳолатларда бошланғич поронада бирлик маҳсулотга сарфланган тўғри ўзгарувчан харажатлар олинади ва кейинги ҳар бир босқичда ушбу харажатларга сарфланган доимий харажатлар қўшилиб борилади.

R. Ишлаб чиқаришга сарфланган стандарт харажатларни қоплаш ҳисоби. Ушбу тартибни қўллаётганда ишлаб чиқаришнинг ҳажми билан сарфланган харажатлар ўртасида қатъий тўғри боғлиқликнинг мавжудлигига асосланади. Ушбу ҳолатда ҳисоб юритишда сарфланган доимий ва мутаносиб ўзгарувчан харажатлар содир бўлиш жойлари бўйича ажратилади. Четга чиқишларни аниқлаш эса меъёрий ҳисобни юритишдаги тартибда амалга оширилади, яъни эгилувчан сметаларга асосланган ҳолда ҳақиқий сарфлар таққосланиб четга чиқиш суммаси аниқланади. Тасдиқланган меъёрдаги харажатларнинг суммасига аниқланган четга чиқишлар қўшилган ҳолда сарфланган ҳақиқий харажатларнинг суммаси аниқланади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида хўжалик юритувчи субъектларда ўзининг ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда юқорида келтирилган тартиблардан ташқари ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш тизимида ҳар хил усуллар қўлланилади. Шу билан бир қаторда таъкидлаш жоизки, қайси бир ҳисоб тизимини қўллашдан қатъий назар асосий баҳолаш кўрсаткичи брутто-натижа ҳисобланади. Бу кўрсаткич маҳсулотларни сотишдан тушган даромад билан ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган ўзгарувчан харажатлар фарқининг натижаси бўлади. Ушбу тизимда сарфланган доимий харажатлар аниқ маҳсулот турларига боғлиқ бўлмаган ҳолда айрим бирлик ҳисобланади ва натижада ҳисоб юритишни соддалаштиради. Юқорида кўриб чиқилган ва бозор тизими деб аталадиган ушбу тартибда айрим афзалликларга эга ва шу билан бир қаторда айрим камчиликлар мавжуд. Ушбу афзалликлар ва камчиликлардан ҳар хил даврларда ва ҳар хил шароитлардан келиб чиққан ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида фойдаланиш ёки камчиликларни тугатиш мумкин.

Хулосалар

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини бошқариш ва уни бозорнинг талабига мослаштириш ходимларнинг фаровонлигини оширишда ва субъектнинг иқтисодиёт мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Ушбу биринчи даражадаги ва муҳим вазифани бажаришда маҳсулотни ишлаб чиқариш, ишни бажариш ва хизматларни кўрсатишда сарфланган харажатларни бошқариш ва уларнинг сарфи устидан назорат ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки сарфланган харажатларни назорат қилиш, тартибга келтириш ва уларнинг олинган даромадларга мос келиши кўп ҳолларда таннархни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш тизими билан аниқланади.

Ишлаб чиқаришга сарфланаётган харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилишнинг тизими ва турлари, асосан намунавий мақсадларни- бошқарувчи (менеджер)ларнинг талабларини қондириш учун танлаб олинади. Чунки ушбу тизим ва турлар сарфланган харажатларнинг таркиби, мазмуни, йўналиши, содир бўлган жойи, масъулият маркази, маҳсулот ёки ишнинг тури, уларнинг бир хил гуруҳи, буюмнинг йириклаштирилган қисмлари, яримфабрикатлар бўйича умумлаштириш усуллари ва тартибларининг ўзаро алоқаларини акс эттириши лозим, чунки улар ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш усуллари ҳисобланади.

Ҳозирги даврда амалиётда қўлланилаётган ҳисоб тизими иккита асосий турдан ташкил топган - буюртмали ва жараёнли ҳисоб тизимидан. Лекин ҳар бир тармоқнинг хусусияти ва ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳисоб тизимларининг қуйидаги турларини қўллаш мумкин:

- четга чиқиш суммасига тўғриланган ҳолдаги харажатларни жорий меъёрларга асосан ҳисобга олиш;
- ҳақиқий ва меъёрий сарфларни бир вақтда ҳисобга олиш;
- қисман ва тўлиқ ҳақиқий ва меъёрий харажатларнинг ҳисобини юритиш.

Ҳозирги даврда замонавий шароит бошқарув ҳисобини ривожлантириш учун унинг олдига янгидан-янги талабларни қўяди. Натижада ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда бошқарув ҳисобини яна ҳам ривожлантириш ва замон талабига жавоб берадиган даражага кўтариш учун қўйилган масалани ечишга иккита ёндашув белгиланган:

- биринчиси- маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ва харажатлар устидан назоратни такомиллаштириш бўлса, чунки ушбу ёндашиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва юритишнинг талабларига жавоб беради;
- иккинчиси эса- харажатларни бошқариш тизимини такомиллаштиришдир. Ушбу ёндашиш бозорнинг талабларига нисбатан тўлиқ жавоб беради.

Тўлиқ харажатларни ҳисобга олиш асосида қуйидаги тизимлар яратилади:

- нисбатан аниқ, хусусий, маҳсулотларнинг аниқ турларига тегишли харажатларни ҳисобга олиш;
- ишлаб чиқариш омиллари бўйича харажатларни ҳисобга олиш;
- харажатларни фаолияти бўйича ҳисобга олиш;
- харажатларни таркиби бўйича ҳисобга олиш;
- доимий тақсимланадиган (билвосита) харажатларни ҳисобга олиш.

Қисман харажатларни ҳисобга олиш асосида қуйидаги тизимлар фаолият кўрсатади:

- харажатларни кўп босқичларда ҳисобга олиш;
- доимий харажатларни қоплаш усулида ҳисобини юритиш;
- стандарт харажатларни қоплаш тартибидаги ҳисобни юритиш.

Ҳозирги даврнинг амалиётида ушбу юқорида қайд қилинган усуллардан ташқари ҳар хил аралаш усулларга амал қилинади. Чунки ушбу усулларни қўллаш натижасида ҳар хил вақтинчалик даврларда тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаш ва натижалар (соф фойда) бўйича ҳисобни юритишга асосланган.

Ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот, иш ва хизматларнинг таннархини калькуляция қилишни ташкил қилишда иккита йўналиши қайд қилинган:

- илгари сарфланган харажатларнинг ҳисоби;
- буюртма ва жараёнли усулда ҳисобни юритишда қўлланиладиган стандарт харажатлар ва улардан четга чиқишнинг ҳисобини юритиш.

Зарур бўлган меъёр (стандарт)ларни ҳисоблаб чиқиш, ишлаб чиқаришни бошлашдан илгари стандарт (меъёрий) калькуляцияни тузиш ва тасдиқланган стандарт (меъёр)лардан четга чиқишларни ажратган ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш тартибларини ўзида мужассамлаштирган усул стандарт-кост усули деб юритилади. Ушбу усулда ўзига хос афзалликлар ва камчиликлар мавжуд бўлишга қарамасдан субъектда сарфланаётган тўғри харажатларни бошқаришда старли самарага эришиш имкониятини яратади.

Ушбу стандарт-кост тизимининг асосини қуйидаги стандартлар ташкил қилади: идеал, ўртача, жорий, асосий, назарий, илгариги, ўртача ва меъёр бўйича бажариладиган, амалиётдаги ва кутилаётган стандартлардир.

Бундан ташқари, халқаро амалиётда директ-костинг тизими ҳам қўлланилади. Ушбу тизимнинг хусусияти қуйидагилардан иборат:

- маҳсулотнинг турлари бўйича бевосита харажатларни умумлаштиришга асосан тузилган;
- билвосита харажатларни тегишли ҳисобот даврининг умумий молиявий натижаларига ҳисобдан чиқариш.

Ушбу усулни қўллаётганда харажатларни бошқаришда сарфланган харажатларни ўзгарувчан ва доимий харажатларга бўлиш асос қилиб олинади. Ушбу шароитда доимий сарфларни бошқариш ва маҳсулотларнинг таннархини чегараланган харажатлар бўйича калькуляция қилишга асосий эътибор қаратилади. Директ-костинг тизимини қўллаш жараёнидаги асосий хусусият бўлиб маржинал даромад усулини қўллаган ҳолда даромад ва сарфлар бўйича ҳисоботни тузишдир.

Харажатларни меъёрлар асосида ҳисобга олиш ва ушбу меъёрлар асосида маҳсулот, иш ва хизматнинг таннархини калькуляция қилиш усулининг тизими бу қуйидаги бажарадиган ишларнинг йиғиндиси ва бирлаштирувчисидир: режалаштириш, меъёрларни тузиш, моддий ресурслар билан таъминлаш, ички ҳисоботларни тузиш, тўлиқ таннарх бўйича маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш, тасдиқланган меъёрларга асосан, иқтисодий таҳлил қилиш ва назорат ўрнатиш жараёнларидан ташкил топган.

Ушбу меъёрий усул тизимининг асосий элементлари қуйидагилардан ташкил топган:

А.Маҳсулотларни ишлаб чиқариш вақти, унинг таркиби ва сифатини меъёрлаштириш;

В.Талабларнинг асосланганлигини меъёрлаштириш;

С.Моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни меъёрлаштириш;

Д.Ишлаб чиқарилган ва тасдиқланган меъёрларга асосан сарфларни режалаштириш, ҳисобга олиш ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

Ушбу усул тизимини ташкил қилишнинг асосий шартларига қуйидагилар киради:

А.Ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни тасдиқланган меъёрларга асосан ҳисобга олиш;

В.Тасдиқланган меъёрлардан четга чиқишларни айрим ҳисобга олиш;

С.Жорий даврда меъёрларнинг ўзгаришини айрим ҳисобга олиш;

Д.Ушбу тасдиқланган меъёрлардан харажатларни назорат қилишда асос сифатида фойдаланиш.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг таннархини режалаштириш иккита гуруҳга бўлинади:

А.Ўтган даврдаги ҳақиқий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва ўрганиш асосида жорий даврдаги сарфланадиган харажатларнинг меъёри (сметаси)ни ҳисоблаш;

В.Ички стандартларга асосан сарфларнинг смета (меъёри)ни ҳисоблаб чиқиш.

Ушбу шарт ва тартиб тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ҳақиқий сарфларни баҳолаш учун маҳсулотларни айрим турларининг меъёрий таннархини таҳлил қилиш ва чуқур ўрганиш имкониятини яратади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича аниқланган натижалар харажатларнинг йиғма ҳисобида ўз аксини топади, чунки ишлаб чиқаришдаги сарфланган харажатларни умумлаштириш жараёнининг асосий дақиқаси ушбу харажатлар меъёрий ҳисобини юритишнинг танланган усули ҳисобланади. Ўз навбатида, ушбу усул тармоқнинг хусусияти, ишлаб чиқариш шароити, технология тартиби, ташкилий таркиби ва бошқа омилларга боғлиқдир. Бундан ташқари, меъёрий ҳисоб юритишда қўлланилган тартибни эса ишлаб чиқариш йиғма ҳисобининг шакли, мазмуни ва бухгалтерия ҳисоби регистрларининг тузилиши белгилайди.

Хўжалик юритувчи субъектларда технология жараёни бир қатор умумий ёки такрорланадиган муомалалардан ташкил топган бўлса меъёрий таннарх ва меъёрдан четга чиқиш ажратилган ҳолдаги ҳисобот калькуляциясини тузиш тартиби қўлланилади. Ушбу тартиб тизимнинг асосий шарти бўлиб тасдиқланган бир хил меъёрларга асосан, туталланмаган ишлаб чиқариш сарфларини, тайёр маҳсулотнинг таннархини ва жорий ҳисобот давридаги харажатларни баҳолашдаги бир хиллик ҳисобланади. Тасдиқланган ва татбиқ қилинган меъёрлардан четга чиқишни аниқлаш, ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш ушбу харажатлар меъёрий ҳисоб ва таннархни меъёрий калькуляция қилишнинг асосий моҳияти ҳисобланади.

8-БОБ

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТНИНГ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА БОШҚАРУВ ҲИСОБИ

8.1. Тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш ва бошқаришни ахборот билан таъминлаш

Ҳар қандай субъектнинг олиб бораётган сиёсати тадбиркорлик режаларининг тўғрилигини ўз вақтида аниқлаш учун ўз фаолиятининг натижаларини доимий кузатиш ва назорат қилиб туришини тақозо қилади.

Бошқарувнинг асосий муаммоларидан бири янги субъектни барпо қилиш, фаолиятини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, захираларни кўпайтириш, ишлаб чиқариш технологиясини янгилаш, янги маҳсулот ишлаб чиқариш, жиҳозларни алмаштириш, инвестицияни жалб қилиш ва инвестициядан даромад олишдир. Айниқса, инвестиция қарори таваккал ҳисобланади, чунки ишлаб чиқариш жараёнида келгуси даврда даромад олиш учун жорий даврдаги ресурслар ҳисобидан зарур улушини жалб қилади. Ушбу ечим узоқ муддатли ва худди шундай тартибда қисқа муддатга (бир йилгача) алоқадор бўлиши мумкин.

Қисқа муддатли ечим маҳсулот ассортиментини бошқариш натижасида бирлик маҳсулотнинг умумий фойда жамғармасига, буюртма ҳажмига, талаб ва сотиш ҳажмига, таннарх ва нархга, ҳамда нерофойз ишлаб чиқариш ва сотиш, ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш ва ҳоказо саволларга тегишлидир. Улар қўйилган капиталнинг ҳажмига таъллуқли эмас. Қисқа муддатли инвестиция натижасида ушбу маблағ қисқа даврда, яъни бир йилгача пул маблағларига айланади.

Узоқ муддатли инвестицияни амалга ошириш ва ундан даромад олиш орасида узоқ даврга мўлжалланган капитал қўйилмалар бўйича қарорлар инвестицияга, асосий фондларга, илмий текширишга ва тажрибавий конструкторлик ишлаб чиқаришга, реклама ва омборхона иншоотларига тегишлидир.

Катта таваккалчилик оқибатида инвестициялаш бўйича субъект фаолияти таҳлилининг счимларига, вақт омилини эътиборга олувчи альтернатив танлаш счимига таянниши керак.

Бошқарув ечими вариантлари қўйилган ва режалаштирилган даромаднинг ҳажмига вақт таъсирини ҳисобга олади. Вариантлар натижасини таққослаш банклардаги ссуда беришдаги ўхшашлик услубида амалга оширилади.

Информацион таъминот таҳлили бошқарув ечимини қабул қилиш учун дифференцияланган бошқарув ҳисобининг кирими ва чиқими тизимини яратади.

Дифференцияланган сарфлар деб қайсики аниқланган шароитда бошқа шароитларда бўлиши мумкин бўлган чиқимларнинг катталигидан аъло бўлиши мумкин. Улар ҳар доим ҳар қандай аниқ ҳолатга тааллуқлидир.

Дифференцияланган даромад шундай киримга айтиладики, бунда аниқланган шароитлардаги ҳажмлар, бўлиши мумкин бўлган ҳажмдан ажралиб туради.

Альтернатив (муқобил) танлов муаммоларнинг ечими капитал қўйилмадан олинган фойдани ҳисоблаб акс эттиришдир. Бинобарин, қўйилмадан олинган фойда қанча кўп бўлса шунча юқори истиқболли вариант ҳисобланади. Бу ерда субъектнинг мақсади, агарда у бошқа мақсадлар билан муқобиллашган бўлса, капитал қўйилмадан олинган фойдани максималлаштириш ҳисобланади.

Инвестициялаш муаммосининг таҳлили беш босқичда олиб борилади:

1. Муомалаларни аниқлаш;
2. Муқобил (альтернатив) счимни танлаш;
3. Танланган счимнинг натижасини аниқлаш ва баҳолаш;
4. Миқдорда ўлчаб бўлмайдиган ўша натижани саралаш, уларни бирбиринга ва бошқа натижаларга нисбатан баҳолаш;
5. Қарорларни қабул қилиш.

Бошқарув ҳисоби асосан миқдоран ўлчанадиган маълумотни тайёрлайди.

Дифференцияланган сарфлар харажатларнинг ҳисоб тизимида доимий асосда акс эттирилмайди. Уларнинг таркиби ҳар қандай аниқ муаммоларни таҳлил қилиш учун танланади. Дифференцияланган сарфлар турли хил шароитларда фарқланадиган таннархнинг тегишли моддаларини ўз ичига олади. Уларнинг таркиби капитал қўйилмалар бўйича, асосан ўзлаштирилган сарфларни айрим олган ҳолда ўрганиб чиқишга хизмат қилади.

Дифференцияланган сарфлар ҳар доим келажакдаги сарфларга олиб борилади ва аниқланган модулнинг ишлатилишида ушбу сарфларнинг қандай бўлишини кўрсатади. Кўпчилик ҳажмда ушбу сарфлар эҳтимоли бўлган сарфларга киради.

Дифференцияланган сарфлар ва даромадларнинг аниқланган шаклларида уларни солиштириш учун ҳар хил вариантлари мавжуд эмас. Бинобарин, умумий ҳолда икки турдаги миқдорлар чиқим билан даромадни таққослашга имкон яратади.

Биринчидан, қачонки бошда тақдим этилган лойиҳани амалга ошириш учун у ёки бу вариантга мўлжалланган маблағ бўлиши зарур.

Пул маблағларини қўйиш ҳар хил муддатларда амалга оширилади, лекин аналитик ҳисобларда бу муддат вақтнинг нолинчи дақиқасига олиб келинади (тенглаштирилади).

Иккинчидан, ҳар хил вариантларда бир неча йил давомида ушбу инвестицияларнинг натижаси сифатида пул оқимининг келиб тушиши кутилади.

Пул маблағларининг бу икки миқдори- инвестиция ва кирим бир ва ўша вақтнинг ўзида ҳисобланган тартибга келтирилган ва таққосланган эквивалент миқдорларига олиб келади. Одатда, келгусидаги даромадларнинг оқими капитал қўйилмаларни вақтнинг нолинчи дақиқасига олиб келади.

Одатда, инвестициянинг сметаси (меъёрлар мажмуаси) ахборотларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Улар инвестицияланадиган лойиҳаларнинг рўйхатини қабул қилинган қарорлар бўйича тақдим қилади. Инвестициялаш ўлчами ва йўналиши, тоза жорий қиймати, келтирилган соф самараси, рентабеллиги, ўзини қоплаш муд-

дати, инвестициянинг сифати, капиталнинг қиймати, ҳисоб ставкалари, дисконтланган қиймати ва ҳоказоларга тегишли ахборотларни аналитик ва режали хусусиятга эга бўлган кўпдан кўп ҳисоблар беради.

8.2. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини пасайтиришининг асосий концепцияси (тамойили)

Субъектда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг камайишига бошқарув қарорларини қабул қилишда асосий эътибор қаратилади.

Сарфларни камайтириш ва самарадорлик кўрсаткичларини ошириш йўлларини аниқлаш ишлаб чиқариш жараёнининг ҳамма босқичларида материалларни сотиб олиш ва уларга ишлов беришдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш босқичидан назоратгача, уларни қайта ишлаш ва уни истеъмолчига етказиш муомалаларида амалга оширилади. Ишлов бериш, йиғиш, ўраш ишлаб чиқаришдаги ўзгаришга тегишли бўлиши мумкин. Маҳсулот таннархи камайишининг асосий концепцияси ҳар хил ёндашишларга асосланади.

А. Асосий (бевосита) сарфлар - биринчи концепция ҳисобланади. Унинг шартларига қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш ҳажми ҳақидаги аниқ маълумотга асосан, ҳисобланган нарх ва сарфлар, хомашё ва материалларнинг турлари, сотиб олиш услубининг самарадорлиги, дастлабки қўлланилган технологиялар, ишлов бериш услублари, мавжуд жиҳозлар, рағбатлантириш тизимларига асосан, ҳисобланган ишчи кучининг меъёри, олдиндан аниқланган ёки режалаштирилган стандартларга асосланган ишлаб чиқаришнинг устама харажатлари каби аниқ ахборотларга таянади.

Асосий (тўғри) чиқимни камайтиришга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш муолажаларига қуйидагилар киради:

- жонли меҳнат ва материаллар харажатлари бўйича тўғри четлашиши. Материалларни бозор ҳолати ва ҳажмига нисбатан сотиб олишдаги четлашиш маълумотларини бир тизимга келтириш ва хусусий ишлаб чиқариш нархи ва услублари, сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш масалалари билан боғлиқ қарорлар, иш кучи нархини тартибга солиш, меҳнатнинг самарадорлигини оширш муаммосини ечиш масалаларидан ташкил топган. Сақлашнинг яхшиланиши, хомашёни қайта ишлаш, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва омборларга жойлаштириш жараёнларида сарфларнинг қисқариши мумкин;
- меҳнат сарфи харажатлари меъёрларининг таҳлили.

Тизимлаштириш учун меъёрий-сўров ахборотлар, ишлаб чиқарилган меҳнат харажатларини тўлалигича қамраб олган ҳолатларда қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришнинг ўрнатилган ва муқобил услублари, ишлаб чиқариш шартлари қандай мавжуд бўлса ва шундай стандарт шароитлар, «ҳаракат-вақт-ўлчов» жараёнларидан қисман ёки тўлиқ фойдаланишга олиб келади.

- Маҳсулот қийматининг таҳлили. Ҳар бир ишлаб чиқарилган ёки режалаштирилган маҳсулотга унинг умумий қиймати ва рақобатбардошлик нуқтаи назаридан қаралади. Қиймат алоҳида маҳсулот конструкциялари-

нинг ва унинг ташқи кўринишни ва унга бўлган талабни солиштиришда асосий баҳолаш кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Қийматни баҳолаш янги маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича муқобил (альтернатив) вариантларни танлашда, эскиларини реконструкция қилишда фойдаланилиши мумкин.

Максимал фойда хулосаларига асосланиб муқобил (альтернатив) вариантлар натижаларининг қиймат таҳлилига асосланган ҳолда хулосалар чиқарилиши мумкин.

Янги маҳсулотлар бўйича кўпгина таклифлар ташкилий тадбирларнинг аниқ стандарт улушига киради, шу сабабли қийматлар бўйича таҳлил янги ташкил қилувчи қийматларни кўриб чиқишни талаб қилади.

Бундай таҳлилнинг мақсади- баъзи бир маҳсулотларга нисбатан субъектнинг сиёсатига таъсир қилувчи, муқобил (альтернатив) модуллари танлаш, маркетинг тадқиқотлари, реклама, махсус жойлаштирини ва бошқа омилларнинг юзага келишини аниқлашдир.

Қийматга асосан баҳолаш ишлаб чиқаришни кенгайтириши ёки уларнинг тўлиқ тугатилишидан дарак бериши мумкин.

В. Иккинчи концепция - билвосита (эгри) харажатлар. Шартлари: ёрдамчи ишчиларнинг меҳнати, жиҳозларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш ишларини йўлга қўйиш, иккиламчи хомашёни етказиб бериш, жонли меҳнат кўринишида баҳоланиши зарур, режалаштиришнинг ихчам усулларидан фойдаланиш, қачонки устама харажатларнинг асоси қайта кўрилади ёки мақсади ўзгартирилади, устама харажатларнинг стимуллашган назоратли режаларининг қўлланилиши, ҳамма ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бўлимлари учун ишланган, малакавий ихтисосини оширин йўли билан вақт меъёрларини кўриб чиқиш асосида моддий техник хизматни тўғрилаш, меҳнат билимлари ва бошқаларни ҳосил қилиш, чиқим орқали назорат муолажаларини йўлга қўйишда фойдаланиш учун тартибга солувчи коэффициентларни ва устама сарфларининг камайиши бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш муолажаларига қуйидагилар киради:

- сарфларнинг билвосита ёки иккиламчи четлашиши. Ишлаб чиқариш режаси бўйича тизимлаштирилган ахборотлар, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, улардан фойдаланиш бўйича қулай ва ноқулай вазиятларда жонли меҳнат стандартлари бўйича четлашишни таҳлил қилиш; жиҳозларни ҳисобдан чиқариш; устама чиқимлар меъёрларининг янги ҳисоб негизини киритиш;
- эгилувчан режалаштириш, ишлаб чиқариш бўлимлари ва хизмат кўрсатиш бўлимлари учун ишлаб чиқарилган меъёрларнинг таҳлили. Субъектнинг ҳар бир ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бўлимларининг олдига қўйилган қатъий ва ўзгартирилган мақсадларини, тўғриланган ва тўғриланмаган чиқимларнинг даражасини аниқлайди; субъектнинг хизматлари ва бўлимларида бажарилган иш ҳажми устама чиқимларини тақсимланишининг мослигини, тўлалигини ва даражасини таҳлил қилади.
- моддий-техника хизматлари бўйича сарфлар меъёрларининг таҳлили.

Қарор қабул қилиш асосий масаладан келиб чиққан ҳолда бир неча мақсадларда олиб борилади - ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, меҳнат унумдорлиги ва сифатини максимал таъминлаш.

Тўланадиган соатбай асосида жонли меҳнат сарфи билан уларни таққослаш учун дастлаб, харажатлар моддий-техник хизматда билвосита харажатларни бошқаларидан ажратади.

Янги жиҳозлардан сотиб олиш ва улардан фойдаланиш муаммоси уларнинг эскириш муддати, иш вақти соатининг қиймати, бир соатдаги умумий сарф бўйича кўриб чиқилади.

Агарда ўша ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун юқори унумдорли жиҳоз сотиб олинса, у ҳолда моддий-техника хизмати учун харажатларнинг кўпайиши ҳисобига иш вақти камаяди.

Бирлик маҳсулотнинг умумий харажати, иш вақтининг қисқарини ва ишлаб чиқарин ҳажмининг ўсишига боғлиқ равишда камаяди.

Агарда фараз қилсак, келажакда таркибий бўлинмаларда моддий-техник хизмат, меҳнат ҳақи ва жиҳозлар ўзгаришсиз қолса, у ҳолда умумий харажатлар ҳам ўзгаришсиз қолиши мумкин. Бинобарин, олдинги харажатларнинг меъёрларини қайта кўриш ва ўзгартириш уларни асослаш учун хизмат қилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ишнинг ҳажми, бажарилаётган муомаланинг мураккаблиги, ишчиларнинг малакаси, таъмирлашга берилган талабномаларнинг бажарилиши, моддий бойликлар ва ҳоказолар билан таъминланганлиги ўрганилади. Ушбу ўрганишнинг натижаси фақатгина бир соатлик иш вақтига меъёрларни ўрнатиш билан чегараланибгина қолмай, балки тегишли бўлинмаларнинг фаолияти бўйича ҳам меъёрларни ўрнатиш имкониятини яратади.

- устама харажатларни қисқартиришни рағбатлантириш моддий техника хизмати бўйича сарфланадиган умумий ва соатлар бўйича харажатларни камайтиришга асосланиши мумкин.
- амалиётдаги мавжуд меъёрларни таҳлил қилиш уларни тартибга солувчи коэффициентларни ҳисоблаб чиқишга асосланади.

Ушбу ҳисобланда қуйидаги улушлар муҳим ўрин тутади:

$$\frac{\text{Ишлаб чиқариш меъёрий соати}}{\text{Ҳақиқий соатлар}} = \text{Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги (унумдорлиги)}$$

Бошқа қўлланиладиган коэффициентларга:

- сотиш ҳажмига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар;
- доимий харажатларнинг ўзгарувчан харажатларга нисбати;
- режалаштирилган сотиш ҳажми билан ҳақиқий сотилган ҳажмнинг нисбати;
- маҳсулотнинг меъёрий таннархи билан ҳақиқий таннархининг таққосланиши ва ҳоказо. Лекин ушбу ҳисобланган коэффициентлар билвосита харажатларнинг қандай бўлиши кераклигини эмас, балки қандай бўлганлигини кўрсатади.
- маҳсулотнинг рентабеллигини таҳлил қилиш. Бу маҳсулотлар бўйи-

ча йўл қўйиладиган моддий сарфлар ва сарфланган устама харажатларнинг миқдорини ўрганишдир. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий турлари маржинал маҳсулотларни ажратиш ва ортиқча бевосита устама харажатларни аниқлаш йўналишида кўриб чиқилади.

Ҳар хил маҳсулотларнинг таннархини изчиллик билан ва ҳар томонлама ўрганиб ва таҳлил қилиб чиқиш умумий сарфларни камайтиришга қаратилган дастурни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришнинг ҳажмига таъллуқли ва ишлаб чиқариш жараёнининг ҳамма босқичида унинг самарадорлигини оширишга қаратилган сиёсатини танлашга имконият яратади.

8.3. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий захираларни бошқариш

Ишлаб чиқариш захираларини яратиш-сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва уларни сақлаш катта сарфларни талаб қилади. Амалиётда ва кўп йиллик ўрганишдан хулоса қилиб айтиш мумкинки, таъминот ва тайёрлов жараёни билан боғлиқ умумий сарфларнинг улуши тайёрланган моддий захиралар қийматининг 25%гача ташкил қилади. Шунинг учун ҳам имконияти борича кам харажат қилган ҳолда субъектнинг муқобил фаолият кўрсатиши ва қўйилган мақсадга эришиши учун зарур бўлган моддий захиралар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Захираларни бошқариш бу йўналишдаги фаолият ҳисобланиб, унинг мақсади харидорларга қониқарли даражада хизмат кўрсатаётган ҳолда захиралар ва уларни сақлаш харажатларини энг кам даражага туширишдир. Моддий захираларни бошқариш иккита бўлимлардан ташкил топган, яъни режа асосида бошқариш ва бевосита ишлаб чиқариш билан бошқариш.

Моддий захираларни бошқариш

Бошқаришни режалаштириш	• Захираларни бошқариш турларининг мақсади ва вазифаларини аниқлаш; • Муқобил захираларни қўллаб-қувватлаш йўлларини излаш; • Мўлжаллаштирилган ва ҳақиқатдаги захиралар ҳақида маълумотларни йиғиш;
Назорат ва тартибга солиш муолажалари	• Ҳаракат турларини танлаш; • Қарорларни қабул қилиш; • Мавжуд ҳақиқий захираларни муқобил даража билан таққослаш; • Материалларни олиб келиш ва чиқариш бўйича буюртмаларни қабул қилиш; • Ҳақиқатда мавжуд захираларни буюртманинг даражаси билан таққослаш

Режа ёрдамида бошқариш у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш, ишлар-

ш бажариш ва хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган хомашё ва материаллар, сотиб олинадиган ва ўзи ишлаб чиқарган яримфабрикатлар ва ёрдамчи материалларнинг етарли захирасини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишни ўзида мужассамлантирган, чунки амалиётдан маълумки, ушбу захираларнинг ҳаддан ортиқ кўпайиши пул маблағларининг кўп жалб қилиниши ва уларнинг айланиш тезлигини сусайтиришга, айланма маблағларга сарфланган қўйилмалардан олинадиган даромадларнинг камайишига ва мулк солиғининг кўпайишига олиб келади.

Моддий захираларни бошқаришни захираларни бошқариш техникалари ва бошқариш амалиётига бўлиш мумкин.

Моддий захираларни бошқариш техникаси ўз ичига қуйидаги кўрсаткичларнинг ёритилишини олади:

а- муҳофаза циклининг давомийлиги;

в- етказиб бериш циклининг давомийлиги;

с- буюртма бериладиган гуруҳнинг ҳажми;

d- буюртма циклининг йиғиндиси;

а- муҳофаза циклининг давомийлиги, бу субъектда мавжуд хомашё ва материаллар бўйича олинган буюртмаларнинг таъминланиш вақти;

в- етказиб бериш циклининг давомийлиги, бу буюртма берилган хомашё ва материалларнинг етказиб берувчилар томонидан бажарилиш вақти (графиги);

с- буюртма бериладиган гуруҳнинг ҳажми, хомашё ва материаллар бўйича етказиб берувчиларга берилган буюртманинг ҳажми;

d- буюртма циклининг йиғиндиси, бу муҳофаза цикли ва етказиб бериш циклининг йиғиндисидир, чунки ушбу йиғинди омборда мавжуд хомашё ва материалларнинг ҳажми билан буюртманинг ҳажмини ўз ичига олади.

Хўжалик юритувчи субъект олган буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун захираларнинг муқобил миқдорини аниқлаш ва уларнинг устидан назоратни ўрнатиш учун асос бўлади. Ушбу ҳисобларни амалга ошириш натижасидагина зарур бўлган турда ва ҳажмда хомашё ва материалларни тўлғазиш (буюртма бериш) ва қайта буюртманинг вақти ва ҳажмини аниқлаш имконияти туғилади. Ушбу ҳисоблар назорат қилиш ва тартибга солиш муолажаларининг таркибида амалга оширилади, чунки ушбу ҳисоблар ҳақиқий маълумотларгагина асосланган ҳолда тузилади.

Моддий захираларни бошқариш амалиёти. Ушбу тартиб ўз ичига захиралар билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган йиллик харажатларнинг умумий суммасини камайтириш мақсадида ишлаб чиқилган тадбирларни ишлаб чиқаришни ёки етказиб бериш шароитларининг ўзгариш ҳолатларини ўз ичига олади.

Субъектнинг моддий захираларга қўйган капитал қўйилмаларининг ҳажми кутилаётган талабларни қондириш ва ушбу захираларни таъминлаш учун ҳар йилда сарфланаётган харажатларнинг миқдори комплекс тадбирлар, шароитлар ва тегишли қарорларнинг йиғиндисига боғлиқ бўлади. Кўпчилик ҳолатларда капитал қўйилмаларнинг ва захиралар бўйича жорий харажатларнинг сезиларли камайишига олиб келадиган ўзгартиришлар киритилиши

мумкин. Ушбу ўзгаришларни амалга оширни учун имкониятларни топиш ва моддий захиралар билан таъминлаш учун йиллик умумий харажатларнинг йиғиндисини аниқлаш мақсадида қуйидаги фаолият турларининг таъсирини ўрганиб чиқиш лозим: буюмларни лойиҳалаштириш, хусусий кўринишларини тузиш, ускуналарни танлаш, қуролларни лойиҳалаштириш, манзилда субъектни режалаштириш, субъект учун манзилни танлаш, омборхоналарни жойлаштириш, мол етказиб берувчиларни, хомашё ва материалларни олиб келишни танлаш, мол етказиб берувчилар билан шартномаларни тузиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни режалаштириш ва бошқариш усулини танлаш, товарларни етказиб бериш ҳажмини белгилаш, товарларни етказиб бериш ҳажмини қайта кўриб чиқиш, етказиб бериш вақтлари, ўрнатилган баҳолар, истиқболни белгилаш усулини танлаш ва истиқболни белгилаш учун маълумотларни тайёрлаш каби ишларни амалга ошириш зарур.

Ушбу шартларнинг ҳаммаси қуйидаги кўрсаткичлар билан тўлғазилган ҳолда моддий захираларга қўйилган капитал қўйилмаларнинг юқори наф келтирадиган даражасини аниқлаш имкониятини яратади:

- ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки бажариладиган ишнинг ҳажми;
- бирлик буюртма ҳисобидан келиб чиққан ҳолда гуруҳ маҳсулотларга кетадиган харажатлар;
- зарур хомашёларнинг тақчиллик шароитида бирлик буюмларга кетадиган харажатлар;
- материаллар ва хомашёларни ташиш тезлиги;
- хомашё ва материалларни ташиш, уларга ишлов бериш ва муомалалар ўртасидаги туриб қолишни энг кам вақтга қисқартириш учун йўналтирилган ҳаракатлар;
- хомашё ва материаллар гуруҳидан фойдаланиш вақтини танлаш;
- башорат қилишнинг аниқлиги;
- режалаштирилган етказиб бериш вақтининг қатъийлиги;
- сотишни ташкил қилиш усуллари;
- хизмат қилиш стандартларининг рақобатчилиги ва ҳоказолар.

8.4. Ишлаб чиқариш захираларининг жамғармасини режалаштириш ва назорат қилиш

Захираларга сарфланадиган харажатларнинг кўрсаткичлари ушбу захираларни бошқаришдан асосий мақсад ҳар йили шу захиралар билан таъминлашга сарфланадиган харажатларнинг умумий миқдорини энг кам даражада ушлаб туришдир. Уларнинг устидан назорат қилиш қуйидаги кўрсаткичларни минимум даражага тушириш асосида амалга оширилади:

- йил давомида бериладиган буюртмаларнинг миқдори;
- муҳофаза босқичининг муддати;
- етказиб бериш, тайёрлаш ва субъектнинг ичида ташиш вақтларининг узоқлиги;
- омборларда сақлаш босқичининг муддати;

- омбордаги захираларнинг миқдори;
- омборхона ва сақлаш жойларининг сони.

ТМЗ қўйилган капиталларнинг умумий ҳажми амал қилинаётган ҳолатда ушбу захираларнинг ҳажми бўйича энг юқори наф келтириши лозим. Қуйида келтирилган формула муҳофаза босқичининг муддати ва ушбу гуруҳнинг иқтисодий миқдорининг юқори нафлилик даражасини тахминан баҳолаш учун асос бўлади.

Ҳар хил босқичларнинг муддатини тартибга келтириш.

ТМЗ олиб келиш, ишлаб чиқариш, субъектнинг ичидаги ҳаракати ва сақлаш муддатларини амалиётда энг қисқа муддатда ушлаб туришни тақозо қилади. Амалиётда етказиб бериш муддати таъминот бўлими билан мол етказиб берувчилар ўртасидаги келишувлар натижасида тартибга солинади. Ишлаб чиқариш босқичининг муддати эса ушбу захираларни ишлаб чиқарадиган бўлимларда содир бўлаётган муомалаларни назорат қилиш, уларнинг сонини яна ҳам қисқартириш ва ўз вақтида амалга оширши йўллари билан қисқартилади.

Субъектнинг ичида ТМЗ ҳаракатининг вақти уларни ташиш усули ва ташиладиган юкларнинг ҳажми билан тартибга солинади.

Ўз навбатида ТМЗ сақлаш даврининг муддати қуйидагича тартибга солинади:

1. Буюртма бериладиган гуруҳларнинг ҳажмига ўзгартириш киритиш.
2. Ушбу хом-ашё ва материалларнинг омборга келиб тушгандан кейин улардан қисқа муддатда фойдаланишни режалаштириш.
3. Айрим киримлар ва сарфларнинг орасидаги фарқларни минимум даражасига олиб келиш.

Ҳар бир субъект ўзининг хусусиятларига асосланган талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилинган захиралардан фойдаланишни бошқариш тизимига эга бўлиши лозим. Ушбу ташкил қилинган тизим фақат субъектнинг бўлимлари қатнашган ва улар қўллаб-қувватлаган ҳолдагина таъсирчан бўлиши мумкин. Ушбу қўллашни таъминлашнинг самарали усули ва уларни ўз вақтида ва зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаб туриш ҳисобланади. Чунки бўлимларнинг раҳбарлари захираларни бошқариш, ишлаб чиқариш дастурлари ҳақида, ўзлари бошқараётган бўлимларнинг қатнашиш даражаларини ёритадиган энг кам даражадаги хулосаларга эга бўлиши лозим. Бундай маълумотлар тегишли мажлис-йиғилишларда олиниши мумкин ва захираларни бошқариш жараёнини ҳар томонлама баҳолашни таъминлайди. Ушбу харажатларни камайтиришдан асосий мақсад ТМЗ таннархини пасайтириш ва буюртмачиларга хизмат кўрсатишни яхшилашдир. Субъектда ёки унинг бўлимларида мавжуд бўлган ТМЗ ҳажми иш кунида келиб тушган захираларнинг ўртача ҳажмини ушбу субъектда сақланиши лозим бўлган иш куни миқдорига кўпайтириш йўли билан топилади. Ҳар бир даврда ТМЗ келиб тушган ҳажми уларнинг сарфи ва маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига яқин бўлиши шарт. Айрим ҳоллардагина ТМЗ келиб тушган ҳолда моддий захираларнинг ҳажмини тартибга тушириш, асосан уларнинг омборда туриб қолиш вақтини минимумга туширишга йўналтирган ҳолда амалга оширилиши лозим. Ушбу мақсадга қуйидаги омиллар на-

тижасидагина эришилиши мумкин.

А. Буюртма берилган захираларнинг катталиги ва муҳофаза захирасининг ҳажмини зарур ёки муқобил миқдорга олиб келиш.

В. Ишлаб чиқариш жараёнининг муддатини иқтисодий наф келтириш нуқтаи назаридан минимум даражасида ушлаб туриш.

С. Захираларни олиб келгандан кейин улардан фойдаланиш даврини қисқартирган йўналишда режалаштириш.

Д. Ҳар бир омбордаги захираларнинг миқдорини минимум даражага етказиш.

Е. Фойдаланилаётган омборхоналарнинг миқдорини минимум даражага туширш.

Омборларда сақланаётган материалларнинг миқдорини назорат қилиш. Омбордаги хомашё ва материалларнинг ҳажмини тартибга солиш субъектнинг таъминот, техника ва сотиш бўлимларидан бошланади. Сотиш бўлими субъектнинг раҳбарияти билан мижозларга таклиф қилиш лозим бўлган маҳсулот ва буюмларнинг турлари ва миқдорини тасдиқлайди. Таъминот бўлимининг раҳбарига маълум қилиши лозим бўлган буюм ва уларнинг миқдорини тартибга солиш мумкин бўлган маълумотлар кичик гуруҳлар туридаги ишлаб чиқарилган маҳсулот ва буюмлар учун зарур бўлган хомашё ва материалларнинг захирасини яратиш учун сарфланадиган харажатларнинг миқдоридир. Ушбу ҳолат билан боғлиқ ҳисоботларни йиғиш ва тарқатиш ҳам хомашё ва материалларнинг захирасини бошқаришнинг таркибига киради.

Технология бўлими ҳам маҳсулотларнинг лойиҳасини тузиш, ҳар хил деталлардан фойдаланиш даражаси, стандартлаштириш даражаси, маҳсулотларнинг турлари ва ҳажми орқали омборда сақланаётган захираларнинг ҳажмига таъсир қилади. Кўпчилик ҳолатларда конструктор-муҳандислар омборда сақланаётган ТМЗ ҳажмини қисқартиришга таъсир қиладилар. Чунки ишлаб чиқарилган маҳсулот ва буюмларнинг тузилишида фойдаланилаётган қисмларни ўзгартириш, сарфларни тежаш ушбу ҳолатга ижобий таъсир қилади. Лекин янги маҳсулот ёки буюм лойиҳалаштирилса бу бошқа ҳолат ҳисобланади. Ушбу ҳолатларда конструкторлар нисбатан арзон конструкцияларни танлаш учун захираларни бошқариш хизматлари томонидан ўтказилган изланишлардан янги маҳсулот ва буюмларни лойиҳалаштираётганда фойдаланишлари мумкин.

Ушбу изланишларнинг натижалари тегишли маҳсулотнинг гуруҳларига сарфланадиган харажатлар ва захираларнинг қиймати тўғрисида зарур маълумотларни бериши мумкин. натижада яратилаётган ҳар бир маҳсулот ёки унинг қисми учун зарур бўлган захираларни ушлаб туриш лозим бўлган йиллик харажатларнинг ҳажмини баҳолаш имкониятини яратади. Шунга ўхшаш маълумотлар ишлаб чиқаришнинг тежамли технология жараёнларини танлаш учун ҳам зарур бўлади. Ушбу ҳолатга мисол қилиб у ёки бу детални ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ускуналарни келтириш мумкин. Чунки битта ускунада кўп миқдордаги деталлар бир вақтда ишлаб чиқарилса, айрим ускунада деталлар якка ҳолда ишлаб чиқарилиши мумкин. Агарда ушбу келтирилган шарт-шароитлар йўқ бўлса тегишли ТМЗ сақлаш билан боғлиқ хара-

жатларнинг кўпайишига олиб келади. Ушбу ҳолатлар мавжуд бўлса захираларни бошқариш сарфларининг камайишига олиб келади, яъни унумсиз харажатлар ёки капиталларнинг ортиқча сарф қилинишига ўрин қолмайди.

Субъектда мавжуд омборхоналарнинг миқдорини минимум даражасигача қисқартириш лозим. Хомашё ва материаллар кириминнинг муддатлари ўртасидаги катта узилиш содир бўлган вақтларда ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнида омборхоналарга зарурият туғилади. Ушбу узилишларнинг натижасини тугатиш бўйича қуйидаги зарур тадбирларни ўтказиш лозим:

а. Хом-ашё ва материалларни шундай жамғариш лозимки, натижада уларни гуруҳлари бўйича ўрин алмаштириш ва сарфлаш мумкин бўлсин.

в. Хом-ашё ва материалларни жамғариш ва сарфлаш бўйича оралиқ вақтларнинг ҳар хил миқдорини белгилаш. Мисол, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қисқа муддат ичида йиғилади, лекин улардан фойдаланиш муддати нисбатан узоқ бўлади. Бундан ташқари, мавсумий талабларни қондириш учун товарлар узоқ муддатда фойдаланилади- истеъмол қилинади.

с. Ишлаб чиқарилаётган ёки сотиб олинаётган ва сарфланаётган хомашё ва материаллар гуруҳининг ҳажми ҳар хил бўлиши шарт.

d. Истеъмолчиларнинг талабини мол етказиб берувчиларнинг яқинида жойлашган омборлардан қондириш.

е. Иккала манзил (сотувчи ва олувчи) ўртасидаги товарларни ташиш билан боғлиқ транспорт сарфларини тежаш.

Амалиётда субъектнинг қарамоғидаги омборларнинг миқдорини ўзгартириш муҳим тадбир ҳисобланади. Ушбу тадбирларни амалга оширишнинг бўйича тегишли қарорларни қабул қилиш сарфларни тежаш ва соф фойдани чуқур ўрганишга асосланган бўлиши лозим. Янги омборни очиш бўйича қарорни қабул қилиш ушбу тартибдаги изланишни амалга ошириш учун сабаб бўлади. Омборхоналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатларининг таркибида капитал сарфлари ва таваккалчилик даражаси ҳам ҳисобга олинишни зарур. Шу билан бир қаторда, омборда сақланаётган аста-секин сарфланадиган ва эскирган хомашё ва материалларнинг ҳажмига эътиборни қаратиш лозим.

8.5. Товар-моддий захираларнинг муқобил (оптимал) ҳажмини ҳисоблаш ва уларни жойлаштириш вақтини аниқлаш

Буюртманинг муқобил ҳажми омборхонада сақланаётган хомашё ва материалларнинг миқдори ёки берилган буюртмаларнинг сони таъсир қиладиган харажатларнинг миқдори билан аниқланади. Агарда бир вақтда кўп ҳажмда хомашё ва материалларга буюртма берилса йил давомида бериладиган буюртмаларнинг сони камаяди, натижада ушбу буюртмаларни бажариш сарфлари ҳам каманди. Ушбу ҳолатнинг тескариси, яъни буюртмаларнинг ҳажми кам бўлса захираларнинг ўртача миқдори кўп бўлиши керак, ушбу ҳолат эса захираларни сақлаш харажатларнинг кўпайишига олиб келади. Ушбу харажатларни бошқаришдан асосий мақсад кўп буюртмаларни жойлаштириш қийматига нисбатан ушбу захираларни сақлаш харажатларини камайтириш ҳисоб-

лаади. Демак, буюртмаларнинг муқобил ҳажми - бу жами буюртмаларнинг қиймати ва товар-моддий захираларни сақлаш харажатларини энг кам даражага туширши йўлида берилган буюртманинг миқдоридир.

Буюртманинг нисбатан тежамли ҳажмини назарда тутганда бошқа хомашё ва материалларга боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги материаллар гуруҳи назарда тутилади. Лекин кўпчилик хомашё, материал, деталлар ва маҳсулотлар бошқа турдаги материаллар билан боғланган бўлади. Ушбу хомашё ва материаллар бўйича берилган буюртманинг ҳажми шундай материаллар билан боғлиқ бўлган буюртманинг ҳажми ва буюртманинг гуруҳлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ушбу буюртмани шундай режалаштириш лозимки, натижада у ёки бу буюртмани бажаргандан кейин унинг учун тайёрланган хомашё ва материалларнинг қолдиғи нолга тенг ёки энг кам миқдорда бўлиши лозим. Ушбу мақсадларни амалга ошириш жараёнида мазкур буюртма билан боғлиқ хомашё ва материалларга буюртма беришни ишлаб чиқариш режаси билан узвий боғлашни талаб қилади. Бунинг учун эса нисбатан тежамли буюртма гуруҳларини кўпайтириш ёки камайтириш лозим. Захираларни сақлаш харажатларини тежаш ёки омборда зарур материалларнинг йўқлиги тегишли захира гуруҳларининг ўзгаришидаги сарфларни тўлалигича қоплаши зарур.

Ушбу буюртмаларнинг муқобил ҳажмини ва ҳар хил ҳажмдаги буюртмаларнинг қийматини жадвал ёрдамида ҳисоблаш ва ушбу ҳолатни чизма кўринишида ёки формула ёрдамида ёритиш лозим.

Жадвал усули. Ушбу усулни қуйидаги маълумотларга асосланган ҳолда ёритамиз.

Ҳар хил ҳажмдаги буюртмалар учун мужассамланган харажатларнинг ҳажми

		Буюртмашиг ҳажми (бирлик)							
		100	200	300	400	500	600	700	800
1.	Ўртача захира (дона)	50	100	150	200	250	300	400	5000
2.	Етказиб бериш учун берилган буюртмалар[2]	400	200	133	100	80	67	50	1
3.	Сақланадиган захираларнинг йиллик қиймати (сўм)[3]	300	600	900	1200	1500	1800	2400	30000
4.	Йиллик бажарилган буюртмаларнинг қиймати (сўм)	4800	2400	1696	1200	960	804	600	48
5.	Мужассамланган харажатларнинг жами (сўм)	5100	3000	2596	2400	2460	2604	3000	30048

Изоҳ.

1. Агарда буюртма қабул қилинаётганда захира бўлмаса ва олинган хомашё ва материаллар бир текис фойдаланилса, ўртача захира берилган буюртманинг ярмига тенг бўлади. Бундан ташқари, қўшимча захира мавжуд бўлган ҳолатда ҳам олинган буюртма миқдорига мувофиқ пайдо бўлган ўртача захиранинг ҳажми буюртма берилган миқдорнинг ярмига тенг бўлади, чунки қабул қилиш мумкин бўлган ҳар бир буюртма учун энг кам захиранинг ҳажми ўзгармай қолади.

2. Етказиб бериш учун берилган буюртманинг миқдори йил давомида зарур бўлган ҳажмни (40000 дона) олинган буюртманинг ҳажмига бўлиш йўли билан топилади.

3. Сақлаш зарур бўлган хомашё ва материалларнинг қиймати ўртача йиллик захира қийматини ушбу захира бирлигини сақлаш қийматига кўпайтириш йўли билан топилади.

Мисолнинг шартлари: компанияда қуйидаги кўрсаткичлар мавжуд:

1. Мол етказиб берувчилардан олинадиган хомашёнинг баҳоси... 50 сўм;

2. Ушбу маҳсулотга бўлган йиллик талаб- 40000 дона;

3. Захиранинг бирлигига инвестиция қилиш натижасида олинадиган даромад (50х0.1)- 5 сўм;

4. Бирлик захирани сақлаш бўйича бошқа сарфлар- 1 сўм;

5. Бирлик захирани сақлаш қиймати- 6 сўм;

6. Битта буюртмани олиб келиш сарфлари (идора, почта, телефон сарфлари)- 12 сўм.

Ушбу шартлардан келиб чиққан ҳолда жадвал маълумотларини хар томонлама чуқур ўрганиб хулосага келиндики, 400 бирлик буюртмани қабул қилиш бизга кўпроқ иқтисодий наф келтиради, чунки ушбу ҳолатда йиллик мужассамланган харажатлар энг кам даражада бўлади.

Чизма усули. Ушбу мисол ва шартлардан келиб чиққан ҳолда буюртманинг муқобил (оптимал) ҳажмини қуйидаги кўринишда акс эттириш мумкин.

Буюртманинг муқобил (оптимал) ҳажмининг чизмаси

Демак, ушбу жадвал ва чизмада ҳажми 800 донагача бўлган ҳар бир буюртма учун маълумотлар ёритилган. Вертикал чизиқда захираларга инвестиция қилинган мужассамланган харажатлар келтирилган бўлса горизонтал чизиқда эса буюртмаларнинг ҳажми ёки захираларнинг ўртача даражаси келтирилган (горизонтал чизиқда иккита кўрсаткич олинган ва уларда буюртмаларнинг ҳажми ва захираларнинг даражаси кўрсатилган). Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, захираларнинг ўртача ҳажми ёки буюртманинг ҳажми ўсганда захираларни сақлаш қиймати кўпаяди, натижада буюртмаларни бажариш қиймати камаяди. Харажатлар мажмуасининг чизиғи захираларни сақлаш ва буюртмаларни бажариш билан белгиланади.

Харажатлар йиғиндисининг чизиғи буюртмаларни бажариш ва захираларни сақлаш қиймат ларининг учрашган қийшиқ чизиғидан ўтади. Демак, 400 дона буюртмани бажаришдагина энг кам харажат сарфлаш ва буюртмани муқобил бажариш мумкин. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, буюртманинг энг тежамли ҳажми захираларни сақлаш ва буюртмаларни бажариш қийматига тенг бўлган ҳолатда рўёбга чиқади. Ушбу чизма мужассамланган харажатларнинг йиғиндиси буюртмалар ҳажмининг ўзгаришини ўзида тўлиқ қайд қилмаганлигини акс эттиряпди.

Мисол.

1. Буюртманинг ҳажми 25%га ўзгарди дейлик, яъни 400 донадан 300 донага камайди ёки 500 донага кўпайди. Ушбу ҳолатнинг таъсирида: 0

а. Йиллик сарфларнинг ҳажми 2400 сўмдан 2460 сўмга ёки 2196 сўмга- 2,5%га камаяди ёки 4%га кўпаяди;

б. Буюртманинг 50%га кўпайиши- 400 донадан 600 донага етиши ушбу сарфларнинг 2400 сўмдан 2600 сўмга, яъни фақат 8,5%га ошишига олиб келади.

<u>Буюртманинг ҳажмини аниқлаш формуласи</u>.

Юқорида келтирилган мисолга асосан, буюртманинг тежамли ҳажмини формула ёрдамида аниқлаймиз.

$$Np = \frac{Lq}{Vc} \times \frac{240}{R} \times Pm \qquad Nm = \frac{Lq}{Vc} \times \frac{240}{R} \times \frac{1}{Pm}$$

бу ерда,

Np- буюмларнинг сони ёки нисбатан тежамли гуруҳнинг бирлиги;

Lq- буюртманинг гуруҳига бир вақтда амалга оширилган сарфлар;

Vc- захиранинг бирлигига бир вақтда амалга оширилган сарфлар;

R- каср кўринишидаги захираларни сақлашнинг ҳисобланган коэффициенти;

Pm- буюмларга ойлик кутилаётган талаб;

Nm- хом-ашё гуруҳларининг нисбатан тежамли ҳажмини таъмин қиладиган ойлик кириминнинг миқдори.

Ушбу формуладан фойдаланиш нисбатан тежамли захира гуруҳининг ҳажмини ҳисоблаб чиқиш ишларини қисқартиришга ва ушбу ҳажмни қайта кўришга ёрдам беради.

Агарда харажатларнинг миқдорида ўзгариш бўлмаса, товарларнинг бир

тури учун қуйидаги формула (константа) қўлланилади:

$$K_1 = \frac{Lq}{Vc},$$

Мабодо коэффициентларда ўзгариш содир бўлмаса товарларнинг гуруҳи учун константа қуйидагича бўлади:

$$K_2 = \frac{240}{R}$$

Умумий константа эса $K=K_1+K_2$. Кни ўрнига қўйган ҳолда формулага ўзгартириш киритамиз:

$$Np=KxPm \text{ ва } Nm=\frac{K}{Pm}$$

Нисбатан соддалаштирилган формулани ҳам қўллаш мумкин:

$$Q=\frac{2DO}{H}$$

бу ерда,

Q- буюртма бирлигининг миқдори;

D- давр учун зарур бўлган материалларнинг умумий бирлиги;

O- бирлик буюртмани бажариш қиймати;

H- захиранинг бирлигини сақлаш қиймати.

Ушбу формуладан фойдаланиб, юқорида келтирилган маълумотлар ва шартларга асосан, буюртманинг энг мақбул миқдори қуйидагига тенг бўлади:

$$Q=\frac{2 * 40000 * 12}{6} = 160000 = 400 \text{ бирлик}$$

Қўшимча захираларни олиш бўйича буюртмани бериш вақтини аниқлаш учун (қайта буюртма бериш вақти) ушбу буюртмаларни ҳужжатлаштириш ва уларнинг келиб тушиши учун қанча вақт кетишини аниқлаш зарур. Ушбу давр захираларнинг босқичи, деб юритилади. Маълум шарт-шароитларда қайта буюртмаларни бериш вақти буюртмани бажариш вақтига ушбу даврдаги хомашё ва материалларнинг кунлик сарфини кўпайтириш йўли билан топилади. Хомашё ва материаллар, деталлар ва ёрдамчи материаллар учун қайта буюртма бериш муддати, ушбу буюртмаларни олиш бўйича мол стказиб берувчига буюртманинг берилган вақтидан ҳисобланади. Ўзида ишлаб чиқарилган яримфабрикатларнинг захираси учун эса буюртмани тиклаш вақти ушбу яримфабрикатларнинг мавжудлиги захираларнинг ўрнатилган даражасига тушиб қолган вақтидан ва ушбу яримфабрикатларни тайёрлаш учун бўлимларга берган буюртманинг берилган вақтидан ҳисобланади.

Фараз қилайлик, хомашёнинг йиллик сарфи 7500 бирликни ташкил қилади ва ҳафталик сарфлар доимий ҳисобланади. Агарда бир йилда 50 ҳафта бўлса, ҳафталик сарф 70 бирликка тенг бўлади. Агар буюртма босқичи 2 ҳафтага тенг бўлса хомашёнинг захираси 30 бирликка тушган вақтда буюртма бериш заруриятн туғилади.

Буюртмаларнинг муқобил ҳажми бўйича захираларни тўлдазишнинг тез-

лиги бўйича хулоса чиқариш мумкин. Мисол, агарда буюртманинг муқобил ҳажми 750 бирлик бўлса ва йиллик талаб 7500 бирлик ҳажмда бўлган ҳолатда йил давомида 10 марта буюртма бериш лозим бўлади. Йил давомида 50 иш ҳафтаси мавжуд бўлган вақтда буюртма ҳар 5 ҳафтада берилади. Буюртманинг босқичи 2 ҳафта давом қилса субъект хомашё ва материалларни олиб келгандан кейин, захирашинг ҳажми 300 донага тушган вақтда (Σ=750 бирлик буюртманинг муқобил ҳажми, ҳафтасига 150 бирлик, вақти 3 ҳафта) уч ҳафтадан кейин буюртма беради. Буюртманинг муқобил ҳажми модулини қўллаш вақтида қачон ва қайси ҳажмда захираларни тўлғазиш масаласини счишга ёрдам беради.

Маълум шароитларда захираларни тўлғазиб туриш



Шарти:

- Буюртманинг муқобил ҳажми- 750 бирлик
- Буюртма вақти- 2 ҳафта
- Ҳафталик сарф- 150 бирлик
- Буюртмани тиклаш санаси- 300 бирлик
- Буюртмалар 3, 8, 13 ва ҳоказо ҳафталарнинг охирида берилган.

Муҳофаза захирасининг муқобил ҳажмини ҳисоблаш. Буюртманинг муқобил ҳажми ва уларни мол етказиб берувчиларга ёки ишлаб чиқаришга жойлаштириш вақти муҳофаза захирасининг ҳажмига боғлиқ.

Юқорида келтирилган ҳисоблаш формулалари тегишли шароитлардагина таъсирини кўрсатади:

- башорат қилишнинг аниқлиги;
- етказиб бериш вақтларини ўз вақтида қайта кўриб чиқиш;
- буюртмаларнинг такрорланишига йўл қўймаслик;
- мол етказиб берувчиларда муҳофаза захираларининг сақланиши.

Ушбу ҳолатни қуйидаги жадвалда кўрамиз:

№	Кўрсатгичлар	1-шароит	2-шароит
1.	Буюртма бериладиган гуруҳнинг ҳажми	4.0	2.0
2.	Айланма захираларнинг ўртача ҳажми	2.0	1.0
3.	Муҳофаза захираси	0.5	0.6
4.	Доимий захира	2.5	1.6
5.	Муҳофаза захирасининг доимий захирага нисбати, %	20.0	37.5

Ушбу жадвалда икки хил шароитда муҳофаза захираси ҳажмининг товар-

моддий қийматликлари доимий захирасининг ҳажмига нисбати келтирилган.

Захиралар миқдорининг ёритиш бирлиги сифатида ойлик захираларни етказиб бериш қабул қилинган.

Буюртма берилган гуруҳнинг қисқартирилиши натижасида муҳофаза захирасининг муқобил ҳажми кўпаяди. Ушбу шароитлар, айниқса, саноат тармоғининг ишлов берадиган субъектларида тез-тез учраб туради. Субъект бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ойлик хомашё етказиб беришни тегишли хомашё ва материалларга талаб рўёбга чиқишдан 3 ҳафта олдин буюртма беришни режалаштирган. Натижада ушбу маҳсулотнинг турлари учун ажратилган захиранинг 58% муҳофаза жамғармасига тегишли бўлиб чиқди.

Агарда бизнинг башоратимиз нисбатан аниқ бўлса, етказиб бериш жараёнлари давридаги ҳақиқий ва кутилаётган талабларнинг ҳажми ўртасидаги фарқни қоплаш учун фақат етарли муҳофаза захирасига эга бўлиш кифоя. Ушбу ҳолат муҳофаза захирасининг ҳажмини сезиларли қисқартиришга эришишга имконият яратади. Чунки етказиб бериш фарқларининг устидан тегишли назорат ўрнатиш имконияти яратилади.

Етказиб бериш вақтларини тартибга солиш. Хомашё ва материалларни етказиб бериш талаб даражасига асосланган ҳолда режалаштирилади. Кўпчилик ҳолатларда кутилаётган ва ҳақиқий талаблар ўртасида катта фарқ вужудга келади. Талаб даражалари қуйидагилардан юқори ёки паст бўлган ҳолатларда етказиб бериш даврларини тезлаштириш ёки узоқлаштириш имконияти бўлган вақтдагина муҳофаза захираларининг ҳажмини қисқартириш мумкин.

Захираларнинг такрорланиши. Кўпчилик ҳолатларда тайёр маҳсулотларнинг захираси деталлар ва материалларнинг тўлиқ захиралари билан такрорланади. Захираларнинг бундай такрорланиши шароитида зарур бўлган захиралар тегишли ҳажмда ва миқдорда тегишли бўлимларда сақланиши керак. Кейинчалик эса ушбу бўлимдаги захираларнинг доимий кириши ва сарфларининг доимий даражасини тўғрилаб туришни таъминлаш ва бошқа бўлимларда ҳам захираларнинг энг кам даражасини яратиш лозим. Мавжуд бўлган стандарт деталларнинг мавжудлигини ўрганиш шундай товарлардан ва уларнинг турларидан воз кечишга олиб келиши мумкин.

Натижада буюртма берилган гуруҳларнинг ҳажмини кўпайтириш ва муҳофаза захираларининг ҳажмини камайтиришга олиб келади. Такрорлашнинг бошқа тури икки ва ундан кўп турдаги хом-ашё ва материалларнинг захирасини сақлаш ҳисобланади.

Мол етказиб берувчиларда муҳофаза захирасини сақлаш. Кўпчилик ҳолларда муҳофаза захиралари субъектнинг омборида тургандан кўра мол етказиб берувчиларнинг омбрида тургани афзалроқ. Бу ҳолатларда ушбу хомашё ва материалларни юклаш ва олиб келиш учун қўшимча харажат қилинса ҳам мол етказиб берувчиларда тургани сақлаш сарфларни тежашга олиб келади. Чунки хомашё ва материалларнинг қиймати ва уларни сақлаш харажатлари субъектнинг омборига нисбатан мол етказиб берувчиларнинг омборида кам миқдорда сарфланади.

Муҳофаза захирасининг муқобил ҳажмини ҳисоблашнинг асосига бир-

лик буюртмага сарфланадиган хомашё ва материалларнинг етишмаслиги натижасида кўрилган зарарларнинг қийматини аниқлайдиган формула ётади ва уларнинг йўқлиги натижасида кўриладиган сарфларнинг ҳажмини аниқлаш усулидан фойдаланилади. Ушбу баҳолаш тартибидан фойдаланган ҳолда формула ўзгариб муҳофаза жараёнининг муқобил кўрилишини белгилайди.

Унга асосан муқобил захира жараёнининг муқобил муддатини ҳисоблаш мумкин. Муҳофаза жараёни ва ўртача жараёнинг йиғиндиси хомашё ва материалларнинг буюртма беришда фойдаланиладиган ин кунидаги ҳисобланган жараённи аниқлашга ёрдам беради. Хомашё ва материалларнинг бўлмаслиги натижасидаги харажатларни ҳисоблаш ва муқобил муҳофаза жараёнини ҳисоблаш формулалари билан захираларни бошқариш муаммосига бағишланган адабиётда кенгроқ танишиш мумкин. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, «харажатларни энг кам миқдорга туширини» таҳлилининг формуласи шартли ҳисобланади. Ҳар хил ҳолатда ҳам муҳофаза захирасининг муқобил ҳажми тахминий таҳлилнинг маълумотларига асосан, ҳисоблаб чиқилади. Амалиётда субъектлар захираларнинг кичкина қисмига эътиборини қаратиб ушбу захираларга қўйилган капиталининг асосий қисмини назорат қилиши мумкин. Ушбу усул-шарт махсус илмий адабиётларда Прето таҳлили сифатида маълум ва машҳур.

Захираларни туркумлаш ёрдамида уларнинг устидан назорат ўрнатиш. Ҳозирги даврда йирик компаниялар ва концернлар ўн мингдаб турдаги товар-моддий захираларини сақлайди ва ушбу шароитда уларнинг йирик гуруҳларигина эмас балки айрим турлари устидан ҳам назорат ўрнатадилар. Товар-моддий қийматликлари захираларининг муҳим моддалари устидан назорат ўрнатиш уларнинг аҳамияти бўйича гуруҳлаш ёрдамида амалга оширилади. ABC даражалари бўйича туркумлаштириш усули маълум ва машҳур ҳисобланиб кўпчилик ҳолларда ва амалиётда ABC таҳлил, деб ҳам юритилади. Ушбу усулга мувофиқ маълум даврда ҳар бир захира моддаси бўйича сотиб олинган хомашё ва материалларнинг умумий қиймати баҳоланади. Кейин эса ушбу моддалар кетма-кет йиллик сотиб олинган ҳажмининг камайиши йўналиши бўйича гуруҳлаштирилади.

Мисол. ABC даражалари бўйича захираларни туркумлаштириш усули.

1-босқич. Захиранинг ҳар бир моддасида сотиб олинган қийматликларнинг умумий қийматини ҳисоблаш учун бирлик захиранинг ҳисобланган баҳосига ушбу даврда сарфланган захираларнинг ўртача миқдорини кўпайтириш лозим.

Хом-ашёлар	Фойдаланилган бирлик	Бирликнинг баҳоси, сўм	Сотиб олишнинг умумий қиймати, сўм
A	1000	35	35000
B	200	500	100000
C	1000	10	10000
D	10000	20	200000
E	100000	5	500000
F	80000	4	320000
ва ҳоказо			

Ушбу рўйхатни мавжуд ҳамма хомашё ва материаллар киритилиб бўлгунча давом қилдириш мумкин.

2-босқич. Юқорида келтирилган ҳамма моддалар сотиб олиш қийматининг камайиши йўнилиши бўйича гуруҳлаштирилади кейин эса уларни А гуруҳи (биринчи 10%), В (кейинги 20%) ва С гуруҳи (охирги 70%) бўйича бўлиб чиқилади. Фараз қилайлик, ушбу гуруҳлаштириш қуйидаги кўринишга эга бўлади.

Гуруҳлар	Миқдори	Улуши, %	Суммаси, сўм	Улуши, %
А	500	10	7000000	70
В	1000	20	2200000	22
С	3500	70	800000	8
Жами	5000	100	10000000	100

Йил давомида сотиб олинган захиралар моддасининг биринчи 10% А гуруҳига олиб борилади. Кейинги 20% эса В ва қолган 70% С гуруҳига олиб борилади. Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, захиралар моддаларининг жамида 10% (А гуруҳидаги) жами қийматнинг 72%ни ташкил қилади, 20% моддалар (В гуруҳи) 19%ни ва 70% моддалар (С гуруҳи) эса 8% қийматни ташкил қилади.

Махсус шароитлар ҳисоби. Таъминот шароитларининг ўзгариши кўп ҳолларда ҳисоблашиларга таъсир кўрсатадиган у ёки бу омиллар ҳақида қўшимча маълумот йиғишга олиб келади. Бундай ҳолларда субъектлар буюртманинг муқобил ҳажмини баҳолашнинг миқдорий усулидан ва буюртмани тиклаш давридан воз кечадилар. Унда махсус шароитлар эътиборга олинади.

Чўзилиб кетган етказиб бериш. Материалларни етказиб бериш маълум вақт мобайнида амалга оширилса ва унинг бир қисми охирги гуруҳ етказиб берилгунга қадар ишлатилганда айланма захиранинг ўртача ҳажми муқобил миқдордан кам бўлади. Бу харажатларни маҳсулот бирлигига бўлиш билан тартибга солинади, касрнинг махражида етказиб бериш тугаганда омборда турадиган материаллар гуруҳи қолдиғи, суратида эса етказиб берилган материаллар гуруҳининг ҳажми кўрсатилади.

Ишлатишни тезлаштириш. Агар материалларнинг ҳар бир гуруҳини олингандан кейин тезда ишлатиш режалаштирилса захираларни сақлаш харажатларини минимумга туширши мумкин. Унда захираларнинг ҳажми формула бўйича муқобилликдан паст бўлади. Бу формулада ишлатиладиган тегишли улуш харажатларни қўшиш билан тартибга солинади, касрнинг махражида- омборда захираларни сақлаш цикли (ойларда) ҳисобланади, суратида эса- ойда етказиб беришларда ўлчанадиган буюртманинг гуруҳи келтирилади.

Келажакда нархларнинг ўсиши. Агар мол етказиб берувчи қайсидир кундан нархларни ўсишини эълон қилса, унда яқин орада нархларнинг ўсишигача кўп миқдорда мол сотиб олиш мақсадга мувофиқдир. Юқори инфляция шароитида субъектлар муқобил ҳажмдаги катта захираларни ушлаб туришга мажбурлар.

Эскириш. Захираларнинг айрим турлари эскириб қолади. Агар эскириш эҳтимоли юқори бўлса ёки товар ўз хусусиятларини йўқотса, кам миқдордаги даврий сотиб олишлар ва кичик ҳажмдаги захираларни ушлаб ту-

рини самаралидир; агар буюртманинг муқобил ҳажми формуласи бўйича катта миқдорда сотиб олиш ва материалларнинг катта захираларини таъминлаш кўзда тутилса ҳам.

Аниқланмаганлик. Амалиётда захираларга (ёки уларни ишлатишга) бўлган талаб доимий эмас. Ундан ташқари, одатда буюртмани жойлаштиришда ва захираларни етказиб беришда ноаниқликдан маълум даражаси мавжуд. Аниқланмасликдан ҳимоя қилиш учун субъект хомашё, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотларнинг қўшимча захираларига эга бўлади. Шундай қилиб, қўшимча захиралар бу - уларнинг қўшимча ҳажмини етишмовчиликдан ҳимоялаш учун тузилган келажак даврда ишлатиладиганларга нисбатидир. Унда муқобил захира формуласи эҳтимолли таҳлил коэффициентлари ёрдамида тартибга солинади.

8.6. Меъёрлаштирилган (стандарт) харажатлардан четга чиқишларни таҳлил қилиш

Меъёрий (стандарт) харажатлар бўйича таннархни калькуляция қилиш тизими технология жараёнида умумий ёки қайтариладиган муомалалар мавжуд бўлганда қўлланилади. Агар технология жараён турли хил муомалалардан мавжуд бўлса, уни меъёрлаштириш қийин бўлади, меъёрий асоси эса доимо ўзгариб туради. Лекин турли хил маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам умумий муомалалар гуруҳи учраб туради. Технологик муомалаларнинг кам миқдорида ҳам маҳсулотларнинг катта ассортименти керак бўлиши мумкин. Бу ҳар бир маҳсулот бўйича меъёрий калькуляция тузишда асосий шартдир.

Ҳисобот калькуляциясини тузиш алоҳида буюмнинг меъёрий таннархини ва меъёрдан чиқиб кетишини калькуляция қилишга асосланган. Ишлаб чиқариш жараёнида у ёки бу сабабларга кўра, технология жараёнида четга чиқишлар вужудга келади, улар билан бирга ресурсларни истеъмол қилишда, воситалардан фойдаланишни баҳолашдаги четга чиқишлар ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун меъёрий сарфлар бўйича таннархни калькуляция қилиш тизимининг муҳим принципи бўлиб тугалланмаган ишлаб чиқаришни, тайёр маҳсулотни, ҳисобот даври харажатларини ва бошқа харажатларни баҳолашнинг бирлаштирув принципи ҳисобланади, чунки улар бир хил меъёрларда акс эттирилиши керак. Бу шароитда меъёрий таннарх ва меъёрдан четга чиқишлар ҳақиқий таннархни кўрсатади. Акс ҳолда ҳақиқий таннархни ҳисоблашда хатоликларга йўл қўйилиши мумкин.

Четга чиқишларни аниқлаш, ҳисоблаш ва таҳлил қилиш меъёрий ҳисоб мазмунини ташкил қилади. Меъёрдан четга чиқиш деганда хомашё, материаллар, яримфабрикатлар, меҳнат ҳақи ва маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган бошқа сарфларнинг жорий меъёридан абсолют четга чиқишлари ва устама сарфларининг ҳақиқий ва смета харажатларидан нисбат қийматининг ажралуви тушунилади.

Четга чиқишлар ижобий (тежаш) ва салбий (ортиқча сарф); ҳисобланган ва ҳисобланмаган; моддий ва пархли кўринишга эга.

Тўғри харажатларнинг салбий четга чиқиши аниқ маҳсулотга нисбатан технология жараёнларни, ташкил этиш стандартларини ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришга риоя қилиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Тўғри харажатларнинг ижобий четга чиқиши маҳсулот бирлигига мўлжалланган меъёр ва меъёрликларнинг нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Доимий харажатлар бўйича четга чиқишини уларни ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига ва қайишқоқ сметаларга бўлган таъсирига қараб таҳлил қилинади.

Ҳисобланган четга чиқишларни яна ҳужжатлаштирилган четга чиқишлар ҳам деб атайдилар. Уларга аниқланган четга чиқишлар киради: сигнал ҳужжатли маълумотлари бўйича ишлаб чиқариш жараёнининг бошланишигача; ишлаб чиқариш вазифасининг бажарилиш меъёри бўйича; ҳисобот даври тугаганда ҳисоб ва формулалар ёрдамида (бир неча соатдан бир неча ойгача).

Мазкур ҳисобот даврида ҳужжатлаштирилмаган меъёрдан четга чиқишлар тугалланмаган ишлаб чиқаришни, тайёр ва яроқсизликка чиқарилган маҳсулотни, материаллар ва бошқа моддий қийматликларни инвентаризация қилиш усули ёрдамида аниқланади. Уларнинг пайдо бўлиши сабаблари қуйидагиларда бўлиши мумкин: материалларни беришда ёки уларнинг қолдиқларини санашдаги аниқмовчиликлар; яроқсизликни яшириш; ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажмини қўшиб ёзиш; ЯТМ, детал ва маҳсулотларнинг бузилиши, йўқотиш ва етишмаганлиги; материаларнинг қолдиқлари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризациясининг аниқмаслигидир. Ҳисобланмаган четга чиқишлар ҳисобот даври тугашига аниқланади ва ишлаб чиқариш ва бошқарув ҳисобининг етарли даражада ташкил этилмаганлигидан далолат беради.

Моддий четга чиқишлар таъминот-тайёрлов ва ишлаб чиқариш фаолиятида вужудга келади. Улар материал қолдиқлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва мазкур ҳисобот даврида сотилган маҳсулот ўртасида тақсимланади. Баҳоли четга чиқишлар, одатда сотилган маҳсулотнинг таннархига олиб борилади.

Четга чиқишлар таҳлилининг жараёни тегишли муолажалардан иборат. Бунда фойда бўйича четга чиқишлар уларга ишлаб чиқариш харажатлари меъёридан четга чиқиш нуқтаи назаридан қаралган.

Маҳсулотни ишлаб чиқаришда материаллар сарфи бўйича четга чиқишларга иккита асосий омиллар таъсир кўрсатади: материалларнинг нархи, уларнинг миқдори ва ишлаб чиқаришда ишлатилиши.

Нархлар бўйича четга чиқишлар сотиб олинаётган материал миқдорини бирлик материалга бўлган меъёрий ва ҳақиқий нархнинг ўртасида фарққа кўпайтириш билан аниқланади:

Нч=(Нм-Нх)хМм

Нч- нархлар бўйича чиқиб кетишлар;

Нм- меъёрий нарх;

Нх- ҳақиқий нарх;

Мм- сотиб олинадиган материал миқдори.

Чиқиб кетишларнинг эҳтимол сабаблари: бозорда нархларни ўзгари-

ни; таъминот-тайёрлов хизматларининг фойдали етказиб берувчиларни излашдаги хатолари; материалларни арзон нархда, лекин сифатсизини сотиб олиш; бу маҳсулот сифатининг ёмонлашишига ёки ишлаб чиқаришдаги чиқиндилар миқдорининг кўпайишига олиб келади. Тезда сотиб олиш, транспортировкага, ортиш-тушириш ишларига қўшимча харажатларни, буюртмаларнинг тез бажарилганлиги учун етказиб берувчиларнинг юқори нархларини келтириб чиқарадиган захираларни ёмон бошқариш ва сотиб олиш фаолиятида вужудга келадиган бошқа ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин.

Четга чиқишлар бўйича ҳисоб-китобларга иккита ёндашиш мавжуд:

1. Сотиб олинган хомашёнинг миқдорига мувофиқ. Унда чиқиб кетишлар материалларнинг қолдиғи ва сотилганган маҳсулотларнинг ўртасида тақсимланади.

2. Ишлатилмаган материаллар миқдорига мувофиқ. Бу ҳолда ҳамма четга чиқишлар реализация қилинган маҳсулотнинг таннархига ҳисобдан чиқарилади.

Четга чиқишлар таҳлилининг муолажалари



Материалларни ишлатиш бўйича меъёрдан четга чиқишлар ҳақиқатда ишлатилган материалнинг ҳақиқатдаги ишлаб чиқаришда бўлган меъёрий сарфлар

билан таққослаш йўли билан аниқланади. Бу принцип харажатларнинг қайнноқ сметасини тузишда ҳам асос солувчи ҳисобланади. Чиқиндиларга нисбатан ҳам шундай йўл тутилади.

Материаллар сарфи меъёрларидан четга чиқишларни аниқлаш учун қуйидаги усуллар қўлланилади: ҳужжатлаштириш; маҳсулотнинг чиқишга сарфланган тўғри харажатлар бўйича четга чиқишларни аниқлаш билан материалларни турухли ишлатиш; инвентаризация маълумотлари асосида рецептуралар; кейинги ҳисобланишлар бўйича олдиндан тўловларни амалга оширши.

Ҳар бир субъект ўзининг технологияси ва материалларининг хусусиятига мувофиқ четга чиқишларни аниқлаш учун ўзининг тизимини танлайди. Лекин ҳар бир ҳолатда ҳисоб-китоб қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

(Мм-Мх)*хМн

Мм- маҳсулотни ҳақиқий ишлаб чиқаришга бўлган меъёрий сарф;

Мх- ишлатилган маҳсулотнинг ҳақиқий миқдори;

Мн- материалнинг меъёрий таннархи.

Четга чиқишларнинг эҳтимоллик сабаблари; хомашёни бир турини ва турдаги размерини бошқасига алмаштириш; етказиб берилаётган материаллар стандартларини бузиш; маҳсулотни комплектлаш шароитларини сотиб олинадиган ЯТМ билан ўзгартириш; хомашё рецептурасини ўзгартириш; технологияни бузиш; нотўғри ёки норационал бичиш натижасида вужудга келган тўғри ортиқча сарфлаш; ўғирлик, бузиш, камайиш.

Материаллар бўйича четга чиқишнинг таҳлилида чиқиндиларнинг ҳар хил турларини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Улар қуйидаги моҳиятлари бўйича туркумланади:

- ишлаб чиқаришда мумкин бўлган чиқиндилар техникда ишлов бериш жараёнида вужудга келади, улар материалларнинг харажатларига киритилади, ҳақиқатда олинган чиқиндилар уларнинг меъёрий ҳажми билан таққосланади ва четга чиқишларнинг сабаблари аниқланади;
- якуний брак натижасидаги ишлаб чиқариш чиқиндилари - ишлаб чиқариш жараёнида бузилган материал қисми тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга киритилган маҳсулот билан таққослаш натижасида аниқланади. Айрим субъектларда брак харажатлари меъёрларининг бир қисми сифатида қаралади;
- маъмурият айби билан ишлаб чиқариш чиқиндилари бошқарувчилар томонидан нотўғри қарорлар қабул қилишда, ишлаб чиқариш чиқиндилари назоратининг йўқлиги ёки етарли даражада назорат қилинмаслиги натижасида вужудга келади.

Материаллар бўйича четга чиқишлар уларнинг вужудга келиш марказлари, технология муомалалари, маҳсулот ва материалларнинг турлари, сабаблари, айбдорлар ва бошқа хусусиятлари бўйича умумлаштирилади.

Меҳнат сарфлари бўйича четга чиқишлар таҳлил жараёнида уларнинг муҳимлиги даражаси бўйича ажратилади. Энг аввало, меҳнатнинг меъёрий харажатларидан четга чиқишлар икки сабаб билан келиб чиққанлиги, яъни

меҳнат ҳақи ставкаси ва меҳнат самарадорлиги билан, яъни меҳнат ҳақи ва меҳнат миқдори билан аниқланади.

Меҳнат ҳақи ставкаси бўйича четга чиқишлар бир соатлик меҳнатнинг ҳақиқий ва меъёрий нархини таққослаш билан қуйидаги формула бўйича аниқланади: (См-Сх)хСи

См- 1 соатнинг меъёрий қиймати;

Сх- ҳақиқий соатлик ставка;

Си- ишлаб берилган соатларнинг ҳақиқий сони.

Четга чиқишларнинг эҳтимол сабаблари меъёрга киритилмаган меъёрий ставканинг ошишида: бу ишни бажараётган ишчининг разрядига иш разрядининг тўғри келмаслиги; меъёрий ставкада ҳисобланмаган рағбатлантиришлар даражасининг ошиши; технология жараёнидан четга чиқиш, ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этишнинг камчиликлари билан вужудга келган меъёрий баҳолашларга ҳар хил қўшиб тўланлар натижасида вужудга келади.

Унумдорлик бўйича четга чиқишлар - бу асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларининг меҳнат ҳажми бўйича четга чиқиб кетишлардир. Меҳнат унумдорлиги бўйича четга чиқишларни ҳисоблаш формуласи шуни кўрсатади: (См-Сх)хСи

См- маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмини ишлаб чиқариш учун керак бўлган меъёрий вақт;

Сх- маҳсулотнинг шу ҳажмига ҳақиқатда сарфланган вақт;

Си- меҳнат ҳақининг меъёрий соатбай ставкаси.

Айрим ҳолларда таҳлил учун аниқ маҳсулот ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш коэффициенти қўлланилади. У ўзи билан ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг маълум вақт ичидаги меъёрига нисбатини кўрсатади.

Четга чиқишларнинг эҳтимол сабаблари: маҳсулот ассортименти; материалнинг паст сифати; ускунанинг техник ҳолати; технология жараёнларнинг ўзгариши ва ҳолати; ишнинг мураккаблик даражаси; янги ускунани, инструментларни татбиқ этиш, ўрнатиш ва бошқа турли сабаблардан келиб чиқади.

Меҳнат сарфи бўйича четга чиқишлар цех, бўлима томонидан назорат қилинини мумкин, лекин уларнинг кўп қисми паст ва ўрта даражали бошқарувчилар назоратининг суслиги натижасида содир бўлади.

Бошқарув ҳисоби тайёрлайдиган четга чиқишлар ҳақидаги маълумот турлича ва бу четга чиқишлар нимага қаратилганига боғлиқ. Масалан, меҳнатнинг самарасиз усулларини қоплашга, маҳсулот ассортиментини ўзгартиришга, маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича харажатларни қоплашга. Шу жиҳатдан меҳнат ҳақи бўйича меъёрий ставкалар таҳлил қилинади. Хар бир меъёрий ставка ишлаб чиқариш шароитларига тўғри келадиган меъёрлаштиришларга асосланиши керак. Етарлича аниқ ишланмаган меъёрлаштиришлар меҳнат бўйича чиқиб кетишларни ҳисоблаш ва таҳлил қилишни, вазифани бажаришини баҳолашни минимумга тушириб юборади.

Устама сарфлари бўйича четга чиқишлар уларни ишлаб чиқариш ҳажмига, алоҳида маҳсулотга сарфланган харажатларни назорат қилиш мақсадида ин-

лаб чиқариш қувватларини ишлатишга бўлган ҳулқига нисбатан таҳлил қилинади. Бу четга чиқишлар ҳақиқий ишлаб чиқариш устама сарфларини ишлатишнинг олдиндан белгиланган меъёри бўйича буюмларнинг турларига тақсимланган суммага тўғри келиши жиҳатидан кўрилади. Бу ҳолда ҳақиқий устама сарфлари ва тайёр ёки реализация қилинган маҳсулотнинг таннархини ишлатишнинг умумий суммалари доимий ва ўзгарувчан асосланувчиларга бўлинади.

Доимий устама сарфлари бўйича четга чиқишлар - бу маҳсулот таннархига киритилган меъёрий доимий сарфлар билан ҳақиқий доимий сарфлар ўртасидаги фарқ. Четга чиқишларнинг суммасига қуйидагилар таъсир этиши мумкин:

- сметадан фарқ қилувчи ҳақиқий сарфлар (таркиби ва миқдори бўйича);
- сметадан фарқ қилувчи маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқарилиши (ассортименти ва ҳажми бўйича).

Бу икки турдаги четга чиқишлар яна доимий устама сарфлари бўйича чиқиб кетишлар ва ҳажм бўйича чиқиб кетишлар ҳам дейилади.

Доимий устама сарфлари бўйича четга чиқишларнинг таҳлили ҳақиқий ва меъёрий сарфларни сметанинг ҳар бир моддаси бўйича таққослашни талаб қилади. Четга чиқишларнинг турли сабаблари аниқланиши мумкин. Масалан, режадан ташқари, таъминлов ишларини олиб бориш, наладчикларга меҳнат ҳақини қайтадан кўриб чиқиш ва бошқалар. Сметаларнинг тизимли бўлинмалар бўйича тузилганлиги уларни бажарилишини таҳлил қилиш ҳам цехлар, ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича ўтказилади.

Таҳлилнинг асосий йўналишларидан бири доимий устама сарфларини назорат қилинадиганлари билан бир қаторда назорат қилинмайдиганини кўриб чиқишдир. Шу мақсадда меъёрлаштиришларнинг сабаби сифатида мазкур бошқарувчига боғлиқ бўлган тўғри харажатлар бўйича четга чиқишларнинг йўл қўйилган даражада мавжуд бўлиши керак. Назорат қилинадиган харажатларни назорат қилинмайдиганидан фарқлаш учун ишлаб чиқариш жараёни асосида вужудга келган тўғри сарфлар текширилади ва мазкур харажатлар маҳсулотлар бўйича туркумланади.

Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича четга чиқишлар - бу -

$$(ФП-СП)хНС$$

ФП- ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми

СП- маҳсулотни сметали ишлаб чиқариш

НС- доимий устама сарфлари.

Формула йўриқномага асосланган, доимий устама сарфлар ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан қисқа муддат давомида ўзгармайди.

Четга чиқишларнинг эҳтимол сабаблари: маҳсулотга бўлган талабнинг ўзгарувчанлиги; маҳсулотнинг ассортименти; материал етказиб беришдаги камчиликлар; самарадорсиз меҳнат; маҳсулотнинг паст сифати; ишлаб чиқаришни режалаштиришда, бошқаришда, ташкил этишдаги камчиликлар, ускунанинг туриб қолиши ва бошқа омиллар. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича четга чиқишларнинг қийматига асосан, самарадорлик ва қувват бўйича четга чиқишлар таъсир этади.

Меҳнат самарадорлиги бўйича ишлаб чиқариш ҳажмидан четга чиқиши: (НЧ-ФЧ)хНС

НЧ- маҳсулотнинг меъёр-соатда ишлаб чиқарилиши

ФЧ- ҳақиқатан сарфланган меҳнат вақти, соатда

НС- доимий устама сарфларини тақсимлашнинг меъёрий ставкаси.

Қувват бўйича ишлаб чиқариш ҳажмидан четга чиқиши :(ФЧ-СЧ)хНС

ФЧ- ҳақиқатан сарфланган меҳнат вақти

СЧ- меҳнатнинг сметали вақти, соатда

НС- доимий устама сарфларни тақсимлашнинг меъёрий ставкаси.

Ўзгарувчан устама сарфлари бўйича четга чиқишлар: Ус-Ух

Ус- смета бўйича ўзгарувчан устама сарфлар

Ух- ҳақиқий ўзгарувчан устама сарфлари.

Четга чиқишларнинг умумий суммаси қуйидагича таҳлил қилинади: сметадан тўғридан-тўғри четга чиқишлар (абсолют); нининг ҳақиқий ҳажмига нисбатан ҳақиқий четга чиқишлар (нисбий); самарадорлик бўйича четга чиқишлар.

Абсолют четга чиқишлар ҳақиқий ва сметали сарфлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Ҳар бир модда бўйича чуқур ва ҳар томонлама таҳлил ўтказилади.

Сметанинг ҳақиқий ҳажмига тўғриланган четга чиқишлар алоҳида ҳисоб-китоблар билан аниқланади. Бу ҳолда четга чиқиш сметали, тўғриланган ўзгарувчан устама сарфлари (СЎУС) ва ҳақиқий ўзгарувчан устама сарфларининг (ХЎУС) фарқига тенг: СЎЎС-ХЎУС

Таҳлил учун сметанинг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот маълумот манбаи бўлиб ҳисобланади. Сметанинг ҳар бир моддаси бўйича турли хил четга чиқишлар бўлиши мумкин.

Ўзгарувчан устама сарфларининг самарадорлик бўйича четга чиқишлари меъёр-соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот (МС) билан кўриладиган давр ичида ҳақиқатда сарфланган иш вақти (ХС) ўртасидаги фарқи ўзгарувчан устама сарфларининг (Ум) меъёрий ставкасига кўпайтирилганлиги: (Мс-Хс)хУм

Бу четга чиқишларнинг асосий сабаби - меҳнат унумдорлигининг ўзгаришини ҳисобланади.

8.7.Бошқарув қарорларини қабул қилишда ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши (динамикаси)ни таҳлил қилиш

Маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари қаторига киради. Маҳсулот таннархи динамикасини таҳлил қилиш субъект ва ишлаб чиқариш бўлинмаларида хўжалик механизмининг самарадорлиги ҳақида тушунча беради. Таҳлил ўзи билан қуйидаги принцип бўйича фойдани шакллантиришни бошқаришнинг инструментини акс эттиради:

Харажатлар - Ишлаб чиқариш ҳажми - Фойда

Бошқарувнинг бу формуласи харажатлар, меъёрлаштиришлар, стандарт меъёрлар ва алоҳида турдаги маҳсулот таннархини калькуляция қилиш тўғ-

рисидаги смета маълумотлари, буюмларнинг турлари бўйича сотиш натижаларининг ҳисоби ҳақида маълумотларни талаб қилади. Ялпи фойданинг ҳажмига қуйидаги омилларнинг гуруҳи таъсир кўрсатади:

- маҳсулотни сотишдан олинган даромад бўйича четга чиқишлар;
- ишлаб чиқариш харажатлари меъёрларидан четга чиқишлар;
- маҳсулотни сотиш бўйича харажатларнинг меъёридан четга чиқишлар.

Лекин самарадорлик кўрсаткичларининг катта миқдори бошқарув қарорларини қабул қилишда ишлаб чиқариш даражаларини тизимли таҳлил қилишни ташкил этишни ва ишлаб чиқариш харажатлари динамикаси ва таҳлил натижаларидан фойдаланишни қийинлаштиради. Таҳлил тизими изланишнинг уч элементидан иборат:

а. Горизонтал таҳлил - ўтган даврдан ёки ҳисобот йили сметаларидан четга чиқишларни аниқлаш;

в. Вертикал таҳлил - ҳар бир кўрсаткичнинг таркибий қисмларини ўрганиш ва меъёрдан четга чиқишларнинг умумий ҳажмида уларнинг ўзгаришларини ўрганиш;

с. Трендли таҳлил - бир қатор ҳисобот даврлари мобайнидаги ўзгаришларнинг динамикасини ўрганиш.

Харажатлар динамикасини таҳлил қилишнинг мақсади- субъект учун кераклича бўлган самарадорлик даражасини ушлаб туришга имкон берувчи кўп турдаги омилларни танлаш йўли билан маҳсулотларга нархларни белгилашдир. Шунинг учун бошқарув ҳисобида муҳим йўналиш бўлиб таннархнинг шаклланишини бошқаришдаги йўналишларни аниқлаш ҳисоблапади.

Харажатларни олдиндан назорат қилиш шакли сифатида харажатлар динамикаси таҳлилининг мақсадини жорий қилишга икки ёндашишдан фойдаланилади: булом яратиш жараёнида харажатларни камайтириш йўлларини излаш; ишлаб чиқариш жараёнида харажатларни камайтириш йўлларини аниқлаш. Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун харажатларни туркумлаш шу таҳлилнинг икки йўналишига бўйсунган. Узоқ муддатга қарор қабул қилиш биринчи ёндашишни қўллашни талаб қилади, харажатлар динамикасининг таҳлилида қисқа муддатли қарорларни қабул қилиш учун эса иккинчи ёндашиш талаб қилинади.

Бу ерда қисқа муддатли қарорлар қабул қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнида харажатларни камайтириш йўлларини излаш учун харажатларнинг таҳлили кўриб чиқилади.

Харажатларнинг динамикасини излаш қуйидаги таҳлилдан иборат:

- субъектнинг фаолияти ва сметаларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботларнинг самарадорлиги;
- бир қатор ҳисобот даврлари учун молиявий сметаларни, меъёрлардан четга чиқишларни таққослаш;
- ускунани таъмирлаш, сотиб олиш ва таъминлаш билан боғлиқ харажатлар;

■ ишлаб чиқаришнинг умумий устама харажатларини пасайтириш учун субъектни кенгайтириш;

■ қолган ассортиментда фойдани ошириш учун ишлаб чиқаришдан маълум маҳсулотларни олиб ташлашнинг зарурлиги;

■ устама сарфларни қайта тақсимлаш мақсадида ҳамда уларга бўлган нархни пасайтиришда маълум маҳсулотларнинг ҳажмини кўпайтириш;

■ захирадаги материаллар сифатида ва амал қилиш муддати;

■ бекор қилинган буюртмалар бўйича тугалланмаган ишлаб чиқаришни чиқариб ташлаш;

■ маҳсулотни қадоқлаш ва истеъмолчига етказиб бериш бўйича сарфлар;

■ янги маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича изланиш ишларини олиб бориш ва уни ўзлаштириш;

■ персонални баҳолаш ва тайёрлаш;

■ ўтган даврнатижаларини ҳисобга олган ҳолда фойда олиш ва субъектнинг умумий молиявий сиёсати йўналишларини белгилаш.

Таҳлилнинг бош қисми бўлиб маҳсулотларни танлаш ҳисобланади. Энг аввало, маҳсулот билан унинг таркибий қисмлари (уларга кеттан вақт ва сарфлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини тавсифлайди) ўртасида алоқа ўрнатилади.

Маҳсулотлар ташқи кўринишиби билан бир-биридан анчагина фарқ қилиши мумкин, лекин шу билан бирга бир технология жараёнда тайёрланган бўлиши мумкин, ёки аксинча, ташқи кўриниши бир хил бўлиши мумкин, лекин ишлаб чиқариш ва маркетингнинг ҳар хил усулларидан иборат бўлади. Рақобатбардошликни ҳисобга олган ҳолда маҳсулот у ёки бу хусусиятига қараб танланади. Шуни назарда тутиш керакки, рақобатбардошлик хусусияти бўйича танлаш нисбатан тўғрироқ ҳисобланади.

Маҳсулотларни ялпи фойда хусусияти бўйича танлаш ишлаб чиқариш ҳажмининг қийматига асосланади. Тўғри харажатларни озмунча камайтириш ва ишлаб чиқаришнинг катта ҳажмида яхши натижаларга эришиш мумкин. Бу ҳолда таҳлилчилар ўзининг эътиборини ўтган давр маълумотларига эмас келгуси даврга қаратадилар. Бошқа ҳолларда маҳсулотнинг маржиналлиги субъектнинг баҳо ва маркетинг сиёсатига боғлиқ.

Маҳсулот танлашнинг қўшимча принциплари бўлиб доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг юқори ёки паст даражаси ҳисобланади. Бу ҳолда бухгалтер-таҳлилчи ўзгарувчан харажатлар ҳажмини доимий харажатларни қоплаш ва соф фойда олишга нисбатан маржинал қўйилма билан боғлайди.

Маҳсулот танлашнинг айни услубий қўлланмаси - қиймат таҳлилининг усулидир. Бу маҳсулот қисмларини алмаштириш ёки чизмаларга ўзгартиришлар киритиш имкониятини текшириш йўли билан харажатларни пасайтириш йўлларини излаш усулидир. Мазкур усул ҳамма субъектларда ҳам қўлланилавермайди, у фақатгина бошқарув ҳисоби маълумот бериб ва улар математик тарзда қайта ишланиши мумкин бўлган субъектларда қўлланилади. У учта босқичдан иборат: ҳар бир деталнинг тайинланишини белгилаш;

бажариладиган функцияни шунга ўхшаш объектлар ёки тайинланлар бўйича харажатлар ҳажми билан таққослаш йўли билан тайинланини баҳолаш; қийматни ўзгартирувчи альтернатив вариантларни ишлаб чиқиш.

Таҳлилнинг бошқа муҳим пайти - ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш нуқтаи назаридан изланиш ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг турли ҳажмларини таъминловчи ишлаб чиқариш қуватларидан фойдаланишнинг бешта даражаси мавжуд: назарий, амалий, меъёрий, кутилаётган, ҳақиқий. Охирги учта даража эгри харажатларнинг сметаларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунда меъёрий даража субъектнинг ишлаб чиқариш имкониятиларини пасайтирувчи ташқи омилларнинг таъсирини ҳисобга олиб ишлаб чиқаришнинг максимал (энг кўп) ҳажмини таъминлайди. У асос солувчи ҳисобланади ва харажатлар ҳажми ўзгаришининг йўналишларини аниқлаш учун ишлатилади. Айрим ҳолларда асос солувчи деб кутилаётган даража, режалаштирилаётган йил мобайнида кутилаётган чиқиб кетишларнинг эҳтимол ҳажмига тўғриланган меъёрий даражанинг ишлаб чиқариш ҳажми танланади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш қуватларидан фойдаланишнинг бирлик ўлчамининг у ёки бу даражасини танлаш таҳлил натижасига маълум таъсир кўрсатади. Тайёр маҳсулотнинг бирликлари сифатида қуйидагилардан фойдаланилади: натурал (метр, тонна, дона ва ҳоказо); ишлаб берилган вақт (одам-соат, машина-соат); тўғри меҳнат ҳақи.

Масалан, маълум субъект бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаради ва қуйидаги кўрсаткичларга эга:

Кўрсаткичлар	Маҳсулот бирлигига меъёрий кўрсаткичлар	Маҳсулот ишлаб чиқарилишига ҳақиқий кўрсаткичлар
Асосий материаллар (3 шебий бирлик х 15000), сўм	45000	71680000 (5120 шебий бирликх14000 бирлик учун)
Бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун меъёр-соатлар	8	-
Тўғри меҳнат ҳақи (8 соат х 2100), сўм	16800	28750 (12500 меъёр-соатх2300)
Умумий ўзгарувчан сарфлар (8 соат х 3925), сўм	31400	50000000
Умумий доимий харажатлар (8 соат х 2625), сўм	21000	40000000
Ишлаб чиқариш қувватини ишлатишнинг меъёрий даражаси, бирлик	2000	1600

Қуйидаги формула бўйича меъёрий тенглама кўрсатилган:

Умумий харажатлар=доимий+ўзгарувчан харажатлар.

114200=21000+31400+16800+45000- маҳсулот бирлигига;

228400=42000+62800+33600+90000- қувватлардан фойдаланишнинг меъёрий даражасида.

Иқтисодий адабиётда умумий харажатларни ўзгаришни таҳлилининг бир неча услубий қўлланмалари таклиф этилади.

Биринчи вариант меъёрий (бюджет) тенгламада кўрсаткичларнинг секин-аста ўзгариши кўзда тутилган.

Ҳақиқий харажатлар	Ишнинг ҳақиқий соатларидаги харажатлар	Ишнинг меъёр-соатларидаги харажатлар	Меъёрий харажатлар
190430 (40000+50000+ 28750 +71680)	189942,5 (42000+12500x3925 +16800x1600+45000 x 1600)	191120 (42000+12800x 3925x16800x1600+ 45000x1600)	182720 (12800x2625+ 12800x3925+ 16800x1600+ 45000x1600)
Ўзгаришлар сабабли содир бўлган четга чиқишлар	режада 189942,5-190430=-487,5	унумдорликда 191120-189942,5 =+1177,5	ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасида 182720-191120= -8400
Умумий четга чиқишлар: 182720-190430=-7710,0 минг сўм			

Иккинчи вариант: ҳисоблашлар харажатларнинг меъёрий ставкаларига ва ишниқг ҳақиқатдаги соатларига асосланади.

Ҳақиқий харажатлар	Ишнинг ҳақиқий соатларидаги харажатлар	Ишнинг ҳақиқий соатларидаги ва харажатларни меъёрий ставкаларидаги харажатлар	Меъёрий харажатлар
190430	189942,5	180755 (12500x2625+ 12500x3925x 16800x1600+ 45000x 1600)	182720
Ўзгаришлар сабабли содир бўлган четга чиқишлар	режада 189942,5-190430=-487,5	ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасида 180755-189942,5 = -9187,5	унумдорликда 182720-180755 = +1965
Умумий четга чиқишлар: 182720-190430=-7710,0 минг сўм			

Учинчи вариант маълум камчиликларга эга, чунки ҳақиқий харажатлар сметанинг ўзгаришларини ҳисобга олмасдан қаттиқ смета билан таққосланади.

Ҳақиқий харажатлар	Ишнинг ҳақиқий соатларидаги харажатлар	Ишнинг ҳақиқий соатларидаги ва харажатларни меъёрий ставкаларидаги харажатлар	Меъёрий харажатлар
190430	203680 (42000+62800+ 16800x1600+45000x 1600)	180755	182720
Узгаришлар сабаби содир бўлган четга чиқишлар	сметада 203680-190430=+13250	ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасида 180755-203680= -22925	меҳнат унумдорлигида 182720-180755 = +1965
Умумий четга чиқишлар: 182720-190430=-7710,0 минг сўм			

Умумий четга чиқишлар таҳлилининг ҳар бир варианти ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. Лекин ҳар бир ҳолда таҳлил ишлатилмаган қувватлари тўғри харажатлар ва тизимли силжишлар таҳлилига қўшимча ҳолда умумий эгри харажатлар бўйича четга чиқишларининг қийматига бўлган таъсирини кўрсатади. Тизимли силжишлар ва баҳоларни маҳсулотни сотишдан тушган даромадга таъсир кўрсатадиган омиллар, маҳсулотларни маржиналлиги (8.8.§)да кўриб чиқилади. Субъект фаолиятининг натижавийлигига ҳамма омилларнинг умумий таъсири бошқарувчиларга, уларнинг фикрича, энг яхши бўлган вариантини танлашга имкон беради.

8.8.Ишлаб чиқариш зарарсизлигининг таҳлили ва қарорларни қабул қилиш

Бозорнинг шаклланиши ва уни муқобиллаштириш усулларини ишлаб чиқиш бозор элементларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлигини, яъни талабни, таклифни ва баҳони аниқлайди. Тизимнинг ҳар бир элементи ўзгаради ва ишлаб чиқариш омилларининг, харажатлар ва даромадлилик (маржиналлик)нинг таъсирига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш ҳажмлари, сотишдан тушган ялпи даромад, сарфлар ва соф фойданинг ўзгаришлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик таҳлили олиб борилади. Бунда муҳим эътибор маҳсулотни ишлаб чиқаришга қаратилади, бу эса бошқарувчиларга ишлаб чиқариш ҳажмининг критик («ўлик») нуқтасини аниқлашга имкон беради. Критик нуқта деб, субъектнинг харажатлари ушбу маҳсулотни сотишдан тушган даромадга тенг бўлган сотув ҳажмининг нуқтасига айтилади. Бу тизимда фойда ҳам олинмайди ва зарар ҳам кўрилмайди.

Ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик таҳлили қисқа вақт мобайнида сотиш ҳажми, сарфлар ва даромад ўртасидаги боғлиқликни аниқлайди. Таҳлил

натижаларига кўра, йўриқнома берилаётган даврда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш қуввати билан чегараланган бўлади.

Ҳалқаро амалиётда критик нуқтани аниқлаш учун тенглама, маржинал даромад, график усулларидан фойдаланилади.

Тенглама усули соф фойда формуласи бўйича ҳисобланишга асосланган:

Маҳсулот сотишдан олинган даромад	-	*Сотишнинг ҳажми учун сарфланган ўзгарувчан харажатлар*	-	*Умумий суммадаги доимий харажатлар*	=	*Маҳсулот сотишдан тушган соф фойда*

Формула кўрсаткичларини ҳисоблаш тартибини деталлаштириб уни қуйидаги кўринишда бериш мумкин:

Бирликлар миқдори х Маҳсулот бирлигининг нархи	-	Бирлик миқдори х Бирликка бўлган ўзгарувчан сарфлар	-	Умумий суммадаги доимий харажатлар	=	Маҳсулотни сотишдан тушган соф фойда

Тенглама усулини тизимли силжишларнинг таъсирини таҳлил қилишда қўллаш мумкин. Сотиш маҳсулотнинг нисбий ҳиссасини сотишдан тушган даромаднинг умумий суммасидаги тўплаш сифатида кўрилади. Агарда тизим ўзгарса, тушумнинг ҳажми берилган миқдорга етиши мумкин, фойда эса кам бўлиши мумкин. Фойдага бўлган таъсир ассортимент маҳсулотнинг паст рентабеллиги ёки юқори рентабеллиги томон ўзгаришига боғлиқ.

Дейлик, субъект икки турдаги (А ва В) маҳсулотни ишлаб чиқаради ва қуйидаги кўрсаткичларга эга:

№	Кўрсаткичлар	А	В	Жами
1.	Сотишнинг ҳажми, дона	100000	20000	120000
2.	1 дона учун нархи, сўм	2000	3000	-
3.	Сотишдан тушган даромад, минг сўм	200000	60000	260000
4.	1 донага бўлган ўзгарувчан сарфлар, сўм	1600	1900	-
5.	Сотишнинг бутун ҳажмига бўлган ўзгарувчан сарфлар, минг сўм	160000	38000	198000
6.	Маржинал даромад, минг сўм	40000	22000	62000
7.	Доимий сарфлар, минг сўм	х	х	30000
8.	Соф фойда, минг сўм	х	х	32000

В маҳсулоти 1 донасининг сотилишига А маҳсулотининг 5 донаси тўғри келади. Кейинчалик В маҳсулотнинг х дона критик нуқтаси ва 5х- А маҳсулотининг миқдорига шартли равишда йўл қўйилади.

Жойига қўйишда қуйидагиларга эга бўламиз:

(2000х5х)+3000х-(1600х5х)-1900х-30000000=0

10000+3000х-8000х-1900х-30000000=0

3100х=30000000 сўм,

х=9677 дона- В маҳсулоти

9677 дона х 5=48385 дона- А маҳсулоти,

9677 дона + 48385 дона=58062 дона В ва А маҳсулотлари.

Сотиш ҳажмининг критик нуқтаси - 58062 дона, шундан 9677 дона В маҳсулоти ва 48385 дона А маҳсулоти ҳисобланади.

Айтайлик, сотилган маҳсулот тизимининг қуйидаги ўзгаришлари содир бўлди:

№	Кўрсаткичлар	А	В	Жами
1.	Сотишнинг ҳажми, дона	80000	40000	120000
2.	1 дона учун нарх, сўм	2000	3000	-
3.	Сотишдан тушган даромад, минг сўм	160000	120000	280000
4.	1 донага бўлган ўзгарувчан сарфлар, сўм	1600	1900	-
5.	Сотишнинг бутун ҳажмига бўлган ўзгарувчан сарфлар, минг сўм	128000	76000	204000
6.	Маржинал даромад, минг сўм	32000	44000	76000
7.	Доимий сарфлар, минг сўм	х	х	30000
8.	Соф фойда, минг сўм	х	х	46000

Маҳсулот тизимини таққослашда юқори маржинал даромад билан маҳсулот ҳиссасининг кўтарилганлигини кўрамиз, шунинг учун соф фойда ҳам ошади.

Критик нуқтани топамиз:

(2000х2х)+3000х-(1600х25х)-1900х-30000000=0,

4000х+3000х-32000х-1900х-30000000=0,

1900х=30000000,

х=15790 дона- В маҳсулоти,

15790 дона х 2=31580 дона- А маҳсулоти,

15790 дона+31580 дона= 47370 дона В ва А маҳсулотлари.

Сотиш ҳажмининг критик нуқтаси 47370 дона, шундан 15790 дона В маҳсулоти ва 31580 дона А маҳсулоти ҳисобланади.

Натижани олдинги ҳисоб билан таққослаб критик нуқтанинг ҳажм камайиши томонига қараб 1015 донага ўзгарганини белгилаймиз. Бу ҳолда натура ҳолатдаги ҳажми ўзгармасдан қолганлиги эътиборни жалб қилади.

Демак, сотувнинг умумий ҳажмини назорат қилишда ҳам тизимли силжишларни таҳлил қилиш керак, чунки у ҳақиқий фойданинг режалаштирилганидан четга чиқишини кўрсатади. Маҳсулотни сотишни максималлаштириш ресурслар билан таъминланганлик нуқтаи назаридан ҳам кўрилади. Қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари фойдасиз бўлиши мумкин.

Маржинал даромад усули - тенглама усулининг ҳар хиллиги қуйидаги формулага асосланади:

Маржинал даромад = Сотишдан тушган даромад - Сотишнинг ҳажмига сарфланган ўзгарувчан харажатлар

Бунда критик нуқта

$$\text{Критик нуқта} = \frac{\text{Умумий суммадаги доимий сарфлар}}{\text{Бирликдан кутилаётган маржинал даромад}}$$

Бизнинг мисолда бу қуйидагича бўлади:

Критик нуқта=30000000:516700=58061 дона=58062 дона,

62 млн. сўм:120000 дона=516700 сўм.

Маржинал ёнданишда менежер доимий сарфлар ҳақида маълумот олади: улар умумий маржа билан қопланадими ёки йўқми? Маҳсулотнинг ҳар бир туридан маржинал даромаднинг ҳажми ҳақида, ҳар бир маҳсулотнинг маржиналлиги ҳақида маълумотларни йиғади ва чуқур ўрганади. Бизнинг мисолда:

А маҳсулоти=400/2000х100=20%,

В маҳсулоти=1100/3000х100=36,7%.

Маҳсулотнинг маржиналлиги - бу даромадга (баҳога) фоизли нисбатда бўлган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган маржинал даромаддир.

Маржинал даромад нархни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини ўзгартириш, маҳсулотни сотишни рағбатлантирувчи мукофотларнинг миқдорини ўрнатиш, реклама кампаниясини ўтказиш ва бошқа маркетинг муомалалар билан боғлиқ бўлган бошқарув қарорлари асосида ётади.

График усул зарарсизлик бўйича иқтисодий ва бухгалтерлик модулларининг графикларини тузиш асосида ялпи даромаднинг сотишга, харажатлар ва фойданинг ишлаб чиқариш ҳажмига назарий боғлиқлигини аниқлайди.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг харажатлари ва фойда хулқининг иқтисодий модули субъект қанча ва қандай шароитларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ўсаётган миқдорини сотиши мумкинлигини кўрсатади. Унинг асосида нархларнинг пасайишини сотиш ҳажмининг ўсишига, демак, ишлаб чиқариш ҳажмига бўлган ижобий ва салбий таъсирини аниқлаш мумкин.

Харажатлар ва маҳсулот ҳажмининг графиги



AD чизиғи- ялпи харажатлар- АВ бўлаги ишлаб чиқаришнинг катта бўлмаган ҳажмида уларнинг ўсишини кўрсатади, ВС бўлагида ялпи харажатлар чизиғи тенглаша бошлайди. Бу демак, субъект ишлаб чиқариш қувватларини, ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз графигини ва маҳсулотни серияли чиқаришни тўлароқ ишлатиши мумкин. С нуқтасидан юқорироқдаги бўлакда ялпи харажатлар чизиғи ўса бошлайди. Бу ишлаб чиқариш имкониятининг лойиҳа даражасидан юқорироқ ишлатилишини кўрсатади: хом - ашё етишмаслиги, ишлаб чиқариш жараёни графигининг доимий бузилиши, вақтдан ташқари ишларнинг мавжудлиги ва маҳсулот бирлигига бўлган харажатларнинг тезда ошишини келтириб чиқарувчи бошқа ҳодисалардан иборат.

АК чизиғи ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган доимий харажатларнинг ҳажмини кўрсатади. Субъектнинг ялпи даромади маҳсулотга бўлган нархларни кўрсатувчи ОС чизиғида кўрсатилган.

Иқтисодий модул, асосан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва пасайиши ҳолатларида ўзгарувчан харажатларнинг хулқини ёритади. Иқтисодчилар икки турдаги таъсирни ажратадилар: масштабнинг ўсувчи ва салбий таъсири.

Масштабнинг ўсувчи таъсири - маҳсулот бирлигига бўлган ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқаришнинг паст даражаларида юқори ва ишлаб чиқаришнинг кўпроқ унумлироқ даражасида тенглашади.

Масштабнинг салбий таъсири - маҳсулот бирлигига бўлган ўзгарувчан сарфлар захираларнинг тақчиллиги ва танқис шароитлар натижасида ишлаб чиқаришнинг самарали даражасидан ташқарида тезда ўсиб кетади.

Зарарсизликнинг бухгалтерия модули - бу ялпи даромад билан ялпи харажатларнинг ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига боғлиқлигининг чизиқли графигидир. Таҳлил учун асос бўлиб зарарсизлик (критик) нуқтани ҳисоблаш хизмат қилади. Фойда майдони билан зарарлар майдони критик нуқтадан ўнга ва чапга тарқалади.

Зарарсизликнинг бухгалтерия модулининг чизмаси.



Графикда зарарсизликнинг битта В нуқтаси ва ишлаб чиқариш ҳажмининг лойиқ майдони (диапазони) кўрсатилган. шунда АК чизиғи доимий харажатлари, AD-ялпи харажатлари кўрсатади, KD бўлаги ўзгарувчан харажатларнинг ҳажмини, ОС- маҳсулотни сотишдан тушган даромадни тавсифлайди. Бухгалтерия модули келажакка режалаштирилган ишлаб чиқариш даражасида ялпи харажатлар ва даромадларнинг ўзгаришини кўрсатади.

Реал шароитларда харажатларнинг ҳулқи нафақат ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажмига боғлиқ.

Улар билан бирга хом - ашё, материаллар, сотиб олинадиган ЯТМлар, ишлаб чиқариш унумдорлиги, технология ва режани тузишдаги ўзгаришлар, иқтисодий тақчиллик ва бошқаларга бўлган нархлар ҳам таъсир кўрсатадилар. Шунинг учун фойда, харажатлар ва ҳажм ҳулқини таҳлил қилишда ҳисобларнинг аниқлиги ва ишончлилигини чегараловчи камчиликлар ишлатилади ва улар қуйидагилардан иборат:

- ялпи харажатлар ва маҳсулотни сотишдан тушган даромад қатъий белгиланган ва чизиқли ҳисобланади;
- ҳамма харажатлар доимий ва ўзгарувчанларга бўлинади;
- доимий сарфлар ишлаб чиқаришнинг ўрганилаётган майдони (диапазони) даражасида мустақил бўлиб қолади;
- ўзгарувчан сарфлар ишлаб чиқаришнинг ўрганилаётган майдони (диапазони)да ҳажмга нисбатан тўғри мутаносиб, маҳсулот сотиш нархи ўзгармайди;
- ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материаллар ва хизматларга бўлган нархлар ўзгармайди;
- тизимли силжишлар йўқ;
- ишлаб чиқариш ҳажми сотиш ҳажмига тенг, ёки сотилмаган маҳсулотнинг бошланғич ва якуний захираларининг ўзгаришлари орасидаги фарқ унча кўп эмас.

Хатолар доимо қайта кўриб чиқилади, чунки бизнес динамикали эмас. Бошқарув ҳисоби харажатларнинг ҳулқи ҳақида доимо маълумот тайёрлайди ва вақти-вақти билан синиш нуқтасини, яъни критик нуқтани аниқлайди.

8.9. Маҳсулотнинг ҳажми ва турларини ишлаб чиқаришни назорат қилиш

Ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот ассортиментига нисбатан бошқарув қарорлари молиявий ҳисобот асосида қабул қилинади. Шу ҳолда субъектлар турли йўллар билан сотиладиган маҳсулотларни кенг ассортиментда ишлаб чиқарадилар; катта ва кичик ҳажмда, улгуржи ва чакана савдо ёрдамида, турли географик худудда жойлашган истеъмолчиларга етказиб бериш йўли билан ва ҳоказо. Бундай амалиёт маҳсулотнинг турлари ва бозорларнинг сегментлари бўйича олинадиган даромадлар тўғрисида алоҳида ҳисоботлари талаб қилади.

Бухгалтер томонидан субъектнинг молиявий-сотув фаолияти ҳақидаги тўлиқ молиявий маълумотни ишлатиш субъект ишининг унумдорлигини оширишга қаратилган назоратнинг амалдаги тизимини яратишга имкон беради.

Алоҳида сегментлар бўйича молиявий ҳисоботларга умумий суммаларни киритиш керак ва субъектнинг умумий молиявий ҳисоботига ҳам ушбу суммалар умумлаштирилган ҳолда киритилиши керак. Масалан, ҳар бир маҳсулот ёки маҳсулотнинг ассортиментини ишлаб чиқаришдан олинган фойда

ялпи фойданинг бир қисми бўлиши керак, ишлаб чиқариш ҳажми эса ўзгарувчан харажатларнинг ҳажми билан ўзаро боғлиқликни сақлаши керак. Ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаларининг харажатлари бутун субъект даражасида ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми ҳисобланади ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, маҳсулот тури, иш вақтидан тўлиқ фойдаланганликни ҳисобга олган ҳолда назорат қилиниши лозим. Маҳсулотнинг ассортименти билан алоҳида ишлаб чиқариш бўлинмларида ишлаб чиқариш қувватларининг тўлдирилганлиги ўртасида алоқа мавжуд.

Тадбиркорлик фаолиятининг ҳар бир сегментини баҳолаш ишлаб чиқарини харажатларини ҳисобловчи бухгалтерга муаммо туғдиради. Унинг ечими кўпроқ рентабелли маҳсулотни ва субъектнинг ялпи фойдасининг ишлаб чиқариш ҳажмини ва ассортиментини назорат қилиш тизимини тузиш жараёнида рўёбга чиқади. Ҳар бир субъект учун назорат тизимининг ўзига хослигига қарамай у қуйидаги намунавий муолажаларни ўз ичига олиши лозим:

- ҳар бир маҳсулотнинг рентабеллигини кузатиш;
- ҳар бир маҳсулотдан олинган ялпи фойдани назорат қилиш;
- ҳақиқий фойданинг кутилаётганидан четга чиқишини аниқлаш;
- харажатлар тизимини ҳисоблаб чиқиш, ўта яширин харажатларни чиқариб ташлаш;
- алоҳида маҳсулотга тўғри келадиган устама сарфларни ҳисоблаб чиқиш;
- субъектда қўлланиладиган талабнинг эластиклигига ва бошқа назорат муолажаларига нарх ўзгаришининг таъсирини аниқлаш.

Назорат муолажаларидан фойдаланиш кутилаётган фойдани таъминлаш учун ишлаб чиқариш ҳажмининг қанча бўлишини, фойданинг аниқ ҳажмини олиш учун сотишда қандай нарх қўйиш кераклигини, субъект ишининг зararсизлик чегарасининг, хавфсизлик худудининг ва сотилган маҳсулот тизимининг қандайлигини аниқлашга имкон беради.

Маҳсулот бирлигининг миқдорини ҳисоблаш зararсизлик нуқтасини ҳисобга олмасдан қуйидаги тенгламага асосланади:

$$\text{Кутилган фойдани олиш учун сотилган маҳсулот бирлигининг миқдори} = \frac{\text{Доимий харажатлар+Кутилган фойда}}{\text{Бирлик маҳсулотнинг нархи}}$$

Олдинги мисолнинг маълумотлари бўйича:

(40000+146000):150=1240 дона

яъни, ишлаб чиқаришнинг ҳажмини 760 донагача (2000-1240) тушириш керак.

Ҳисобнинг тўғри усули деб ялпи фойда усулига айтилади, унинг асосида қуйидаги тенглама ётади:

$$\text{Ялпи фойда (ёки маржинал даромад)} = \text{Маҳсулотни сотишдан тушган даромад} - \text{Ўзгарувчан сарфлар}$$

Бизнинг мисол учун ялпи фойданинг чизмасини тузиш қуйидаги расмда кўрсатилган.

Ялпи фойданинг чизмаси (маржинал даромад)



Ўзгарувчан сарфлар чизиғи (ОК) ишлаб чиқариш ҳажми бирлигига 2000 дона бўюм ва 100000 сўм ҳисобидан тузилади. Доимий харажатлар (KD) ялпи (AD) ва ўзгарувчан (ОК) харажатларнинг ўртасидаги фарққа тенг.

Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун майдони (диапазони) учун доимий қиймат ҳисобланади. 40000000 сўмдаги доимий харажатларнинг суммаси ўзгарувчан харажатларга қўшилади, натижада ялпи харажатлар чизиғи ўзгарувчан харажатлар чизиғига параллел бўлади. Маржинал даромад графикда сотишдан олинган даромад чизиғи (ОС) ва ўзгарувчан харажатлар чизиғи ўртасида кўрсатилган. Маҳсулотларнинг қулай майдони (диапазони)-маҳсулотнинг 600дан 2000 донагача бўлган бирлиги даражасида жойлашган.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, ишлаб чиқаришнинг белгиланган майдони (диапазони) чегарасида қарорлар қулай бўлади. Бу майдон (диапазон)дан ташқарида маҳсулот бирлигига бўлган сотиш нархи ва ўзгарувчан сарфлар бошқача бўлади. Айрим ҳолларда таҳлил учун хавфсизлик худуди, шунингдек, хавфсизлик чегарасининг коэффициенти ҳисоблаб чиқилади:

Хавфсизлик худуди = Режалаштирилаётган сотиш ҳажми - Зарасизлик сотиш ҳажми нуқтасидаги

$$\text{Хавфсизлик чегарасининг коэффициенти} = \frac{\text{Режалаштирилаётган сотиш ҳажми} + \text{Зарарсизлик сотиш ҳажми нуқтасидаги}}{\text{Режалаштирилаётган сотиш ҳажми}}$$

Зарарсизлик нуқтаси хавфсизликнинг чегарасини кўрсатмоқда. У субъектнинг зарар кўришидан олдин сотиш ҳажми қанчага қисқартирилиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Умумий таҳлилдан сўнг ҳар бир маҳсулот ёки маҳсулотнинг ассортименти томонидан фойдага қилинган индивидуал қўйилмаларнинг жадвали тузилади.

$$\text{Маҳсулотнинг рентабеллиги} = \frac{\text{Маҳсулот бирлигига таъллукли маржинал даромад}}{\text{Маҳсулот бирлигининг нархи}} \times 100$$

Маҳсулот	Маҳсулотнинг рентабеллиги, %	Маржинал даромад, сўм	Маҳсулотнинг ассортименти тизими, %
А	62	10000000	20
Б	60	20000000	40
В	50	20000000	40
Ялпи маржинал даромад		50000000	100

Жадвалдан кўриниб турибдики, В маҳсулоти энг кам рентабеллидир. Шу маҳсулотни ишлаб чиқариш натижасида умумий рентабеллик тушиб кетган.

Кўрсаткичлар	В маҳсулотини ишлаб чиқаргунга қадар, минг сўм	В маҳсулотини ишлаб чиқаришдан сўнг, минг сўм
Реализациядан тушган даромад	49500	89500
Ўзгарувчан харажатлар	19500	39500
Маржинал даромад	30000	50000
Доимий харажатлар, шундан:		
Тўғри	6800	21500
Эгри	16000	16000
Фойда	7200	12500
Ишлаб чиқаришнинг ўртача рентабеллиги, %	61,0	55,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, рентабеллик фойда бўйича 14,5дан 16%гача ўсган бир даврда маржинал даромад бўйича ҳисобланганда эса 61%дан 55,9%га тушиб кетди. Умумий ялпи маржинал даромаднинг 40%ни эгаллаган В маҳсулоти ушбу маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ва маркетинги ҳақида маълумот олинган сари камаядиган маълум бошланғич харажатларнинг мавжудлиги аниқланди. В маҳсулоти бошқа маҳсулотга нисбатан юқори нархга эга. Бу шароит маҳсулотнинг ассортиментини ўзгартириш учун раҳбарлар томонидан қарор қабул қилишга олиб келса ажаб эмас.

Маҳсулотнинг ҳажми ва ассортиментига янада кенг қараш мақсадида кўп поғонали сегмент ҳисоби маълумотларига асосланган сегмент таҳлили усули қўлланилади. Фойда даражаси нафақат маҳсулотлар бўйича, балки ҳар бир зонани фойданинг умумий суммасига қилган қўйилмалари бўйича баҳоланади. Субъектнинг маржинал даромади тизими бозор зоналари бўйича ҳисобланади, зоналар ичида эса маҳсулотларнинг тури бўйича ҳисобланади. Тадбиркорлик сегментларини назорат қилиш шакллари ишлаб чиқариш бўлинмалари томонидан ҳар бир маҳсулот учун реализация нархини белгилашни ҳам кўзда тутади. Ишлаб чиқариш бўлинмаси томонидан маҳсулот реализациясини баҳолаш, одатда усталар, бўлим ва цех бошлиқларини моддий рағбатланти-

ринда қўлланилади. Шуни эсда тутиш керакки, трансферт нархларини ҳисоблашнинг энг қулай варианти бўлиб, харажатларнинг меъёрлари ҳисобланади. Шунинг учун фойда суммасига ҳар бир бўлинма томонидан қилинган қўйилма тўғри ишлаб чиқариш харажатларининг умумий устамаларини эмас, балки ялпи қопланиши ва субъектнинг соф даромадига бўлган таъсири сифатида қаралади. Назоратнинг кам аҳамиятли бўлмаганининг яна бири сифати бу маҳсулот турлари бўйича талабнинг эластиклигини кузатишдир.

Реализациядан олинган фойданинг асосий концепцияси: нархларнинг кўтарилиши - реализация ҳажмининг камайиши ёки нархларнинг пасайиши реализация ҳажмининг ўсиши ҳисобланади. Талабнинг эластиклиги ҳар бир маҳсулот бўйича аниқланади. Агар талаб эластик бўлса реализациянинг ўсиши ҳақиқий ҳажмининг 1/3 қисмидан ошмаслиги керак ва нархларнинг даражасини ушлаб туришда альтернатив қадам бўлиб харажатларни пасайтириш дастури хизмат қилиши мумкин. Шунда сарфларнинг умумий суммасининг пасайтирилгани реализациянинг ҳақиқий ҳажмини 1/3 қисмидан ошмаслиги керак.

Агар маҳсулот ассортименти маржинал қўйилма ва соф даромад даражаси билан белгиланса, унда ўртача ўзгарувчан харажатлар реализация харажатларига мутаносибликда ўзгаради. Бундай ҳолда реализациянинг юқори даражаси харажатларни пасайтиради. Ишлаб чиқариш қувватларининг етишмаслиги реализация ҳажмининг ўсиши учун қўшимча қўйилма ва ишчи кучи тўпламини талаб қилади, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги пасайиб, харажатлар кўтарилиб кетади.

8.10. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг баҳоси ва ҳажми билан фойданинг ўзаро алоқаси

Маҳсулотга сотув нархини ўрнатиш - субъектнинг асосий масаласи ва менежерининг санъати ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳони шакллантиришнинг бир неча ёндашувлари мавжуд. Биринчи ёндашув - шундай нарх қўйиш керакки, у сотувчини жалб қилсин; бошқаси - ўзи учун маълум нарх чегарасини белгилаш мақсадида рақибнинг ўрнатган нархидан фойдаланиш; учинчиси - рентабеллик ноғонасини, ўзгарувчан харажатлар ва маржинал даромаднинг қийматини аниқлаш учун маҳсулот таннархи ҳақидаги маълумотдан фойдаланиш.

Харажат нархи кўпчилик томонидан реал нархни белгилашда энг ишончли йўл деб кўрилади, чунки у нархда фойданинг қийматини аниқ шакллантиришга имкон беради. Лекин харажат нархлари бозор ҳолатини ва мазкур бозорда маҳсулотнинг ўрнини ва рақобатчиликни ҳисобга олмайди. Кўпгина илғор компаниялар учта келтирилган ёндошувларнинг комбинацияланган усулини қўллайдилар.

Маҳсулотлар, товарлар ва хизматларга қуйидаги нарх ва тарифлар ўрнатилиши мумкин: сотувчи ва харидорлар учун мажбурий бўлган - расмий, субъектнинг мазкур маҳсулотини ҳамма сотиб олувчилари учун бир хил бўлган -

муқобиллантирилган, сотиш-сотиб олиш далолатномасининг ҳар бирида - келишув. Расмий ва муқобиллантириладиган нархлар жаҳон бозори нархлари ёки ишлаб чиқаришнинг асосланган харажатлари асосида ўрнатилади. Келишув нархлари эса ёки индивидуал харажатлар, ёки фойдаланиш параметрлари (товар тавсиялари), ёки талаб ва таклифнинг ўзгариши асосида аниқланади. Реал нархни шакллантириш масаласи ҳозирги даврда субъектларда ишлаб чиқаришнинг тушиб кетишида ортиқча қувватларнинг вужудга келиши, уларни таъминлаш сарфларининг ошиши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, инфляция ва қўшимча қиймат солиғини ҳисоблаш услубининг мавжудлиги учун қийинлашган.

Субъектнинг маъмурияти иқтисодий асосланган нархни ўрнатиш учун қатор муаммоларни ечиши керак:

а) қарор қабул қилишда ҳисобга олинадиган харажатларнинг таркиби - ни асослаш;

в) калькуляция қилиш услубини танлаш;

с) доимий харажатлар минимал бўлган ишлаб чиқариш даражасини ўрнатиш;

d) субъект фойдасининг суммасини ҳисоблаб чиқиш.

Биринчи учта масала ишлаб чиқариш фаолияти ҳақидаги бобда кўриб чиқилган. Субъектнинг фойдасини формула бўйича ва фойда билан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро алоқасини акс эттирувчи график усули ёрдамида ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Формула бўйича фойдани ҳисоблаш усули соф фойда тенгламаси ва капиталнинг қайтимига асосланган:

$$P = \frac{\text{Фонд қайтими x Устав капитали}}{\text{Ўтган йил учун ишлаб чиқаришга кетган харажатларнинг умумий суммаси}} \times 100$$

бу ерда, Р- маҳсулот рентабеллигининнинг даражаси.

$$\text{Фонд (капитал) қайтимининг меъёри} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Ҳиссадорлик капитали}}$$

Масала. Мазкур саноат тармоғи учун фонд қайтимининг ўртача меъёри 10%. Устав капитали- 200 млн. сўм. Маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган харажатлар- 400 млн. сўм, шунда рентабеллик

$$P = \frac{10\% \times 200000}{400000} \times 100 = 5\%\text{ни ташкил этади.}$$

Агар субъектнинг фойдаси ҳисоб нархидан паст бўлса, унда нархни калькуляция қилишда фойданинг ўртача меъёридан ёки унинг озмунча ўсишини ҳисобга олгандан келиб чиқади. Инфляция шароитларида фойданинг ўртача меъёрига субъектда инфляцияни компенсация қилиш учун тузилган захираларнинг қиймати (фоизда) қўшилади. Шуни таъкидлаш керакки, инфляция шароитларида ва субъектнинг харажатларни пасайтиришга қара-

тилган қизиқишлари бўлмаган пайтда (харажатлар-фойда-фойдадан солиқ) формулаларнинг маълуомтлари жуда муаммоли ҳисобланади.

Нархни ўрнатишга харажатлар энг катта таъсирни кўрсатади. Харажатларнинг таркибини танлашда қуйидаги формула қўлланилади:

1. Ўзгарувчан ишлаб чиқариш сарфлари + даромад;
2. Умумий ўзгарувчан сарфлар + даромад;
3. Ишлаб чиқариш таннархи + даромад;
4. Тўлиқ таннарх + даромад.

Харажатларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги зарарсизликни таҳлил қилишда ўрганиб чиқилган. Бу ерда асосий эътибор фойданинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигига қаратилган, чунки маҳсулотга бўлган нархнинг ўзгаришн ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришн билан ёки реализациядан олинган ялпи фойданинг ўзгаришн билан боғлиқ.

Нархларни, маҳсулот бирлигига бўлган ўзгарувчан харажатлар, доимий харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришлари ўртасидаги ўзаро алоқа қуйидаги чизмада кўрсатилган.



Масала.

Ишлаб чиқаришнинг ҳажми- 2000 дона.

Маҳсулот бирлигининг сотиш нархи- 150 сўм.

Маҳсулот бирлигига бўлган ўзгарувчан харажатлар- 100 сўм.

Доимий харажатлар- давр учун 40 минг сўм.

Жорий фойда- 60 минг сўм (150-100)х2000-40000)=60000 сўм.

Фараз қилайлик, ҳар бир кўрсаткич 10%га ўзгарди, унда маълумотлар қуйидагича ўзгаради.

Ишлаб чиқаришнинг ҳажми- 2200 дона (2000х10%=200);

Маҳсулот бирлигининг сотиш нархи- 165 сўм (150х10%=15);

Маҳсулот бирлигига бўлган ўзгарувчан харажатлар- 90 сўм(100х10%=10);

Доимий харажатлар- давр учун 36 минг сўм (40х10%=4);

Ҳамма ўзгаришлар натижасидаги жорий фойда ((165-90)х2200-36000) =129000 сўм.

Омиллар	Янги фойда, сўм	Фойданинг ўсиши	
		Сўм	%
А. Сотув нархининг кўтарилиши	90000	+30000	+50
Б. Маҳсулот бирлигига бўлган ўзгарувчан харажатларнинг пасайиши	80000	+20000	+33
В. Доимий харажатларнинг пасайиши	64000	+4000	+7
Г. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши	70000	+10000	+17

Мазкур ҳисоблар омиллар бир-бирига боғлашмаган ҳолда ҳаракат қиладиган шароитда амалга оширилади. Лекин амалий ҳолат бу омилларнинг тўлиқ бир-бирига алоқадорлигини ва бошқаларнинг таъсир кўрсатишини чиқариб ташламайди, шунингдек, сотиб олувчиларнинг талабларини, рақибларга йўналтирилган тезкор нарх сиёсатини ва бошқаларни. Ундан ташқари, махсус буюртмаларга нарх ўрнатишда озод ишлаб чиқариш қувватларини ҳисобланда ёки уларнинг етишмаслигидан қийинчиликлар содир бўлади. Бундай ҳолатларда нархнинг шаклланиши нафақат бозор билан, қўшимча сармоялар билан ҳам боғлиқ бўлади.

8.11. Маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш бўйича қарорлар қабул қилиш

Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш концепциясини ишлаб чиқиш олиб бориладиган сиёсат, режа ва ни тажрибасини аниқ таҳлил қилишни талаб қилади. Бунда - ниҳоятда янги маҳсулот ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг модификацияси муҳимдир. Янги деб, янги хусусиятларга эга бўлган ва мавжуд бўлган ассортиментга қўшиладиган маҳсулотга айтилади. Буюмлар абсолют янги бўлиши мумкин ёки маҳсулотни ўзи ўзгартирилмасдан янги ускуналар ва механизмларнинг комбинациясидан ташкил топиши мумкин.

Абсолют янги маҳсулотни ишлаб чиқариш қўшимча сармояларни талаб этади. Шунинг учун янги маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича қарорларни қабул қилиш инвестициялар бўйича қарор қабул қилиш жараёни билан узвий боғлиқ бўлади, субъект бошқарувининг юқори даражасида амалга оширилади.

Сармояларни бошқаришнинг мақсади - қуйидаги соҳаларда асосий стратегик йўналишларни аниқлаш: янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш; ишлаб чиқариладиган маҳсулотни модернизация қилиш ва такомиллантириш; одатдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни кейинчалик ривожлантириш; эскирган маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш ҳисобланади. Аммо янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш бошқа ҳамма йўналишларни аниқловчи субъектнинг стратегиясида приоритет (мавқели) йўналиш бўлиб қолмоқда.

Инновацион менежментнинг тузиш қуйидаги формулани таклиф этади:

«Фан → Ишлаб чиқариш→ Маҳсулот»

Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш соҳасидаги инновацион сиёсат қарор қабул қилишда керак бўлган кўриниш, ҳажм ва маълумот мазмунини топширади. Инновация жараёнини 6та босқичга бўлиш мумкин:

1. Бозордаги технологик янги ўзгаришлар, илмий-изланиш ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш бўлимларидан (ИИТКИ), маркетинг бўлимларидан, сотув бўлими аппартидан, савдо далолларидан, харидорлардан тушадиган маълумотларни йиғиш ва тизимлаш; субъектни янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва татбиқ этиш, таваккалчилик даражаси ва миқдорини аниқлашда потенциал (мавжуд) имкониятлари ҳақидаги мақсадли бозорлар ва уларнинг ривожланиш тенденциялари ҳақидаги маълумотни йиғиш ва тизимлаш.

Маълумотни йиғиш ва тизимлашнинг бу босқичида маҳсулотга бўлган талабга таълуқли омиллар аниқланиши керак. Қийинчилиги шундаки, бир хил маҳсулотлар талабни қондириш учун мўлжалланган бўлса, бошқалари эса талаб ва бозорни рағбатлантириш учун мўлжалланган бўлади. Изланиш ишининг энг бошида бозорни таҳлил қилиш маҳсулотнинг стандартларга тўғри келишини, унинг харидорлар учун кўзга ташланишини, катта ва кичик гуруҳларда реализация ҳажмларини ўрнатишга имкон беради.

2. Янги маҳсулот идеясига таллуқли маълумотни танлаш, идеяларнинг имкониятлари ва амалий реализациясини аниқлаш; янги ва эски маҳсулотларнинг технологиясида ўхшашликлар ва фарқларни аниқлаш; янги маҳсулотнинг субъект ихтисослигига тўғри келиши; бўлажак буюмнинг патент тозалигини аниқлаш.

3. Янги маҳсулотнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш маркетинг дастурини ишлаб чиқиш билан бирга амалга оширилади: маҳсулотнинг лойиҳасини техник ишлаб чиқиш; маҳсулотнинг техник-иқтисодий тавсифини танлаш, унинг сифати ва истеъмол хусусиятларини баҳолаш; сотув талаби ва ҳажмини баҳолаш; яратиш ва ўзлаштиришга кетган сарфларни аниқлаш, сарфларнинг қопланиш муддатлари; ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларнинг мавжудлиги - машина, ускуна, хом-ашё, материаллар, ишчи кучи ва молия; маҳсулотни ўзлаштириш ва у билан бирга бозорга чиқиш муддатлари; ишлаб чиқаришнинг фойдалилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

4. Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш - янги буюмни ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси учун ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштириш; намунани яратиш ва экологик жиҳатдан, хавфсизлик жиҳатдан техник синашларни ўтказиш ва бошқалар; товарнинг номланишини, унинг товар белгисини, безатиш, қадоқлаш ва маркировка қилишни ишлаб чиқиш.

5. Чекланган бозорда маҳсулотга бўлган нархга ва бошқа тижорат шартларга (нархдан тушиб бериш, тижорат кредитини бериш) нисбатан уч ойдан кам бўлмаган муддатда изланишлар олиб бориш; реализация қилишни муқобил каналларини танлаш; реклама воситалари ва усулларини танлаш.

6. Сотув ҳажми, маҳсулотнинг рентабеллиги, талаб ва таклифни қондириш даражаси, харидорлар билан бўлган алоқанинг бир маромлилигини; ишлаб чиқариш қувватлари, ресурслари, ходимларнинг малакавий таркибини; ишлаб чиқариш ва сотувга сарфланган умумий суммасини, молиялаштириш манбалари, ҳисоблаш даврига бўлган фойда ва зарар бўйича кўзланаёт-

ган натижаларни ҳисоблаш асосида янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга (оммавий, гуруҳли) киритиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Янги маҳсулот устидан изланиш олиб бориш ва яратиш босқичларида муҳим масала бўлиб бу мақсад ва реализация ҳажмига бўлган сарфларнинг нисбатини, ишлаб чиқариш сарфлари ва ялпи фойда (маржинал даромад)-нинг нисбатини аниқлаш туради.

Қарор қабул қилишда муҳим хусусият бўлиб бутун субъект бўйича реализация ҳажмига ва бошқа буюмлар реализациясининг ҳажмига янги маҳсулотни татбиқ этиш таъсирини баҳолаш қўлланилади, шунингдек, яратишга, ишлаб чиқаришга, сотишга, рекламага кетган харажатларнинг қопланиш вақтини баҳолаш қўлланилади (одатда, оммавий ишлаб чиқаришдан зарарсизлик давригача бўлган 3 йил қўшилиб, 5 йилдан ортиқ бўлмаган вақт ҳисобланади).

Янги маҳсулотни яратишнинг самарадорлигини баҳолашнинг турли усуллари мавжуд:

- эксперт баҳолаш;
- фойданинг кутилаётган меъёри;
- эҳтимолли ёндашиш;
- кутилаётган фойданинг динамикасини баҳолаш;
- баҳолаш критерияларининг кўп ўлчамлиги; тармоқни жалб қилиш қобилияти, рақибларнинг унга таъсири ва кириши; ҳозирда ишлаб чиқарилаётган товарларни такомиллаштириш учун янги яратмаларни қўллаш имкониятлари; янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотувини субъектнинг молиявий фаолиятига таъсири.

Маҳсулотнинг муваффақиятлиги кўп жиҳатдан маҳсулотга нарх ўрнатиш билан кафолатланган. Маҳсулотга бўлган нархни белгилашнинг асосий критерияси бўлиб эски ёки шунга ўхшаш маҳсулотнинг нархи хизмат қилади.

Бозорнинг талаби ва ундаги маҳсулотлар доим ўзгариб турганлиги сабабли янги маҳсулотнинг пайдо бўлиши бошқа ишлаб чиқарувчилар учун маълум стимул (туртки) бўлади. Шундан, реклама компаниясини кенгайтириш, реклама қилинаётган маҳсулотнинг функционал роли, ўхшаган параллел маҳсулотни ишлаб чиқариш, бундай маҳсулот учун «ўзининг» бозорини яратиш ёки талаб қайишқоқлигини ҳисобга олган ҳолда унча кўримсиз бўлган маҳсулотларга нархни белгилаш (нархни кўтариш ва ишлаб чиқариш ҳажмини туширини; нархни туширини ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўтариш).

Турли ҳолда янги маҳсулотга нархни ўрнатиш ва ҳисоблаш учун сарфлар ва фойда коэффициентлари, реализация нуқтаси ва маҳсулотнинг зарарсизлик графиги ишлатилади. Қатор лойиҳаларнинг мавжудлигида йирик субъектлар бирданига бир нечасига сармоя киритади, кейинчалик эса, қарор қабул қилингандан, маҳсулот текширилгандан сўнг уларни танлашни бошлайди. Айрим ҳолларда ўтмишдаги «омадсиз» маҳсулот келажакда «омадли» бўлиб кетади. Маҳсулот нархининг ва қийматининг тўғри келишини ўрнатиш учун бу кўрсаткичлар бўйича ҳисоботлар тузиш тизими тез ва самарали бўлиши керак, бухгалтерия ҳисоботларига қўшимча қилиб бухгалтерлар янги маҳсулотнинг ҳулқини тавсифловчи алоҳида жадваллар тузишлари керак.

Маҳсулот ишлаб чиқарилгандан сўнг унинг реализациясини текшириш жараёни ўтказилади. Янги маҳсулот реализациясининг тезлиги ва реализация қийматига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақидаги маълумот бухгалтерия ҳисоботида рўйхатга олинади. Ундан ташқари, янги маҳсулотнинг бозордаги ҳулқини ўрганишнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилади. Бу- почтали корреспонденция, саволнома ёки телефон ёрдамида хусусий шахсларни савол-жавоб қилиш. Янги маҳсулотни баҳолашдан ташқари, харидор томонидан мазкур маҳсулот сотиб олинган шароитлар ўрганилади, бу эса нархни аниқланда, бўлажак маҳсулотларни баҳоланда ва рекламада муҳим ўрин тутади.

8.12. Капитал қўйилмаларни амалга ошириш юзасидан қарорларни қабул қилиш

Капитал қўйилмалар бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнининг асосида ҳар хил сабаблар ётади. Уларни уч кўринишга бўлиш мумкин: ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳажмини кенгайтириш, янги фаолият турларини яратиш ва қабул қилинган у ёки бу сармоя лойиҳаси бўйича жавобгарлик даражасидир. Бу сабаблар бир-биридан фарқ қилиб, субъектнинг лойиҳа фаолияти йўналишига боғлиқдир.

Лойиҳалаш қарорларини қабул қилиш дисконтли ва ҳисоб баҳоси усулида ўтказиладиган таҳлил натижаларига асосланади. Лекин, асосий баҳо (қиймат) сармоя лойиҳасининг натижалари ва харажатларнинг бўлинини ва нисбати бўлиб ҳисобланади. Капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- фойданинг мезёри;
- соф дисконтланган қиймат;
- ички қопланиш қобилияти;
- ҳисобли қопланиш қобилияти;
- қопланиш муддати.

Кутиладиган энг паст фойдалилик даражаси деганда эквивалентли ўзгармас харажатлар ва молия бозорида айланаётган қимматбаҳо қоғозларнинг ҳажми бўйича олиниш мумкин бўлган фоиз кўрсаткичлари ёки ҳисоб кўрсаткичларининг ўсиши тушунилади. Бундай қимматбаҳо қоғозлар кўриладиган фойда бўйича ўзгармас харажатлар, яъни қимматбаҳо қоғозлар ҳисобига кўрилган фойда даражасидир. Турли компанияларнинг оддий акцияларидан кўриладиган фойда қўйилманинг миқдорига боғлиқ. Омонатчилар давлат қоғозларидан келадиган фойдани субъектнинг акцияларидан ёки капитал қўйилмалардан кўриладиган фойданинг даражаси ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги расмда ифодаланган.

Бунда агар давлат қимматли қоғозларининг фойдалилик даражаси йил давомида 10%ни ташкил қилса, тахмин полга тенг бўлади. Давлат қимматбаҳо қоғозларидан кўриладиган фойда даражасидан юқори бўлган ҳолатдагина таваккалчилик ўсади.

Фойданинг меъёри ва таваккалчиликнинг даражаси ўртасидаги боғлиқлик



Давлат ўзининг қимматбаҳо қоғозларига қўйилган фоизлар кўриладиган фойда даражасидан кам бўлса, сармоядорлар акцияларни кўп миқдорда сотиб олмайди. Бунда давлат қимматбаҳо қоғозларининг фойдасидан капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги кам бўлса, у ҳолда субъект лойиҳани сармоя сифатида киритмайди.

Бу ҳолатдаги олинадиган қимматбаҳо қоғозлар фойдаси билан капитал қўйилмалар сармоясидан келадиган фойда келгуси даврга тақалади. Шу сабабли, таҳлил учун дисконтлаш коэффициенти ҳамда мураккаб фоиз ҳисоблаб чиқилади.

Мураккаб фоизни жадвал ёрдамида ва формула бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин. Масалан, субъектга қўйилган капитал 1 млн. сўм бўлиб йилига 10% фойда кўрса, у ҳолда 3 йил ичида ҳар йили қайта инвестиция қилинаётган 1 млн. сўмлик сармоянинг қиймати 3 йил муддат ичида йилига қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Йил охирига	Олинган фоизлар, минг сўм	Сармоянинг жаъми, млн. сўм
0	-	1,000
1	0,10*1000=100	1,100
2	0,10*1100=110	1,210
3	0,10*1210=121	1,331

Формула бўйича ҳисоблаймиз:

n йилдан кейинги сармоя қиймати = *Бошланғич капитал (0-давр)* | *1+қўйилган капитал бўйича фойданинг меъёри* |

бу ерда: n- сармоя қўйилган йил даври.

Бизнинг мисолимизда: 1 млн сўм х $(1+0,10)^3$ =1.331 млн. сўм.

Бундан кўринадики, йил оҳиридаги ўсиш асосида келгуси даврдаги пул қийматининг тенглиги эътироф этилади.

Дисконтлаш коэффициенти (қобилияти) таққослаш вақтида фойда ва харажатлар келтирилган ҳолда қўлланилади. У қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$I = 1/(1+A)$$

Бу ерда I- олинган натижалар (қилинган харажатлар) вақти билан таққослаш вақтида ўтган йиллар, А- дисконтнинг меъёри.

Дисконтнинг меъёри- бу даромаднинг капитал қўйилмаларга нисбати, яъни капиталдан олинган даромаднинг коэффициентидир.

Дисконтнинг даражаси доимий ёки вақти-вақти билан ўзгариши мумкин. Агар вақт оралиғида ўзгариб турса, қуйидаги формула қўлланилади:

$$B^{ч}к = \frac{1}{1(1+Ак)}$$

бу ерда, Ак- йил учун дисконт даражаси, давр вақти, йил.

Дисконтли коэффициент қийматидаги олиниши мумкин бўлган мавжуд маблағлар жорий қиймат-дисконтлаш, фойда ва харажатларнинг ўсиши эса дисконтли қиймат деб аталади.

У қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\textit{Дисконтли қиймат} = \frac{\textit{Сармоянинг n йилдан кейинги қиймати}}{(1+\textit{капитал қўйилмалар бўйича фойданинг меъёри})^3} = \frac{1.331}{(1+0,010)^3} = 1\ \textit{млн. сўм.}$$

Капитал қўйилмалар қобилиятлилигининг дастури келтирилган соф дисконтли қиймат (Сдқ) билан эътироф этилади. Бу - капитал қўйилмалар дастурига кўра нақд пулнинг соф тушуми қийматидан бошланғич капитал қўйилмалар олиб ташланади. Агар капитал қўйилмалар бўйича фойда даражаси қўйилган қимматбаҳо қоғозларнинг фойда даражасидан юқори бўлса, унда СДҚ ижобий бўлади. Ижобий СДҚ шуни билдирадики, субъектнинг капитал қўйилмалар учун розилиги, салбийдан эса бош тортиши мумкин. СДҚнинг ноль ҳолатдаги курниши шуни билдирадики, капитал қўйилмалар дастурини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик субъектнинг ўзига боғлиқ. Йил бўйича нақд пул оқимлари ўзгармаса келтирилган қиймат учун дисконтлаш коэффициенти қўлланилади.

Капитал қўйилмаларнинг қобилиятлилиги (самарадорлиги)ни баҳолашнинг яна бир усули бўлиб, ички қопланиш қобилияти ҳисобланади. У капитал қўйилмалардан келиб тушган барча пул оқимлари келтирилган пуллик харажатлар қийматига келиб тушган пул маблағлари қийматини тенглаштириш учун уларнинг ҳаракат муддати ичида сармояларнинг аниқ фоиз даражасини билдиради. Ички қопланиш қобилияти бу - СДҚ капитал қўйилма салмоғи нолга тенг бўлган ҳолатдаги дисконт коэффициентидир. У қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\sum_{t=0}^{T} = \frac{\text{Белгиланган давр фойдаси} - \text{Ушбу даврда амалга оширилган харажатлар}}{1+\text{Сармоя бўйича сарфланган ўзгарувчан харажатларнинг натижаси}}$$

Ички қопланиш қобилияти бўйича эришилган ўсиш сармоядор талаб қиладиган капиталдан кўрилган фойданинг ўсишига тенглаштирилади. Агар ички

қопланиш қобилияти капиталга қўйилган ўзгарувчан харажатлардан ортиқ бўлса, сармоя фойдали бўлади ва келтирилган қиймат ижобий талқин қилинади, мабодо ички қопланиш қобилияти ички харажатлардан кам бўлса, у ҳолда капитал қўйилмалар самарасиз бўлиб, келтирилган қиймат салбий талқин қилинади.

Ички фойда меъёрининг чизмаси



Ички қопланиш коэффициентининг тахминий ўсишини график бўйича аниқлаш мумкин. Масалан. 25% дисконт учун СДҚ 800 млн.сўмни ташкил қилади, 35% дисконт учун эса 600 млн. сўмни ташкил қилади. Икки нуқта орасидаги умумий масофа 1400 млн. сўмга тенг (+800 ва -600).

Бунда ички қопланиш коэффициентининг ўсиши тахминан:

25%+800/1400(35%-25%)=30,71%ни ташкил қилади.

Кўрсатилган чизмада СДҚ нуқтаи назаридан 25% ва 35% дисконт ставкаси акс эттирилган. Кейин икки нуқта қўшилади. Линиялар бўйича икки нуқтани бирлаштирувчи масофа 800/1400=0,571

Дисконт даражасини тузатишдан

$$\frac{800(35\%-25\%)}{1400} = 5,71\%$$

ва бунга 25% нуқтадаги ўсиш суръатини қўшиб, ички қопланиш коэффициентини оламиз: 25%+5,71%=30,71%

А йўналишнинг СДҚнинг нолга тенг бўлган ҳисоб ставкасини кўрсатади.

Агар ҳар йили пул оқимлари бир хил бўлса, унда ички қопланиш коэффициенти қуйидаги кўринишларда ҳисобланади:

Йил давомидаги пул оқимлари + *Пул маблаглари олинган дисконтли коэффициентнинг йил сони* - *Сармоя қиймати* = *0*

ёки

Дисконтлаш коэффициенти = $\frac{\textit{Сармоя қиймати}}{\textit{Йиллик пул оқимлари}}$

Капитал қўйилмалар бўйича қарорлар қабул қилишда келгусида муҳим ўрин тутувчи нақд пул оқимларини қўшиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, янги ускуналарни сотиб олиш ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига олиб келади. Яна шуни таъкидлаш керакки, нақд пулларнинг

ҳаракати ҳисобига амортизация ажратмалари ҳисобланмайди.

Амалиётда капитал қўйилмалар самарадорлигини баҳолашнинг бошқа усуллари тез-тез қўлланилади. Оддий усуллардан бири бўлиб, сотиб олиш ҳисоби усули ҳисобланади. Бу кўрсаткич ёрдамида келиб тушадиган капитал қўйилмалар салмоғидан капитал қўйилишида юзага келадиган харажатларни қоплаш имкониятини беради.

Қўйилган капиталдан нақд пул доимий равишда келиб турган шароитда, қопланиш муддати йил давомида тушган пул маблағига бошланғич пул харажатлари йиғиндисини бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, нақд пул оқимлари уларнинг келтирилган қийматигача дисконтланган бўлиши лозим. Дисконтлаш усули асосидаги ҳисоб-китоблар тахминий қўшимча капиталнинг киритилишини аниқлаш учун қўлланилади. Масалан, қопланиш даври қанчалик узун бўлса, тахмин ҳам шунча юқори бўлади, яъни келгусида нақд пул тушуми бўлмаслиги мумкин. Бундай усул қўйилган капитал қўйилма тезда қоплашга муҳтож, нақд маблағлар етишмайдиган субъектлар учун хавфни бартараф этишда ишлатилади.

Иқтисодиётнинг ночорлиги ва кредитлар учун юқори фоиз устамалари қўйилган шароитда капитал қўйилмалар бўйича қарорлар қабул қилишда асосий ҳисоб бўлиб, кредитни қайтариш муддати ҳисобланади. Шу туфайли қуйидаги тенглик келиб чиқади: $К_t$-$Ф^к_t$=D, бу ерда, $К_t$- кредит бўйича қарзларнинг ҳисоб суммаси, $Ф^к_t$- кредит қарзларини қоплашга йўналтирилган фойда.

Келтирилган тенглик фактлар сони бўйича ҳисоблашда (ер участкаларини сотиб олиш ва ободонлаштириш, тадқиқот ва лойиҳалаш ишлари, лойиҳа ҳужжатларига ва бошқа харажатлар), ўзининг ва қарзга олинган маблағлар бўйича сармоя лойиҳаларини амалга оширишда қатнашишига қараб ҳақ ажратишда фойдаланиш сифатида қаралади.

Лойиҳалаш муаммоларининг икки тури мавжуд: капитал қўйилмалар бўйича қарорлар қабул қилиш ёки қилмаслик, фойда даражасини таъминловчи лойиҳаларни қайси навбатда бажариш. Агар биринчи муаммони ечишда юқорида таъкидланган усуллардан фойдаланилган бўлса, иккинчи муаммони ечишда қопланиш қобилияти ҳисоби ва фойдалилик индекси қўлланилади.

Қопланиш қобилияти ҳисоби лойиҳага кетган ўртача харажатларни ўртача ҳар йиллик лойиҳа фойдасига бўлиш орқали ҳисобланади. Ўртача йиллик соф фойда капитал қўйилмалар бўйича қўшимча фойда ва харажатларнинг фарқини ўзида акс эттиради. Қўшимча харажатларнинг ичига сармоянинг соф қиймати ёки амортизация ажратмаларининг йиғиндиси киради. Сармоянинг ўртача ўсиши қабул қилинган эскиришни ҳисоблаш усулига боғлиқ (бир текис, тезлаштирилган, меҳнат унумдорлиги).

Фойдалилик индекси лойиҳа бўйича ўртача сармоя харажатларига жорий тушган қийматни бўлиш орқали ҳисобланади. Унга соф дисконтли қиймат ва ички рентабеллик даражасидан фойдаланиш сифатида қаралади.

Шундай қилиб, капитал қўйилмалар бўйича лойиҳалар уларни жалб

қилиш сифати бўйича қаралади. Муваффаққиятли қоплаш коэффициентига асосланган ҳолда ҳисоблаш тартибида ушбу активларнинг фойдаси ҳолатини баҳолаш имконияти вужудга келади.

Кўриб чиқилган кўрсаткичлардан ҳеч бири капитал қўйилмаларнинг қобилиятини баҳолашга тўлиқ жавоб бермайди. Капитал қўйилмалар билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун амалиётда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бундан ташқари, қарорларда пул омиллари (сифатлилик) - тушунмовчилик, хавф-хатар, иқтисодиётнинг оқсоқланиши ва бошқалар муҳим аҳамият касб этади. Унда асосий кўрсаткичларга зарарсизлик нуқтаси лойиҳаси усулини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий сармоянинг қобилияти лойиҳаси ҳисобида инфляция жараёни ҳам ҳисобга олиниши лозим:

- ишлаб чиқаришда- капитал, хомашё, материаллар, тайёр-маҳсулотга кетган меҳнат;
- маҳсулот ва ресурсларнинг турлари бўйича инфляциянинг турли-туманлиги;
- чет эл валютасининг ўсиши ҳисобига инфляциянинг ошиши иқтисодиётда умумий баҳо салоҳиятининг ошишига олиб келади.

Хулосалар

Субъектнинг бошқарув фаолияти унинг тадбиркорлик жараёни билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммоларни ечишда қўл келади. Бу муаммолар қаторига: захираларни бошқариш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, ишлаб чиқарилган ва янги турдаги маҳсулотларнинг ассортименти, капитал қўйилмалар киради.

Моддий захираларнинг ҳақиқатдаги ва муқобил ҳажмга мос келиши хўжалик фаолиятидаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ҳар хил усуллар ёрдамида назорат қилинади.

Субъектнинг иш мароми ва керак даражада уни пақд пул маблағлари билан таъминлашни назорат қилишда кўриладиган мақсадлар учун бюджетлаштириш усули қўлланилади.

Субъектнинг молиявий натижаларига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлиб, маҳсулотнинг баҳоси ҳисобланади. Айнан баҳонинг ўзгариши иш ҳажми ва фойда ўртасидаги боғлиқликни ифода этади. Қуйидаги баҳо турларини бир-биридан фарқлаш лозим: алоҳида, ўзгарувчан, шартнома бўйича. Ҳар бир баҳо турига ва ўзининг аҳамиятига кўра, фойдани вужудга келтириш ва унинг ўсишига таъсир қилади. Аммо, баҳонинг ўзгариши билан алоҳида боғлиқлик маҳсулот бирлиги учун кетган ўзгарувчан харажатлар, доимий харажатлар ва иш ҳажмида акс этади.

Субъектнинг ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятининг зарур қисми бўлиб, иқтисодий потенциални сақлаш ва шакллантириш ҳисобланади. Субъектда

бундай фаолият сармоялаштириш, деб ифода этилади.

Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш бу режада тушум ва харажатларнинг дифференциал бошқарув тизимини таъминлаш бўйича маълумотларни таҳлил қилишга асосланади. Дифференциал харажатлар ва фойда сармоялаш фаолияти ва қўйилманинг қўйилиши даврининг шароитига боғлиқ. Дифференциал харажатларнинг таркиби бошқарув ҳисобида ифода этилмайди, уларнинг таркиби ҳар бир муаммони ечиш учун алоҳида кўриб чиқилади. Дифференциал тизим ҳисобида капитал қўйилмалар туфайли юзага келган ўзгарувчан харажатлар алоҳида ўрин тутади.

Сармоя бўйича қарор фойда ва харажатларнинг алоқадорлигига боғлиқ. Лекин бу икки турдаги кўрсаткич ҳар хил даврларда ва бир-бирига поэквивалент эканлигини назарда тутиш лозим. Харажатлар - лойиҳани амалга ошириш бошида, фойда эса лойиҳани амалга ошириш жараёнида намоён бўлади.

Сармоялаш фаолияти бўйича қарорлар қабул қилишда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш назарда тутилади. Маҳсулот таннархини камайтиришнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:

- асосий (тўғри) харажатларни камайтириш. Ҳар бир ишлаб чиқариладиган ёки режага кўра, маҳсулот ишлаб чиқаришда унинг умумий қиймати ва рақобатбардошлилиги таҳлил қилинади;
- қўшимча (билвосита) харажатларни камайтириш. Бунда ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш, жонли меҳнат стандартларини бажаришда хизмат ва бўлимлар учун меъёрларни таҳлил қилиш ва аниқ режалаштириш усули назарда тутилади.

Харажатларни камайтириш бўйича ишлаб чиқилган сармоялаш сиёсатининг асосий йўналиши қуйидагиларга йўналтирилади: янги маҳсулотни жорий қилиш ва қайта ишлаш; ишлаб чиқарилган маҳсулотни такомиллаштириш ва замонавийлаштириш; махаллий ва миллий маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш; эскирган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришдан олиб ташлашга қаратилган.

Инновация менежменти ўз ташкилотини қуйидаги формула орқали ифодалайди:

«Фан-Ишлаб чиқариш-Маҳсулот».

Субъектда инновация жараёни босқичма-босқич ўтади. Натижада - маҳсулот сотиш ҳажмининг ўсиши натижасида, қайта ишлашга, ишлаб чиқариш, таъминот ва рекламага кетган харажатлар қопланади. Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини баҳолашда эксперт баҳоси: кутиладиган фойда даражаси; эҳтимолий ёндошув; кутиладиган фойда динамикаси баҳоси; баҳонинг кўп ўлчовли критериялари каби усуллардан фойдаланилади. Шунингдек, тармоқлар таъсири, ишлаб чиқарилган товарларни такомиллаштириш учун янги имкониятлардан фойдаланиш; янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва таъминотнинг субъектнинг молиявий ҳолатига таъсирини батафсил таҳлил қилиш каби усуллар қўлланилади. Ҳал қилув қарорларини қабул қилишда фойда ва харажатлар, маҳсулот сотиш графигининг зарарсизлик нуқтаси коэффициентлари ҳисоби қўлланилади.

Таваккалчиликнинг асосий босқичи капитал қўйилмалар ҳақидаги қарорга кўра, тавсифланади. Капитал қўйилмаларга таллуқли натижаларнинг сабаблари уч турга бўлинади: моддий-техника базаларини янгилаш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, янги турдаги фаолиятни яратиш. Келгусида нақд пулларнинг сезиларли ўсиши қўйилмадан фойда олиш истагида капитал қўйилмалар ишлаб чиқариш жараёнининг жорий вақтида жалб қилади.

Таваккалчиликнинг даражаси юқори бўлганлиги натижасида капитал қўйилмаларни бошқариш вақт омилларини инобатга олган ва дисконтлаштириш ва ҳисоб баҳолаш усулларини танлашга асосланган ҳолдаги таҳлилнинг натижаларига суянади.

Капитал қўйилмалар бўйича қарорлар қабул қилишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: соф дисконтли қиймат; фойда даражаси; ички қопланиш қобилияти; ҳисобли қопланиш қобилияти; қопланиш муддати.

Керак бўладиган энг кам фойдалилик даражаси - ҳисоб миқдорининг ўсиши ёки қимматли қоғозлардан, ўзгарувчан харажатларнинг ўсиш эквивалентларидан ва таваккалчилик босқичларидан олиниши мумкин бўлган фоизлар миқдорининг йиғиндисидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, капитал қўйилмалардан келадиган фойда узоқ муддат ичида келиб тушса, қимматбаҳо қоғозлардан кўриладиган фойда тез фурсатда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам таҳлилда мураккаб фоиз ва дисконтли қобилият ҳисоблаб чиқилади.

Соф келтирилган (дисконтли) қиймат - бунда соф тушган нақд пул маблағларидан бошланғич сармоя харажатлари айриб ташланади. Бу кўрсаткич янги қобилиятни тавсифлайди ва келтирилган лойиҳани кўриб чиқишни танлаш имкониятини яратади.

Ички қопланиш қобилияти - сармоядан келадиган аниқ фоиз миқдорининг вақт мобайнидаги ҳаракатидир. Ундан нақд пул тушуми қобилиятини сарфланган пул маблағлари қийматига тенглаштириш учун фойдаланилади.

Қопланиш муддати - сармоя лойиҳасининг капитал қўйилмалардан тушадиган нақд пул туфайли вужудга келадиган харажатларининг ўзгариши билан бу сармоя лойиҳасининг реализацияси оралиғидаги вақтдир. Қайд этилган кўрсаткич капитал қўйилмалар бўйича қарорлар қабул қилишдаги таваккалчилик босқичини ифода этади.

Ҳисобли қопланиш қобилияти - бу лойиҳага киритилган капитал қўйилмалар бўйича қилинадиган ўртача йиллик харажатлар ва лойиҳадан кўриладиган ўртача йиллик фойданинг алоқадорлигидир. Бу кўрсаткич лойиҳанинг бажарилиш навбатини белгилашда қўлланилади. Лойиҳанинг фойдалилик индекси активлардан самарали фойдаланиш муддатини тавсифлаш билан бирга жорий тушган қиймат билан лойиҳанинг ўртача сармоя харажатларига бўлган нисбатини ҳисоблайди.

Сармоя лойиҳасини баҳолаш кўриб чиқилган кўрсаткичлар тизими билан инфляция жараёнларининг ҳисоби, номаълумлик ва таваккалчилик омиллари бўйича амалга оширилади.

9-БОБ

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТНИНГ СЕГМЕНТЛАРИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТИ

9.1. Субъектнинг сегментлари бўйича ҳисобот, унинг аҳамияти ва тузиш тартиби

Сегментлар бўйича ҳисобот ҳисобот юритувчи себъектнинг айрим бўлимлари, фаолиятининг турлари ва маъсуллик марказлари бўйича тузилган ҳисобот ҳисобланади. Сегментлар-segmentum у ёки бу нарсанинг қисми ёки бўлагидир. Ушбу ҳисоботларни ташқи фойдаланувчилар учун тузиш тартиби ва унга қўйиладиган талаблар тегиши БХМС белгиланган. Лекин ички фойдаланувчилар учун тузиш тартиби ва қўйилган талаблар ҳозирча ишлаб чиқилмаган ва ҳозирги амалиётда фойдаланилаётган меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топмаган.

Ушбу муаммоларни субъектлар ўзларича ва фаолиятига маъқул вариантларда баҳоли қудрат ечиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунда фақатгина ушбу маълумотларнинг сир сақланиши, яъни бухгалтерия ҳисобининг сегментлар бўйича тузилган ички ҳисоботлари тижорат сири эканлиги ва ташқи фойдаланувчиларга ушбу маълумотларнинг берилмаслиги таъкидланган. Ушбу ҳисобот маълумотларининг сир сақланиши меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат (Қонун) билан биринчи бор мустахкамланди. Чунки бу ҳолат асосан себъектларнинг фаолиятини элементлар, технология жараёнлари, маъсуллик марказлари бўйича ёритилиши натижасида ушбу ҳисоботнинг маълумотларидан фақатгина ички бошқарув ходимлари фойдаланиши мумкин, чунки у тижорат сири ҳисобланади. Шу билан бир вақтда, молиявий ҳисобнинг маълумотларидан эса ташқи фойдаланувчилар ҳам фойдаланадилар. Ушбу ҳисоботларда маълумотлар умумлашган ҳолда якуний қилиб тузилади. Амалиётда эса ҳозирги даврда ички ҳисоботлар учун берилган ҳуқуқлар бузилянти. Мисол, ташқи фойдаланувчилар ҳисобланган солиқ ташкилотларининг ва иқтисодий жиноятга қарши курашувчи прокуратура ходимлари кўп ҳолларда бошқарув ҳисоби ва ҳисоботларини текширадилар.

Масъул ходимлар ҳисобот юритувчи себъектларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун молиявий ҳисоботдан фойдалансалар бошқарув ҳисоби ва ҳисоботнинг маълумотларидан эса ушбу субъектнинг фаолият сегментлари, бўлим, цех, маъсуллик марказининг фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун фойдаланадилар. Маъсуллик маркази субъектнинг фаолиятида ўзига хос ўринга эга, чунки у ушбу субъектнинг асосий қисмларини ташкил қилади. Натижада кириш ва чиқишга эга. Маъсулият марказининг киришида хом-ашё материаллар ва яримфабрикатлар туради. Бундан ташқари, маъсулият марказлари ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун маълум мулкларга, асосий воситалар, номоддий активлар, ишлаб чиқариш қуроллари

ва бошқа маблағларга эгалик қиладилар. Бу бўлинмалар ўзининг фаолиятида меҳнат ресурсларини истеъмол қиладилар, буюртмаларни бажариш учун ташқи субъектларнинг хизматидан фойдаланадилар.

Ушбу масъулият марказларининг чиқишида эса сотиш ёки бошқа бўлимларга бериш учун чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ва яримфабрикатлар мавжуд бўлади. Сегментлар бўйича тузилган ҳисоботлар субъектнинг раҳбарларига ўзининг қарамоғидаги бўлим ва цехларнинг фаолиятини бошқариш ва фаолиятининг якунини баҳолаш учун хизмат қилади, уларнинг фаолиятини баҳолаш учун молиявий ва номолиявий чегаралар ишлаб чиқилади, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими шаклланади. Ушбу вазифаларни бажариш жараёнида битта менежернинг фаолиятига иккинчи боқарувчининг фаолияти таъсир қилади. Ушбу қарама қаршиликларни тугатиш имконияти йўқ, лекин ўзаро боғлиқ менежерларни тегишли ва зарур ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш омиллари ёрдамида ушбу қарама қаршиликларни юмшатиш ва аста секинлик билан тугатиш мумкин.

Бундан ташқари, сегментлар бўйича ҳисобот ушбу менежерларнинг иш юритишида ўзларига ҳам ёрдам беради. Чунки қандай даражада бўлмасин раҳбар ўзининг иш фаолиятини баҳолаши ва хулоса чиқариши лозим. Агарда унинг олдига қўйилган режа ва вазифалар бажарилмаган бўлса, энг аввало унинг ўзи билиши керак ва ушбу мақсадларга эришиши учун тезлик билан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқмаса ва татбиқ қилмаса, режанинг бажарилиши амри маҳол бўлиб қолади. Шундай қилиб, аниқ ўрнатилган назорат масъул шахсларнинг оралиқ қарорларни асосланган ҳолда қабул қилиш ва ўзи бошқараётган бўлимнинг фаолиятини режалаштираётганда олдига қўйилган мақсадларини қайта кўриб чиқиш имкониятини яратади. Шунинг учун ҳам масъуллик марказларининг фаолиятини назорат қилишни амалиётда тескари алоқа, ҳам деб юритилади.

Сегментлар бўйича ҳисобот маълумотлари хилма-хил бошқарув қарорларини қабул қилиш учун жуда ҳам зарур. Чунки ҳозирги бозор иқтисоднёти шароитида шароитлар, воқеликлар ва ташқи муҳитлар тез-тез ўзгариб турган бир ҳолатда субъектлар ушбу муҳит ва шароитга тезлик билан мосланган тақдирдагина уларнинг рақобатбардошлиги мустаҳкамланади ва келгусида ривожланиши учун шароит яратилади. Ҳозирги пайтда субъектларнинг олдида турган асосий муаммо фаолиятининг таркибини ўзгартириш, яъни йирик субъектлар айрим олган кичик субъектларга ажралишидир. Ушбу тадбир билан боғлиқ бошқарув қарорини қабул қилишдан олдин фаолиятининг якунини чуқур ўрганиш ва баҳолашни талаб қилади. Ушбу ишни амалга оширши учун бошқарув ҳисоби тўплаган, ишлов берган маълумотлардан кенг фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Раҳбариятнинг ушбу фаолиятини айрим бўлимларга бўлиш марказлаштирмаслик бўйича қабул қиладиган қарори иқтисодий асосланган ҳисобларга таяниши шарт.

Ушбу ҳолатларда жуда бўлмаганда иккита вариант ўзаро таққослани-

ши ҳозир фаолият кўрсатаётган ва келгусида танлаб олинадиган вариант керак. Ушбу таққослаш тегишли субъектда сегментлар бўйича ҳисоб ва ҳисобот тизими мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

Энг охирги омил бу сегментлар бўйича ҳисоботнинг трансферт баҳолар билан тўғридан тўғри боғлиқлигидир. Чунки ушбу баҳолар асосида сегментлар бўйича ҳисобот шаклланади. Ушбу трансферт баҳолар асосли равишда ҳисобланиши ва жорий қилиниши, сегментларнинг фаолиятини ҳолис баҳоланда асосий омил бўлади.

Бухгалтерия ҳисоботини шакллантириш ва тақдим қилиш нуқтаи назаридан субъектнинг сегментлари ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин:

-бухгалтерия ҳисобининг олдига қўйилган мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ташқи фойдаланувчилар учун ҳисобот тузиш ва тақдим қилишнинг зарурлиги;

-бошқарув ҳисобининг тизимида бўлимлари сегментлар бўйича ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилишнинг зарурлиги.

Ушбу талаблар ва ҳолатлар сегментлар бўйича ҳисоботни тузишнинг заруриятини келтириб чиқаради.

Бошқарув ҳисобида тегишли муомалаларга ишлов берилиб, йиғилиб ва гуруҳлаштирилиб ички сегментлар бўйича ҳисобот тузилади ва улар тегишли сегментларнинг менежер-раҳбарларига ва субъектнинг раҳбарига тақдим қилинади. Ушбу ҳисоботни тузиш ва тақдим қилишдан кўзланган асосий мақсад ички фойдаланувчиларни зарур маълумотлар билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашдир.

Ушбу ҳисоботларни тузиш бўйича қуйидаги тавсиялар берилади:

1. Ички сегментларнинг бошқарув ҳисоби аниқ бир бўлим- сегментнинг фаолиятини ёритиши лозим. Агарда қуйидаги чекинишларга йўл қўйилса кутилаётган натижаларни бермайди:

а) аниқ бошқарувчилар, даромад ва харажатлар марказларининг талаблари бўйича маълумотларни акс эттирмай асосан ишлаб чиқаришнинг, сотишнинг ва сарфларнинг хажми бўйича маълумотларни ўзида акс эттирса;

в) аниқ маълумот бошқарувчи-менежерга эмас юқори бошқарувчиларга мўлжалланган бўлса;

с) умумий вазифалар бўйича умумий ва ноаниқ маълумотлар кўрсатилса. Чунки самарали бошқарув назорати тўлиқ ва аниқ маълумотлардан фойдаланади.

2. Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фақатгина ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ берилган ахборотларгина фойдали ҳисобланади. Бухгалтер томонидан тақдим қилинган ҳисобот уни махсус жойда сақлаш учун эмас балки менежерни қизиқтирувчи ҳолатда ва зарур лойиҳалар билан тақдим қилиш зарур. Ушбу ички ҳисоботларни тақдим қилаётганда менежерларнинг руҳий ҳолатини инобатга олиш зарур. У ҳисоботнинг жадвал ёки чизма кўринишини ёқтирадими, унинг кейинги режалари ва истаклари, иш юритиш усули ва ҳоказо хусусиятларини четда қолдириш мумкин эмас.

3. Илгариги ҳисобот, воқеаларига ва уларни баҳолашга кўп ҳам эътибо-

борни қаратмасдан масъулият марказларининг фаолиятини яна ҳам равонлантирадиган маълумотларни қидириб топиш фойдали ҳисобланади. Кўпчилик ҳолатларда бухгалтер ретроспектив таҳлилга кўпроқ эътибор бериб кейинги фаолиятни баҳолашни саёз ўрганади Натижада илгари содир бўлган хато ва камчиликларга асосий эътибор қаратилади, уларнинг сабаблари аниқланади, тафтиш қилинади, лекин келгусида самарали фаолият кўрсатиш бўйича режаларни ишлаб чиқишга унчалик эътибор берилмайди. Ушбу ҳолатлар бошқарув назоратини сусайтиришга олиб келади.

4. Ички фойдаланувчилар учун субъектнинг фаолият турлари ва бўлим (сегмент)лари бўйича тузиладиган ҳисоботларнинг шаклини тез-тез ўзгартириб туриш мақсадга мувофиқ эмас.

5. Ушбу ҳисоботларни ҳисобланган маълумотлар билан кўп ҳам юклайверини уларнинг сифатига салбий таъсир қилади.

Бошқарувчи (менеджерга) битта муқобил тизимга келтирилган ва уларга таянган ҳолда муқобил бошқарув қарорларини қабул қилишга ва аниқ фаолият кўрсатишга ёрдам берадиган маълумотларнинг минимал хажми етарли бўлади. Шунинг учун ҳам ҳисоботни олган менежер у ёки бу хулосани чиқариш ёки фаолиятнинг турини баҳолаш учун қўлида калькулятор билан қўшимча ҳисобларни бажармаслиги ва маълумотлар тўғридан-тўғри баҳолаш учун асос бўлиши лозим. Унинг учун ушбу ички ҳисоботнинг маълумотлари асосида таҳлил қилиниб, қабул қилинадиган тадбир ва қарорларни қайта кўриб чиқиш ва татбиқ қилиш йўлларини ўйлаш муҳимроқ ҳисобланади. Чунки кейинги режалар ва истиқболларга таллуқли кўрсаткичларни бухгалтер эмас, балки менежер ишлаб чиқиши ва тегишли қаторни тўлғазиши лозим.

6. Тузилган ҳисоботлар, асосан ходимларни белгиланган режаларни бажаришга қаратилган асосий маълумотларни ўзида акс эттириши мақсадга мувофиқ. Менежерга зарур бўлмаган маълумотлар ҳисоботнинг назорат даражасини пасайтиради.

7. Ушбу қарорларни қабул қилиш жараёнларида ҳамма воқеалар ва ҳаракатларни ёзиш имкоятни бўлмайди. Чунки ушбу ёзма ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилишдан ташқари бухгалтер ҳар бир соҳа ёки бўлимнинг бошқарувчиси билан у ёки бу масалаларни ёритиш ёки чуқур ўрганиш мақсадида суҳбатлар ўтказади.

Ички ҳисоботларни тузиш даври, унинг аниқлиги, тўлиқлиги ва тақдим қилиш вақтини ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг объектлари ва бошқарув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Субъектнинг маъмурияти ушбу масалаларни ечаётганда энг аввало, тежамкорлик шартига асосланади, яъни ушбу бўлимлар ва фаолиятнинг турлари бўйича тузилаётган ички ҳисоботга сарфланган харажатлар уларнинг маълумотларидан фойдаланиб қабул қилинган қарорларнинг иқтисодий самарадорлиги натижасидан ошиб кетмаслиги лозим.

Тегишли ҳисобот маълумотларини акс эттирган бўлимларнинг масъу-

лият марказларининг қайси турига таъллуқлигига қараб ушбу ҳисоботнинг шаклларига ҳар-хил талаблар қўйилади.

Харажатларнинг маркази бўйича тузиладиган ички ҳисоботларнинг асосида назорат қилиш принципи ётади ва ушбу принцип қуйидаги натижаларга олиб келади:

■ ҳисоботни тақдим қиладиган раҳбарнинг мансаб поғонаси ошган сари ушбу ҳисоботдаги маълумотлар қамрови бўйича йириклашиб бораверади;

■ юқори поғонадаги раҳбарга тақдим қилинган ҳисобот қуйи раҳбарларга тақдим қилинган ҳисоботларнинг йиғиндиси бўлиши мумкин эмас.

Ушбу усул амалиётда инкор қилишларни бошқариш деб юритилади, яъни юқори поғонадаги бошқарувчига у ёки бу бошқарув муомма ойлик ёки кундалик бўлмагунча пастки поғона учун тузилган ички ҳисоботларга мурожат қилиш зарурияти туғилмайди.

Ҳар бир тузиладиган ички ҳисобот (харажат марказлари бўйича шаклланадиган ҳисобот ҳам) ўзида ҳақиқий кўрсаткичларнинг режадаги кўрсаткичлардан фарқи бўйича маълумотларни ёритиши лозим. Натижада ушбу маълумотларнинг асосида амалиётда фарқлар бўйича бошқариш принципини рўёбга чиқаради ва ушбу фарқлар бўйича бошқариш қуйидагиларга ёрдам беради:

1. Субъектнинг ҳар бир сегменти ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича олинган фойданинг ўсишига ёки кўрилган зарарларнинг хажмига таъсир қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлашга. Ушбу омиллар қўйидагилардан ташкил топган:

а) ишлаб чиқаришнинг шароити;

б) ишлаб чиқариш кучларининг чегаралганлиги;

в) маҳсулотнинг турлари (ассортименти);

г) баҳоларни белгилашда қўлланиладиган сиёсат;

д) омборхонадаги тайёр маҳсулотларнинг қолдиғи;

е) ишлаб чиқаришда ишлаётган ходимларнинг сони ва уларнинг малакавий даражаси;

ё) хомашё ва материалларнинг мавжудлиги ва уларнинг қиймати;

ж) технология жараёнининг хусусияти ва шунга ўхшашлар.

2. Ушбу салбий фарқларнинг содир бўлишидаги масъул-жавобгар шахслар ёки марказларни аниқлаш. Ушбу масалани ечишда илгари субъект бўйича ва айрим олган маҳсулотлар бўйича фарқлар аниқланиб унинг сабаблари чуқур ва ҳар томонлама ўрганилишига қарамасдан ҳар бир харажат марказлари ва масъулият марказлари бўйича ушбу фарқларни аниқлаш ва уларнинг сабабларини ўрганиб салбий кўринишларни тезкорлик билан тугатиш учун чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалиётга қўллаш ушбу муаммони ечишга ёки унинг келгуси даврда содир бўлмаслигига олиб келади.

Ушбу шартлардан келиб чиққан ҳолда сегментлар бўйича ҳисоботларни тузишнинг намунавий шакли қуйидаги кўринишда келтирилган.

Бошқарувнинг поғоналари (менежерлар) учун харажат марказлари бўйича тақдим қилинадиган ҳисоботлар

Кўрсаткичлар	Ҳисобот даврида		Йил бошидан	
	смета бўйича	фарқи +,-	смета бўйича	фарқи +,-
Бригадирнинг ҳисоботи				
Асосий хомашё ва материаллар	43000	-1000	134000	1200
Меҳнат сарфлари	214000	2400	588300	8400
Ёрдамчи материаллар	18500	-300	40000	-800
Технология учун энергия	9800	350	29400	2500
Бошқалар	3400	100	5400	400
Жами	288700	1550	777100	11700
Ишлаб чиқариш цехининг бошлиғига ҳисобот				
1-бригада	288700	1550	777100	11700
2-бригада	214500	1120	628200	8900
-------	---------	---------	---------	---------
Бригадалар бўйича жами	887800	2460	2753800	26000
Умумцех сарфлари:				
Цех усталарининг меҳнат ҳақи ажратмалари билан	126000	0	700000	0
Ускуналарнинг эскириши	104000	0	308000	0
Электр энергия сарфлари	35000	2600	104500	6400
Цехни тозалаш сарфи	18900	-670	83500	-3000
Жами	1171700	-4390	3949800	29400
Субъектнинг бош менежерига ҳисобот				
Ишлаб чиқариш цехи	1171700	-4390	3949800	29400
Қуйиш цехи	893500	-1900	3026790	2300
Йиғув цехи	1347900	5800	4873200	19800
-------	---------	---------	---------	---------
Цехлар бўйича жами	4616100	4390	16155790	4280
Умумхўжалик сарфлари:				
Иморатларнинг эскириши	35000	0	165000	0
Иситиш ва ёритиш	84000	150	213000	4780
Маъмуриятнинг меҳнат ҳақи	235000	12300	487600	45780
Субъект бўйича сарфларнинг жами	4970100	18190	17021390	93360

Ушбу хисоботлардан кўриниб турибдики, ҳар хил бошқарув поғоналаридаги харажат марказларининг ҳисоботлари ўртасида мустаҳкам боғлиқлик мавжуд. Мисол тариқасида, кўраётган субъектда бошқарув учта поғонадан ташкил топган:

- бригадирлар томонидан назорат қилинадиган бригадалар;
- цехларнинг раҳбарлари томонидан назорат қилинадиган цехлар;
- бош менежер (директор) томонидан назорат қилинадиган субъект.

Ушбу менежер ўз навбатида, ишлаб чиқариш бўйича жавоб берадиган бош директорнинг муовинига бўйсунади.

Илгари қайд қилганимиздек, юқори бошқарув поғоналарига тақдим қилинадиган ҳисоботлар пастки поғонага топширилган сегментлар бўйича ҳисоботларнинг йиғма нусхаси бўлиши мумкин эмас.

Чунки ушбу сарфлар назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган харажатлардан ташкил топганлиги учун ва пастки бошқарув поғонасида назорат қилинмайдиган харажатларнинг шикор қилинганлиги сабабли, ушбу ҳисоботларнинг ўртасида фарқлар вужудга келади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, умуман харажатлар уларнинг содир бўлиш турларидан қатъий назар кимнингдир томонидан назорат қилинади. Мисол, умумхўжалик сарфларини (маъмуриятнинг меҳнат ҳақи, ажратмалари билан, иморатларни ёритиш ва иситиш харажатлари, енгил транспортларни асраш, ижара ва бошқа сарфлар) цех ёки бўлимларнинг раҳбарлари назорат қила олмайдилар. Ушбу харажатларнинг сарфи устидан субъектнинг бош директори назорат ўрнатади.

Чунки ушбу харажатлар ҳамма цех ва бўлимлар учун умумий бўлганлиги сабабли бўлимларнинг раҳбарлари уларнинг сарфи устидан назорат ўрната олмайдилар. Шунга ўхшаш бригадирлар ва усталар назорат қилиши мумкин бўлмаган умумцех ёки умумбўлим сарфлари (асбоб-ускуналарнинг эскириши, цехларни ёритиш, иситиш, уларни таъмирлаш, ижара сарфлари ва хоказолар)нинг устидан мазкур цехлар ёки бўлимларнинг раҳбарлари назорат ўрнатадилар.

Бундан ташқари, айрим ҳолатларда субъектларнинг бош директорлари айрим цех ва бўлимларнинг бошлиқларини уларнинг назорат қилиш доирасидаги айрим харажатларнинг устидан назоратни амалга оширишдан озод қилишлари ҳам мумкин. Мисол тариқасида ушбу раҳбарлар назорат қилиши мумкин бўлган харажатларнинг икки моддасини кўриб чиқамиз:

- электр қувватларининг сарфи;
- телефон хизматларининг сарфи.

Электр қуватларининг сарфи устидан назорат ўрнатганда менежерлар энг аввало иш куннинг охирида ходимлар ўзлари ишлаётган машиналар, ускуналар ва компьютерларни тоқдан ажратиши, ортиқча приборларнинг электрга уланмаслигини назорат қиладилар.

Телефон хизматларининг сарфини назорат қилиш учун эса ортиқча сўзлашувларнинг олдини олиш мақсадида ёки кимнинг гаплашганлигини билиш учун шаҳарлараро ва давлатлараро телефон алоқаларини кодлаштириш зарурлигини келтириб чиқаради. Ушбу сарфлар унча катта хажмда бўлмаса ҳам уларнинг устидан назорат ўрнатиш тадбирлари қимматга тушади, лекин ушбу назоратни ўрнатиш зарур. Шунинг учун ҳам маъмурият ушбу сарфларни менежерлар учун қуйидаги сабабларга мувофиқ назорат қилинмайдиган деб тан олишга мажбурдирлар:

- ушбу сарфларнинг аҳамияти унча катта эмаслиги;
- тежамкорлик шартига риоя қилиш.

Мисол учун электр қувватини тежашдан олинган наф ушбу нафни олиш

учун сарфланган харажатлардан (ҳар бир бўлимда ўлчов асбобларини ўрнатиш, назорат тизимларини ўрнатиш, қўшимча ҳисоботларни тузиш ва ишлов бериш ва ҳоказолар) ортиқ бўлиши лозим. Чунки бўлимларнинг ички ҳисоботларига асосан, назорат қилинадиган сарфларгина қўшилади.

Фойда марказлари бўйича тузиладиган ҳисоботларнинг ҳам асосида назорат қилиш имконияти, шарти ётади.

Ушбу ҳисобот ҳам бошқарув поғонасига мувофиқ равишда тузилган бўлиб, унда кўрсатиладиган фойда марказлари тегишли муомалавий сегментлар бўйича ва ҳудудлар бўйича (агарда бошқа жойларда филиал-бўлинмалари бўлса) ташкил қилинади. Пастки табақада жойлашган бўлимларнинг раҳбарлари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг сотилиши бўйича масъулдирлар ва улар субъектнинг бош директорига бўйсунадилар. Фойда бўйича ҳисобот тузилганда маржинал даромаднинг поғонама-поғона ҳисобланишини талаб қилади, чунки ушбу тартиб бир томондан ўзгарувчан харажатларнинг таъсирини ёритса иккинчи томондан эса якуний молиявий натижани шакллантиради. Бундан ташқари, ушбу тартибда ёндашиш якуний фойданинг таркибини таҳлил қилишни енгиллаштиради. Натижада ҳар бир айрим олинган маҳсулот ва хизматларнинг тўғри доимий харажатларни қопланга қўшган хиссасини ва натижада субъектнинг олган умумий фойдасига қўшган хиссасини аниқлашга ёрдам беради. Доимий харажатларни қоплашни ҳисобга олишнинг ушбу тартиби сегментларнинг фаолиятларини турлари ва жойланиш ҳудудлари бўйича рентабеллик даражаси тўғрисидаги ахборотларни фойдаланувчиларга етказиб беради. Ушбу ҳолатда ҳам юқорида таъкидланган иккита принцип (шарт)га риоя қилинади:

- бошқарув поғонасига қараб ҳисоботнинг аналитик даражаси пасайиб боради;
- ҳисобот кўрсаткичларининг номланиши йўқолиб боради.

Бўлимларнинг маъмурий бошқарув харажатлари маҳсулот ва хизматларнинг турига тақсимланмайди. Чунки улар жойларнинг доимий харажатлари бўлганлиги учун олинган умумий маржинал даромаднинг суммасидан чегирилади (қопланади). Ушбу умумий сарфларга шу жойда жойланган филиал (бўлимнинг) маъмуриятининг меҳнат ҳақи, иморатларни асраш ва бошқа сарфлар киради. Бошқа муомалавий харажатларни субъектнинг ўзи амалга оширади. Ушбу харажатлар тегишли бўлим ва филиалнинг харажатлари суммасидан чегирилади (қопланади).

Сегментлар бўйича фойда юзасидан тузиладиган ҳисоботнинг бошқа альтернатив варианти ҳам мавжуд бўлиб, ушбу тартибда маржинал даромаднинг кўрсаткичлари ўрнига сегментларнинг ялпи фойдаси ҳисобланиб, аниқланади. Ушбу ҳисоблаш қуйидаги формулага асосан, амалга оширилади: ФS=ДS-Тм

Бу ерда: ФS- ялпи фойда, ДS- ялпи даромад ва Тм- маҳсулотнинг таннархи.

Бошқарув поғоналарининг даражаси шароитида фойда марказларининг фаолияти бўйича ҳисоботнинг шакли (минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошидан						Субъект бўйича жами	
	Субъектдаги бўлим		Филиаллар					
			Урганч		Андижон			
	смета	фарқи	смета	фарқи	смета	фарқи	смета	фарқи
Маҳсулотни сотишдан даромад	43000	65	33000	-14	38000	115	114000	66
Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	30000	197	32310	-199	26500	264	88810	231
Ялпи фойда	13000	-132	1310	185	11500	-149	25190	-65
Субъектнинг муомалавий харажатлари	-	-	-	-	-	-	15000	76
Субъектнинг муомалавий фойдаси							1019	-141

Лекин амалиётда фойда марказлари бўйича ҳисоботларни тузишда ушбу масалаларни чуқурроқ ёритиш имкониятлари мавжуд. Ушбу ҳолатларда ҳисобот сегментларининг муомалавий фойдаларини ёритишгача кенгайтирилади. Ушбу фойда эса сегментларнинг олган ялпи фойда суммасидан субъектнинг муомалавий харажатларини чегириш натижасида топилади. Лекин ушбу тартибни жорий қилишда эҳтиёт бўлиш керак, чунки айрим ҳолларда бўлимларнинг ҳақиқатда олган фойдасининг ҳажмини нотўғри кўрсатишга ва нотўғри баҳолашга олиб келиши мумкин.

Ушбу муомалавий харажатларни тақсимлашнинг учта усули олимлар ва амалиётчилар томонидан таклиф қилинаяпти:

1. Тақсимот базаси қилиб меҳнат ҳақи сарфларини олиш;
2. Тақсимот базаси қилиб ҳар бир сегментнинг олган даромадини олиш;
3. Тақсимот базаси қилиб ҳар бир сегментнинг олган фойдасини олиш.

Ушбу усулларни чуқур ўрганиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: фойда марказлари бўйича ҳисобот тайёрлаётганда ташкилий муомалавий харажатларни тақсим қилишнинг мутаносиблик асоси бу сегментларнинг олган фойда суммасидир. Ушбу усул тегишли бўлимлар фаолиятининг самарадорлигини бузиб кўрсатмайди.

9.2. Сегментлар бўйича ҳисоботлар ва масъулият марказларининг фаолиятини баҳолаш

9.2.1. Тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини баҳолашга молиявий ва бошқарув ҳисобларининг ёндашуви

Ишбилармонлик фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин шу билан бир қаторда, ушбу фаолиятни капитални қўйиш жараёнида таваккалчиликка йўл қўйилиб, маълум даврда фойда суммасини кўпайтириш нуқтаи назаридан қараш лозим. Молия-

вий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби ишбилармонлик фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш муаммоларини счишга ҳар хил ёндашадилар.

Молиявий ҳисобнинг ўрганиш объекти мустақил юридик шахс ҳисобланган хўжалик юритувчи субъекти ҳисобланади. Ушбу субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш бўйича тузилган молиявий ҳисоботларда уларнинг тўлов қобилияти ва тугатилиш кўрсаткичларидан ташқари, қуйидаги кўрсаткичлар ҳам келтирилади:

- капиталнинг таркибини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун зарур бўлган кўрсаткичлар;
- айланма маблағларнинг айланиш коэффициентини ҳисоблаш учун зарур бўлган кўрсаткичлар.

Субъектларнинг даромадлилик даражасини таҳлил қилиш мақсадида молиявий ҳисоб тизими баланс, тақсимланмаган ва соф фойда каби абсолют кўрсаткичлардан ташқари, нисбий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Молиявий таҳлилда рентабеллик кўрсаткичи деб маълум даврда олинган фойда суммасининг шу даврда субъектга инвестиция қилинган капиталнинг хажмига нисбати тушунилади. Ушбу кўрсаткичнинг иқтисодий маъноси ушбу субъектга қуйилган ўзининг ва жалб қилинган капиталнинг ҳар бир сўмига қўювчиларнинг олган фойдасини таснифлайди.

Қўйилган маблағларнинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда жалб қилинган капиталнинг шаклларига қараб ҳамда ҳисоблаш мақсадлари учун молиявий ҳисобда рентабелликнинг ҳар хил кўрсаткичлари қўлланилади. Ушбу кўрсаткичлар «Бухгалтерия баланси» (1-шакл) ва «Фойда ва зарар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл) шаклларида келтирилган кўрсаткичларга асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Ушбу кўрсаткичлар кейинги бетда келтирилган. Лекин ушбу кўрсаткичлар қуйидаги сабабларга кўра ва тегишли бошқарув ҳисоби ва таҳлилининг олдига қўйилган тегишли вазифаларни счиш учун кам фойдаланилади:

1. Ушбу кўрсаткичлар тегишли сегментларнинг умумий натижаларга қўшган улушларини ҳисобга олмаган ҳолда умумий бизнеснинг самарадорлигини баҳолашга ёрдам беради;

2. Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига ўтиш ва харажатларни ҳисобга олиш усулларидаги туб ўзгаришларга қарамасдан молиявий ҳисобни юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини шакллантиришда мавжуд бўлган солиқ нуқтаи назаридан ёндашишнинг мавжудлигидир.

Мисол, молиявий ҳисобни юритишда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига фақатгина «Харажатларнинг таркиби ҳақидаги Низом»да кўрсатилган ва олинган фойдани солиққа тортишда ҳисобга олинган харажатларгина олиб борилади. Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг бош принципи сарфларнинг ҳамма йўналиши бўйича маҳсулотнинг таннархини ўстириш бўлиб қолди. Чунки иқтисодий фикрлашнинг ушбу шаклланишига амалиётдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи қанча юқори бўлса, тўланадиган солиқнинг миқдори шунча кам бўлиши сабаб бўлмоқда.

Молиявий таҳлилда қўлланиладиган рентабеллик кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Йўналиши	Ҳисоблаш формуласи (усули)
Активларнинг рентабеллиги, %	Активга қўйилган ҳар бир сўмдан қанча фойда олишини кўрсатади.	Тақсимланмаган фойда : Активларнинг ўртача қиймати х 100.
Жорий активларнинг рентабеллиги, %	Жорий активларга қўйилган ҳар бир сўмдан қанча фойда олишини кўрсатади.	Тақсимланмаган фойда : Жорий активларнинг ўртача қиймати х 100.
Инвестициянинг рнетабеллиги, %	Хўжалик юритувчи субъект фаолиятига инвестиция қилинган маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлигини кўрсатади.	Жамғарилган фойда : Баланс-қисқа муддатли мажбуриятлар х 100.
Хусусий капиталнинг рентабеллиги, %	Қўйилган ҳар бир сўм хусусий капиталга олинган фойда суммасини кўрсатади.	Тақсимланмаган фойда : хусусий капитал х 100.
Қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги, %	Қарзга олинган маблағларнинг қийматини тавсифлайди.	Маблағларни қарзга олиш сарфлари : Қарзга олинган маблағлар х 100.
Жами қўйилмаларнинг рентабеллиги, %	Жами қўйилмаларнинг даромадлилигини кўрсатади.	Тақсимланмаган фойда + Қарзга олинган капитал бўйича сарфлар : умумий капитал х 100.
Маҳсулотларни сотишнинг рентабеллиги, %	Сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўмига олинган фойдани кўрсатади.	Тақсимланмаган фойда : Сотишдан кўрилган даромад х 100.
Фойда/харажат (харажатнинг фойда олиб келиши)	Ишлаб чиқариш харажатларининг самарадорлигини тавсифлайди.	Баланс фойдаси : Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари х 100.

Бухгалтериянинг тақдим қиладиган ахборотларига қўйилган талаблардан энг асосийларидан биттаси бу ўз вақтидаликдир. Тегишли БХМСда таъкидланишича, «Истеъмолчиларга тақдим қилинадиган маълумотларнинг кечиктирилиши ўларнинг вақтидалиги ва қийматининг тушишига олиб келади. Ушбу ахборотларнинг ўз вақтидалигини таъминлаш учун ҳисоботлар белгиланган графиклар ва саналарда ташқи фойдаланувчиларга тасдиқланган шакл ва хажмда тақдим қилиниши зарур».

Ушбу камчилик тўлиқ равишда молиявий ҳисобга тегишли. Чунки унда қайд қилинадиган йиғиб ишлов берадиган ахборотлар тарихий хусусиятта эга бўлади, яъни содир бўлган воқеаларни қайд қилади, йиғади ва уларга ишлов беради. Шунинг учун ҳам ушбу ҳисобнинг маълумотлари тезкорлик хусусиятига эга эмас.

Бошқарув ҳисоби тизимида бизнеснинг самарадорлигини баҳолашда бошқача ёндашилади. Бу ерда ҳисоб объектлари хўжалик юритувчи субъект-

нинг айрим сегментлари ҳисобланган масъулият марказлари ҳисобланади. Уларнинг субъект якуний молиявий натижалари шаклланишига қўшадиган улушлари бир хил эмас. Натижада ушбу бўлимларнинг сарфлари ва даромадларини айрим-айрим таҳлил қилиш лозим.

Бошқарув назорати тизимида масъулият марказлари фаолиятининг натижалари иккита кўрсаткичларда - натижалилиги ва самарадорлиги кўрсаткичларида баҳоланади.

Натижалилиги - масъулият марказларининг олдига қўйилган мақсадларига эришиш даражасидир. Қоида бўйича ушбу натижалилик сифат кўрсаткичи билан тавсифланади:

- масъулият марказлари ўзининг олдига қўйилган топшириқларни қандай даражада бажарадилар;
- кўзланган натижаларга қандай даражада эришмоқда;
- ушбу натижалар субъектнинг умумий мақсадига мос келиш даражаси.

Самарадорлик бу ишлаб чиқариш ресурсларидан минимал миқдорда фойдаланган ҳолда олинган топшириқни бажариш ёки бўлмаса ажратилган моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланган ҳолда максимал даражада маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ишларни бажаришдир. Демак, қайси бир масъулият маркази нисбатан оз сарфлар қилиб кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарса ёки ишларни бажарса, ушбу марказнинг фаолияти самарали ҳисобланади. Айрим ҳолларда ушбу масъулият марказларининг фаолияти самарали бўлишидан қатъинназар субъектнинг умумий мақсадига, йўналишига ва манфаатига мос келмаса унинг фаолияти натижали ҳисобланмайди.

Юқорида қайд қилганимиздек, фойда марказлари (инвестиция)да менежерлар кўпчилик ишлаб чиқариш-молиявий масалаларни субъектнинг раҳбарларини аралаштирмай мустақил счадилар. Уларнинг фаолияти фақаттина эришилган натижаларга қарабгина баҳоланади. Ушбу тартибдаги автономия компаниянинг раҳбарларидан у ёки бу сегментнинг фаолиятини баҳоланда ҳар бирига айрим ҳолда ёндашишини талаб қилади. Бунинг учун ушбу раҳбарлар энг аввало, ўзининг қарамоғида бўлган бўлинмаларнинг фаолиятини баҳолаш учун махсус чегараларни ишлаб чиқиши лозим. Чунки ушбу чегаралар менежерларнинг фаолиятини баҳоланда ва кейинги қарорларни қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Амалиётда қўлланилаётган ушбу тартибни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб тегишли менежерларнинг фаолиятини баҳоланда йўл қўйилаётган қуйидаги иккита хатони ажратиш мумкин:

- субъектнинг фақаттина битта мақсадини кўзлаган ҳолда фойдаланиш;
- субъектнинг умумий манфаатларига жавоб бермайдиган чегаралардан фойдаланиш.

Биринчи йўл амалиётга татбиқ қилиш учун оддий йўл ҳисобланади, лекин кўп ҳолларда негатив якуний натижаларни беради. Мисол, агари айрим ҳолларда зарур бўлган маҳсулотларга бўлган талабни қондириш мақсадида уларнинг миқдорини ошириш учун қарорлар қабул қилинди. Натижада ушбу маҳсулотнинг миқдори учун субъектнинг раҳбарлари рағбатлантирилди. Натижада унинг турлари ва сифати ўртасида узилиш содир бўлишига олиб келди. Бошқа мисол, тижорат бўлимининг фаолиятини сотилган маҳсулотлари хажмининг пул кўринишни билан баҳолаш. Бизга маълумки, ҳар хил маҳсулотларнинг фойда олиб келиши ҳар хил. Кам миқдордаги маржинал даромад олина-

диган маҳсулотларни кўп маржинал даромад олиб келадиган маҳсулотларга нисбатан сотиш осонроқ. Ушбу ҳолатда маркетинг бўлими учун кам маржинал даромад олинадиган маҳсулотларни сотиш афзал бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини баҳолаш чегараси ушбу субъект стратегиясининг ўзгариши билан ўзгариб борини керак. Тез тараққий қилаётган тармоқдаги ёш субъектлар учун бошланғич даврда сарфланган харажатларнинг устидан назорат ўрнатиш тўғрисида қайғуриши шарт эмас. Чунки бошланғич нотуқлар унинг маҳсулот (иш, хизмат)ларини истеъмол қилувчиларнинг эътирофи ва бозорнинг асосий қисмини эгаллаб олиши билан боғлиқ. Ушбу тармоқ ва тегишли фирманинг шаклланиш ва рақобатнинг ривожланиши жараёнида сарфланадиган харажатларнинг устидан назорат ўрнатишнинг муҳимлиги ошиб боради. Мисол, ривожланишнинг биринчи босқичида компьютер ишлаб чиқарувчи тармоқнинг фирма ва компаниялари 70%гача маржинал даромад олган бўлса, рақобатнинг ошиши ва бозорнинг ушбу товарларга тўлиб кетиши натижасида уларнинг олаётган маржинал даромади 30%га тушиб қолди. Ушбу юқорида келтирилган фикр ва хулосаларимизнинг исботи сифатида компания стратегиясининг ўзгариши унинг бўлинмаларининг фаолиятини баҳолаш чегараларига таъсир қилишини ва ушбу чегаралашлар кейинчалик унинг стратегиясига таъсир қилишини ўрганиб чиқамиз.

Мисол, одамларнинг қон босимини ўлчайдиган тиббиёт асбобларни ва маиший техникаларни ишлаб чиқарувчи компания шундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ички ва ташқи компаниялар билан қаттиқ рақобатчилик давомида ушбу тармоқда фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатда у ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларининг баҳосини оширa олмайди ва маҳсулотининг хажмини ҳам кўпайтириши мумкин эмас, чунки бозорнинг талаби етарлича қондирилган. Демак, унинг учун қўшимча фойда олишнинг бирдан-бир йўли стратегик вазифа бу ишлаб чиқариш харажатларини имконият топиб қисқартиришдир.

80-йилларнинг ўртасида компания маъмурияти харажатларни қисқартириш йўлларини излаб топиш ўзининг асосий стратегияси деб эълон қилди. Натижада менежерларнинг фаолиятини рағбатлантириш тизими ушбу сарфларни тежаш кўрсаткичларига боғлиқ бўлиб қолди. Ушбу тадбирни амалга ошириб амалиётга татбиқ қилгандан кейин компаниянинг бу соҳадаги муваффаққияти кейинги ўн йилгача давом қилди. Ушбу давр ўтгандан кейин компания хулосага келдики, асосий эътиборни харажатларни тежашга қаратиб бошқа имкониятлар - янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва янги бозорларни - истеъмолчиларни қидириб топиш йўлларига эътибор бермаганлигини тан олди.

Натижада харажатларнинг қисқартиш кўрсаткичлари бўйича рағбатлантириш ушбу йўлларни излаб топишни чеклаб қўйди.

Шундай қилиб, 90-йилларда менежерлар фаолиятининг натижаларини рағбатлантириш чегарасини ўзгартирди. Натижада уларнинг фаолиятини бошқа кўрсаткичларни жамлаган ҳолда баҳоланишга қаратилди, яъни ушбу менежерларнинг фаолияти натижасини баҳолаш ва уларни мукофотлаш сотиш хажми, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва халқаро фаолиятни ривожлантириш кўрсаткичлари мажмуига асосан амалга оширилди. 1994 йилга келиб компания 1990 йилга нисбатан янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни 4 баробарга оширди.

Хўжалик юритувчи субъект бўлимларининг фаолиятини баҳолашда қўлланиладиган чегаралар иккита катта гуруҳга - молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар гуруҳига бўлинади. Ушбу молиявий ва номолиявий чегаларнинг муқобил нисбатини аниқлаш ҳар бир хўжалик юритувчи субъект мажмуриятининг олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

9.2.2. Масъулият марказларининг фаолиятини баҳолашда қўлланиладиган молиявий чегара (критерия)лар

Ҳозирги даврда бозор иқтисоднётига ўтган давлатлардаги хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятида молиявий хусусиятга эга бўлган қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланадилар:

- фойда - якуний натижавий кўрсаткични ифодалайди;
- активларнинг рентабеллиги - субъектларнинг мавжуд активлардан фойдаланиш даражасини кўрсатади;
- қолдиқ фойда - тақсимланмаган фойда, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ихтиёрида қолган фойданинг хажми;
- иқтисодий қўшилган қиймат, яъни бошқариладиган фойда.

Лекин ушбу кўрсаткичлар субъектлар умумий фаолиятининг якуний натижаларини баҳолашда асосий кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланса ҳам ушбу субъектнинг харажатлари ва даромадларининг марказлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун ярамайди.

Фойда марказларининг фаолиятини назорат қилиш учун фойда кўрсаткичидан фойдаланиш мумкин. Кейинги кўрсаткичлар (активларнинг рентабеллиги, қолдиқ фойда ва иқтисодий қўшилган қиймат) эса инвестиция марказлари (СВЕ) фаолиятининг натижаларини таҳлил қилиш учун фойдалидир. Ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш учун сегмент - бўлим ва цехларга тегишли активлар ва уларнинг мажбуриятлари тўғрисида маълумотлар бўлиши лозим.

Фаолият кўрсатаётган сегментнинг фойдаси у ишлаб чиқарган маҳсулот (иш, хизмат)ни сотгандан олган даромад суммасидан ушбу маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар суммасини айришидан олган натижага тенг. Ушбу сегментнинг фаолиятини баҳолаш учун даромад кўрсаткичи мустақил аҳамиятга эга бўлмай қўшимча аҳамиятга эга бўлган кўрсаткич ҳисобланади. Бўлимлар фойдасининг аҳамиятини ҳисоблагандан кейингина активларнинг рентабеллигини ва қолдиқ фойда хажмини ҳисоблаш мумкин. Активлар рентабеллигининг кўрсаткичи молиявий таҳлил тизимида қўлланилади. Бошқарув ҳисоби ва таҳлили нуқтаи назаридан активларнинг рентабеллиги кўрсаткичи бўлим (сегмент)ларнинг активига қўйилган маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлигини кўрсатади. Ушбу активларнинг рентабеллиги қуйидаги формулага асосан ҳисоблаб чиқилади.

Ар=Фс (сегмент (бўлим)нинг фойдаси) : Ас (сегмент (бўлим)нинг активи).

Субъектнинг бўлимлари олган фойдаси ва уларнинг активларини аниқлаш ва ўлчашнинг ҳар хил усулларини (сегментларнинг фойдаси ёки муомалавий фойдалар) кейинроқ чуқур ўрганиб чиқамиз ва ёритамиз.

Активларнинг рентабеллиги кўрсаткичи сегментларнинг фаолиятини баҳолаш жараёнида бошқа кўрсактчиларга нисбатан кўпроқ қўлланилади. Ушбу

кўрсаткич нисбий кўрсаткич бўлиб, сегментларнинг фойдасини акс эттирадиган абсолют кўрсаткич-фойдага нисбатан жиддий афзалликларга эга.

Хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш хажми, олинадиган фойданинг миқдори ва қўйилмаларнинг ҳар хил хажмини талаб қиладиган бўлим (сегмент)лардан ташкил топган. Мисол, асосий ишлаб чиқариш бўлимлари, истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи бўлимлар, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи, капитал қурилиш бўлими ва ҳоказо.

Субъектнинг умумий фаолиятининг якунини баҳолаганда қуйидаги хулосага келишимиз мумкин. 10000000 сўмлик активга эга бўлган сегмент 3000000 сўм фойда олса, 15000000 сўм активга эга бўлган ва 3500000 сўм фойда олган сегмент (бўлим)нинг фаолиятига нисбатан самарали ишлаяпти, деб хулоса чиқарамиз.

Ушбу бўлимнинг фаолиятини такомиллантиришда янги йўналишларни топиш мақсадида бошқарувчи юқоридаги формулани бошқача кўринишда ёзади:

$$Ар = \frac{Фс}{Дс} \times \frac{Дс}{Ас}$$

Бу ерда, Ар- активнинг рентабеллиги, Фс- сегментнинг олган фойдаси, Дс - сегментнинг даромади ва Ас - сегмент активининг қиймати.

Ушбу кенгайтирилган йўналиш сегмент бошқарувчисининг эътиборини Ар ташкил қилувчи маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олинган фойда (1 сўм сотилган маҳсулотга тўғри келган фойда)га ва активларнинг айланишига қаратади. Юқорида келтитирлган формуладан кўриниб турибдики, маҳсулотнинг сотилиш хажми ўз ўзидан активнинг рентабеллигининг ўсишига олиб келмайди. Шу билан бир вақтда активнинг суммаси ўзгармаган ҳолда фойданинг хажми кўпайса Ар кўрсаткичи ошади. Ушбу формула юқорида келтирилган иккита омил- 1 сўм сотилган маҳсулотга тегишли фойда ва активларнинг айланишини ўзгартирадиган қарорларни қабул қилишга имконият яратади.

Мисол, субъект сегменти (бўлими)нинг фаолияти қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- 1 сўм маҳсулотга тўғри келадиган фойда (Фс)=15%;
- активларнинг айланиши (Аа) =2;
- активнинг рентабеллик даражаси (Ар) 30%=15%.

Ушбу натижага асосан нисбатан кам Фс ва нисбатан тезроқ Аа йўналишида сотиш таркибини ўзгартириш лозим. Демак, ушбу бошқарув қарорини қабул қилиш натижасида Аанинг айланиши 2,5 баробарга ва Фс-бир сўмга тўғри келадиган фойданинг миқдори 15%дан 10%га тушиши кутилади. Ушбу вариантни кўриб чиқаётган менеджернинг аниқлашича Ар 25% (10%х2,5)гача камаяди. Агарда у бошқараётган сегмент (бўлим)ларнинг фаолияти АР бўйича баҳоланса ушбу бошқарув қарори қабул қилинмайди.

Ушбу Ар ташкил қиладиган иккита кўрсаткич тегишли бизнес бирлигининг стратегияси тўғрисида тушунчани яратади. Мисол, агарда у ёки бу бўлим янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга уринса унда ушбу маҳсулотни сотиш бўйича юқори рентабелликка эга бўлиши лозим. Агарда у ёки бу сегмент-бўлим ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш бўйича стратегия қабул қилса, у вақтда активларнинг айланишини тезлаштириши лозим.

Бизнес бирликлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда активларнинг рентабеллиги кўрсаткичларининг тутган ўрнини қуйидаги мисол билан ёритиш мумкин.

Мисол, компания бўйича қуйидаги иккита инвестиция марказларининг фаолияти тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, А марказнинг муомалавий фойдаси Б марказнинг муомалавий фойдасидан анча кўп, лекин Б марказнинг активларининг айланиш тезлиги 2 баробар юқори. Натижада активларнинг рентабеллик кўрсаткичлари Б марказида анча, яъни 1/4га юқори.

Ушбу олинган кўрсаткичларнинг натижаси Б марказ кўрсаткичларининг яхшилиги бўйича жавоб бермайди, лекин улар ўзининг активларини яхши бошқаради деган хулосага келишга имконият яратади. Ар ўзининг афзалликларига қарамасдан қуйидаги иккита камчиликлар мавжуд:

- у нисбий кўрсаткич ҳисобланиб компания мажмуасида айрим олинган бизнес бирлиги фаолиятининг муҳимлигини баҳолай олмайди;
- бўлимнинг фаолиятини баҳолаш учун фақат шу кўрсаткичдан фойдаланиш натижасида бошқарув менежерлари асосий эътиборини ушбу сегментга қаратини ва субъектнинг стартегияси иккинчи ўринга тушиб қолиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда уларнинг асосий йўналиши тезликда фойда олиш учун бўлимга инвестиция қилинаётган маблағларнинг хажмини камайтириш йўналишида фаолият кўрсатиши мумкин. Лекин субъектнинг йўналиши ушнг жамики фаолияти бўйича фойданнг хажмини ошириш ҳисобланади.

Активларнинг рентабеллиги кўрсаткичлари бўйича инвестиция марказларининг фаолиятини баҳолаш

№	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Инвестиция марказлари	
			А	Б
1.	Маҳсулотларни сотишдан олинган даромад (млн. сўм)	-	250000	280000
2.	Муомалавий фаолиятдан олинган фойда (млн.сўм)	-	37500	28000
3.	Активларнинг қиймати (млн.сўм)	-	250000	140000
4.	1 сўмлик сотилган маҳсулотга тўғри келадиган фойда (Пс)	(2қат 1қат)х100%	15%	10%
5.	Активларнинг айланиши (Ал)	(1-қат : 3-қат)	1,0	2,0
6.	Активларнинг рентабеллиги (Ар)	(2-қат : 3-қат) х100%	15%	20%

Демак, ушбу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин: Ар кўрсаткичларини фақаттина фойда суммасининг абсолют кўрсаткичлари билан ўзаро боғланган ҳолда татбиқ қилиш мумкин.

Бошқарув ҳисобининг амалиётида қуйидаги умумий тан олинган тартиб мавжуд- агарда инвестициядан олинадиган фойда ушбу инвестиция қилинадиган капиталдан ошиқча бўлса инвестиция қарорини қабул қилиш

мақсадга мувофиқдир. Субъект бўлимларининг фаолиятини баҳолаётганда ушбу умумий қоидани фойданинг қолдиқ суммаси кўрсаткичи ҳисобга олади.

Қолдиқ фойда (Фқ) - бу субъект бўлимлари учун ўрнатилган фойданинг зарур минимал меъёридан ортиқча олган фойдасидир.

Айрим компаниялар ўзларининг фаолияти билан боғлиқ таваккалчилик даражаларини акс эттирган ҳолда тегишли бўлимлари учун фойданинг ҳар хил меъёрларини ўрнатадилар. Чунки ушбу бўлимлар ўзларининг тармоқларга таъллуқлиги ва талабнинг ўзгариб туришига қараб зарур фойданинг даражасини ҳисоблаб чиқадилар. Мисол: таваккалчилик юқори даражада бўлган субъектлар, яъни модаларни ишлаб чиқарувчи субъектларда ушбу фойданинг меъёри юқори даражада бўлса, талаб доимо мавжуд бўлган тармоқларда, яъни қоғоз ишлаб чиқарувчи тармоқларда фойданинг меъёри нисбатан кам бўлади. Чунки бу тармоқларда ўз маҳсулотларига бўлган талабнинг насайиши у даражада кутилмайди.

Ушбу қолдиқ фойда қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$Фқ=Фб-(Аб \times Фм)$$

бу ерда. Фқ- қолдиқ фойда, Фб - бўлимларнинг оладиган фойдаси, Аб - бўлимларнинг активи, Фм - мақсадлар бўйича зарурий фойданинг минимал меъёри.

Қавс ичида кўрсатилган сумма тегишли бўлимлар учун зарур бўлган фойданинг ўрнатилган минимал меъёри ҳисобланади. Ушбу белгиланган меъёрдан ортиқча топилган сумма тегишли субъект учун наф олиб келади. Шу кўрсаткичларнинг Ар кўрсаткичига нисбатан жуда бўлмаганда учта асосий афзаллигини ёритиш мумкин:

1. У ёки бу бўлимга инвестиция қилинган капиталнинг қийматга эга эканлигини очиқдан-очиқ тасдиқлайди;

2. Тегишли инвестиция ҳажмини амалга ошириш учун компанияга ўрнатилган минимал фойдадан ортиқча бўлимларнинг қанча фойда олиб келишини кўрсатади.

3. Компаниянинг умумий фаолиятига бўлимларнинг қўйган улушини акс эттиради.

Мисол, компаниянинг Q бўлими 100000000 сўм активга эга бўлган ҳолда 20000000 сўм фойда келтиради, яъни активларнинг рентабеллик даражаси 20%. F бўлими эса 500000000 сўм активга эга бўлган ҳолда 75000000 сўм фойда келтиради, яъни Ар=15%. Компания томонидан ўрнатилган фойданинг минимал зарурий меъёридан келиб чиққан ҳолда уларнинг қўйган улуши ҳар хил бўлади. Уни кенгроқ ёритиш учун иккита вариантни кўриб чиқамиз:

1-вариантда минимал зарурий фойданинг меъёри 10% ва 2-вариант бўйича минимал зарурий фойданинг меъёри 18%. Ушбу шартларга асосан, тегишли марказларнинг Фк кўрсаткичлари бўйича фаолияти қуйидагича баҳоланади:

№	Кўрсаткичлар	1-вариант Фм=10%		2-вариант Фм=18%	
		Бўлимлар		Бўлимлар	
		Q	F	Q	F
1.	Активлар (млн. сўм)	100	500	100	500
2.	Фойда (млн. сўм)	20	75	20	75
3.	Минимал зарурий фойда (актив х мақсадли фойданинг меъёри)	10	50	18	90
4.	Қолдиқ фойда (Фк) (2қ-3қ)	10	25	2	-15

1-вариант бўйича Фм 10% ўрнатилган ҳолатда активларнинг рентабеллик (Ар) даражасидан қатъий назар (15%) F бўлими Q бўлимига нисбатан (Ар=20%) субъектнинг умумий жамғармасига кўпроқ (25>10) фойда билан ўз улушини қўшади. Ушбу нуқтаи назардан F бўлими компания учун Q бўлимига нисбатан фойдалироқ. Лекин 2-вариант бўйича Фм 18%га ошганда эса компания учун F бўлимига нисбатан (-15 млн) Q бўлими (+2 млн) компанияга наф- қўшимча фойда келтиради.

Энди ушбу кўрсаткичларга таяниб бошқарувчилар (менеджерлар)нинг фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ушбу сегментларнинг фаолиятини баҳолаш чегараларини кўриб чиқамиз. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бошқарув ҳисобининг асосий вазифаларидан бири шу фаолиятда қатнашаётган бўлимлар манфаатларининг келишувига эришишдир.

Инвестиция марказларининг раҳбарларига капитал қўйилмалар бўйича қарорларни мустақил қабул қилиш ҳуқуқи берилган. Демак, уларнинг фаолиятини баҳолаш учун шундай чегаралар ўрнатилиш лозимки, ушбу чегаралар самарали инвестиция қарорларини қабул қилишга ундаши зарур. Бўлимларнинг бизнесини, фаолиятини баҳолаш учун юқорида келтирилган чегараларни мақсадларнинг келишуви нуқтаи назаридан таҳлил қиламиз. Чунки Ар кўрсаткичларининг бўлимларнинг фаолиятини баҳоланда қўлланилиши менежерлар томонидан самарасиз инвестиция лойиҳаларини қабул қилишга олиб келади.

Мисол, фойдали инвестицияни инкор қилиш.

Инвестиция лойиҳасини татбиқ қилгунча В бўлими 10 млн. сўмлик активга эга бўлган ҳолда 3 млн. сўм фойда олаяпти, яъни Ар=30%. Ушбу бўлимнинг менежерига қўшимча 3 млн. сўмлик инвестиция қўйишни талаб қиладиган лойиҳа таклиф қилинди. Ушбу лойиҳани татбиқ қилиш натижасида кутилаётган қўшимча фойда 750000 сўмни ташкил қилади, яъни Ар кўрсаткичи ўсган фойда суммасининг ўсган актив суммасига нисбати 25% (750000 : 3 млн х 100)ни ташкил қилади.

Компания фойданинг минимал меъёрини 20% даражасида белгилади . Компания маъмуриятининг нуқтаи назаридан ушбу таклиф фойдали ҳисобланади, чунки кутилаётган Ар (25%) ўрнатилган минимал фойда меъёридан (Фм=20%) 5%га ортиқ. Лекин Ар кўрсаткичидан келиб чиқиб тегишли В бўлимининг менежери ушбу таклифни инкор қилади. Чунки бу таклиф қабул қилинса Ар умумий кўрсаткичи 30%дан 28,8%га тушиб қолади.

Сегментларнинг фаолиятини Ар кўрсаткичлари бўйича баҳолаш йўли билан инвестиция қарорларини қабул қилиш

№	Кўрсаткичлар	Натижалар
1.	Бўлимнинг (В) фойдаси, шундан	3750 минг сўм
	а) жорий	3 млн. сўм
	б) ўсган	750 минг сўм
2.	Активларнинг қиймати- жами	13 млн сўм
	а) янги лойиҳани қабул қилишгача	10 млн сўм
	б) қўшимча инвестиция	3 млн сўм
3.	Активларнинг рентабеллиги, (янги лойиҳа билан бирга) (1:2)х100%	28,8%

Агарда ушбу бўлим менеджерининг фаолиятини қолдиқ фойда кўрсаткичи бўйича баҳолаган тақдирда ушбу қўшимча лойиҳа бўйича таклифни қабул қилган бўлур эди. Буни қуйидаги ҳисобларга асосланган ҳолда исботлашга харкат қиламиз.

Сегментларнинг фаолиятини Фк кўрсаткичлари бўйича баҳолаш йўли билан инвестиция қарорларини қабул қилиш

№	Кўрсаткичлар	Лойиҳа қабул қилинмайди	Лойиҳа қабул қилинади
1.	Сегмент активларининг қиймати, млн.	10	13
2.	Фойданинг минимал меъёри, %	20	20
3.	Сегментнинг фойдаси, млн.сўм	3	3.750
4.	Минимал зарур фойда суммаси (1-2 млн.)	2	2.6
5.	Қолдиқ фойданинг (Фк) суммаси, млн.	1.0	1.150

Шундай қилиб, ушбу сегментнинг фаолияти қолдиқ фойда (Фк)нинг кўрсаткичлари бўйича баҳоланса компания ва сегментларнинг келишилган ҳолдаги фаолиятини ва қабул қилинган қарорни асослаб беради.

Мисол. Зарар келтирадиган инвестиция қарорларини қабул қилиш.

20000000 сўмлик активга эга бўлган сегментнинг бошқарувчиси ўзининг фаолияти натижасида Ар 10% бўлган ҳолда 2000000 сўм фойда олишни кўзда тутмоқда. Шу билан бир вақтда яна қўшимча равишда 1 млн. сўм активига инвестиция қилиб 150000 сўм қўшимча фойда олиш имконияти бор. Лекин компаниянинг нуқтаи назаридан ушбу қарор нотўғри деб топилаяпти, чунки у 20%дан кам фойда олиш (150000 : 1млн х 100%=15%) ниятн йўқ. Фаолият кўрсатаётган сегментнинг менеджери ўзининг фаолиятини Ар билан баҳолаб ушбу инвестицияни амалга оширишдан манфаатдор, чунки сегментни баҳолаш чегараси 10%дан 10,2%га кўпаяди.

Ар=(2 млн+150000) : (20млн+1млн)х100%=2.15млн : 21млн=10,2%.

Сегментнинг фаолияти Фк билан баҳоланаётган бошқарувчи ушбу инвестиция қарорини қабул қилишдан қуйидаги сабабга биноан, воз кечади: тасдиқланган фойданинг меъёрига мувофиқ (20%) ушбу инвестиция лойи-

ҳасидан олинадиган минимал зарурий даромад 200000 (1млн х 0,2) сўмни ташкил қилиши лозим. Шу билан бир вақтда татбиқ қилинмоқчи бўлган инвестиция лойиҳасидан кутилаётган фойда фақатгина 150000 сўмни ташкил қилади. Демак, менежернинг нуқтаи назари бўйича ушбу лойиҳадан наф кўрилмайди ва натижада бу лойиҳа қабул қилинмайди.

Юқоридаги таъкидлашларнинг натижасида қуйидаги учта хулосага келиш мумкин:

а) бизнес бирликлари ва унинг менежерларининг фаолиятини фақатгина битта кўрсаткичга таянган ҳолда баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас;

в) бизнес бирликлари орасида капиталнинг ҳаракати билан боғлиқ муомалалар юқори бошқарув поғоналари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши зарур;

с) сегментларнинг фаолиятини баҳолаш учун чегараларни тўғри танлаш ва компаниянинг муқобил ташкилий таркиби уларнинг келишилган мақсадларининг рўёбга чиқишига ёрдам беради.

Иқтисодий қўшилган қиймат (ИҚҚ), яъни бошқариладиган фойда. Иқтисодий ривожланган давлатларда қўлланилаётган бошқарув ҳисобида пайдо бўлган ушбу кўрсаткич кейинги вақтларда кенг қўлланилмоқда. Чунки ушбу ИҚҚ кўрсаткичларини сегментлар - бизнес бирликлари раҳбарларининг фаолиятини баҳоланда қўллаш уларни яна ҳам фаол, ўзининг компаниясини бошқараётгандагидек, ҳаракат қилишга ундайди. Шунинг учун ҳам ушбу кўрсаткични амалиётда унинг соғломлигини кўрсатадиган омилларнинг калити, деб ҳам юритилади.

Кўпчилик давлатлардаги компанияларнинг амалиёти кўрсатаяптики, фаолиятларининг молиявий натижаларини ўлчанда ушбу ИҚҚ кўрсаткичини қўллаш сарфланган харажатни яна ҳам камайтиришга, активлардан самарали фойдаланишга, капитални асрашга, меҳнат унумдорлигини оширишга ва мижозларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилашга олиб келади.

Демак, иқтисодий қўшилган қиймат акция ва облигация эгаларига тўланадиган дивиденд суммаси билан қачонки ушбу суммани бошқа субъектларнинг фаолиятига инвестиция қилиш натижасида олган даромад суммасидан фарқи тушунилади. Бошқача қилиб айтганда ИҚҚ=жами олинган фойда суммасидан компаниянинг жаъмики мажбуриятларини чегиришдан қолган суммага тенг.

Қолдиқ фойда ва иқтисодий қўшилган қийматнинг асосий тамойили бир бирига жуда яқин. Чунки ИҚҚ ҳам асосий фаолиятдан олинган фойданинг хажмидан, фақат фойдадан солиқ тўлангандан кейинги суммадан фойдаланади. Ушбу ИҚҚ ҳам Ар кўрсаткичига нисбатан қолдиқ фойда кўрсаткичларидаги афзалликларга эга, яъни ИҚҚ ҳам кенгайган такрор ишлаб чиқариш шароитида бизнес бирликлари энг аввало, қўйилган капиталнинг қийматини ўзларининг даромадлари билан қоплашни назарда тутади. ИҚҚ аниқланда мақсадли фойда хажмининг кўрсаткичи сифатида капиталнинг қиймати фойдаланилади. Шу билан бир вақтда, юқоридаги формулага асосан, қолдиқ фойда

ҳисобланганда эса жамики олинган фойданинг хажми кўрсатилади, бу эса ўз навбатида кўпчилик ҳолларда капиталнинг қийматидан юқори бўлади.

Режалаштириш тизими эса масъулият марказларидаги сарфланган харажатларни назорат қилиш ва фойда олишга йўналтирилган. Бундан ташқари, компаниянинг манфаатини кўзлаган ҳолда фаолиятини йўналтиришга қаратилган. Сегментлар бўйича ҳисоб тизимида ушбу субъектнинг сегментлари бўйича бюджети ва меъёрлари шакллантирилади. Ушбу бюджет ва меъёрларнинг бажарилиши бўйича ҳисобот масъулият марказлари бўйича сарфларнинг рўёбга чиққан жойларига асосан тузилади.

Агарда фарқлар аниқланса, тегишли масъул ходимлар ушбу фарқларнинг сабабларини кўрсатган ҳолда раҳбариятга тушунтириш хати тайёрлайдилар. Кейин эса бухгалтер компьютер маълумотларига асосан, раҳбарият томонидан тегишли қарор қабул қилиш учун йиғма ҳисоботни ва қарорнинг лойиҳасини тайёрлайди.

01.04.0..санага дўконлардаги товарларнинг қолдиғи бўйича ҳисобот.

Дўкон	Товарларнинг гуруҳлар бўйича қолдиғи (минг сўм)											
	1-гуруҳ			2-гуруҳ			3-гуруҳ			4-гуруҳ		
	Режа	Ҳақ.	Фарқи	Режа	Ҳақ.	Фарқи	Режа	Ҳақ.	Фарқи	Режа	Ҳақ.	Фарқи
1.	750	735	-15	810	870	60	680	640	-10	130	370	60
2.	840	852	12	920	940	20	720	630	-90	470	410	60
3.	910	925	15	750	780	30	810	710	-100	640	670	30
.												
.												
30.	1170	1220	50	890	910	20	980	910	-70	1200	1220	20
Жами	29850	31225	1575	29600	30900	1300	24200	23100	-1100	28500	29000	500

Ушбу ҳисобот товарларнинг ҳаракатини акс эттирадиган ҳисоботларнинг бир кўринишидир. У тегишли дўконларда ва омбордаги товарларнинг ҳаракати ва мавжудлиги устидан назорат ўрнатишга ва товарларнинг айланишини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Ушбу товар ҳисоботида товарларнинг хориж валютасига ва сўмга олинган тўртта тури кўрсатилган:

1-гуруҳ- ҚҚСсиз олинган импорт товарлар.
2-гуруҳ- ҚҚСсиз сўмга олинган товарлар.
5-гуруҳ- 20% ҚҚС олинган импорт товарлар.
6-гуруҳ- 20% ҚҚС сўмга олинган товарлар.

9.2.3. Масъулият марказларини бюджетлаштириш ва фаолиятининг натижаларини баҳолаш

Компания сегментларининг бюджети тегишли мутахассислар ва директорлар билан яқиндан алоқа қилган ҳолда олдинги йилларнинг маълумотларидан ва истиқболни белгилаш элементларидан фойдаланилган ҳолда иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқилади. Сегментлар бўйича ҳисоб тизимини ташкиллаштиришнинг бошланғич босқичида режалаштиришни минимал фарқ билан тузиш қийин, чунки зарур бўлган маълумотлар молиявий ҳисобдан оли-

нади. Қачонки олдинги йиллар бўйича маълумотлар сегментлар бўйича юритилган ҳисобдан олинсагина режалаштириш ўзининг самарасини беради. Бунинг учун эса жуда бўлмаганда сегментлар бўйича ҳисоб тизими бир йиллик бюджетни босиб ўтиши лозим. Мисол, сегментлар бўйича ҳисоб тизимини жорий қилиш давомида ҳар ойда режа тузилса декабр ойининг маълумотидан фақатгина феврал ойи учун режа тузишда фойдаланиш мумкин. Март ойи учун режа кўрсаткичларини тайёрлаш яна ҳам аниқроқ бўлади.

Режалаштиришнинг муҳим ва режа кўрсаткичларининг тўғрилигига таъсир қилувчи элементларидан бири бу истиқболни белгилашдир. Ушбу жараёнда маркетинг фаолиятига ва кўрсаткичларига катта аҳамият берилмоғи керак. Маркетинг изланиши бозордаги товарларнинг ҳолати билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда ва уларни тартибга келтиришда асос бўлиб хизмат қилади ва ушбу товарларнинг ташқи кўринишиги дизайнига ва баҳосига таъсир қилади. Ушбу бўлим тегишли сегментнинг фаолиятини ўрганиш, ахборотларни йиғиш, маҳсулотларнинг турларини режалаштириш, тайёрлов ва сотув бўлимларини рағбатлантириш билан шуғулланади. Истиқболни башорат қилиш ва фаолиятни таҳлил қилишга таллуқли ҳамма маълумотларга ишлов берилиб, зарур ҳолатларда бўлимларнинг мутахассислари ва директорларини жалб қилган ҳолда режани тузадилар.

Ушбу фикримизнинг исботи сифатида - фойда марказининг сегментлари - дўконларнинг фаолиятини бюджетлаштиришни кўриб чиқамиз.

12-дўконнинг 20 - йил март ойига бўлган бюджетини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун эса ўтган икки ойдаги (январ-феврал) ушбу дўконнинг фаолияти бўйича олинган маълумотлар чуқур таҳлил қилинади. Маълум бўлишича феврал ойида ушбу дўконнинг товар айланиши 5300 минг сўмни ва олган фойдаси 250 минг сўмни ташкил қилди. Таъминот бўлимининг маълумотлари бўйича март ойида парфюмерия ва косметика бўюмларига талаб ошади. Бунга сабаб қилиб, 8-март байрами ва баҳорнинг кириб келиши кўрсатилаяпти. Натижада 1 ва 2 гуруҳ товарларига бўлган талабнинг 20% (800000 сўмдан 960 минг сўмга) ўсиши башорат қилинмоқда. Бу маълумотлар ушбу дўконнинг бюджетини шакллантиришда фойдаланилади. Бундан ташқари, унинг оладиган фойдасининг 3 баробар кўпайиши натижасида содир бўладиган муомала харажатларининг хажмини ҳам белгилаш лозим.

Феврал ойининг маълумотларига кўра, ушбу товарларнинг сотиб олиш баҳоси товарларнинг умумий сотиш баҳосининг 70%ни ташкил қилган.

Март ойида ҳам ушбу мутаносиблик кўрсаткичи ўзгармайди деб кутилади. Демак, март ойида сотиладиган товарларни олиш баҳоси қуйидагича бўлади (960000x0,70), 672000 сўм. Март ойида 12-дўконнинг олган даромади товарларнинг қиймати ва муомала харажатларини қоплашдан ташқари, фойда ҳам олиб келиши лозим. Ушбу фойда 100000 сўмни ташкил қилиши кутилади. Демак, ушбу 1 ва 2-гуруҳ бўйича олинадиган фойдани инобатга олган ҳолда дўконнинг муомала харажати қуйидаги тартибда ҳисоблаб чиқилади: (960000-672000)-X=100000. Бу ерда, X=188000 сўм, яъни 288000-X=100000; X=288000-100000=188000 сўм.

12-дўконнинг 20хх март ойидаги бюджети (минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Жаъми	Ҳисоб гуруҳлари бўйича					
			1	2	3	4	5	6
1.	Товарларнинг айланиши	960	300	150	200	100	120	90
2.	Сотиб олиш баҳоси	672	210	105	140	70	84	63
3.	Даромад	288	90	45	60	30	36	27
4.	Муомала харажатлари:	188	-	-	-	-	-	-
	- меҳнат ҳақи	62,5	-	-	-	-	-	-
	- меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратма	25,0	-	-	-	-	-	-
	- ижара тўлови	9,0	-	-	-	-	-	-

5.	Фойда	100	-	-	-	-	-	-

Ушбу келтирилган бюджетнинг таркибидан кўриниб турибдики, у фақатгина тегишли дўконнинг фойдасинигина акс эттиради, омбор ва марказий идоранинг харажатларини қайд қилмайди. Ҳисоботнинг ушбу шакли у ёки бу сегментнинг хўжалик фаолиятини баҳолаш учун асос бўла олади. Лекин бошқарув таҳлилини амалга оширишда ва амалиётда марказий омборлар ва идоранинг харажатлари тегишли фойда марказларига дўконларга тақсим қилинади, чунки улар ўзларининг фаолияти натижасида фойда олмайдилар, фақатгина сарфларни амалга оширадилар. Бундан ташқари, ушбу таҳлилни ўтказиш ва баҳоларни ташкил қилиш жараёнида тегишли товарларнинг тўлиқ таннархи тўғрисидаги маълумотларга асосланган ҳолда товарларнинг гуруҳи бўйича ҳам уларнинг рентабеллик даражасини аниқлаш тақозо қилинади. Шу билан бир қаторда, билвосита харажатларни тақсимлаш асосини ҳам белгилаш зарурияти туғилади. Ушбу ҳолатда биз ҳисоб снёсатини ишлаб чиқишда тақсимот асоси қилиб ялпи даромад ёки товарларнинг айланишини кўрсаткичини олишимиз мумкин. Ушбу компаниянинг ўтган давр маълумотларига қарасак хўжалик товарлари учун устама 25-30%, косметика ва парфюмерия товарлари учун эса устама 100% ўрнатилган.

Мисол, 10000 сўм билвосита харажатни тақсим қилиш лозим дейлик. Ушбу ҳоллатдан товарларнинг айланишини асос қилиб олсак билвосита харажатларнинг 50%-5000 сўм хўжалик молларига ва қолган 50%-5000 сўми парфюмерия ва косметика молларига ўтказилади. Агарда тақсимотнинг асоси қилиб даромад суммаси олинса, у вақтда билвосита сарфларнинг 1/4 қисми хўжалик молларининг қийматига ва қолган 3/4 қисми косметика ва парфюмерия молларининг қийматига қўшилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

а) ҳамма дўконлар ҳам парфюмерия ва косметика моллари билан савдо до
қилаолмаслигини эътиборга олган ҳолда ушбу эгри харажатларни дўконлар ўртасида ялпи даромад суммасига мутаносиб равишда тақсим қилиш мақсадга мувофиқ. Натижада парфюмерия ва косметика билан савдо қилмайдиган дўконларнинг зарар кўришининг олди олинади ва ҳар бир дўкон учун товар айланишининг ҳақиқий ҳажми белгиланади.

б) товарларнинг гуруҳи ўртасида билвосита харажатларни товарларнинг айланиши кўрсаткичига мутаносиб равишда тақсим қилиш лозим. Бу усул ҳамма товарларнинг гуруҳи ва бирлиги ўртасида ушбу харажатларнинг нисбатан бир хил улушда тақсимланишига олиб келади.

Эндиги навбатда харажатларнинг марказий омборлар ва марказий идораларнинг бюджетини шакллантиришни кўриб чиқамиз. Энг аввало, ушбу билвосита харажатларнинг ичида улуши кўп бўлган (50%дан ортиқ) маъмурий-бошқарув харажатлари тўғрисида батафсил тўхталамиз.

20хх йил март ойига маъмурий-бошқарув харажатларининг бюджети (минг сўм)

№	Харажатларнинг турлари	Суммаси
1.	Меҳнат ҳақи сарфлари	950
2.	Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратма	380
3.	Йўллардан фойдаланиш солиғи	320
4.	Бошқа мажбурий тўловлар	140
5.	Биноларнинг эскириши	180
6.	Машиний хизмат тўловлари	280
7.	Транспортни асраш ва улардан фойдаланиш сарфлари	310
8.	Алоқа хизматлари	270
9.	Идора буюмларининг сарфи	330
10.	Ваколатлик сарфлари	140
11.	Хизмат сафари сарфлари	85
12.	Даврий нашрлар бўйича сарфлар	30

30.	Бошқа сарфлар	60
	Жами	5260

Ушбу бюджетдан кўриниб турибдики, уни назорат қилиш, тартибга солиш компаниянинг олган умумий фойдасининг ҳажмига тўғридан тўғри таъсир қилади. Илгари қайд қилганимиздек, бўлимларнинг бюджети ҳар бир сегментнинг раҳбари билан келишилган ва ўтган давр кўрсаткичларини ўрганиб унга таянган ҳолда тузилади ва субъектнинг раҳбари томонидан тасдиқланади. Натижада идора харажатларининг сарфланиши компаниянинг бош бухгалтери томонидан назорат қилиниб борилади. Бўлимнинг директорлари тузган ва тасдиқлаган бюджетнинг нусхасига асосан, ўзининг бўлимларида сарфланаётган харажатларнинг устидан назорат ўрнатадилар. Даврнинг охирида бўлимнинг директорлари ҳисоботни бош бухгалтерга топширгандан кейин у тузилган бюджетнинг бажарилишини таққослаб текширади. Бўлимнинг директори ҳам ўзининг масъуллигидаги харажатларнинг тасдиқланган бюджетларга тўғри келишини назорат қилиб боришлари лозим. Ушбу директорлар сарфлар бўйича ҳужжатларни тасдиқлаш учун бош бухгалтерларга мурожаат қилганда у аввало, бюджетнинг бажарилиши нуқтаи назаридан ушбу ҳужжатни текшириши лозим. Агарда ушбу харажат режалаштирилган, лекин меъёрдан четга чиқилган бўлса у вақтда бўлимнинг директори бош директор номига тушунтириш хати ёзиб унда меъёрдан четга чиқиш сабабларини кўрсатадилар.

Ушбу маъмурий-бошқарув сарфларининг бюджети тасдиқлангандан

кейин у меъёрий ҳужжат сифатида тан олинади. Айрим ҳолларда ушбу бюджетни яна ҳам қисқа давр (10, 15 кунга) учун тузиш мумкин.

Компаниянинг олдидаги вазифаларни бажаришга йўналитирилган хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш тизимини кўриб чиқамиз. Бюджетда режалаштирилган товар айланишини кўпайтириш товар оқимлари устидан илмий асосда ва тезкор назорат ўрнатмай туриб амалга ошириш мумкин эмас. Буниг учун эса сегментлар бўйича ҳисоб тизимида сотиш баҳосига асосланган ҳолда шаклланган ушбу даврнинг ичида товарларнинг ҳаракати бўйича ҳисоботни шакллантириш лозим.

Кейинги вақтларда сегментларнинг фаолиятини баҳолашда ИҚҚ чегараланишига кўпчилик субъектларнинг қизиқиши кучайиб кетди ва ўзларининг капиталларини аниқ бизнес марказларига жамлаш ва бошқарув назорати тизимида инвестиция марказларини кенг қўллашга ўтдилар. Фаолиятининг самарадорлигини ИҚҚ бўйича баҳолаётган бизнес марказларининг муваффаққияти, асосан сегмент бошқарувчиларининг фақатгина олаётган даромадига эмас, балки фойдаланаётган капиталининг қийматини пасайтиришга манфаатдорлигидан келиб чиқмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, ушбу ИҚҚ кўрсаткичини қўллаш натижасида бизнес бирликларининг бошқарувчиларини ушбу бирликларга инвестиция қилинган капиталдан нисбатан самарали фойдаланишга, кўпроқ фойда олишга, сегмент капиталининг қийматини пасайтиришга ва жуда бўлмаганда олинаётган фойда суммасини кўпайтиришга ундайди.

Бизнес бирликларининг фаолиятини баҳолашда қандай чегараланишларнинг қўлланилишидан қатъиназар ушбу ҳисоб-китобларга қайси даромадлар, сарфлар ва активларни қўшиш зарурлигини аниқлаб олиш лозим. Ушбу сарфлар ва активларни қўшишнинг асосий шарти уларнинг устидан назорат ўрнатиш имкониятининг мавжудлигидир. Мисол, агарда менежернинг фаолияти Ар кўрсаткичига асосан баҳоланса, у олинадиган фойда ва активининг хажмини назорат қилиши керак.

Айрим компаниялар сегментлар орасида фақат билвосита доимий харажатларни, яъни корпорациянинг бошқарув ва маъмурий харажатларинигина тақсим қиладилар. Ушбу ҳолатларда тўғри доимий харажатлардан билвосита доимий харажатларни ажратиш лозим, чунки ушбу харажатлар менеджерларнинг масъулият чегарасидан ташқарида бўлиб, уларни назорат қилиш имконияти бўлмайди.

Қолдиқ фойда ва иқтисодий қўшилган қийматдан фойдаланадиган компаниялар эса ушбу ҳолатлардан корпорациянинг қарзлари, узоқ муддатли кредит ва қарзлар бўйича тўланган фоизларни чиқариб ташлаши лозим. Амалиётда ушбу бўлимларда фойдаланилаётган активларгина уларнинг- сегментларнинг активи дейилади. Кўнчилик активларни тегишли сегментларнинг фаолияти билан боғлаш мумкин. Айниқса, иморатлар, иншоотлар, машина ва ускуналар у ёки бу бўлимларга тегишли ва уларнинг назоратида бўлади. Тайёр маҳсулотларнинг захираси ва ушбу муомалалар натижасида рўёбга чиққан дебитор қарзларнинг ҳолати эса маркетинг бўлими томонидан назорат қилинади. Ушбу бўлимларнинг бошқарувчилари пул маблағларининг бир қисмини назорат қилиши мумкин, лекин унинг аксарият қисмини-мол етказиб берувчиларнинг, кредиторларнинг счётларини тўлаш, истеъмол-

чи ва харидорлардан ҳисобланган пулларни олиш муомалаларини назорат қилиш компания томонидан амалга оширилади. Пул маблағларининг ҳаракати устидан бошқаришни марказлаштириш компаниянинг ушбу муомалалар юзасидан сарфини камайтиради. Активларнинг айрим турлари (маъмурий бинолар, пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар, гудвил, ташкилий харажатлар) эса компаниянинг маъмурияти томонидан назорат қилинади.

Мисол, «Сирожбек» компанияси томонидан сегментларининг фаолияти тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган. Ушбу «Сирожбек» компанияси ўзининг таркибида А.В.С. бизнес бирлиги ва марказий офиса эга. Фойданинг мақсадли меъёри- 10%. Даромадлар ва активлар бўлимлар бўйича тақсим қилинган.

«Сирожбек» компаниясининг сегментлари ўртасида активлар ва даромадларнинг тақсимланиши ва уларнинг олган фойдасининг шакллантириш (млн. сўм).

№	Кўрсаткичлар	Сегментлар			Тақсим лаймаган	Жами
		A	B	C		
1.	Пул маблағлари	200	300	600	300	1400
2.	Олинадиган счётлар	600	800	900	-	2300
3.	Товар моддий захиралари	1000	1800	2400	-	5200
4.	Келгуси даврсарфлари	100	100	200	200	600
5.	Иморат ва иншоотлар	2000	3200	4400	600	10200
6.	Капитал қўйилмалар	100	-	-	1000	1100
	Жами	4000	6200	8500	2100	20800
7.	Сотишдан ҳисобланган даромад	1000	4000	7000	-	12000
8.	Ўзгарувчан харажатлар	300	2200	4000	-	6500
9.	Маржинал даромад	700	1800	3000	-	5500
10.	Тўғри доимий харажатлар	300	900	1400	-	2600
11.	Сегментнинг фойдаси	400	900	1600		2900
12.	Умумий доимий харажатлар	-	-	-	-	600
	Фойда	-	-	-	-	2300

Ушбу келтирилган маълумотларга асосан, ҳар бир сегмент - бўлим бўйича ва «Сирожбек» компанияси бўйича АР ва Фқ кўрсатгичлари ҳисоблаб чиқилган.

Шарти- компания бўйича мақсадли фойданинг меъёри 10% қилиб тасдиқланган.

Ушбу «Сирожбек» компаниясининг сегмент (бўлим)лари ўртасида активларнинг ҳаммаси тақсимланмайди (2100 млн. сўм). Демак, агарда ички бўлимларнинг олган фойдаси ўрнатилган меъёрдан ошмаса, компаниянинг молиявий натижаси ижобий бўлмайди. (Юқоридаги мисолда компаниянинг Ар=11%, демак фақат «А» сегмент салбий натижага- 11,1%>10% эришган). Бўлимларнинг қолдиқ фойдасининг жами суммаси 1030 млн. сўмни (0+280+750) ташкил қилган ва ушбу суммани бир қисми сегментлар бўйича тақсимланмаган харажатлар ва активлар (2100)ни қопланга йўналтирилган. Натижада компаниянинг жорий ҳисобот даврида ишлаган фойдасининг қолдиғи 820 млн. сўмни (1030-210) ташкил қилди. Шунинг учун ҳам ўзининг харажатлари ва активларини сегментлар ўртасида тўлиқ тақсимламайдиган компаниялар ушбу бўлимлар учун Фқ даражасини юқорироқ ўрнатиши лозим.

«Сирожбек» компаниясининг ва сегментларининг фаолиятини Ар ва Фқ кўрсаткичлари бўйича баҳолаш

№	Кўрсаткичлар	Сегментлар			Тақсимланмаган	Жами
		А	В	С		
1.	Пул маблағлари (млн. сўм)	200	300	600	300	1400
2.	Ар ҳисоблаш:					
	а) сегментнинг фойдаси (млн. сўм)	400	900	1600	600	2300
	в) сегментлар активининг қиймати (млн. сўм)	4000	6200	8500	2100	20800
	с) Ар, %	10.0	14.5	18.8	-	11.1
3.	Қолдиқ фойда (Фқ)ни ҳисоблаш					
	а) сегментнинг фойдаси (млн. сўм)	400	900	1600	-	2900
	в) минимал зарурий фойда (млн. сўм)	400	620	850	-	2080
	с) Фқ- (млн. сўм)	0	280	750	-	820

Агарда сарфланган харажатлар ва биркитилган активлар ушбу бўлимларнинг назоратида бўлган тақдирда бўлимларнинг активлари ушбу компания капиталининг қийматига тенг бўлар эди.

Ушбу харажатларни тўлиқ тақсимлашни қувватловчи ва қарши томонлар ҳам мавжуд.

Қувватлайдиган томонлар:

а) бўлимнинг менежерлари компанияни бошқариш учун зарур бўлган харажатлар ва инвестицияларнинг ҳақиқий хажмини билишлари керак, чунки ҳар бир бўлим ушбу харажатларни қоплаш учун ишлашлари лозим;

б) ушбу тартиб компания маъмурияти учун ўзининг қарамоғидаги бизнес-бирликларнинг фаолиятини холис баҳолаш ва ушбу кўрсаткичларни шундай бизнес билан шуғулланувчи марказлашган тартибда олинган кўрсаткичлар билан таққослаш учун зарур. Ушбу бизнес бирликлар ўзлари сарфлаган харажатлар ва активлар учун мустақил компания каби масъулият сезиши керак.

Хўжалик юритувчи субъект юридик шахс бўлганлиги учун:

- ўзининг фаолияти бўйича сарфлаган харажатларини олган даромади билан қоплаши;
- бизнеснинг самарадорлигини оширишга қаратилган масъулиятини ошириш учун бошқарув қарорларини қабул қилиши лозим.

Чунки шунга ўхшаш бошқа муомалалар ҳам компаниянинг бўлимларига тааллуқли эмас. Ички таркибий бўлимлар ўзларининг фаолияти бўйича олинган натижаларидангина фойдаланадилар.

Ушбу тамойилга қарши бўлган томонлар:

а) активларни сегментлар бўйича тақсимлаш фақатгина арифметик ҳисоблашдир;

в) уларнинг билвосита хусусиятини ўзгартирмайди;

с) бўлимларнинг менежерлари уларни тартибга солаолмайдилар деган фикрларни билдирмоқдалар.

Мажбуриятларни бўлим- сегментлар бўйича тақсимлаш натижасида соф активларнинг қиймати камаяди, ушбу сегментлардаги Ар ва Фқ кўрсаткичларининг аҳамиятини оширади. Жорий активларнинг айрим турлари (олинадиган счётлар)нинг у ёки бу бўлимнинг фаолиятига тегишлилигини аниқлаш осон. Лекин, шу билан бир қаторда, ҳамма мажбуриятларни бўлимларнинг ўртасида тақсимлаш жуда қийин. Амалиётда бизнес-бирликлар узоқ муддатли кредит ёки қарзларни олаолмайдилар. Чунки узоқ муддатли қарзлар компаниянинг заруриятлари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда юқори бошқарув органларининг қабул қилган молиявий қарорларининг натижасида рўёбга чиқади. Натижада бўлимларнинг менежерлари ушбу маблағларни назорат қила олмайдилар ва улар учун масъул эмаслар, шунинг учун ҳам амалиётда ушбу узоқ муддатли мажбуриятлар бўлимларга таъллуқли эмас. Кўпчилик хориж компаниялари ўзларининг сегментларининг фаолиятини баҳолаш учун мақсадли йўналиши бўйича у ёки бу бўлимларга таъллуқли бўлган активларнигина тақсим қиладилар. Ушбу ҳолатларда бўлимлар активларининг қиймати компанияга тегишли ва назорат қилинадиган активлар билан бўлимларнинг мажбуриятлари ўртасидаги фарқ суммасидан ташкил топади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда сегментнинг фаолиятини баҳолаш раҳбарининг фаолиятини баҳолаш билан доимо тўғри келавермаслигини исботлайдиган бизнес бирликларини бошқариш назарияси ва амалиёти бўйича бой тажрибалар тўпланган.

Мисол. «Сирожбек» компаниясининг бўлимларида активларнинг қийматини ҳисоблашда уларнинг мажбуриятларини ҳисобга олиш.

«Сирожбек» компаниясининг мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда Ар ва Фқ кўрсаткичларини ҳисоблаш (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар	Бўлимлар			Компания
		A	B	C	
1.	Активларнинг рентабеллигини (Ар) ҳисоблаш:				
	а) сегментнинг фойдаси	400	900	1600	2300
	в) активларнинг қиймати	4000	6200	8500	20800
	с) сегментнинг кредитор қарзлари	600	1700	3100	5400
	d) бўлимнинг соф активи (2к-3к)	3400	4500	5400	15400
	е) сегментларга тақсимланмаган кредитор қарзлар	-	-	-	7300
	f) активларнинг жами (d-e)	3400	4500	5400	8100*
	Ар %да	11,8	20,0	29,6	28,4
2.	Қолдиқ фойда (Фқ)ни ҳисоблаш:				
	а) сегментнинг фойдаси	400	900	1600	2300
	в) талаб қилинадиган фойда (соф актив х фойда меъёри)	340	450	540	810
	Фқ	60	450	1060	1490

*8100=15400-7300

** Компанияда тасдиқланган фойданинг мақсадли мсъёри- 10%.

Ар ва Фқ кўрсаткичларини ҳисоблашда мажбуриятларни инобатга олиш натижасида ушбу кўрсаткичлар бўлимлар ва компания бўйича ўсишга эришилди. Лекин уларнинг ўзини тутиш нуқтаи назаридан мажбуриятларни бўлимларнинг активларига қўшиш масаласи очиқчасига қолади, чунки:

а) бир томондан жорий мажбуриятлар бўлимларнинг фаолият юритишини, қолаверса компаниянинг фаолиятини таъминлайди;

б) ушбу ҳолат қарзларнинг юқори даражада бўлишига менежерларни манфаатдор қилиб қўяди, чунки натижада Ар ва Фқ кўрсаткичларининг ўсишига олиб келади.

Агарда менежерлар мол етказиб берувчиларнинг счётини тўлаш муддатини кечиктирса компаниянинг обрў даражаси тушади. Ушбу ҳолатларда муқобил қарорлар бу бўлимнинг менеджерлари томонидан мол етказиб берувчиларга бўлган қарзларнинг белгиланган графикда тўланишидир. Шунинг учун ҳам ушбу муомалага чек қўйиш учун кредитор қарзларни тўлаш марказлаштирилган бўлиб компания томонидан амалга оширилади.

Бўлим- сегментларнинг ва уларнинг менеджерларининг фаолиятини баҳолаш стратегик (узоқни кўзлаган) хусуниятга эга. Ушбу баҳолаш Ар ва Фқ кўрсаткичларини ҳисоблаш асосида амалга оширилади. Натижада компания рахбарларининг қуйидаги малакали бошқарув қарорларини қабул қилишига олиб келади:

- у ёки бу бўлимларга инвестицияни кўпайтириш ёки камайтириш;
- айрим Бс фаолиятини бошқа Бс фаолияти ҳисобидан маблағ билан молиялаштириш;
- айрим бизнес бирликларини сотиш ёки ни фаолиятини тўхтатиш каби қарорларни қабул қиладилар.

Менежерларнинг фаолиятини баҳолаш натижалари қуйидаги усулларнинг бирини қўллашга боғлиқ:

- ички улушларни таққослаш;
- ўтган давр кўрсаткичлари билан таққослаш;
- тармоқлар бўйича ўртача кўрсаткичларни ҳисоблаш.

Ички улушларни таққослаш усули- Ар ва Фқ кўрсаткичлари ҳар бир бўлимнинг субъектга қўшган улушини баҳолаш учун фойдаланилади.

Шу билан бир қаторда, ушбу сегментлар менежерларининг фаолиятини баҳолаш учун татбиқ қилинмайди. Чунки бўлимларнинг тармоқларга таъаллуқлиги Ар кўрсаткичларининг аҳамиятига тўғридан тўғри таъсир қилади. Мисол, маҳсулотини бошқа саноат компанияларига сотадиган сегментларга нисбатан истеъмол бозори учун ишлаётган сегментларда Ар кўрсаткичининг аҳамияти катта. Бундан ташқари, Ар ва Фқ ҳажми юқори таваккалчилик даражаси бўлган бўлимларда юқори бўлади. Мисол, ўсимликларнинг генетикаси билан шуғулланаётган сегментда Ар кийим тикадиган бўлимга нисбатан юқори бўлиши шарт. Шундай қилиб, менежерларнинг фаолиятини холис баҳолаш учун табиатини ҳам инобатга олиш керак. Чунки, тез ўсиб бораётган тармоққа тааллуқли бўлимнинг ўртача қобилиятли менежери ушбу бўлимга инвестиция қилинган капиталдан юқори фойда олиши мумкин. Шу билан бир вақтда ушбу менежер бошқараётган бўлимнинг кўрсаткичлари паст бўлган ҳолда унинг иши юқори баҳоланиши мумкин. Мисол тариқаси-

да инқирозга юз тутаётган тармоққа тааллуқли бўлим раҳбарининг фаолиятини келтириш мумкин. Чунки унинг фаол ҳаракати фақатгина инқирозни секинлаштириши ёки Ар олдинги даражада ушлаб туришигина мумкин.

Ўтган даврлар билан таққослаш усули. Ушбу усулни қўллаганда тегишли у ёки бу сегмент- бўлим фаолиятининг бир неча йиллар давомидаги кўрсаткичлари таққосланади. Бу усул ички фаолиятларни таққослаш камчиликларидан холис бўлиб тегишли бизнес бирлигининг ҳар хил бизнес турларида фаолият кўрсатишида айрим омилларнинг фаолият натижаларини баҳолашга таъсирининг олдини олади.

Лекин, шунга қарамай, ушбу ўтган давр кўрсаткичларини таққослаш усулига эҳтиёт бўлиб қараш лозим. Чунки активларнинг рентабеллиги кўрсаткичларини яхшилаш бўлимнинг фаолиятини юқори даражада баҳолаш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Масал, «Сирожбек» сегменти Ар кўрсаткичини кейинги йилларда икки баробар оширди ва ҳисобот даврининг натижаси бўйича ушбу Ар кўрсаткичи 8%ни ташкил қилди. Ушбу ҳолат «Сирожбек» сегментининг фаолиятини ижобий баҳолаш учун етарли эмас, чунки кейинги йилларда тармоқнинг ҳолати яхшиланган бўлса «Сирожбек» бўлимида Ар аҳамияти илгариги йиллар натижасига нисбатан кўпроқ ўсган бўлиши керак эди.

Тармоқлар бўйича ўртача кўрсаткичлар усули. Ушбу усул бўлимларнинг ҳар хил тармоқларга тааллуқлилиги натижасида юзага келган омилларнинг таъсир қилишига йўл қўймайди. Ушбу усулдан фойдаланиш тегишли сегмент ёки унинг менежерининг фаолиятини рақобатчи сегментларнинг фаолияти билан таққослашни назарда тутади.

Бундай таққослашлар, шу билан бир қаторда, ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради. Илгари таъкидлаганимиздек, ушбу тармоқда фаолият кўрсатаётган субъектга нисбатан унинг бўлими (сегменти) Ар бўйича юқорироқ кўрсаткичга эга бўлиши керак. Бизнес-бирлик ушбу компаниянинг қисми-бўлими ҳисобланиб у тегишли наф олиши лозим. Ишлаб чиқаришнинг ихтисосланишининг чуқурлашуви натижасида айрим олинган бўлимларнинг фаолиятини таққослаш учун зарур компанияларни топиш мушкул бўлиб қолди.

9.2.4. Масъулият марказларининг фаолиятини баҳолашнинг номолиявий чегара (критерия)лари

Хўжалик юритувчи субъект бўлимларининг фаолияти фақатгина молиявий хусусиятдаги йўналишларга боғлиқ бўлибгина қолмай, номолиявий хусусиятдаги, кашфиётчилик, унумдорлик, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати, харидор ва буюртмачиларга хизмат кўрсатиш даражаси каби кўрсаткичларга ҳам боғлиқ. Ушбу омилларни ҳам чуқур тушиниш, уларни ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида кўпчилик субъектлар ушбу мушкул вазифани- амалиётда фойдаланилаётган молияивй чегараларга қўшимча равишда номолиявий чегараларни танлаш каби масалаларни ечиш билан банд бўлмоқдалар. Асосий қийинчилик фақатгина номолиявий кўрсаткичларни ўлчаш ва баҳолашда эмас, балки нима баҳоланиши керак, нимага эътиборни қаратиш лозим ва нимани инкор қилиш (жуда бўлмаса ҳозирги вақтда) зарурлигини аниқлаш лозимлигидадир.

Хўжалик юритувчи субъектнинг номолиявий йўналишдаги фаолияти

уларнинг молиявий натижаларига сезиларли даражада таъсир қилишини эътиборга олган ҳолда кўпчилик менеджерлар, ходимлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва харидорлар билан боғлиқ бўлган ҳамма ҳолатларни ўлчашга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ушбу ҳикматни эсдан чиқариш мумкин эмас «Ҳамма нарсани билиб, биз неч нарсани билмаслигимиз мумкин». Демак, субъектнинг фаолияти билан боғлиқ ҳамма нарсани ўлчаб, зарур маълумотларнинг ўрнига кўпчилик ҳолларда кўпроқ керак маълумотларни йиғишимиз мумкин.

Масалага таалуқли бўлган субъектларнинг фаолиятини баҳолаш чегаралари учун зарур бўлган, бошқариладиган молиявий ва номолиявий ахборотларни аниқлаш компания маъмуриятининг олдидаги бошқарув назоратининг асосий муаммоларидан биридир. Ушбу муаммони ечаётганда энг аввало, молиявий ва номолиявий чегаралар ўртасидаги туб фарқларни тушуниб етиш лозим.

Биринчидан, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини баҳолашнинг номолиявий чегаралари кўпчилик ҳолларда чегараланган, стандартлаштирилган ва ўзаро чамбарчас боғланган молиявий чегаралардан нисбатан кўп. Бўлимларнинг фаолиятини баҳолашнинг номолиявий чегараларида аниқ ўрнатилган тартиб йўқ. Шу билан бир вақтда эса ишлаб чиқариш жараёнлари ва маҳсулотларнинг сифатини баҳолайдиган кўпдан-кўп чегаралар мавжуд:

- буюртмаларни бажариш тезлиги;
- сифат стандартларининг талабини қондириш;
- рақобатчиларнинг эришган кўрсаткичларига эришиш ёки улардан устун бўлиш ва ҳоказолар.

Илгарилари «истеъмолчи- харидорнинг талабини қондириш» кўрсаткичига бўлимларнинг фаолиятини баҳолашда эътибор берилмас эди. Ҳозирга келиб кўпчилик маркетинг изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, харидорларнинг талабини қондириш ва фойданинг хажми ўртасидаги алоқа мавжудлигини эътиборга олиб кўпчилик йирик компаниялар харидорларга хизмат қилишнинг қониқарлилик даражасини чуқур таҳлил қилиб, олинган натижаларни рақобатчиларнинг кўрсаткичлари билан таққосламоқдалар.

Иккинчидан, компания фаолиятининг якуний натижалари билан номолиявий кўрсаткичларнинг алоқаси бир неча ой ёки йил давомида йиғиладиган статистика маълумотларига асосланган ҳолдагина аниқланиши мумкин. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати ва келишувнинг амалга оширилишидан қониқиш келгусида ушбу буюртмачининг янги шартномаларни тузишга тайёрлигига ва бу ҳолат эса шу сегментнинг келгусидаги молиявий ҳолатига ижобий таъсир қилади.

Лекин номолиявий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва уларнинг даражасини аниқлаш жуда қийин. Мисол, бўлимларнинг даромадларини аниқлаш анча қийин, чунки улар вақтлар ўртасида тақсимланган.

Учинчидан, номолиявий чегараланишлар фойдаланиш жараёнида ўзларининг репрезентатив хусусиятини йўқотиш хусусиятига эгадирлар, яъни вақтлар мобайнидаги ушбу чегараланиш ёрдамида субъектнинг фаолиятини холис баҳолаш қийинлашиб боради, чунки бу кўрсаткичлардан фойдаланиш максимал даражага етади ёки бўлмаса таққосланаётган сегментларнинг номолиявий натижалари ўртасидаги фарқ йўқолади. Ушбу ҳолатларга мисол қилиб атом электр станциялари учун хавфсизлик статистикаси, харидор ва

буюртмачиларнинг хизматдан қониқиш даражаси ва шунга ўхшашлар. Айрим ривожланган компанияларнинг ҳисоботларидан кўриниб турибдики, уларда мижозларнинг талабини қондириш даражаси 90%дан ошган, лекин яна ҳам яхшилаш кутилмаяпти.

Ушбу фойдаланилаётган баҳолаш усуллари ўзининг таъсирини, репрезентативлигини йўқотиб борар экан ўз бўлинмаларининг фаолиятини баҳолаш учун бошқа номолиявий чегараларни излашни бошлайдилар. Айрим компаниялар харидор ва буюртмачиларнинг талабини қондириш даражасига қўшимча равишда уларнинг ихлосини кўрсаткич тариқасида киритмоқдалар. Айниқса, ҳозирги даврга келиб иқтисодий қўшилган қийматга ўхшаш «харид қилиш қўшилган қиймат» кўрсаткичдан фойдаланиб бўлимлар менежерлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашга ўтдилар.

Номолиявий кўрсаткичларнинг таъсирчанлиги уларнинг такомиллашиши натижасидагина эмас, балки ижрочиларнинг ҳар хил тузоқларни қўйишининг натижаси бўлиб қолмоқда. Мисол, ўқитувчининг ўз фанини яхши ўқитишини белгиловчи номолиявий чегара бу талабаларнинг топширган рейтинг кўрсаткичи белгилайди дейлик. Бу вақтда ўқитувчи ушбу талабаларни яхши ўқитмай олдин тайёрланган саволлар ва тестларнинг жавобини бериб, уларнинг юқори балл олишига ёрдам бериши мумкин.

Шунинг учун менежерларнинг олдига қўйилган асосий вазифа номолиявий чегаралар таъсирининг пасайиши сегмент фаолиятининг яхшиланишининг натижаси эканлигини, лекин харидорларнинг қўйган тузоғининг натижаси эмаслигини ажратиб олишдир. Амалиётда эса сегментнинг менежерлари ушбу вазифани бажариш ўрнига, яъни бошқараётган бўлимларнинг фаолиятини баҳолаш учун нисбатан янги ва ишончли номолиявий чегараларни қидирадилар.

Ушбу юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- номолиявий чегараларни ишлаб чиқиш ва ажратиб олиш қийин масала, лекин ушбу масалани ечмай сегментларнинг фаолиятини стратегик режалаштириш билан шуғулланиш жуда оғир;
- агарда компаниянинг рахбарлари молиявий чегаралар ёрдамида сегментларнинг амалга оширган фаолиятини баҳолаш имкониятига эга бўлсалар, номолиявий чегаралар ёрдамида ўша сегментларнинг келгусидаги фаолиятининг истиқболини белгилаши мумкин.

Мисол тариқасида молиявий кўрсаткич ҳисобланган акцияларнинг қийматини келтириш мумкин. Ўтган йиллари ушбу кўрсаткич бўйича юқори рейтинга эга бўлган субъектда, кейинги йилларда ушбу рейтинг пасайиб кетиши мумкин. Тескариси, фонд бозорида акцияларга талаб бирдан ошиб кетди дейлик, натижада унинг қиймати ҳам ошди. Шунинг учун ҳам менежерлар ўзларининг молиявий кўрсаткичларини олдинги йиллар- орқадаги кўрсаткичлар каби қарайдилар ва келгусидаги фаолиятининг натижаларини башорат қилиш имкониятига эга бўлган номолиявий чегараларни излайдилар.

Ушбу фикрларимизни имконияти борича исботлаш ва мустаҳкамлаш учун юқорида келтирилган чегаралардан биттаси хизмат кўрсатиш бўйича мижозларнинг талабини қондириш (МТҚ) кўрсаткичини кенгроқ ёритамиз.

МТҚ кўрсаткичини ҳисоблашнинг ҳар хил услублари мавжуд. Шу услубларнинг энг оддийси ва кенг қўлланиладиган услублардан биттаси бу мижозлар ўртасида сўров ташкил қилишдир. Шу жараёнда у ёки хизматнинг тури 5 балл кўринишида баҳоланади. Мазкур сўровнинг натижалари мижозларнинг келгусидаги хулқ-атворини башорат қилишга ёрдам бермайди. Ривожланган давлатларда мижозларнинг молиявий кўрсаткичларга қониқиши билан боғлиқ нисбатан мураккаб бўлган мижозларнинг қониқиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар мавжуд ва ушбу кўрсаткичлар ёрдамида мижозларнинг келгусидаги ҳоҳишини башорат қилишга ёрдам беради. Ушбу қониқиш индексини аниқлаш учун махсус сўров анкеталари тузилади. Унда кўп томонларни ёритадиган саволлар тузилиб статистик услуб қўлланилган ҳолда ҳар бир жавоб 10 баллгача баҳоланади, натижада кўрсаткичнинг аниқлик даражаси ошади ва умид қилиш (ишониш) даражаси ҳам мустахкамланади. Натижада харидорларнинг умумий қониқиши ва умидининг рўёбга чиқиш даражаси аниқланади. Олинган натижаларнинг индекси молиявий кўрсаткичлар билан энг юқори даражада боғланишини билдиради.

Жаҳонга машҳур компанияларнинг асосий вазифаларидан бири кўрсатилаётган хизматларнинг сифати бўйича мижозларнинг талабини қондиришдир (кутиб олиш, муомала қилиш, кузатиб қўйиш, кафолатнинг турлари, ўрнатиш, текшириш, қайтариб олиш кафолати, бепул сервис хизматини кўрсатиш ва бошқалар). Шундай компания менежерларининг мақсади ушбу мижозларнинг талабини қондириш билан бир вақтда уларнинг вафодорлигини мустахкамлашдир. Чунки ушбу вафодор мижозлар доимо шу компаниянинг хизматларини истеъмол қиладилар. Уларнинг бошқа компанияга ўтиб кетиши эҳтимоли янги мижозларни жалб қилишга нисбатан кам. Оқибатда ушбу вафодор мижозлар фойда олишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Компания ва унинг бўлинмаларининг келгусидаги фаолиятини ишлаб чиқиш учун раҳбарият мижозларнинг улардан нимани кутаётганини олдиндан билишга ҳаракат қилишлари лозим. Шунинг учун ҳам менеджерларнинг асосий вазифаларидан бири мижозларнинг улардан нимани кўтаётганини олдиндан билишга ҳаракат қилишлари ва мижозларнинг нуқтаи назаридан субъектнинг фаолиятидаги муҳим бўлимни аниқлашдир. Натижада мижозлар кутаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишга ҳаракат қилиб рақобатчиларнинг олдида ажралиб турадилар.

Ушбу муомалани очишда менеджерлар мижозларга сўров анкетасини тарқатиб улардан хоҳишини ёзма равишда ифодалашни илтимос қиладилар. Кейин эса ушбу мижозлар билан учрашув ташкил қиладилар, кутилаётган талабларни мухокама қилиб уларнинг мақсадини билишга ҳаракат қиладилар. Натижада субъектнинг фаолиятини мижозларнинг хоҳишини қондиришга йўналтириш учун зарур бўлган моддий ва меҳнат ресурсларини ҳисоблаб чиқадилар. Чунки субъектнинг фаолиятида эришадиган ютуқлари мижозларнинг талабини қондириш даражасига боғлиқ. Шунинг учун тегишли лойиҳанинг олдига қўйилган вазифалар чуқур асосланган ва аниқ кўринишда бўлиши керак.

Сегментларнинг фаолиятини баҳолаш учун фойдаланиладиган молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар мажмуасидан фойдаланишнинг бир неча тартиб(талаб)лари мавжуд:

а) кўрсаткичларнинг сони 2<6 бўлиши керак;

в) кўрсаткичлар тизимида фаолиятни баҳолашнинг молиявий ва номолиявий чегаралари бўлиши шарт;

с) номолиявий кўрсаткичлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- сегментларда уларни яхшилаш имконияти мавжуд;
- яхшилаш учун қарорлар қабул қилувчи масъул шахслар томонидан назорат қилиниши шарт;
- ушбу кўрсаткичлар молиявий кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлиши, яъни номолиявий кўрсаткичларнинг яхшиланиши молиявий кўрсаткичларнинг яхшиланишига олиб келиши керак.

d) кўрсаткичлар ўзаро боғланган ва бир бириши чегаралайдиган бўлиши, лекин ушбу ўзаро қарамлик ўртача бўлиши лозим. Айрим кўрсаткичларнинг яхшиланиши бошқа кўрсаткичларнинг ёмонлашувига олиб келадиган ҳолатлардан сақланиш зарур. Шу билан бир қаторда у ёки бу кўрсаткичларнинг яхшиланиши автоматик равишда бошқа кўрсаткичнинг яхшиланишига олиб келмаслигини эсдан чиқариш мумкин эмас;

е) амал қилинаётган кўрсаткичлар натижасининг пасайиш ҳолларининг олдини олиш учун янги альтернатив кўрсаткичларни ишлаб чиқиш лозим. Ушбу жараён доимо такрорланиб туриши (перманент) лозим.

Мисол, электроника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи йирик компания ўзининг таркибий бўлими - сотиш марказининг фаолиятини баҳолаш чегараларини ишлаб чиқиш учун ҳаракат қилмоқда.

Ушбу компаниянинг сотиш бўлими харажат маркази ҳисобланади, чунки у фақатгина омбордаги тайёр маҳсулотларнинг хажмига жавоб беради ва ушбу маҳсулотларни сақлаш бўйича сарфларни амалга оширади, лекин олинадиган даромадларни назорат қилмайди. Унинг Ар кўрсаткичининг суръатига қўйилган улуши тегишли буюртмаларни бажаришга сарфланган харажатлар билан ўлчанади - ушбу харажатлар қанча кам бўлса олинадиган фойда шунча кўп бўлади. Ар махражига ушбу марказнинг таъсири эса олинган даромадларнинг омбордаги тайёр маҳсулотларнинг захирасига нисбати билан ўлчанади - ушбу нисбат қанча паст бўлса, шунча кам актив захирада бўлади. Шундай қилиб, мазкур марказнинг фаолиятини баҳолаш учун иккита молиявий чегараланишдан фойдаланилади:

- буюртмаларни бажаришга сарфланган харажатлар ва
- омбордаги маҳсулотларнинг захираси бўйича олинган буюртмаларнинг хажми.

Бундан ташқари, сотиш бўлимининг фаолиятини баҳолаш учун компания иккита номолиявий чегараларни танлаган:

- буюртмаларни бажариш учун зарур бўлган вақт ва
- омбордаги маҳсулотларнинг захираси бўйича олинган буюртмаларнинг хажми.

Ушбу чегараларни сотиш бўлимининг менежери томонидан назорат қилиш ва яхшилаш имконияти бор ва молиявий кўрсаткичлар билан узвий боғланган. Биринчи чегаранинг аҳамиятлилиги кўриниб турибди, иккинчи кўрсаткичнинг қиймати эса қуйидагича: менежерлар омбордаги ишлаб чиқариш захираларининг муқобиллигини баҳолаб туриши лозим. Лекин бир томондан зарур хомашё ва материалларнинг мавжудлиги буюртмаларни ўз вақтида бажариш имкониятини яратса, иккинчи томондан ушбу захираларнинг ортиқча [illegible]ори субъектнинг молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир қилади:

- уларни сақлаш учун маблағлар ортиқча сарф қилинади;
- ушбу захиралар вақт ўтиши билан ўзининг қийматини йўқотади
- захиралар маънавий эскиради ва уларга бўлган талаб камаяди.

Ушбу омил- талаблар бир бирини муқобил равишда чегаралайди: тегишли буюртмани бажариш учун ажратилган вақт ушбу буюртмаларни бажариш учун сарфларни тежаш ҳисобига қисқартирилмайди (мисол, захираларни олиб келиш вақтини камайтириш учун темир йўл транспорти ўрнига хаво траснпортидан фойдаланиш). Захираларни ишлатиш ҳисобига бажарилган буюртманинг бир қисми ушбу захираларни кўпайтириш ҳисобига амалга оширилиши мумкин эмас, чунки бу кўрсаткич даромадларнинг захираларга нисбатини ёмонлаштиришга олиб келади.

9.3. Субъектларнинг сегментлари бўйича ҳисоботларни тузиш тартиби ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш имкониятлари

9.3.1. Фаолият кўрсатаётган ташкилий таркибнинг самарадорлигини таҳлил қилиш

Субъектларнинг фаолиятини бошқариш ҳозирги даврда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, рақобатбардошлигини кучайтириш ва пасайтиришга йўналтиради. Шунинг учун бошқарув таркиби уларнинг фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Ушбу бўлимнинг фаолиятини баҳолаш тартибини ёритиш учун қуйидаги мисолга мурожат қиламиз:

Мисол, «Сарварбек» компанияси ўзининг фаолиятини қуйидагича юритади. Ушбу компания, асосан олди-сотди (савдо) билан шуғулланиб, ўзининг қарамоғида 30та магазини ва 2та омбори бор. Бу компания ички ва ташқи савдо билан шуғулланиб улгуржи ва чакана савдони амалга оширади.

Таъсиначиларнинг талаби ва солиқ тартибига мувофиқ компаниянинг товарлари 6 гуруҳга ажратилган:

1-гуруҳ- ҚҚСсиз валютага олинган товарлар;
2-гуруҳ- ҚҚСсиз сўмга олинган товарлар;
3-гуруҳ- 10% ҚҚС валютага олинган товарлар;
4-гуруҳ- 10% ҚҚС сўмга олинган товарлар;
5-гуруҳ- 20% ҚҚС валютага олинган товарлар;
6-гуруҳ- 20% ҚҚС сўмга олинган товарлар.

«Сарварбек» компаниясининг асосий йўналиши чакана савдо бўлиб, товарлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан ҳам сотилади. Ушбу компаниянинг ташкилий таркиби қуйидаги кўринишга эга.

«Сарварбек» компаниясининг ташкилий таркиби



Ушбу бошқарув қаттиқ марказлаштирилган бўлиб, тегишли директорлар бошқарадиган бўлимлардан ташкил топган, ушбу директорлар бош директорга бўйсунадилар. Бўлимлар эса тегишли дўкон ва омборларнинг фаолиятини бошқаради ва тартибга соладилар.

Компаниянинг фаолияти давомида ҳамма бўлимлар бир - бири билан муомалада бўладилар. Дўконларни товарлар билан таъминлаш коммерция бўлими орқали ва дўкопларнинг ўзлари амалга оширадилар. Лекин ушбу марказлаштиришнинг таркибида товарларни сотиб олиш бўйича тезкор бухгалтерия маълумоти йўқ.

Компаниянинг қарамоғидаги дўконлардан савдонинг бориши ва товарларнинг захиралари тўғрисида ахборотлар ҳар ўн кунда компанияга берилади. Ушбу маълумотларнинг кечикиши натижасида уларнинг аҳамияти йўқолади. Бундан ташқари, товарларнинг тақчиллиги ёки ортиқчалиги тўғрисидаги дўконлар ўртасидаги маълумот алмашиши йўлга қўйилмаган.

Ҳар бир дўконда зарур бўлган товарларнинг рўйхати ва уларнинг мавжудлиги таъминланган, лекин товарларнинг айланишини бошқариш муаммоси бўлган сифатли ва зарур товарларни ўз вақтида сотиб олишни бошқаришга таълуқли кўп муаммоларни ўз вақтида ечишга, яъни компания бўйича ва унинг бўлимларида товарларнинг айланишини муқобиллаштириш муаммосини ечишга олиб келган бўлар эди.

Ҳозирги даврда хориж давлатлардан товарларни сотиб олиш ва етказиб келиш қийин муаммолардан биридир. Ушбу товарларни хориж валютасида сотиб олиш коммерция директорининг зиммасига юкланган. Компанияда, асосан узоқ муддатга тузилган шартномага мувофиқ, хориж валютасида товарлар импорт қилинади ва республика божхонасининг омборларида сақланади. Ушбу товарлар тегишли божхона солиғи ва йиғимларни тўлагандан (растаможка қилингандан) кейингина ушбу омборлардан компаниянинг омборига олиб келинади. Навбатдаги товарлар гуруҳини растаможка қилиш учун топшириқни коммерция директори беради ва уларни божхонада махсус текширишлардан ўтказиб рухсат олишни эса коммерция бўлимининг ходимлари амалга оширадилар. Божхона ва юкхати ҳужжатлари тўлғазилгандан кейин транспорт-тайёрлов харажатлари (транспорт, сақлаш, юклаш, тушириш) кўрсатилган ҳужжатлар билан биргаликда компаниянинг омборига топширилади. Ушбу жараёнда у ёки бу гуруҳ товарларни сотиб олиш, унинг турлари ва олиш графиги бўйича қарорларни қабул қилиш бўйича зарур бўлган маълумотларнинг ўз вақтида етишмаслиги жуда сезилади. Чунки хориж товарларини импорт қилиш жараёнлари ўзимизда ишлаб чиқарилган товарларни харид қилишга нисбатан анча мураккаб ва кўп харажатларни талаб қилади, натижада олинган товарларнинг ўз вақтида сотилмаслиги субъект маблағининг музлаиб қолишига ва мулк солиғи суммасининг ошишига олиб келади.

Ҳозирги даврда зарур товарларни ўз вақтида аниқлаб ва уларни сотиб олиш тегишли дўконлар орқали ҳам амалга оширилади. Ушбу дўконлардаги кундалик зарур товарларнинг мавжудлигини таъминлаш, туриб қолган товарларни ва тақчил-зарур товарларни аниқлаш ушбу дўконларнинг бошқарувчиси-директорининг асосий вазифаси ҳисобланади. Амалиётда эса ушбу жараён-

ни тезкор бошқариш ва уни компания даражасида амалга ошириш йўлга қўйилмаган. Дўконларнинг раҳбарлари зарур товарлар бўйича шартнома тузиш учун коммерция бўлимига мурожаат қиладилар ва улардан розилик олгандан кейингина мол етказиб берувчилар билан шартнома тузадилар. Чунки марказлаштирилган товар етказиб бериш даражасини режалаштириш мақсадида ушбу йўл билан олинган товарлар коммерция бўлимидаги махсус дафтарларда қайд қилиниб борилади. Ушбу дафтарларда санаси, дўконнинг №, товарларнинг турлари, гуруҳи, миқдори, баҳоси, суммаси, сотиб олинининг сабаби (омборда йўқлиги ёки талабнинг юқори даражада эканлиги) кўрсатилади. Узоқ муддатли сотиб олиш шартномалари тегишли бўлим орқали тузилиб компаниянинг бош директори томонидан тасдиқланади.

Тегишли товарларни қабул қилиб олиш ва ҳужжатларни тўлғазиш компания бош директорининг буйруғи билан тасдиқланган масъул шахсларга, дўконлар учун эса уларнинг раҳбарларига юклатилган. Ушбу шахслар тегишли товарларни кузатувчи юкхатларни, зарур ҳолларда далолатномаларни тузадилар ва имзолари билан тасдиқлайдилар. Директор ёки мудирлар ҳар бир декадада товарларнинг айланиши бўйича тасдиқланган шаклдаги ҳисоботларни тайёрлайдилар ва компаниянинг коммерция директорига топширадилар.

Ушбу марказлаштирилган бошқарув фаолиятининг салбий томонларидан биттаси дўкон раҳбарларининг фаолиятини ва фаоллигини чегаралаб қўйиши ва бошқарувни ўта марказлаштиришидир, натижада уларнинг фаолияти чегараланади. Марказий бухгалтерияда эса улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ ахборотлар, йиғилмайди шунинг учун дўконларнинг раҳбарлари эса ўзларининг фаолиятини яхшилашга қизиқмайдилар.

Хориж валютасига сотиб олинган товарларни олиш жараёнида ҳам дўконлар раҳбарларининг имзоси билан тўлғазилган буюртма коммерция директори томонидан тасдиқланиб омборхонага жўнатилади. Омбор мудири эса дўконларнинг буюртмаси тўғрисида таъминот бўлимини хабардор қилади. Агарда ушбу буюртмада кўрсатилган товарлар етишмаса ёки йўқ бўлса, таъминот бўлимининг ходимлари ушбу товарлар божхона омборида турган бўлса растаможкани тезлаштиришни, у ерда ҳам мавжуд бўлмаса сотиб олиш ёки бошқа дўконлардан вақтинча олиб келиш чораларини кўрадилар. Кўпчилик ҳолларда эса ушбу буюртмаларга рад жавобини берадилар. Натижада товарлрнинг ҳолати, унга бўлган талаблар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, ишлов бериш ва таъминлаш учун кўп вақт сарфланади. Бу эса ўз навбатида товарларнинг айланиши ва субъектнинг (унинг бўлимларининг) даромадига салбий таъсир қилади.

Дўконлар ўртасида товарларни етказиб бериш, бир-биридан ортиқча товарларни талабларга асосан, у дўкондан бу дўконга ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- товарларнинг мажбурий ассортименти йўқ бўлса, омборхонада ёки мустақил сотиб олиш жараёнида ушбу товарларнинг захираси вақтинча етишмай қолган вақтда;
- ушбу номдаги сўмга сотиб олинадиган товарларнинг марказий омборларда захираси бўлмаса;

■ компаниянинг омборларида хориж валютасига сотиб олинган товарларнинг захираси тугаса (божхонанинг омборларидан ушбу товарларни олганга қадар);

■ ёки импорт товарларининг захираси божхона омборларида ҳам бўлмаса.

Биринчи ҳолда товарларнинг алмашиниши дўкон раҳбарларининг ўзаро келишуви орқали амалга оширилади, қолган ҳолларда эса ушбу товарлар таъминот бўлимининг рухсати билангина олиниши мумкин. Лекин ушбу жараённи бошқарининнинг паст даражада ташкил қилинини унинг кўп вақтни олишига ва кам самара беришига олиб келади.

Компания учун у ёки бу мулкни сотиб олиш инвестиция қўмитаси орқали амалга оширилади. Ушбу қўмитанинг таркибига компаниянинг раҳбари, бош бухгалтер ва тегишли бўлимнинг раҳбари киради.

Муҳим аҳамиятдаги инвестицияни амалга ошириш эса тегишли қонунларга асосан, инвестиция қўмитаси орқали компаниянинг йиллик бюджетига мувофиқ равишда амалга оширилади. Дўконларнинг раҳбарларига идоранинг жиҳозлари ва канцелярия товарларини мустақил сотиб олиш ҳуқуқигина берилган.

Компаниянинг бухгалтерия хизмати олинган молиявий маълумотларга ишлов берадиган ва унинг бошқа бўлимлари билан биргаликда ҳаракат қиладиган қуйидаги гуруҳлардан ташкил топган.

Ҳозирги даврда компания ҳисобни марказлаштирилган ҳолда юритади, 1С дастурини қўлламоқда ва тасдиқланган ҳисоб сиёсатига эга. Илгари фақатгина товарлар, асосий восита ва меҳнат ҳақининг ҳисоби автоматлашган эди. Тегишли дўконларда товарларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш ва назорат қилиш машаққатли иш бўлганлиги учун марказлашган ҳолда 1С дастурини жорий қилиш ҳисоботни ўз вақтида тўйёрлаш ва тақдим қилишни бирмунча осонлаштирди. Илгари ҳам дастур билан таъминлаш субъектда молиявий ҳисобни юритиш ва ишончли молиявий ҳисоботни тузишга йўналтирилган эди. Натижада ҳозирда қўлланилаётган ҳисобни юритиш тизимини дастур билан таъминлаш амал қилиб келинаётган қонунчиликка асосланган ҳолда бухгалтерия маълумотларини тезкор ва тежамли умумлаштириш, ишлов бериш, бир тизимга келтириш ва ташқи фойдаланувчиларга тақдим қилиш имкониятини яратди. Лекин шу билан бир қаторда компаниянинг айрим олинган сегментларининг (дўкон) фаолиятини баҳолаш ва муқобиллаштириш имкониятига эга эмас.

Ушбу «Сарварбек» компаниясида бухгалтерия ҳисоби уюшган ҳолда, молиявий ва бошқарув ҳисобини юритишда тасдиқланган счётлар режасига асосланган ҳолда юритилмоқда. Мисол, товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар тегишли муомала сарфлари (9410) гуруҳидаги счётларда (9411-9419) ушбу сарфларнинг турлари бўйича олиб борилмоқда. Ушбу муомала сарфлари тегишли сегментлар (дўкон ва бўлимлар) бўйича йиғилиб ва тартибга солиниб таъсисчилар учун ҳам тайёрланади. Ушбу муомала сарфларининг харажатларнинг турлари ва сегментлар бўйича юритилиши бошқарув ҳисобининг сарфлар устидан назоратни ўз вақтида амалга ошириш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишга асос бўлади.

«Сарварбек» компаниясининг бухгалтериясининг таркиби

Бош бухгалтер	Умумий назорат. Хориж ва миллий валютадаги пул маблағларидан фойдаланишни йўналтириш.
Бош бухгалтерининг ўринбосари	Сўмда олинган товарларни омборга қабул қилиш ва мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашиш, товар ҳисоботларини қабул қилиш ва даврларни ёпиш.
Солиқ бўйича етакчи мутахассис	Бухгалтерия ҳисоботини тузиш, солиқларни ҳисоблаш ва ҳисоблашишни назорат қилиш.
Банк гуруҳи	
Катта бухгалтер	Валюта счётини ва корпоратив карта счётини юритиш, валюта ваколатлик сарфларини тузиш, сотиш дафтарини юритиш, счёт-фактура ёзиш, дебитор қарзларни назорат қилиш.
Бухгалтерлар	Пул счётларини юритиш, тўлов топшириқларини тузиш, ижара ва таъмирлаш харажатлари, коммунал тўловларни амалга ошириш, асосий воситалар, ТМЗ ҳисобини ва нотовар муомалалари китобини юритиш
Кассир (ғазначи)	Компаниянинг марказий офисида касса муомалаларини амалга ошириш, тўлов топшириқларини банкка олиб бориш
Меҳнатга ҳақ тўлаш ва нақд маблағларни ҳисобга олиш гуруҳи	
Катта бухгалтер	Меҳнатга ҳақ тўлашни назорат қилиш, табелларни ва топшириқ (наряд)ларни текшириш
Бухгалтерлар	Меҳнат ҳақи, нафақа, даромад солиғи, пенсия бадали, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмаларни ҳисоблаш, касса муомалаларини текшириш, ҳисоботларни текшириш ва қабул қилиш.
Товарлар гуруҳи	
Катта бухгалтер	Савдо устамасини ҳисоблаш, товар ҳисоботларини текшириш ва қабул қилиш
Бухгалтерлар	Товарларнинг ҳаракатини дўконлар бўйича ҳисобга олиш, товарлар бўйича ҳисоботни қабул қилиш ва товарлар бўйича мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишни амалга ошириш ва назорат қилиш.

Ҳозирги вақтда назорат бутун компаниянинг умумлашган фаолияти устидан ўрнатилган ва баҳолаш ҳам шу тартибда, субъект бўйича амалга оширилади. Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда компаниянинг бош бюджети (ишлаб чиқариш- молия режаси) ишлаб чиқилади. Ушбу ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бюджет ва уни бажариш бўйича тузилган ҳисобот маълумотлари таъсисчилар олдида бериладиган ҳисобот учун асос бўлади ва шу билан бир вақтда компаниянинг фаолиятини умумий баҳолашга ёрдам беради. Лекин сегментлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун имконият ярата олмайди. Компаниянинг бюджетини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таҳлил қилиб баҳолаш бош иқтисодчи бошчилигидаги иқтисодчилар гуруҳига юклатилган. Ушбу гуруҳнинг асосий вақти бюджетни тузиш учун зарур бўлган маълумотларни йиғишга кетади. Шу билан бир вақтда бюджетнинг маълумотлари фаолият жараёнида ҳақиқий воқеаларга кўп ҳолларда тўғри келмай қолади. Шунинг учун ҳам ҳақиқий маълумотлар бошқарув қарорини қабул қилишда ишлатилади. Компа-

ниянинг раҳбарлари томонидан, асосан товарлар айланиши режасининг бажарилиши назорат қилинади ва тегишли сегментларга стказилади.

Шундай қилиб, амал қилинаётган ташкилий таркибнинг камчиликлари қуйидагилардан ташкил топган:

- компаниядаги товарларнинг оқимини тартибга келтириш усулининг йўқлиги;
- баҳоларни яратиш тизимининг йўқлиги;
- сегментлар фаолиятининг устидан назорат ўрнатиш имкониятининг йўқлиги;
- ҳужжатлар айланишининг етарли даражада самарадорли эмаслиги;
- сарфларни бошқаришнинг йўқлиги.

Ушбу компанияда бошқарув қарорлари воқеаларни чуқур таҳлил қилиб ва ўрганиб эмас, балки бўлим бошлиқларининг фикрларига асосан, қабул қилиш натижасида унинг ривожланиши кейинги уч йил ичида сустланди.

Бошқарув қарорларининг нотўғри қабул қилиниши, сегментларнинг фаолияти устидан ўз вақтида ва тўғри назоратни ўрнатмаслик натижасида ва бошқа омилларнинг таъсирида кейинги уч йил ичида ушбу компаниянинг олаётган умумий фойдасининг хажми 4,5 баробар камайиб кетган.

9.3.2. Масъулият марказларининг фаолиятини баҳолаш ва сегментлар бўйича ҳисобот тизимининг босқичлари

Олдинги боблардан маълумки, сегментлар бўйича ҳисобни юритиш ва ҳисобот тузиш тизимини яратишдан мақсад мулк эгалари ва ҳамма босқичдаги менежерларни ушбу бўлимларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ва оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган тўлиқ, тезкор ва ишончли маълумотлар билан таъминлаштир.

Зарурият туғилганда ушбу маълумотларни молиявий ҳисоб тўлиқ ҳолда ва тезкор стказиб бера олмайди. Шунинг учун ҳам сегментлар бўйича ҳисобни юритиш:

- ҳозирда амал қилинаётган ҳужжатларнинг айланишини такомиллаштиришга ёрдам беради;
- компаниянинг ва айрим масъулият марказлари фаолиятининг кўрсаткичларини муқобиллаштириш имкониятини яратади;
- натижада компаниянинг оладиган фойдаси хажмининг купайишига ёрдам беради.

Шунинг учун сегментлар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилишда қуйидагиларга амал қилиш лозим:

- ушбу тизимни татбиқ қилиш ва унга хизмат қилиш харажатлари улардан фойдаланиш натижасида кўрилган самарадан кам бўлиши керак;
- ушбу тизим маълумотларининг сирлилигини таъминлаши лозим;
- тизим автоматлаштирилган ва қулай бўлиши лозим.

Сегментлар бўйича ҳисобни юритиш тизими тегишли субъектда қуйидаги босқичларни босиб ўтишини талаб қилади:

1-босқич. Масъулият марказларига ажратилган ҳолда бошқарининг марказлашмаган таркибини шакллантириш. Масъулият марказлари ўз навбатида фойда маркази ва харажатлар марказига бўлиниши шарт. Ушбу шартдан келиб чиққан ҳолда бошқарув таркибини қуйидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

«Сарварбек» компаниясининг лойиҳадаги ташкилий таркиби



Ушбу келтирилган лойиҳа бўйича бошқарув ташкил қилинса фойда маркази сифатида айрим олинган ҳар бир дўкон ва харажат маркази сифатида эса идора ва омборлар фаолият кўрсатади. Натижада фойда марказлари бўйича олинган бошқарув ахборотлари асосий ўрин тутади. Чунки уларнинг фаолиятини оқилона ва муқобил бошқариш компаниянинг умумий фойдасига тўғридан тўғри таъсир қилади. Чунки фойда марказлари сарфланган харажатларни қоплабгина қолмай субъект учун фойда ҳам олиб келиши керак. Харажатларнинг пайдо бўлиш марказлари ҳисобланган масъулият марказлари бўйича бошқарув ҳисоби ва назорати (харажатларни меъёрлаштириш, режалаштириш ва ҳисобга олиш) ўрнатилади.

Масъулият марказларининг фаолияти учун жавобгар шахслар тегишли сегментлар (дўкон, омбор)нинг раҳбарларига юклатилган. Ушбу марказларнинг фаолияти ўз навбатида тегишли бўлимларнинг раҳбарлари томонидан назорат қилинади.

Масъул ходимлар - мутахассислар ва бўлимнинг директорлари мансаб ҳуқуқи чегарасида бошқарув қарорларини қабул қиладилар. Уларнинг ҳуқуқ чегарасидан чиққан айрим муаммо ва масалалар эса бош директор томонидан ёки директорлар кенгаши томонидан ечилади. Директорлар кенгашининг йиғилиши икки усулда ўтказилиши мумкин:

- департаментларнинг директорлари иштирокида очиқ йиғилиш;
- зарур департаментнинг директори иштирокидаги йиғилиш.

Ушбу йиғилишда кўриладиган ва ечиладиган масалага боғлиқ ҳолда йиғилиш ўтказилади. Мисол, коммерция директори кейинги кунлардаги товар айла-

нишини таҳлил қилиб 16-дўконда ушбу кўрсаткичнинг пасайиб кетганлигини қайд қилди. Ушбу дўконнинг директоридан келган маълумотга қараганда яқин жойда янги магазин очилиб шунга ўхшаш товарлар билан савдо қилишаётгани маълум бўлди. Демак, ушбу ҳолат бўйича маълум қарор қабул қилиш лозимки:

■ ушбу 16-дўкондаги товарларнинг айланиши ва савдо хажмини илгариги ҳолатига қайтариш тадбирини белгилаш;

■ бошқа дўконларнинг яқинида имкониятлари борича шунга ўхшаш дўконларни қуришга халақит бериш.

Демак, ушбу масалага бағишланган мажлисни тезлик билан ўтказиш лозим. Айрим ҳолларда хусусий масалаларни ечиш зарурияти туғилганда у ёки бу дўконнинг директорини алмаштириш масалалари кўрилса бош директор ходимлар билан шуғулланадиган масъул шахс ва коммерция директорининг фикри билан кифояланиши мумкин.

Компаниянинг марказий идора (офис)си бўйича ҳолат бошқача бўлади. Ушбу харажат марказининг фаолияти бўйича масъуллиги компаниянинг молиявий директорига юклаш мумкин. У идора (офис)даги харажатларнинг пайдо бўлиш сабаби ва жойлари устидан назорат ўрнатади. Ҳамма бўлимларнинг директорлари зарурият туғилганда харажатларнинг ортиқча сарфи бўйича молиявий директорга тушунтириш хатлари ёзиши шарт, чунки ушбу бўлимларнинг, қолаверса компаниянинг бюджети директорлар кенгашининг йиғилишида йилнинг бошида тасдиқланган. Ушбу фарқлар йиғилган ҳолда билдиришнома кўринишида келгусида қарор қабул қилиш учун бош директорга берилади. Чунки бюджетни тасдиқлаётган вақтда четга чиқиш чегараси ҳам тасдиқланади.

2-босқич. Масъуллик марказлари бўйича сарфланган харажатларнинг моддаларини кодлаштириш.

Сегментлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш тизимини ташкил қилишда ушбу марказларнинг харажат ва даромадларини аниқ ва аналитик ҳолда кўрсатиш, фаолиятининг натижаларини баҳолаш ва ҳисоботларни тузиш учун ҳар бир масъулият маркази бўйича харажат ва даромадларни моддалар бўйича кодлаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Ушбу муҳим вазифани амалиётга татбиқ қилиш учун мазкур компанияда қўлланиладиган счётларнинг ички режасини тузишни талаб қилади. Ушбу масалани ечиш тартибини компаниянинг муомала харажатларини ҳисобга олиш жараёнига татбиқ қилиб кўрамиз.

Айрим олинган сегментларнинг фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш учун қуйидаги ишларни амалга оширши лозим:

а) ушбу харажатларни ўзгарувчан, ўзгармас ва шартли ўзгармас харажатларга туркумлаш лозим:

■ ўзгарувчан харажатларга товарларни сотиш хажмига мутаносиб равишда ўзгарадиган харажатлар киради;

■ ўзгармас харажатларга эса тескариси, яъни ушбу марказлар фаолиятининг кенгайиши- тавсифланиши хажмининг ўзгаришидан қатъиназар ўзгармайдиган харажатлар (дўконни асраш, солиқлар) киради;

■ шартли ўзгармас харажатларга эса юқоридаги гуруҳларга таъаллуқли бўлмаган харажатлар киради.

в) масъулият марказларининг харажатларини тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган харажатларга бўлиш:

■ тартибга солинадиган харажатларга ушбу раҳбарларнинг қарорларига асосан ўзгартириладиган харажатлар (ходимларнинг меҳнат ҳақи, буюмларнинг сарфи ва хоказолар). Бошқача қилиб айтганда ушбу харажатларнинг миқдори раҳбарнинг қарорига асосан ўзгариши мумкин бўлган харажатлар киради;

■ тартибга солинмайдиган харажатларга эса ушбу марказ раҳбарининг қарори таъсир қилмайдиган харажатлар (ижара тўловлари, асосий воситанинг эскириши, солиқлар, коммунал хизмат тўловлари) киради.

Ушбу тартибдан келиб чиққан ҳолда компанияда қўлланилаётган счётларнинг режасига қуйидаги ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир харажат моддасига қўшимча белгилар қўйилади: 1-ўзгарувчан харажат, 2-ўзгармас харажат, 3-шартли ўзгармас харажат, 4-тартибга солинадиган харажат, 5-тартибга солинмайдиган харажат. Ушбу кодлаштириш бухгалтериянинг ишини кўпайтирмайди, балки ушбу тармоқнинг ҳисобини юритаётган бухгалтерни сегментларнинг харажатлари бўйича таҳлил қилиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлайди. Чунки ҳозирги даврда ҳисоб, таҳлил ва баҳолаш ишига компьютерларнинг кенг жорий қилиниши ушбу ишларни анча енгиллаштиради.

Ушбу таклифдан келиб чиққан ҳолда 9410-«Муомала харажатлари» счётлари гуруҳини амалиётга татбиқ қилишга ҳаракат қиламиз.

Мисол, 9414-»Меҳнат ҳақи бўйича сарфлар» счётини олиб қарайлик. 9414/1/4. Демак, ушбу харажатлар ўзгарувчан ва тартибга солинувчи харажатлар гуруҳига киради. Ушбу компаниядаги дастлабки ҳужжатларга ишлов бераётган ва муомала харажатлари тўғрисидаги маълумотларни шакллантирадиган бухгалтериянинг иш тартиби сегментлар бўйича ҳисобни жорий қилиш натижада аҳамиятли даражада ўзгармайди. Ушбу ҳисобда илгари кодлаштирилган харажатларнинг моддаси сақланиб қолинади. Харажатлар моддасининг белгилари масъул бухгалтер томонидан шакллантирилади. Мисол, товарларни сақлаш ва ташиш харажатларини 30-дўкон бўйича кодлаштирамиз-9411/30/11/100. Бу ерда:

9411-»Товарларни сақлаш ва ташиш харажатлари» счёти;

30- аналитик ҳисобнинг биринчи босқичи- магазиннинг номери;

11-аналитик ҳисобнинг иккинчи босқичи- харажатларнинг моддаси;

100-аналитик ҳисобнинг учинчи босқичи- таъсисчиларга бериладиган ҳисоботларнинг шаклланиши.

Сегментлар бўйича ҳисобда харажатларнинг туркумланиш белгилари бўйича маълумотлар автомат равишда тақсимланади. Юқорида келтирилган харажатларнинг моддаси қуйидаги кўринишда келтирилиши мумкин: 9411/30/11/100, 1.4. Бу ерда қўшимча 1-ўзгарувчан харажат ва 4 эса тартибга солинадиган харажат эканлигини билдиради.

Айрим ҳолларда харажатлар бўйича маълумотлар тегишли белгилари бўйича ажратилмаслиги ва тегишли магазиннинг фаолиятини ёритадиган тезкор ҳисобнинг маълумотлари тегишли департаментга умумий суммада тақдим қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, сегментлар бўйича ҳисобни ёритадиган бухгалтер ўзининг шахсий компьютерига эга бўлган ҳолда бутун бухгалтериядаги ахборотларга кириш имкониятига эга бўлади. Бошқа истеъмолчилар, фойдаланувчилар учун ушбу ахборотларга кириш йўли берк бўлади. Бухгалтерия ахборотларини олиш имкониятлари ушбу бухгалтерияда ишлаётган ходимларнинг мансаб поғоналаридан келиб чиқилган ҳолда белгиланади.

Сегментлар бўйича ҳисоботларнинг шаклланишининг тезкорлигини оширишнинг иккита йўли мавжуд:

а) Камроқ сарф талаб қиладиган йўл. Ушбу йўл танланганда фойда марказлари томонидан товарлар ва кассалар бўйича ҳисоботларни тайёрлаш муддатларини қисқартириш (ҳозирда товарларнинг ҳаракати юзасидан ҳисоботлар ҳар-бир декадада тақдим қилинмоқда). Ушбу жараёнда касса бўйича ҳисоботни тайёрлашда хеч қандай муаммо йўқ. Чунки ҳозирда касса бўйича ҳисобот ҳар куни топширилмоқда.

Товарлар бўйича ҳисоботни тайёрлашдаги асосий муаммо ушбу ҳисоботларнинг оралиқ даврини қисқартириш ва тегишли маълумотларни бухгалтерия ҳисобининг тизимига киритишдир. Лекин тегишли дўконлар ва омборлар бўйича ушбу ҳисоботларни ҳар уч кунда топширсалар ҳужжатларга дўкон ва омборларда ишлов бериш ва текшириш уч марта қисқаради. Омборларда товарларнинг ҳаракати бўйича ҳисоботни миқдор-сумма карточкасига ва омборнинг кирим ва чиқим дафтарига асосан, кунда тайёрлаш имконияти бор. Шундай қилиб, ушбу товар ҳисоботини хафтада икки марта (пайшанба-душанба, сешанба ва чоршанба кунлари ва душанба хафтанинг қолган кунлари учун) топширсалар бухгалтерияда текширилмаган ҳужжатларнинг миқдори ҳам камаяди. Ушбу тартиб қўлланилганда хафтанинг биринчи ярмидаги товарларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумот кечи билан раҳбариятга жума куни эрталаб етказилади, бу унинг тезкорлигини оширади ва бошқарув қарорининг нисбатан тўғри қабул қилинишига олиб келади.

б) Ушбу муаммони ечишнинг иккинчи йўли. Бу йўл кўп сарфларни талаб қиладиган глобал йўл ҳисобланади, лекин ушбу вариант тадбиқ қилинса бошқарувнинг самарадорлиги тубдан ошади. Бу усул ўзида ҳисоботларни автоматлаштириш, яъни товарларнинг ва пул маблағлари (касса)нинг ҳаракатини компьютерлашдир. Натижада ҳар кунда олинган, сарфланган (сотилган) товарларнинг натура ва сумма ҳаракатини, пулнинг олинишини компьютерга киритиш, ушбу муомалаларни кодлаштириш ва эрталаб марказий офисдаги компьютерга ўтказиш имконини яратади. Натижада ўтган кундаги товарларнинг ҳаракати ва бутун эрталабда мавжуд бўлган товарларнинг турлари бўйича миқдор ва сумма кўрсаткичида тегишли таъминот, коммерция бўлимларида ва бош директорнинг столида бўлади. Бу эса ўз навбатида тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлади ва товарларга бўлган талаблар ўрганилади, товарларнинг тақчиллигининг олдини олиш билан бир вақтда у ёки бу дўконда унинг ортиқча йиғилиб қолишига йўл қўймайди.

3-босқич. Ҳар бир сегмент бўйича режа ва ҳисобот ишларини ташкил қилиш. Бошқарув ҳисобини амалиётга тадбиқ қилиш натижасида масъулият марказлари бўйича сарфлар ва даромадларни режалаштириш имконияти яратилади ва натижада:

■ бизнес сегментларининг баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш;

■ ҳақиқий кўрсаткичлар билан режадаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш;

■ ушбу фарқларнинг сабабларини топиш имконияти юзага келади.

Сегментлар бўйича ҳисоботнинг асосий вазифаларидан бири бизнес сегментлари бўйича тасдиқланган меъёрлардан содир бўлган фарқлар бўйича ҳисоботларни тақдим қилишдир. Ушбу фарқларни ўз вақтида аниқлаш ва сабабаларини билиш натижасидагина уларни тезкорлик билан тугатиш имконияти вужудга келади.

Тегишли сегментларнинг бюджет ва меъёрларини бухгалтер-таҳлилчи ишлаб чиқаётганда ушбу сегментларнинг директорлари билан узвий алоқада бўлади, режалаштириш усулларидан фойдаланади, олдинги давр кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиб ўрганиб чиқади, ички стандартлар ва истиқболларни ишлаб чиқади.

Ушбу ҳисобот қуйидаги шаклда ва тартибда тузилади.

Товар оқимларининг ҳаракати бўйича ҳисобот (минг сўм)
12-сон дўкон бўйича 01.03-05.03.20хх даври учун

№	Кўрсаткичлар	Товарларнинг гуруҳи					
		1	2	3	4	5	6
1.	01.03 сапасидаги қолдиқ	350	420	180	190	210	260
2.	Кирим, жами	420	360	210	200	160	190
2.1	Мустақил олинган	130	140	110	90	60	80
2.2	Маркалашган ҳолда олинган	290	220	100	110	100	110
3.	Сотилган	530	490	300	320	290	400
4.	Дўкопларарo берилиши	100	25	30	10	20	0
6.	Қайтарилган, жами	20	10	-	10	-	20
6.1	Омборга	9	5	-	10	-	5
6.2	Мол етказиб берувчига	11	5	-	-	-	15
7.	Товарларнинг ҳисобдан чиқарилиши	5	-	3	-	4	5
8.	05.03 сапасига қолдиқ	115	345	57	50	56	25

Ушбу ҳисобот маълумотларига асосан, долзарб муаммолардан бири ҳисобланган товарларнинг оқимини муқобиллаштириш муаммосини ечиш мумкин. Ушбу ҳисобот коммерция бўлимига топширилади ва ҳамма йўналишлар бўйича товарларнинг ҳаракатини кузатиш ва назорат қилиш имкониятини яратади. Шу билан бир қаторда коммерция бўлими, таъминот бўлимларининг директорлари дўконларнинг ва омборларнинг фаолиятини бошқариш ва бир-бирига боғлаш имкониятига эга бўладилар. Мисол, феврал ойининг охирги 8 кунлик (21-28) ҳисоботини таҳлил қилиш натижасида бир қатор дўконларда (3, 9, 18, 21, 24, 29) товарларнинг 1-4 гуруҳлари бўйича ортиқча қолдиғи аниқланди, ваҳоланки ушбу товарлар бўйича тақчиллик 1, 4, 8, 23, 26 дўконларда вужудга келди. Лекин шу вақтнинг ўзида 2-омборда ушбу товарларнинг ўртача 10-13 кунлик захираси мавжуд эди. Ушбу ҳолатларни чуқур ва тезлик билан ўрганиб товарларнинг дўконлар ўртасидаги ва омбордан олинишини оқилона ташкил қилганда товарларнинг

айланиши ўртача 5-8%га ошган ва олинадиган фойда 9-11%га кўпайган бўлар эди. Бундан ташқари, битта дўконда (12-дўкон) 5 кун ичида 17000 сўмлик товар ҳисобдан чиқарилган, демак, ушбу дўкон 17000 сўм зарар кўрган. Ушбу рақамни компания бўйича ҳисобласак ўртача 500-530 минг сўмни ташкил қилади.

Тегишли дўконлар раҳбарларининг ушбу ҳисоботига асосан, ҳар бир дўкондаги товарларнинг турларини тартибга солиш мумкин.

Мисол, ушбу дўконда 1-гуруҳ товарларига бўлган талаб анча камайди, яъни 100000 сўмлик товар қолдиғи қолди, лекин бошқа товарларга бўлган талаб ошди. Ушбу маълумотларга асосан, коммерция директори бошқа дўконлардаги шу товарга бўлган талабни ўрганиб, унинг бир қисмини бошқа дўконга ўтказиш (100 минг сўм) тўғрисида тезлик билан буйруқ беради ва талаб катта бўлган товарларни (6-гуруҳ) тезлик билан омбордан олишга ёки мустақил сотиб олишга рухсат беради.

Кейинги тақдим қилинадиган ҳисобот товар гуруҳлари бўйича уларнинг фойдалилик даражасини аниқлаш имконини яратади. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда дўконнинг сарфларига қўшиладиган билвосита харажатлар товарларнинг айрим гуруҳлари ўртасида белгиланган тартибда тақсимланади.

Шу билан бир қаторда, ушбу келтирилган ҳисобот баҳони шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни беради.

Бу ҳисобот улардан фойдаланувчиларнинг ҳоҳиши бўйича белгиланган даврларда (ҳар куни, 3, 5 кунда) тузилади ва тақдим қилинади.

Қўйидаги ҳисоботни чуқур ўрганиш натижасида қайд қилиш мумкинки, айрим товарларни сотишдан юқори даражада фойда олинса 15-20%гача (5-6 гуруҳ) бошқа гуруҳдаги товарларни сотишдан олинган фойда нисбатан кам даражада, 13%гача. Демак, дўкон раҳбарининг олдига қўйилган масала ушбу кам фойда олинадиган товарларга қўйиладиган устамаларни қайта кўриб чиқиш ва уларни гуруҳлари бўйича талабга таянган ҳолда тартибга келтириш лозимлигидир. Демак, бошқа дўконлардаги ахволларни ҳам тезликда ўрганиб чиқиб салбий ҳолатларни тугатиш, товарларнинг гуруҳларини талабга мувофиқ тартибга келтириш ва баҳо сиёсатини қайта кўриб чиқиш масаласини қўяди.

Ушбу ҳисоботда харажатларни ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларга бўлиш уларнинг масъулият марказларида ўзларини тутиш ва молиявий натижаларга таъсирини ўрганишга ёрдам беради. Айрим ҳолларда ушбу ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ушбу харажатлар яна ҳам майдалаштирилади, яъни улар моддаларга бўлинган ҳолда гуруҳланади ва таъсири ўрганиб чиқилади. Компаниянинг бутун фаолияти юзасидан тузилган йиғма ҳисобот ушбу субъект умумий фаолиятининг якунини акс эттиради ва унинг маълумотлари илгари даврдаги натижалар билан солиштирилган ҳолда таққосланиб, жорий йилдаги хўжалик фаолияти баҳоланади.

Сегментлар бўйича ўтган ойда тузилган ҳисоботларнинг маълумотларига асосан, кейинги йил учун дўконларнинг бюджетлари тузилади, масъулият марказлари юқори даражада фойда олиш учун товарларнинг гуруҳлари бўйича айланиши ва олинадиган даромади муқобиллаштирилади. Чунки ушбу ҳисоботнинг маълумотларидан компаниянинг ҳамма бўлимлари ўзларини қизиқтирган параметрлар бўйича фойдаланиши мумкин.

12-дўконнинг фаолияти бўйича ҳисобот (минг сўм). 01.03-05.03.20хх й.

№	Кўрсаткичлар	Товарларнинг гуруҳи						Жами
		1	2	3	4	5	6	
1.	Товарларнинг айланиши	50	45	55	60	80	90	380
2.	Товарнинг таннархи	32	23	31	37	47	40	210
3.	Даромад	18	22	24	23	33	50	170
4.	Дўконнинг харажатлари, жами, шундан	8	10	11	11	15	25	80
4.1	Тартибга солинадиган, жами, шундан	6	5	6	6	8	14	45
4.1.1	Ўзгарувчан	3,6	2,8	3,4	3,4	4,8	8	26
4.1.2	Ўзгармас	2,4	2,2	2,6	2,6	3,2	6	19
4.2	Тартибга солинмайдиган, жами, шундан	2	5	5	5	7	11	35
4.2.1	Ўзгарувчан	1,1	2,2	2,2	2,2	3,1	6	16
4.2.2	Ўзгармас	0,9	2,8	2,8	2,8	3,9	5	19
5.	Дўконнинг олган фойдаси	10	12	13	12	18	25	90
6.	Идоранинг сарфи, жами, шундан	3	4	5	4	6	8	30
6.1	Тартибга солинадиган	2	2,7	3	2,6	3,7	5	17
6.2	Тартибга солинмайдиган	1	1,3	2	1,4	2,3	3	13
7.	Якуний фойда	7	8	8	8	12	17	60

Юқорида таъкидлаганимиздек, товарларнинг турлари ва уларнинг айланишини назорат қилиш учун сотув бўлимини муомала сарфларининг хажми қизиқтирмайди Ҳисоботларнинг тўлиқ ва ҳар томонлама таҳлили билан тегишли бўлимнинг бухгалтери ва компаниянинг таҳлил гуруҳи шуғулланади.

Агарда ушбу ҳисоботларда бюджетнинг бажарилиши юзасидан эътиборга лойиқ фарқлар аниқланса, у вақтда ушбу таҳлил ва фарқнинг вужудга келиш сабабларини аниқлаш учун тегишли бўлимлар ҳам жалб қилинади. Агарда компаниянинг иши яхши ривож олаётган бўлса, у вақтда дўкон ва бўлимлардан кўрсаткичлар қисқартирилган ҳолда ҳисоботлар олинади.

Режалаштирилган давр (ой)нинг охирида ушбу сегментларнинг фаолиятини баҳолаш ва олинган маълумот-кўрсаткичларни чуқур таҳлил қилиш лозим. Бунинг учун эса дўконлар, омборлар ва марказий идора бўйича ҳамма зарур кўрсаткичлар акс эттирилган ҳисоботлар тақдим қилинади.

Дўконнинг ходимлари ва директорнинг ихлоси эса фақат уларнинг меҳнатини рағбатлантирган вақтдагина ошади ва ўзининг касбига меҳрини уйғотади. Натижада дўконнинг фойдасини оширишдан манфаатдор бўлган директор эса дўконнинг фаолиятида содир бўладиган ва бўлган харажатларнинг устидан қаттиқ назорат ўрнатади ва тартибга солади. Унинг ходимлари ҳам директор билан ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиб дўконнинг ривожланишига кўмаклашади. Ушбу йўналишни қўллаб қувватлаш фойданинг хажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланган иқтисодий рағбатлантиришнинг миқдори, мансаб поғоналаридан кўтарилиши ва фаолиятидаги ҳуқуқларининг кенгайтирилиши билан амалга оширилади.

20хх йил март ойида 12-дўкон бўйича бюджетнинг бажарилиши бўйича ҳисобот (минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақ.	Фарқ	Белгиси*
.	Товарларнинг айланиши- жами	860	920	60	И
	Шундан: 1-гуруҳ	320	300	-20	С
	2-гуруҳ	210	230	20	И
	3-гуруҳ	80	90	10	И
	4-гуруҳ	90	105	15	И
	5-гуруҳ	75	95	20	И
	6-гуруҳ	85	100	15	И
.	Сотиб олиш баҳоси- жами	610	680	70	С
	Шундан: 1-гуруҳ	240	272	32	С
	2-гуруҳ	160	184	24	С
	3-гуруҳ	55	62	7	С
	4-гуруҳ	60	66	6	С
	5-гуруҳ	40	43	3	С
	6-гуруҳ	55	53	-2	И
.	Ялпи даромад- жами (1-2)	250	240	-10	С
	Шундан: 1-гуруҳ	80	28	-52	С
	2-гуруҳ	50	46	-4	С
	3-гуруҳ	25	28	3	И
	4-гуруҳ	30	49	19	И
	5-гуруҳ	35	52	17	И
	6-гуруҳ	30	47	17	И
.	Муомала харажатлари- жами	180	160	-20	И
	Шу жумладан:				
	меҳнат ҳақи сарфи	60	55	-5	И
	меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратма	24	22	-2	И
	ижара тўлови	15	15	0	-
	лицензия тўлови	10	10	0	-
	АВ ва НМА эскириши	20	20	0	-
	реклама сарфи	19	18	-1	И
	идора сарфи	22	22	0	-
	бошқа сарфлар	14	12	-2	И
.	Фойда ёки зарар (3-4)	70	80	10	И

*И-ижобий, С-салбий

Ҳисоботдан кўриниб турибдики, ўтган ойда дўкон бюджет кўрсаткичларининг ҳамма параметрлари бўйича режани бажарган. Ой давомида режалаштирилган 70000 сўм фойда ўрнига 80000 сўм фойда олган. Ушбу 0000 сўм ортиқча фойда дўкон директорининг назорат қиладиган сарфларга тўғри таъсир қилишининг натижаси ҳисобланади. Тасдиқланган бюджетга асосан март ойида дўконнинг муомала харажатлари 180000 сўм қилиб белгиланган. Ҳақиқатда эса 160000 сўм сарфланиб 20000 сўм тежалган. Лекин фойда бўйича бюджет топшириғи эса фақат 10000 сўмга ортиқча бажарилган. Чунки бунга ялпи даромад режа-кўрсаткичининг бажарилмаслиги сабаб бўлган (240000-250000=10000).

Март ойида товарларнинг айланиши режалаштирилганга (920-860) нисбатан 60000 сўмга ошди. Натижада ялпи даромад бўйича режанинг бажарилмаслиги қуйидаги сабабларнинг таъсирида содир бўлиши мумкин:

■ март ойида сотилган товарларнинг сотиб олиш баҳоси режалаштирилган баҳога нисбатан ошиқ бўлган;

■ дўконларда сотилган товарларнинг ичида паст даражада устама қўйилган товарлар кўп хажмни ташкил қилган.

Демак, биринчи сабаб ушбу дўкон директорнинг қарорига боғлиқ эмас, балки бу ташқи омил, яъни тартибга келтирилмайдиган сарфлар ҳисобланса, иккинчи сабабни эса директорнинг ўзи назорат қилиши мумкин эди, чунки устама қўйиш масаласини дўконнинг директори ечаолади. Директорнинг фаолиятини баҳолаш жараёнида ушбу сабаблар ва уларнинг пеботи ишобатга олинини лозим.

Хулоса қилганда, ҳар бир дўкон фаолиятининг самарадорлиги товарларнинг айланиши хажмининг кўрсаткичи билан баҳоланади. Лекин ушбу баҳолаш холис хусусиятга эга бўлиши лозим. Ҳаётдан маълумки, аҳоли зич жойлашган ва ҳаракат қиладиган жойлардаги дўконларда савдо-сотиқ нисбатан кўп амалга оширилади. Бундан ташқари, товарларни сотиш хажми товарларнинг тури, уларга талаб ва савдо лицензиясининг мавжудлигига ҳам боғлиқ. Бу ва шунга ўхшаган масалаларни, асосан компаниянинг бош директори ечади. Ушбу омиллар дўкон директори фаолиятининг сифати билан боғлиқ эмас. Натижада ушбу омиллар у ёки бу дўконнинг бюджети шакллантирилаётганда ва унинг фаолияти баҳоланаётганда ҳисобга олиниши лозим.

Ушбу юқорида тасниф берилган ва ёритилган баҳолаш чегаралари молиявий чегараларга киради.

Фаолиятини баҳолашнинг номолиявий чегараларига эса хизмат қилишнинг сифати, сотувчиларнинг хушмуомала ва чаққонлиги киради. Чунки ушбу хатти ҳаракатлари билан сотувчилар дўкондан харидорларни қуруқ чиқармай у ёки бу товарни сотиб олишга ундайдилар.

Марказий идора ва омборлар фаолиятининг натижасини баҳолаш тартиби фойда марказларининг фаолиятини баҳолаш каби белгиланади. Қуйида март ойида марказий идоранинг харажатлар бўйича тузилган бюджетининг бажарилиши бўйича ҳисоботи келтирилган.

Харажат марказларининг ходимларини рағбатлантириш учун эса уларнинг шахсий фаолияти, қўшган хиссаси, ижрочилик қобилияти, маданияти эътиборга олинади. Рағбатлантиришлар пул кўринишида - мукофот, дам олиш уйларига ва даволашга бепул йўлланма, саёҳат, хизмат лавозимининг поғонасидан кўтарилиш кўринишида бўлади.

Б- бухгалтерия, К-компьютер бўлими, Т- таъминот бўлими, Х- кўчмас мулк бўлими, С- сотиш бўлими.

Ҳисоботда сарфланган харажатлар тўғрисида маълумотлар келтирилганлиги учун «+» белгиси ижобий ва «-« белгиси салбий ҳолатларни билдиради. Март ойида компаниянинг маъмурияти томонидан сарфланган харажатларнинг бюджетга нисбатан 160000 сўмга тежалгани кўриниб турибди. Ушбу кўринишдаги тузилган ва тақдим қилинган ҳисоботда харажатлар ушинг турлари - моддалари бўйича назорат қилишдан ташқари, ҳар бир масъулият марказлари (бухгалтерия, таъминот ва хоказо) бўйича ҳам назорат ва таҳлил қилиш имкониятини яратади. Ушбу марказларнинг раҳбарларини рағбатлантириш бош директор томонидан амалга оширилса, бўлимларнинг ходимларини рағбатлантириш эса департаментларнинг директорлари томони-

дан амалга оширилади. Ушбу рағбатлантиришнинг умумий суммаси компаниянинг бюджетида айрим моддада келтирилади.

Демак, ушбу компанияда сегментлар бўйича ҳисобни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилишдан кўзланган асосий мақсад унинг молиявий барқарорлигини ўстиришдир.

Компания идорасининг март ойидаги бюджетининг бажарилиши бўйича ҳисобот (минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақ.	Фарқи	Бўлим коди
1.	Меҳнат ҳақи сарфлари	1810	1740	-70	5
2.	Меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратма				
3.	Йўлларда фойдаланиш солиғи				
4.	Маиший хизмат сарфлари				
5.	Товарларни божхонадан ўтказиш ва экспертиза сарфлари				
6.	Транспорт хизмати сарфлари				
7.	Мулкларнинг суғуртаси сарфи				
8.	Алоқа хизматлари сарфи				
9.	Ҳисоблаш техникаларини асраш ва улардан фойдаланиш сарфи				
10.	АВ ва НМА эскириши				
11.	Банк ва шкассатция хизмати				
12.	Ижара тўловлари				
13.	Идора сарфлари				
14.	Хизмат сафари сарфлари				
15.	Реклама сарфлари				

24.	Бошқа сарфлар				
	Жами	9250	9090	-160	-

АДАБИЁТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ

1. «Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Қонун. Тошкент. 1996 й.
2. «Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси». Тошкент. 1997 й.
3. «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолияти тўғрисида» Қонун. Тошкент. 2000 й.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон: Бозор муносабатларига ўтишнинг ўз усуллари бор». Тошкент. «Ўзбекистон». 1993 й.
5. Каримов И.А. «Иқтисодий ислоҳот - масъулиятли босқич» Тошкент. «Ўзбекистон» 1994 й.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура». Тошкент. «Ўзбекистон». 1996 й.
7. Каримов И.А. «Бунёдкорлик йўлидан». Тошкент. «Ўзбекистон». 1996 й.
8. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Тошкент . «Ўзбекистон». 1998 й.
9. Каримов И.А. «Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича» Тошкент. «Ўзбекистон». 2000 й.
10. Каримов И.А. Жамиятда табиркорлик руҳини қарор топтириш тараққиёт гарови. Туркистон газетаси 2001 й. 18 июль.
11.«Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида». Низом. Тошкент. 1999 й.
12. «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» Низомнинг шархи. Тошкент. 1999 й.
13.Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (00-22). Тошкент. 1998-2004 й.й.
14. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. Тошкент. 1999-2003 й. й.
15. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси ва уни қўллаш бўйича кўрсатма. Тошкент. 2001 й.
16.Аксененко А.Ф., Бобижонов М.С., Паримбаев Ж.Ж. «Управленческий учёт ва промышленных предприятиях в условиях формирования рыночных отношений». Москва. ООО «Нонпарель». 1994 г.
17.Астахов В.П. "Бухгалтерский (финансовўй) учёт". Москва. ИКЦ "Март". 2003 г.
18.Бабажанов А., Джуманиязов К. «Финансовый учёт». Ташкент. ТГЭУ. 2001г.
19.Бакаев А.С., Шнейдман Л.З. «Учётная политика предприятия».

Москва. «Бухгалтерский учёт». 1997 г.
20.Балабанов И.Т. «Основы финансового менеджмента: как управлять капиталом?». Москва. «Финансы и статистика». 1994 г.
21.Безруких П.С. «Состав и учёт издержек производства и обращения». Москва. ФБК «Контакт». 1996 г.
22. Бобожонов О., Жуманиязов К. «Молиявий ҳисоб». Тошкент. «Молия» 2002 й.
23. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. Тошкент. 1998 й.
24. Вахрушина М.А. «Бухгалтерский управленческий учёт». Учебник. Москва. «Финстатинформ». 2000 г.
25. Вил Р.В., Палий В.Ф. «Управленческий учёт». Москва. «ИНФРА-М». 1997 г.
26. Вохидов С.В. ва бошқалар. «Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби». «Адабиёт жамғармаси», Тошкент. 2004 й.
27.Врублевский Н.Д. «Управленческий учет издережек производства и себестоимость продукции в отраслях народного хозяйства». Москва. «Бухгалтерский учет». 2004 г.
28. Друри К. «Управленческий и производственный учет». Москва. «UNITY». 2003 г.
29. Друри К. «Введение в управленческий и производственный учёт». Москва. «ЮНИТИ». 1997 г.
30. Жуманиёзов К., Мақсудов Б. «Бошқарув ҳисоби асослари». Тошкент. «Фан». 2000 й.
31.Карпова Т.П. «Управленческий учёт». Москва. «ЮНИТИ». 2000 г.
32.Ковалев В.В. «Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчётности». Москва. «Финансы и статистика». 1995 г.
33.Ковалев В.В., Соколов Я.В. «Основы управленческого учёта». СПб.: Лист. 1991 г.
34. Кодирхонов С.Б., Жуманиязов К.К. «Чет эл фирмаларида бошқарув ҳисобини юритиш асослари». Тошкент. 2000 й.
35.Крейнина М.Н. «Анализ финансового состояния и инвестиционной привлекательности акционерных обществ в промышленности, строительстве и торговле». Москва. ДИС. 1994 г.
36.Кутер М.Н. «Теория и принципы бухгалтерского учёта». Москва. «Финансы и статистика». 2000 г..
37.Малькова Т.Н. «Теория и практика международного бухгалтерского учета». Санк-Петербург. «Бизнес пресса». 2003 г.
38.Мельник М.В. «Анализ и оценка систем управления на предприятиях». Москва. «Финансы и статистика». 1990 г.
39.Мюллер Г., Гернон Х., Миик Г. «Учёт: международная перспек-

тива» (пер. с англ.) Москва. «Финансы и статистика». 1993 г.
40. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. «Принципы бухгалтерского учёта» (пер. с англ. 2-е изд.) Москва. «Финансы и статистика». 1993 г.
41. Николаева С.А., Шишкова Т.В. «Управленческий учёт». Москва. УРСС. 2001 г.
42. Пиримбаев Ж. «Управление и управленческий учёт». Бишкек. «ЖЭКА» Лтд. 1999 г.
43. Принципы инвестирования. Москва. СП «Crocus inter». 1992 г.
44. Райан Б. и др. «Стратегический учёт для руководителя». Москва. Аудит. ЮНИТИ. 1998 г.
45. Рахман З., Шеремет А.Д. «Бухгалтерский учёт в рыночной экономике». Москва. ИНФРА-М. 1996 г.
46. Рельян Я.Р. «Аналитическая основа принятия управленческих решений». Москва. «Финансы и статистика». 1989 г.
47. Рожнов В.С. «Информационное обеспечение хозяйственной деятельности предприятия». Москва. «Финансы и статистика». 1987 г.
48. Синк Д. Скотт «Управление производительностью: планирование, измерение и оценка. Контроль и повышение» (пер. с англ.) Москва. «Прогресс». 1989 г.
49. «Справочник директора предприятия». Москва. ИНФРА-М. 1996 г. С.408-411
50. Стоянова Е. «Финансовый менеджмент». Российская практика: учебник. Москва. «Перспектива». 1994 г.
51. Ткач В.И., Ткач В.В. «Управленческий учёт: международный опыт». Москва. «Финансы и статистика». 1994 г.
52. Управленческий учёт. Ташкент. USAID. PRAGMA. 2000 г.
53. Управленческий учёт. Под ред. А.Шеремет. Москва. ИД ФБК ПРЕСС. 1999 г.
54. Шеремет А.Д., Суйц В.П. «Аудит». Учебное пособие. Москва. ИНФРА-М. 1995 г.
55. Шим Дж., Сигел Джоэл Г. «Методы управления стоимостью и анализа затрат». Москва. Филинъ. 1996 г.
56. Фридман П. «Аудит. Контроль затрат и финансовых результатов при анализе качества продукции». (пер. с англ.) Москва. Аудит. 1994 г.
57. Холт Р. «Основы финансового менеджмента» (пер. с англ) Москва. «Дело». 1993 г.
58. Хорнгрен Т., Фостер Дж. «Бухгалтерский учёт: управленческий аспект» под ред. Я.В.Соколова. Москва. «Финансы и статистика». 2000 г.
59. «Экономика предприятия», университетский учебник (пер. с англ.) под ред. Ф.Беа и др. Москва. ИНФра-м. 1999 г.
60. Энтони Р., Рис дж. «Учёт: ситуации и примеры» (пер. с англ., предисл. А.М.Петрачкова). Москва. «Финансы и статистика». 1993 г.

61. Яругова А. «Управленческий учёт» (Management accounting) Опыт экономически развитых стран. (пер. с польского С.Н.Рогозиной, Г.И.Лебедевой). Москва. «Финансы и статистика». 1991 г.
62. Ansoff I. «Corporate strategy». New York. Mc Grow Hill. 1995 y.
63. Hax A.C. «The strategy concept and progress». Prentise Hall Inc. 1996 y.
64. Kotler Ph. «Marketing management: Analysis, Planning, Implementation and Control». 1994 y.
65. Porter M. «Toward a dynamic theory of strategy strategic management». Journal, 12. (winter 1991).

МУНДАРИЖА

Кириш.....3

I-боб. Бошқарув ҳисоби, унинг моҳияти ва концептуал асослари.....7
1.1 Бошқарув ҳисоби ва унинг концептуал асослари.....7
1.2 Хўжалик юритувчи субъектнинг ахборот тизимида бошқарув ҳисобининг аҳамияти ва ўрни.....13
1.3 Бошқарув ва молиявий ҳисобнинг боғлиқлиги ва ўзаро таққосланиши...16
1.4 Бозор иқтисоднёти шароитида бошқарув ҳисобини такомиллаштиришнинг зарурияти.....26
Хулосалар.....33

2-боб. Бошқарув ҳисобининг предмети, услуби ва бажарадиган вазифалари ...34
2.1 Бошқарув ҳисобининг предмети.....34
2.2 Бошқарув ҳисобининг услуби ва усуллари.....36
2.3 Бошқарув ҳисобининг принциплари.....40
2.4 Бошқарув ҳисобининг функциялари (бажарадиган ишлари) ва бухгалтернинг фаолияти.....43
2.5 Бошқарув ҳисобининг тизими.....47
2.6 Бошқарув ҳисобининг таркибий қисмлари.....50
Хулосалар.....53

3-боб. Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти бўйича харажатларини туркумлаш.....55
3.1 Ишлаб чиқариш жараёнлари бошқарув ҳисобининг объектидир.....55
3.2 Товар-моддий заҳираларини ишлаб чиқариш ҳамда сақлаш бўйича сарфланган харажатларнинг таркиби ва уларнинг туркумланиши.....61
3.3 Ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг умумий туркумланиши...65
3.4 Сотиш ҳамда молиявий фаолият билан боғлиқ бўлган харажатлар ва уларнинг туркумланиши.....67
3.5 Хўжалик фаолиятини ташкил қилиш ҳамда юритиш билан боғлиқ харажатларнинг таркиби ва уларнинг туркумланиши.....70
Хулосалар.....72

4-боб. Бошқарув ҳисобининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда харажатларни туркумлаш.....73
4.1 Харажатларни ҳисобга олишнинг моҳияти ва аҳамияти.....73
4.2 Ишлаб чиқариш ҳисоби-харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг умумий (бир-бирлик) жараёнидир.....74

4.3 Бошқарув ҳисоби тизимида харажатларни баҳолаш усуллари.....79
4.4 Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш ва баҳолаш мақсадида харажатларни туркумлаш.....84
4.5 Бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бизнес-режа тузиш учун ишлаб чиқариш харажатларини туркумлаш.....88
4.6 Фаолиятни назорат қилиш ва тартибга солиш мақсадида харажатларни туркумлаш.....91
4.7 Маҳсулотнинг таннархини бошқариш мақсадига жавоб берадиган харажатларнинг ҳисоби ва калькуляция объектлари.....94
Хулосалар.....99

5-боб. Бошқарув ҳисобининг ташкилий тизими.....101
5.1 Технология жараёнлари ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг асосидир.....101
5.2 Бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг мустақил (автоном) ва интегралланган усуллари.....104
5.3 Бошқарув ҳисобининг ташкилий жараёнида фойдаланиладиган баҳолаш ва назорат ахборотлари.....113
5.4 Хўжалик юритувчи субъектларда харажатли маъсулият марказлари ва рентабелликни шакллантириш.....116
5.5 Товар-моддий захираларини яратиши ва уларни сақлаш харажатларини ҳисобга олиш.....120
5.6 Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш харажатларини ҳисобга олиш.....124
5.7 Ишлаб чиқаришнинг устама харажатларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш.....128
5.8 Ярим тайёр махсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархини ҳисоблаш.....135
5.9 Давр харажатларини ҳисобга олиш ва уларни бошқариш.....150
5.10 Бошқарув ва молиявий ҳисобларининг счётларида хўжалик муомалаларини қайд қилиш.....158
5.11 Субъект бўлинмаларининг фаолияти бўйича ички ҳисоботларининг таркиби ва мазмуни.....164
Хулосалар.....166

6-боб. Ишлаб чиқариш харажатларини меъёрлаштириш, режалаштириш ва уларнинг сарфланиши устидан назорат қилиш.....169
6.1 Субъект бўлимларининг фаолиятини бошқаришни назорат қилиш тизими.....169
6.2 Меъёрий харажатлар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти.....172
6.3 Ишлаб чиқарилган меъёрлар ва уларни фарқининг сарфланган харажатлар устидан назорат қилиндаги ўрни.....177

6.4 Хомашё ва материалларнинг сарфлари бўйича меъёрларни ишлаб чиқиш, товар-моддий заҳиралари ва харажатларни баҳолаш.....181
6.5 Трансферт баҳолар ва уларнинг товар-моддий захиралар таннархига таъсири.....187
6.6 Товар-моддий захираларни сотиб олиш харажатларининг сметаси ва ички кучларидан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш.....191
6.7 Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджети, уни тузиш тартиби ва бошқарув ҳисобидаги аҳамияти.....193
Хулосалар.....199

7-боб. Ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини калькуляция қилиш тизими.....202
7.1 Харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш тизимини туркумлаш.....202
7.2 Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг буюртмали усули.....205
7.3 Жараёнли усулда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш.....215
7.4 Стандарт-кост (Standart costs) тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш.....226
7.5 Директ-костинг тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш.....229
7.6 Харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг меъёрий усули.....233
7.7 Харажатларни ҳисобга олишнинг меъёрий усулини жорий қилишда қўлланиладиган ҳисоб регистрлари.....239
7.8 Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг турлари ва хўжалик фаолиятининг натижаси.....244
Хулосалар.....250

8-боб. Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти юзасидан қабул қилинган қарорларнинг таҳлили ва бошқарув ҳисоби.....253
8.1 Тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш ва бошқаришни ахборот билан таъминлаш.....253
8.2 Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини пасайтиришининг асосий концепцияси (тамойили).....255
8.3 Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий захираларни бошқариш.....258
8.4 Ишлаб чиқариш захираларининг жамғармасини режалаштириш ва назорат қилиш.....260
8.5 Товар-моддий захираларнинг муқобил (оптимал) ҳажмини ҳисоблаш ва

уларни жойлаштириш вақтини аниқлаш.....263
8.6 Меъёрлаштирилган (стандарт) харажатлардан четга чиқишларни таҳлил қилиш.....272
8.7 Бошқарув қарорини қабул қилишда ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгаришни (динамикаси)ни таҳлил қилиш.....278
8.8 Ишлаб чиқариш зararсизлигининг таҳлили ва қарорларни қабул қилиш...283
8.9 Маҳсулотнинг ҳажми ва турларини ишлаб чиқаришни назорат қилиш...288
8.10 Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг баҳоси ва ҳажми билан фойданинг ўзаро алоқаси.....292
8.11 Маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш бўйича қарорлар қабул қилиш.....295
8.12 Капитал қўйилмаларни амалга оширши юзасидан қарорларни қабул қилиш.....298
Хулосалар.....303

9-боб. Хўжалик юритувчи субъектнинг сегментлари бўйича ҳисоботи.....306
9.1 Субъектнинг сегментлари бўйича ҳисобот, унинг аҳамияти ва тузиш тартиби.....306
9.2 Сегментлар бўйича ҳисоботлар ва масъулият марказларининг фаолиятини баҳолаш.....314
9.2.1. Тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини баҳолашга молиявий ва бошқарув ҳисобларининг ёндашуви.....314
9.2.2. Масъулият марказларининг фаолиятини баҳолашда қўлланиладиган молиявий чегара (критерия)лар.....319
9.2.3. Масъулият марказларини бюджетлаштириш ва фаолиятининг натижаларини баҳолаш.....326
9.2.4. Маъсулият марказларининг фаолиятини баҳолашнинг номолиявий чегара (критерия)лари.....335
9.3 Субъектларнинг сегментлари бўйича ҳисоботларни тузиш тартиби ва улиби маълумотлардан фойдаланиш имкониятлари.....340
9.3.1 Фаолият кўрсатаётган ташкилий таркибнинг самарадорлигини таҳлил қилиш.....340
9.3.2 Масъулият марказларининг фаолиятини баҳолаш ва сегментлар бўйича ҳисобот тизимининг босқичлари.....345

Адабиётларнинг рўйхати.....356

CONTENTS

Introduction.....3

PART-I. Essence and conceptual basis of managerial accounting.....7

1.1. Essence and conceptual basis of managerial accounting.....7
1.2.Essence and role of managerial accounting in regulating of information system of a household.....13
1.3. Relations between managerial accounting and financial accounting, and their comparison.....16
1.4. Necessity of managerial accounting development in market economy.....26
Conclusions.....33

Part-II. Object, methods and tasks of managerial accounting.....34

2.1. Object of managerial accounting.....34
2.2. Methods and types of managerial accounting.....36
2.3. Principles of managerial accounting.....40
2.4.Functions of managerial accounting and accountant's activity.....43
2.5. Managerial accounting system.....47
2.6.Structure of managerial accounting.....50
Conclusions.....53

Part-III. Division of costs according to households regulatory activities.....55

3.1.Production is the object of managerial accounting.....55
3.2. Division and structure of production and storage costs.....61
3.3. General division of production costs.....65
3.4.Selling and financial costs and their division.....67
3.5. Structure and division of regulating and organizing costs of household activity 70
Conclusions.....72

Part-IV. Types and divisions of costs in managerial accounting.....73

4.1. Essence and meaning of costs calculation.....73
4.2.Calculation of production costs and general trend of production cost calculation.....74

4.3.Ways of costs evaluation in managerial accounting system.....79
4.4. Calculation and evaluation of product's cost.....84
4.5.Division of production costs for writing a business plan and accepting managerial institutions.....88
4.6.Generalization of costs for control and regulation.....91
4.7.Expenditures for regulation of production costs and their calculation.....94
Conclusions.....99

Part-V. Organizational system of managerial accounting.....101

5.1.Technology and production are the basis of managerial accounting.....101
5.2. Independent and integral methods for organizing managerial accounting...104
5.3.Evaluating and regulative information of managerial accounting activity....113
5.4.Cost and responsible centers of household regulation subject and development of profitability.....116
5.5.Formation of commodity resources and calculation of their storage costs...120
5.6.Calculation of costs of labor resources utilization.....124
5.7.Calculation and distribution of production over-head costs.....128
5.8.Half-product and not finished costs cost calculation.....135
5.9.Calculation of periodic costs and their management.....150
5.10.Recording of household circulation in the managerial and financial accounts.....158
5.11.Indicators structure and essence of internal reports according to the activities of branches.....164
Conclusions.....166

Part-VI. Normalization and planning of production costs and their regulation...169

6.1.Activity of subject-divisions and control of management system.....169
6.2. Normal expenditures, their essence, meaning and their role.....172
6.3. Elaborated norms and their role in controlling the calculation of spent expenditures.....177
6.4.Elaboration of norms according to costs of raw materials and resources.....181
6.5. Transfert evaluation and its effects on the price of commodity-material resources.....187
6.6. Estimation purchasing of commodity-material resources and elaborating norms of labor force utilization.....191
6.7.Budget of regulatory subjects of household, its structure and the essence of managerial accounting.....193

Conclusions.....199

Part-VII. System of expenditure calculating of produced goods and services.....202

7.1. Record of production expenditures and division of the calculation structure of products' cost.....202
7.2. Record of production expenditures and the proper way of calculation of production cost.....205
7.3. Expenditures in production process and the calculation of product cost.....215
7.4.Record of expenditures according to standard cost system and calculation of product cost.....226
7.5.Record of expenditures according to direct cost system and calculation of product cost.....229
7.6.Record of expenditures and normal method of calculation of product cost...233
7.7.Account registers applied for the usage of normal method.....239
7.8.Types of recording of product expenditures and results of household activity...244
Conclusions.....250

Part-VIII. Analysis and calculation of laws on the activity of regulatory subjects of household 253

8.1.Planning of eutrepreneurship activity and informative management.....253
8.2. Main conceptions for decreasing product cost.....255
8.3. Management of material resources needed for production.....258
8.4. Planning and regulation of production resources.....260
8.5.Calculation of commodity-material resources and defining the storage time...263
8.6.Analysis of expenditures that are that exceeds the planned ones.....272
8.7.Analysis of elasticity of production expenditures in the process of management.....278
8.8.Analysis of product's harmfulness and acceptance of instructions.....283
8.9.Regulation of the volume and types of production of a good.....288
8.10.Relationship of profitability and price and volume of a product.....292
8.11.Accepting instructions on producing of new type of products.....295
8.12.Accepting instructions on capital placements.....298
Brief conclusions.....303

Part-IX. Segment accounting of regulatory subjects of household.....306

9.1.Essence, meaning and constructing rules of segment accounting.....306

9.2.Segment accounting is the basis for evaluation of the entrepreneural activity.....314
9.2.1.Fiancial and management accounting in the evaluation of the entrepreneural activity.....314
9.2.2.Financial criteria in the evaluation of responsible center's activity.....319
9.2.3. Non-financial criteria in the evaluation of responsible center's activity...326
9.2.4.Tasks of segment accounting of household regulatory subjects of household and its construction stages.....335
9.3.Preparation of segment accounting of household regulators subjects of household and facilities for information usage.....340
9.3.1.Analysis of the profitability of organizational division's activity.....340
9.3.2.Budgeting of the activities of responsible centers and evaluation of real results.....345

LIST OF BIBLIOGRAPHY.....356

Ортиқбой Бобожонов
Каримбой Жуманиёзов

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ

ДАРСЛИК

Нашр учун масъул:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори
Қурбонмурод Жумаев
Мусаввир:
Акбарали Мамасолиев.
Мусаҳҳис:
Шерзод Ирзоев
Компьютерда саҳифаловчи:
Махфуза Аминжонова

Теришга берилди 04.11.2004 й. Босишга рухсат этилди 15.05.2005 й.
Қоғоз формати 60x84 $^1/_{32}$. Офсет босма усулида босилди.
Нашр босма тобоғи 23. Нусхаси 2000.
Буюртма № 93

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.
700000, Тошкент, Ж-Неру кўчаси,1-уй

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп қилинди.
Тошкент шаҳри, Хадича Сулаймонова кўчаси, 33-уй